

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Тиб қонунлари



УЧ ЖИЛДЛИК САЙЛАНМА

2

ЖИЛД

ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ
НОМИДАГИ
ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЁТИ

И 13

Ибн Сино, Абу Али

Тиб қонунлари: (Уч жилдлик сайланма). (Тузувчилар: У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев). Ж. 2 — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.— 304 б.

Шайхурраис Абу Али ибн Сино авлодларга катта мерос қолдирди. Унинг тиббиёт, илоҳиёт, мантиқ, адабиёт соҳасига алоқадор ўнлаб нодир асарлари ҳануз қимматини йўқотмаган.

Азиз китобхон! Ибн Сино «Тиб қонунлари»га бўлган талабистакларни ҳисобга олиб, нашриётимиз бу қомусий китобни 3 жилдлик сайланма ҳолда чоп этишни лозим кўрди. Қўлингиздаги 2 жилдда асаб, юрак, меъда, буйрак касалликлари ва уларни даволаш учун ишлатиладиган содда ва мураккаб дориларга оид тавсияларга кенг ўрин берилди.

«Тиб қонунлари» — Шарқ табобатига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Тузувчилар ва нашрга тайёрловчилар: Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзоси Абдулла КАРИМОВ, Беруний мукофоти совриндори Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Ибн Сино, Абу Али. Канон медицины: В 3 т. Т. 2

ББК 5 г.

410060000 —
С М 351 (04)—92 42—92

ISBN 5—86184—062—9

© Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992 йил.

© У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев, 1992 йил.



БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

**АИРИМ АЪЗОЛАРДА ЮЗ БЕРАДИГАН
ЖУЗЪИЙ КАСАЛЛИКЛАР**

**МИЯДА ТУРЛИ ҲОЛЛАРНИ ПАЙДО ҚИЛУВЧИ БОШ
КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ СЎЗ**

Билгинки, [қуйида] санаб кўрсатилган касалликларнинг ҳаммаси бошда пайдо бўлади; лекин бу ерда бош деганда биз, кўпинча, — мия ва унинг пардаларини назарда тутамиз. Бу ерда бошдаги соч касалликларига тўхтамаймиз.

Энди айтамикки, мияда саккиз хил мизож бузилиши пайдо бўлади; улар моддасиз ва моддали бўлиши мумкин. Модда ё буғ моддаси, ёки [маълум бир] қуюқликка эга модда бўлади. Мияда рутубатдан пайдо бўладиган касалликлар кўп бўлади. Ҳар бир мияда — дастлабки яратилишда тозаланиши зарур бўладиган ортиқча рутубат бўлади. У тозаланиши бола бачадонда эканида, ёки ундан кейин бўлади. Агар у тозаланмаса, ундан катта қийинчиликлар келиб чиқади. Мия касалликларининг ҳаммаси деярли ё мия жисмида ё унинг томирларида, ёки пардаларида бўлади. Мияда таркиб [тузилиш] касалликлари пайдо бўлади: бу касаллик ё бошнинг ҳажмига тегишли бўлади, масалан, бош керагидан кичик ё катта бўлади, ёки бошнинг шаклига [муносабатли] бўлади, масалан [бош] табиий шаклидан ўзгарган бўлади ва бундан миянинг ишларига зарар етади. Ёки мия йўллари ва томирлари [тиқилмалар] билан тўсилади; тиқилмалар эса ё олдинги қоринчада, ё орқа қоринчада, ёки иккала қоринчада ҳам бўлади ва улар қисман тўсади ёки батамом тўсади, [тиқилмалар яна] веналарда ё артерияларда, ёки асаблар ўсадиган ўринларда бўлади. [Таркиб касалликларида] яна пардаларнинг боғичлари чиқиб кетади ёки миянинг иккала бўлаги ажралади.

Мияда узлуксизликнинг бузилиши касалликлари пайдо бўлади; бу [касалликлар] миянинг ўзида, унинг артерия ва веналарида, ё пардаларида, ёки бош косасида бўлади.

Мия моддасининг ўзида ё унинг юпқа пардасида, ё қалин пардасида, ё *шабакада*, ёки сиртқи пардада шишлар пайдо бўлади. Шу шишларнинг ҳаммаси иссиқ ё совуқ хилтларнинг биридан [пайдо бўлган] моддадан вужудга келади. Сасиган совуқ хилтлардан пайдо бўлган шиш иссиқ шишларга қўшилади; тинч совуқ хилтлар эса совуқ деб исмлиниши керак бўлган шишларни пайдо қилади. Сен шу касалликлардан ташқари бўлган ёки улардан келиб чиқмайдиган биронта ҳам мия касаллигини учрата олмайсан.

Мия касалликлари мияга хос бўлади ёки [бошқа бирор аъзонинг] ҳамкорлиги билан бўлади. Баъзан [ана шундай] ҳамкорлик касалликларида мияга етадиган зарар шу қадар кучаядики, ниҳоят у мияга хос касалликка айланиб, ўлдирувчи бўлади. Кўпинча, зотилжам ва томоқ оғриғи касалликларида ўлдирувчи, бўғувчи моддалар мияга боради. Кўпинча, бошқа ҳамкор аъзодаги касаллик сабабли мия ўлдирувчи *сакта* касалига дучор бўлади.

МИЯ АҲВОЛИНИ УРГАНИШДА ЗАРУР БЎЛГАН БЕЛГИЛАР

Биз айтамызки, миянинг турли ҳолларини ўрганишимиздаги манба ва воситалар қуйидагилардан иборат: сезиш ва муҳокама ишлари, яъни эслаш, фикр қилиш, тасаввур, хаёл қилиш қуввати ва фаросат, шунингдек ҳаракатлантирувчи қувватлар, сўнгра миядан чиқариладиган чиқиндиларнинг қуюқ-суюқлиги, ранг ва мазадаги сифатлари, яъни [унинг] ўткир, шўр, аччиқ, ёки мазасизлиги, яна [чиқиндининг] оз ва кўплик миқдори, ёки унинг мутлақо тўхталиб қолиши; ҳаво ва таомларнинг [мияга] ёқиши, ёқмаслиги ёки зарар етказиши; бошнинг катта ва кичиклиги, унинг суяклар бобида эслатилган яхши ва ёмон шакллари, [бошнинг] оғир ва енгиллиги, уни ушлаб кўрганда қандай сезилиши, бош ва ундаги томирларнинг ранги, бош терисида пайдо бўладиган яра ва шишлар, кўз ва ундаги томирларнинг ранги, кўзнинг соғлиги ва касаллиги, айниқса уни ушлаб кўрганда қандай туюлиши, уйқу ва бедорлик ҳоллари, сочнинг миқдори, яъни [унинг] озлиги, кўплиги, [унинг] йўғон ва ингичкалиги, сочнинг сифати, яъни [унинг]

жингалак ва силлиқлиги, қора, қизғиш, сариқ ва мал-
лалиги, тез ва кеч оқариши, сочининг соғлом туриши,
ёки унинг ёрилиб, ё тушиб, ё тўкилиб касалланиши ва
бошқа ҳоллари; бўйиннинг йўғон ва ингичкалиги, унинг
соғломлиги, ёки унда шиш ва қулғуна [яраларининг]
кўп ё оз пайдо бўлиши, шунингдек тилча, бодомсимон
безлар ва тишларнинг ҳоли. Мияга ҳамкор бўлган кўп
асабли аъзоларнинг қувват ва ишлари, масалан, бача-
дон, меъда ва қовуқ каби аъзоларнинг ишига асосланиб
ҳам [мия ҳақида ҳукм чиқарилади]. Ҳамкор аъзога қа-
раб далил олиш икки турли бўлади: бири — мияда пай-
до бўлган [касалликда] мия билан ҳамкор бўлган
аъзонинг ҳолига қараб миядаги [касаллик] ҳақида ҳукм
чиқарилади. Иккинчиси — ҳамкорлиги сабабли мияга
алам берадиган аъзонинг ҳолидан белги олинади,
[яъни] ўша аъзо қайси ва ундаги касаллик нима экан-
ини ва аламнинг мияга қандай етганини аниқланади.

Бу белгилардан [миянинг] ҳозирги пайтдаги ишлари
ва ҳолларига, баъзан эса, ҳозирда йўқ бўлиб келгуси-
да пайдо бўладиган [ҳолларга] далил олинади. Маса-
лан, узоқ вақт ғамгинлик ва маъюслик — пайдо бўлиш
олдида турган меланхолияга, ёки яқинда пайдо бўла-
диган *қутрубга* далил бўлади. Уринсиз ғазабланиш
тутқаноққа, ё ҳароратли меланхолияга ёки *мониега* бел-
ги бўлади. Сабабсиз кулги эса аҳмоқликка ёки бефаро-
сатликка далил бўлади.

БОШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ АЛОМАТЛАРИ БИЛАН БИРМА-БИР [БАЁН ҚИЛИШ]

Бу ва бундан илгариги фасл бош аҳволига далиллар
топиш тўғрисида биз баён қилган усул ва қонунларнинг
натижаси кабидир. Уша [кўрсатилган] далилларни
эсда тутиш керак, шунда бош касалликлари ҳақида
сўзланадиган ҳар бир бобда уларни қайтаришга ҳожат
қолмайди. Агар биз [ўша далилларни] бирор фаслда
қайтадан сўзласак, буни шу фаслда ўша умумий қонун-
ларнинг қўлланиш кайфиятини билишга ёрдам берсин,
деб қиламиз. Шунда ҳам ўша бир фаслда айтмоқчи бўл-
ган нарсаларга тегишли [қоидалар] билан чекланамиз.
Шунингдек, бошнинг хусусий [касалликларини] даво-
лашда умумий қонунлар бобига доимо мурожаат қили-
шинг керак. Лекин умумий қонунлар қаторида баён
қилинмай, айрим [касалликлар] билан бирга кўрсати-
лиши зарур бўлган [далиллар] бундан мустаснодир.

Моддасиз бузилган иссиқ мизожнинг белгилари: [бошда] оғирлик бўлмай туриб алангаланиш, уйқусизлик, ҳаракатларнинг тартибсизлиги, хаёлларнинг чалкашлиги, ғазабнинг тез пайдо бўлиши, кўз қизариши, совутувчи нарсалардан манфаатланиш ва қиздирувчи нарсалардан зарарланиш.

Моддасиз бузилган совуқ мизожнинг белгилари: бошда оғирлик бўлмасдан, [уни ушлаб кўрилганда] совуқ туйилиши, ялқовлик, бўшанглик, юз ва кўз рангининг оқариши, хаёлларнинг нуқсонли бўлиши, қўрқоқликка мойиллик, қиздирувчи нарсалардан манфаатланиш ва совуқ нарсалардан зарарланишдир.

Моддасиз бузилган қуруқ мизожнинг белгилари [бошдаги] енгиллик, илгари бўшатиш бўлганлиги, бурун тешикларининг қуруқлиги ва уйқусизликнинг кўпайишидан иборат.

Моддасиз бузилган ҳўл мизожнинг белгилари: ялқовлик, [бошда] оғирлик кам бўлатуриб бўшашиш, оқиб чиқадиган нарсаларнинг кам ёки ўртача [миқдорда] оқиши, ниҳоят даражада унутувчанлик ва кўп ухлаш.

Моддасиз мураккаб [бузилган] мизожларнинг аломати икки турли мизож аломатларининг қўшилишидан [иборат]. Қуруқлик бўлатуриб иссиқликнинг кучайганлигига уйқусизлик ва ақл чалкашлиги далил бўлади; [қуруқлик билан бирга] совуқликнинг кучайганлигига *жумуд* деб аталадиган касалликка ўхшаш бир ҳолат далил бўлади; баъзан [совуқлик] шу касалликка олиб келади.

Иссиқлик борлигида ҳўлликнинг кучайганлигига унчалик қаттиқ бўлмаган уйқунинг кўпайиши далил бўлади, ҳўллик билан бирга совуқликнинг кучайганлигига эса қаттиқ уйқу белги бўлади. Шу баён қилганларимизга оддий далиллардан ташкил топган бошқа мураккаб далиллар ҳам қўшилади.

Турли моддаларнинг кўнайганлик аломатлари [қуйидагилардан иборат]: сафро [моддаси] ҳаддан ортиқ бўлмаган [бош] оғирлиги, ачишиш, алангаланиш, қаттиқ куйиб ёниш, бурун тешикларининг қуруқлиги, ташналик, уйқусизлик, юз ва кўзларнинг сариқлигини [келтириб чиқаради].

Қон моддаларининг кўнайганлигига [бошдаги] оғирликнинг кўпайиши ва баъзан унга лўқиллашнинг ҳам биргалашиб келиши далил бўлади. Шу билан бирга юз ва кўзларнинг кўпчиши, рангининг қизиллиги, томирларнинг бўртиб туриши ва узоқ ухлаш [каби ҳоллар], пайдо бўлади.

Совуқлик балғам моддаларининг кўпайганлигидаги белгилар: совуқ сезилиши, узоқ вақтгача азиятланиб юриш, юз ва кўз рангининг кам қизиллиги, оғирлик сезиш билан бирга юз ва кўзлардаги сариқликнинг камлиги, — лекин балғамли моддада [бошдаги] оғирлик кўпроқ бўлади, — яна ялқовланиш, бефаросатлик, узоқ уйқу, унутиш ҳамда юз, кўз ва тилнинг қўрғошин рангида бўлиши.

Савдо моддасининг кўпайганлигига [бошдаги] оғирлик камроқ бўлиб, уйқусизликнинг кучлироқ бўлиши, васваса, бузуқ фикрлар ҳамда юз, кўз ва бутун бадан рангининг ўзгариши белги бўлади.

Иссиқ шишларнинг аломатлари: доимий иситма, оғирлик, лўқиллаш, кўз чуқуригача бориб етадиган оғриқ, — баъзан шу билан бирга кўз гўлаги ҳам ирғиб чиқади, — ақл чалкашлиги, томир уришининг тезлиги ва ҳарорат.

Агар [шиш] миянинг ўзида бўлса, томир уриши тўлқинсимон бўлади, агар у мия пардаларида бўлса, оғриқ кучлироқ бўлиб, томир уриши аррасимон бўлади.

Балғамли шишларнинг аломатлари: унутиш, узоқ уйқу, [бошдаги] оғирликнинг кўпайиши, томир уришининг тўлқинсимонлиги, [бадан этининг] бўшашиб кўпчишидан иборат.

Савдоли шишларнинг белгилари: уйқусизлик, сезиларли оғирлик билан бирга васваса ва томир уришининг қаттиқлиги.

Биз шу [фаслда] баён қилиниши керак бўлган нарсалардан миянинг кучсиз ва кучлилигини кўрсатувчи белгиларни, мияда [бирон] хилтнинг кўпайганлигини билдирувчи далилларни, мияга хос касалликлар ҳам унда ҳамкорлик натижасида бўладиган касалликларнинг белгиларини бош оғриғи бобида баён қиламиз деб бу ерда ёзмадик. Уларни бош оғриғи бобидан қидирилсин! У [бобда] бу ерда келтирилмаган далиллар келтирилгандир. Уларни бошқа бобларга кўчирилсин!





БОШ ОҒРИҚЛАРИ [ВА] УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ТУҒРИСИДА

БОШ ОҒРИҒИ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ СУЗ

Бош оғриғи [судо] бош аъзоларида бўладиган оғриқдир. Ҳар бир оғриқнинг сабаби мизожнинг тўсатдан ўзгариши ва унинг зиддига айланиши, ёки узлуксизликнинг бузилиши, ёки шу ҳар иккаласининг бирлашиб келишидир. Мизож ўзгариши маълум ўн олти турнинг бири [бўлиши мумкин]. Мизож ҳўллиги оғриқ пайдо қилмайди; агар у ҳаракатланувчи модда билан бирга бўлса, у вақтда узлуксизликнинг бузилишини пайдо қилиб [алам беради]. Узлуксизликнинг бузилиши нима экани маълум, унинг сабабларига қараб бўладиган турлари ҳам маълум. Оғриқ пайдо қилувчи иккала сабабнинг бирга келиши шишларда кўрилади. Шишлар ҳам, сен билганингдек, турларга бўлинади, у турлар тўртта.

[Юқоридаги сабабларнинг] ҳаммаси мия моддасининг ўзида, ёки мияни ўраган пардада, ёки уни ўраган иккала пардада, ёки томирларда, ёки бош суягининг сиртидаги пардада бўлади, чунки улар ўртасида анатомия [бобида] айтганимизга кўра маълум алоқалар бордин. Гоҳо шу аъзолардан қайси бирини бўлса ҳам азиятлантираётган сабаб ўша аъзонинг ўзида бўлади, баъзан эса унга бошқа бир аъзонинг ҳамкорлиги сабаб бўлади. [Ҳамкор] аъзо бош аъзолари билан асаб тармоқлари орқали уланиб турган аъзо [бўлиши мумкин], масалан, меъда, бачадон, кўкрак-қорин тўсиғи ё бошқа аъзолар, агар улар бўлса, ёки мия билан вена ва артерия томирларининг тармоқлари орқали уланиб турган аъзо, масалан, юрак, жигар ва талоқ, ёки мия билан бирон бошқа йўлда қўшничилик қилувчи аъзо, масалан, бош тагига ўрнатилган ўпка каби; ўпкадаги зарарланиш мияга ҳам ўтади. Ёки у [аъзо] бир томондан бирор бошқа аъзога, иккинчи томондан эса мияга ҳамкор аъзо бўлади; масалан [миянинг] буйрак оғриқларидаги ҳамкорлиги каби.

Бош оғриқлари баъзан бутун гавданинг ҳамкорлиги туфайли пайдо бўлади; масалан, иситмаларда шундай бўлади.

Ҳамкорлик билан бўладиган [бош оғриқлари] ҳамкор аъзодаги сабабнинг [юзага чиқиши], даври ва навбатларига қараб даврлар ва навбатлар билан ўтади: масалан, меъда ҳамкорлиги билан бўладиган [бош оғриғи] меъдага сафро ёки бошқа моддаларнинг қуюлиш даврларига қараб даврлар билан ўтади, турли иситмаларнинг зўрайиш даврларида пайдо бўладиган бош оғриқлари ҳам бунга мисол бўлади.

Бош оғриғи бошқа жиҳатдан ҳам қисмларга бўлинади, уларнинг баъзиси айрим сиртқи сабаблар натижасида пайдо бўлади; масалан хуморийлик вақтидаги бош оғриқ, ҳали у хуморийлик сабабли бўлиб турса ва хуморийликдан келиб чиққан ҳамда ундан кўра кучлироқ бирон сабабнинг ўрнашиши натижасида у бош оғриғи ҳам ўрнашиб қолмаган бўлса, [мисол бўла олади]. Саримсоқ ва бошқа шу каби иссиқлик нарсаларни ейишдан пайдо бўладиган бош оғриғи ҳам шунга мисол бўлади. Илгаридан пайдо бўлиб, уланиб келган ва ўрнашиб қолган сабаб натижасида келиб чиққан [бош оғриғи ҳам] шулар жумласидандир. Сабабнинг ўрнашиши [натижасида] бош оғриғи ҳам ўрнашиб қолади.

Баъзан [бош оғриғи] белги сифатида пайдо бўлиб, кейин у [мустақил] касалликка айланади. Агар у ўткир иситмалардан кейин [мустақил] касаллик бўлиб қолса, мия касалликларидан дарак беради ва табиатнинг бурун қонаш орқали моддани тўла суратда ҳайдашдан ожиз эканига далолат қилади, яна у, модданинг жавҳарига ва ҳаракатларига қараб бошқа касалликлардан ҳам дарак беради; улар уйқучанлик, *сакта*, жиннилик, бўшашиш, ёки карлик каби [касалликлардир].

Бош оғриғи қаерда эканлигига қараб [ҳам] қисмларга бўлинади: баъзан у бошнинг ярмида бўлади; агар шу хил оғриқ доимий одат бўлиб қолса, уни *шақиқа* деб аталади. Баъзан [оғриқ] бошнинг олдинги ва баъзан кейинги бўлагида бўлади, баъзан эса бутун бошни ўраб олади. Шу кейингиси доимий ва одат бўлиб қолса уни *байза* ва *худа* [«темир қалпоқ»] деб аталади; бутун бошни ўраб турадиган ҳарбий темир қалпоққа ўхшатиб шундай исм билан аталади.

Бош оғриғи қаттиқ, ўртача ва кучсиз бўлиши билан ҳам турлича бўлади. Бош оғриғи баъзан шу қадар кучли

бўладики, агар у суяклари юмшоқ бўлган бола бошининг тепасида бўлса, уни ёради ва дарзини ажратиб юборади. Баъзан [оғриқ] кучсиз, *литаргус* касаллигида [бўладиган бош оғриқлари], кўпинча шундай бўлади. Кучсиз бош оғриғи баъзан доимий бўлади, баъзан эса доимий бўлмайди. Сабаби кучсиз бўлган бош оғриғи баъзи кишиларда бўлиб, баъзиларда бўлмайди. У, мия сезгиси кучли бўлган кишида пайдо бўлиб, мия сезгиси кучсиз бўлган кишида пайдо бўлмайди. Умуман, мия сезгиси кучли бўлган кишида бош оғриғи пайдо қилувчи ҳар бир кичик сабабдан ҳам бош оғриғи бўла беради.

Қисқа қилиб айтганда, мия бошни оғритувчи сабабларни ё ўзининг кучсизлиги туфайли тез қабул қилади — [Қонуннинг] умумий қисмида кучсизликнинг бузуқ мизожга алоқадор эканини билдинг, — ёки ўз сезгисининг кучлилиги туфайли шундай қилади; бунда у ҳар бир арзимас сабабдан ҳам азиятлана беради. Сўнгра, баъзан бош оғриғи ҳеч қандай белги ва кўринишларга эга бўлмайди ва баъзан эса бош қисмида яширин қолаётган турли белгиларни келтириб чиқаради; масалан, бош оғриғи қаттиқ бўлса, бош қисмида шишлар пайдо қилади; баъзан [бош оғриғи] бошқа аъзоларга ўтадиган белгиларни пайдо қилади, масалан, унинг азияти, зарар етказиши, ё шиш пайдо қилиши асабларнинг илдишларига ўтиб, тиришиш пайдо қилади, ёки уларнинг бир қисми меъдага ўтиб, иштаҳасизлик, ҳиқичоқ, кўнгил айнаш, ҳазм кучсизлиги ва шуларга ўхшаш [белгиларни] пайдо қилади.

Билгинки, узоққа чўзилувчи бош оғриғи ё балғам сабабли, ё савдо сабабли, ё бошнинг кучсизлиги сабабли, ё қаттиқлаша бошлаётган шиш сабабли ёки қаттиқлашган иссиқ шиш сабабли пайдо бўлади. Бу [сўнггиси] кўпроқ бўлади.

Бош оғриғи ва умуман, ҳамма касалликлар яна қуйидаги жиҳатдан турлича бўлади: баъзи касалликлар «бўйсунувчан» бўлади, бу шундай касалликки, унга керакли тадбирни қилишга ўзида тўсқинлик бўлмайди. баъзиси эса «бўйсунмайдиган» ва ўз «ҳамроҳига» эга бўлади, бу хил касаллик керакли тадбирни қўллашга тўсқинлик қилади. Масалан, баъзи бош оғриғи назла билан бирга пайдо бўлиб, назла бош оғриғига керакли тадбирни ишлатишга тўсқинлик қилади.

Бош оғриғи яна бошқа жиҳатдан ҳам қисмларга бўлинади: баъзи хил бош оғриғи гоҳо соғлом кишида пайдо бўлади, баъзиси шишлар ва касалликларга учраган кишида юз беради.

Баъзи кишилар борки, улар бош оғриғига қобилиятли бўладилар. Улар мия ва ҳазм аъзолари кучсиз кишилар бўлиб, уларнинг баданларида буғлар пайдо бўлади, меъдаларига сафро хилтлари қуйилади, кейин булар бош оғриғи пайдо қилади. Шунингдек, ейиладиган нарсаларнинг ичида ҳам бош оғриғини келтириб чиқарадиганлари борки, уларни содда дорилар жадвалларида эслатиб ўтилди. Дориворларнинг ҳаммаси, айниқса Цейлон долчини, *қуст*, заъфарон, долчин ва амом бош оғриғини пайдо қилувчи нарсалардир. Буғ пайдо қилувчи нарсаларнинг ҳаммаси ҳам, хоҳ улар иссиқлик бўлсин, хоҳ совуқлик бўлсин, бош оғриғини пайдо қилувчилардир. Лекин уларни бирин-кетин ишлатилса, яъни буғининг иссиқлиги билан азият берувчи нарса олдин, совуқ буғ пайдо қилувчи нарса кейин, ёки бунинг аксича ишлатилса, у вақтда улар бир-бирини даф қилиб [бош оғриғи пайдо қилмайди]. Аммо азият фақат [нарсанинг] сифати билан бўлмай, балки унинг миқдори билан ҳам бўлса, у хил нарсаларни бирин-кетин ишлатиш фойда қилмайди, балки зарар қилади.

Гоҳо совуқдан бўладиган бош оғриғи қишда ҳуқна ишлатиш сабабли кўпаяди.

Ёз шимол томон ёзи каби бўлиб, кам ёмғирли бўлса, куз эса жануб кузи каби бўлиб, ёмғирли бўлса, қишда бош оғриғи кўпаяди.

Артериялар ёмон буғларни бошга етказгани сабабли ҳам, кўпинча бош оғриғи пайдо бўлади.

БОШ ОҒРИҒИДА ҚУЛЛАНАДИГАН УМУМИЙ ТАДБИР

Бош оғриғи сабабининг тўхтатиш зарурлиги ва зидди билан унга қарши туриш зарурлиги жиҳатидан бошқа касалликлар билан бир қаторда туришлигини сен биласан. Бош оғриғини кетказиш учун ундан кейин қиладиган фойдали тadbирлар оз ейиш, оз ичиш, айниқса, шаробни оз ичиш ва кўп ухлашдан иборат. Кўп ейиш чўзилган бош оғриғида зарар бергани каби ҳаддан ташқари оз ейиш ҳам иссиқ [мизождан бўлган] бош оғриғига зарар етказиши. Бош оғриғини [йўқотиш] учун осойишталикдан, шунингдек жинсий алоқа ва [узоқ] фикр қилиш каби [моддани] ҳаракатлантирувчи нарсаларни тарк қилишдан кўра фойдали иш йўқдир.

Моддали [бош оғриқларни] даволашда моддаларни иссиқлик ҳуқна дорилар билан бўлса ҳам, энг қуйинга тортиш учун ҳаракат қилиш керак. Бунда ҳуқна дори-

ларни кучайтириш лозим, шунда уларнинг жигар ва меъда теварагидаги моддаларни бўшатишлари мумкин бўлади. Моддани қуйига тортиш ва [касални] бош оғригидан тинчитишда оёқни уқалаш кучли тадбирлардандир, шунда бош оғригига учраган киши, кўпинча ухлаб қолади, баъзан уқалашни оғриқ босилгунча давом эттирилади.

Суртма ва қўйиб боғланадиган дорилар ишлатилишини тиласанг, [бош оғриғи] иссиқ ёки совуқ бўлишидан қатъи назар, у кучли ва эскирган бўлса, сочни қириш зарур бўлади: бу нарса дори қувватининг бош ичкарасига ўтишига жуда ёрдам беради. Бош тепасига хамир ёки юнгни чамбарак шаклида қилиб қўйиш ҳам шу жиҳатдан фойдалидир; чамбарак қилинганда бошга қуйиладиган суюқ дори оқиб кетмайди, мия уни шимиб олади ва ҳаво унинг қувватини тезда кетказа олмайди. Пелегрый айтади: «Пешона томиридан қон олиш, бошнинг қуйи қисмига доимо қортиқлар қўйиб туриш, оёқ-қўлларни уқалаш, уларни иссиқ сувга солиш, оз-оз юришга одат қилиш, қоринни кўпчитувчи ва буғ пайдо қилувчи ҳазми суст овқатларни ейишни тарк қилиш бош оғригининг кетишини ва қайтиб келмаслигини истаган киши учун жуда фойдалидир».

Мен айтаман: кўпинча биз боши оғриган кишининг оёқ-қўлларига иссиқ сув қуйишни давом эттирганимизда [у киши] бош оғригининг оёқ-қўлларига тушиб шу билан тарқалаётганини сезар эди. Билгинки, нордон овқатлар боши оғриган кишиларга ёқмайди, лекин бош оғриғи меъда ҳамкорлиги билан бўлиб, ўша нордон овқат меъда оғзини тозалайдиган, кучайтирадиган ва унга сафро қуйилишига тўсқинлик қиладиган нарсалар хилдан бўлсагина [ёқади]. Чўзма бош оғриғи билан бирга азият берувчи бошқа бирор ҳолат пайдо бўлса, тадбирни унга қарши ҳам йўналтир, чунки ўша ҳолат, кўпинча, ўзининг пайдо бўлишига сабаб бўлган туб касалликнинг [яъни бош оғригининг] кучайишига сабаб бўлади. Масалан, уйқусизлик касаллиги бош оғриғи сабабли пайдо бўлиб кейин зўрайса, унинг ўзи бош оғригининг кўпайиш сабабларидан бири бўлиб қолади, шунда уни йўқотиш зарур бўлади. Чунончи, биз мисол қилиб келтирган ҳолларда, қовоқ ёғи, тол ёғи, нилуфар ёғи, кофур билан хушбўй қилинган сут ва бошқа нарсаларни ишлатишга муҳтож бўлинади. Баъзан [касалга] бир оз увуштирувчи дори бериш ва уни ухлатишга эҳтиёж тушади. Назла биргалашган ҳар бир бош оғриғида

ёғлар ва бошқа нарсалар билан бошни совутиш ва рутубатлантиришга кўп ҳаракат қилма, балки бўшаттириш, қўл ва оёқларни боғлаш, уларни уқалаш ва иссиқ сувга солиш [тадбирларини] қўлла.

Қуввати ичкарига ўтадиган дорини бошга ишлатмоқчи бўлсанг, юқорида билганингдек уни тож чоки жойлашган ердаги миянинг олдинги қисми ва бош тепасидан бошқа ўринга ишлатишинг керак эмас, чунки ичкарига ўтадиган [дори] шу икки жойдангина ўтиши мумкин. Бошнинг орқа бўлагига келсак, уни ўраб олган суяк қаттиқроқ бўлиб, мияга ўтиши зарур бўлган дори ундан ўта олмайди; агар уни кучлаб ўтказмоқчи бўлинса, унинг фойдаси бошнинг олдинги бўлагига ва бош тепасига ишлатиш билан чекланганидан ортиқ бўлмайди, шу билан бирга у дори совутовчи бўлса, асаблар чиққан жойга ва орқа миянинг тубига зарар етказди, ваҳоланки бунинг кераги йўқ.

Бошнинг лўқиллаб оғриши гоҳо иссиқ ва совуқ шишлар билан бирга бўлади. Бу томир ҳаракати каби лўқиллайдиган [бош оғриғидир]. Агар унга иссиқ [шиш] сабаб бўлса, совутовчи мулоим дориларни ишлат. Бўйин чуқурчасига қортиқ қўй, икки чаккага зулук сол ва қўл-оёқларни боғла! Агар совуқ [шиш] сабаб бўлса, тарқатувчи дориларни ишлат, у дорига яна кучайтирувчи ва бир оз совуқ нарсани аралаштир, масалан, гул ёғига газлагўт ёки ялпиз қўшилади.

Шундай бош оғриғи болаларда кучайиб бош чокларини ажратиш даражасига етса, уларни даволашда мақталган тадбир — бошни тузли сув билан ювгандан кейин, майин янчилган зарчавани гул ёғи ва сиркага аралаштириб суришдир. Агар бурунга юбориладиган тарқатувчи кучли дориларни ишлатмоқчи бўлсанг, «Қонунда» айтилганига мувофиқ, уларни аста-секин ишлат. Имконият топсанг, увуштирувчи дориларни ишлатмаслигинг лозим. Шундай бўлса ҳам биз увуштириш орқали бош оғриғини тўхтатадиган дорилар ботида улардан баъзиларини баён қиламиз.

Билгинки, қусиш бош оғриғида ишлатиладиган даволардан эмас. У боши оғрийдиган кишига қаттиқ зарарлидир, лекин бош оғриғи меъдадаги [касаллик] сабабли ва меъда ҳамкорлиги билан бўлса, қусиш фойда қилади. Бошнинг орқа қисмида бўладиган бош оғриғи иситмадан бўлмаса, унинг иложи энг аввал касалнинг кучига қараб қайнатма дори билан бўшаттиришдир; кейин томирдан қон олинади.

Бирон кишининг бошида кўчиб юрадиган оғриқ бўлиб, уни совуқ тўхтатадиган бўлса, оғриқ давом этиб чиқиндиларни бошга тортмаслиги учун томирдан қон олиш ёки қортиқ кўйиш лозим.

ШАҚИҚА [МИГРЕНЬ] ҲАҚИДА

Биз айтамызки, *шақиқа* бошнинг бир томонида кўз-ғаладиган оғриқдир. Жолинус эса уни бошнинг ўртасигача шопловчи [оғриқ] деб таъриф қилади. Унинг сабаби баъзан бош косасининг ичида, баъзан косани сиртдан ўраб турувчи пардада бўлади; кўпинча чакка мушакларида бўлади. [Унинг сабаби] бош косасининг сиртида бўлса [оғриқ] бошга тегишни кўтара олмайдиган даражага етади. Моддалар оғриқ ўрнига ташқи веналар ёки артериялар орқали ёки миянинг ўзи ва пардалари орқали етишади, бунда, кўпинча, [бош косасининг] чоклари орқали кўтарилади. [*Шақиқа*] гоҳо баданнинг ҳаммасидан ёки [бош оғриғи] бўлаётган томондаги бирор аъзодан чиқаётган буғлардан пайдо бўлади. Агар *шақиқа* вужудга келса, у, кўпинча, даврий бўлади. У, кўпинча, хилтлардан пайдо бўлади. Моддасиз бузилган мизождан *шақиқа* деярли вужудга келмайди.

Хилтлардан бўладиган *шақиқа* иссиқ хилтлардан, совуқ хилтлардан, еллардан ва буғлардан бўлиши мумкин, буларнинг аломатларини билдинг. Совуқ моддадан бўладиган *шақиқа* иситиш билан тезда босилади ва унда тортишиш ҳам сезилади. Ҳароратли [модда билан бўладиганида бошни] ушлаб кўрилганда иссиқ туюлади, чаккаларида лўқиллаш сезилади ва совутувчи нарсалардан роҳатланади. Шунингдек, оғриқ зўрайганда совуқ [моддали *шақиқада*] совуқлик ва иссиқ [моддалигида] иссиқлик сезилади.

Даволаш. [*Шақиқани*] «темир қалпоқ» бош оғриғидаги ва бошқа [бобларда] билганингга мувофиқ томирдан, айниқса, пешона ва чакка томиридан қон олиш, сурги дори ва ҳуқналар ишлатиш ҳамда моддани қаршига тортиш билан даволанади, буларнинг ҳаммасини асосий қондалар бобида сенга айтилганларга мувофиқ қилиб ишлатилади. Қарободинда эслатилган сабр ивигилган сачратқи суви иссиқдан бўлган *шақиқада* фойда қиладиган дорилардан саналади. Бу дорилардан ҳар гал бир *уқиядан* олти *уқиягача* ичирилади. Пешона томиридан ва шунингдек, бурун томиридан қон олиш ҳам жуда фойдалидир.

Агар [шақиқа] даврий бўлса [тутишидан] бурун бутун баданни тозалаб, кейин мизожни ўзгартириш керак. Модда иссиқ бўлса, афюн, меҳригиё илдизининг пўстлари, укроп, мингдевона ва кофурдан иборат увуштирувчи дориларни икки чаккага қўясан ва оғриқ ўрнини асосий қондалар бобида айтилган нарсалар билан совутасан. [Шақиқага учраганларга] гоҳо ёзув сиёҳи ҳам фойда қилади, уни бошнинг касал томонига суртилади. Заъфарон, шақиқага учраганларнинг пешоналарига суриладиган дорилардандир. Бу кишиларга яна газагўт ва ялпизни сиёҳ ва гул ёғи билан қўшиб тайёрланган қуюқ суртма ҳам фойда қилади. Шунингдек, Қарободинда айтилган Павел кулчаларини ҳам суртилади. Яна дафна дарахтининг меваси ва газагўтнинг баргидан бир бўлакдан ва хардалдан ярим бўлак олиб, сув билан қўшиб, қуюқ суртма қилиб ишлатилади. Зирних ва олакулангдан оғриқ ўрнини қавартирадиган даражада қилиб тайёрланган мумли суртма ундан кўра ҳам фойдалироқдир. Ёки тоғ газагўтнинг елимидан тайёрланган [мумли суртма ишлатилади], бу яра пайдо қилади ва доғлашдан келадиган фойдани беради.

Модда жуда совуқ бўлса, фарфшон, хардал, назла ўти ва шуларга ўхшаш дорилар билан қуюқ суртма қилинади. Аммо узоқ вақтга чўзилган [шақиқа] ҳамма вақт ҳам совуқ [моддадан келган] бўлиб, унга қарши тарқатувчи ва кучли қиздирувчи дорини ишлатишга тўғри келади. Биз Қарободинда суртиладиган ва қўйиладиган дорилардан умумийларини ва шақиқага хосларини баён қилганмиз, ўша дорилар ишлатилсин. Баданни бўшаттириб тозалаганингдан кейин суртиладиган дориларни ишлатмоқчи бўлсанг, олдин оғриқ томондан чакка мушагини [шақиқа] тутиш олдида қўлинг ва дағал сочиқ билан ишқа, кейин суртмани ишлат.

Увуштирувчи дори ишлатишга тўғри келиб лўқиллаб оғриш қаттиқлашса, оғриқ томондаги чакка артериясига афюн ва анзиратгўштхўрни буриштирувчи дорилар билан бирга суртма қилиб ишлатиш фойда қилади. Ёки чаккага юқорида доғлаш қондаларида айтилиб ўтилганидек қилиб, ўша ерга лойиқ қўрғошин ёки тахтача боғланса, лўқиллатиб оғритаётган кучли томир уришга тўсқинлик қилади.

Баъзи қадимги табиблар узоққа чўзилган шақиқада тажриба қилинган ва бир хотин кишидан ўрганилган фойдали бир тадбирни баён қиладилар. Бу шундай: ёввойи бодринг илдизи ва эрманни сув ва зайтун ёғида

титилгунича қайнатиб, бошнинг оғриётган томонига шу сув ва ёғни иссиқ ҳолида қуйилади ва чўкиндисини қуюқ суртма қилиб боғланади. Уша хотин ҳар гал шу дорини ишлатганида *шақиқа* хоҳ иситмали бўлсин, хоҳ иситмасиз бўлсин, тузалар экан. [Шақиқада ишлатиладиган] қуюқ суртмаларнинг ҳеч бири хардал қуюқ суртмасидек [фойдали] эмас. Агар касаллик узоққа чўзилса, тоғ ғазагўти елими, ковул илдининг пўсти, денгиз пиёзи ва *фарфиюнларни* янчиб, элакдан ўтказилади ва райҳоний шароб билан қориб қуюқ суртма қилинади. Бу, ҳақиқатда ҳам, жуда фойдали даводир. [Шақиқага учраганларга] дастлаб ҳаммомга тушиш ва иссиқ сувда бир неча мартагача энгашиб туриш ҳам фойдали ишлардан ҳисобланади. Кейин уларнинг бурунларига писта ёғи юборилади, бу оғриқни ўша соатдаёқ икки кифтига туширади.

Қарободинда келтирилган нусхаларни ва содда дорилар лавҳаларида кўрсатилган содда дориларни териб ол.

ЛИТАРҒУС, ЯЪНИ СОВУҚ САРСОМ, УНИНГ ТАРЖИМАСИ «УНУТИШ» ДЕМАҚДИР

Қалла суюгининг ичкарасида бўладиган балғамли шишга литарғус дейилади; бу балғамдан вужудга келадиган *сарсомдир*. [Шиш] кўпинча мия моддасининг йўлларида бўлиб, унинг пардаларида, қоринчаларида ва мия мағзида бўлмайди, чунки балғам мия пардаларининг қаттиқлиги сабабли улардан камдан-кам ўтади ва йиғилади, мия моддасига ҳам унинг ёпишқоқлиги сабабли [кам ўтади]. Шунингдек зотилжам касаллиги ҳам кўпроқ вақт сафродан бўлиб, балғамдан бўлиши камдан-кам учрайди, чунки балғам асабларга бой бўлган қаттиқ пўст жавҳарига қийинлик билан ўтади. Бироқ бу кам учрайдиган ҳоллар иккала [касалликда] ҳам ҳар ҳолда бўлиши мумкин ва бундай шишнинг мия мағзи ва унинг пардаларида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Бу касаллик ўз белгисининг исми билан аталган, чунки *литарғус* [сўзининг] таржимаси «унутиш» бўлиб, бу касалликда доимо унутиш юз беради. Бунинг [шундай] аталиши кўп табибларни янглиштиради, улар бундан ғараз совуқ шишдан пайдо бўладиган касаллик эканини билмайдилар ва бу касалликни худди унутишнинг ўзи, деб тушунадилар. Баъзи табиблар мияда бўладиган ҳамма совуқ шишни хоҳ у савдодан бўлсин, хоҳ балғамдан бўлсин, *литарғус* деб атасалар ҳам қа-

димги табибларнинг кўпчилиги бу исми балғамдан бўладиган совуқ [шишгагина] берадилар. Сен иккала хил [шишни] ҳам шундай аташинг мумкин.

Бу касалликнинг моддаси бош айланиш касаллигининг моддасига яқиндир, лекин у [мияда] қаттиқроқ ўрнашади. Бу касаллик балғам хилтини ва буғни пайдо қилувчи ҳар бир нарсадан туғилаверади, шунинг учун у, кўпинча, пиёз ейишдан пайдо бўлади.

Даволаш. Агар бирор монелик бўлмаса, олдин қон оласан, кейин ўткир ҳуқна дориларини ишлатасан, моддаларни кўйига тортасан, хардал ва асалга буланган патни [касалнинг] томоғига тегизиб қустирасан; [касални] ёруғ уйга ётқизиб, қаттиқ ухлашга қўймасдан доимо уйғотиб турасан. Дастлабки [даволашда] гул ёғи ва сиркани [бошга суртиш билан] моддани қайтарасан, сўнгра касаллик бошланишидан икки кун ўтгач, бу [дориларга] қундуз қири аралаштириб сирка ўрнига денгиз пиёзининг сиркасини ишлатасан. Совуқ сув ичирмайсан, агар ичирсанг оз ичир, айниқса, касалликнинг бошланишида ва охирига яқинлашганда шундай қил, [касалликнинг] охирида эса совуқ сувни бутунлай берилмайди. Кейин баданига зайтун ёғи, табиий сода, қичитқийўт уруғи, мозариюн уруғи, мурч, назла ўти ва шунга ўхшашлар суртилади. Бундан ташқари тарқатувчи қуввати кучли бўлган қўйиладиган дорилар, ҳидланадиган ва аксиртирадиган дорилар, ичига тоғжамбил, зуфо, ялпиз, каклик ўти солинган [моддани] суюлтирувчи томоқ чайиладиган дорилар, шунингдек асал, денгиз пиёзи ва [даволаш] қоидалари бобида билган бошқа нарсаларингдан тайёрланадиган томоқ чайиладиган дорилар ишлатилади. Агар [касалнинг] бошига денгиз пиёзини, айниқса унинг ҳўлини ишлатсанг жуда фойда қилади. Яна бошқа қизартирувчи дорилар ва хардалдан тайёрланиб чапиладиган дорилар ҳам ишлатилади. Оёқ-қўлларини қизариб оғригунича ишқалаб уқаланади, бу жуда фойдалидир. Агар [касал] оғир уйқуга чўмиб кетса, сочларини тортилади ва бўйин чуқури олдига тилмасдан кучсиз олов ёрдами билан кўп қортиқ қўйилади, баъзан қон бўшатилиши керак бўлса, тилишга ҳам тўғри келади. Уларни овқатлантирганинда Миср боқиласининг қайнатмаси, арпа қайнатмаси ва нўхат қайнатмасини берасан. Овқатлантиргандан кейин буғлар юқорига тортилмаслиги, учун [касалнинг] қўл-оёқларини бир неча соат уқалатиш керак.

Агар касалликнинг узоққа чўзилиши сабабли сурги

дори ичиришни лозим топсанг, айниқса [унинг баданида] титраш пайдо бўлса, учдан икки *мисқол* қундуз қирини озгина, яъни бир *донақдан* камроқ *сақмуниё* билан қўшиб ичирасан. Агар иситманинг жуда кўтарилиб кетишидан қўрқсанг, *сақмуниё* қўшмай, қундуз қирининг ўзинигина ичир ва сурги қилмасдан мизожни ўзгартириш билан чеклан. Бундай [ҳолларда] энг яхши бўшатиш ҳуқна билан бўладиган бўшатишдир. Агар [ҳуқна дорилардан] бошқа дорилар ишлатишга мажбур бўлсанг, бир *дирҳам* иёраж фикрони тўртдан бир *дирҳам* Абу Жаҳл тарвuzининг гўшти, учдан бир *дирҳам* ҳалила ва бир *донақ* мастаки билан бирга ичирасан; шунда ҳам агар иситма қаттиқ бўлмаса ва ичирилган дорининг суришига инонсанг шундай қиласан. Агар бунга ишонч бўлмаса, у кишига тагидан кўтариладиган дорини ёки *шиёф* дорини кўтартир, шунда иккаласи бир-бирига ёрдам беради. Кейин [касални] уйғотиб, кучаниб ёзилишга буюр. Агар [касал] сийиш ва ёзилишни унутса, сийдик йўллари [жойлашган] томонга ва қорнига бобуна, қашқар беда, бинафша ва гулсапсар илдизи солиб қайнатилган сувларни қуюсан ва сийдириш учун қовуғини силатасан. Кейин касаллик пасая бошласа, беланчак ва замбил кажавага солдир, сўнгра энгил бадантарбия ва касалдан турганларни даволаш тадбирини ишлат.

ЭСЛАШ [ҚОБИЛИЯТИНИНГ] БУЗИЛИШИ

Бу — бефаросатликка ўхшайди, лекин бунда [зарарланиш] миянинг орқа бўлагида бўлади, чунки у мия орқа бўлаги ишларидан бирининг озайиши, ёки унинг ҳамма ишларининг бутунлай йўқ бўлишидан иборатдир. Жолинуслик фикрича, унинг биринчи сабаби содда совуқлик, ёки қуруқлик билан бирга бўлган совуқлик, — бунда кўрилган нарсанинг шакли [мияда] ўрнашмайди, — ёки ҳўллик билан бирга бўлган совуқликдан иборат бўлади, бу кейинги ҳолда [мияда] ўрнашган шакллар сақланиб қолмайди. [Совуқликнинг] қуруқлик билан бирга бўлганига уйқусизлик белги бўлади, ҳамда бундай [касал] олдин ўтган нарсаларни эсида сақлаган ҳолда, ҳозирги ва шу пайтдаги нарсаларни эслай олмайди. Агар [совуқлик] ҳўллик билан бўлса, унга оғир уйқу белги бўлади ва ундай киши ўтган нарсаларни ҳеч эслай олмайди, аммо ҳозирги нарсаларни ўтган нарсалардан кўра кўпроқ муддат эсида сақлаши мумкин. Агар [сабаб] фақат содда совуқликнинг ўзи бўлса, увушиш

на бош айланиб кўз олдининг қоронғиланиши пайдо бўлади.

[Эслаш қобилиятининг бузилиши] баъзан иссиқлик билан қуруқликдан бўлиб, бунда ақл чалкашиши ҳам нужудга келади. Бу [касаллик] мия [орқа] бўлагининг ўзида, ёки унинг қоринчасида ёки унинг томирларида пайдо бўлади. Гоҳо [эса бузилиши] чаккадаги хилтлар ёки мизож бузилишининг мияга бориб етишидан ҳам келиб чиқади. Буни баъзи қадимги табиблар айтган бўлиб, у тажриба қилинган ва кўрилган нарсалардан-дир. Эслаш қобилиятининг йўқолиши ёки бузилиши, кўпинча, совуқлик ва ҳўлликдан, гоҳо, миядаги шишлардан айниқса, совуқ шишлардан пайдо бўлади.

Билгинки, соғлиқ пайтида унутиш касаллигига учраш тутқаноқ, *сакта* ва *литарғус* каби оғир мия касалликларидан дарак беради.

Эслаш қобилиятининг бузилиш сабаблари ва турларининг белгилари. Буларни юқорида эслатилган қоидалардан билиш керак ва биз уни ҳар бир касалликни баён қилганимизда қайтариб ўтирмаймиз.

Даволаш. Иссиқлик ва қуруқлик натижасида [эслаш қобилиятининг бузилишини] даволаш осонроқ бўлиб, у ҳақда неча марталаб айтиб ўтилди. Ёлғиз қуруқликдан бўлганини даволашда касалга ҳўлловчи мўътадил овқатлар бериш, унинг бошини дағал қаттиқ латта билан ишқалаш ва уқалаш йўли билан бадантарбия қилдириш ҳамда қўл ва оёқларини ҳаракат қилдириш керак. Умуман кучли бўлмаган, балки қоринни очирадиган кўп овқат ейишни, дам олиб ётишни, ухлашни ва ҳаммомга тушишни талаб қилдирадиган даражада бадантарбия қилдириш керак. Шунингдек машҳур қиздирувчи қуюқ суртма дорилар билан [бошни] иситиш лозим, биз у дориларни қайтадан айтмаймиз; яна бошга тинмай қортиқлар қўйиш ва қизартирадиган дорилар ишлатиб [иситиш лозим]. Баъзан бош орқасини икки жойдан доғлаш ва бобуна, қашқарбеда ва така почалари солиб қайнатилган сувларни [бошга қуйиб], ёғлардан эса гулсапсар, нарғиз ва шаббўй ёғини [бошга суртиб] ишлатишга эҳтиёж сезилади.

Совуқ ва рутубатли моддадан бўлган [эс бузилишини] даволашда моддани етилтиргандан кейин ўзингга маълум бўлган дорилар билан бўшаттир. [Касал] жуда ёруғ уйда турғизилсин. Бўшатишда дастлаб *иёраж*, Абу Жаҳл тарвuzининг гўшти ва қундуз қири каби енгил дорилардан бошлаш керак, сўнгра аста-секин **катта**

иёражларга, ундан кейин, агар мизожнинг иссиққа айланиб бузилиш хавфи бўлмаса, *балозур* маъжунига ўтилади, чунки бу маъжун зеҳни кучайтириш ва эса сақлаш қобилиятини яхшилашда жуда кучлидир. Яна ўзингга маълум бўлган қизартириб иситувчи, томоқ чайиладиган ва ҳидланадиган дориларни ишлат. [Рутубатни] қуритишда шовилмасдан, секин-аста қилиш керак. Бўлмаса қуритиш туғма ҳўлликни ҳам йўқ қилиб юборади ва натижада мизож совуқлиги келиб чиқади, бу эса унутишни кўпайтирадиган нарсалардандир.

Ундай касалликка учраган кишилар маст бўлишдан, шамол ўтадиган жойларда туришдан ва тўлиқликдан сақланишлари керак, улар сувда ювинишдан ўзларини мутлақо сақлашлари керак, чунки, иссиқ сув бўшаштиради, совуқ сув эса увуштириб сезувчи руҳга зарар етказди. Агар уларда тўлиқлик пайдо бўлса, енгил тадбирлар қўлланилади. *Сакта* пайдо қилувчи, [бошни] оғирлатувчи, увуштирувчи ва буғ пайдо қилувчи овқатлардан ҳам сақланишлари керак.

Ичкиликка келсак, буни қорин тўлгунча ичиш жуда зарарлидир, ози эса кишини шодлантиради, руҳни кучли ва зийрак қилади, кўп сув ичишга ҳожат қолдирмайди, кўп сув ичиш улар учун энг зарарли нарсадир. Туш пайтида кўп ухлаш, умуман кўп уйқу, айниқса, унинг жуда тўлиқлик ҳолатдагиси ҳам улар учун зарарлидир. Ўтакетган уйқусизлик ҳам руҳни кучсизлантиради ва тарқатади, шу билан бирга мияни буғга тўлғизади. Бу хил [касалларга] игир мураббоси ва узунчоқ мурч мураббосини бериб тажриба қилинган, уларнинг иккаласи ҳам эса сақлаш қувватини орттиради. Мана бу дори ҳам тажриба қилинган: кундур елими, тўпалоқ, оқ мурч, заъфарон ва *муррдан* баробар бўлакларни олинади ва асал билан қориб, ҳар куни бир *дирҳамдан* ейилади. Мана бу дори ҳам тажриба қилинган: игирдан икки бўлак, тўпалоқдан икки бўлак, қора ҳалиладан икки бўлак ва *балозур* асалидан бир бўлак олиб ишлатилади. Қуйидаги таркиб ҳам синаб кўрилган: мурч ва зирадан икки бўлак, новвотдан уч бўлак. Шунингдек тўртдан уч бўлак кундур елими ва бир бўлак мурчдан иборат доридан ҳар куни наҳорга бир *мисқолдан* ичириб ҳам тажриба қилинган. Яна беш бўлак зира, бир бўлак мурч, бир бўлак *балозур* асали ва шуларнинг ҳаммасига икки баробар оддий асал олиб синаб кўрилган. [«Қонун»нинг] Иккинчи китобида ёзилган содда дориларга ҳам мурожаат қилиш керак, у дориларнинг жойи бош ка-

салликларининг лавҳаларидадир. Бундай касалликка учраган киши жуда ёруғ уйда ётиши керак.

Мия шишларидан бўлган [эс бузилишини] *фаронитус* ва «уйқусизликка ўхшаш қаттиқ уйқу»ни даволашда айтилган дорилар билан даволанади.

ИШҚ [СЕВГИ]

[Ишқ] васвасали ва меланхолияга ўхшаш бир касаллик бўлиб, киши у касалликни, кўпинча [маҳбубнинг] баъзи бир кўриниш ва хулқларини яхши кўришга ўз фикрини бўйсундириш орқали ўзига чақириб олади. Гоҳо бунга шаҳват ҳам ёрдам беради, баъзан у ёрдам бермайди. [Ишқнинг] аломатлари: кўз чуқур тушади ва қуруқлашади, йиғлашдан бошқа вақтда кўз ёшланмайди, кўз қовоқлари муттасил ҳаракат қилиб туради, киши ёқимли бир нарсага қараган, ёки шодлантирувчи бир хабарни эшитган, ёки ҳазил қилаётган каби кулади, унинг нафаси кўп узилиб яна жойига қайтади ва кўп оҳ-уҳ тортади. Ҳазал эшитганда аҳволи шодлик ва кулгига ёки ғамгинлик ва йиғига томон ўзгаради, айниқса жудолик ва ҳажр тилга олинганда шундай бўлади. Кўздан бошқа ҳамма аъзолари сўлиб озади, кўз ғўлагининг чуқур тушиши билан бирга, қовоқлари катталашиб салқийди, бунинг сабаби уйқусизлик ва оҳ тортишнинг кучайиб, бошга буғ юбориб туришидир. Унинг ўзини тутишда тартиб бўлмайди, томирининг уриши ғамгин кишиларники каби нотекис ва бутунлай бетартиб бўлади. Маъшуқидан гапирилса, айниқса тўсатдан севганига учрашса, томирнинг уриши ва ўзининг ҳоли ўзгаради; ана шунга қараб, севгилисини ўзи айтмаса, унинг ким эканини аниқлаш мумкин бўлади. Унинг маъшуқини аниқлаш даволаш йўлларида биридир. Бунинг шундай қилинади: томирини ушлаб туриб кўп исмларни қайта-қайта айтиб чиқилади. Шу пайтда томир уришда катта ўзгариш бўлиб, унинг ҳаракатида бир оз тўхталиш юз берса, кейин яна [исмларни] қайтариб бир неча марта тажриба қилиш орқали маъшуқа исмини билиб оласан. Сўнгра шунга ўхшатиб кўчалар, уйлар, ҳунарлар, иш турлари, насаблар ва шаҳарларни айтиб чиқилади, уларнинг ҳар бирини маъшуқа исмига қўшиб айтиб томир уришини кузатиб турилади. Ниҳоят ўшалардан бирини қайта-қайта айтилганда томир уриши ўзгарса, бунга қараб маъшуқанинг исми, безағи ва ҳунарини аниқлаб, унинг ким эканини таниб олинади.

Буни биз тажриба қилдик ва [маъшуқани аниқлаш учун] фойдали [маълумотлар] топдик. Кейин дин ва шариат ҳалол қилган йўлга мувофиқ, ошиқ билан маъшуқани қўшишдан бошқа тадбир топмасанг уларни қўшасан.

Биз бунинг натижасида соғайган ва қайтадан эт олган бир кишини кўрдик: у жуда озиб ва озишдан ҳам ўтиб, ишқнинг кучлилигидан қуввати камайиб, оғир ва узоқ замонга чўзиладиган касалликлар ва иситмалар билан қийналган эди. Бир оз вақтдан кейин маъшуқасига етишини сезгач, энг қисқа муддат ичида [соғлиғи] ўзига қайтди. Биз бунга ажабландик ва киши табиати-нинг нафсоний таъсирларга бўйсунушига шуни далил қилдик.

Даволаш. Узингга маълум бўлган аломатлар орқали текшириб қарайсан: аҳвол хилтнинг куйишигача бориб етган бўлса, бўшаттир. Сўнгра [мизожни] рутубатлантириш, касални ухлатиш ва яхши овқатлар бериш билан машғул бўласан. [Касални] маълум ҳўллаш шартига мувофиқ бўлган ҳаммомга тушир ва уни жанжаллашиш, турли ишлар ва тортишишларга, қисқаси [ишқни] унуттирадиган нарсаларга овора қил, бу тадбир, кўпинча уларни қийнаётган нарсани унуттиради. Ёки унда маъшуқасидан бошқа дин ва шариат ҳалол қилган [қизга] муҳаббат пайдо қилиш тадбири кўрилади, кейин ишқ мустаҳкамланишидан олдин ва олдинги [маъшуқасини] унутгандан кейин, иккинчи маъшуқадан фикрини узилади. Ошиқ ақлли кишилардан бўлса, панднасихат, масхара қилиш, койиш ва унга ишқни васваса ва жинниликнинг бир тури деб тасвирлаш ҳам жуда фойда қилади, бундай вақтда сўз жуда таъсир қилади. Шунингдек ошиқнинг олдига кампирларни юборилади, улар маъшуқани унга ёмонлаб, унинг булганч қилиқлари ва нафратли ишларидан гапирадилар ва унинг кўп жафо қилишини ҳикоя қиладилар; бу нарса кўпинча уларни тинчлантиради. Агар у кампирлар маъшуқанинг суратини қабиҳ нарсаларга ўхшатиб ҳикоя қилса, унинг юз қисмларини хунук қилиб тасвирласа ва бу ҳақда узоқ ва муфассал сўзласалар, бу ҳам фойда қилади. Ҳақиқатан ҳам бу тадбирлар кампирларнинг иши бўлиб, улар, бу жиҳатдан эркакларга қараганда моҳирроқдирлар; лекин хунасаларнинг ҳам бу ҳақдаги ҳунарлари кампирларникидан камлик қилмайди. Кампирлар яна ошиқнинг севгисини аста-секин бошқа маъшуқага кўчира оладилар, сўнгра унинг иккинчи маъшуқага бўлган

севгиси мустаҳкамланишдан олдин унга қизиқтиришни тўхтатадилар.

Чўрилар сотиб олиб, улар билан кўп жинсий алоқа қилиш, уларни янгилаб туриш ва улар билан ўйнашиш [маъшуқани] унуттирадиган ишлардандир. Шодлик, ашула ва музика эшитиш баъзи кишиларга тасалли берса, баъзиларнинг [ишқини] кўпайтиради, буни билиш мумкин. Ов, турли ўйинлар, подшоҳлар томонидан бериладиган янги-янги инъом ва эҳсонлар, шунингдек турли оғир ғамларга келсак, буларнинг ҳаммаси ҳам тасалли беради.

Баъзан [ошиқларга] ҳам меланхолия, мания ва *қут-рубга* учраганларга қилинадиган тадбирни қўллашга тўғри келади: катта *иёражлар* билан бўшатилади ва юқорида айтиб ўтилган ҳўллолчи тадбирлар орқали [уларнинг мизожини] рутубатлантирилади. Бу тадбирлар [ошиқнинг] қилиқлари ва ташқи кўриниши ўшаларникига ўхшагандагина ишлатилади.

ТУТҚАНОҚ

Тутқаноқ нафсоний аъзоларнинг сезиш ва ҳаракат ишларига ҳамда тик туришига тўсқинлик қиладиган касалликдир, лекин тўсқинлиги тўла бўлмайди. [Тутқаноқнинг] сабаби теқилма пайдо бўлишидир, кўпинча у миянинг олдинги қоринчасига етган зарардан пайдо бўлган умумий тиришиш сабабли вужудга келади. Бундай [зарарланиш] натижасида тўлиқ бўлмаган теқилма пайдо бўлиб, сезиш ва ҳаракат қувватининг мияга ва [бошқа] аъзоларга тўла ўтишига тўсқинлик қилади, бироқ уларни бутунлай тўхтатиб қўймайди; у яна кишини тик туришга қўймайди ва киши тик турган ҳолатда қола олмайди. Ҳар бир тиришиш, биз келгусида баён қилганимиздек, тўлиқликдан ёки қуруқликдан, ёки азият берувчи бирор сабаб натижасида [миянинг] сиқилишидан бўлади. Тутқаноқ ҳам шундай, лекин у қуруқликдан бўлмайди, чунки тутқаноқ бирдан бўлади, қуруқдан бўлган тиришиш эса бирдан бўлмайди, ҳамда миянинг қуруқлигида иш, кўпинча тиришишга бориб етмайди ва бундан илгари гавда [ишдан чиқиб] ҳалок бўлади.

Демак, тутқаноқ учун қуйидаги сабаблар қолади: бирор азият берувчи нарсани ҳайдаш учун миянинг сиқилиши; бу нарса буё ёки ачиштирувчи бирор кайфият, ёки моддаси ёмон рутубатдан иборат бўлади; ёки унинг

[сабаби] мия қоринчалари ёки асабларнинг ўсиб чиқадиган жойидаги илдиэларида тикилма пайдо қилувчи хилт бўлади. [Тикилма] гоҳо хилтдаги тўлқинли ҳаракат сабабли ёки ўтакетган ҳарорат натижасидаги қайнаш сабабли пайдо бўлади; тикилма вужудга келганда сезги ва ҳаракат қуввати [аъзоларга] табиий равишда ўта олмайди, баъзан тикилма тўла бўлмайди ва бир миқдор [қувват аъзоларга] ўтиб туради, натижада аъзолар сезиш ва ҳаракат қувватини тамом йўқотмайди. Биринчи файласуф Арастунинг фикрича, руҳ ўтадиган йўлларда қамалиб қолган қуюқ ел сабабли ҳам [тутқаноқ пайдо бўлади]. [Аристотель елни] тутқаноқ сабабларининг бири деб билади. Агар [шу йўлларда] тикилма пайдо қилувчи хилт бўлса, мия азият берувчини ҳайдаш учун сиқилади. Бу ҳол меъда [сиқилиб] ҳиқичоқ ва ўхчиш пайдо бўлганига ёки аъзо учишига ўхшайди. Чунки аъзоларнинг буришиши ва сиқилиши ҳайдаладиган нарсани ҳайдаш учун асосий [воситадир]. Мия сиқилганда унинг ҳаракатлари ўзгаради ва унга эргашиб юз ва бошқа жойдаги асаблар сиқилади ва уларнинг ҳаракатлари ўзгаради.

Тутқаноқ ўтиб ҳушга келиш хилтнинг ҳайдалганидан, ёки елнинг тарқалганидан, ёки азият берувчи [сабаб]нинг ҳайдалганлигидан бўлади. Аммо тутқаноқ вақтида аъзоларда тиришиш бўлишининг сабаби мияни ўраб оладиган модда ёки мияга етадиган азиятнинг асабларга ҳам етиб, уларнинг ҳоллари ҳам мияники каби бўлиб қолишидадир. Бу ҳол уч сабабга кўра бўлади: асабларнинг мия моддасига тобелиги, мия азиятланадиган нарсдан уларнинг ҳам азиятланиши ва ўзлари келиб чиққан ердан ҳайдалаб келаётган хилт билан тўлиқ бўлишлари; натижада [асабларнинг] кенглиги кўпайиб, узунлиги камаяди.

Тутқаноқ тиришишга ўхшайди, аммо бўшашишга ўхшамайди. Мияни буриштириб йиғиштиради, бўшаштирмайди ва ёймайди, чунки мия бу вақтда [азият берувчи] нарсани ўзидан ҳайдашни истайди, ҳайдаш эса буришиш ва сиқилиш билан ҳосил бўлади. Модда сабабли бўладиган ҳар бир тиришишга иситма фойда қилади. Тутқаноқда шишлар пайдо бўлса, баъзан уни тарқатади ва [тутқаноқни пайдо қилувчи] модда камаяди. Тутқаноқ, кўпинча, меланхолияга айланади. Меланхолия ҳам, баъзан тутқаноққа айланади.

Баъзи кишилар гоҳо моддадан бўлмаган тутқаноқ ҳам бўлади, деб гумон қилдилар. Агар бу билан улар

тутқаноқнинг сабаби буғ ёки мияг азарар қиладиган бирор кайфият бўлиб, улар мияда мазкур сиқилишни келтириб чиқаради, демоқчи бўлсалар, сўзларида маъно бор, агар тутқаноқнинг сабаби содда мизожнинг ўзи бўлиб, у мияда ҳосил бўлганда, тутқаноқ пайдо қилади, демоқчи бўлсалар, унда сўзлари ўринсиз бўлади. Чунки у [содда мизож] кайфияти мияда бўлиб турганда, у билан бирга доим тутқаноқ бўлиши ва унинг дарҳол кетмаслиги лозим эди. Ваҳолонки тутқаноқнинг сабаби бирдан пайдо бўлиб, дарҳол кетадиган ёки ғалаба қилса ўлдирадиган нарсалардандир. Бундай нарса миянинг ўзида ҳосил бўлган кайфият бўлолмайди, балки мияга бориб етадиган, [кейин] тўхтайдиган модда ёки кайфият бўлади, бундай нарса албатта бошқа аъзодан келиши керак.

Тутқаноқда [оғиздан] кўпик чиқишининг сабаби нафаснинг бўғилиши эмас, нафас ҳаракатининг изтиробли ва бетинч бўлишидир. Бу изтироб тиришишдаги изтиробдан келади. *Сакта* касаллигида кўпик пайдо бўлишининг сабаби эса бўғилиш ва нафас олишни истамасликдир. Тутқаноқ ҳаммадан аввал мияга хос бўладиган тиришиш каби, тиришиш эса дастлаб бирор [бошқа] аъзога хос бўладиган тутқаноқ кабидир. Аксириш ҳаракати сингари бўлганидек, тутқаноқ гўё зўр ва кучли аксиришдир. Лекин аксиришда қувватнинг кучлилиги ва модданинг заифлиги сабабли унинг ҳайдалиши кўпроқ олд томонга, тутқаноқда эса мумкин ва осон бўлган томонга бўлади. Шу айтилган сўзлардан шундай хулосага келиш керакки, агар тутқаноқнинг [сабаби] миянинг ўзида бўлар экан, у албатта модда бўлиб сезиш ва ҳаракат [қувватининг] йўлларида қамалиб турадиган ел пайдо қилади ёки [миянинг] иккита олдинги қоринчасини қисман тўлғизади. Бу модда ғалабали ва кўп қон ё балғам, ё савдо, ёки сафро бўлади, бироқ кейингиси жуда кам учрайди, ундан сўнг кам учрайдиган қоннинг [тутқаноққа] сабаб бўлиши кўпроқ учрайди, лекин [тутқаноқнинг] сабаби, кўпинча холис ёки савдога бироз мойил бўлган рутубатдир. Чунки тутқаноқ асосан балғамдан бўлади. Буқрот: «Тутқаноққа учраган қўйларнинг миясини очиб текширилса, кўпидан ёмон ва бадбўй рутубат топилади», дейди. Мияда бўладиган тутқаноқнинг ҳамма хил сабаби ҳам [миядаги] ҳазм кучсизлигига асосланади. У [сабаб] ё миянинг моддаси ва мағзида бўлади, — бу жуда ёмон хили, — ёки унинг пардаларида бўлади ва бу енгилроқ ўтади.

Балғамдан бўладиган тутқаноқ кўп бўлса ҳам савдодан бўлгани энг ёмонидир, чунки савдодан бўладиган руҳ йўлларини кучлироқ тўсади. Баъзи [табиблар] *умм ус-сибён* деб атайдиган [тутқаноқ] жуда ўлдирувчидир. Тутқаноқ муттасил тутаверса, ўлдиради.

Сабаби бирон бошқа аъзода бўладиган тутқаноқда ўша аъзодан мияга ўз миқдори билан зарар етказувчи буғ ва ел кўтарилади; у [буғлар мияга] кўтарилиб йиғилади, сўнгра улар зичлашиб маълум бир қуюқликка эга бўлган моддага айланади.

Бу [модда] ўз қуюқлиги ёки ўзидан вужудга келган ел орқали таъсир кўрсатади. Ёки мияга миқдори билан эмас, балки кайфияти, яъни қотириши, куйдириши ёки заҳарлилиги ва жавҳарининг ёмонлиги билан зарар берадиган буғ ё ел кўтарилади. Ёки мияга фақатгина содда кайфият кўтарилади, ёки иккала жиҳатдан ҳам зарар берадиган нарса кўтарилади. Мияга ўзининг кўплиги билан тутқаноқ ҳосил қиладиган буғ ё бутун гавдадан, ё меъдадан, ё талоқдан, ёки қорин деворидан кўтарилади; у бошқа аъзолардан ҳам [кўтарилади].

Ўз моддаси ва кайфиятининг ёмонлиги билан азият берувчи буғ ҳам бутун баданда, ҳаттс оёқ ва қўл бармоқларида ҳам бўлади. Бунга сабаб шуки, ўтиш йўлидаги тиқилма сабабли қон ёки хилт у ерда қамалиб қолиб, унга туғма иссиқлик ўталмай қолади, натижада [хилт] ўлади, сасийди ва ёмон кайфиятга эга бўлади, сўнгра ундан даврий равишда буғли модда ёки заҳарли кайфият қўзғалади. Ёки у [аъзога] баъзи бир хил заҳарлар тушган бўлиб, улар асабларга таъсир қилади, масалан, чаён чаққанда асабларга шундай таъсир қилади, сўнгра заҳарлилиқ асаб орқали мияга бориб, унга азият беради. Шунда мия сиқилиб ва тиришиб унинг ҳаракатлари бетинч бўлади. [Бу ҳолат] қириш йўлининг сезиши кучли бўлган бўш меъдага аччиқ нарса кирганда ҳиқичоқ тутишига ўхшайди; ҳиқичоқ ҳам тиришишнинг бир туридир. Шундай сабабдан мияда тиришиш ва сиқилиш майдо бўлган пайтда унга эргашиб ҳамма асаблар ҳам сиқилади ва тиришади. Ж.Жолинуслар ўзининг *фаллофилий* еб ундан кейин шароб ичганида, ўткирлик сабабли меъдасининг оғзи азият чекиб ҳиқичоқ пайдо бўлганини ҳикоя қилади. Шунга яқин воқеани биз бошқа кишида ҳам кўрдик.

Жолинуслар ва бошқа [табиблар] ҳикоя қиладилар ва ундан кейин биз ўзимиз ҳам кўрдикки, тутқаноққа учраган киши, кўпинча оёғининг бош бармоғидан совуқ ел

сингари бир нарсани мияга қараб кўтарилаётганини сезади, у нарса юракка ва мияга етгач, тутқаноқ бошланади. Жолинус: «ўша кишининг почасини тутқаноқ тутишидан илгари маҳкам қилиб боғланганда [тутқаноқ] тутмас эди, ёки энгил тутарди» дейди. Биз ҳам бу тўғрида ажойиб ишларни кўрдик. Баъзан [табиблар тутқаноқли] кишининг [оёғидаги] бош бармоғини, баъзилар эса буғ кўтарилаётган бошқа бармоғини боғлаганда у киши соғайиб кетди. Гижжалар ёки қовоқ уруғига ўхшаш гижжа сабабли бўладиган тутқаноқ ҳам шулар қаторига киради. Ҳушдан кетиш билан бирга бўладиган тутқаноқнинг бир хили борки, табиблар уни тутқаноқ бобига деярли қўшмайдилар, ҳолбуки у тутқаноқ хилига киради ва унинг бир туридир.

«Бачадон бўғилиши» деб аталадиган [қасаллик] ҳам шулар жумласидандир. Бу шундай бўлади: хотин кишининг ҳайз қони бевақт тўхталиб, қамалиб қолади ёки жинсий алоқа қилмаганидан уруғи тутилиб келади; кейин шуларнинг ҳаммаси бачадонда заҳарли кайфиятга ўтади ва маълум давр билан ёки усиз ҳаракатланади ва буғга айланади. Баъзан у буғлар юракка ва мияга кўтарилиб, хотинда тутқаноқ пайдо бўлади. Бундай нарса баъзан эркакларда ҳам бўлиши мумкин: уруғ идишида кўп уруғ йиғилиб ва тўпланиб қотади ва заҳарли кайфиятга эга бўлиб қолади. Баъзан ҳомиладор хотинларда ҳам тутқаноқ пайдо бўлади, бироқ, у туғиб, ҳайз қонининг ёмон моддаси бўшатилогач, тутқаноқ кетади. Бизга энса, курак ва бошқа ерлардан бошланган тутқаноқ ҳақида ҳикоя қилдилар.

Меъда, қорин девори ва ҳазм бузилиши сабабли бўладиган [тутқаноқ] томирларда тикилма пайдо қилади, натижада улар яхши овқатни қабул қилмайди ва улардаги хилт бузилади ёки улардаги яхши овқат тикилмалар сабабли тутилиб қолиб бузилади; кўпинча у бузилган ҳолида меъдага қайтиб яхши қаймуслик овқатни бузади. Шу сабабдан, кўпинча овқат ҳазм бўлмаган ҳолда қусиб ташланади.

Тутқаноқ [бошқа аъзонинг] ҳамкорлиги билан бўладими ёки усиз бўладими, барибир ҳамма ҳолда ҳам унинг энг яқин манбаи мия ёки миянинг бошқа қоринчалари билан биргаликда олдинги қоринчаси бўлади. Чунки [тутқаноқ вақтида] бошқа сезгилар ва ҳаракатли аъзолар ҳам зарарлансада, саноққа олинарли зарар дастлаб кўриш ва эшитиш сезгисига ҳамда юз ва қовоқ мушакларининг ҳаракатларига етади. Бошқа қоринчалар

ҳам зарарланишда ҳамкорлик қилмаганда эди, фаҳмлаш йўқолмас ва нафасга зарар етмас эди. Тутқаноқ касаллигида, кўпинча аввал тиришиш бўлиб, ундан кейин тутқаноқ бошланади. Бунинг [сабаби] шуки, тиришиш қаттиқ ўрнашгач, тутқаноқ тутади; азият бериб турган [сабаб] ҳайдалгач, ёки ел тарқалгач, сезиш ва ҳаракат ишлари жойига келади. Ҳайдалган хилт гоҳо бурун тешигида ва томоқда кўринади.

Кўпинча, тутқаноқда сезиларли тиришиш бўлмайди. Бунинг сабаби шуки, [тутқаноқни] пайдо қилаётган модда суюқ бўлиб, у ўзининг қаттиқ ёмонлиги билан эмас, балки тўлиқлик [пайдо қилиши] билан таъсир қилган бўлади.

Болаларда тутқаноқ, кўпинча улардаги рутубатлар сабабли пайдо бўлиб, баъзан туғилишнинг дастлабки даврларида, гоҳо ўсмирлик даврида бўлади. Уларга тўғри ва дуруст тадбир қилинса, [касаллик] йўқ бўлиб кетади, бўлмаса қолади. Болалар катта бўлишдан илгари [тутқаноқни] кетказишга ҳаракат қилиш керак. Бош томонидан яралар ва шишлар бўлиб, бурни оқиб турадиган бола — болаларнинг тутқаноқдан энг узоғидир. Мия ўзининг асл яратилишидаёқ тозаланиши керак бўлган рутубатга эга бўлади. Баъзан у бачадонда, баъзан эса туғилгандан кейин тозаланади. Агар у [рутубат] тозаланмаса, албатта тутқаноқ пайдо бўлади.

Болаларда бўладиган тутқаноқни даволаш, кўпинча, энгил бўлади. Агар уни ёмон тадбир ва даволамай қўйиш кучайтирмаса, балоғатга етишлари билан йўқ бўлиб кетади. Тутқаноқ гоҳо йиғитларда ҳам пайдо бўлади. Агар у миядаги, айниқса мия моддасидаги бирор иллат сабабли йиғирма беш ёшдан кейин пайдо бўлса, доимий ва ажрамайдиган бўлиб қолади; уларга қилинган тадбирдан мақсад [касалликнинг] зарарини энгиллатиш ва тутишини сусайтиришдан иборат бўлади. Буқрот бу хил тутқаноқ ўлгунча қолади, дейди. Кексаларга келсак, тиқилмалар сабабли бўладиган тутқаноқ уларда кам учрайди.

Тутқаноқни қўзғатувчи сабабларга гоҳо сиртқи сабаблар ҳам ёрдам беради. Масалан, ҳаддан ташқари кўп ейиш, ичиш ва меъда бузилиши; офтобда кўп бўлиш моддани мияга тартади, чунки [бу иш] моддаларнинг гавданинг бошқа томонига боришига монелик қилиб, уларни юқорига томон қўзғатади. Жинсий алоқани кўп қилиш, нозу неъматларга чўмиб тинч ётиш ва бадантарбияни кам қилиш ҳам [тутқаноқ] сабабларидандир.

Тўлиқлик ҳолатида бадантарбия қилиш ҳам унга сабаб бўлиши мумкин, чунки бунинг натижасида хилтлар тугал шимилиб тарқалмайди ва бўшлиқларни тўлғизиб туради. Қўрқиб, бирдан [уй ва деворнинг] йиқилиб тушиши ёки тўсатдан қаттиқ овоз эшитиш каби юракни кучсиз қилувчи ҳодисалар ҳам [тутқаноққа] сабаб бўлади. Меъдаси кучсиз кишининг рўза тутиши, шунингдек сув аралаштирилмаган шароб ичиш унинг сабабларидан ҳисобланади, чунки [шароб] меъдага азият беради. Шу [баён қилинган]лар [тутқаноқнинг] узоқ сабаблари бўлиб, яқин сабабларни келтириб чиқаради. Биз бу сабабларга махсус боб ажратамиз.

Тутқаноққа учраган киши урғочи эчки терисини шилиниши биланоқ ёпиниб [арикдан оғзи билан] сув ичса тутқаноғи тутади, шунингдек унга таканинг шохи, *мурр* ва тоғжамбилни тутатилганда ҳам тутқаноқ тутади, дейдилар. Тутқаноқ киши қаттиқ иситмалар, хусусан узоққа чўзиладиган иситмалар билан қийналса, кўпинча тутқаноғи йўқ бўлиб кетади; айниқса, тўрт кунда бир тутадиган иситма шундай, чунки у жуда узоққа чўзилиши сабабли савдо моддасини жуда егилтиради, шунда ҳатто шимилиб кетади. Кучли титратувчи иситма ҳам шундай; чунки титраш мияга ёпишган чиқиндиларни қўпоради, титратувчи иситма кетидан келадиган тер эса уни чиқариб ташлайди. *Сакта* фалаж касаллиги билан йўқолгани сингари тутқаноқнинг кўп тури ҳам фалаж билан йўқ бўлади.

Баъзилар балғамдан бўлган тутқаноқда қалтираш ва уриниш бўлади, чунки балғам қуюқлиги сабабли йўлларни тугал тўса олмайди, аммо савдо [моддаси] тугал тўсади ва бундан бўлган [тутқаноқда] уриниш кам бўлади, деб ўйлайдилар. Баъзилар эса, уриниш кўп бўладиган тутқаноқ сабабининг оз миқдори ва йўлларга кам ўтадиган хилт бўлиши муносиброқ деб, аввалгиларнинг тескарсини айтадилар. Бироқ иккала сўзнинг биттаси ҳам қатъий эмас. Руфуснинг айтишича, агар тутқаноққа учраган кишининг бош томонида песлик пайдо бўлса, тутқаноқ моддасининг тарқалаётганига ва соғайишга далил бўлади. Кўпинча тутқаноқ фалаж ва меланхолия касалликларига ўтиб йўқ бўлади.

Тутқаноққа қобилиятли кишилар. Тутқаноқ болалар ва гўдаклар каби ёшларига кўра ҳўл мизожлиларда, меъда бузилишига учраганлар каби тадбирига кўра ҳўл мизожли кишиларда, шунингдек жанубий шамол эсадиган мамлакатларда яшовчи кишиларда пайдо бўлади,

чунки бу нарса бошни рутубатга тўлғазади. Хотинлар, болалар ва умуман қони кам ва томирлари тор кишилар тутқаноққа кўпроқ қобилиятли бўладилар.

Даволаш. Болалардаги тутқаноқда эмизувчининг овқатни тузатиб уни иссиқликка мойил ва яхши каймусли қилиб бериш орқали даволаш керак. Эмизувчи хотин сувли, бузуқ ёки қуюқ қон пайдо қиладиган ҳар бир нарсадан сақланиши, шунингдек ўша пайтда жинсий алоқа қилиб ҳомиладор бўлишдан ўзини тийиши лозим. [Тутқаноқли] болани чақмоқ, довул, ноғора, карнай, момақалди роқ, қўнғироқ товушлари ва кишиларнинг бақирган товушлари каби тўсатдан қўрқитадиган ва чўчитадиغان йўғон ва дағал овозлардан сақлаш керак. Уларни яна уйқусизлик, ғазабланиш, қўрқиш, қаттиқ совуқ, қаттиқ иссиқ ва ҳазм бузулишидан сақлаш лозим; уларга овқатдан олдин енгил бадантарбия қилдириш, овқатдан кейин эса уларни ҳаракат қилдирмаслик керак. Бола кўтара олса, балғамни бўшатадиган суюқ сурги дорилар берилади. Ундай болаларга гоҳо асал суви бериб қустириш, шакар ва асал гулқандини ичириш, газағўт ва бошқа суйилтирувчи нарсаларни ҳидлатиш ҳам фойда қилади, чунки биз айтган нарсаларни ҳидлатишнинг ўзи ҳам баъзан даволаш учун кифоя қилади.

Тутқаноққа учраганларнинг ҳаммасига умумий бўлган [қоида] рутубатлантириши ўта кетган бўлмай, ёқимли бўлган яхши овқатлар ейишдир. Улар тўлиб кетишдан сақлансинлар ва ҳазм бузулишидан эҳтиёт бўлсинлар, бу эса тугал тўймай овқатдан тийилиш билан бўлади. Бир кунда бир марта овқатланишга одат қилмаган киши ўзини тўйғазмайдиган овқатни учга бўлади: бир бўлагини эрталаб, икки бўлагини кечқурун енгил бадантарбиядан кейин ейди; шаробни кўп ичмасинлар, чунки у мияни жуда тўлғизади. Агар шароб ичмасликнинг иложи бўлмаса, эскирган, сузилган ва бироз тахир шаробдан озгина ичсинлар. [Тутқаноқли кишилар] учун бўшатилишдан кейин шароб ичиш энг зарарлидир. Тўсатдан совуқ тегиш ҳам жуда зарарли, улар бошларини қаттиқ иссиқ ва қаттиқ совуққа дуч бўлишидан сақлашлари ва ҳаммомда узоқ турмасликлари керак.

Тутқаноқли кишининг ҳамма хил [ҳазми] оғир ва ғизолилиги кўп гўштлардан ва ҳамма балиқлардан, ҳатто ҳамма тўрт оёқли катта ҳайвонларнинг гўштларидан парҳез қилиб, жўжа, бедана, хонаки ва ёввойи

чумчуқ, тўрғай, мусича, эчки ва кийик болалари ва қўён гўшtlари билан чекланишлари лозим. Улар учун бивойи чўчқанинг гўшти жуда фойдали, дейдилар; қуритиши ва бироз ҳўллаши сабабли така гўштини ҳам мақтайдилар. Бироқ ширин, ёғли ва шунга ўхшаш нарсалар уларга ёқмайди.

Тутқаноққа учраган кишилар барча мева, сабзавотлардан, ҳатто бошқа нарсалар у ёқда турсин, рум исмамоғи ва Яман бақласидан, айниқса петрушкадан парҳез қилишлари керак, чунки [петрушкада] тутқаноқни қўзғатиш хусусияти бор, уларни емасликнинг иложи бўлмаса, шотара ва сачратқи истеъмол қилсинлар. Уларга сутчўп истеъмол қилишга рухсат берилган, бироқ мен буни унча яхши деб билмайман. Шунингдек, мияга буғ чиқишига монелик қилиши сабабли кашнич истеъмол қилишга ҳам рухсат берадилар, лекин мен буни маъқул кўрмайман, айниқса [кашнични] кўп истеъмол қилишлари яхши эмас. Бироқ қон ва сафродан бўлган [тутқаноқда мумкин]. Аммо лавлагини сувда қайнатиб, кейин зайтун ёғи, *муррий* ва шу кабилар билан хушхўр қилиб ични юмшатиш учун овқатдан олдин ейилса бўлади. Сабзавотдан газагўт солинса ҳам фойдали бўлади.

Ғализ ҳўл мевалардан ҳам сақланиш лозим. Лекин меъда оғзини кучли қилиш, овқатни [меъдадан] тушириш, ични юмшатиш ва буғ кўтарилишини тўхтатиш учун баъзи бир буриштирувчи меваларни овқат устидан жуда оз миқдорда ейиш мумкин. Тутқаноқли киши шолғом, турп, карам ва сабзи каби [таъсир қилувчи] ҳамма оғир овқатлардан сақлансин. У яна буғ пайдо қиладиган мазаси ўткир нарсалардан парҳез қилиши лозим. Хардал тутқаноқлиларни қийновчи нарсалардан саналади, чунки у буғ пайдо қилади, чиқиндиларни мия томонга йўналтиради ва мияга юборади ва ўз ўткирлиги билан мияга азият беради. [Ундай касаллар] маст бўлишдан, шамол эсадиган жойда туришдан ва тўлиқликдан ҳам сақланишлари лозим, улар мутлақо сувда чўмилишдан эҳтиёт бўлсинлар: иссиқ сув бўшаштиради, совуқ сув сезувчи руҳни зичлаштириб увуштиради. Тутқаноқли кишида овқатдан тўлиқлик пайдо бўлса, уни қусиб ташлаб, кейин енгил тадбир [қўллаш лозим]. Шунингдек қаттиқ ухлатувчи, [бошни] оғир қилувчи, увуштирувчи ва буғ пайдо қилувчи овқатлардан ҳам сақланиш лозим.

Шаробга келсак, буни тўйиб ичиш жуда зарарли,

аммо озгинаси нафсни шодлантиради, руҳни кучайтиради ва ўткирлаштиради, сувни кўп ичишга эҳтиёж қолдирмайди, сувни кўп ичиш эса [тутқаноқда] энг зарарли нарсадир. Туш вақтида кўп ухлаш, умуман кўп уйқу, айниқса овқатга жуда тўйиб туриб ухлаш ҳам зарарли. Ҳаддан ташқари уйқусизлик ҳам руҳни кучсиз қилади ва тарқатади, шу билан бирга миёни буғга тўлғизади.

Тутқаноққа учраган кишининг биринчи тадбири тутқаноқни қўзғатувчи биз айтиб ўтган сабаблардан сақланишидир. Улар учун тинч ва уринмай туриш яхшироқ, аммо биз [қуйида] айтадиган бўшалиш ва баданни тозалашдан кейин бадантарбияга эҳтиёж туғилса, [меъдани овқатга] тўлғизмасдан ва чарчатмайдиган даражада бадантарбия қилиб, ундан кейин дам олиш керак. [Бадантарбияда] бошни юқори тутиш, мумкин бўлганча қуйи қилмаслик ва уни кўп ҳаракат қилдир-Маслик кёрак, [акс ҳолда] моддалар бошга тортилади. Юқори аъзолардан кўра қуйи аъзоларни кўпроқ ҳаракатлантириш керак. Гавдани юқоридан пастгача секин-аста ишқалаш ҳам моддани қуйига тортадиган тадбирлардандир. Кўкрак ва кўкрак ёнидан бошлаб дағал латта билан [бадан] қизаргунча ишқаланади, кейин секин-аста оёққа тушилади; ҳамма вақт бошни тикка тутилади. Ундан кейин касални юришга буюрилади. Нафас жойига келиб, тўлқини тинчиши учун бадантарбия қилган жойида дам берилиши лозим, нафас тинчлангандан кейингина у жойдан кетади. Моддаларнинг ҳаммаси қуйига тортилгач, бошни ишқалаш ва сочни тараш мумкин бўлади, [бу тадбир] бошни қизитади ва унинг мизожини ўзгартиради. Бошқа қортиқ солиш ва миёни қизитиш учун бошни доғлаш ҳам [тутқаноқли кишиларга] фойда қиладиган тадбирлардандир.

[Баданни] тозалаб ва сурги бериб, бир неча кун тинч қўйгандан кейин тутқаноқликларни ҳаммомга тушириш, қобирға учларининг тагига қортиқ солиш ва [юқорида] билган нарсаларинг билан бошларини қизитиш ёмон эмас. Касалнинг оғзи очилиб турсин учун тутқаноқ тутиш вақтида тишлари орасига коптокча, айниқса унинг майин юнгдан тайёрланганини тиқилади. Моддани ҳисобга олиб туриб, аввал бўшатиш керак, кейин [моддани] тортиш хусусиятига эга бўлган томоқ чайиладиган дорилар билан бош тозаланади. Агар тутқаноқ даврли бўлиб, хилтларнинг кўпайишига қараб [кучаядиган] бўлса, баҳор бўлиши билан бўшатиш тадбири қўлланилади, бу [касалга] ёрдам беради ва кў-

пайган хилтни чиқариб юборади, буни қуйида айтамыз.

Агар томирдан қон олишга бирон монелик бўлмаса, қон олинади, чунки баҳорда, айниқса икки оёқдан қон олиш, агар у мияни совутиш даражасига етмаса, фойдалидир, бу ҳақда ҳам келгусида айтамыз. Агар [тутқаноқ] тутиш вақти яқинлашганда гулсапсар ёғи билан ёлланган патни касалнинг оғзига тиқиб, уни қустириш мумкин бўлса, у суюқликни қусиб ташлаб, дарҳол фойдаланади, айниқса касалликка меъданинг дахли бўлганда шундай бўлади, лекин кўп қусиш миядан бўлган тутқаноққа зарарлидир.

Ангуза ва қундуз қири солинган асал *сиканжубини* тутқаноқ тутган вақтда, шунингдек бошқа вақтда ҳам томоққа қуйиладиган дорилардандир. Тутқаноққа қарши бурунга пуфланадиган дорилар: Абу Жаҳл тарвuzининг гўшти ёввойи бодринг ва унинг шираси, навшадил, седана ва бунга ўхшаш нарсалар, етмак, оқ харбақ, мурч, занжабил, *мурр*, *фарбиюн*, қундуз қири, рум райҳони — буларни айрим-айрим ёки қўшиб [ишлатиш мумкин]; яна зифт ва қатрон. Пион гул эса [тутқаноққа қарши] тутатиладиган дорилардандир. Газагўт тутқаноқ тутган вақтда ва тутмай турган вақтда ҳидлатиладиган дорилардан ҳисобланади. Ҳунайн танлаб олган дори тоғ газагўтининг елими бўлиб, уни арпа уни ва узум шаробининг сиркаси билан қориб, бурунга пуфлаш учун дори тайёрлаб, доимо ҳидлатиб турилади. Ичиладиган [фойдали] нарсалар; денгиз пиёзи солинган *сиканжубин*, айниқса уни ҳар куни ичиб турилса, шунингдек эрман шароби, каклик ўти билан бирга кўкат [зуфо] қайнатмаси, ёки шу иккаласидан тайёрланган *сиканжубиндан* иборат. Денгиз пиёзи *сиканжубинини* қишда иссиқ сув билан, ёзда совуқ сув билан ичилади. Улар учун суриладиган яхши ёғ туя болдир суягининг илиги билан гул ёғи бўлиб, уларни қўшиб чаккага, бош чокларига, умуртқаларга ва кўкракка суртилади. [Касалга] пион гулни тақиб қўйишга келсак, бу нарса қадимгиларнинг тажрибасича, тутқаноққа монелик қилади; бу хусусият ҳўл рум пионида кучлироқ бўлса керак.

Дарахт пўкаги, рум сассиқ қавраги, чўл саримсоғи, юмалоқ аристолохиянинг илдизи ва пион гул доимо ичирилиб туриладиган дорилардан бўлиб, уларни ҳар куни сув билан ичириб турилади. *Тийёдаритусдан* ҳар куни икки марта — эрталаб ва [кечқурун] ухлаш олдидан бир дона жилонжийда миқдоридан ичириб туришни ҳам мувофиқ топадилар; бу [доридан] кўп кишилар

тузалган. Баъзи [табиблар] эса ҳар кун икки марта денгиз кўпигидан ичиришни, шунингдек ўзидаги бир хусусият сабабли *жулахдан* ҳамда тоғжамбилдан ичиришни яхши деб ҳисоблайдилар.

Қуйидаги таркибда денгиз пиёзидан тайёрланадиган дори тутқаноқлилар учун фойдалидир: денгиз пиёзини сирка солинган сопол идишга солиб, оғзини қопқоқ билан яхшилаб беркитилади, кейин устидан қалин чарм ўралади. Уни қирқ кун офтобга қўйилади, бу [қирқ куннинг] боши Сириус юлдузининг кўринишидан йигирма кун илгаридан ҳисобланади; идишни офтобда жанубга қаратиб қўйилади, [қуёшнинг] иссиғи идишдаги нарсанинг ҳамма қисмига баробар етиши учун доимо уни айлантириб турилади. Кейин идишни очилса, денгиз пиёзи қайнатилгандек жуда пишган бўлади. Уни сиқиб ширасини олиб асалга аралаштирилади ва шундан кунига бир қошиқдан ичирилади. Агар вақт шошқич бўлса, денгиз пиёзини сув ва сирка билан қайнатиб, бундан асал *сиканжубин* тайёрлаб [ишлатилади].

[Тутқаноқлилар] учун бу ҳам яхши дорилардандир: рум сассиқ қаврагидан уч *мисқол*, дафна мевасидан уч *мисқол*, юмалоқ аристолохиядан икки *мисқол*, пион гули илдизидан икки *мисқол*, қундуз қири ва денгиз пиёзи кулчаларидан бир *мисқолдан* олиб, шуларни кўпиги олинган асал билан қорилади ва ҳар кун *сиканжубин* билан истеъмол қилинади.

Тутқаноқлилар учун [бир жойдан иккинчи жойга] кўчиш ҳам фойдали тадбирлардандир, чунки ёқимли, латифлаштирадиган ва қуритувчи ҳавога дуч келгунча турли мамлакатларга кўчиб юриш тутқаноқлиларга фойда етказишда болалиқдан йигитликка кўчиш кабилар.

Тутқаноқлиларнинг бирор аъзолари буралиб ва тиришиб қолса, уни ёв ва илиқ сув билан ишқалаб ва қаттиқ уқалаб тўғри қилинади. Тутқаноқ мия сабабли пайдо бўлса, харбақ ва шунга ўхшаган нарса билан, Абу Жаҳл тарвузининг гўшти, *сақмуниё*, *иёраж*, дарахт пўкагининг қайнатмаси билан йил бўйи бирин-кетин сурги қилиб туриш яхшироқ.

Қайси хилт [мавжуд] бўлса ҳам томирдан қон олиш лозим бўлса, бу ҳақда камчилик кўрсатмасдан, балки бирданига иккала *қифолдан* бўлса ҳам қон олинади. Сўнгра тил тагидаги томирдан қон олинади. Баъзан миядан моддани тортиш учун, агар мия мизожи ва унинг кучсизлиги тўсқинлик қилмаса, ҳафта давомида гардан

тагига қортиқ қўйилади. Баъзан қайта-қайта қон олишга тўғри келади. Агар шундай қилинса [касални] бир ҳафта тинч қўйиб, кейин ичиладиган сурги дорилар билан, шунингдек хотинак супурги, Абу Жаҳл тарвузининг гўшти, канакунжут ва бошқа нарсалардан иборат кучли ҳуқна дорилар билан сурги қилдириш, кейин яна тинч қўйиш, ундан кейин иккала курак ўртасига, бошга, бўйин чуқурига ва болдирга қортиқ қўйиш керак. Кейин касалга дам бериб, яна сурги қилдирилади. Шу хил тинч қўйиш ва қайта даволашни [касал] тозалангунича давом эттирилади. Булардан кейин томоқ чайиладиган, аксиртирадиган ва билиб ўтганинг бошнинг ўзинигина тозалайдиган дорилар ишлатилади. [Касалнинг] бурнига *шалисо*, *шобонак* ва самсоқ сувини юборилса ҳам фойда қилади.

Тутқаноқнинг тутиш пайтида меъда тоза бўлиши лозим. Мумкин бўлса, овқатдан олдин касални қустирилса, айниқса тузланган балиқ ва шунга ўхшаш нарсадан қустирилса, яхши бўлади. Уларнинг ҳаммасидан кейин хардалдан ва билиб ўтганинг хардал ўрнига ўтадиган нарсалардан тайёрланган кучайтирувчи ва қиздириб боғланадиган дорилар билан мия мизожини ўзгартир ва касалга газагўтни ҳидлат. Қиздирувчи мизожни ўзгартирувчи дориларнинг ҳаммасини бирдан ишлатмасдан, аста-секин ишлатиш лозим. Агар у дорилардан мия ишларига зарар етадиган бўлса, [касалга] дам бер.

Балғам сабабли бўлган тутқаноқда ишлатиладиган дорининг энг яхшиси Абу Жаҳл тарвузи гўштининг *иёражи* ва Ҳермес *иёражидир*. Ҳермес *иёражидан* кунига эрталаб ярим *дирҳам* ва кечқурун ярим *дирҳам* истеъмол қилиш зўр фойда беради. Агар [ортиқча] балғам билан бирликда бутун бадан ҳам тўлиқ бўлса, биз [юқорида] айтган йўсинда томирдан қон олиш, шунингдек турбуд, дарахт пўкаги ва рум райҳони, айниқса, Руфус *иёражи* билан бўшатиш фойда қилади.

Савдодан бўлган [тутқаноқда] девпечак, харбақ, ложувард тоши, арман тоши, рум райҳони, чилпоя ва ҳалила қайнатмаси каби дорилар билан сурги қилдирилади, туянинг оёқ суягидаги илигини гул ёғи билан қўшиб умуртқаларга, чаккага ва куракка суртилади.

Сафродан бўлган тутқаноқда совутишга, рутубатлантиришга, айниқса ҳуқна дорилар билан [совутиб рутубатли қилишга] эътибор бериш керак. Агар [сафро] куйган бўлса [тутқаноқ] савдодан бўлган тутқа-

ноққа тенг бўлади ёки сафродан бўлган билан савдодан бўлганнинг ўртасида туради.

Умм ус-сибён деб аталадиган [тутқаноқ], баъзи табибларнинг фикрича, сафродан бўлган тутқаноқ туридан бўлса керак. Шунинг учун биз уни даволаш учун ваннага тушишга, бурунга юбориладиган совуқлик ва ҳўлловчи нарсаларни ишлатишга, бошга сут соғишга ва гавдани ҳўлловчи кучли дори ишлатишга буюрамиз. Агар [касал] ҳали ёш бола бўлса, эмизувчини ўз сутини совутадиган дори ичишга ҳамда салқин жойда ва ертўлада туришга буюрилади. [Эслатиб ўтилган табиблар] бу касалликни *суборо* ёки мания тутқаноғи деб ўйласалар керак, аммо тўғри тушунадиган табиблар орасида бу исм билан аташ машҳур эмас.

Тутқаноқли кишининг бирор аъзосида буралиш ва тиришиш пайдо бўлса, ёғ ва илиқ сув билан ишқаш ва қисиб уқалаш фойда қилади. Тутқаноқ меъда сабабли бўлганда Абу Жаҳл тарвuzининг гўшти ва рум райҳони бўшатилиш учун ишлатиладиган энг мувофиқ дорилардан саналади, уларни йил бўйи бир неча марта ишлатилади. Меъдани тозалагандан кейин уни кучайтиришга эътибор бериш тез ҳазм бўладиган ва каймуси яхши овқатларнигина едириш керак, [ундай овқатларни] ўз жойида биз кўрсатгандек қилиб берилади. Овқатни яхшигина ҳазм эттиришга ҳаракат қилиш ва меъдани узоқ вақт бўш қўйиш лозим. Агар оч қолиш сабабли бирон [касаллик] ҳолати юз берса, бош оғриғи бобида ва бошқа бобларда айтилган нарсалар билан ўз вақтида чораси кўрилсин!

Бирор аъзодан [модданинг] кўтарилиши сабабли бўладиган [тутқаноқда] унинг тутиши олдидан ўша аъзонинг тепасини боғлаш керак, баъзан шу тadbир тутқаноқ тутишига йўл қўймайди. Ўша аъзодаги хилтни, агар дорининг бўшатиш қуввати ўша аъзога етадиган бўлса, машҳур бўшатиш дорилари билан, ёки яра қилиб йиринглатувчи дориларни тинчлик вақтида ишлатиш билан бўшатилади, у дорилар ўша аъзони яра қилиб йиринг оқизади, ёки чўл газгаўт елими, *фарфийон* ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни суртиб, моддани куйдирилади, бу дорилар сенга Иккинчи китоб жадвалидан маълум. Баъзан олакуланг, айиқтовон, лочин тегаги, балозур ва бошқаларни ишлатишгача борилади. Агар ўша аъзони тилиб [яра қилишга] эҳтиёж сезсанг, тилишинг мумкин.

Бутун гавдадан кўтарилаётган [модда] сабабли

бўлган тутқаноқ хусусида баъзи табиблар: «уйқу артерияларидан қон олишда қонни тўхтатиш мумкин бўлса ҳам, бироқ миянинг совиб кетиши, руҳнинг узилиши ва бунга *сактанинг* эргашиб келиши хавфи бўлмаганда эди, бу тадбир натижасида бутун гавда ҳамкорлиги билан бўладиган ва бадандан [мияга] кўтарилаётган [модда] сабабли бўладиган тутқаноққа учраган кишининг бутунлай соғайиши мумкин эди», — дейдилар. Биз эса [уйқу томирларидан қон олиш] мумкин бўлмаса, [мияга] кўтарилган артериялардан бирини кесганда, юқорида айтилган хавфлар бўлмайди ва уни кесиш билан зўр фойда бўлиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас, деймиз.

САКТА

Сакта — мия қоринчаларида, сезувчи ва ҳаракатлантирувчи руҳ йўлларида кучли тижилма пайдо бўлиши сабабли аъзоларнинг сезгисиз ва ҳаракатсиз бўлиб қолишидан иборатдир. Шу билан бирга ҳаракат ва нафас аъзолари ишламай қолса, ёки заифлашса, нафас олиш осон бўлмайди, балки оғизда кўпик пайдо бўлиб, «бачадон бўғилиши» ёки хириллашдаги каби [нафас] тўхтаб-тўхтаб қолади; бу анча кучли [*сакта*] бўлиб, нафас аъзоларини ҳаракатлантирувчи қувватнинг кучсизлигига далолат қилади. Энг кучлиги эса нафас ҳам, кўпик ҳам ва хириллаш ҳам билинмайдиганидир.

Нафас олишнинг зарарланиши зўр бўлмай, томоққа қўйилган нарса ўтса ва бурундан қайтиб чиқмаса, бу хил [*сактанинг*] тузалиши бошқасига қараганда умидлироқ бўлса ҳам, бироқ у ҳам кучли хавф-хатардан холи эмас. Буқрот: «*сакта* кучли бўлса, бунга учраган киши тузалмайди, кучсиз бўлса, уни тузатиш осон эмас», — дейди. Бу хил тижилмаларга бирикиб қолиш ёки тўлиқлик сабаб бўлади. Бирикиб беркилишда оғри-тувчи ёки қийновчи бир нарса мияга бориб етиб, мия ўша нарсадан йиғилиб-сиқилиб ҳаракат қилади. Ёки мияга етишган кайфият ўз табиатига кўра сиқувчи ва зичлаштирувчи кайфият бўлади, масалан, кучли совуқ.

Тўлиқликка келсак, бу шиш пайдо қиладиган ёки шиш пайдо қилмайдиган бўлади. Шиш пайдо қилувчи тўлиқлик шундан иборатки, бунда [мияда] модда ҳосил бўлиб, у [модда] тўлиқлик ва тортилиш сабабли тижилма пайдо қилади. Бу [хил *сакта*] модда хоҳ иссиқ бўлсин, хоҳ совуқ бўлсин, барибир, кучли *сакта* турлари-

дандир. Шиш пайдо қилмайдиган тўлиқлик эса кўпроқ учрайди, у ё миянинг ўзида ёки унинг яқинидаги ундан келадиган ёки унга борадиган руҳ йўлларида бўлади.

Руҳнинг мияга борадиган йўлларида бўладиган [тўлиқлик] да модда ё қон хилти бўлади ва у тўсатдан мия қоринчаларига қуйилади; ё у [модда] балғам хилти бўлади; бу кўп учрайди. Мияга борадиган руҳ йўлларидаги [тўлиқлик] қоннинг кўплиги ва кучли тўлдириши сабабли артерия ва веналарнинг тўсилиши натижасида пайдо бўлади, бунда руҳ учун ўтиш йўли қолмайди. Натижада [касал] дарҳол бўғилади ва уйқу томирларини боғлаганда бўладиган сезги ва ҳаракат тушкунлиги юз беради; бутун гавдага тегишли бирор сабабдан шундай кайфият воқе бўлганда, шу хилда таъсир кўрсатади. *Сактанинг* турлари ва сабаблари ана шулардир. Баъзан *сакта* деб юз аъзолари соғлом қолса ҳам гавданинг иккала бўлагига умумий бўлган фалажни айтадилар, баъзан [гавданинг] ярми бўшашса, уни ўша яримнинг *сактаси* деб атайдилар. Бу [атамалар] Буқротнинг сўзларида бордир.

Гоҳо маълум бир кишида *сакта* пайдо бўлиб у билан ўлик ўртасида фарқ қолмайди ва унинг нафас олиши ва бирор бошқа [ҳаракати] билинмайди, кейин у соғайиб яшаб юради. Биз шундай ҳолатда бўлган кўп одамларни кўрдик: уларнинг нафаси билинмас ва томир уриши тамоман тушган эди. Эҳтимол бундай кишилардаги туғма иссиқлик ўзини салқинлатиш ва тутунсимон буғни ўзидан ҳайдаш учун кўп нафасга қаттиқ муҳтож бўлмаса керак, чунки уларда совиниш пайдо бўлади. Шунинг учун шубҳалантирадиган ўликнинг аҳволи аниқлангунча уни кўмишни кечиктириш, лоақал етмиш икки соат кечиктириш яхшироқ.

Сакта кўпинча фалажга айланиб тузалади, чунки табиат моддани гавданинг иккала нимтасидан бутунлай ҳайдашдан ожиз бўлгач, уни касалликни қабул қилувчанроқ ва кучсизроқ нимтага қараб ҳайдайди ва моддани мия ва мия қоринчаларидан узоқлаштириб, йўлларидаги ковакларига ўтказади. *Сактада* тиқилма миянинг [ҳамма] қоринчаларини қоплаб олишининг далили шуки, агар у фақат орқа қоринчада бўлганда эди, бошнинг олдинги томони ва юз сезиш қобилиятини йўқотмаган бўлар эди. Буқрот: «соғлом киши бошида тўсатдан оғриқ сезиб, кейин турган жойида *сактага* учраса ва хирилласа, у киши етти кунга етмай ўлади. Лекин унда иситма пайдо бўлса, соғайишини умид қилиш

мумкин, чунки иситма чиқиндиларни тарқатади», — дейди.

Билгинки, кўпинча, *сакта* ёш, гавда ва тадбир жиҳатдан ҳўл [мизожлик] кишиларда, айниқса ҳўллик билан биргаликда совуқлик ҳам бўлганда юз беради. Агар [*сакта*] иссиқ ва қуруқ мизожли кишиларда пайдо бўлса, иш қийин, чунки мизожга қарши бўлган касаллик сабаб зўр бўлгандагина пайдо бўлади. Гоҳо мизож у [касалликдан] шунчалик узоқ бўладики, ҳатто уни кўтара олмайди. *Сакта* иссиқликдан камдан-кам пайдо бўлади. Агар фалаж касаллигининг моддаси [гавданинг] иккала ярмига ёйилса, *сакта* пайдо қилади, шунингдек *сакта* моддаси бир томонга ҳайдалса, фалаж касаллигини пайдо қилади. *Сактанинг* сабаби, кўпинча [миянинг] орқасидаги иккита қоринчасида бўлади. Агар *сакта* билан бирга иситма бўлса, кўпинча, мияда шиш бор бўлади. Қонлари савдо аралаш бўлганлигидан кўп қон олдиришга эҳтиёж сезадиган кишилар шундай қон олдириш билан фойдалансалар ҳам охирида зарар кўриб, *сакта* ва шунга ўхшаш касалликларга учрайдилар.

Сакта тутишга бўлган қобилият. Уткир дориларни истеъмол қилиш сусайиб қолган хилтларни тез ишга солиб *сакта* тутишини тезлатади. *Сактанинг* тутишини билдирадиган [аломатларни] айтиб ўтдик, уларни ўша жойлардан ўқилсин.

Белгилар. *Сакта* билан оғир уйқу ўртасидаги айирма шуки, *сактага* учраган киши хириллайди ва унинг нафасига зарар етади, оғир уйқуда бундай бўлмайди; чуқур уйқудан аста-секин оғир уйқу [касаллигига] ўтилади; *сактага* учрайдиган кишида ҳамма нарса тўсатдан пайдо бўлади. *Сактадан* олдин, кўпинча, бош оғриғи, гардан томирларининг кўпчиши, бош айланиши, *садар*, кўз олди қоронғиланиши, бутун баданнинг учиши, уйқуда тишларни ғижирлатиш, [бош] оғирлиги ва ланжлик пайдо бўлади. [Касалнинг] сийдиги, кўпинча зангори ёки қора бўлиб, унда увоқ ва кепаксимон чўкмалар кўринади.

[Миянинг] зарарланиши, шунингдек урилиш, йиқи-лиш ва бирор аъзонинг ҳамкорлигидан бўлган [*сактага*] келсак, у қайта-қайта айтилган қондалардан сенга маълум. [Миядаги] шишдан бўлган *сактани* доимо бироз иситма бўлишидан ва биз баён қилган шиш белгиларининг олдин келишидан танийсан. Қондан бўлган [*сактага*] неча марталаб эслатилган қон белгилари далил бўлади, бунда юз ва кўзлар жуда қизаради, бўйин

веналари ва гардан томирлари таранг ва тўлиқ бўлади; бунга яна томирдан қон олдирилганлигига кўп вақт ўтганлиги ва илгари [кўп] қон пайдо қиладиган нарсалар ейилганлиги ҳам далолат қилади. [Сактанинг] балғамдан бўлганлигига [касалнинг] ташқи кўриниши, кўз ранги, бурун тешикларининг ҳўл бўлиб туриши ва бошқа айтилган нарсалар белги бўлади. Кекса кишида доимий ёки қайта-қайта тутадиган бош айланиши пайдо бўлса, *сакта* касаллигидан дарак беради.

Даволаш. Сиртқи нарса билан азиятланиш сабабли бўлган *сактани* даволаш ўша сиртқи сабабга қарши тадбир қилиш билан бўлади. [Бошқа аъзонинг] ҳамкорлиги билан бўлган *сактада* ўша аъзога [даволаш] қонунида ва бошқа бобларда сенга айтиб ўтилган нарсалар билан тадбир қилинади. Қондан бўлган [*сактани*] дарҳол томирдан қон олиш ва кўп қон оқизиш орқали даволанади. Шунда [касал] ўша ондаёқ ўзига келади. Моддани бошдан тушириш учун қон олгандан кейин сенга маълум дорилар билан ҳуқна қилинади. [Қасалга] энгил овқат берилади ва гулоб, суюқ арпа қайнатмаси ва [ивитилган] ноннинг суви билан чекланилади. [Юқорида] билганинг мияни кучайтирадиган, лекин қиздирмайдиган нарсаларни ҳидлатилади.

Балғамдан бўлган [*сактага*] келсак, агар у билан бирга қон [кўплигининг] белгилари ҳам топилса, бунда ҳам томирдан қон олиш керак. Кейин кучли дорилар билан ҳуқна қилинади ҳамда остдан елим ва қорамол ўтидан тайёрланган шамчалар кўтартирилади. Кейин [касалга] томоқдан осон ўтадиган *бирон нарса ичирилади*. Уларга ишончли ҳаб дорилардан *фарфиюн* ҳаб дориси ичирилади. Сўнгра касалнинг бошига ва [бошқа] аъзоларига қиздирадиган компресслар боғланади ва укроп, дармана, самсоқ, цитрон барги, ялпиз, тоғжамбил, зуфо, қашқар беда, каклик ўти ва бўйимодарон каби қиздирувчи ўтлар қайнатилган сувлар қуйилади. Баъзан шу дориларнинг қуввати ўтган ёғлар ва газгўтнинг ёғини [қуйилади]. Шунингдек, назла ўти, қундуз қири говшир, сассиқ қаврак елими аралаштирилган ёғни ҳам [қуйилади] ва бутун баданига гугурт солинган зайтун ёғи суртилади. Агар компресслар қалампирмунчоқ, кичик қоқила, мускат ёнғоғининг қобиғи, мускат ёнғоғининг ўзи ва игирдан бўлса, яхши бўлади. [Қасалнинг] оёғини қиздирадиган иссиқ ёғ ва тузли иссиқ сув билан ишқаланади, умуртқаларига эса, *майға* елими ва оқ савсан [ёғи] суртилади. Орқа миясининг

гагига хардал, Эрон қавраги, қундуз қири ва *фарфиюн* қўйилади. Ёввойи бодринг ёғи, газгаўт ёғи ва эски зайтун ёғи билан тайёрланган денгиз пиёзи ёғи [сактага] учраганлар учун яхши ёғлардан саналади. [Денгиз пиёзи ёғини] мана шундай тайёрланади: ҳўл [денгиз пиёзини] зайтун ёғида қирқ кун ивитиб қўйилади; ёки уни [зайтун ёғида] қайнатилади; бунинг учун эскирган зайтун ёғидан бир *қист* ва денгиз пиёзидан икки *уқия* олиб, уни ўша ёғда титилгунича қайнатилади. Мазкур икки йўл билан тайёрланган назла ўтининг ёғи ҳам яхши [таъсир қилади]. Қайси ёғ ишлатилса ҳам унинг тўхтаб туриши ва оқиб кетмаслиги учун уни мум билан қуюлтириш керак.

Дастлаб, суртиладиган дориларнинг кучсизроғидан бошлаш лозим. Агар у фойда қилмаса, уни кучайтирилади ва кучлироғига ўтилади. Ҳуқна ва бошқа йўллар билан бўшатгандан кейин [касалнинг] бурнига етмак ҳамда кучли аксиртирадиган дорилар ва кучли ёғларни яқинлатиш, шунингдек темирни қиздириб бошига рўпара қилиш ва бошига юқорида айтилган эритувчи қуюқ суртмаларни боғланса ёмон бўлмайди. [Касалнинг] меъдасида тўлиқлик борлиги тахмин қилинса ва илгари меъдаси бузилган бўлса, унинг томоғига гулсапсар ёғи ёки зайтун ёғига булганган пат тиқиб қустириш жуда фойда қилади. Қусишда бошқа фойда ҳам бор: ўқчиш ва қусишга уриниш совуқ ё ҳўл *сактага* учраганлар бошининг мизожини иссиқ қилади.

Елни [ҳайдаб] чиқарадиган нарсалар орқали унинг чиқишини осонлаштириш керак. Бу билан касал енгиллашади. Тишлари бир-бирига [ишқаланиб] бузилмаслиги учун уларнинг оғизларига юқорида айтилганича жун [коптокча] тиқилади. Касал биров қусса, газгаўтнинг суви билан қайнатилган канакунжут ёғидан ҳар куни икки *дирҳамни* [маълум] илдизлар суви билан қўшиб ичирилади, кейин буни аста-секин кўпайтириб ниҳоят ҳар куни беш *дирҳамдан* ичириш керак. Мумкин бўлса, бўшатилишдан кейин [касалнинг] томоғига тарёк, *митрифат*, *шалисо*, *анақардиё*, *сажасониё* ва шуларга ўхшаш дорилардан бир бундуқ миқдоричани юбориш керак; оддий доридан бир *мисқол* қундуз қирини асал суви ва асал *сиканжубини* билан қўшиб [юборилади]; Эрон қаврагидан ҳам бир боқила миқдоридан ичирилади. Уларга ичириладиган нарса керагига қараб асал сувининг ўзи ёки унинг дориворлар билан қўшилганидир.

[Касалнинг] енгиллашганини кўрсанг, унга томоқ

чаядиган ва аксиртирадиган дориларни берасан; энсага ва гардан чуқурига моддага қараб тилиб ёки тилмай қортиқ қўясан. Кейин уни беланчакда тебраттирасан. Уч ҳафтадан кейин ҳаммомга туширасан, ҳаммомга тушган кунни қиздирувчи ёғлар сурдирасан. Тоғжамбил, чўл ялпизи, каклик ўти, зуфо ва шуларга ўхшашларни сиркада қайнатиб, сўнгра унга асал аралаштирилса, *сакталилар* учун умуман гавда тозалангандан кейин томоқ чайқайдиган фойдали дорилардан бўлади. Назла ўти, тоғ майизи, тоғжамбил ва татим қайнатилган лавлаги суви ҳам шундай. Булардан кўра кучлироқ [дори қуйидаги доридир]: мурч, узун мурч, занжабил, тоғ майизи, бурақ, қизил гул ва татимни олиб янчилади ва шинни билан қориб, ундан шамчалар тайёрланади; у шамчаларни чайналади ёки уларни мастаки билан зуфо қайнатмасига солиб томоқ чайилади. Мурч, самсоқ ва хардалларни якка-якка ёки бир-бирига қўшиб ишлатилса, юқоридагиларга яқин таъсир кўрсатади; буларга гул ва татим каби нарсаларни қўшиш шарт. Игир ҳам бу [касалликда] фойда қиладиган ва таъсири кучли дорилардан саналади. Асаблардаги руҳни ва асаб жавҳарини кучайтирадиган, чиқиндиларни тарқатадиган ва ўткир бўлмаган ёғлар, масалан, гулсапсар ёғи ундан кейин самсоқ ёғи, бобуна, укроп ва қора чайир ёғларини суртиш, айниқса бошга суртиш, [сакталиларга] фойда қилади; чунки бошга суртиш учун [қора чайир ёғини] ишончли ёғ деб билиш керак, агар у ёғ зуфо, каклик ўти, чўл ялпизи, тоғжамбил ва буларга ўхшашларнинг қувватини олган бўлса, яна ҳам яхши бўлади.

Сактага учраганларнинг овқатлари тутқаноқли кишиларникидан енгилроқ бўлиши керак. Энг яхшиси эрталабки овқатлари фақатгина нон бўлсин; анжир қоқи билан нон улар учун яхши овқатдир. Овқат устига бирон нарса ичиш улар учун жуда зарарли. Кечки овқатдан олдин енгил бадантарбия қилиб бўшашган аъзоларни бироз ҳаракат қилдирилса, ёмон бўлмайди. Кечки овқатни егач, тез ухламасдан балки овқат меъдадан тушиб, бироз ҳазм бўлгунча сабр қилиш керак. Яна кўп вақт ухламаслик ҳам ярамайди. Чунки, [кўп уйғоқлик] мияни бетинч қилади ва ҳазм ишига тўсқинлик қилиши сабабли ҳазм бўлмаган овқат буғларини [баданга] тарқатади.

Бир гуруҳ [табиблар] ясмиқ билан арпани [сакта касаллигига] учраганлар учун яхши овқат деб биладилар; майиз, бодом ва анжир ҳам улар учун мувофиқ

газаглардан саналади. Янги шароб уларга ёқмайди, чунки бунда чиқиндилар бор, эскиси ҳам ёқмайди, чунки у мияга тез ўтиб уни тўлғизади, улар учун энг мувофиқ шароб [янгиси ва эскиси] ўртасида бўлган шаробдир. *Сактали* киши иситма чиқарса, [аҳвол] аниқлангунча, тадбирни тўхтатиб турамиз, баъзан бу [иситма] бухрон [белгиси] бўлади, етмиш икки соатгача тўхтатиб турилади. Агар иситма [бухрондан бўлмай], балки шишиш ва сасиш натижасида келиб чиққан бўлса, ўлдиради.

Билгинки, *сакта* ва фалажда йўллар тораяди. Шунинг учун бўшатувчи дорилар буларга сабаб бўлган моддани деярли бўшата олмайди.





АСАБ ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Асабларнинг ўзига келсак, сен уларнинг келиб чиқадиган жойи, тармоқланиши, шакли, табиати ва анатомиясини билдинг. Уларнинг касалликларига келсак, билгинки, асабларда уч хил касаллик, яъни мизож [касаллиги], қурол [касаллиги] ва узлуксизликнинг бузилиши [касаллиги] бўлади. Зарарланиш [асабларнинг] табиий, сезиш ва ҳаракат қилдириш ишларида юз беради. Асаб касалликларини келтириб чиқаришда зўраки ҳаракатларнинг жуда катта ва бошқа нарсаларни кидан кўра кўпроқ дахли бор, чунки асаблар ҳаракат қуролларидир. Арқон тортиш, оғир нарса кўтариш, кучли чўзилишга ёки қисилиш ва йиғилишга сабаб бўладиган ҳамма ҳаракатлар зўраки ҳаракатлардан ҳисобланади.

Асабларнинг аҳволи ҳақида уларнинг сезиш ва ҳаракат ишлари, юмшоқ ва қаттиқ туюлиши, уларга мия ва умуртқаларнинг ҳамкорлиги, оғриқлар ва асабларга хос моддалар, шунингдек мия аҳволини билдирадиган белгиларнинг кўпчилиги, [яъни] мия ишларининг зарарланиши ва [бошга] тегиб билишга асосланиб ҳукм чиқарилади. Асаб касалликларидан бирор касалликнинг ҳўл ё қуруқ [мизождан] эканлиги шубҳали бўлса, унинг қандай пайдо бўлганлиги ўйлаб кўрилади: агар у тўсатдан пайдо бўлса, ҳўл [мизождан] эканлигига шубҳа қилинмайди. Шунингдек [касал] аъзонинг ёғни шимишига қаралади: агар уни бегона бир иссиқ қиздирмаган бўла туриб ёғни тез шимса, [касалликнинг] қуруқ мизождан эканлиги шубҳасиз бўлади.

Асаб мизожини ўзгартиришдаги энг яхши тадбир аъзони тозалашдан кейин қилинадиган бадантарбиядир; ҳар аъзонинг ўзига яраша [бадантарбияси] бор. [Бадантарбияни] енгилроғидан бошлаб секин-аста мўътадил ва кучлисига ўтиш керак.

Асабларни тозалаш ва уларнинг мизожларини ўзгартириш учун қилинадиган усулларга келсак, асаблардан бутунлай бўшатилиши зарур бўлган [модда] совуқ моддалардир. Уларни бўшатиш учун Абу Жаҳл тарвунининг гўшти, харбақ, айниқса, у оқ харбақ билан қустирилади, — *фарфиюн*, қаврак елими, Эрон қавраги, кучли елимлар ва катта *иёражлар* каби кучли дорилар ишлатилади. Енгил бўшатувчилар эса қуруқ ҳаммом ва мўътадил бадантарбиядир. [Асабларнинг] мизожини ўзгартирадиган дорига келсак, улар мия бобида эслатилган, айниқса, ёғли хусусиятга эга ёки ёғдан иборат бўлган дорилардир. Йиртқич ҳайвонларнинг ёғлари, зайтун ёғининг қуйқаси ва зиғир ёғининг [қуйқаси] каби иссиқлик ёғларнинг қуйқалари ишлатилса, асаблардаги совуқ мизож касалликларга мувофиқ бўлади ва уларнинг қаттиқлигини юмшатади. Қуст ёғи ва қора йўнғичқа ёғи асабларга жуда хос бўлган ёғлардан саналади.

Кейин мизожларга қараб қуйиладиган ва сиқиб олинган сувлар ишлатилади. Лекин у [сувлар] жуда кучли бўлиши, улар [баданга яхши] ўтсин учун баданни юмшатиб тери тешикларини очишда жуда етук тадбир кўрилиши зарур.

ФАЛАЖ ВА БЎШАШИШ-ШАЛВИРАШ КАСАЛЛИГИ

Фолиж сўзи гоҳ мутлақ ва умумий маънода, гоҳ хусусий ва аниқ бир маънода ишлатилади. Аммо умумий маънодаги *фолиж* сўздан аъзонинг қайси бири бўлса ҳам, унинг бўшашганини, хусусий маънодагисидан эса гавданинг узунасига икки бўлагидан бирининг бўшашуви англашилади. Бу хил [бўшашиш] баъзан бўйиндан бошланиб, бунда юз билан бош соғлом қолиши мумкин, баъзан у бошдан оёққача гавданинг бутун бир ярмини тўла қоплайди. Араб тилида *фолиж* шу [кейинги] маънога далолат қилади. Чунки уларнинг тилида *фалаж* сўзи ёриш ва иккига бўлиш маъносини билдиради. Фалаж сўздан мутлақо бўшашиш маъноси олинса, у бўшашиш бош аъзоларидан бошқа [гавданинг] иккала ярмига ҳам умумий бўлиши мумкин, — агар у бош аъзоларида ҳам бўлса, [у чоғда] *сакта* бўлар эди, — ёки унинг биргина бармоққа тааллуқли бўлиши мумкин.

Маълумки, сезиш ва ҳаракат қилиш қобилятини йўқотиш шу сабабдан бўладики, сезувчи ёки ҳаракат қилдирувчи руҳ қамалиб аъзоларга ўтолмайди, ўтса

ҳам аъзолар мизож бузилганлиги сабабли ундан таъсирланмайди. Бузилган мизож иссиқ, ё совуқ, ё ҳўл, ё қуруқ бўлади. Иссиқ [мизож] ниҳоят даражада иссиқ бўлмаса, сезги таъсирига қарши бўлмаса керак, масалан, [шундай ҳолат] қотиб кетган ва ингичка оғриқ касаллигига учраган кишиларда кўрилади. Уларда ҳарорат бўлишига қарамай, ҳаракат ва сезиш йўқолмайди. Қуруқ [мизож] ҳақидаги ҳукм ҳам шунга яқиндир. Аксинча сезиш ва ҳаракатга тўсқинлик берадиган мизож кўпинча совуқ ва ҳўл [мизож] бўлади. Бу ҳол ҳақиқатдан узоқ эмас. Чунки совуқ руҳга қарши ва уни увуштирувчидир. Ҳўллик эса аъзоларни бўшашишга тайёрласа керак. [Демак] ҳаракатни йўқ қилувчи сабаблардан бири совуқлик ёки моддасиз рутубатдир, лекин буни қиздириш билан тузатиш осон. Ҳар ҳолда бу [йўқотиш] гавданинг кўп қисмини ёки унинг бирон ярмини бутунлай қопламаса керак, балки унинг юзага чиқиш зарур бўлиб қолса, фақат айрим бир аъзодагина бўлади. Фалаж ва бўшашиш, кўпинча руҳнинг тўхталиб қолиши сабабли юз берса керак, тўхталишнинг сабаби эса тўсилиш ёки кесилиш сабабли тешикчаларнинг ва аъзоларга борадиган йўлларнинг ажралиб қолишидир. Тўсилиш эса тешикчаларнинг сиқилиши ёки тиқилма пайдо қилувчи хилтнинг монелиги ёки шу иккала сабабни тўплаган [касаллик], яъни шиш сабабли пайдо бўлади. Демак, аъзолардан руҳнинг узилиши натижасида бўладиган бўшашиш ва фалажнинг сабаби — тешикчаларнинг сиқилиши, ёки тўлиқлик, ёки шиш, ёки узлуксизликнинг бузилишидан иборат. Тешикларнинг сиқилиши, баъзан ечилиши мумкин бўлган бирон сиртқи бойлоқ билан боғлаш сабабли пайдо бўлиб, бунда бўшашиш ва сезиш ҳам ҳаракатнинг йўқ бўлиши вақтли бир нарса бўлади ва боғичнинг ечилиши билан кетади; баъзан урилганда ёки йиқилганда бўладиган каби қаттиқ қисилишдан, шунингдек умуртқалар синганда ва ўнг ё чапга қараб сурилганда, улардан ўша томонга қараб чиққан асаб қисилади. Еки [умуртқалар] олд ё орқага қараб [сурилади], бундан кўпинча [асаблар] чўзилади, лекин қисилмайди, чунки умуртқалар олдга ёки орқага букилганда асаблар чиққан жойларда бирлашмайди. Асабларнинг чиққан жойлари олд ва орқа томонда эмаслигини биласан. Тешикчалар гоҳи аъзо жавҳарининг зичлашуви сабабли сиқилади.

Тиқилма пайдо қилувчи тўлиқлик аъзо фойдаландиган оқувчан ҳўл моддалардан бўлади, [бу моддалар]

ҳамма асабларнинг ковакларига ўтади ёки асаблар ё уларнинг шохобчалари бошланган жойларда тўхталиб қолади ва улар орқали юрадиган руҳнинг йўлларини тўсади. Асаблар ва уларнинг шохобчалари ўсиб чиққан жойларда шиш пайдо бўлиб, бу ҳам руҳ йўлларини тўсади. Асабларда бўладиган кесилишга келсак, узунасига бўлган кесилиш сезиш ва ҳаракатга зарар қилмайди; энига қараб бўлгани эса, [аъзо] билан ҳозир узилган тола ўртасини туташтириб турган йўллардан суғориладиган аъзоларнинг сезишларига ва ҳаракатларига монелик қилади.

Билгинки, орқа мия, сезилмаса ҳам, мия каби иккига бўлингандир; қандай қилиб бўлмасин, бу ҳам мианинг иккала бўлагидан ўсиб чиқади. Шунинг учун ҳам ажабланарли эмаски, табиат [орқа мианинг] икки ярмидан бирини сақлаб, моддани унинг кучсизроқ ярмига ёки аввалдан моддани осонроқ қабул қиладиган ярмига ёки мианинг ёндош турган қисмидан чиқиндилар келиб турган ярмига юборади. Касаллик [гавданинг] бир томонидагина бўлиб, иккинчи томонида бўлмаслигига ажабланиш керак эмас, чунки табиат бундан ҳам назикроқ нарсаларни ажрата олишини Биринчи китобда биз сенга ўргатган қоидалардан эслай оласан. Билгинки, ҳўл модданинг атрофга ҳайдалиши кўпинча гавдада иссиқнинг ғалабаси ёки тўсатдан бўлган [нафсоний] ҳаракат, масалан, қўрқиш, чўчиш, ғазабланиш, лаззатланиш ёки ғамгинлик сабабли бўлади.

Билгинки, фалажни келтирувчи офат ва модда мия қоринчаларининг бир ярмида бўлса, [фалаж] бутун гавданинг ярмига, шу билан бирга юзнинг ярмига умумий бўлади, улар бирон томон ярмидаги йўлларда бўлганида ҳам шундай; агар улар мия қоринчаларининг иккала ярмида ёки [унинг ҳамма] йўлларида бўлса, *сакта* пайдо бўлади. Агар [зарар ва модда] орқа мианинг ўсиб чиққан жойида бўлса, юз аъзоларидан бошқа бутун гавда фалаж бўлади. Баъзан шундай вақтда бош терисига сезги ўтмай қолиб унда увушиш пайдо бўлади. Чунки сезувчи асаб бош терисига бўйиндан келади, буни биз [юқорида] айтган эдик. Агар [зарар ва модда] орқа мия ўсиб чиққан жойининг бир томон ярмида бўлса, [фалаж] юздан бошқа ўша томон мианинг ҳаммасини қоплайди, агар улар [орқа мианинг] ўсиб чиққан жойидан пастроқда бўлиб, чуқурроқ борса, ёки бир томон ярмида бўлса, [орқа мианинг шу еридан чиққан] асаби ёндошиб турган аъзо бўшашиб фалаж

бўлади. Агар [сабаб] орқа миядан бўлмай, балки асабдан бўлса, ўша асабга хос бўлган аъзо бўшашади. Агар [зарарланиш] асабнинг ҳамма жойида, ёки унинг ярмида, ёки унинг баъзи жойларида бўлса, ўша модда, ёки узлуксизликнинг бузилиши, ёки шиш сабабли зарарланган асаб билан ҳаракатланаётган [аъзолар] бўшашади.

Фалаж баъзан қуланж касаллигининг буҳрони бўлади, кўпинча бунда сезиш ўз ўрнида қолади, чунки бунда модда ҳаракат асабларида бўлиб, сезиш асабларида бўлмайди. Баъзи қадимги [табибларнинг] айтишича, айрим йилларда қуланж касаллиги умумлашиб жуда кўп кишиларни ўлдирган; бундан фақат чўзма фалажга учраганларгина қутулиб қолган. Эҳтимол табиат ичакларга келаётган моддани силкиб сиртга қайтарганда, модда тер билан сиртга чиқарилишига куюқлик қилиб асабларга ёпишиб олади ва фалаж касаллигини келтириб чиқаради. Бундай [фалажда] кўпроқ вақт сезиш ўз ҳолича қолади.

Баъзан фалаж ўткир касалликларда модда асабларга ўтганда буҳрон сифатида пайдо бўлади; кексалик ёки кучсизлик сабабли табиат [моддани] тугал бўшатишга ожизлик қилади, натижада модданинг қолдиқлари мия қисмида қолади; [касалликнинг] охирида бош оғриғи ва бош оғирлиги ҳам қолади; кейин табиат [моддани] ҳайдаб кўчирса ҳам, тугал бўшатомайди, натижада фалаж ва шунга ўхшаш [касалликлар] келиб чиқади.

Фалаж, кўпинча, қишнинг қаттиқ совуқ пайтида пайдо бўлади, гоҳо у тўлиқликдан [модаларнинг] қўзғалиши сабабли баҳорда ҳам бўлади. Гоҳо жанубий мамлакатларда [яшовчи] эллик ва шунга яқин ёшга борган кишиларда бошларидан назла тушуви сабабли бўлади, чунки жанубий мизож, кўпинча, бошни [модаларга] тўлғизади.

Фалажга учраган кишининг томир уриши кучсиз, суёт ва сийрак бўлади, лекин касаллик қувватни енгса, томир уриши [яна ҳам] кучсизланиб, тезлашади ва [уришида] тартибсиз тўхташлар пайдо бўлади. Фалаж касаллигида сийдик кўпинча оқ бўлиб, баъзан жуда қизил бўлади, чунки жигар қонни сув бўлагидан ажратишга кучсизлик қилади, ёки қонни тортишга томирларнинг кучи етмайди, ёки [фалаж] билан бирга кўпинча оғриқ пайдо бўлади, ёки унга бирон бошқа касаллик биргалашади.

Гоҳо фалаж кишининг соғ томони оловда тургандек алангали, фалаж теккан томони эса қорда тургандек совуқ бўлади. Иккала томоннинг томир уриши ҳам турлича бўлади: совуқ томоннинг томир уриши совуқ ҳукми ижоб этган даражагача тушади. Баъзан иш шу даражага бориб етадики, ўша фалаж томондаги кўз кичраяди. Бўшашган ва фалаж бўлган аъзоларнинг ранги баданнинг бошқа қисми сингари бўлиб, улар кичраймаса ва озмаса, бунда, фалажнинг тузалиши бунинг аксича бўлган фалаждан кўра умидлироқ бўлади.

Гоҳо *сакта*, тутқаноқ, қуланж, «бачадон бўғилиши» ва узоққа чўзилган иситмалар ҳам бухрон сабабли фалаж касаллигига кўчади.

Умуртқаларнинг жойидан қўзғалиши сабабли бўлган фалаж кўпинча, ўлдиради. Урилиш сабабли бўлган фалажда асаб қаттиқ эзилмаган бўлса, касал тузалади, агар ҳаддан ташқари [эзилган] бўлса, тузалишига умид йўқ. Тузалиши умидли бўлган [фалажда] дастлаб томирдан қон олиш лозим. Фалаж моддасининг *сактага* қандай олиб боришини ва бунинг аксини айтиб ўтдик.

Даволаш. Беш турли асаб касалликларида, яъни увушиш, тиришиш, қалтираш, фалаж ва бадан учишида [даволашни] миянинг орқа бўлагига йўналтириш керак. Дастлаб кучли дориларни ишлатишга шошилма, балки уларни тўртинчи ёки еттинчи кунга қолдир, агар касаллик кучли бўлса, ўн тўртинчи кунга қолдир. Шу кунларда юмшатувчи, етилтирувчи ва ични юргизувчи энгил дориларнигина ишлат. Шу вақтда ҳуқна дорилар ишлатилса ҳам зарари йўқ. Ундан кейин бўшатувчи кучли дорилар билан бўшаттир.

Фалаж кишининг овқатига келсак, дастлаб маълум бўлганида унга икки-уч кун арпа суви ва асал суви каби нарсаларгина бериш керак. Агар [касалнинг] қуввати кўтаролса, ўн тўрт кунгача [шундай қилинади], агар кўтара олмаса, энгил қуш гўштлари билан овқатлантирилади. Касални оч қўйиб, кейин қуруқ [мизожли] овқатлар беришга ҳаракат қил, уни яна узоқ вақт чанқов ҳолда қўйиш керак. Фалаж кишиларга катта санавбар мевасининг мағзини ейиш фойда қилади. чунки уларда алоҳида даволик хусусияти бор.

Билгинки, [фалаж кишилар] учун шаробдан кўра сув ичиш яхшироқ, чунки шароб моддаларни асабларга ўтказилади. Шаробнинг кўпи баъзан баданда ачиб сиркага айланади, сирка асаб учун энг зарарлидир.

[Асаб] буралиши ёки қисилишидан бўлган [асаб касаллигини асаб] буралиши ва қисилиши бобида биз жўрсатадиган нарсалар билан даволайсан.

Агар [фалаж] йиқилиш ёки урилишдан келиб чиққан бўлса, уни даволаш қийин, шундай бўлса ҳам ҳар ҳолда уни даволашда қаралади: [йиқилиш ва урилишдан асаб] буралдим ёки шиш пайдо бўлдим, ёки бирор модда тортилганми, мана шунга қараб керакли тадбир қилинади. Бундай [касалликни] даволашда унинг қайси аъзода бўлишидан қатъи назар дориларни зарба теккан жойга ва фалаж аъзога борадиган асабнинг келиб чиққан жойига қўйиш керак, аммо дориларни фалаж аъзонинг ўзига қўйиш етарли даражада фойда қилмайди. Даволашдан мақсад шишни қайтариш, ёки аъзони [бўшаштириш] ёки уни қиздириш ва мизожни ўзгартириш бўлса ҳам, барибир дориларни асабларнинг ўсиб чиққан жойига қўйишнинг лозим.

Гоҳо урилган ва шишиб, шиши тарқала бошлаган аъзонинг яқинига қортиқлар қўйишга эҳтиёж сезилади, буни қонни у аъзодан бирор бошқа томонга ёки гавда сиртига тортиш учун қилинади. Агар касал асабларнинг бўшашуви сабабли пайдо бўлган ҳақиқий фалаж бўлса, умумий тадбирдан кейин қўллаш лозим бўладиган чора суюқ моддаларни бўшатишда биз айтган, белгилаган ва чегаралаган тартибнинг худди ўзи билан кўпайтирмай ва камайтирмай моддани бўшатишдир.

Фарфиюн ҳаб дориси, *ҳабби бемористоний*, чакамуғ ҳаби, «сассиқ ҳаблар» ва Ҳермес *иёражи* фалаж кишиларнинг бўшалиши учун ишлатиладиган энг фойдали дорилардан саналади. Оқ харбақнинг ўзини ёки уни ивйтиб қуввати олинган турп ширасини, шунингдек бошқа қустирувчи дориларни бериб қустириш ҳам фойдалидир. Баъзан [даволашни] секин-аста ошириб бориб [олдин] бир *донақдан* тарёк ичириб турилади, кейин уни оз-оз кўпайтирилади, аммо бир *дирҳамдан* оширилмайди. Гоҳо тарёкни пўсти артилган кунжут ва шакар билан аралаштириб берилади. Баъзан [касалга] Эрон қаврагини ўзича, говширни ўзича ва қундуз қирини ўз ҳолича асал шароби билан қўшиб берилади; [буларнинг] ичиладиган миқдори бир боқила дони баробарида бўлади, булар у [касаллар] учун жуда фойдалидир. Уларга яна кучли ҳуқна дорилар ишлатиб ва кучли шамчаларни кўтартириб моддаларни қуйига юбориш ва умуртқаларига кучли ёғлар суртиш керак. Ёғлардан иборат суртиладиган иссиқ дорилар ва неча марта қай-

тариб эслатилган қизартирувчи қуюқ суртмалар ҳам [фалажга учраганларга], айниқса, сезиш йўқолганда, фойда қилади. Гулсапсарнинг илдизи яхшигина қизартирувчи дорилардан бўлиб, уни суртиладиган дориларнинг яхшилаб суртиб ишқаланади.

Бўшатилишдан кейин мушакларнинг учларига тилмай қортиқ қўйиш ҳам [фалажга учраганларга] фойда қилади; улар мушакларни қиздириши жиҳатидан фойдалидир. Баъзан бир оз тилишга тўғри келади. Қортиқларнинг учи тор бўлиши, уларни кучлироқ олов ва кучли сўриш билан ёпиштириб, кейин тезда кўчириб олиш лозим. Қортиқ ишлатганда, агар бўшашиш кўп ва [гавданинг ҳамма] жойларига ёйилган бўлса, қортиқни кўп жойларга қўйиш керак, агар [бўшашиш] кўп жойда бўлмаса, [қортиқларни] бир жойга тўплаб қўйилади. Ундан кейин [қортиқ қўйилган] жойларга *зифт* ва санавбар елими ишлатилади, яна асал билан қўшиб мастак уни ва гулсапсардан тайёрланган қуюқ суртма каби қизартирувчи иссиқ қуюқ суртмаларни ҳам ишлатилади. Хардал қуюқ суртмаси ҳам [фалажга учраганлар] учун фойда қиладиган дорилардан саналади, унинг кучи кетгач, алмаштирилади, аъзо қизариб қаваргунича шу йўсинда янгилаб турилади.

Фалажда чакамуғ қуюқ суртмасининг фойдаси зўр. Бу кўп ҳолларда чўл газгаўт елимини ва хардални ишлатишга эҳтиёж қолдирмайди. Шунингдек *зифт* қуюқ суртмаси, айниқса унинг табиий сода ва гугурт билан қилингани ҳам фойда беради. Зайтун ёғи ва табиий сода билан ишқалаш, гугуртли сувлар, денгиз суви ва суюлтирувчи қўйиладиган дориларни ишлатиш ҳам фойдалидир.

Агар [аъзонинг] сезгиси кучсиз бўлса, баъзан кучли қуюқ суртма терини шилиши мумкин, бу нарса кучли зарарланишга ва қаттиқ яраланишга олиб боради. Шундай бўлишдан сақланиб дорининг қандай таъсир қилишини кузатиб бориш лозим: агар [касал жой] бир мунча қизариб бўртса, лекин шу қизиллик ва бўртиш теридан ўтмаган бўлиб, қўл билан секин босилганда тарқалса ва ўша жой оқарса, [қуюқ суртманинг] таъсири теридан ўтмаган бўлади. Агар қизиллик турғун бўлиб, ҳарорат жуда аниқ бўлса, у пайтда [қуюқ суртмани] янгилашни тўхтат. Буни билиш йўли мана шундай: қуюқ суртма ишлатишни доимо кўпайтира бориб [аъзо] ҳолини кўздан кечириб турасан, агар тўхтатиш

жерак бўлса, тўхтатасан, қайта ишлатиш керак бўлса қайтарасан.

Билгинки, [фалаж кишиларнинг] бурунларига етмак ва унинг ўрнига ўтадиган нарсаларни пуфланса, жуда фойда қилади, чунки у мяни тозалайди ва касалликни келтириб турган моддаларни касал томондан кетказди. Эски шаробдан озроқ ичиш асаб касалликларининг ҳаммасига ҳам жуда фойда қилади, бироқ унинг кўпи асаблар учун энг зарарли нарсadır. [Фалаж кишиларга] игир мураббоси ҳам фойдали нарсалардан саналади, шунингдек, иёражни ўзига баробар қундуз қири билан аралаштириб секин-аста бир *дирҳамдан* олти *дирҳамгача* ичириш ҳам шундай. Қанакунжут ёғини [маълум] илдизларнинг суви билан ичиш ҳам жуда фойдали.

Баъзи фалажга учраган кишиларга ҳар кунни бир *мисқол* иёражни бир *мисқол* мурч билан ичириб тузатганлар. Шу [дорилардан] биронтасини берганда сув ичирмаслик керак, шунда [дори] меъдада узоқ қолади ва баъзан кун бўйи меъдада қолиб кейин амал қилади. Баъзан фалажларга бир *мисқол* мурчни бир *мисқол* қундуз қири билан қўшиб кечаси ичирилади.

Фалажлар учун тарёк, *митридат*, *шалисо*, айниқса, *анакардиёдан* кўра фойдалироқ дори йўқдир. Кунда икки марта ангузани ҳам ичиш, ҳам суртиш зўр фойда беради. Ҳинд фундуғининг ҳам ажойиб фойдаси бор.

[Фалаж] аъзо соғая бошласа, у тугал тузалгунича, уни йиғиб ва ёзиб бадантарбия қилдириш керак.

[Фалажлар] гоҳо иситмадан, гоҳо қаттиқ овоз билан қичқиришдан ва товуш чиқариб ўқишдан фойдаланадилар. Бўшатилишлар фойда қилгандан кейин узоқ вақт қуруқ ҳаммомга ёки иссиқ булоқ сувига тушадилар. Ишнинг охирида, бўшалишлардан кейин эритувчи дориларни ишлатиш лозим бўлса, ёлғиз юмшатиб эритувчи дорини ишлатмасдан, балки бир оз буриштириш [хусусияти бўлганини] ишлатиш керак. Шунинг учун эритишни рум арпабодиёни, *майъа* елими, қорачайир, қундуз қири ва шунга ўхшашлар билан қилиш керак.

Қуланждан кейин пайдо бўлган [фалажга] қарши Қарободинда кўрсатилган ва рум ёнғоғи қўшиб тайёрланган дори фойда қилади. Уларга яна қуввати унчалик зўр ва таркиби кўп бўлмаган ёғлар, масалан: гулсапсар ёғи, рум сунбули ёғи, наргис ёғи ҳамда балозур елими билан қўшиб тайёрланган ёғларни тажриба қилинганда,

Уларнинг ҳаммаси ўзларида бўлган махсус хусусият сабабли фойдали топилди. Кўп кишиларга кучайтирувчи, совитувчи ва моддага тўсқинлик қилувчи нарсалар фойда қилган. Уларни иссиқ тутиб даволаганда касаллик ортган. Чунки суюқ модда иссиқ билан кўпроқ ёйилади, аъзо совуқ тутилса, у совуқ билан кучаяди, модданинг ҳажми камайиб йўқ бўлади. Бу хил касалларни кўп иситиш керак эмас, лекин уларга бериладиган дориларни бобуна, қашқарбеда, самсоқ, чўл ялпизи ва ялпиз кабилар билан кучайтириш ва бу дориларга яна чучукмиянинг қиём қилинган суви сачратқи уруғи ва бошқа бир оз совитиш қуввати бўлган дориларни аралаштириш зарур бўлади. Мана шу нарсаларни ишлатилса жуда фойда қилади.

Асабнинг қирқилишидан бўлган фалажга ҳеч бир чора йўқ. Совуқ мизождан бўлган [фалажни] машҳур қиздирувчи дорилар билан даволанади. Агар мизожнинг шундай бўлишига кўп сув ичиш сабаб бўлган бўлса, қуруқ ҳаммомга тушиш керак. Билгинки, агар фалаж ва иситма касалликлари бир вақтда пайдо бўлса, фалажнинг [давосини] кечиктириш керак. Шундай вақтда гулқанд билан *сиканжубин* жуда яхши доридир.

ЮЗ ФАЛАЖИ [ЛАҚВА]

Бу юздаги қурол аъзога тегишли касаллик бўлиб, унинг натижасида юзнинг бир томони ғайри табиий равишда бир тарафга қараб тортилади, [юзнинг] табиий шакли ўзгаради, лаб ва шу тарафдаги қовоқлар яхши юмилмайди, бунинг сабаби қовоқ ва юз мушакларининг бўшашиши ёки тиришишидир; у мушакларнинг қандайлигини ва ўсиб чиққан жойларини сен биласан.

[Мушакларнинг] бўшашувидан бўлган юз фалажиде [юзнинг] бир томони қийшайиб, ўзи билан биргаликда иккинчи томонни ҳам тортади; агар [фалаж] кучли бўлса, [юзни] бўшаштиради ва шаклини ўзгартиради, кучсиз бўлса, фақат бўшаштиради, холос. Баъзи [табибларнинг] фикрича, соғ томоннинг бўшашиши қийшиқ томоннинг тортиши билан бўлар эмиш, бироқ бу ишончли бир фикр эмас, Павел ҳам шу фикрдагилардандир. Бўшашишдан бўладиган [юз фалаж] бўшашишнинг юқорида санаб ўтилган сабаблари орқали вужудга келади.

Тиришишдан бўладиган [юз қийшайиши] эса кўпроқ

учрайди. Юзнинг бир томони тиришса, унга эргашиб иккинчи томон ҳам тортилиб қолади, бунинг сабаби тиришишни келтирувчи сабаб ва тиришиш бобида айтилган бошқа нарсалардан иборат бўлади. Қуруқ тиришишдан бўладиган [юз қийшайиши] ўткир иситмаларда, шунингдек ич кетиш, қусиш, бурун қонаши ва бошқа хил бўшатилишлардан юз беради, бу ёмон ва ўлдирувчидир.

Баъзи [табиблар] юз фалажида касал томон соғ кўринадиган томоннинг ўзидир, дейдилар; бунинг сабаби гўё, соғлом томон [касал томонни] ўзига баробарлаш учун тортиши эмиш. Бу сўз кўп ҳолларда тўғри бўлиб чиқмайди; анатомия ва юз мушаклари ҳақида билганларингдан сенга маълумки, ҳамма вақт ҳам шундай бўлади, дейиш нотўғридир. Бу шундан ҳам [маълумки] сезиш [юзнинг] худди фалаж пайдо бўлган томонида йўқолади.

Кўп кишиларнинг бўйин мушакларида томоқ оғриқларига тегишли шиш пайдо бўлади, натижада у кишида юз фалажи пайдо бўлади; баъзан улар иккала қўлга чўзилиб борадиган фалажга ҳам йўлиқадилар, чунки қўл мушагига ҳаракат қилдирувчи қувватни берадиган асаб ҳам бўйин умуртқаларидан келиб чиқади. Олти ойга чўзилган юз фалажининг тузалишига деярли умид йўқ.

Билгинки, юз фалажи гоҳо [умумий] фалаж касаллигидан, ҳатто *сактадан* дарак беради. Шунинг учун кўриш керак: [юз фалажига] тутқаноқ ва *сактадан* олдин келадиган ҳоллар биргалашганми? Агар шундай бўлса, тезлик билан кучли бўшатиш тадбирини ишлат. Баъзи [табиблар] юз фалажига учраган кишининг тўрт кун ичида тўсатдан ўлиб қолиш хавфи бор, бироқ [тўрт кундан] ўтса, касалликдан қутилади, дейдилар. Бундай дейишга сабаб юз фалажида юз бериши мумкин бўлган кучли *сакта* туфайли бўлса керак.

Белгилар. Бу касалликда пуфлаш ва туфлаш (оғизнинг) биргина томонидан бўлади, иккинчи томони эса ҳавони ҳам, тупукни ҳам тутолмайди. Кўпинча, [юз фалажи] билан бирга, айниқса у тиришишдан бўлса, бош оғриғи ҳам пайдо бўлади. Юзнинг қайси томони фалажга учраганини шундай аниқланади: [касал томони] қўл билан тортиб тузатилганда соғлом томоннинг ўзи осонлик билан [табиий] шаклига қайтади.

[Мушакларнинг] бўшашиши сабабли бўладиган юз фалажининг белгилари шуки, унда ҳаракат кучсизла-

шади, сезгилар хиралашади, тери ва мушаклар юмшоқ туюлади, тортишганлик сезилмайди, кўзнинг қуйи қоноғи осилиб қолади, танглай терисининг ўша кўзга рўнара турган ярми ҳам бўшашиб, рутубат йиғилганга ўхшаб лиқиллаб туради, тилни пастга босиб туриб қаралса, буни кўриш мумкин. Бунга сабаб [танглай] терисининг танглайни узунасига бўлиб турган чокдан чиққан терига бирикканлигидир; [танглай териси кўз қоноғига] ҳамкор бўлиб [осилади]. Бунда яна [касаль юзининг] териси бўйин томонидан қочиб узоқлашади ва уни ўз жойига қайтариш қийин бўлади.

Тиришишдан бўладиган юз қийшайишининг белгилари қуйидагилар: кўпинча сезгилар хиралашмайди, пешона териси таранглашиб, ажинлари йўқолади ва юз мушаги қаттиқлашади, кўпинча сўлак ва тупук оз келади, тери бўйин томонга кўпроқ тортилади ва уни жойига қайтариш қийинроқ бўлади. Тиришишдан бўладиган ҳўл ва қуруқ юз қийшайишининг белгиси эса [юқорида] маълум бўлди. Юз суякларига оғриқ, терисида увушиш пайдо бўлиши ва унинг кўп учиши юз фалажи пайдо бўлишининг белгиларидандир.

Даволаш. Юз фалажига учраган кишини тўрт ёки етти кунгача қимирлатмаслик ақлга мувофиқдир. Касалга зайтун ёғи қўшилган нўхат суви каби латифлаштирувчи овқатлар берилади, асал ва жўжа гўшти каби қуритувчи нарсалар берилмайди. Агар [касалнинг] ичи қотган бўлса, иккинчи куни жуда майин ҳуқна ишлатиб уни юриштирилади. [Касалликнинг] бошланишида шошилиб томоқ чайқаладиган дориларни ишлатиш зарар еткази: улар баъзан узоқдаги [хилтни] тортса ҳам, яқин турган хом [хилтни] шимдиrolмайди.

Тиришишдан бўладиган [юз фалажида] кучли дори билан бўшатиб [модда] етилмагунча бирон марта ҳам кучсиз ва кифоя қилмайдиган дорилар билан бўшатилмаслик керак. Шошилиб ўткир дори ишлатиш моддани қуришиб, қуюлтириб, асабларни қоқ қилиб кўяди, натижада дорининг таъсир қилиши қийин бўлади. Шунинг учун сабр қилиб туриш керак.

[Юз фалажини ҳам умумий] фалаж ёки тиришишга ишлатиладиган ўзингга маълум дориларнинг тўғри келадигани билан даволаш керак. Юз фалажига учраган кишига бир ойгача ҳар куни тўхтовсиз икки *дирҳамдан* ичирилган *Ҳермес иёражининг* кучли таъсир қилгани тажриба билан билинди. Ҳар куни эрталаб-кечқурун бир ёнғоқ миқдорида занжабил ва игирни асал билан

қориб ичиришнинг ҳам [фойдали экани] тажриба қилинган. У касаллардан асал сувини узмаслик лозим.

Баъзи ҳинд табиблари юз фалажи учун энг етук тадбир касал аъзога ва бошга ваҳший ҳайвон гўшти-ни қайнатиб боғлашдир, дейдилар. Ҳайвонларнинг бунга муносиброғи қуён, сиртлон, тулки, тоғ эчкиси, бугу ва ёввойи эшак бўлиб, кийик ва унга ўхшаш гўштида қиздириш қуввати бўлмаган ҳайвонлар бўлмаса керак.

Касаллик ҳўлликдан бўлса, унинг бошланиш жойи бўлган юзни табиий шаклига келтириб боғлаш лозим. Агар яна тиришиш ҳам бўлса, олдин юмшатиб кейин [[моддани] эритиш чоралари кўрилади. Қон [кўпайганлик] белгиларини топсанг, тил тагидаги томирдан қон ол ва биринчи умуртқа устига тилмай қортиқ қўй.

Юз фалажини вужудга келитрувчи модда асабларнинг келиб чиққан жойларида ва юз мушакларида жойлашганлиги шубҳасиздир. Шунинг учун қиздириб қизартирувчи дориларни бўйин умуртқаларига ва жафга ишлатиш керак, чунки юз мушагига бўйин умуртқаларидан кўп [асаб] толалари келади. Қовоқ ва юз мушаклари эса улар жумласидан эмас, уларнинг тадбири миянинг олдинги бўлагини тозалаш, шунингдек бўйин умуртқаларига ва жафга қуруқ пахтадоғ ишлатиш, уларни ишқалаш, бошни ҳам ишқалаш, айниқса касал кўп оч қолган вақтида [ишқалаш керак].

Юз фалажига учраган кишининг юзини сирка билан доимо ювиб туриш ва юқорида айтилган жойларга сирка суриш, айниқса ичига латифлаштирувчи дорилар солиб қайнатилган сирка ёки хардал эзиб солинган сиркани суриш, фойдали тадбирлардандир. Бу тадбир бўшашишдан бўлган юз фалажи учун ажойиб тадбир бўлса ҳам, тиришишдан бўлганига ёқмайди. Дармана, бўйимодарон, исириқ, дафна дарахти ва шунга ўхшаш дорилар қайнатмасига юзни тутилади ва [касал ётган жойда] пастдан жинғил ва юлғун каби дарахтларни ёқилади, агар бу дорилар фойда қилмаса, қулоқ орқасидаги томир доғланади. Бунда томоқ чайиладиган дориларни бошқа ҳоллардагидан кўра кўпроқ ишлатишга буюриш керак. Яна чайналадиган дорилар, айниқса игир, мускат ёнғоғи ва назла ўти истеъмол қилиниб турилади; қора ҳалила ҳам улар учун чайналадиган саналади.

Чайналадиган дориларни касал томонда чайнаш керак. Касални қоронғи уйга жойлаштирилади. Касалнинг бурнига тирна, қирғий, бўри ёки зогора балиқнинг

ўтини, ёки наша уруғи, самсоқ ва лавлаги ширасини ёки гулсапсар ёғи билан қўшиб Эрон қаврагининг сувини, ё бир ясмиқ миқдордаги *фарфиюнни* хотин сути билан қўшиб юборилади. Бош касалликларини даволаш қондаларида биз эслатиб ўтган дорилар билан [касалнинг] бошини тозалаб даволанади. Улар учун синалган аксиртирадиган дорилар *ритта*, яъни ҳинд фундуғи, айниқса унинг устки пўчоғи, яна бўтакўз, ёввойи бодринг шираси ва *артанисодир*. Баъзан бу дориларни аксиртириш билан бирга қиздирувчилиги бўлган қундуз қири, седана ва бошқа дорилар билан ҳам аралаштирилади, бурунга юбориладиган энг яхши дори бўтакўз сувидир. Бунинг сувидан икки *дирҳамни* бир *донақ* Эрон қаврағи ва ярим *дирҳам* зайтун ёғи билан қўшиб бурунга юборилса, [яхши] фойда қилади, ҳатто беш кунда тузатади.

Гоҳо, [юз фалажига учраганларга] ойнага қараш буюрилади, шунда улар доимо юзларини баробарлаш учун уринадилар. Юзни тузатиш учун энг мувофиқ ойна [биз оз] уринтирадиган хитой ойнасидир.

Болаларга баҳор охирида юз фалажи тегса, уларга етти кунгача кичик *атрифул* ичирилади ва нўхат суви билан овқатлантирилади.

ҚАЛТИРОҚ КАСАЛЛИГИ, УНИНГ ТУРЛАРИ БЕЛГИЛАРИ ВА УНИ ДАВОЛАШ

Қалтироқ касаллиги қурол аъзоларига тегишли касаллик бўлиб, у ҳаракат қилдирувчи қувватнинг мушакларни узлуксиз ҳаракат қилдиришдан ожизлиги, шунингдек [аъзони] ҳаракат қилдириб ихтиёрий ҳаракатга қотишувчи ва унга монелик қилувчи оғирликка қарши туришдан ожизлиги сабабли пайдо бўлади; натижада ихтиёрий ҳаракатлар ихтиёрсиз ҳаракатларга ёки ихтиёрий тўхташлар ихтиёрсиз ҳаракатларга аралашиб кетади. Увушиш — сезиш қувватининг зарарланиши бўлгани каби қалтироқ ҳам ҳаракат қилдирувчи қувватнинг зарарланишидир. Бунинг сабаби ҳаракат қилдирувчи қувватда, ёки қурол аъзода, ёки ҳар иккаласида ҳам бир вақтда бўлади.

Баланд жойдан [пастга] қараш, девор устида юриш, атоқли ва ҳайбатли кишилар билан сўзлашиш каби хавфли ва қўрқинчли ҳоллар, шунингдек нафсоний қувватларни тутувчи бошқа [таъсиротлар], ёки қувват ҳаракатидаги тартибни бузувчи ғамгинлик, хафалик ва

шодлик сабабли [ҳаракат қилдирувчи] қувват заифлашуви натижасида қалтираш пайдо қилади. Кўпинча ғазаб ҳам шундай [таъсир кўрсатади], чунки у руҳ ҳаракатида нотекисликни келтириб чиқаради. Тўлиқлик ва тўйганлик устига кўп жинсий алоқа қилиш ҳам қувватни кучсизлантириб [қалтираш] пайдо қиладиган сабаблардан саналади.

Қурол аъзодан бўладиган [қалтираш] асабларнинг бир мунча бўшашувидан, лекин фалажликдаги даражада эмас, вужудга келади, шунда [аъзо] ўзини ҳаракатдан тутолмайди, бундай ҳол кўп ичиб, кетма-кет маст бўлиш, совуқ сувни кўп ёки бевақт ичиш натижасида аъзоларда тиқилмалар воқе бўлиб, [ҳаракатлантирувчи] қувватнинг [аъзога] тугал ўтолмай қолиши натижасида ҳам қалтираш пайдо бўлади. Тиқилма пайдо қилувчи модда баъзан йўлларнинг [деворидан] кўчиб ҳаракат қилади, шунда у [ҳаракатлантирувчи] қувватнинг ўтишига гоҳо йўл беради ва гоҳо тўсқинлик қилади, баъзан у ҳеч бир кўчмайди. Гоҳо [қалтираш] қурол аъзонинг эркин букилишига тўсқинлик қиладиган қуришидан ҳам вужудга келади.

Умумий [сабаблардан бўладиган қалтироқда] қурол аъзога бирор зарар етиб, бу нарса [ҳаракатлантирувчи] қувватнинг зарарланишига олиб келади. Масалан, аъзога сиртқи қаттиқ совуқ тегса, уни бирор нарса чақса, унга хилт [қуйилса], ёки куйишда бўладигани сингари қаттиқ иссиқ етишса, ёки бошқа бирор нарса юз берса [ҳаракатлантирувчи] қувватга зарар етади. Баъзан у қувватга ҳам ўзига хос бўлган зарар, аъзога ҳам ўзига хос зарар етиб, сўнгра иккала зарар бирга қўшилади.

Қалтираш баъзан ҳамма аъзоларда бўлади, баъзан зарарнинг бир мушакка етиб, бир мушакка етмаслигига қараб қўлда ёки бошнинг ўзида бўлади.

Билгинки, қишда [гавданинг] чап томонидан бошланадиган қалтироқ энг ёмон қалтироқдар. Кекзалардаги қалтироқ даволаш билан кетмайди.

Белгилар. [Қалтирашнинг белгилари] юқорида айтиб ўтилган сабаблардир, улар маълум.

Даволаш. [Фалаж ҳақидаги] бошқа бобларда айtilган тадбирлар ишлатилади: тиқилмаларни очилади, бўшашишни йўқотилади, бўшатилади, асабларни кучайтирилади, шунингдек, агар зарур бўлса, уларни ҳўлланади, агар қалтироқ бирор касалликдан келган кучсизликдан бўлса, [касални] бақувват қилинади, агар

у сескантирувчи совуқ ёки ичилган [совуқ] нарсадан бўлса, иситилади, яна зарур бўлса, силанади, уқаланади ва силкитилади. Шунингдек [касални] умумий қондаларда кўрсатилгандек қилиб иссиқ булоқ сувларида, масалан, содали, зирниҳли, *мумиёли* ёки гугуртли сувларда чўмилтириш лозим; денгиз суви ҳам фойдалидир. Агар қалтироқ совуқ сув сабабли пайдо бўлган бўлса, сода ва хардал билан компресс қилинади ва [баданга] қуст ёғи суртилади; агар у ичкиликни кўп ичганликдан бўлса, бўшатилади, ёввойи бодринг ва шунга ўхшаш нарсанинг ёғи ишлатилади ва [баданга] доимо қуст ёғи суртиб турилади; бу жиҳатдан қора беда ёғи ҳам ажойиб хусусиятга эга. Хўл беда боғлашнинг ҳам [фойдаси] бор. Агар [касалликнинг] сабаби шимилган ёки қуюқ хилтлар бўлса, ёки касаллик ўрнашган бўлса, биринчи умуртқага қортиқ қўйилсин ва касални қиздирилган ёғ ваннасига ҳамда фалаж, тиришиш ва *кузоз* бобида эслатилган ҳайвонлар қайнатмасига ўтқизилсин. Бу тадбирларнинг охирида қундуз қирини асал шаробига ёки катта *иёражларга* солиб ичирилади; яна газзагўт ва талоқ гиёҳи билан тайёрланган ҳаб дорини ҳам ичирилади. Бу хил [касалларга] қуён мияси жуда фойда қилади, уни қовуриб ейилади. Қалтироққа учраган кишига асал шаробини ярим *уқия* гулхайри дони ва *домуюн* барги солиб қайнатилган сув билан ичириш ҳам фойдали тадбирлардан ҳисобланади. Шунингдек уларга *Ғофит* ширасини сув билан ичирилади ва бўшашишдаги даволаш тадбирларининг худди ўзи ишлатилади. Агар қалтираш бошнинг ўзидагина бўлса, уларга бир ёки икки *дирҳам* вазнидаги рум райҳонининг ўзини ёки уни *иёраж фикро* билан қўшиб ҳаб дори қилиб ёки асалга солиб ичириш синалган тадбирлардандир. *Қуқоё* ҳаб дорисидан ҳар ўн кунда бир мартаба бир *дирҳамдан* икки ярим *дирҳамгача* ичириб ҳам синалган.

Уларга [бериладиган] овқат тез ҳазм бўладиган бўлиши керак, шароб ҳам, совуқ сув ҳам уларга зарар қилади. Улар учун ёмғир суви зарари озроқ сувлардан саналади. [Қалтироқда], шунингдек бутун асаб касалликларида энг яхши ва зарари кам сув ёмғир сувидир.

[Қалтироққа учраганларга] томирдан кўп қон олдириш зарар еткази.





КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

КЎЗНИ ДАВОЛАШДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Кўзни даволаш кўз касалликларига қарши [тадбир] кўришдир. Кўз касалликлари моддали мизож, ёки содда мизож сабабли, таркиб сабабли, ёки узлуксизликнинг бузилиши сабабли пайдо бўлганлигидан [кўзни] даволаш ҳам бўшатишдан, шишларни даволаш ҳам шунга киради, ё мизожни ўзгартиришдан, ё ўйнаб чиққан кўз соққасини тузатишдаги каби кўринишни тузатишдан, ёки [ярани] битказиш ва эт ундиришдан иборат бўлади.

Моддани кўздан кетказиш уни [кўздан] тортиш билан ёки моддани оқизиш йўли билан бажарилади. Кўздан моддаларни тортишда, олдин уни гавда тўлиқ бўлса бутун гавдадан, кейин [юқорида] билганингдек, мияни тозаловчи дорилар ёрдами билан миядан тортилади, сўнгра [моддани] кўздан кўчириб, бурун йўлидан ва кўзга яқин томирлардан, масалан, кўзнинг бурун томон бурчакларининг томирларидан кетказилади. Моддаларни кўздан оқизиш эса, ёш оқизувчи дорилар воситаси билан қилинади.

Кўз мизожини ўзгартириш ҳам махсус дорилар билан бўлади. Кўзда узлуксизликнинг бузилиши пайдо бўлса, унча кўп қуритмайдиган ва ҳеч ачиштирамайдиган дорилар билан даволанади. У дориларни кўз яллиғланиши ва кўзнинг бошқа касалликлари тўғрисида баён қиладиган сўзимиздан биласан.

Билишинг керакки, кўзда моддали касалликлар бўлганда овқатни озайтириш, яхши хилт пайдо қиладиган нарсаларни ейиш, буг пайдо қиладиган ва ҳазми ёмон нарсалардан сақланиш лозим.

Модда бирор аъзодан кўзгалган бўлса, ўша аъзо томиридан қон оласан. Модда [миянинг] сиртқи пардасидан келаётган бўлса, қортиқ солиб, пешонага қайтарувчи дориларни қўясан. Иссиқ модда учун қовун пўчоғи, совуқ модда учун оқ зок қайтарувчи дорилардан саналади.

Кўз касаллигида қон олинадиган томирлар қифол ва бош атрофидаги [турли] томирлардир. [Бошнинг] олд қисмидаги [томирлардан қон олиш] моддани кўчириш учун, орқа қисмидаги [томирлардан қон олиш] эса, моддани тортиш учун фойдалироқдир.

Билгинки, кўзда модда пайдо бўлиб, уни кўздан бошқа бир аъзога кўчириш лозим бўлса ва модда ҳали кўзга қуйилиш йўлида бўлмаса, энг тўғриси, уни бурун тешикларига кўчириш керак. Шу [йўл билан] кўчириш бўлиб, аксиртирадиган ва бурунга тортиладиган дорилар билан бўлади.

Кўз дориларининг баъзиси кўз мизожини ўзгартирувчи бўлиб, уларнинг баъзилари совитувчи бўлади. Масалан: итузум ва қизил тасмадан сиқиб олинган сувлар, сачратқи суви, сутчўп суви, гул суви, қизил гул суви ва испағул шираси. Бошқалари эса қиздирувчи бўлади, масалан: мушк, мурч, игир, кончўп ва буларга ўхшаган дорилар. Тўтиё, сурма, олтин ва кумуш тўпони каби баъзи дорилар қуритувчи; ўрмонқара [момисо, сабр, *филзахра*, заъфарон ва қизил гулдан тайёрландиган шамчалар каби баъзи дорилар эса, буриштирувчи бўлади. Сут, янчилган бодом, тухумнинг оқи ва ўсимлик ширалари — юмшатувчи. Баъзи дорилар етилтирувчи бўлади, масалан: зарчўба, сариқ йўнғичқа ва заъфарон суви, шинни, айниқса нон ботирилган [шинни] шундай. Анзиратгўштхўр, арпабодиён суви эритиб тарқатувчи, меҳригиёҳнинг суви, кўкнор ва афюн каби баъзи дорилар оғриқсизлантирувчи дорилардан саналади.

Билгинки, кўз касалликлари билан бирга бош оғриғи бўлса, аввал бош оғриғини даволашинг керак, бош оғриғини кетказмай туриб кўзни даволама! Бўшатиш, тозалаш ва [бўлак] тўғри келадиган тадбир қаноатлантирмаса, бу нарса кўз мизожининг совуқлигини ва кўз қатламларида модда борлигини билдиради; у модда кўзга келган озиқни бузиб туради. Ёки шу кишининг миясида ва бошқа аъзода кучсизлик бор бўлиб, ўша жойдан кўзга назлалар тушаётганлигини билдиради, шу нарсаларни ёдингда тут!

КЎЗНИНГ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ВА КЎЗГА ЗАРАР ЕТҚАЗАДИГАН НАРСАЛАР

Кўз соғлиғини сақламоқчи бўлган киши чангдан, тундан, иссиқ ва совуқликда мўътадил бўлмаган ҳаволардан, қаттиқ совуқ ва иссиқ [самум] шамоллардан

кўзини сақлаши лозим. Кўзни узоқ вақтгача бир нарсадан ажратмай тикилиб туришдан сақланиш керак. Кўп йиғлаш кўзни тозалаб турувчи тадбирлардандир.

Майда нарсаларга камроқ қараш керак, лекин баъзи вақтларда кўзни машқ қилдириш учун қараш мумкин. Узоқ вақт чалқайиб ухламаслик керак. Жинсий алоқани кўп қилиш кўз учун энг зарарли нарсадир; тез-тез маст бўлиш, қоринни жуда тўлдириб овқат ейиш, тўлиқлик ҳолатида ухлаш, ҳамма ғализ овқатлар, шароблар ва бош томонга буғ юборадиган нарсалар ҳам шундай [зарарлидир]. Гандано ва қора беда каби мазаси ўткир нарсалар шу кейингилар жумласидандир. Ҳаддан ортиқ қуритувчи нарсалар ҳам [кўзга] зарарли, масалан, кўп миқдордаги туз ва шунингдек карам ва ясиқ каби кўп буғ пайдо қилувчи нарсалар. Содда дориларга оид бобларда баён қилиниб, кўзга зарарли экани аниқланган нарсалар ҳам шундай. Яна, кўп ухлаш ва кўп ухламасликнинг ҳам кўзга қаттиқ зарар етказишини билиш керак, ҳар иккаласининг ҳам мўътадил бўлиши кўз учун энг мувофиқдир.

Сурма ва тўтиёдан тайёрланган турли мураккаб дорилар, масалан, тўтиёни самсоқ суви ва рум арпабодиёнининг суви билан ишлаб тайёрланган турли [дорилар] кўзга фойда қилиб, кўз қувватини сақлайди. Арпабодиён сувини ҳар вақт кўзга суриб туриш, ажойиб яхши фойда беради. Ширин анордан тайёрланган кўзни ҳўлловчи дори ҳам ажойиб фойдалидир. Шунингдек ширин ва нордон анорларнинг иккаласидан пўчоқлари билан бирга сиқиб олинган сувларини асалга қориб, тандирда етилтириб, тайёрланган ҳўлловчи дори ҳам юқоридагидек фойда беради. Бунини ўз жойида биласан. Тиниқ сувга шўнғиб, сув ичида кўзни очиш — кўзни тозалаб равшан қиладиган тадбирлардандир.

Кўришга зарар етказувчи нарсаларга келсак, улар баъзи ишлар ва ҳаракатлар, баъзи овқатлар ва уларни ишлатишдан иборатдир. Бу каби ишлар ва ҳаракатларга: ҳамма қуритувчи [нарсалар], масалан, кўп жинсий алоқа, ёруғ нарсаларга узоқ вақт тикилиб қараш ва майда хатларни ҳаддан ташқари кўп ўқиш киради. Бу [ишларнинг] мўътадил даражадагиси зарар қилмайди. Шунингдек нозик ишларни бажариш ва тўлиқлик ҳолатида ҳамда кечки овқат устига ухлаш ҳам [зарарлидир]; кўзи кучсиз киши овқати ҳазм бўлганигача сабр қилиб, кейин ухлаши керак. Тўлиқлик [нинг ҳамма тури], табиатни қуритувчи ҳамма нарсалар, қонни қуюқ-

наштирадиган шўр, мазаси ўткир ва бошқа [шунингдек] нарсалар кўзга зарар қилади, маст бўлиш ҳам шундай зарарлидир. Қусиш меъдани тозалаш жиҳатидан зарар қилади. Агар қусиш зарур бўлса, овқатдан кейин секинлик билан қустириш керак. Ҳаммомга [кўп] тушиш, ҳаддан ташқари уйқу, қаттиқ йиғлаш, томирдан кўп қон олдириш, айниқса кетма-кет қортиқ қўйиш зарарлидир.

Шўр, мазаси ўткир, буғ пайдо қиладиган овқатлар, меъданинг оғзига азият берадиган нарсалар, гандано, пиёз, саримсоқ ва тоғ қорарайҳони пишган зайтун, укроп, карам ва ясмиқ ҳам кўзга зарар қиладиган нарсалардан саналади.

Овқатларни ўз жойида айтилганига кўра, ҳазми бузиладиган ва буғи кўпаядиган даражада емаслик керак.

Уларни мен қуйида айтадиганлардан ва шу Учинчи китоб мақолаларидан биласан.

КЎЗ ЯЛЛИҒЛАНИШИ [РАМАД] ВА ҚИТИҚЛАНИШИ

Кўз яллиғланишининг баъзиси ҳақиқий бўлади, баъзиси эса яллиғланишга ўхшаш бўлиб, уни *такаддур* ва *тахассур* деб аталади. Кўзни қитиқловчи ва қизартирувчи сабаблардан пайдо бўладиган қизиш ва ҳўлланиб туришга *тахассур* дейилади.

Қуёш [нури] ва [қуёшдан] куйиб бош оғриши, бир кунли қиздирувчи иситма, чанг, тутун, баъзан совуқ [ҳам], чунки совуқ [кўзни] буриштиради, кўзнинг зарба ейиши, чунки зарба кўзни [шиширади], кўзга уриладиган қаттиқ шамоллар ҳам шу хатарни келтириб чиқарувчи сиртқи сабаблардандир.

Шуларнинг ҳаммаси сабаб билан биргаллашиб келадиган енгилгина таъсирдан иборат бўлиб, сабаб йўқолса, узоқ вақт қолмайди, бунини даволанмаса ҳам сабаби кетиши билан ўзи ҳам кетади, бу [иллатни] юнон тилида *тараксис* деб аталади.

Агар бунга гавдага тегишли ва аввалги сиртқи сабабга кўмаклашадиган [яна бошқа] бирон сиртқи сабаб ёрдам берса, шу вақтда у бир кунлик иситмалар, бошқа иситмаларга айланганидек, ҳақиқий яллиғланишга ўтади. Бундай ўтишнинг бошланишида, уни юнонча *аквикама* деб аталади.

Кўз яллиғланишининг турларига кўз қўтиридан кейин келадиган баъзи турлар ҳам киради. Бунинг сабаби кўзнинг тирналиши бўлиб, у бошланишида кўз

қитиқланиши каби ўтади, буни кўз қўтирини кеткизгандан кейин даволаб бўлади.

Умуман, кўз яллиғланиши кўзнинг эт қатламидаги яллиғлашдир. Бундай яллиғлашнинг баъзиси содда бўлиб, томирларнинг бўртиши, ёш оқиши ва оғриқ билангина ўтади. Баъзан яллиғланиш кучли бўлади. У кенг [тарқалиб], кўз оқи қорачиқ устигача ўсиб уни бекитади ва кўзни юмишга монелик қилади, буни хемоз деб аталади. Бизда бу [касаллик] *вардинаж* номи билан машҳурдир. Бу кўпинча моддаларининг кўплиги ва кўзларининг кучсизлиги сабабли болаларда пайдо бўлади. Кўз яллиғланиши фақатгина иссиқ моддадан бўлавермай, балки шиллиқ ва савдо моддаларидан ҳам бўлади.

Ҳақиқий кўз яллиғланиши кўз гўлагининг фақат эт қатламидаги яллиғланиш бўлиб, ҳар бир яллиғланиш ё қондан, ё сафродан, ё шиллиқдан, ё савдодан, ёки елдан келадиган бўлганлиги сабабли, кўз яллиғланиши ҳам шу сабабларнинг бири билан алоқадор бўлади. Баъзи яллиғлантурувчи хилт кўзда туғилади, баъзан назла бўлиб, бошни ўраб турган сиртқи парда йўли билан ёки ички парда йўли билан миядан кўзга тушади. У, асосан миядан ва мия теварагидан [тушади], чунки мияда кўп модда йиғилиб, у тўлса ва кўз кучли бўлмаса, у яллиғланишга мойил бўлади.

Баъзан, ички ёки сиртқи артерияларда чиқиндилар кўпайса, улар кўзга қўйилади.

Баъзан, модда кўзга мия ва бошдан келмайди, балки бошқа аъзолардан келади, айниқса кўз мизожи бузилиб, кўз кучсизланса, [ва] касалликларга мойил бўлиб қолса, бундай кўзга ортиқча нарсалар қўйилади.

Модданинг қўйилиш ва туғилиш вақтига қараб кўз яллиғланиши турларининг баъзиси даврли ва [баъзиси] вақти-вақти билан бўлади.

Кўз яллиғланишидаги оғриқнинг кучи кўз қатламларини ўядиган, ачитиб куйдирувчи хилтга ё [у қатламларни] чўзувчи кўп миқдорда тўпланган хилтга, ёки қуюқ буғга боғлиқдир. Шу сабабларнинг турига қараб оғриқлар ҳам турлича бўлади. [Яллиғлантурувчи] моддалар [юқорида] билганингдек, бутун гавдадан, ё бошнинг ўзидан, ёки кўзга иссиқ ё совуқ ёмон модда етказувчи томирлардан келади. Баъзан улар кўзнинг ўзида бўлади. Бу кейинги ҳол кўзда тўхталиб қолган хилт сабабли ёки узоқ давом этган кўз яллиғланиши натижасида кўз табақаларининг мизожи бузилиб, кўзга келадиган озиқлар бузилишидан бўлади.

Чақчайма кўзли киши кўз яллиғланишига кўпроқ мойил бўлиб, [кўзнинг] кўтарилиб туриши унинг ҳўл-лигидан ва тешикларининг кенглигидан бўлади.

Гоҳо, кўз яллиғланишининг баъзи турларида ҳазмининг сусайиши сабабли совуқ ёш оқиши кўпаяди.

Кўпинча, табиий ич равонлиги билан кўз яллиғланиши тарқалади.

Билгинки, кўз яллиғланишининг ёмон сифатли бўлиши модданинг хусусиятига қараб, унинг ўраиши эса модданинг миқдорига қараб бўлади.

Билгинки, жанубий мамлакатларда кўз яллиғланиши кўп учрайди ва тездан тузалади. Кўп бўлишининг сабаби [у ердаги кишиларда] моддаларнинг оқувчанлиги ва буғларнинг кўплиги бўлса, тез тузалишнинг сабаби эса уларнинг аъзоларидаги тешикларнинг очиқлиги ва ичларининг равонлигидир. Агар уларга тўсатдан совуқ таъсир қилса, кўзғалган хилтнинг оқиш ҳаракатига буриштирувчи монеликнинг таъсири туфайли кўз оғриғи оғирлашади. Совуқ мамлакатларда ва совуқ вақтларда кўз оғриғи кам учрасада, лекин оғирроқ ўтади. Кам бўлишининг сабаби, у ерларда ва у вақтларда хилтларнинг [кўзғалмай] тинч туриши бўлса, оғир бўлишининг сабаби ҳам хилтлар бирор аъзода ҳосил бўлганида [совуқдан] йўлларнинг торайиши сабабли тез тарқалмаслиги ва [кўз] пардаларини ёриш даражасигача кучли чўзишидир. Совуқ қиш ўтиб, иссиқ ва ёмғирли баҳор келса ва ёз чўзилса, кўз яллиғланиши кўпаяди. Шунингдек қиш иссиқ ва «жанубий» бўлса, гавдани хилтларга тўлғазади, унинг кетидан келган совуқ баҳор, у хилтларнинг [ҳаракатини] тўхтатиб қўяди. Салқин ёзда, айниқса у иссиқ қишдан кейин келса, кўз яллиғланиши кўпаяди. Баҳори жанубий [иссиқ], қиши қуруқ ва «шимолий» [совуқ] бўлган [йилнинг] ёзида ҳам [кўз яллиғланиши кўпаяди].

Қаттиқ гавдаларни шимолий мамлакатларга, юмшоқ ва ғовак гавдаларни жанубий мамлакатларга солиштир. Иссиқ мамлакатларда кўз яллиғланиши кўпроқ учрагани каби, киши жуда иссиқ ҳаммомга кирса, у ҳам кўзни сўзсиз яллиғлатади.

Билгинки, тўғри даволаш ва жуда яхши тозалашга қарамай, кўз яллиғланиши ва кўз ҳолининг ўзгариши давом этаверса, бунда сабаб, кўзда тўхталиб қолган ёмон модда бўлиб, у [модда] кўзнинг озиқланишини бузиб туради, ёки юқорида айтганимиздек, мия ва бошдан тушаётган назла бўлади.

КЎЗ ЯЛЛИҒЛАНИШИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИГА ВА КЎЗГА НАЗЛАЛАР ҚУЙИЛИШИГА УМУМИЙ БЎЛГАН ДАВОЛАШ [УСУЛЛАРИ]

Моддадан бўладиган кўз яллиғланишини ва моддадан бўладиган бошқа кўз касалликларини даволашдаги умумий қонун овқатни кам ейиш, енгил овқат ейиш, яхши хилтни вужудга келтирадиган овқатни танлаш, буғ пайдо қилувчи ва ҳазми ёмон овқатдан, жинсий алоқадан, ҳаракат ва уринишдан, бошни ёғлашдан, шароб [ичишдан], нордон, шўр ва аччиқ нарсалардан сақланиш ва доимо ични юмшатиб туришдир. Қифол томиридан қон олиш кўз яллиғланиши турларининг ҳаммасига ёқади. [Касал кишининг] оқ нарсаларга ва ёруғликка қарамаслиги керак, балки унинг олдига ёзиладиган ва теварагини ўраб турадиган нарсалар қора ва кўк бўлиши керак. Беморнинг юзига кўзини тўсиб турадиган қора латта осиб керак; кўзи касал маҳалда қора латта осилиб, соғая [бошлаганда] ҳаворанг латта осилади. У кишини ухлатишга мойил қилиш учун унинг турадиган уйи бир оз қоронғи бўлиши керак. Чунки уйқу энг яхши илождир.

Сочнинг узайишига йўл қўймаслик керак, чунки сочнинг узайиши кўз яллиғланишида жуда зарарлидир. Лекин соч аслида қўйилган бўлса, ҳўлликларни ўзига озиқ сифатида тортиб қуриштириши сабабли фойда қилади.

Гавда тоза бўлсаю, кўз яллиғланишини пайдо қилиб турган хилт қуюқ қон жинсидан бўлиб томирларда бўлса, айниқса касалликнинг охирида ҳаммомга тушиш — моддани суюлтириши сабабли, [сув] қўшилмаган шароб ичиш — моддани қўпориб чиқариши сабабли фойдалидир. Бўшатилишдан кейин ҳаммомга тушиш кўз яллиғланишида, айниқса унинг оғриғини тўхтатадиган компресс ишлатилган бўлса, энг яхши даводир.

Кўз яллиғланишида ва моддадан бўладиган бошқа кўз касалликларида ёстиқни баланд қилиш ва бошни қуйига энгаштиришдан сақланиш зарур тадбирлардан ҳисобланади. Бошга ёғ ишлатиш кўз яллиғланиши учун жуда зарарли бўлганидан ундан сақланиш керак. Қулоққа ёғ томизишнинг ҳам зарари жуда зўр, [ҳатто гул ёғи бўлса-да], чунки бу кўпинча кўз оғриғини зўрайтиради, ҳатто кўз қаватларини торайтиради. Агар модда бирор аъзодан кўзғалган бўлса, шунда у аъзони бўшатиш лозим, шунингдек томирдан қон олиш, ҳуқна қилиш ва бошқа воситалар билан [моддани] қарши

томонга тортиш керак бўлади. Баъзан қифолдан қон
лини кифоя қилмайди ва модда келиб турган йўлни
ўсиш учун чакка ёки қулоқ артериясидан қон олишга
эҳтиёж сезилади. Бу тадбирни модда кўзга сиртқи
артериядан келаётган бўлса қўлланилади. Ўша [сиртқи]
артерияни очмоқчи бўлинса, аввало сочни олиб, син-
чиклаб текшириш керак: у кичик-кичик артерияларнинг
қайсиси каттароқ, уриши зўрроқ ва иссиқроқ бўлса,
ўшаниси очилади. Агар у томир одатда чиқариб кеси-
ладиган томирлардан бўлса, яхшилаб чиқариладики, у
катта бўлмай, кичик бўлади. Баъзан чаккадаги томир-
лардан бирини ташқарига чиқарилади. Олдин эҳтиётлик
билан юқорида эслатилган — кесиладиган ва узилади-
ган кичик артерияларнинг энг каттаси ва энг иссигини
танлаб, кейин уни кесиш керак. Кесишдан олдин кеси-
ладиган жойнинг пастроғидан [томирни] ипак билан
қаттиқ боғлаб қўйиш, кейин ўша боғланган жойнинг
юқорисидан кесиш керак бўлади. [Кесилган жой]
йиринглагач, бойлоқни ечиб юбориш мумкин. Каттароқ
томирни очишда шундай [эҳтиёт ва тадбир]га муҳтож
бўласан. Аммо кичикларидаги қонни оқизиш учун улар-
ни тилиб юборишнинг ўзи кифоя қилади.

Энсага қортиқ қўйиб қон олиш ва пешонага зулук
солиш юқорида айtilганга яқин фойдани беради. Қи-
линган ишлар тинчитмаса, кўзнинг бурун томонидаги
бурчак томирдан ва пешона томирларидан қон олина-
ди. Лекин бўйин чуқурига қортиқ қўйиб қон олишнинг
фойдаси каттадир.

Қасаллик узоққа чўзилса, куйдирилган мис ва куй-
дирилган зок солинган шамчалар ишлатилади. Баъзан
фақатгина сабрни кўзга сурма қилиш кифоя қилади.
Кўз яллиғланиши узоққа чўзилиб, ҳеч бир нарса фойда
бермаса, кўз қаватларида кўзга келадиган овқатни бу-
зувчи ёмон модда борлигини билгин! У пайтда ювилган
тутиёни қўрғошин упаси, ювилган тилла тўпони, крах-
мал ва елим каби бир оз юмшатувчи нарсалар билан
аралаштириб ишлат!

Назлани тўхтатиш учун баъзан бошнинг тепасини
доғлашга тўғри келади. Чунки кўз яллиғланишининг
давом этиши баъзан назланинг давом этиши сабабли
бўлади.

Кўз яллиғланишининг келиб чиққан жойи бош ички
пардалари бўлса, даволаш қийин, лекин [бунда] кучли
бўшатиш — даволашнинг асоси саналади. Шу билан
бирга бошни кучайтирадиган ва бошни кучайтиришда

машҳур бўлган қуюқ суртмалар ишлатилади. Масалан: ҳўл кашнич суви билан қўшиб сунбул, гул ва араб акациясининг ширасидан тайёрланган қуюқ суртмани, ёки ҳўл кашничнинг ўзини, ёки бир оз заъфарон билан унинг қуруғини бошнинг маълум жойига бир соат ёки икки соат боғлаб қўйиб, кейин ечилади.

Гоҳо шу қуюқ суртма ўрнига ёпиштирувчи ва ўткир моддаларни мўътадил қилувчи дорилар ишлатилади, турли сутлар ўша дорилар жумласидандир. Кўзга томизилган сутни узоқ вақт сақлаш яхши эмас, балки вақт-вақтида тушириб янгилаш керак. Тухум оқи ҳам кўзга томизиладиган дорилардандир, бироқ буни янгилаш зарур эмас, балки бирор соат қўйилса ҳам зарар қилмайди. Сут кўпроқ тозаласа ҳам, тухум оқи сутдан яхшироқ. Тухум оқи юмшатиш ва силлиқ қилиш билан бирга, у ёпишмайди ва тешикчаларни тўсмайди. Сариқ йўнғичқа қайнатмаси эса тарқатиш, етилтириш билан бирга силлиқ қилади ва оғриқни тўхтатади. Гул ёғи ҳам шунга ўхшашдир.

Қисқаси: кўзга, айниқса кўз яллиғланишига ишлатиладиган дорининг дағал бўлмаслиги ва шунингдек аччиқ, нордон ёки ўткир маза каби кайфиятларга эга бўлмаслиги лозим. Дағаллигини кетказиш учун яхши янчиш керак. Мумкин бўлганича, мазасиз қиздирувчи дорилар билан кифояланишинг керак, чунки улар яхшидир.

Гоҳо кўз яллиғланишида бурунга юбориладиган қайнатма ва шуларга ўхшаш дорилар ишлатилади. Булар бурундан модданинг айрим қисмини чиқаради. Бу хил дориларни уларнинг бошқа бирор моддани тортиш хавфи бўлмаган тақдирдагина ишлатиш керак.

Кўз яллиғланишида гоҳо томоқни чайиладиган дорилар [ҳам] ишлатилади. Иссиқ сувга булут ёки жун ботириб компресс қилиш ҳам фойдали тадбирлардандир. Баъзан бу [тадбирни] бир ёки икки марта ишлатиш кифоя қилади. Баъзан, кўз яллиғланишининг кучли ва кучсизлигига қараб [компрессни] қайта-қайта ишлатиш керак бўлади. Компресс учун қашқар беда ва сариқ йўнғичқа қайнатмаси ишлатилса, фойдаси жуда яхши бўлади.

Гоҳо пешонага қайтарувчи дорилар суртилади, айниқса модданинг қуйилиш йўли бошнинг сиртқи пардаси бўлса, шундай қилинади. Қайтарувчи дорилар эса қовун пўчоғи, *момисо* шамчалари, *филзаҳра*, сабр, гул уруғи, заъфарон ва анзиратгўштхўрлардан иборат.

Ширалардан итузум шираси билан қизил тасма шираси шулар туркумига киради. Шунингдек жумрут, арпа тоққони, итузум ва беҳи ҳам шулардандир. [Кўз] чиқиндиси жуда ўткир ва суюқ бўлса, унга мози, аноргули ва темиртикан каби қаттиқ буриштирувчи чапиладиган дорилар ишлатилади. Назла йўлларига шуларни қуюқ суртма қилиб боғлашнинг зўр таъсири бор, айниқса модда иссиқ бўлса қилинади. У совуқ бўлса, лъзони қуритувчи, буриштирувчи, кучайтирувчи ва қиздирувчи дорилар ишлатилади. Масалан: симоб, олтингурут ва бурақдан тайёрланган чапиладиган дорилар [билан қуюқ суртма қилинади]. Кўзга доимо сут ёки тухум оқи томизиб ювиб, ифлосликлардан уни тозалаб туриш керак. Кўзга тегиш зарур бўлса, асталик билан тегиш керак.

Кўз яллиғланиши кучли бўлса, [касал] ҳушидан кетиш хавфи пайдо бўлгунча томирдан қон олиш керак, чунки кўп қон олиш дарҳол тузатади.

Мумкин қадар шамчалар ишлатишни уч кун кейинга қўйиш лозим. [Унгача] юқорида айтилган бўшатишлар, моддаларни оёқ ва қўлга тортиш ва шунингдек турар жойлар ва [касалнинг] ҳолатлари ҳақида биз айтган нарсаларга доимо амал қилиш билан чекланилсин. Кейин биронта [бошқа дорини] ишлатиш зарар бермайди, кўпинча кўз яллиғланиши бошқа дори ишлатилмаса ҳам ўша тадбирлар билан тузалади.

Ични юмшатиш, албатта зарур, томирдан қон олингандан кейин қонга ғалаба қилган хилтни суриш керак. Тозалашдан олдин компресс қилиш ва ҳаммомга тушишнинг фойдаси йўқ. Улар баъзан кўз қаватларини касалликка дучор қиладиган даражада кўп модданинг тортилишига сабаб бўлади.

Дастлабки кўз яллиғланишида кучли зичлаштирувчи ва кучли буриштирувчи дориларни ишлатмаслик лозим. Чунки улар кўз қаватларини зичлаштириб, [моддаларнинг] тарқалишига монелик қилади ва оғриқ зўраяди, айниқса у олдинроқ кучли бўлган бўлса зўраяди. Буриштириши кучсиз бўлган дорилар ҳам [касалликнинг] бошланишида моддага монелик қилишга кифоя қилмайди, балки сиртқи қаватни зичлаштириб, у қаватда моддани қамаб қўйиш билан зарар етказилади. Агар шулардан биронтаси юз берса, доимо иссиқ сув билан компресс қилинади. Қашқар беда ширасида оқ шамчани эритиб ишлатиш яхши таъсир кўрсатади. Чунки бош

тўлиқ бўлганида бундан кучлироқ дорини ишлатиш жуда зарарлидир.

Шимдирувчи дориларга келсак, [касалликнинг] бошида улардан жуда сақлан! Баъзан буриштирувчи дориларни ишлатгандан кейин, айниқса уларга оғриқсизлантирувчи дорилар аралашган бўлса, кўзга шакар ва асал қўшилган ширин сув томизишга тўғри келади. Агар шу томчидан касаллик зўрайса, унга чора кўриш учун зичлантирмайдиган совитувчи дори ишлатасан. Бундан олдин айтганимиздек, кўзни қийнамасдан секинлик билан йирингдан тозалашга эътибор бериш лозим. Чунки йирингни тозалаш оғриқни енгиллатади, кўзни равшан қилади ва дориларнинг кўзга таъсир этиши учун имконият беради.

Баъзан оғриқнинг қаттиқлиги меҳригиёҳ меваси, сутчўп ва кўкнорнинг шираси ва бир оз татим каби оғриқсизлантирувчиларни ишлатишга муҳтож қилади. Бироқ мумкин қадар уларни ишлатма, агар зарурият бўлиб биронтасини ишлатсанг, эҳтиётлик билан ишлат! Мумкин бўлса кўкнор, қайнатилган сув билан чалиб қориштирилган тухум оқи билан чеклан! Баъзан [оғриқсизлантирувчи дори билан бирга] сариқ йўнғичқа ишлатиш керак бўлади, чунки сариқ йўнғичқа шимдириши жиҳатидан оғриқни тўхтатишга ёрдам беради, оғриқсизлантирувчининг зарарини тарқатади ва кеткизади.

Модда суюқ ва ўйиб еювчан бўлса, менимча, афюн ва оғриқсизлантирувчиларни ишлатиш зиён бермайди. Кўзга зарар қилгани учун уларни ишлатиш тўғри эмас деб ўйласалар ҳам, буларнинг даволиги бор ва улардан кейин оғриқ қолмайди, бироқ афюн ўйиб еювчан, лекин чўзмайдиган моддадан пайдо бўлган оғриқларда тездан ёрдам беради.

Епиштирувчи, совитувчи ва суолтирувчи дорилар [кўз яллиғланишидаги] ачишишнинг давоси бўлиб, биз ҳаммасини ўз жойида эслатадиган ва моддани камайтирадиган нарсаларимиз билан ишлатилади; кўзни бўшаштириш ва [моддани] тарқатиш эса, тортишишнинг давосидир.

Касаллик узоқ вақтгача чўзилса, кўзнинг бурун томондаги икки бурчагидан ва қулоқ орқасидаги артериядан қон ол! Кўзи яллиғланган ва кўзига назла тушадиган кишилар, бир неча марталаб қайтариб айтганимиздек, бошни ёғлашдан ва қулоққа ёғ томизишдан сақланишлари лозим.

Кўз яллиғланиши иложларининг хулосаси бошқа яллиғланишларнинг иложи каби олдин [моддани] қайтариш, кейин шимдиришдан иборатдир. Лекин аъзо жуда эҳтиётликни талаб қилади; [моддани] қўпоровчи, қайтарувчи, суюлтирувчи, шимдирувчи ва тозаловчи дорилар қаттиқ тегмайдиган, сезгига алам етказмайдиган ва дағаллик пайдо қилмайдиган бўлиши керак. Бу нарса қайтарувчи доридаги буриштириш қувватининг мўътадил бўлиши ва шимдирувчи доридаги ачиштиришнинг билинар-билинемас бўлиши билан бўлади. У дориларнинг ачиштирмай қуритиши учун уларга тухум оқи каби нарса аралаштириш билан, ёки кўзга ишлатиладиган шамча қўйиладиган жойга она сутини соғиш билан, уларнинг кучи синдирилган бўлиши яхшироқ.

Модда бўшатирилган бўлиб, оғриқ жуда кучли бўлмаса, «бир кунлик» деб машҳур бўлган ва тухум сариги каби нарсалар билан аралаштирилган шамчани ишлат! Шунда беморнинг ўша кундаёқ соғайиши ҳақиқатдан узоқ эмас, уни кечқурун ҳаммомга тушириш мумкин. Қолган иш, қолдиқ моддани сунбул шамчаси каби дорилар билан шимдиришдан иборат.

Баъзан вақт [ва шароит] биринчи кунидея *истиштиқон* шамчасидан бир оз ишлатишни талаб этади, иккинчи кунидея кўпроқ ишлатилади, шу билан [касал] соғаяди.

Кўз яллиғланиши эскириб, моддаси шимдиришга бўйсунмаса, баъзан шундай бўшатилишда сабр ивтирилган сув билан чекланиш керак.

ФАСЛ. КЎЗГА ОҚ [ТУШИШИ]

Билгинки, кўзга тушган оқнинг баъзиси юпқа бўлиб, сиртқи сатҳда бўлади ва «булут» деб аталади; баъзиси қалин бўлиб, буни мутлақо оқлик деб аталади. Иккаласи ҳам яра ёки тошманинг тешилиб оқиб битишидан пайдо бўлади.

Даволаш. [Кўзга тушган] оқнинг юпқасини ва юмшоқ баданлиларда пайдо бўлганини доимо иссиқ сувлар билан буғлаш, ҳаммомда иссиқ сув билан ювиш, кейин [ўша оқликни] доимо ялатиб туриш лозим. Баъзан лалақизғалдоқнинг ва ингичка хотинак супургининг сиқиб олинган суви фойда қилади; шунингдек бир бўлак зарчава ва учдан икки бўлак жувонани олиб, сепиладиган дори ясалади. Анзиратгўштхўр, новвот, денгиз кўпиги аристолохия ва буракдан тайёрланган дори ундан кучлироқдир, буларни янчгандан кейин кўзга сурма қили-

нади. *Астримохун* сурмаси, кучли қўрғошин сурмаси, *истиштиқон* ва *тарахумотиқун* сурмалари ҳам фойдалидир.

[Кўздаги] оқнинг эскиргани ва қаттиқ [ғализ] баданли кишиларда пайдо бўлганини [даволашда] юқорида эслатилган буғлаш ва ҳаммомга тушириш тадбирларини қўллаш орқали юмшатиш керак. Шунингдек юқорида келтирилган кўз шамчаларини игир сувида ёки оқ туз [*андарон* тузи] эритилган сувда ивитибуларни кўзга ҳаммомда қўйилади. Агар ҳаммом таъсир қилмаса, қатронни куйдирилган мис билан қўшиб, шамчалар тайёрлаб кўзга қўйилади, тоғ эчкиси шохидан тайёрланган шамчалар ҳам ишлатилади. Уромастикс калтакесаги тезагининг ёлғиз ўзини ёки уни *масҳақуниё* ва куйдирилган мис билан, ёки қовурилган оқ туз билан қўшиб ишлатилади. Муми ажратилмаган асал билан қўшилган ёки [тоза] асал ва геккон калтакесагининг тезаги билан қўшиб, шамчалар тайёрлаб кўзга қўйилади, тоғ эчкиси шохидан эрталаб ва кечқурун қўйилади. Денгиз қисқичбақаси ва тилла тўполи билан қўшиб куйдирилган дармана эса мўътадил дорилардандир.

Агар оқ чуқурлашса кончўп, қаврак елими, *мурр* ва уромастикс калтакесаги тезагидан баробар бўлақлар ёки нохуна бобида баён қилинган магнетит дориси ишлатилади. Гоҳо, ўша оқни бўяйдиган бўёқлар ишлатилади. У бўёқларнинг бири шу: майда хил анорнинг тўкилиб тушган гуллари, акация елими, оқ зок ва араб елимининг ҳар биридан бир *уқиядан*, сурма ва мозидан уч *дирҳамдан* олиб сув билан эритилади. Анор гули топилмаса, анор пўсти ё гул банди, ёки донлари орасидаги чарвисимон пардаси ишлатилади. Шунингдек, мози ва акация елимининг ҳар биридан икки *дирҳамдан*, оқ зокдан бир *дирҳам* олиб, шулардан бўёқ тайёрланади. Мана шу сифатдаги сурма ҳам шундай бўёқлардандир: куйдириб ювилган қўрғошин, заъфарон ва араб елимидан икки *мисқолдан*, мис қўйиладиган қолипларнинг ёмғир суви билан ювилган кулидан икки *мисқол*, миснинг ювилган тўполидан ярим *мисқол* олиб, қўшиб ишлатилади.

Ниҳоятда яхши бошқа бир сурманинг таркиби: сариқ зок ва яшил мозидан тўрт *мисқолдан* олиб, сувда эритилади ва қайта-қайта ишлатилади.

Яна бошқаси: мози ва акация елимининг ҳар биридан бир бўлак ва яшил зокдан ярим бўлак олиб, лалакизғолдоқ суви билан эзиб кўзга қўйилади,

КУРИШГА ЗАРАР ЕТКАЗАДИГАН НАРСАЛАР

Кўзга зарарли нарсаларнинг баъзиси ишлар ва ҳаракатлар, баъзиси овқатлар ва баъзиси овқатларни сўйиш кайфиятидан иборатдир.

Ишлар ва ҳаракатларга келсак, [шунингdek кетма-кет рақиблик] жинсий алоқани кўп қилиш, ялтироқ нарсаларга узоқ вақт қараб туриш, нозик хатларни ҳаддан ташқари кўп ўқиш каби ҳамма қуритувчи нарсалар кўзга зарар қилади, буларнинг ўртачаси эса фойдалидир. Нозик [диққатли] ишлар, тўлиқлик билан ва кечки овқатни ея солиб ухлаш ҳам [зарарли]. Кўзи кучсиз киши, [овқати] ҳазм бўлгунича сабр қилиши лозим. Ҳар бир тўлиқлик ва шунингдек табиатни қуритувчи ҳар бир нарса кўзга зарар қилади, қонда чўкма пайдо қиладиган шўр, ўткир ва бошқа [хил нарса]лар ҳам зарар қилади; маст бўлиш ҳам зарар қилади. Қусиш эса, меъдани тозалашлиги жиҳатдан кўзга фойда қилади, аммо миядаги моддаларни кўзгатиб кўзга юбориши жиҳатидан зарар қилади. Қусиш зарур бўлиб қолса, овқатдан кейин аста-секин қусмоқ керак.

Ҳаммомга кўп тушиш ҳам [кўзга] зарарли; шунингдек ҳаддан ташқари кўп ухлаш, қаттиқ йиғлаш, томирдан кўп марта қон олдириш, айниқса кетма-кет қортиқ билан қон олдириш, зарар беради.

Овқатларга келсак, шўр, ўткир, буғ пайдо қилувчи, меъданинг оғзига азият берувчи [овқатлар], қуюқ, хира рангли шароб, гандано, пиёз ва тоғ райҳони, етилган зайтун, укроп, карам ва ясмиқ [кўз учун] зарарлидир.

ШАБКЎРЛИК

Шабкўрликда кўз кечаси кўрмайди, кундузи кўради, лекин куннинг охирида кучсизланади. Шабкўрликка кўз рутубатларидан бирон рутубат ва унинг қуюқлашиши ёки кўрувчи руҳнинг ҳўллиги ва ғализлиги сабаб бўлади.

Бу касаллик кўпроқ қора кўзда бўлиб, кўк кўзда бўлмайди; қорачиги кичик кўзларда бўлиб, катта бўлганда бўлмайди ва кўзга турли ранглар кўринадиган ва кўзи жимирлай берадиган кишиларда бўлади, чунки улар кўрувчи руҳнинг туғилишданоқ оз бўлганлигини кўрсатади.

Гоҳо [бу касаллик] кўзнинг ўзидаги бирор касалликдан, ёки меъда ва миянинг ҳамкорлигидан бўлади; улар бўлиб ўтганинг белгилар орқали танилади.

Даволаш. Қон кўпайган бўлса, қифол томиридан ва кўзнинг бурчагидаги томирдан қон олиш, яна маълум бўшатувчи дориларни ишлатиш ва шу [тадбирларни] қайта қўллаш лозим. Баъзан *сақмуниё* ва қундуз қири билан бўшаттириш фойда қилади; овқатдан олдин зуфо шароби ёки зүфонинг ўзи ва қуруқ газағўтнинг элакиси ичирилади; овқат тамом ҳазм бўлишдан олдин эски шаробдан озгина ичирилади.

Эчки жигарини пичоқ билан ёриб чўғ устига тутиш орқали олинган сели тажриба қилинган дорилардандир. [Жигардан] оққан селни олиб, унга ҳинд тузи ва узун мурч сепилади ва кўзга суртма қилинади. Баъзан жигарни чўққа тутишда унга дорилар сепилади; ўшандай жигарнинг буғига [юзу] кўзни тутиш ва унинг қовурилганини ейиш жуда фойда беради. Баъзан жигарни япроқлаб кесиб, уни узун мурч билан қат-қат қилиб қўйилади, шунда энг усти билан тагида жигар туриши керак. Уларни тандирда кабоб қилинади, лекин жуда ўтказиб юборилмайди, кейин унинг селини олиб тинитиб кўзга суртилади. Қуён жигарини ҳам шундай қилиб ишлатилади.

Қуйидаги таркибдаги узун мурч шамчасини ҳам кўзга сурилади: узун мурч, мурч ва қанбилдан баробар бўлақларни олиб, сурма қилинади. Ўтлар, айниқса така ва тоғ эчкисининг ўти ҳам фойда беради. Шунингдек бальзам ёғининг кучини бир оз афюн билан синдириб кўзга тортиш; уч турли мурч: қора, оқ ва узун мурчни майда янчиб сурма қилиш жуда фойда беради. Миср аччиқтоши билан сурма қилиш ҳам шундай. Асал ва арпабодиён сувини кўзга тортиб узоқ муддат кўзни юмиб туриш эса жуда фойдали; асалга аччиқтош ва навшадилнинг қуввати ўтқазилса, ундан кўра ҳам кучлироқ дори бўлади.

Иссиқ мизожли ҳайвонларнинг қонлари кўзга тортилса, фойда қилади. Ёввойи бодринг ширасининг кучини семизўт уруғи билан синдириб ишлатиш, ишқор шамчаси ва зангор шамчасини кўзга тортиш ҳам фойда қилади. Варалнинг ва сақанқурнинг тезағи ҳам шундай. Яна эчки боласининг ўтидан бир бўлак, мурчдан икки бўлак ва қаврак елимидан уч бўлак олиб, асал билан қориб ишлатилади.

Кўзнинг бурчакларидаги томирдан қон олиш ҳам фойда қилади.

КАТАРАКТА

Катаракта тикилмалардан пайдо бўладиган касаллик бўлиб, у ўқейсимон табақа тешигида, оқсилсимон суюқлик билан мугузсимон табақанинг орасида туриб қоладиган чет суюқликдан иборат. У [суюқлик] нарсаларнинг қорасини [силуэт] кўзга тушишига тўсқинлик қилади. Катаракта миқдорда ва кайфиятда турлича бўлади. Миқдорда турлича бўлиши шундай: [сув] баъзан тешикка кўра кўп бўлиб, уни бутунлай тўсади ва кўз ҳеч нарсани кўрмайди, баъзан тешикка кўра кам бўлади ва [унинг] бир томонини тўсиб, бир томонини очиқ қўяди. Тўсилган томонда бўлган нарсаларни кўз кўрмайди; очиқ қолдирилган томондагиларни эса кўради. Баъзан кўз нарсаларнинг ярмини, ёки бир бўлагини кўриб, қолганини кўрмайди, лекин кўз соққасининг бир томонга айлантирилиши билангина кўради. Баъзан у нарсани бир гал тўла кўриб, иккинчи марта тўла кўрмайди; бу, нарсаларнинг туриш жойига қараб бўлади, чунки у кўриладиган нарса бутунлигича тўсиқ рўпарасида бўлса, кўз унинг ҳеч бир жойини кўрмайди; очиқ қолган томонда бўлганда эса бутунлигича кўради.

Шу тўлиқ бўлмаган тўсилиш гоҳо [кўриш] тешигининг юқори томонида бўлиб, юқоринигина [тўсади]. Ёки юқори ҳам қуйида бўлади ва гоҳо тешикнинг қоқ ўртасида бўлиб, тешикнинг айланаси очиқ қолади; шу пайтда нарсаларнинг тезараги кўринадию, ўртаси кўринмайди, ҳатто у нарсанинг ўртасида туйнук ёки чуқур каби бир шакл кўриниб туради, бунинг маъноси шуки, у [киши ўша ерни] кўрмайди ва у ерда бир қоронғулик кўринаётибди деб гумон қилади.

[Катарактанинг] турли кайфиятда бўлишига келсак, гоҳо унинг суюқ-қуюқлиги турлича бўлади: баъзиси суюқ ва тиниқ бўлиб, нурни ва қуёшни бекитмайди, баъзиси эса жуда қуюқ бўлади.

Гоҳо ранг жиҳатдан ҳам [турлича] бўлади: баъзиси ҳаворанг, баъзиси оқ ганч рангли, баъзиси оқ марварид рангли, баъзиси оқ бўлиб, кўкка ёки феруза ва тилла тусига мойил, баъзиси сариқ, баъзиси қора ва баъзиси хира гунгуртроқ бўлади.

Ранг жиҳатдан қараганда, катарактанинг ҳаворанглиги, оқ марварид рангли, озгина кўкимтир ва феруза тусига мойил бўлгани даволашни қабул қиладиганроқ бўлади. Унинг ганч рангли, яшил, гунгурт, қуюқ қора ва саригини эса кесиб олиш мумкин эмас.

Катарактанинг қуюқ турларидан шундай хили борки, у жуда қаттиқ бўлиб, катаракталиқдан чиқиб кетади ва уни даволаб бўлмайди.

Қуюқ-сууқлиги жиҳатидан даволашни осон қабул қиладигани сууқ хили бўлади; уни ёруғ соя жойда текшириб қараб, устига бармоғинг билан боссанг, у дарров тарқалиб, кейин яна қайтиб йиғилади. Ана шу хил қатарактани кесиб олинганда йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бироқ шундай имтиҳонни бир қанча вақт давом эттириш катарактани бетинч қилади ва кесиб олишни қийинлаштиради. Баъзан уни бошқа йўл билан синаб кўрилади: кўзга бир бўлак пахта қўйиб, шу пахтага қаттиқ пуфланади. Кейин, катарактада кўзғалиш кўринадими [йўқми эканини билиш учун] пахтани олиб тезлик билан қаралади. Агар кўзғалиш кўринса, уни кесиб олиш мумкин. Шунингдек бир кўз юмилиши билан иккинчисининг [қорачиғи] кенгайса ҳам шундай қилиш мумкин.

Йиқилишдан кейин, ёки мия касаллиги бўлиб, ундан кейин пайдо бўлган катарактанинг тузалиши қийин.

Белгилари. Катарактадан дарак берувчи белги бошқа бирор сабабдан бўлмаган ва юқориде эслатиб ўтилган [кўзга кўринадиган] хаёллардир; бунга тегишли гапларни хаёллар бобида изоҳладик; яна шу билан бирга кўзда, айниқса иккала кўзнинг бирида, хиралик бўлади ва у кўзга чироғларга ўхшаш ёруғ нарсалар иккита бўлиб кўринадиди.

Катаракта билан ички тиқилма бир-биридан шундай фарқ қилади: агар катаракта бўлса, кўзнинг биттасини юмганда иккинчи кўзнинг қорачиғи кенгайди, [кўз] ичкарасида тиқилма бўлганда эса кенгаймайди. Бунинг сабаби шуки, юмилган кўздаги руҳнинг иккинчи кўзга куч билан ҳайдалиши унинг [қорачиғини] кенгайишига олиб келади. Шунда руҳ орқасидаги тиқилмага йўлиқса, [иккинчи кўзга] ўтолмайди, бу ҳол кўпроқ учрайди. [Ўтганда] кўпроқ иккинчи [кўздаги қорачиқ] кенгайди, лекин тиқилиш бўлмаса ҳам катаракта жуда қуюқ бўлса, [руҳ ўтолмайди]. [Қорачиқ] кенгайишида ундай нарса бўлмайди.

Даволаш. Мен ўзим [табобатни] ўрганаётган ақлли кишилардан бирини кўрдим, у кишида катаракта касаллиги пайдо бўлган эди. У ўзини бўшатишлар, парҳез қилиш, овқатни кам ейиш, шўрвалардан ва ҳўлловчи нарсалардан сақланиш, кабоб қилинган ва қовурилган овқатлар билангина чекланиш ва тарқатиб шимдирувчи

на латифлаштирувчи сурмаларни ишлатиш билан даво-
лаш ва кўриш сезгиси ўзига қайтди.

Ҳақиқатда ҳам катарактани бошланишида пайқаб
қолиб тадбир қилинса, фойда қилади, аммо ўрнашиб
қолганда кесиб олишдан бошқа илож йўқ.

Қатарактага учраган кишининг [жуда] тўйиб овқат-
ланишдан, ичишдан, жинсий алоқадан сақланиши ва
кундуз ўртасида бир марта овқатланиш билан чеклани-
ши керак; шунингдек балиқ, ҳўл мевалар, айниқса
[ҳазми] оғир гўштлардан ҳам сақланиши лозим.

Қусишга келсак, у меъдани тозалаш жиҳатидан фой-
да қилса ҳам, катарактага зарар беради.

[Қатарактани] дори билан даволаш қонунини хаёл-
лар бобида кўрсатдик, энди синалган дориларни баён
қилайлик. Уларнинг таркиби: пўсти ажратилган дафна
мевасидан ўн бўлак ва араб елиmidан бир бўлак олиб
катарактага қарши ўғил бола сийдиги билан, кўз куч-
сизлигига қарши эса оддий сув билан эзиб ишлатилади.
Амидалик Этий [Атиюс]нинг айтишича, ҳалиги таркиб-
га асал қўшиб *афъо* илонининг ўти билан қориб кўзга
суртиш жуда яхши фойда беради. Мен айтаман: [табо-
батни] биладиган бир қанча кишилар *афъо* илонининг
ўтини тажриба қилган эдилар. У ҳеч бир заҳарлик таъ-
сирини кўрсатмаган. Ана шу тажриба [илон ўтидан]
сақланиш лозимлигини камайтирадиган нарсалардан-
дир. [Яна бу дори] синалган ва фойдали дорилардан-
дир: *фанақидис* оролига мансуб доннинг шираси, «ер
дуби» ва маржоннинг ҳар бирдан бир *миққолдан* олиб,
арпабодиён суви билан қориб [ишлатилади].

Қатарактани кесиб олиб тадбирига келсак, ундан
олдин баданни, айниқса бошни тозалаш ва зарур бўлиб
қолса, томирдан қон олиш лозим; кейин [катарактаси]
олинадиган кишининг бош оғриғига учраган бўлмаслиги
назарда тутилади, акс ҳолда кўз табақаларида шиш
пайдо бўлиш хавфи туғилади. Яна унинг йўталга учра-
маган бўлишлиги, юраги сиқиладиган, тез ғазабланиди-
ган бўлмаслиги керак, чунки [юрак] сиқилиш ва ғазаб-
ланиш катарактани қайтарадиган нарсалардандир. Яна
бемор [катарактани кесиш олдида] шаробдан, жинсий
алоқадан ва ҳаммомга тушишдан сақланиши лозим.
Шу билан бирга [дарров] кесиш керак эмас, балки сув
тўхтаб, унинг тушадигани тушиб ва туриши бир оз
қуюқлашгандан кейингина кесиш керак. Бу тадбирни
«камолга етकिзиш» дейилади. Бундай қилишдан мақсад
катарактани *миқдаҳа* ёрдами билан кўзнинг қуйи қис-

мига сурганда у ўша ерда қолгани учундир. Шунинг учун [катарактани кесишни] касалликнинг бошланишидан кейинга қолдирилади.

Катарактани олмоқчи бўлсанг, касалга олдин янги балиқ ва катарактани оғир қилувчи ҳўлловчи овқатлар едириб, катарактанинг зарарини кучайтирадиган нарсалардан бироз истеъмол қилдир, кейин уни кес! Умуман катаракта жуда суyoқ ё қуюқ бўлса, кесишга бўйсунмайди.

Катарактани кесишга қарор берилгач, касални кўзининг ички бурчагига ва бурнига қараб туришга буюрилади; у шу ҳолатни сақлаб турсин, деразанинг рўпарасида ва жуда ёруғ жойда бўлмасин, кейин кесилади: *миқдаҳа* билан тешилади, бу асбобни иккала табақа орасига то [кўриш] тешигининг рўпарасига боргунича киргизилади, асбоб шу ерда бўшлик ва ораликка учрайди. Шунда баъзи моҳир табиблар *миқдаҳани* чиқариб олиб, ўша ораликка *миҳаттнинг* думини яъни *иқлидни* [кўриш] тешигининг тўғрисиғача киргизиб, *миҳаттнинг* ўткир томони ҳаракат қила оларлик бўш жой тайёрлайдилар ва беморни чидашга ўргатадилар. Кейин *миҳаттни* белгиланган чегарағача киргизилади ва уни катарактанинг устига қўйиб, кўз тозаланиб, катаракта мугузсимон табақа орқасига — қуйи томонга беркингунча пастга босилади. Кейин *миҳаттни* аячагина вақт ўша жойда тутиб турилади, шунда катаракта [ўтган] жойига ўрнашади, кейин *миҳаттни* у жойдан олиб қаралади: катаракта яна қадимги жойига қайтадими йўқми? Агар у яна қайтса, [аввалги] тадбирни [қайтмаслигига] ишонч ҳосил бўлгунча қўлланилади. Агар катаракта пастки томонга тушишга бўйсунмаса, балки бошқа томонга борадиган бўлса, уни ўша ўзи бораётган томонга ҳайдаб, ўша ерга сочиб юборилади.

Агар [кўзни кейинги] даволаётган кунларингда катарактанинг қайтганлигини кўрсанг, худди ўша очилган тешикка *миҳаттни* қайтадан киргиз, чунки у [тешик] ҳали қолади ва битмайди. Агар шу тешикка қон оқиб келса, уни ҳам тушириб олиш ва [ўз ҳолига] қўймаслик керак, чунки у жойда қотиб қолса, уни даволаб бўлмайди.

Катарактани тушириб олгач, касал кўзга тухум саригини билафша ёғига қориб пахта билан қўй. Соғ кўзни ҳам боғлаб қўйиш керак. Чунки у ҳаракат қилганда касал кўз ҳам унга эргашади. Беморни уч кун қоронғи жойда чалқанча ётқизиш лозим. Баъзан бир

ҳафтагача шу қуюқ суртмани янгилаб туриш, бойлоқни сақлаш ва чалқанча ётқизишга тўғри келади. Уша жойда шиш пайдо бўлганда, ёки бош оғриғи ва бошқа нарсалар юз берганда шундай қилинади. Лекин шиш юз берса, қаттиқ бойлоқни бир оз ечиш ва бўшатиш керак. Хулоса, бемор, [кўзига] қўйилган нарсани оғриқ кетгунича сақлаши ва бойлоқни ечмаслиги яхши, лекин бойлоқни уч кунда бир ечиб дорини янгилаб турилади.

Бойлоқ ечилганда гул суви, Миср толининг суви, ё қовоқ суви, ёки қизил тасма ва шуларга ўхшаш сувлар билан компресс қилиш мумкин.

Катарактани кесиб олишда табибларнинг йўллари бир нечтадир: баъзилари мугузсимон табақа тагини ёриб шу жойдан катарактани чиқариб оладилар. Бироқ унда хатар бор. Чунки катаракта қуюқроқ бўлса, у билан бирга оқсилсимон суюқликнинг ҳам чиқиши мумкин.





ОҒИЗ ЧАҚАСИ ВА ЁМОН ЯРАЛАРИ

Оғиз чақаси оғиз ва тил терисида бўладиган тарқалувчи ва кенгаювчи ярадан иборатдир. Бу кўпинча болаларда пайдо бўлади. Уларда пайдо бўлишига кўпроқ сутнинг ёмонлиги ёки унинг меъдада ёмонроқ ҳазм бўлиши сабаб бўлади. У ҳар бир хилдан бўлаверади ва рангидан танилади: оқи — балғамдан, кўпроқ шўр балғамдан пайдо бўлади; сариғи сафродан бўлиб, алангаси бошқасиникидан кўра кучлироқ бўлади; қораси савдодан, тиниқ қизили эса қондан бўлади. Энг ёмони савдодан бўлганидир.

Оғиз чақасининг баъзиси кучли ўйилувчи бўлиб, баъзиси эса тинчроқ бўлади. У гоҳо шишли, гоҳо шундай ўзи бўлади. Оғиз сатҳида бўладиган ҳар бир яра албатта тез ёйилади, чунки оғиз ҳамиша иссиқ, териси эса ҳўл ва юмшоқ бўлади. Жолинус оғиздаги яраларни шиллиқ парда юзида бўлиб турган пайтларда «оғиз чақаси» деб атар, сасиб чуқурлашса, оғиз чақаси деб атамас, балки «ёмон яралар» деб атар эди. Шу ёмон яраларни даволашда доғловчи дориларга эҳтиёж тушди. Ёмғиргарчилик кўп бўлса, оғиз чақаси кўпаяди; у ваболи иситмаларда ҳам кўпаяди.

Даволаш. Олдин кўпайиб, оғиз чақасини пайдо қилиб турган хилтга қарши тадбир қилиш керак. Хилт кўпайган бўлса, бутун гавда бўшатилади. Кейин ияк тагидаги томирдан, айниқса *чаҳор рақдан* [қон олиб] бўшатилади. Шу томирлардан қон олиш оғиздаги моддали иссиқ касалликларнинг ҳаммасига ҳам фойда қилади. Кейин чиқиқларга ишлатиладиган ва эслатиб ўтилган дорилардан фойдаланиш лозим. Кучли, ҳўл, зардоб ва йиринги кўп бўлганига кучли дори, мўътадилга мўътадил дори ва кучсизига кучсиз дори ишлатилади. Оғиз яралари суякка етишга яқинлашса, кўп миқдордаги араб акацияси шираси билан қўшилган *фал-*

тафийон каби жуда кучли дори ишлатиш зарур бўлади. Бунда ҳамма ёғлардан, ҳатто зайтун ёғидан ҳам сақла- ниш керак.

Дориларга келсак, уларни биз Иккинчи китобда айтган совуқлик ва иссиқлик дориларидан танлаб оли- нади.

Оғиз яраси қизил бўлиб қондан бўлса, дастлаб унга энг мувофиқ дори бир оз буриштириш ва совутиш ху- сусиятига эга бўлган доридир. Ундан кейин шимдирувчи дори ишлатилади. Қизғиш сариқ ва сариқ хилига сову- тиши кучлироқ бўлган дори ишлатиш керак. Улардан бошқа турларига келсак, энг олдин қилинадиган зарур иш мўътадил табиатли қуритувчи ва тозаловчи дори ишлатишдир. Кейин кучли қуритувчи ва кучли шимди- рувчи дори ишлатиш керак. Шуларнинг ҳаммасида беморнинг ёшини назарда тутиш керак: болаларнинг дорилари кучсизроқ бўлиши ва эмадиган сутларини тузатиш зарур. Катталарнинг дорилари эса кучлироқ бўлиши лозим. Болаларга кўпинча овқатнинг ўзи ҳам фойда қилади. Агар овқат емайдиган бўлсалар, [ўша фойда қиладиган овқатларни] эмизувчига едириш керак.

Оғиз чақасининг ҳароратли хилига ёқадиغان даво, масалан, маймунжон баргини ёки ясмиқни сирка билан қўшиб чайнашдир. Ҳамма ҳайвонларнинг, айниқса тоғ эчкиси ва бузоқнинг илигини беҳи билан аралаштириб- истеъмол этилса, фойда қилади. Нордон олма, нордон нок, дўлана, беҳи, чилонжийда, ток наваларининг учи, қуритган бодринг, ясмиқ уни, гуруч уни [ҳам фойда қилади]. Мози, *табошир*, гул, араб акациясининг шира- си ва шуларга ўхшаш нарсалардан тайёрланиб сепила- диган дорилар улардан ҳам кучлироқдир. Буриштирув- чи нарсалар билан қўшилган кончўпнинг оғиз чақаси даволашда ажойиб қуввати бор. Оғиз чақасига кофур ҳам жуда фойдалидир.

[Оғиз чақасининг] иккала совуқ хилига, айниқса балғамдан бўлганига қарши тозалаб қуритувчи дори- лар ишлатилсин. Яна кучли шимдирувчи ва қуритувчи дориларни, айниқса савдодан бўлган оғиз чақасига қарши ишлатиш керак. Масалан, ёввойи ясмиқ уни ва асалнинг мози билан қўшилгани шундай. [Оғиз чақала- рига], айниқса болаларникига, катта тошбақанинг сир- ка билан аралаштирилган ўти жуда фойдалидир. Ёмон хилига эса зокни сирка билан қўшиб ишлатиш лозим. Агар улар ёмон бўлиб ўйиб юборса, зангорни сариқ зок билан қўшиб, мозини шиннига солиб, ёки мози,

аччиқтош ва анор гулидан баробар бўлак олиб қўшиб ишлатиш керак. Яна *мусоро* кулчаларини ёки *таруху-мотиқун* сурмасини узум гўрасининг шираси каби буриштирувчи шира билан қўшиб ишлатилади.

Сепиладиган дори сингари тўзондек қилиб янчилган аччиқтош ва мози [оғиз яраларининг ҳамма хилига] умумий дорилардан саналади. Буни оғизга секинлик билан ишқалаш керак. Оғиздаги ҳамма хил ёмон яраларга мози, айниқса унинг сирка ва туз билан қайнатилгани фойда қилади. Болаларнинг оғиз яраларида ўша қайнатма билан оғиз чайилади. Оғизнинг ёмон ярасига қарши таъсир қилишда *мозариюн* кули айрим хусусиятга эга бўлиб, оғиз яраларининг ҳамма турлари учун умумий дорилардан биридир. Гултожихўроз, мис суви ҳамда шаробнинг куйдирилган лойқаси ҳам шундай.

Оғизнинг савдодан бўлган қора ярасига уруғи олиниб асалга қориштирилган майизни ва рум арпабодиёнини суртиш фойда қилади. Агар оғизда шу билан бирга шиш ҳам бўлса, бир *сукурража* тоғрайҳони, ярим *сукурража* гул ёғи, ярим *сукурража* ясмиқ ва икки *мисқол* заъфаронни олиб шу таркибдан марҳам қилиб ишлатилади.

ТИШЛАРНИ СОҒ САҚЛАШ

Тишларнинг соғлом бўлиб туришини севган киши саккиз нарсани кўз олдида тутиши керак. Улардан бири овқат ва ичиладиган нарсанинг меъдада кетма-кет бузилишидан сақланишдир. Бузилишга ё овқат моддасининг ўзи сабаб бўлади, масалан, у сут, тузланган балиқ ва тузланган майда балиқ каби тез бузилишга қобилиятли нарсалардан бўлади, ёки унга овқат ейиш тадбирининг ёмонлиги сабаб бўладики, бу ҳақда ўз жойида айтиб ўтилди. [Иккинчиси] қусишни, айниқса нордон қусиш одат бўлса, узоқ вақт давом эттирмасликдир. [Учинчи] ҳар бир ёпишқоқ нарсани, айниқса *нотиф* деб аталадиган ҳалво ва ёпишқоқ анжир каби ширин нарсани чайнашдан, [тўртинчи] қаттиқ нарсани тиш билан синдиришдан сақланиш, [бешинчи] тишни қамаштирувчи нарсалардан сақланиш, [олтинчи] жуда совуқ нарсадан, айниқса уни иссиқ нарсадан кейин тишга тегизишдан ва жуда иссиқ нарсадан, айниқса уни совуқ нарсадан кейин тишга тегизишдан сақланиш, [еттинчи] тишлар орасидаги нарсаларни доимо тозалаб

туриш, лекин тишни жуда чуқур ковламаслик ва шу билан тиш илдизидаги ва оралигидаги этларга зарар етказмаслик керак. Ундай ковлаш оралигидаги этни чуқариб ёки тишларни қимирлатиб қўяди. [Саккизинчиси] гандано каби ўз хусусияти билан тишларга зарар қиладиган нарсалардан сақланишдир. Чунки гандано тишларга ва милкларга жуда зарар қилади. Яна оддий дорилар бобида баён қилинган бошқа [зарарли] нарсалардан ҳам сақланиш керак.

Тиш тозалайдиган чўн [мисвок] ни ишлатишга келсак, уни ўрта даражада ишлатиш, тишларнинг тиниқлик ва ялтироқлигини кетказадиган, уларни назлалар ва меъдадан кўтариладиган бугларни қабул қилишга тайёрлайдиган ва бирон хатарга сабаб бўладиган даражада ниҳоятига етказиб ишқамаслик керак. Мисвок ўрта даражада ишлатилса, тишларни ялтиратади, кучайтиради, милкларни маҳкамлайди, тишларнинг кавакланишига тўсқинлик қилиб, оғизни хушбўй қилади. Мисвок учун энг яхши чўп буриштириш хусусияти ва аччиқлиги бор бўлган чўндир.

Доимо, ухлаш олдида тишларни ёғлаб туриш керак. [Тиш мизожини] совутиш зарур бўлса — гул ёғи билан, иситиш зарур бўлса, бон ва Рум сунбулининг ёғи билан ёғланади. Баъзан шу икки [хил ёғларни] қўшиб ишлатиш зарур бўлади. Энг яхшиси тиш мизожини совуқ бўлса, олдин асал билан, агар совуққа мойиллик ёки кам иссиқлик бўлса, шакар билан ишқалаш лозим. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир қанча яхши ишларни бирдан бажаради: тишларни ялтиратади, зичлаштиради, бақувват қилади, иситади ва тозалайди. Лекин шакар бундай таъсир кўрсатишда асалдан қуйроқ туради. Новватни янчиб, асал билан аралаштириб ишлатилса, тишларни ялтиратади, тозалайди ва милкни маҳкамлайди. Сўнгра ёғлаш керак бўлади.

Яттуъ илдизи қайнатилган шароб билан ойда икки марта оғиз чайиб туриш ҳам тишларнинг соғлигини сақлайдиган тадбирлардан саналади. Бу — жуда яхши тадбир бўлиб, буни қўллаб юрадиган кишининг тишлари оғримайди. Шунингдек қуённинг бошини куйдириб тишга ишқаланса ҳам шундай. Шунга ўхшаш асал билан қориштирилган туз куйдирилса ҳам, куйдирилмаса ҳам, шундай таъсир қилади, бироқ куйдирилганини ишлатиш яхшироқ. Ушандай туз қоришмасидан гўлак тайёрлаб, латтага ўраб тишларга ишқаланади. Яна Миср боқиласини ёки Яман аччиқтошини бир оз *мурр*

Билан қўшиб, айниқса куйдирилган аччиқтошни сирка билан қўшиб ҳам ишқалаш керак. Уша дорилар билан тишларнинг ранги ўзгариб қолса, улардан кейин асал истеъмол қилиш ва [тишларни] асал ёки шакар билан ишқаш керак. Кейин биз айтиб ўтган тартибга мувофиқ ёғлар билан ишқаланади. Тишга назлалар тушиб турса, буриштирувчи нарсаларнинг қайнатмасини узоқ вақт оғизга олиб туриш ва тишларга куйдирилган аччиқтош ва тузни доимо ишқаб юриш керак.





ЎПКАДА БЎЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Ўпкада бўлаклари бир-бирига ўхшаш аъзоларга хос касалликлар ва қурол аъзоларда бўладиган касалликлар юз беради. Айниқса томирларда ва ўпка найи бўлакларида, хусусан қаттиқ томирларда ва ўпка танасининг ғовакликларида тиқилмалар пайдо бўлади. Гоҳо уларнинг ҳаммаси, ҳатто бирикиб қолиш ҳам тиқилмалар сабабли вужудга келади. Баъзан ўпкада умумий касалликлар ҳам пайдо бўлади.

Ўпка касалликлари назланинг кўпайиши сабабли қишда, кузда ва шимол томонники каби қуруқ ёздан кейинги, ёмғирли кузда кўпаяди. Совуқ ҳаво ўпка учун зарарли, лекин қаттиқ иссиқдан азиятланадиган ўпка бундан мустасно. Кўпинча ўпка касалликлари жигар касалликларига олиб боради. Шунга ўхшаш ўпканинг қаттиқ совиши ва қаттиқ исши истисқо касалига олиб келади. Кўкрак-қорин тўсиғиники ҳам [шундай қилади].

ЎПКАНИ ДАВОЛАШ

Ҳарсиллаш ва нафас [турлари] бобида айтилганларни диққат билан кўздан кечириш, кейин ўша [касаллик билан] сабабда ҳамкор бўладиган бошқа касалликларга ўтиш керак. Гоҳо ўпкани баланд овоз чиқариб ва дам билан нафас чиқариб машқ қилдирилади, шу билан ўпканинг чиқиндилари латифлашади. Кўкракка ишлатиладиган дориларнинг махсус тузилиши бор: кўпроқ ҳолда у дориларни ҳаб ва яланадиган қилиб ишлатиш керак; уларни оғизга олиб турилади ва эриганини оз-оз ютилади, шунда дориларнинг ўпка найининг яқинидан ўтиш муддати узаяди. Шу тadbир қайта-қайта қўлланса, дори ўпка найига ва ўпкага бориб етади, айниқса касал чалқайиб ётиб ухласа ва ўпка ҳам ўпка найи яқинидаги ҳамма мушаклар бўшашса, шундай

бўлади. Ўпка чиқиндиларини юбориш учун энг яқин томон қизилўнғачга ёндош томондир. Шунинг учун, бирор тўсқинлик бўлмаса, қусиш кўпинча ўпкага фойда қилади.

ҲАРСИЛЛАШ [РАБУ, АСТМА]

Ҳарсиллаш ўпкага тегишли бир касаллик бўлиб, бунга учраган кишининг бўғилган ёки оғир иш қилаётган киши каби нафас олишдан бошқа чораси йўқ. Бу касаллик кексаларда пайдо бўлса, тузалишга яқинлашмайди ва етилмайди. Ёшларда ҳам тузалиши қийин бўлади. [Шундай бўлгач] кексаларда қандай қийин бўлмасин? Ҳарсиллаш, кўпинча чалқанча ётганда кучаяди. Бу узоққа чўзиладиган касаллик бўлиб, унинг тутқаноқ ва тиришиш касалликлариники каби қаттиқ тутиш навбатлари [пайтлари] бор. Гоҳо ҳарсиллашда ўпканинг ўзи ва унга бириккан [шоҳобча]лар зарарланган бўлади. Чунки қуюқ хилтлар артериялар, уларнинг майда шоҳобчалари ва эмувчиларига тиқилиб қолади. Баъзан ўпка найи зарарланади, баъзан [касаллик] ўпканинг ғовак ва ковак жойларида бўлади. Ҳалиги рутубатлар гоҳо, айниқса жанубий мамлакатларда ва жануб шамоллари кўп эсганда, бошдан ўпкага қуйилади; улар бошқа жойлардан ҳам [ўпкага] ҳайдалиб боради. Гоҳо у хилтларнинг ўпкада пайдо бўлишига ўпканинг совуқлиги сабаб бўлади, бунда [касаллик] аста-секин бошланади. Гоҳо бу касаллик ўпкада ва унинг артерияларида бўлмаган, балки бош ва жигардан меъдага қуйилган ёки меъдада пайдо бўлган хилт сабабли вужудга келади.

Киши юқорига кўтарилганда пайдо бўладиган ҳарсиллаш [бухр] меъданинг кўкрак-қорин пардасини сиқиши ва кўкрак-қорин пардасининг ўпкани сиқиши сабабли юз беради. Гоҳо жигар совуб ёки қалинлашиб, ҳарсиллашнинг келиб чиқишига ёрдам беради. Шу хилтлар гоҳо кайфияти билан, гоҳо миқдори ва кўплиги билан зарар етказди.

Айрим ҳолларда бу касаллик ўпканинг қуриши ва бужмайишидан пайдо бўлади, баъзан эса ўпканинг совуқлигидан бўлади.

Гоҳо нафас аъзоларининг бошланган жойлари, асаблар, мия ва орқа миядаги касалликдан ёки улардан [нафас аъзоларига] ҳайдалаётган назлалардан бўлади. Баъзи вақтда бу нафас аъзоларини сиқадиган қўшни

аъзоларнинг ҳамкорлиги билан бўлади. Бунда нафас аъзолари ёйила олмайди; масалан, тўлиқ меъда кўкрак-қорин пардасини сиққанда шундай бўлади.

Гоҳо [ҳарсиллаш] ўпкага бориб қамалган тутунсимон буғнинг кўплигидан, ёки нафас аъзоларида қамалиб қолиб, нафасни сиқадиган елдан бўлади. Гоҳо кўкракнинг кичиклиги сабабли ҳам бўлади; бу ҳол туғма бўлиб, меъда кичик бўлса, керакли овқатни ололмаганидек, бунда ҳам кўкрак керакли нафасни ўзига ололмайди. Гоҳо ҳарсиллаш кўчайиб, тик туриб олинадиган нафасга айланади, кўпинча у ўпка яллиғланишига айланади.

ҲАРСИЛЛАШ, НАФАС ҚИСИШ ВА ТИК ТУРИБ НАФАС ОЛИШНИ ДАВОЛАШ

Рутубатлардан пайдо бўлган ҳарсиллашни даволаш йўли: беморнинг ўпкасидаги рутубатларни секинлик ва мўътадиллик билан йўқ қилишга тиришилади. Агар ўпкаларга етган зарар [рутубатларнинг] кўпайганлигидан эканлигини билсанг, албатта, баданни сурги билан бўшат! Сурги дориларнинг суюлтирувчи ва етилтирувчи бўлиши, бироқ моддани қуритадиган ва қуюлтирадиган даражада қиздирувчи бўлмаслиги керак. Шунинг учун илгариги табиблар ҳарсиллашга қарши ишлатиладиган маъжунларга афюн, мингдевона ва меҳригиёҳ илдизини қўшмаганлар, лекин назла кўпайиб кетаётган бўлса, унга тўсқинлик қилиш мақсадидагина қўшганлар. Ҳатто исфағулни ҳам қўшмаганлар, лекин Тангрининг истаги билан [зарурат туғилгандагина] қўшганлар. Шунинг учун модда қуюқ ёки ёпишқоқ бўлса, уни ҳўллаш ва етилтиришни назарда тутишинг керак. Бироқ оддий суюлтириши ёки парчалаш билангина чекланма, чунки [дорининг] кучлилиги ва модданинг бўйсунмаслиги баъзан ўпкани яраланишга олиб келади. Шунингдек, кўп сийдирадиган ҳамма дори ҳам кўп сийдириши жиҳатдан бу касалликда зарар қилади. Чунки у, ҳўлликнинг суюқ қисминигина чиқаради.

Ҳарсиллаш билан бирга жигарда хилт борлигини сезсанг, кўкракка ишлатиладиган дориларга *Ғофит* ва эрман жинсидан бўлган дориларни аралаштиришинг керак. Рўян ҳамда аристолохия каби дорилар юқорида эслатилган иккала таъсирни кучли равишда бир йўла бажарадиган дорилардир.

Даволанувчи бемор [ёш] бола бўлса, дориларни онасининг сути билан аралаштириш керак; болаларга сунт

Билан қўшилган ҳўл арпабодиён каби мўътадил дорилар кифоя қилади. Қари хўроз этининг шўрваси [балғамнинг] етилишига ва балғам ташлашга ёрдам берувчи нарсалардан саналади. Бу хил касаллар учун фойдали тадбирлардан бири кўкракни ва биқинларни қўл [ёки] дағал сочиқ билан ишқашдир. Айниқса уларда тик туриб нафас олиш пайдо бўлса шундай; ишқашни мўътадил ва ёғсиз қуруқ қилиш керак, агар чарчаш пайдо бўлса, ёғ билан ишқаш фойда беради. Баъзан ишқашда бўйимодарон ва табиий содани ишлатиш ва бу [таркиб] билан [кўкракни] қаттиқ ишқаш керак. Агар модда кўп бўлса, қичитқиўт, чилпоя, ёввойи бодринг уруғлари ва Абу Жаҳл тарвузининг эти кабилардан тайёрланган сурги дори билан [баданни] тозалаш албатта зарур. Тозалаш ва қусишдан кейин ишлатиладиган тадбирлардан бири товуш чиқариш ва уни аста-секин кучли ва узун товуш даражасигача кўтаришдир.

Узлуксиз қусиш, айниқса турп еб устидан тўрт *дирҳам* бурақни беш *уқия* вазнидаги асал шароби билан қўшиб ичгандан кейин қусиш ҳам у касалликларга қарши қўлланиладиган тадбирлардан ҳисобланади. Бу [тадбир] касаллик кучайиб, иш қийинлашганда қўлланилади. Оқ харбақ ҳам жуда фойда беради; бу, кўкрак касалликларида ишончли ва хавфсиз дори саналади. Энг тўғриси шуки, харбақдан бир неча бўлакни олиб турпга санчиб кеча-кундуз қўйилади, кейин уни суғуриб ташлаб турпни ейилади. Шунингдек хардал ва тузнинг ҳар биридан бир *дирҳам*, арман бурақидан ярим *дирҳам*, табиий содадан бир *донақ* олиб, беш *истор* сув ва асал қўшилмаси билан ичирилади; бу таркибда асал миқдори бир *уқия* бўлади.

Уша касалликларда доим ични юмшатиб туриш ҳам керакли тадбирлардандир. Бунинг учун уларга овқатдан олдин тузланган қовул едириш ёрдам беради. Яна эскирган ҳалво балиқ [тарих]ни, маҳсур мағзи билан қўшилган қари хўроз шўрвасини, қўйпечак ва лавлагини истеъмол қилиш ҳам ёрдам беради. Булар билан ҳам ич юмшамаса, бир оз *фарфиюн* солиб қаттиқ қайнатилган арпа суви ичирилади. Бу касалликда девпечак жуда фойда қилади. Девпечак қайнатилган сувдан асал суви ишланса, жуда фойдали бўлади. Шунингдек шу [сувдан] бир мисқолни шинни билан истеъмол қилиш ҳам фойдалидир. Шунга ўхшаш анжир, ялпиз ва газাগўтни сувда қайнатиб шундан асал суви тайёрлаб [ишлатилади]. Яна сариқ йўнғичқа ва гўшти

ижирни кўпгина асал билан қўшиб қайнатиб овқатдан анча олдин истеъмол қилинади ва бу тадбир қайта-қайта қўлланилади. Майиз ва сариқ йўнғичқанинг ёмғир сувидаги қайнатмасини ҳам истеъмол қилинади.

Шу касалликларда суст бадантарбиядан тез бадантарбияга аста-секин ўтиш ҳам қўлланиладиган тадбирлардан биридир. Аста-секин ўтилмасдан шошилинса, бу нарса моддани қўпол равишда қўзғатиб, бўғилиш пайдо қилади. [Беморнинг] овқатланиши эса биз баён қилган бадантарбиядан кейин бўлиши ва ейдиган нони дориворли бўлиб, оширилган хамирдан тайёрланиб, этилиб пишган бўлиши керак. [Беморнинг] тотинадиган нарсалари индов, зуфо, каклик ўти ва ялпиз қўшилган латифлаштирувчи нарсалар бўлади. Овқатига ишлатиладиган қуён ёғи, тоғ эчкиси, кийик, айниқса тулки ёғи бўлиши, шунингдек овқатга тулкининг ўпкасини ишлатиш керак. Чунки тулкининг ўпкасини қуритиб икки *дирҳам* вазнида ичирилса, шу касалликка дори бўлади. Шунингдек, чўл типратиканининг ўпкаси ҳам фойдалидир. [Бундай касалларнинг] ейдиган гўштлари тошлоқ дарё балиғи бўлиб, тўқайники бўлмаслиги ҳамда чумчуқ, тустовуқ ва қирғовул гўшти бўлиши керак. Хўроз шўрваси ҳам уларга фойда қилади. Гоҳо ҳарсиллаш касалига учраганларнинг овқатларига баргизуб қўшилади. Уларнинг ичадиганлари эса оз миқдорда эскирган суюқ райҳоний шароби бўлсин. Аммо [модданинг] кўпроқ этилишини ва балғам ташлашга ёрдам беришини истасалар, ўша шаробнинг жуда суюғини ичилади. Асал шароби ҳам уларга фойда қилади. Латифлаштирувчи нарсалар қўшилиб [қувватига] ёрдам берилган ширин узум шароблари ҳам у кишиларга фойда беради, чунки бундай шаробларда тозалаш, юмшатиш ва мўътадил даражада қиздириш қуввати бор. Овқат билан ичимлик ўртасида анча фурсат ўтказишлари ва бир йўла тўйиб сув ичмасликлари, балки бир неча марта бўлиб ичишлари керак.

[Ҳарсиллашга учраган кишиларнинг] сақланишлари лозим бўладиган ишларга келсак, улар мумкин қадар ҳаммомдан, айниқса овқат еб ҳаммомга тушишдан, кўп ухлашдан, айниқса кундуз куни ухлашдан иборатдир. Овқатни ея солиб ухлаш у кишиларга жуда зарар қилади, лекин уларда қаттиқ кучсизлик, чарчаш ва иссиқ пайдо бўлса, шу пайтда озгина ухласинлар, яна ел пайдо қиладиган ҳар бир дондан, овқат устидан хоҳ сув бўлсин, хоҳ шароб бўлсин, суюқлик ичишдан сақланиш-

лари керак. У кишиларга ёқадиган кучли сурги дорилар эса говшир ва Абу Жаҳл тарвузининг эти каби дорилар бўлиб, буларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамни* асал суви билан қўшиб ёки қундуз қирини қаврак елими билан қўшиб ичирилади.

Касаллик кучайса, ойда икки марта дарахт пўкагидан тайёрланган ҳаб дорини истеъмол қилиш зарур. Унинг таркиби: уч *дирҳам* дарахт пўкаги, бир *дирҳам* чучукмия, бир *дирҳам* канавча, беш *дирҳам* турбуд, тўрт *дирҳам иёраж фикро*, Абу Жаҳл тарвузининг эт ва анзиратгўштхўрнинг ҳар биридан бир *дирҳам* ва бир *дирҳам мурр* олиб, шу таркибни шинни билан қорилади ва икки *дирҳамдан* ичирилади. Яна Абу Жаҳл тарвузининг этидан ярим *мисқолни* ва Рум арпабодиёнидан олтидан бир *мисқолни* сув билан қориб ҳаб дори қилинади, бир кун олдин оддий ҳуқна қилиб, кейин ўша ҳабни истеъмол қилинади. Бу ҳуқна дориси эса лавлаги суви, кунжут ёғи, бурақ ва шуларга ўхшаш нарсалардан иборат бўлади. Шунингдек икки *донақ* Абу Жаҳл тарвузининг эти, бир *дирҳам* қичитқийўтнинг уруғи ва ярим *дирҳам* девпечак асал суви билан қориб ичирилади. Буни бир галда ичилади, сўнгра уч соатдан кейин бир *уқия* ёки уч *уқия* асал суви ичирилади.

Шунга ўхшаш Абу Жаҳл тарвузининг эти ва дарманадан баробар бўлакларни, ярим бўлак *бурақни*, бир бўлак чучукмияни ва бир бўлак говширни [қўшиб] ҳаб дори қилинади; шундан ҳар гал бир ярим *дирҳамдан* икки *дирҳамгача* ичириб, бир соат кутилади, кейин ярим *қутули* асал суви ичирилади. Яна хардалдан бир *мисқол*, нон хамирига ишлатиладиган туздан бир *мисқол* ва ёввойи бодринг ширасидан ярим *мисқол* олиб, шу таркибдан саккиз дона кулча дори [таблетка] тайёрланади. Бир кун бир кулча дори ичилиб, бир кун ичилмайди. Уни асал суви билан ичилсин; бу [дори] табиатни юмшатади ва осонлик билан балғам ташлатади.

Бошқа дориларга келсак, уларни ишлатишда бир доридан иккинчисига қўчиш, биргина дорини узлуксиз ишлата бермаслик керак. Бўлмаса, табиат у дорига ўрганиб қолади.

Шунингдек дорилар билан бадан ўртасида фақатгина тажриба билан билинадиган муносабатлар бор. Агар шунини тажриба қилабилсанг, [дорининг] энг фойдалигини ишлатишинг лозим. Модданинг келаётган томонини ҳам назарда тутишинг керак; агар у бошдан қўйилаётган бўлса, баён қилинган назлага қарши илож

билан бошни даволаш тадбирини қил ва шу билан бир-
га хилтни тозалаш тадбирларини ҳам қўлла! Баъзан
назлага [қарши] дориларга увуштирувчи нарсалар қў-
шилади. Арман лойи назлага тўсқинлик қилишда
ажойиб хусусиятга эгадир.

Дориларни ажратиб ишлатишга келсак, масалан,
Дискуридус дориси ва юмалоқ аристолохияни ҳар куни
сув билан ярим дирҳам ичирилади. Эрон қаврагини ша-
роб билан, арча уруғи, сарв бужури, шунингдек қора
ток ва чўл қовоғи уруғидан тўрт ярим *донақни* маълум
илдизлар суви билан ичирилади. Шунга ўхшаш ичига
бир неча марта қичитқиўт уруғи солиб ивитилган сир-
ка, ёки икки *дирҳам* вазнида индовга ширин бодом
ёғини томизиб, ёки ярим *дирҳам* рўян илдизи ивитилган
сиркани ёввойи пиёз *сиканжубини* билан ичирилади.
Чунки ёввойи пиёз *сиканжубини* [ҳарсиллашда] жуда
фойда қилади. Қовурилган ёввойи пиёзнинг ўзи, айниқ-
са унинг асал билан қўшилгани ҳам шундай; думалоқ
аристолохия, ялпизнинг иккала тури, чучукмия, дарма-
на, гулсапсар, ербағирлаб ўсувчи санавбар ва қундуз
қири [ҳам фойдали]; хотинак супургининг қайнатмаси
ҳам шундай. Хотинак супургининг иккала тури у киши-
ларга иккала ҳолда фойда қилади; йўғони [касаллик]
қўзғолган пайтда ва унинг бошланиш даврида; ингичка
хили эса [касалликнинг] тинч пайтида ва унинг охириги
даврларида фойда қилади. Уларни асал билан қўшиб
яланадиган дори қилиб ишлатилади. Сақичнинг ўзи ёки
бироз назла ўти, гальбан елими ва говшир билан қўшил-
гани шу касалликка қарши жуда кучли ва фойдали
доридир. Лекин асабларга катта зарари тегишидан
эҳтиёт бўлиш керак. Ундай беморлар учун олтингугурт
дориси ҳам жуда фойдалидир. Яна индов ва кунжут-
нинг ҳар бирдан ўттиз *дирҳам*, қуруқ зуфодан етти
дирҳам олиб, беморнинг ҳолига қараб ичирилади. Шунга
ўхшаш тулкининг қуриган ўпкасидан беш *дирҳам*, тўрт
[*дирҳам*] тоғ ялпизи, петрушка уруғи ва *содаж*нинг
ҳар бирдан саккиз [*дирҳам*], амом ва мурчнинг ҳар
бирдан тўрт [*дирҳам*] ва мингдевона уруғидан икки
[*дирҳам*] олиб, шу таркибдан мураккаб дори тайёрла-
нади. Яна ёввойи пиёз уруғини ўзига баробар [миқдор-
даги] яхши асал билан қўшиб, кўмир чўғи устида
қуюлтириб, овқатдан олдин, шунингдек овқатдан кейин
бир *мастарун* миқдорда ичирилади. Яна ялпиз, тоғ-
жамбил, гулсапсар илдизи, мурч ва арпабоднёнларни
асал билан қориб, эрталаб, кечқурун бир *фундуқ* миқ-

дорида истеъмол қилинади. Шунингдек, *жулах*, арман дарманаси, ербағирлаб ўсувчи санавбар, қундуз қири, кундур елими ва зуфонинг ҳар биридан бир *мисқол* олиб, асал билан аралаштириб, иккига бўлиб ичилади. Ёки тўрт бўлак *бурақ*, икки бўлак оқ мурч, уч бўлак сассиқ қаврак ва икки бўлак қаврак елимини шинни билан қорилади ва шу таркибдан бир *боқила* вазнида олиб, асал суви билан ичилади. Ёки қундуз қири, думалоқ аристолохия ва қаврак елимининг ҳар биридан бир *мисқол* ва мурчдан ўн *ҳабба* олиб узумнинг қайнатилган шираси билан аралаштирилади ва *боқила* миқдоридида олиб, *сиканжубин* билан ичилади. Яна канавча, *қуст*, *майға* елими ва санавбар дарахти уруғининг ҳар биридан бир *мисқол*, *жулах* ва қундуз қирининг ҳар биридан бир *мисқол*, оқ мурч ва ёввойи бодринг ширасининг ҳар биридан бир *мисқол* олиб, асал билан қорилади ва *боқила* миқдоридида олиб иситилган асал суви билан ичиб турилади. Шунга ўхшаш, хардал ва *бурақ*нинг ҳар биридан икки бўлак, сув ялпизи ва ёввойи бодринг ширасининг ҳар биридан бир бўлак олиб, шуларни денгиз пиёзининг сиркаси билан қорилади, шундан яссиқ миқдоридидагисини мумли асал суви билан наҳорга ичилади. Яна: дармана, эрман ва газагўтни асал билан қориб [ичилади], ёки уларнинг қайнатмасини асал билан қуюлтирилади. Буни ҳам *сиканжубин* билан ичилади. Ёки ялпиз қайнатмасини, айниқса [касалда] иситма бўлса, сут билан ичилади.

Билгинки, бу касалликка қарши қора андиз ва унинг суви жуда фойда беради. Санавбар елими билан қўшилган зирних шу касалликка қарши ишлатиладиган кучли дорилардандир. Шу таркибдан ҳарсиллашга қарши ҳаб дори қилиб [ишлатилади]. Ёки зирнихга санавбар елими қўшиб, асал суви билан ичирилади; ёки олтингугуртни чала пиширилган тухум билан [берилади]. Сув аралаштирилган сирка билан қўшилган зира мўътадилликка яқин бўлган яхши дорилардандир. Бу дори тик туриб олинадиган нафас учун ҳам жуда фойдали. Шунингдек оқ хардал ширасини ўз баробарича асал билан қайнатиб, яланадиган дори қилиб ишлатилади. Бўғилиш кучайганда ва нафас қисган пайтда *бурақдан* тўрт *дирҳамни* олиб, икки *дирҳам* индов билан қўшиб, беш *уқия* сув ва асал билан ичилса, ўша соатдаёқ фойда қилади. Бу дори *ирқуннасо* касаллигида ҳам фойдалидир.

Ҳарсиллаш касалига учраганларнинг ичадиган нарсаларига ширин ва аччиқ бодом ёғини ва санавбар ёғини томизилади. Гулсапсар ёғи ва дафна дарахти ёғи каби ёғлар суртилади, буларни кўкракка суртилади. Шунингдек укроп ёғини [ҳам суртилади]. Тутатиладиган дориларга келсак, масалан, зирних ва олтингугуртга буйрак ёғини қўшиб тутатилади ва шунингдек *мурр*, қуст, Цейлон дорчини, заъфарон ва аристолохия ҳамда суюқ *майъа* елими, гальбан елими ва Суқутро сабрини тутатилади. Шунга ўхшаш зирних ва узунчоқ аристолохияни янчиб, мол ёғи билан қориб, ғўлаклар тайёрланади. Бу ғўлаклардан ўн кунгача ҳар куни уч марта тутатилади.

Юракка ғалаба қилган тутунсимон буғлар ва артериялардаги хилтлар сабабли бўлган ҳарсиллаш ва нафас қисишга қарши томирдан қон олиш фойда қилади; яхшироғи чап томондан қон олишдир.

Бу касалликларнинг ел сабабли пайдо бўлганини даволашда икки мақсад назарда тутилади: бири секинлик билан елни тарқатиш, бу эса маълум латифлаштирувчи нарсалар билан бўлади, иккинчиси — тиқилмаларни очишдир, шунда тарқатишга бўйсунмайдиган ел [чиқиб кетишга] йўл топади. Шундай ҳолларда Рум сунбулининг ёғи, дафна дарахти ёғи ва газағўт ёғи билан ишқаш ҳам фойдали тадбирлардандир. Қайнатишган укроп, мойчечак ва самсоқ беморлар учун қўйиб боғланадиган фойдали дорилардан саналади, уларни кўкрак ва иккала биқинга компресс қилиб боғланади. *Шажазониё амрусийё* ва *қуқий*, Эрон қаврағи ва говшир ичиладиган дорилардан бўлиб, кейинги икки дорининг қайси биридан бўлса ҳам бир *мисқолдан* ичилади.


Назлалар сабабли пайдо бўлган ҳарсиллаш ва нафас сиқишда назлаларга тўсқинлик қилиш ва йиғилиб қолган [балғамни] ташлатиш чорасига киришиш керак.

Ҳақиқатда қийин нафас ва бузилган нафаснинг бир тури бўлиб, нафас қисиш хилидан бўлмаган, лекин асаблар сабабли пайдо бўлганидан нафас қисиш деб гумон қиладиган [касалликни] даволашни қийин нафас бобида баён қилдик.

Қуруқлик ва қовжирашдан бўлган [нафас қисишда] эшак ва эчки сутларини, совуқлик ва ҳўлловчи шираларни, ёғларни ва бодом ёғини суюқ ошларга ва сув аралаштирилган суюқ шаробга қўшиб ичиш ва билиб ўтилган кучли қиздирувчилар, тарқатувчилар ва қуритувчиларни истеъмол қилмай қўйиш фойда қилади. У

кишиларга суртиладиган хўлловчи суюқ дорилар, совутувчи марҳамлар ва суртиладиган майин [ёғлар] мувофиқ келади. Иссиқ сабабли пайдо бўлган нафас қисиши билан бирга алангаланиш бўлса, совутувчи марҳамларни ва совутувчи мум ёғларни ишлатиш керак. Бу хил нафас ҳақиқатда бузуқ нафаснинг бир тури бўлиб, нафас қисиш эмасдир. Ишланган бинафша шароби ва арпа суви бу касалликка қарши фойдалидир. Совуқдан бўлган нафас қисишда эса қиздирувчи ичиладиган ва суртиладиган суюқ дорилар ишлатилади; сариқ йўнғичқа қайнатмаснинг майиз билан қўшилгани бу касалликда фойда беради.





КЎКРАК ВА БИЌИНДА БЎЛАДИГАН ОҒРИҚЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ СЎЗ

Зотилжам [плеврит] оғриқлари. Гоҳо кўкрак, қовурға ва уларнинг теварагидаги пардаларда, юпқа халталарда, мушакларда жуда азият бериб оғритувчи шишлар пайдо бўлади ва уларни *шуса*, *барсом* ва *зотилжам* деб аталади. Баъзан бу аъзолардаги оғриқлар шишдан бўлмай, балки елдан бўлади. [Табиблар] янглишиб, бу оғриқларни юқоридаги сабабдан деб гумон қиладилар, ваҳолонки, бундай эмас. Зотилжам кўкрак қисмида бўладиган иссиқ шиш бўлиб, бу шиш ё ички мушакларда ва кўкрак ичкарисини қоплаб турган пардада, ёки кўкрак қафасини иккига бўлиб турган пардада, — буниси холис [зотилжамдир], — ё сиртқи мушакларда, ёки сиртқи пардада бўлиб, терининг ҳамкорлиги билан ё ҳамкорлигисиз бўлади. Кўкрак қафасини иккига бўлиб турган парданинг ўзида бўладиган шиш энг ёмон ва қўрқинчлисидир; бунинг тузалиши жуда қийин. Бу хил шишнинг моддаси кўпроқ вақт ўт ёки ўтли қон бўлади. Чунки юпқа пўстли аъзоларга латиф ўтдан ва содда қондан бошқа ҳеч бир модда ўтолмайди. Шунинг учун [бундай кишининг] иситмаси кўпроқ вақт кунора кучайиб, тутади ва шунинг учун кўпинча нордон кекирувчи кишида бу [касаллик] кам учрайди, чунки ундай киши балғам мизожли бўлади.

Шу билан бирга бу хил [шиш] баъзан куйган қондан ҳам пайдо бўлади; гоҳо сасиган балғамдан бўлади. Кам ҳоллардагина сасиган ва алангаланган савдодан вужудга келади. Биз Қуллиёт китобида иссиқ шишнинг балғам ва савдодан бўлмаслиги шарт эмас деб айтган эдик. Аксинча, гоҳо бирор сифатга эга бўлган балғам ва савдодан ҳам иссиқ шиш бўла беради, лекин у ўткир бўлмайди, фақат ўт ёки қондан бўлганигина ўткир бўлади. Агар [шиш] бошқа хилдан бўлса, у узоқ вақтга

чўзиладиган бўлади. Бу нарсани кўп кишилар тушунмайдилар.

Ҳар бир шиш ё шимилувчи, ё [йиринг] йиғувчи, ёки қаттиқлашувчи бўлгач, зотилжам шишида ҳам аҳвол шундай, лекин зотилжам [шишида] қаттиқлик кам бўлади. Шундай қилиб [зотилжам шиши] ё шимилади, ё кўпроқ ҳолда [йиринг] йиғади. Зотилжам шиши шимилса, ундан тарқалган нарсани кўпинча ўпка қабул қилиб туфлатиб ташлатади ва чиқариб юборади, баъзан [модда ўпкадан] бошқа томонга ҳам ҳайдалади. [Шиш] йиринг йиғса, унинг тешилиб оқиши учун етилиши зарур бўлади.

Баъзан ўпка йирингни туфлаш билан чиқариб ташлайди, баъзан уни ковак томир қабул қилиб олади ва шунда у сийдик билан чиқиб кетади. Баъзан йиринг ахлат йўллариغا қуйилиб, сурги билан бўшатиб юборилади. Кўпинча [йиринг] бўш жойларга ва безсимон этларга кириб қолади, шунда, масалан, човларда, қўлтиқларда, қулоқлар орқасида шишлар пайдо қилади. Кўпинча модда келгусида баён қиладиганимиздек, мия ва бошқа аъзоларга ҳам ҳайдалиб боради, бу хавfli бўлади ва ҳатто ўлдиради. Баъзан модда кўпайиб кетиб, нафас йўллари тўлдиради ва ўпкани бўғади. Баъзан [модда] унчалик кўп бўлмайди ва у хоҳ йиринг бўлсин, хоҳ балғам [шиллик] бўлсин, фақатгина етилган бўлади-ю, лекин касалнинг қуввати тушган бўлса, уни туфлаб ташлашга кучи етмайди. Шунинг учун бундай вақтда [касалнинг] қувватини кучайтириш керак; шунда қувват [ўпкани] кучли йиғиб [балғам] ташлатувчи йўтални келтира олади. Мана шу [балғам] ташлаш икки қувват билан тугалланади: уларнинг бири етилтирувчи ва ҳайдовчи табиий [қувват], иккинчиси ҳайдовчи ихтиёрий [қувват] дир; шу икки қувват биргаликда кучли бўлмаса, [киши ўпкани] тозалаш ишидан ожиз бўлиши мумкин.

Билгинки, балғам ташлашнинг қийинлиги қувватнинг кучсизлигидан, ё қурол аъзонинг ўз ҳаракати ёки қўшнисининг ҳаракати сабабли зарарланишидан, ёки модданинг жуда суюқ, ёки қуюқ ва ёпишқоқлигидан бўлади. Шундай аҳволда ўпка ва ўпка найига қуйилган ва [чиқаришга] бўйсунмайдиган моддага ҳавонинг аралашуви сабабли ўпкада қайнашга ўхшаш бир ҳолат пайдо бўлади. Зотилжамда [модда] ўн тўрт кунгача балғам ташлаш билан тозаланмаса, у йиғилиб қолган бўлади. Йирингдан тозаланмаса, қирқ кундан кейин

ўпка яллиғланиши ва сил касаллиги пайдо бўлади. Гоҳо еттинчи кунда йиринг тозаланади, аммо кўпроқ вақт йигирма, қирқ ва олтмиш кунда тозаланади.

Гоҳо [шиш] етилишдан аввал тешилиб оқиш пайдо бўлади, чунки бу, табиатнинг кўплиги ё ўткирлиги сабабли зарар етказётган моддани ҳайдашдан ёки мизож, ёш, фасл ва жойнинг иссиқлиги сабабидан, ёки табибнинг хатоси билан вақтидан илгари тешиб оқизувчи нарсаларнинг истеъмол қилинишидан юз беради. Ёки бу ҳол касални ҳаддан ташқари чарчатувчи ҳаракатдан, ёки бақириниш сабабли юз беради. Бу нарса хатарлидир.

Зотилжам гоҳо ўпка яллиғланиши [зотурриа]га айланади. Бу шундай бўлади: ўпка шиш моддасини қабул қилади, лекин кейин уни чиқариб ташлаш ишини яхши бажаролмайди ва модда ўпкада тўхталиб қолиб шиш пайдо қилади. Гоҳо зотилжам касали биз келгусида баён қиладиган йўсинда ўпка яллиғланиши воситачилиги билан ва баъзан унинг воситачилигисиз сил касаллигига айланади, чунки модда ёки шишдан тарқалаётган йиринг ўз ўткирлиги ва ёмонлиги сабабли ўпка жавҳарини яра қилади. Гоҳо зотилжам тиришиш ва *кузов* касаллигига кўчади. Бунда модда зотилжам шиши турган аъзога туташган асабларга ҳайдалиб боради, у аъзода эса асаблар кўпдир. Бу хил кўчиш ўлдирувчи бўлиб, унга қарши ҳамма яхши чоралар ҳам фойда қилмай қолади.

Гоҳо ўпка яллиғланиши ва зотилжамдан кейин унга учраган кишининг тирсаги юқорисида, билагининг ички томонида — то бармоқларининг учигача увушиш каби бир ҳолат пайдо бўлади. Гоҳо [модда] юрак томонига кўчади. Натижада хафақон [юрак ўйноғи] пайдо бўлиб, кетидан ўздан кетиш юз беради. Гоҳо модда тўпланишдан олдинги тарқалиш ҳолатида ва тўпланиш ҳолатида мия томонига ҳам боради. Баъзан модда сиртқи аъзоларга бориб чиқиқ пайдо қилади. Гоҳо модданинг шу хил кўчиши асаблар, пайлар, ҳатто суяклар моддасига ўтиши орқали бўлади. Модда қуйи жойларга бориб [шишлар пайдо бўлса] кейин у шишлар ёрилиб, оқма яра [носур]га айланса, бу [касалдан] қутилишга сабаб бўлади. Лекин бу яра ёмон ва [бошқа жойга] кўчадиган бўлади. Модда агар бўғинларга бориб, оқма ярага айланса, бу ҳам қутилиш сабабларидан бўлади, лекин баъзан айниқса у касалда ахлат ёки қуюқ ва чўкмаси кўп сийдик, ёки яхши етилган балғамни чиқариб таш-

лаш орқали бўладиган бошқа бўшатилиш бўлмаса, ўша аъзо ишга ярамай қолади. Агар шуларнинг бири бўлиб турса, саломатланиш аниқроқ. Улар чиқиқ пайдо қилаётган модданинг камлигига ва етилиш билан тузалишининг мумкинлигига далолат қилади. Шу чиқиқлар бекилиб, чуқур жойлашса, булар офатга далил бўлади ва [чиқиқ] кўпаяди, айниқса модда ўпкага қайтса шундай бўлади. Гоҳо [зотилжамда] иситманинг қаттиқлигидан кетма-кет нафас пайдо бўлади, кетма-кет нафас сабабли эса ташланадиган балғам ёпишқоқ бўлиб қолади. Чунки балғам кетма-кет нафас сабабли қуриydi. Балғамнинг ёпишқоқлигидан оғриқ ва касаллик қаттиқлашиб аланга ортади, аланга ортишидан кетма-кет нафас келиб чиқади. Кетма-кет нафасдан ёпишқоқлик пайдо бўлиб, иккаласи касалликни кучайтиришда бир-бирларига ёрдам беради.

Зотилжам ва ўпка яллиғланиши касалликлари турларининг қайсиси ёмонроқ, юракка кўшни бўлган чап томондагисими, ёки ўнг томондагисими? — деган саволга келсак, айрим кишилар бунисини ва бошқалар эса унисини ёмонроқ дейдилар. Аммо тўғриси юракка яқин жойда бўлгани ёмонроқдир. Лекин юрак яқинидагиси умуман шимилишга қобиляти бўлса, тезроқ етилади ва шимилади. Юракдан узоқ жойдагиси бежавотирроқ, лекин у шимилиш ва етилтиришга бўйсунмовчанроқ бўлади. Гоҳо бош ёки кўкрак томонида бўладиган хилт билан тўлиқлик зотилжам касаллигига учратади. Кўпинча совуқ сув ичиш ва ортиқ даражадаги совуқ ҳаво моддаларни тўхтатиб туриши сабабли зотилжамни келтириб чиқаради, қаттиқ иссиқ ҳаво ва хилтларни ҳаракатлантириб кўзғатувчи [сув] аралаштирилмаган шароб ичишга ўхшаш нарсалар ҳам зотилжамни келтириб чиқаради.

Зотиррианинг [ўпка яллиғланишининг] зотилжамга айланиши кам учрайди, — лекин бунинг акси кўп учрайди, — шундай бўлса ҳам [биринчи] ҳол [ҳам] учраб туради; бунда нафас сиқилиши [зийқи нафас] бир қадар енгилроқ бўлади. Зотилжам кўпинча кузда ва қишда, айниқса қишсимон баҳордан кейин пайдо бўлади. Қишсимон баҳорда ҳам у кўпаяди. Шимол томондан шамол эсиши чиқиндиларни кўпайтиради ёки тўхтатиб қўяди, натижада биқин ва қовурға оғриқлари кучаяди, айниқса жануб шамоли эсишидан кейин шундай бўлади. Ёзда ва жануб шамоли эсаётган пайтда

зотилжам жуда камаяди. Лекин ёз, шунингдек куз жанубники каби ёмғирли бўлса, куз охирида сафро мизожли кишиларда зотилжам кўпаяди. Аммо бундан бошқа ҳолларда жанубий ҳаво, жанубий мамлакатлар ва жануб шамоллари эсан пайтларда ҳам зотилжам кам бўлади. Ҳайз кўрадиган хотинларда ҳам [зотилжам] кам бўлади, чунки улар сафро мизож бўлмай, ҳўл мизождир. Ҳомиладор хотинларда зотилжам пайдо бўлса, ўлимга етказди. Зотилжам кексаларда ҳам кам бўлади, агар пайдо бўлса, улардаги қувватнинг балғам ташлатиб тозаланишдан ожизлиги сабабли уларни ўлдиради.

Баъзан жигар яллиғланишини [зотил кабид]ни зотилжам деб адашадилар. Чунки [жигар] осилиб турган бойлоқлар жигар шиши сабабли тортилса, шу тортишиш кўкрак пардаси [ва ички юпқа] пардага бориб тақалиб, натижада оғриқ сезилади ва нафас сиқилиши юз беради. Шу иккаласининг орасидаги айирмани билишинг керак. Баъзан зотилжамни мия пардасида бўладиган иссиқ шиш [сарсом] деб ҳам адашадилар. Зотилжам гоҳо ўзининг кучли кўринишлари [аломатлари] туфайли ўлдиради; гоҳо бўғмага учратиб ўлдиради, баъзан ўпка яллиғланиши ва сил касаллигига ё ҳушдан кетиш касаллигига, ёки улардан бошқа юқорида айтиб ўтилган бирон касалликка кўчиш билан ўлдиради.

Билгинки, зотилжамда қон ташлаш пайдо бўлса, иситмали истисқога ўхшаш бўлади. Аввалгисини, яъни зотилжамни қон туфлашга кўра қиздирувчи ва буриштирувчи дорилар билан, зотилжам шишига кўра юмшатувчи дорилар билан [даволашга] тўғри келади. Иккинчисини, [яъни истисқони] истисқо касаллиги сабабли қиздирувчи, қуритувчи ёки мўътадил қуритувчи дорилар билан, иситма сабабли эса совутувчи ва ҳўлловчи дорилар билан [даволаш] керак. Кўпинча зотилжам ва ўпка яллиғланиши озиқлиги ғализ ва қонни қуюлтирувчи қизғиш карам каби овқатликларни ейиш сабабли пайдо бўлади; шунда қуюлган қон эмчак учи теварагига ва биқинга ҳайдалиб боради. Буни ҳаммомга тушиб моддани суюлтириш билан даволаш керак. Қасал ҳаммомдан чиққач, *сиканжубин* ичирилади, бироқ ёғ суртишдан сақланади, чунки ёғ моддани тортади. Баъзан ҳаммомга тушиш сабабли томирдан қон олдиришга эҳтиёж қолмайди.

Зотилжамнинг белгилари. Ҳақиқий [халис] зотилжамнинг белгилари бешта бўлиб, уларнинг биринчиси

зотилжам шишининг юракка қўшнилиги сабабли доимий иситма бўлиши, иккинчиси қовурғалар тагида санчиб оғришдир; чунки [касал] аъзо пардалидир; оғриқ кўпинча нафас олаётган пайтдагина билинади; гоҳо санчиқ билан бирга тортишиш ҳам бўлади, баъзан тортишиш кучлироқ бўлади. Тортишиш модда кўплигига, санчиқ эса, модданинг сингиши ва ачитишининг кўплигига белги бўлади. Учинчиси шишининг қисиши сабабли нафаснинг қисилиши, кичиклашуви ва кетма-кет бўлишидир. Тўртинчиси — томир уришининг аррасимон бўлиши, бунинг сабаби унинг нотекис бўлишида, нотекислиги ортиб бориб касалликнинг охирида қувватнинг кучсизлиги ва модданинг кўплиги сабабли тартиб [ритм]дан чиқиб кетади. Бешинчи белгиси йўталдир. Гоҳо шу касалликнинг дастлабида қуруқ йўтал пайдо бўлиб, кейин балғам ташлаш пайдо бўлади, баъзан шу йўтал дастлабданоқ, балғам ташлаш билан бирга бўлади. Бу жуда яхши [белги], йўтал пайдо бўлишига ўпканинг [зотилжам] шишига қўшнилигидан зарарланиши сабаб бўлади; кейин ўпка ўзига сизиб ўтган касаллик моддасини қабул қилиб олади, уни балғам билан чиқариб ташлашга эҳтиёж тушади. Агар [модда] бутунлай сизилиб шимилса, [ўпка] йиғилган нарсадан тозаланган бўлади. Ҳақиқий зотилжамда лўқиллаш бўлмайди, чунки бу аъзо [плевра]да артериялар кўп эмасдир.

Зотилжам йўтал, иситма қисилиши, бойлоқларнинг тортишуви ва оғриқнинг [кўкрак] ички пардасигача боруви сабабли у жигар шишига ўхшайди, шунинг учун иккаласининг айирмасини билиш керак. Мана шу [белгилар] ва балғам ташлаш сабабли бу [касаллик] ўпка яллиғланишига ҳам ўхшайди, бу иккаласининг ҳам айирмасини билиш керак. Зотилжам билан жигар шиши ўртасида айирма шуки, жигар шишида томир уриши тўлқинсимон оғриқ оғир ва санчиқсиз, юз хунук, сариқ ва йўтал балғамсиз бўлади, аксинча йўтал қуруқ ва сует бўлади. Баъзан тил сарғайиб кейин қораяди, сийдик истисқо касаллигидаги каби куюқ бўлади, ахлат жигар касаллигидаги каби бўлади. Унг томонда оғирлик сезилади, тегиб кўрилса, шиш қўлга билинмайдию оғриб туради. Баъзан жигар шишида қувватнинг кучсизлиги сабабли янги гўшт ювиндисига ўхшаш ич ўтади. Шиш жигар дўнгида бўлса, у тегилганда кўпинча билинади, агар жигар чуқурида бўлса, уни қийналиб нафас олишдан билинади, бу хил нафас оғир бир нарсанинг осилиб

турганлигига далил бўлади. Жигар шишида нафас қисилиши турли исаниқ вақтларда бўлиб, жуда кучли бўлмайди.

Зотилжам касаллигига учраган кишининг йўтали балғам ташлатувчи, оғриғи санчиқли, сийдикнинг суяққуяқлиги яхшироқ, ранги жуда яхши, нафас қисилиши эса кучлироқ бўлади. Нафас қисилиши узлуксиз суратда ортиб боради, ҳатто ҳар олти соатда ўша ортишда кўп тафовут бўлади.

Зотилжам билан ўпка яллиғлиниши ўртасидаги айирма шуки, ўпка яллиғлинишида томир уриши тўлқинсимон, оғриғи қаттиқ, нафас қисилиши кучлироқ ва нафас иссиқроқ бўлади, яна бошқа белгилар ҳам юз беради. Агар [касал] зотилжам бўлса, *сарсомда* бўладиган ёмон ҳоллар, масалан: ақл чалкашлиги, алаҳлаш, нафаснинг тезлашиши, юрак уриш, ўздан кетиш, ёки улардан кўра кучсизроқ ҳолатлар, [яъни] қаттиқ бехузурлик, қаттиқ асабийлик, қаттиқ ташналик, юзнинг турли рангларда ўзгариши, иситманинг зўрайиши ва ўт қусиш пайдо бўлади. Кўкракнинг бошлиқ аъзоларга ҳамкорлиги ва қўшничилиги шу ҳолатларга сабаб бўлади, бу билан *сарсомни* ажрата билиш керак. Айирмалардан бири шуки, *сарсомда* дастлаб ақл чалкашлиги пайдо бўлиб, кейин бошқа ҳоллар кучаяди. Нафас олиш бунда тинчроқ бўлади ва нафас олишнинг бузилиши ақл чалкашлигидан кейин бўлади. Шу билан бирга *сарсомничи* ўзига хос белгилари, масалан, иккала кўзнинг қизариши ва юқорига қараб тортилиши ҳам пайдо бўлади.

Барсомда эса ақл чалкашлиги кейин пайдо бўлади, баъзан ўлишга яқинлашгунича ҳам ақл чалкашлиги бўлмайди, балки ақл соғлом қолади. Лекин ақл чалкашлигидан олдин нафас ўзгариб ёмонлашади. [*Барсомда*] олдин қорин иўсти юқорига, гўё шиш томонига тортишади ва санчиқли оғриқ бўлади. Яна улардаги айирмалардан бири шуки, *сарсомда* томир уриши катта ва сийрак бўлади, зотилжамда эса кичик ва шу кичикликни қоплаш учун бир оз кетма-кет бўлади. Зотилжам зўрайса, у билан бирга айтилган ҳоллар ҳам зўрайди. Тил қуриб, дағаллашади. [Касаллик] кучайиб кетса, юз ва кўз қизаради ва қаттиқ бетоқатлик юз беради; нафас олиш бузилади, ақл чалкашади, тер босади. Баъзан бунда ёмон ич кетиш ҳам пайдо бўлади.

Упка яллиғланиши ўпкада бўладиган иссиқ шишдан иборат бўлиб, гоҳо дастлабданок ўзи пайдо бўлади, гоҳо ўпкага тушган назлаларнинг, ё ўпкага қараб тарқалган томоқ оғриқларнинг, ёки ўпка яллиғланишига айланган зотилжамнинг кетидан келади. Бу хил [шишлар] беморни ети кун ичида ўлдиради; агар табиат моддани туфлаб ташлатишга қодир бўлса, кўпроқ вақт у сил касаллигига йўлиқтиради. Упка яллиғланиши [ҳар бир] хилдан келиб чиқади, лекин кўпроқ вақт балғам [хилти]дан пайдо бўлади. Чунки аъзо [ўпка] ғовак бўлиб, унда суюқ хилт кам тўхтайдди. Зотилжам эса унинг аксича, кўпроқ вақт ўт [хилти]дан бўлади; чунки аъзо [плевра] қалин пўстсимон пишиқ бўлиб, унга фақатгина латиф ва ўткир моддагина ўтади. Яна [ўпка яллиғланиши] гоҳо қон [хилтидан] ва гоҳо сарамас жинсидан бўлади. Буниси ўзининг ўткирлиги ва юракка яқин туриши ҳамда ичиладиган ва қўйиб боғланадиган дорининг кам фойда қилиши сабабли кўпроқ вақт ўлдиради. Ичилган дори унга қарши тура оладиган совутиш қувватини сақлаган ҳолда етиб боролмайди; қўйиб боғланадиган дори эса [шишга] қарши тура оладиган совутиш таъсирини унгача етказа олмайди.

Упка яллиғланишининг шиши гоҳо шимилтириш орқали, гоҳо йирингланиш билан йўқ бўлиб кетади. У гоҳо қаттиқлашади ва кўпинча чиқиқларга айланади; баъзан эса *фаронитусга* кўчади, бу кам бўлади ва кам учрайди. Гоҳо зотилжамда айтилганидек, ўпка яллиғланишидан] кейин кўпроқ бўлади.

Упка яллиғланишида бурун қонаши зотилжамда бурун қонашидек фойда қилмайди, чунки иккаласининг моддаси бошқа-бошқа ҳамда бурун қонаш орқали [модданинг] ўпкадан тортилиши кўкрак-қорин пардаси, кўкрак пардалари ва мушакларидан тортилишига қараганда узоқроқ бўлади.

Белгилари. Упка яллиғланишининг белгилари ўткир иситма, — чунки бу ички аъзода бўладиган иссиқ шишдир, — нафаснинг бўғаётгандай қилиб қаттиқ қисиши, шиш сабабли ҳамда нафас йўлларининг сиқилганлигидан нафас олувчининг туриб нафас олиши, нафасининг жуда иссиқлиги, сезувчи пардага ўралган, лекин ўз моддаси сезгисиз аъзода модданинг кўплиги сабабли сезиладиган оғирлик ва ўша сабабдан бутун кўкракнинг тортишуви, кўкрак ва гавда чуқуридан то кўкрак

суяги ва орқа умуртқагача чўзиладиган оғриқдан иборат, гоҳо шу оғриқ иккала курак ўртасида сезилади. Гоҳо курак, ўмов суяги ва эмчак тагида ҳамиша ёки фақат йўтал пайтида лўқиллаб [оғриш] сезилади. Касал ёни билан ётолмайди, фақат орқаси билан ётади, ёни билан ётса бўғилади. Ўпка яллиғланишига учраган кишининг тили олдин қизаради, кейин қораяди. Тили шундай бўладики, қўл тегизсанг, ёпишади, [тили] яна қалинлашади.

Баъзан тўлишиб тортишишда бутун юз ҳамкорлик қилади; юз-рухларида қизиллик ва кўпчиш пайдо бўлади, чунки улар пешона каби теридан иборат бўлмай, гўштли ва ғовак бўлганлигидан уларга буғ кўтарилади. Баъзан [юздаги] қизиллик кучайиб, бўялганга ўхшаш бўлиб туради. Баъзан буғ кўтарилиб, олов ланғиллаётгандек сезилади. Иситманинг кучлилиги ва етказган зарарининг зўрлигидан қаттиқ ҳарсиллаш ҳамда тез ва юқори нафас пайдо бўлади. Касалнинг кўзлари салқиб, қийинлик билан ҳаракат қилади, томирлари тўлишади, қовоқлари оғирлашади, буларнинг сабаби ҳам буғдир. Мугуз қатлами шишганга, кўз ғўлаги ўйнаб чиққанга ўхшаш бўлиб туради, унда ёғлилик ва семизлик кўринадди, бўйин ҳам йўғонлашади.

Баъзан ҳўл буғнинг кўплиги сабабли қаттиқ уйқу пайдо бўлади, баъзан шу билан бирга қўл ва оёқлар совийди. Томир уришига келсак, у тўлқинсимон бўлади, чунки шиш юмшоқ аъзо, [яъни ўпка] да ва моддада ҳўлдир. Тўлқинли томир уриши биргина ёйилишдагина нотекис бўлади, баъзан томир уриши узилиб қолади, баъзан биргина ёйилишда икки зарбали бўлади, айрим ҳолларда ўша икки зарба кўп ёйилишларда ҳам бўлади. Гоҳо томир уришида «томир зарбалари ўртасига тўғри келадиган уриш» воқе бўлади. Беморнинг томир уриши эҳтиёжнинг қаттиқлигидан ва қурол аъзо [ўпка] нинг юмшоқлигидан кўпроқ вақт катта бўлади, лекин қувват жуда кучсиз бўлса, [катта бўлмайди]. Томир уришининг кетма-кетлиги эса иситмага, эҳтиёжга ва қувватнинг [томир уриши] катталанишига кифоя қилишига қараб кучаяди ва камаяди. Буқротнинг айтишича, ўпка яллиғланишига учраган кишиларнинг эмчакларига ва уларнинг ён-теваракларига чиқиқлар чиқиб, оқма ярага айланса, улар қутиладилар. Унинг сабаби маълум. Шунингдек почада чиқиқлар пайдо бўлса ҳам яхшилик белгиси бўлади.

Баъзи вақтларда ўпка яллиғланиши зотилжамга кўчганда нафас қисиши енгиллашиб, санчиқ пайдо бўлади. Ўпка яллиғланишига учраганларнинг ҳам балғамлари зотилжам билан оғриган кишиларники каби турли рангда бўлади; у кўпинча шиллиқли бўлади.

Сарамас жинсидан бўладиган ёки ўшанга ўхшаш ўпка яллиғланишида нафас қисиш ва кўкракда сезиладиган оғриқ кам бўлади, лекин алангаланиш ғоят даражада кучаяди.

[Ўпка яллиғланишида] йирингланишга кўчишнинг белгилари зотилжамнинг шундай ҳоллардаги белгиларига яқин бўлади; яъни иситма ва оғриқ пасаймайди ва [модда] балғам ёки чўкмали қуюқ сийдик, ёки ахлат орқали деярли чиқариб ташланмайди. Шу белгилар билан бирга касалнинг тинч ва кучлилигини кўрсанг, шиш йирингланишига ёки зотилжамда айтилган белгиларга кўра юқори ё қуйи томонда бўладиган чиқиққа кўчаётган бўлади. Агар касалда қувват ва тинчлик бўлмаса, унинг ўлишини кут. Касалнинг тупуги чучуклашса, шиш йирингланган бўлади. [Ўпка] қирқ кун ичида тозаланиши керак, агар тозаланмаса, касаллик узоққа чўзилади. Ўпка яллиғланиши узоқ вақтга чўзилса, озиклантирувчи қувватнинг кучсизлигидан иккала оёқда, айниқса оёқ учларида шиш пайдо қилади. Агар модда қовуққа борса, соғайиш умиди туғилади.

КЎКРАК ВА ЎПКА ЯРАЛАРИ, УЛАРНИНГ БИРИ СИЛДИР

Бу яралар кўкракда ё кўкрак-қорин тўсиғида ёки ўпкада бўлади, шу охири, яъни ўпкада бўладигани сил [яраси] дир. [Яра] яна ўпка найида ҳам бўлади, буни биз баён қилиб ўтдик. Шу яраларнинг бежавотирроғи кўкракда бўладиганидир. Чунки кўкрак томирлари кичикроқ ва унинг бўлаклари қаттикроқ бўлиб, улардаги ёрилиш катта бўлмайди, яна йиринг у томирларда тўхтамасдан, кўкрак бўшлиғига оқади. Ўпканинг аҳволи эса бундай эмас. Яна кўкракнинг ҳаракати ўпка ҳаракати сингари кучли ва сезиларли эмас, балки у деярли ҳаракатсиздир, яна у этли аъзо бўлганидан эт унишини осонроқ қабул қилади.

Кўпинча ириган чиқиқлардан пайдо бўлган кўкрак яралари суякларни ҳам бузади, ҳатто суякнинг ёни-берининг саломат қолиши учун чириган ерини кесиш зарур бўлади. Баъзан чириш [суяк] ёнидаги пардага ҳам

ўтади. Кўкрак-қорин пардасининг яраларига келсак, агар яра уни тешиб ўтган бўлса, у ҳеч битмайди, тешиб ўтмагани эса, асабли бўлақларида бўлади, бу [ҳам] битмайди, ёки у этли қисмларда бўлади, бунисига бошланиш пайтида чора қилинса ва шишишига қўйилмаса, эт олади. Аммо шишса, ёки эскириб чўзилса, ҳеч тузалмайди.

Ўпка яраларининг тузалиши ва тузалмаслиги ҳақида табиблар ўртасида ихтилоф бор: бир гуруҳ табибларнинг айтишича, у ҳеч тузалмайди, чунки эт олиш учун тинч туриш керак, ўпка эса тинч турмайди. Жолинус уларга қарши чиқиб, айтадики, агар унга бошқа монелар қўшилмаса, ҳаракатнинг ёлғиз ўзи эт олишга тўсқинлик қила олмайди. Кўкрак пардаси ҳаракат қилиб турса ҳам, ундаги яранинг баъзан битиши бунга далилдир. Ўпка яралари ҳақида Жолинуснинг ўз фикри шундай: агар ўпка яралари шишдан, ёки еювчи хилнинг ейишидан бўлмай, балки бошқа сабабдан бўлган узлуксизликнинг бузилиши туфайли юз бериб, жароҳатлигича тура берса, йирингланмаса ва шишмаса, у албатта тузалади. [Ўпкада] тешик пайдо қиладиган, лекин йирингланмаган яралар ҳам шундай. Улар ҳақиқатда ҳарсиллаш касаллигига учраганларга ўхшаш бўладилар. Шунда агар озгина ҳарорат бўлса, уларни даволашда ҳарсиллашга учраганларга ишлатиладиган тadbирларни ҳам қўллаш керак.

Ўпка яраларининг сабаблари. Ўпка яраларининг сабабларига келсак, улар ё ачиштирувчи ва еювчи, ё қўшнилиги сабабли ўпкани иритувчи назладан иборат, — бунда [назла] етилмагунча ўпка соғая олмайди, ёки шу жинсдан бўлиб, бошқа аъзодан ўпкага оқаётган модда ҳам у яраларга сабаб бўлади. Ёки унга йиринглаб ярага айланадиган ўпка яллиғланишининг олдин пайдо бўлганлиги ёки тешилиб оққан зотилжамнинг йиринглаши сабаб бўлади. Ёки юқорида эслатиб ўтилган қон туфлаш сабабларидан бўлган томирни ёрадиган ёки очадиган бирор сабаб ҳам хоҳ у қоннинг қайнаши ё ундан бошқа айтилиб ўтилган нарсалар каби ички сабаб бўлсин, хоҳ йиқилиш, урилиш каби ташқи сабаб бўлсин, [ўпка яраларига] сабаб бўлади. Гоҳо ўпка яраларига бошқа аъзоларда бўлгани каби ўпка танасида ўз-ўзидан воқе бўлган чиринш ва ейилиш ҳам сабаб бўлади. Қуруқ ва шимолникига ўхшайдиган ёздан кейин жанубники каби ёмғирли куз келса, сил касаллиги кўпаяди.

**ШАҚЛ, ТАШҚИ КЎРИНИШ, ЕШ ВА МИЗОЖ
ЖИҲАТИДАН СИЛ ҚАСАЛЛИГИГА ҚОБИЛИЯТЛИ
БЎЛГАН КИШИЛАР**

Ундай кишилар букчайган, кўкраги тор, кифтлари гўштсиз, айниқса орқа томондан ва елкалари олдинга энгашиб чиққан бўлади. Уларнинг гўё иккита қаноти бордек ва елкалари тирсакдан олд ва орқа томондан ажралгандек бўлиб кўринади; уларнинг бўйинлари узун, олдинга мойил бўлиб, ҳалқумлари ирғиб чиққан бўлади. Уларнинг кўкракларида ва унинг ён-верида ел кўпаяди ва кўкраклари кичик бўлишидан кўпчиб туради. Шу билан уларнинг миялари кучсиз бўлиб чиқиндиларни қабул қилса ва овқатлари [яхши] ҳазм бўлмаса, айниқса хилтлари иссиқ ва ўт хилти бўлса [сил бўлишга] қобилиятлари тўла мавжуд бўлади. Ташқи кўриниш жиҳатидан силга тез бериладиган кишилар юқорида айтганимиздек букчайган бўлиш билан бирга уларнинг [баданлари] кам мўй ва оқ сариқ рангли, шунингдек қаттиқ ва тигиз тузилган бўлади; чунки шундай кишиларда томир ёрилиши [осон] бўлади. Мизож жиҳатидан силга қобилиятли кишилар энг совуқ мизожли кишилардир. Сил касаллиги кўп бўладиган ёш — ўн саккиз билан ўттиз чегарасидаги ёшдир. Бу касаллик совуқ мамлакатларда кўпроқ бўлади, чунки у жойларда [яшовчиларда] томир ёрилиб қон туфлаш кўп бўлиб туради. Бу касаллик кўп бўладиган фасл куз фаслидир.

Бундай кишилар сақланиши керак бўлган нарсалар. Улар тез ва ўткир мазали овқатлар ва дорилардан, кўкрак аъзоларини тортиштирадиган ҳамма нарсадан — бақриш, тажангланиш ва сакрашдан сақланишлари керак.

Силнинг белгилари. [Маълум] ранг ва қуюқликдаги ҳамда булардан бошқа биз изоҳлаган белгиларга эга бўлган йиринг туфлаш, касал жойнинг юракка қўшнилиги сабабли доимий бўлиб турадиган ингичка оғриқ иситмаси [сил касаллигининг] белгиларидандир. Бу иситма овқатдан кейин ва кечаси ингичка оғриқ иситмаси кучаядиган йўсинда кучаяди, чунки ўз жойида баён қилишимизга кўра, овқат билан гавда ҳўлланади. Бунда яна ингичка оғриқ иситмаси билан бирга бошқа иситмалар — навбатлаб тутадиган, тўрт кунда бир ёки беш кунда бир тутадиган иситмалар ҳам қўшилиб келади. Иситмаларнинг ёмони беш кунда бир тутадигани бўлиб, ундан кейин кунора тутадиган иситма билан

балғамдан бўладиган иситмадан таркиб топган иситма, сўнгра навбатлаб тутадиган иситма туради.

Сил касаллиги пайдо бўлганда йирингланиш бобининг охирида санаб ўтилган далиллар юз беради. Ундай касалларда ҳар вақт тер чиқиб туради, чунки уларнинг қувватлари овқатни тутиб ишлатишга кучсизлик қилади ва ҳарорат овқатни терга айлантириб оқишиб юборади. Агар балғам билан бирга яранинг қовжираган пўсти ташланса ва айниқса силга олиб борадиган юқорида айтилган сабаблар илгари юз берган бўлса, [касалликнинг сил эканига] шубҳа қолмайди. Бадан сўлиб тирноқлар букилишга бошласа, озиқ йўқлиги ва чиқиндиларнинг бузуқлигидан мўйлар тўкилишга тутинса, [сил касаллиги] аниқ бўлади.

Сил касаллигининг бошланишида ранг гунгурт бўлади, лекин буғ кўтарилган пайтда қизаради, бўйин ва иккала биқин тортишади — айниқса касаллик ўрнашиб олганда шундай бўлади. Касалнинг қўл ва оёқлари, айниқса оёқлари охири кунларда кўпчийди ва шишади. Бунинг сабаби мизож бузуқлиги туфайли баданнинг қуйи жойларида туғма иссиқлик сўниб, хилтларнинг бузилишидир. Еювчи хилт сабабли сил касаллигига йўлиққанлар денгиз суви мазасида жуда шўр тупук ташлайдилар. Уларнинг томир уришлари турғун, мўятадил тезликда ва кичик бўлади, гоҳо у ё бу томонга мойил бўлади. Ундан кейин қорин қулдирай бошлайди, қовурғаларнинг учи юқорига қараб букилади, ташналик зўраяди ва табиий қувватларнинг кучсизлигидан овқатга иштаҳа қолмайди, баъзан қувват тушганлигидан ич кетади. Баъзан [касал ўпка найининг] ҳалқалари ва томирларнинг парчаларини туфлайди, бу ҳол ўлим яқинлашганда бўлади. Туфланаётган томир [парчалари] йирик бўлса — ўпкадан, кичик бўлса, — ўпка найидан келаётган бўлади. Кўпинча [касаллар] майда тошлар туфлайдилар ва кекирдак ҳалқаларини эса фақат катта ярадан кейингина туфлайдилар. Касалликнинг охирида балғам ва тупук қуюқлашади, сўнгра қувватнинг кучсизлигидан [туфлаш] тўхталиб қолади, шунда баъзан касал бўғилиб ўлади. Баъзан шундай балғам ташлаш охири пайтгача тўхтамайди, балки сил касаллиги сингмайдиган ғализ моддалардан пайдо бўлиб, ёмон сифатли бўлса, [балғам ташлаш] касалликнинг бошланишида бўлади. Агар касалликнинг охирида балғам ташлаш тўхтаса, баъзан касал тўрт кундан ортиқ яшамайди. Баъзан балғам ташлаш қувватнинг кучсиз-

лиги сабабли ҳам тўхтаб қолади, шу пайтда касалнинг нафаси шу қадар қисадики, ҳатто сезилмай қолади. Кўпинча йўтал зўрайиб, кетма-кет қон туфлашни келтиради; шунда балғам ташлашга тўсқинлик қиладиган дорилар билан даво қилинса, уларда енгиллик пайдо бўлса ҳам ҳалок бўладилар. Йўтала беришга йўл қўйилса, қон ташлаб тез ўладилар. Сил касаллигига учраган кишининг курагида боқила каби думалоқ [чиқиқ] юз берса, у эллик икки кундан кейин ўлади.

ЗОТИЛЖАМНИ ДАВОЛАШ

Шиш [томонга] келаётган моддани бўшатувчи ва қарши томонга тортувчи нарса орқали тўхтатиш ва шишдан кетказиш керак. Биз бундан илгариги бобда баён қилган нарсаларни ҳам ўқиб чиқиш лозим. Гоҳо айтилган нарсаларни қайта баён қилишга ҳам тўғри келади.

Биз айтамызки, агар қон кўпайган бўлса, [зотилжамни] бундан илгариги бобда айтилган йўсинда томирдан қон олиш билан даволанади; қонни унинг ранги ўзгаргунча чиқарила беради, [қон рангининг ўзгариши] зарарли қоннинг бўшатилоганига далолат қилади. Билгинки, гавдадаги қоннинг энг қораси мана шу хил шиш яқинидагиси бўлади. Бироқ қон олишда беморнинг қуввати кўзда тутиш лозим, баъзан бемор қуввати шу чегарагача қон чиқаришга имконият бермайди.

Агар бошқа хил кўпайган бўлса, уни ҳалилага ўхшаш ёки бурйштириш хусусияти бўлган дорилар билан бўшатилмади, балки бинафша, янтоқ, шакар, шира ва Ҳижоз шакардан тайёрланган дорилар каби юмшатувчи ва сурувчи дорилар билан бўшатилади; сурги дорини кечаси берилади. Бир гуруҳ биладиган кишиларнинг айтишича, мумкин қадар томирдан қон олиш орқали бўшатиш энг тўғри тадбирдир, чунки сурги дорининг баъзан бетоқатликка учратиш хавфи бор, буни биз айтиб ўтган эдик. Айниқса ташланаётган балғамга кўп ўт аралашган бўлса ва айниқса Жолинус *сақмуниёни* ишлатишдан эҳтиёт қиладую, бироқ *иёраж* ва харбақни бирликда ишлатишдан эҳтиёт қилмайди. У сурги дори ишлатиб бўшалгандан кейин ишлатиладиган арпа сувининг таъсирини мақтайди. Аммо [арпа суви] сурги дори билан биргаликда ишлатилса, сургининг таъсирини кетказди. Яна оғриқ ва алам йўналаётган томонни эътиборга олиш керак: агар оғриқ

ўмров суяги ва кўкрак суяги томон ва ундан ҳам юқорига бораётган бўлса, томирдан қон олиш яхшироқ, агар у қовурға тоғайларига бораётган бўлса, фақатгина сурги ишлатиш ёки касалнинг ҳолига қараб томирдан қон олиш ҳам керак. Чунки фақатгина *бослиқдан* қон олиш — касаллик ўрнашган жойдан арзийдиган миқдордаги [моддани] тортиб чиқармайди. Қўйиб боғланадиган дори ва пахтадоғ оғриқни тўхтатмаса, ёки улар оғриқни кучайтирса, бу нарса бўшатишга қаттиқ эҳтиёж борлигини билдиради ва бутун газданинг тўлиқлигига далолат қилади. Шунда бўшатиш, айниқса томирдан қон олиш зарур. Томирдан қон олинганда ва бўшатишганда оғриқ ва аламлар тўхтамаса, билгинки модда йиғилишини тўхтатмоқчи бўлган истагинг йўққа чиққан бўлади. Энди томирдан қайта қон олма, токи етилаётган модда сустлашиб қолмасин. Бундай модда эса қувват кам бўлиб, моддани етилтирадиган қон йўқ вақтида етилмайди. Агар модда етилса, унинг йирингга айланишига тўсқинлик қилиш ва йирингга айланишдан олдин туфлатиб тозалаш керак.

Умуман томирдан қон олмай туриб, модда етилса ва анчагина миқдорда етилган балғам ташланса, яна касалнинг қуввати кучсиз бўлса, у вақтда томирдан ҳеч қон олма. Қувватнинг кучсизлиги томирдан қон олишга ва сурги ишлатишга тўсқинлик қилса, касал ҳолининг ижоб этишига қараб, айниқса оғриқ қовурға тоғайларигача борса, ўртача ёки ўткир ҳуқна дорисини ишлатиш керак. Буқрот оғриқ қовурға тоғайлари томон йўналган зотилжамда қора харбақ ёки *филюн* билан, — бошқа бир нусхада «ёввойи сабзавот» билан, — моддани бўшатишга буюради. Бу кейинги нарса семизўтга ўхшаш сутли ўсимлик бўлиб, заҳарли яттуълар жинсидандир. Бўшатишдан кейин оғриқ енгиллашганини билсанг, шакар суви ва қайнатилган арпа суви билан чеклан; бунинг учун арпани оқлаб, кўп сувда қайнатилади. Агар [беморни] кучайтириш керак бўлса, *хандарус* суви [берилади]. Яна тарвуз, чилонжийда суви, Сабистон олхўрисининг суви, бинафша мураббо ва кўкнор уруғи [бериб турилади]. Буларнинг биронтаси билан қўшиб бериладиган ёғ — бодом ёғидир. Бир гуруҳ [табиблар] анор беришни унинг совиутиши сабабли ман қиладилар, бироқ, менимча, ширин анорнинг зарари йўқ. Гоҳо балғам ташлатиш учун мана шу дорилар қайнатмаси истеъмол қилинади: оқланган арпа, чилон-

жийда, Сабистон олхўриси, бинафша, кўкнор уруғи, бинафша шарбати ва нилуфар шарбати. Шу кейинги иккита ичимлик гулобдан яхшироқ бўлади.

Жолинус касалликнинг бошида турли кўкнор шарбатлари [диёқуза]ни истеъмол қилишни буюради; бу нарсалар моддани тўхтатади ва етилтиради ҳамда касални ухлатади. Мен айтаманки, кучли уйқусизлик сабабли бу нарсага эҳтиёж тушгандагина уни ишлатиш керак. Акс ҳолда кўкнор моддани сустлаштириб, балғам ташлашга тўсқинлик қилади. Лекин унга шакар аралаштирилса, унинг зарарини қайтаради. Бундай пайтда кўкнор уруғидан тайёрланган шарбат унинг пўстидан тайёрланган шарбатдан кўра мувофиқроқ бўлса керак.

Тўхталиб қолган моддани туфлаб ташлаш билан бўшатиш керак. Овқатни ўлчаб бериш, кўп бермаслик, балки касаллик ўткирлигининг кўп ва озлигига ва унинг кўринишларига қараб енгил овқат бериш керак. Агар касаллик ва унинг кўринишлари тинч, кучсиз ва енгил бўлса, оқлаб яхши қайнатилган арпа сувини берасан, чунки бу балғам ташлатади, уни парчалайди ва касални кучли қилади. Арпа сувини ширин қилмоқчи бўлсанг, бу ишни шакар ёки асал билан қиласан. Агар [бемор] бетинч бўлса, унинг ҳоли аниқлангунча, айниқса у ташлаётган балғамга қараб, арпа суви билан чекланасан. Агар модда кўплаб туфланаётган бўлса, унинг кўп эканлиги аниқланади ва касални кучайтириш кераклиги маълум бўлади. Шунда касални оқланган арпанинг оши билан овқатлантириб қувватли қиласан. Балғам тўхталиб қолса, имкон борича арпа оши ва шарбатлар билан чекланасан.

Агар зотилжамда ич суриш пайдо бўлиб, у зотилжам ангина [забҳ]дан кейин вужудга келган бўлса, бу нарса қон олиш ва ични юмшатишдан иборат ҳамма хил даволашларни ишлатишга тўсқинлик қилади. Унинг тадбири арпа толқони билан чекланиб туришдир.

Турли ҳил зотилжамда томирдан қон олиш зарур бўлатуриб, модда етилмаган бўлса, тўғриси шуки, олиннадиган қоннинг учдан иккисини олиб, ништар урилган жойга туз ва зайтун ёғи қўйиб, шу жойни иккинчи марта қон олишга тайёрлаб қўйиш керак. Кўпинча ҳар куни бир ёки икки марта ич юришиб турса, қон олишга эҳтиёж қолмайди. Қон олгандан кейин [касалнинг] кўнгли айнаса, ёки нафас олиши жуда қийинлашса ва нафаси қисса, бу — қон олишнинг касаллик моддасини

бўшата олмаганига далолат қилади. Қўкрак оғриқларини даволашда касаллик энди бошланаётган бўлса, ични енгил ҳуқна дорилари ва шамчалардан бошқа воситалар билан юмшатмаслик яхшироқ. Кучли совутувчи нарсаларни ичириш катта хатодир, лекин сафродан бўлган зотилжамда ичириш мумкин. Ёки совутиш ва буриштириш хусусияти бўлган нарсаларни ичириш ва ясмиқ каби нарсаларни нордон нарсалар ва шуларга ўхшашлар билан қўшиб едириш ҳам хавфли.

Билгинки, совуқ сув ичириш шу касалликка ва шунингдек бошқа ҳамма хил ички шишларга ҳам мувофиқ эмас, уни мумкин бўлганича оз ичир. Агар ташналик зўрайиб кетса, совуқ сувни *сиканжубин* билан аралаштириб ичир; шунда сувнинг кучи синади ва унинг [меъдада] туриб қолиш муддати озаяди, аксинча *сиканжубин* йўл бошлаб баданга сингдириб ва ўтказиб юборади, бундан ташқари *сиканжубиннинг* парчалаш ва латифлаштириш хусусиятидан [бемор] фойдаланади.

Билгинки, агар зотилжамда алангаланиш кучайиб, совутишни тақозо қилса, бир қадар тозалаш ва ҳўллаш хусусияти бўлган дорилар, масалан, бодринг суви ва тарвуз суви билан совутадилар. Аммо қовоқ суви бир томондан фойда қилса ҳам, баъзан зарар етказди ва кўп сийдириб кучсизлантиради. Парҳез қилинадиган нарсаларга келсак, улар семизўт суви, сачратқи суви ва ҳар бир совутиб тиғизлаштирувчи нарсалардан иборат.

Сенинг асосий мақсадинг балғам ташлашни осонлаштириш бўлиши лозим. Касал томонни босиб ухлаш балғам ташлашни кўпайтирадиган тадбирлардандир. Баъзан касални бир оз қўзғатишга ва иссиқроқ сувни кетма-кет ҳўплатиб ичиришга тўғри келади. Бу жуда фойдали. Баъзан балғам ташлаш тўхталиб қолиб нафасни қисади ва бу ҳол асал қўшилган зангордан бир қошиқ ялашга муҳтож қилади. Баъзан оғриқнинг қаттиқлиги бир боқила вазнидаги ангузани асал, сирка ва сув билан қўшиб ичиришга мажбур қилади, бунинг оғриқ ниҳоятда кучайиб кетганда ишлатилади.

Нафас хириллаши ва тиқилиши [тадбирга] бўйсунмай кучайиб кетса, қовурилган табиий содадан уч бармоқ учига кўтариладиган миқдорда, зангордан бир боқила миқдорида, бир оз зайтун ёғи, илиқ сув ва озгина асал берилади; агар бунинг фойдаси бўлмаса, ўша таркибга узум гули, мурч ва сирка қўшилади — шуларнинг ҳаммасини илитиб берилади, ёки зуфо, хардал ва индовни сув ва асал билан аралаштириб илитиб қўши-

лади; бу аввалгисидан кучлироқ таъсир қилади. Кейин [касал] балғам ташлагач, юқоридаги дорининг зарарини кетказиш учун тухум сариғи берилади.

Зотилжамга учраганлар учун кучлироқ овқат керак бўлиб, иситманинг кучи синган бўлса, тошлоқ балиғи берилади; шунингдек, шакар ва қаймоқ билан нон берилади, булар [балғамнинг] етилишига ва ташланишига ёрдам беради; яна гандано, укроп ва туз билан қайнатилган балиқ ҳам берилади. Қўкракни сиқмаслиги учун қоринни енгил тутишга ҳаракат қил. Бу эса ични юмшатиш ва ахлат тўхталиб қолса, уни озгина лавлаги суви қўшилган арпа суви каби енгил ҳуқна дори орқали чиқариш билан бўлади. Қоринда ел пайдо бўлишига ҳам йўл қўймаслик керак — билгинки, ахлатнинг буғлари ва еллар бу касалликда жуда зарарлидир. Иллат йирингланишидан олдин уни етилтиришга шошилиш равишда эътибор бериш керак, агар у йирингланса, [йиринг] ўйиб ейишдан бурун ундан тозалашга шошилиш зарур. Билгинки, балғам ташлашни осонлаштириб, тезлатадиган ҳўлловчи дори беришдан қочиб бўлмайди. Балғам кўтарилишига бошлаб, тўртинчи кун ўтса,]ўша ҳўлловчи [қайнатмани чучукмия илдизи ва сунбулсоч қўшиш билан кучайтирилади. Агар модда қуюқ ва қувват кучли бўлиб, асабда касаллик бўлмаса, [моддани] парчалаш учун [сув] қўшилган *сиканжубин* ичиришнинг зарари йўқ Шакар, ёки янтоқшакар, ёки шира қўшилган *хиёршанбар* каби дорилар билан ични юмшатиш ҳам тўғри тадбир бўлади.

Гоҳо қўйиб боғланадиган ва суртиладиган дорилар ишлатилади. Энг олдин бинафша ёғи ва тоза мумдан тайёрланган мумли ёғ ишлатилиши керак. Кейин чарви ёғларга, шираларга ва тегирмон гардига ўтилади, сўнгра аста-секин энг кучли дориларга, масалан: бобуна, гулхайри илдизи, чучукмия илдизи ва бинафшадан тайёрланган қўйиб боғланадиган дориларга ва боғ гулхайрисининг қайнатмасини суртишга ўтилади. Яна кучлироқ дорига эҳтиёж тушса, қайнатилган карам ва қайнатилган арпабодиёндан, ҳамда эрман, чучукмия илдизи, бир оз асал ва Рум сунбули ёғидан тайёрланган дорилар қўйиб боғланади.

Билгинки, модда кўп бўлса, боғланадиган ва совуқлик дорилар ва суюқ суртмалар зарар қилади, агар модда кам бўлса, зарар қилмайди; шунингдек, шиш тарқалиб, озгинаси қолган бўлса ҳам зарар қилмайди. Қон олишдан бошқа йўл билан қилинган фойдали бў-

шатишдан кейин ҳам суюқ суртма дори ишлатиш мумкин.

Қўйиб боғланадиган яхши дорининг таркиби: бинафша япроғи ва гулхайрининг ҳар биридан бир бўлак, чучукмия илдизидан икки бўлак, боқила уни ва арпа унининг ҳар биридан бир ярим бўлак, бобуна ва катиронинг ҳар биридан бир бўлак олинади; агар модда қуюқ бўлиб, кучлироқ эритишга эҳтиёж сезилса, шу таркибга зиғир қўшилади. Уларни мум ва бинафша ёғи аралаштирилган шинни билан қорилади. Агар [касалнинг] иссиғи озроқ бўлса, бинафша ёғининг ўрнига гулсапсар ёғи ёки нарғис ёғи қўшилади; агар иссиқ кучли бўлса, [мазкур] таркибга биз қўшган иссиқ нарсаларнинг ўрнига нилуфар япроғи, гул ва қовоқ қўшилади.

Яхши суртма дорининг таркиби: мум, ўрдак ва товуқ ёғи, қўй ёғи ва ҳўл зүфони қўшиб, суртма дори қилиб [ишлатилади]. Бу жуда яхши доридир. Етилтириб оғриқни тўхтатувчи қўйиб боғланадиган дориларнинг бири арпа уни, қашқарбеда ва кўкнор пўстидан тайёрланадиганидир.

Гоҳо [зотилжамни] даволашда ҳўл ва қуруқ компресс [пахтадоғ]лар ишлатилади. Унинг сарамасга ўхшаш хилига ҳўл компресс, флегмонага ўхшаш хилига эса қуруқ компресс мувофиқдир. Лекин ҳўл компресс фойда қилмаса, зарар ҳам қилмайди, қуруғи зарар қилганда, зарари катта бўлади. Яхшиси иссиқ сув билан ҳўлланган денгиз булути билан қилинадиган компрессдан бошлаш керак, ундан кучлироғи эса денгиз суви ва намакобдир. Улардан кейин, агар керак бўлса, буғ, ёки иссиқ зайтун ёғи ва иссиқ сув билан компресс қилинади. Сирка, ёввойи ясмиқ ва олтингургуртдан тайёрлаб ёғ шимдирилган юнгга қўйиб қилинадиган компресс улардан кучлироқдир.

Кепак, кейин тариқ, кейин туз қуруқ ва енгил компресслардан саналади. Агар компресслар тортиб келтирадиган тўлиқлик бўлмаса, улар юқори ёки қуйидаги ҳар бир оғриқни йўқ қилиб юборади. Томирдан қон олиш эса, кўпроқ юқори оғриқларни тарқатади.

Қўйиб боғланадиган дори ишлатганинда ёки компресс қилганинда беҳузурлик ва нафас қисишини қўзғатмаслик учун уларнинг буғларини беморнинг юзига етказмасликка ҳаракат қил. Баъзан касаллик жуда қуритиб юборади, шунда мўътадил ҳўлликдаги қўйиб

Боғланадиган дори ва компресснинг буғи юзга урилса ва бурунга тортилса, фойда қилади.

Гоҳо яланадиган дориларни истеъмол қилиб, улардан ёрдам олинади. Иссиғи бор кишиларга уларнинг энг майин ва мувофиғи, — айниқса оғриқ қаттиқ бўлганда, — бинафша ёғи билан қўшиб ювилган тоза оқ мумдир. Гоҳо баданни қон олиш ва бошқа тадбир орқали тозалаб ва тозаланганлигига ишонч ҳосил қилингандан кейин қортиқлар қўйилади. Агар қортиқни оғриқли жойга қўйилса, зўр фойдаси билинади; баъзан у оғриқни тубдан йўқ қилади, баъзан сиртқи томонларга тартади. Хардалдан тайёрланган, қўйиб боғланадиган дорини шу хил [оғриқли] жойга қўйилса, у ҳам [оғриқни] тортишда қортиқлардек таъсир кўрсатади.

[Зотилжам] еттинчи кундан ўтганда қадимги табиблар бодом, қичитқийўт уруғи, асал ва сариеғдан тайёрланган, яна сариеғ ва сақичдан тайёрланган яланадиган дориларни буюрар эдилар.

Баъзан *асоносиё* каби катта маъжун дориларни ҳам истеъмол қиладилар. Бу яхши бир усулки, уни табобат санъатини яхши билувчилар ва шу тадбирдан келиб чиқиши мумкин бўлган [зарарга қарши] чора кўра олишга ишонган табибларгина ишлатишга журъат қила оладилар, бу билан улар тозалашни фойдали даражага етказадилар. Аммо эндигина [табобатга] уринган қўрқоқ ва ўзларига ишончлари бўлмаган табиблар асалдан қўрқадилар ва [асоносиёга] асал ўрнига шакар қўшадилар. Қадимгилар яна тозалашда кучли бўлган ва асал билан тайёрланган ҳаб дориларни тил тагига олиб туришга буюрар эдилар. Шундай вақтда яна «хушбўй» номли қўйиб боғланадиган дориларни ҳамда самсақдан тайёрланадиган, қўйиб боғланадиган дорини ва газгаўт марҳамини ишлатишни ҳам буюрар эдилар. Умуман, қадимгиларнинг йўлидан борувчи табибнинг ҳушёр ва эҳтиёт бўлиши, шишни тешиб оқизишдан ёки кўп иссиқни қўзғатиб юборишдан қўрқиши, шунинг билан бирга тезликда мақсадга етишига ишониши керак.

Қасаллик ўн тўртинчи кунгача қолса, у пайтда қортиқ қўймай ва енгил тадбир ишлатмай чора йўқ. Агар уйқусизлик зўрайиб кетса, албатта кўкнор шарбатини ичириш ва кўкнор бериш керак, агар касалнинг нафас олиши тезлашса, унинг зарарига қарши исфағул уруғининг шираси каби нарсалар билан рутубатлантириш орқали чора қилинади; уни оз-оз хўплаб ичилади, шунда гулоб ҳам ичирилади. Гоҳо биқинга иссиқ сув қўйил-

са, оғриқ енгиллашиб ва нафас тезлиги камайиб, фойда қилгандек бўлади; бироқ сенга маълумки, бу зарарлидир.

Касаллик аниқ пасайгандан кейин ҳаммомга туширилади. Қаттиқ совутиш [тадбири]дан сақланади, лекин [зотилжам] шиши сарамас жинсидан бўлса, [совутиш тадбири] қўлланилади. Шунингдек, моддани қуюқлаштирувчи овқатдан парҳез қилинади ва латифлаштириш чорасини кўрилади. Касалликнинг охирида юқорида эслатилган сувлар ва ичимликларга гандано ва чўлялпизини солиб қайнатиб [берилади] ва қичитқиўт уруғини асал билан қўшиб ялатилади. Агар [зотилжам] шиши бўйсунмай модда йиғишга ўтса, биз махсус бобда баён қиладиган тадбир ишлатилади.

Зотилжамдан эндигина оёққа турган киши шўр ва ўткир мазали нарсалардан, шунингдек тўлиқлик, тўйиб овқат ейиш, қуёш, шамол, тутун, баланд овоз чиқариш, [қаттиқ] пуфлаш ва жийсий алоқадан сақланиши керак. Агар у узилса, ўлади. Бу айтганларимиз иссиқ ва холис [ҳақиқий] зотилжам ҳақидадир. Аммо [касаллик] шундай бўлмаса, яъни у ғайриҳақиқий бўлиб, кучсиз иссиққа эга бўлса, [беморни] ишқалатишинг, сариф йўнғичқа ва зифтни қўйиб боғлашинг ва қортиқлар қўйишинг керак.

Шундай зотилжамда қўйиб боғланадиган яхши дорининг таркиби: карам илдизининг кулини ҳайвон ёғи билан қориб қўйиб боғланади. Балғамдан бўлган зотилжамни даволашда дастлаб ўткир ҳуқна ва сурги ишлатилади, бироқ томирдан қон олинмайди, шимдирувчи хусусиятга эга бўлган ва юқорида эслатиб ўтилган қўйиб боғланадиган дорилар ва кучли компресслар қўлланилади. [Беморга] лавлаги, карам суви, нўхат суви, зайтун ёғи ёки ширин ё аччиқ бодом ёғи берилади. Яна иссиқ қилиб қўйиб боғланадиган дорилар ва компресслар ишлатилади ва биз канақунжут ёғи билан қўшиб ичирадиган Юсуф ус-Соҳир қайнатмаси ичирилади. Савдодан бўлган [касалликда] туйилган буғдойдан асал ва бодом ёғи билан қўшиб тайёрланган суюқ ҳолвайтар берилади ҳамда юмшатувчи ва иссиқлик ялатиладиган дорилар истеъмол қилинади ва бодом ёғи каби юмшатувчи ёғлар ичирилади; яна боқила ва бир оз сарик йўнғичқадан тайёрланган юмшатувчи суюқ ош ичирилади. Янги соғилган сут, айниқса эшак сути, у касаллар учун фойда беради. Шу хил [зотилжамни] даволашда *қуст* дан бир *дирҳам* олиб бир қошиқ укроп

қайнатмаси ва балзам ёғи билан ёки асал шароби билан ичириш ҳам фойдали тадбирлардандир. Шу [тадбир] ёмон йўтал учун ҳам фойдали.

Упкада йирилган сувга келсак, уни биз қўйида баён қиладиган ўпкаси йирингланган кишиларга ишлатиладиган тадбирдан кўра осонроқ тадбир билан даволанади, баъзан тешишга эҳтиёж тушади.

УПКА ЯЛЛИҒЛАНИШИНИ ДАВОЛАШ

Упка яллиғланишини даволаш зотилжамни даволашга ўхшайди. Лекин бунда қўйиб боғланадиган дорилар кучлироқ бўлиши ва уларга [дорининг таъсирини] чуқурроқ олиб борадиган нарсалар қўшилиши керак. Бунда балғам ташлатиш орқали [ўпкани] тозалашга қаттиқроқ киришилади; балғам ташлаш билан [тозалаш керак бўлган] томонни босиб ётиш ўрнига ўша томонга мойил бўлиб чалқанча ётилади. Агар ич тўхталиб қолса, ҳар икки кунда бир мартаба мана шу таркибли ичимликдан ичирилади: *хиёршанбар* ва уруғи олинган майизнинг ҳар бирдан уч *истор* олиб, унга тўрт *сукурража* сув қўйилади ва ярми қолгунча қайнатилади. Кейин уни [оловдан] олиб устига бир *сукурража* итүзумнинг суви қўйилади. Кучли касалга шу таркибнинг ҳаммасини, кучсизга эса ярми [ичирилади]. Агар ич кучсиз қиладиган даражада суюқ бўлса, мирта, қўрға кўмилган ширин беҳи ва ширин анорнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси ичирилади.

Мошаро ёки сарамас жинсидан бўлган [ўпка яллиғланишини] даволаш, — кўрсатиб ўтганимиздек, — қийин, агар фойда қилса, сабзавот, ўт ва мевалардан олинган маълум кучли совутувчи ширалар билан [ҳароратни] етарли даражада сўндириш [фойда қилади]. Сачратқи шираси ва шунга ўхшаш совутиб юмшатувчи ширалар ичирилади. Шира, тамр, ҳиндий, янтоқшакар ва шулар каби дорилар билан сафрони бўшаттириш ҳам мумкин. Баъзан шундай [ўпка яллиғланишида] касалда тўлиқлик бўлса, томирдан қон олишга тўғри келади.

КУКРАК ЯРАЛАРИНИ ВА СИЛНИ ДАВОЛАШ

Яра ўпка найида бўлса, дори унга тез боради. Касал орқаси билан ётиши, дорини оғзига олиб туриб, сўлагини оз-оз ютиши, бир йўла кўп ютмаслиги керак, чунки кўплаб ютиш йўтални қўзғатади. Дорили сўлак йўтални қўзғатмасдан ҳалқумга бориб етсин учун ҳалқум муша-

гини бўш тутиш керак. У дорилар эса сил бобида ҳам айтиладиган ва ёпиштириш ҳам қуриши хусусиятига эга бўлган дорилардан иборатдир. Кўкрак ва ўпкада бўладиган ва биз юқорида айтиб ўтган яраларни даволашга келсак, бунинг учун ювиб тозаловчи дориларни [ўпкага] юбориш зарур. Қасалга оғриқ томонини босиб ётиш, йўталиб туриш ва қимирлаш буюрилади, ёки уни бир оз тебратиб турилади. Баъзан ярага асал суви юборилгандан кейин, йирингни тортадиган қурол орқали ярадан йирингни чиқарилади. Модда тозаланиб ундан ҳеч нарса қолмаганлигига ишонилса, у пайтда эт ундириб битирувчи дорилар ишлатилади. Тозалаб кетказадиган дорилар ичида бу касаллик учун асалдан яхшидори йўқ. У тозаловчи бўлиш билан бирга табиатга севимли ва яраларга зарар қилмайдиган овқат ҳамдир.

Ўпка ярасига келсак, уни икки хил тадбир билан даволанади; уларнинг бири ҳақиқий даволаш, иккинчиси [ярага] тўсқинлик қилиб туриш билан даволашдир. Ҳақиқий даволаш касаллик даволашни қабул қиларли даражада бўлганидагина мумкин бўлади. Биз буни айтиб ўтдик. Бу хил [даволаш] ярани тозалаш, уни қуриши, ундан моддаларни ҳайдаш, назлаларни тўхтатиш ва эт унишига ёрдам бериш билан бўлади. Назлаларни тўхтатиш тадбири сенга юқорида маълум бўлган эди; ўша [тадбир] бу касалликни даволашда ҳам сен учун асос бўлади. Қисқаси, баданни тозалаш, моддани бошдан қуйи аъзоларга тортиш ва бошда чиқиндилар кўпаймаслиги учун бошни кучли қилиш, бошдан ўпкага қуйиладиган моддани тўхтатиш ва уни бошқа томонга тортиш [керак]. Тозалаш томирдан қон олиш билан ҳам турли чиқиндиларни чиқариб ташлайдиган қуқоғ, айниқса муқл ва араб елими қўшилган қуқоғ каби дорилар билан бўлади. Баъзан савдоли хилтларни чиқарадиган девпечак ва шунга ўхшаш дорига эҳтиёж тушади. Баъзан чиқиндиларни камайтириш учун қайта-қайта бўшатишга тўғри келади. Бўшатишни дори ёрдами билан ва томирдан қон олиш орқали қилинади. Кейин дам берилади, сўнгра яна бўшатирилади, айниқса кучли баданларда [шундай қилинади].

Кўкнор шарбатини, айниқса унинг Қарободинда айтилгандек қилиб, кўкнордан қилинганини ва бошқасини истеъмол қилиш назлалар зарарини қайтарадиган фойдали тадбирлардандир.

Ҳавоси қуруқ жойларга кўчиш бемор табиатиинг шундай тадбирни қабул қилишига ёрдам берадиган

нарсалардан саналади. Беморни у ерда даволаб сут ичириб турилади.

Ўпка бўлаклари бир-бирининг устига текис тушиб туриши ва яра бўлаклари доимо бириккан ва табиий ҳолатда турсин учун касални кўпроқ вақт бўйинини юқорига ва олдинга чўздириб, тикка вазиятда қўйиш керак. Балғам ташлашга тўсқинлик қиладиган нарсалар орқали йўтални ва туфлашни ҳадеб тўхтата бермаслик лозим, чунки бунда [бемор] ўзини енгил гумон қилса ҳам, зўр хавф бор.

[Ўпка ярасига] тўсқинлик қилишга келсак унинг ёйилмаслиги ва кенгаймаслиги учун қотириш ва қуриштириш тадбирини ишлатиш зарур. Лекин у билан яранинг эт олиб битиши умид қилинмаса ҳам касалнинг умрини бир оз узайтириш мумкин. Лекин беморнинг [шу муддатдаги] ҳаёти яхши ўтмайди ва у [тадбирдаги] энг кичик хато сабабли ҳам қийнала беради. Шу қуритувчи дорилар ўпкани буриштириб қуритиб, ярасини битказмаса ҳам бириктиради [торайтиради]. Шу тадбирни қўллаган табибнинг ҳеч бир сут истеъмол қилдириши керак эмас. Асал сил ярасига ишлатиладиган дориларнинг бириктирувчиси бўлиб яраларга зарар қилмайди.

Яраларни тозалаш юқорида айтилган тозаловчи дорилар билан ва Қарободинда сил учун тайин қилинган зуфо қайнатмаси билан бўлади. Улардан кучлироғи Қарободинда кўрсатилган ва ёввойи ясмиқ ҳам чигитдан тайёрланиб яланадиган доридир; ундан ҳам кучлироғи денгиз пиёзини эшак сути билан қўшиб тайёрланиб яланадиган доридир. Баъзан ўша дориларга илаштириб ёпиштирадиган нарсаларни қўшиш керак бўлади. Баъзан йўтални тўхтатиш ва дорининг қўниб таъсир қилиши учун увуштирувчи дорилар қўшилади; шу пайтда касални оёққа турғазадиган кучли овқат керак бўлади. Ушандай тозаловчи дориларни [юқоридаги] бобларнинг аввалида ва йирингланиш бобида баён қилдик. Уларнинг одатдагиси ёввойи ясмиқдан қилинган ҳамда Шом ганданоси қўшиб нўхат уни ва *хандарус* унидан тайёрланган суюқ ошлардир, яна сувда қайнатилган Шом ганданосининг ўзини, ҳамда тозаловчи ва эт ундирувчи дорилар солиб қайнатилган асал сувларини [берилади]; улар сенга маълум; яна *каммуний* ва *асоносиё* каби қуритувчи маъжун дорилар ва таркибига зиғир қўшилган яланадиган дорилар [ишлатилади]. Аммо *митридат* ва тарёқни маълум вақтларда, айниқса касалликнинг дастлабида бемор жуда озмаган

ва иситма жуда сўлитмаган вақтда истеъмол қилинса, фойда беради. Муҳр лойи ҳам шундай. Шунингдек, биз баён қилган қўйиб боғланадиган ҳамма дорилар, компресслар ва суртиладиган дорилар ҳам фойда беради.

Қўкрак ва ўпка яралари эскирган бўлса, касалга қатроннинг ўзини ёки уни асал билан қўшиб эрталаб ва кечқурун кичкина бир қошиқ ялатиш ёки оқувчи *майъадан* бир озини асал билан қўшиб ялатиш фойда қилади. Агар касалда ҳарорат бўлиб тозаловчи иссиқлик дориларни ишлатишдан қўрқсанг, совуқликлари эса фойда қилмаса, тулки ўпкаси, арпабодиён уруғи, чучукмиянинг қайнатиб қуюлтирилган тоза шираси ва сунбулсоч ширасини олиб шакарнинг қуюлтирилган суви билан қўшиб бериб тур. Бу жуда фойда беради. Гоҳи шу касалликда қуритувчи ва тозаловчи тутатиладиган дориларнинг турли хиллари ҳам ишлатилади; уларни тутатиб воронка орқали [бурунга юборилади]. Улардан бири зирних ва мурчдан иборат бўлиб, уни тухум оқи билан қўшиб, ғўлак қилиб ишлатилади. Яна бири: ширин зайтуннинг япроғи, тоғ қорамолининг тезағи, така буйрагининг чарвиси, зирних ва қуён тезағидан бир хил миқдорда олинади, яна тухум, пўчоғи ва зирнихни така буйрагининг ёғи билан, ёки зирнихни қўй ёғи билан қўшиб ишлатилади. Яна: зирних, аристолохия ва ковул илдизининг пўстларидан баробар бўлақларни олиб асал ва ёғ билан қўшиб [тутатилади]. Шунингдек, савнабар [чўпи], қинна ва қатрон қўйқаси ҳам [ишлатилади]. Яна кунжут ёғи билан қўшилган сариқ зирних [тутатилади]. Касалнинг мизожи ортиқча исиб кетган пайтда бир неча кунгача кофур кулчаси билан даволанади, ундан кейин яна қуритувчи дори ишлатилади.

Бундай [касалнинг] овқатига келсак, унга ўрмон каклигининг пиширилган гўшти берилади. Касалликнинг бошида сув қўшилмаган [холис] оқ шаробдан тийилмайди. Унинг доимо райҳон ҳидлаб туриши, доимодам олиши ва тинч ётиши керак. Ҳазаблантирадиган ва асабийлаштирадиган ишларга уринмаслиги ҳам керак; унга ғамгин қиладиган хабар билдирилмайди.

Мен қўйидаги тадбирни турли кишилар ва турли мамлакатларда кўп марта синаб кўрдим: шу касалликка учраган киши йил бўйи ҳар куни истаганча шакарли гулқандни истеъмол қилиб туради, ҳатто анчагина миқдорда бўлса ҳам нон билан ейишга буюрилади, кейин

у кишининг аҳволи кузатиб борилади: агар гулнинг қуритиши сабабли нафаси қисса, керакли миқдорда зуфо шароби, иситмаси кўтарилганда эса кофур кулчалари ичирилади. Шундай даволашни ўзгартирмай борилса, натижада касал соғаяди. Агар ёлғонга ёйишдан қўрқилмаганда эди, мен бу ҳақда ажойиб ҳикояларни сўзлардим ва сил касаллигига учраган бир хотиннинг [гулқанд] дан қанча миқдоргача истеъмол қилганини айтардим. Унинг касали чўзилиб, узоқ ухлатди, ҳатто гўр ва кафанини тайёрлаш учун киши чақирилди. Бироқ, биродари унинг олдида туриб узоқ муддат шу йўсинда даволади, натижада у хотин соғайиб, семириб яшаб юрди. Мен унинг гулқанддан қанча миқдор еганини айта олмайман.

Гоҳо [гавданинг] қуруқлиги ва сўлиши сут ёки айрон истеъмол қилишга муҳтож қилади. Бу нарсаларда овқатлик, баданни ҳўллаш, бузилган хилтни мўътадил қилиш хусусияти бор; улардаги пишлоқ бўладиган [модда] ярани ёпиштиради, сут ўзининг суви билан яра зардобини ва йирингини кетказди. Ҳатто қотирилиши мақсад бўлмаган ўпка яраларини ҳам кўпинча у соғайтиради. Сутларнинг энг ёқадигани хотинларнинг кўкрагидан эмиладиган сут, кейин эшак сути, ундан кейин эчки сути туради, айниқса эчки сути буриштириш учун мувофиқ бўлади. Бия сути ҳам тозаловчи ва балғам ташлашни осонлаштирувчи нарсалардандир, лекин, гумонимча, бунда у [сутлардагидек] озиклик йўқ. Сигир ва қўй сутида эса ғализлик бор; агар уларни мол эмчагидан сўриш мумкин бўлса, яхшироқ бўлади.

Соғиладиган ҳайвонни таъсир ва хусусияти зарур бўлган ўсимликлар билан боқиш керак. [Ярани] битириш таъсири зарур бўлса, [ҳайвонга] қизил тасма, жумрут, «камбағаллар арқони» ва шунга ўхшашлар [берилади]; тозаловчи ва балғам ташлатувчи дорининг таъсири керак бўлса, тоғжамбил, *луъбатуннаҳл*, қорабеда ва ҳатто, заҳар сутли ўсимликлар [берилади]. Сут ичиш билан шуғулланадиган киши бошқа тadbирларга ҳам риоя қилиши керак, агар у бирон нарсада хато қилса, сут баъзан зарарли бўлади. Табобатни камолга етказувчилардан бири сут ичириш йўлини баён қилди. Бизнинг тузатишимиз билан унинг айтганлари мана шу: туққанига тўрт ой ёки беш ой бўлган эшакни сайлаб олинади. Уни [соғишдан аввал] хурмачани сув билан ювиш керак, агар хурмачага илгари сут соғилган бўлса, уни иссиқ сув билан ювиб ичига яна иссиқ сув қўйилади

ва ичидаги нарсалар сувга эриб чиқсин учун қўйиб қўйилади. Кейин уни яна иссиқ ва совуқ сув билан ювилади. Сўнгра хурмачани иссиқ сувга қўйиб, унга ярим *сукурража* сут соғилади, касаллик бежавотир бўлса, биринчи кунда ичиладиган сут шу миқдорда бўлади. Акс ҳолда мўлжалга қараб керагича ичирилади. Иккинчи кун шунга икки ҳисса сутни ўшандай соғиб ичирилади. Агар биринчи кунда ич тўхталиб қолса, иккинчи кун ичириладиган сутга бир оз шакар қўшилади. Учинчи кун эса биринчи кун қилганингни қил. Учинчи кун ич юшамаса, айниқса учинчи куннинг [охиригача ҳам] юшамаса, икки *сукурража* сутни икки донақ ҳинд тузи ва ярим *дирҳамдан* бир ярим *дирҳамгача крахмал* билан қўшиб ичир. Доимо сутни ҳар кун ярим *сукурража* дан ортириб борилади. Олтинчи кунга борганда ҳам ич юшамаса, уч *сукурража* сутни олиб унга шакар, туз, бодом ёғи ва крахмал аралаштирасан. Ич уч мартадан ортиқ келиб турса, бундан кейин сутга ҳеч нарса қўшма ва сутни камайtir. Умуман, ичнинг бир кеча кундузда уч мартадан ортиқ ва икки мартадан кам келмаслиги керак. Агар бемор шу тadbир билан фойдаланса, сутни уч ҳафта ичир. Табобатни камолга етказувчилардан бирининг айтишича, эшак ёки бошқа ҳайвонларнинг сутини ичиришда уларни ёғоч идишда сақлаш яхшироқ. Буриштириш ва қуритиш билан бирга латифлаштириб тозаловчи ўтлар, масалан, эрман ва бошқа ўтлар, яна дармана қайсум, *жулах* ва маймунжон бор жойларда ўтлайдиган ҳайвоннинг сути энг яхши сутдир.

Эчки сутига келсак, унинг янги соғилганига бир оз сув аралаштириб ичириш энг тўғри тadbирдир. Етилиб сув қисми кетгунича бир неча марта тошни қиздириб сутга ташлаб олинса, бу — оловда қайнатилганидан кўра яхшироқ ҳазм бўлади. Табиатни юшатишни ҳам назарда тутиш керак, лекин [сутдан] меъда бузилиб, ич кетса, сутга «ер олати» қўшиш керак. Ёки кўп йўталиш пайдо бўлса, сутга бир *дирҳам* зирна катира қўшилади. Меъда кучсиз бўлса, сутга зира ва қора зира қўшилади. Қайнатилган сутни сил касаллигига учраган киши сингдир олса, бу унинг учун етарли овқат бўлади. Сил киши сут ичгандан кейин иситма чиқарса, сутни тўхташ керак. Иситма зўрайганда ва ич сурганда айронга эҳтиёж сезилади, бу жуда фойдали. Айроннинг энг яхшиси шу: қатиқнинг ҳамма ёғини олгандан кейин, бир

кеча [ҳавоси] муътадил жойга қўйилади, кейин эртасига бўлаклари бир-бирига яхши аралашгунича қаттиқ чайқатилади. Кейин оқ тоза буғдой унидан қилиб чакич билан чакичланган ва форсча *барозада* деб аталадиган кулчаларни олиб, унинг ўн *дирҳам* вазнидагисига айрондан ўттиз *дирҳам* вазнида қўйиб қаттиқ билан берилади. Иккинчи кун айрондан ўн *дирҳам* кўпайтириб нондан бир *дирҳам* вазнида камайтирилади. Айроннинг ёлғиз ўзи қолгунича шундай қилиб борилади. Кейин касаллик пасайса ва соғайиш белгилари юз бериб, айронга эҳтиёж қолмаса, аксинча тадбир қўллаб, айронни доимо камайтириб кулчани кўпайтира берилади, ниҳоят сут [айрон] тўхтатилади. Агар баъзи касалларда меъда бузилиб, ич кетиш пайдо бўлса, айронга қиздирилган темирни бир неча марта ташлаб олишнинг зарари йўқ. Шу жойда Қарободинда баён қилинганларга ҳам мурожаат қилинсин.

Овқатларга келсак, уларни оқ нон, умоч оши ва қўноқ оши каби ёпиштирувчи нарсалар билан овқатлантириш керак. Гуруч ҳам тозалайди ва эт ундиради. Яхши қайнатилган арпа оши ёпиштирувчи ва тозаловчи бўлиб, у иситма қаттиқлашган пайтда ҳам фойда беради, айниқса уни қўл-оёқлари юлиниб, кул ва сув билан қайта-қайта ювилган қисқичбақалар хусусан совуқлик сабзавотлар ҳамда ясиқ билан [ёйиш] яхши. Яна крахмал ва бодринг билан тайёрланган овқатлар ҳам [фойда қилади]. Қовун балғам ташлашни осонлаштиради. Иситма енгил бўлса, карам, морчўба ва тозаловчи дорилардан кўра [яхшироқ] даво йўқ. Аммо тузли балиқни бир марта ёки икки марта ейилса, тозалашга фойда қилади, яра ёмон сифатли бўлса, шўр балиқдан ва бутун шўр нарсадан сақлан. Гўшт билан овқатлантирмоқчи бўлсанг, каклик, товуқ, тўрғай ва чумчуқ гўшtlари каби гўшtlарни бер; улар ёғли бўлмасин. Қуритиши ва эт ундириши кучлироқ бўлиши учун ўша гўшtlарни қовуриб едириш яхшироқ. Почалар ҳам ёпишқоқлиги сабабли фойдалидир, кабоб қилинган балиқ ҳам шундай. Касал шўрва ичишни истаса, уни асал билан аралаштириб бер.

Касалнинг жигарида тикилмалар бўлмаса, уни овқатдан олдин ёки кейин ҳаммомга тушириш мумкин. Ҳаммом уларни семиртиради ва кучли қилади. Улар ичадиган сув ёмғир суви бўлсин.

Сил касаллигига учраган кишиларда, биз юқорида айтганимиздек, кўпинча қон туфлаш пайдо бўлади.

Бунга қарши ишлатиладиган яхши кулчаларнинг бири куйидаги таркибдагисидир: муҳр лойидан уч *дирҳам*, крахмал, арман лойи ва қизил гулнинг ҳар биридан тўрт *дирҳам*, каҳрабо ва мирта донидан олти *дирҳам*-дан, куйдирилган қисқичбақа ва семизўтнинг ҳар биридан ўн *дирҳам*, маржон, катиरो, *табошир* ва шодана-нинг ҳар биридан беш *дирҳам*, *дудий* елими ва така соқолдан етти *дирҳамдан* олинади. Шуларни [боғ] семизўтининг суви ёки янги гулдан олинган сув билан қориб кулча тайёрланади ва уни таррак суви ёки ёмғир суви билан ичирилади.

Кўпинча сил касаллигига учраган кишиларнинг тилчалари тушади ва шу сабабли уларда хириллаш ва пишиллаш пайдо бўлади, натижада баъзан уни қирқишга ҳам тўғри келади.

ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Юракда ҳамма хил касалликлар — масалан, ҳар хил мизож бузилишлари пайдо бўлади. [Мизож бузилиши] гоҳ моддали, гоҳ [моддасиз] содда бўлади. Модда эса, айниқса рутубат, юракнинг томирларида, гоҳ унинг танаси билан филофи орасида бўлади. Кўпинча ўша жойда рутубат пайдо бўлади, маълумки рутубат кўпайганда юракни сиқади ва унинг эркин ёйилишига йўл қўймайди.

Гоҳ юракда шишлар ва тиқилмалар пайдо бўлади, гоҳ баъзи бир вазият касалликлари пайдо бўлади, масалан, юрак ўзини сиқувчи ва ёйилишига тўсқинлик қилиб кишини ўлдирувчи рутубат ичида бўғилиб қолади.

Юракда яна узлуксизликнинг бузилиш касалликлари юз беради, бу ё юракнинг ўзида ёки филофида пайдо бўлади.

Мизож бузилиши юракда ўрнашиб қолса, даволашни қабул қилмайди. Қаттиқ ўрнашмаганда ҳам уни даволаш осон бўлмайди.

[Юракдаги] иссиқ шиш [касални] дарҳол ўлдиради. Совуғи эса хоҳ қаттиқ бўлсин, хоҳ юмшоқ бўлсин, юракнинг ўзида камдан-кам бўлиб, кўпроқ унинг филофида бўлади. Иттифоқо юракнинг ўзида шундай шиш пайдо бўлса, у иссиқ шиш қадар тез ўлдирмаса ҳам, аммо бари бир ўлдиради.

Баъзан филофда қуюқ хилдан пайдо бўладиган қаттиқ [шиш] қавартириб йириңлатувчи сувсимон

хилтдан пайдо бўладиган қаттиқ бўлмаган шиш каби ўлимни кечиктиради; Жолинус ҳикоя қилган маймун юрагининг филофидаги шиш ана шундайдир. У касал маймун бирмунча вақт яшаб юрган, ўлганидан кейин ёриб кўрилганда тириклигидаги [касаллик] ҳоли, унинг озиб ва кучсизланиб кетишининг сабаби аниқланди. Юракнинг ўзи шиш пайдо бўлишини кўтаролмайдиган бўлгач, модда йиғилиши ва йирингланишни қандай кўтара олсин? Юракда у кўтара оладиган тошмасимон яралар пайдо бўлса, улар бурундан қора қон келтиргандан сўнг ўлдиради, дейдилар.

Гоҳо юрак томирларида юрак ишларига зарар етказадиган тикилмалар пайдо бўлади.

Узлуксизликнинг бузилишига келсак, юрак учун у шишдан ҳам оғирроқ бўлади; [узлуксизликнинг бузилиши] юрак танасида пайдо бўлиб қоринчасига ўтса, дарров ўлдиради; ўтмаса, ўлдириши иккинчи кунгача кечикади.

Гоҳо юракда филофи билан ҳамда мия, кўкрак пардаси, ўпка, жигар, ичак ва бошқа ички аъзолар, айниқса меъда билан ҳамкорликда бўладиган касалликлар пайдо бўлади. Гоҳо касалликлар бошқа аъзолар [ёки] умуман, баданнинг ҳамкорлиги билан ҳам пайдо бўлади — чунончи иситма вақтларида шундай бўлади, буни [иситманинг] тутиши ва буҳронларига қараб аниқланади. Юракнинг бошқа аъзоларга ҳамкорлик қилиши гоҳо улардан [келиб турадиган нарсанинг] узилиб қолиши сабабли бўлади. Масалан, жигар [юракка] озиқ юборишда кучсизлик қилганда юрак [касалликда] у билан ҳамкорлик қилади ёки мия кучсиз бўлганда унинг ҳамкорлиги билан нафас олувчи мушак нафас олишга кучсизлик қилади; гоҳо, у аъзолардан юракка келиб турадиган нарса ана шундай [ҳамкорликка сабаб] бўлади. Миянинг ҳамкорлигига келсак, мияда савдо хилти кўпайиб мия моддасига ўтганда артериялар орқали юракка ўтиб хафақон, қувват тушуви, ғамгинлик, ёмон фикр ва ёмон қасдни кўзғотади. Шунингдек, миядан шу йўллар орқали рутубатли хилт юракка келса, ялқовлик, дангасалик ва ғамгинликни пайдо қилади.

Жигарнинг [ҳамкорлиги эса] унинг юракка иссиқ, ё совуқ, ёки қуюқ ёмон қонни юбориши орқали бўлади.

Гоҳо юракнинг касалланиши ёндошлик сабабли азиятланиш орқали бўладиган ҳамкорлик натижасида юз беради. Юракни ўраб турадиган филофдаги ва умуман бошқа ички аъзолардаги иссиқ ё совуқ шиш са-

бабли юрак азиятланади; меъда оғзи ва меъданинг ёпишқоқ ё ачиштирувчи хилтдан, ё гижжалардан ва қовоқ уруғи деб аталадиган [гижжа]дан, ёки хафақонни пайдо қилувчи ачиштирувчи қусуқдан азиятланиши сабабли юрак ҳам азиятланади.

Гоҳо қаттиқлашиб юракка бориб етувчи оғриқ билан бўладиган ҳамкорлик натижасида юрак касалланади; бу кўпинча ўлдиради.

Гоҳо [касаллик] томоқ оғриғи ё зотилжам ёки ўпка яллиғланишида модданинг кўчиб юракка бориши сабабли бўлади; [касаллик] моддани юрак сари итаради ва [модда] уни бўғиб ўлдиради.

Юрак билан унинг ғилофи ўртасидаги ҳамкорлик натижасида пайдо бўладиган касалликларнинг ҳалокатга олиб келиши шарт эмас, аммо [юракда] иссиқ бўлмаса ҳам шиш пайдо бўлса, ўлдиради.

Гоҳо меъда оғзининг ўзида учиш пайдо бўлади, уни юрак учиши деб гумон қилинади.

ЮРАК АҲВОЛИНИ ДАЛИЛЛАР ОРҚАЛИ [БИЛИШ] ИҶЛЛАРИ

[Бундай йўллари] саккизтадир: томир уриши, нафас, кўкракнинг тузилиши, кўкракдаги мўйлар, баданнинг ушлаб кўрилгандаги ҳолати, баданда пайдо бўладиган ҳоллар, хулқ, баданнинг кучли ёки кучсизлиги ва турли хаёллар.

Томир уришига келсак, унинг тезлиги, катталиги ва кетма-кетлиги юракнинг иссиқлигига, уларнинг тескариси эса совуқлигига, юмшоқлиги рутубатлилигига, қаттиқлиги [юракнинг] қуруқлигига далил бўлади. Томир уришининг кучлилиги, текислиги ва нотекислигининг тартиблилиги юракнинг соғлигига, буларнинг акси эса носоғлигига далил бўлади. Катта, тез, кетма-кет ва иссиқ нафас юракнинг иссиқлигига, уларнинг акси эса, совуқлигига далил бўлади.

Агар кўкракнинг кенг ва энлилиги миянинг кўплиги сабабли бўлмаса, — миянинг кўплигини эса, бошнинг катталигидан билинади, миянинг кўплиги орқа миянинг катталигини ижоб этади, бу ўз навбатида умуртқаларнинг катталигига сабаб бўлади, бу эса умуртқалардан ўсиб чиқадиган қовурғаларнинг катталигини ижоб этади, — аксинча [кўкрак кенг бўла туриб] бош кичик ёки ўртача бўлса ва томир уриши кучли бўлса, бу ҳол юракнинг иссиқлигига далил бўлади; унинг акси, —

агар у аксини бошнинг кичиклиги ижоб этган бўлма-са, — юракнинг совуқлигига далил бўлади. Кўкракда ўсган кўп мўй, айниқса жингалак мўй, юракнинг иссиқлигига далолат қилади, кўкракнинг мўйсизлиги ва кам мўйлиги тутун пайдо қилувчи сабабнинг йўқлиги сабабли бўлганидан юракнинг совуқлигига, ёки тутун моддасининг йўқлиги сабабли бўладиган юракнинг қуруқлигига далил бўлади, — агар бадан мизожининг жуда рутубатлилиги ёки одатланилган ҳаво, мамлакат ва ёшнинг монелиги бўлмаса, шундай бўлади. Совуқ талоқ ва совуқ жигар совутиб туриши орқали қаршилик қилмаса — бутун баданнинг иссиқлиги юракнинг иссиқлигига далил бўлади. Баданнинг совуқлиги, — агар жигар бир қадар қаршилик кўрсатмаса, — юракнинг совуқлигига далил бўлади. Баданнинг юмшоқлиги, — жигар озгина бўлса ҳам қаршилик қилмаса, юракнинг рутубатлилигига далолат қилади. Баданнинг қаттиқлиги, — жигар қаршилик қилмаса, — юракнинг қуруқлигини билдиради. Жигар соғлом бўла туриб хилтнинг сасишидан туғиладиган иситмаларнинг бўлиши юракнинг иссиқлигига ва рутубатлигига далолат қилади.

Хулққа қараб билишга келсак: одат бўлиб қолмаган табиий ғазабланиш, ботирлик, жасурлик ва енгил ҳаракат қилиш — юракнинг иссиқлигига, [бу хусусиятларнинг] зидлари эса, — [агар улар ёмон] қасдлардан ва одатлардан келиб чиқмаса, — юракнинг совуқлигига далолат қилади.

Баданнинг кучлилиги юракнинг кучлилигига далил бўлади; кучсизлиги эса, — агар мия ва асаблардаги касалликдан бўлмаса, — юракнинг кучсизлигига далил бўлади; юракнинг кучсизлиги — мизожининг бузилганига, кучлилиги эса табиий мизожининг мўътадиллигига далолат қилади, бу нарса ундаги туғма иссиқлик ва ҳаётий руҳнинг кўп бўлиб алангали ва тутунли эмаслиги, балки равшан ва тиниқлигини билдиради. Қаттиқ алангаланиш ва кишининг бетоқат бўлиши [юрак мизожининг шундай бузилиши] нафасга ҳам зарар етказди.

Турли хаёлларга келсак: шодлик, орзу ва яхши умидга мойиллик, юракнинг қувватлилигини, унинг сезиладиган иссиқ ва рутубатлилигининг мўътадиллигини билдиради: Хафа қилиш ва азият беришга мойил хаёллар юракнинг иссиқлигига далил бўлади. Қўрқиш ва ғамгинликка мойиллик юракнинг совуқ ва қуруқлигига далил бўлади.

Юракнинг ўзида сезиладиган ҳоллар, масалан, юракнинг алангаланиши ва хафақон [юрак уриши]га келсак, уларнинг баъзиси масалан, алангаланиш бевосита, баъзиси эса, масалан, хафақон, бирор муносабат билан юрак мизожига далил бўлади. Хафақон юрак кучсизлигининг ва бузуқ мизожлигининг ҳамма турларига эргашиб келади ва юракдаги бирор ҳолга хос далил бўлмайди. Баъзан, хафақон юрак сезгисининг кучлилиги сабабли кўпаяди, ҳамда озгина хаёл ё буғ ёки шуларга ўхшаш [юракка] етадиган нарсалардан пайдо бўлаверади.

Гоҳо юрак касалликлари бошқа аъзоларнинг, айниқса бош ва меъда оғзининг ҳамкорлиги билан юз беради. Мия касалликларидан бўлган меланхолия ва тутқаноқ касалликлари юракнинг ҳамкорлигидан холи бўлмайди.

Гоҳо зотилжам ва ўпка яллиғланишидаги [шиш]лардан ҳайдалган моддалар юракка кўчиб келиб зўр хатар ва ҳалокатга сабаб бўлади. Хилтлар керакли миқдорга қараганда камайиб қолса дастлаб юракка зарар етади ва юрак мизожи ўзгаради.

Юрагига холис иссиқ ёки холис совуқ етганда киши ўлади. [Юрагига] совуқ теккан киши сўзлаб туриб, гоҳо тер чиқариб ва гоҳо тер чиқармай ўлади. Шунини мен ўзим бир неча марта кўрганман. Жигар совуқлик билан кучли қаршилик қилмаса ва гарчи у ҳўлликка озгина қаршилик кўрсатса ҳам, гавда [қўлга] иссиқ ва ҳўл бўлиб туйилади. Ундай [мизожли юракда хилтларнинг] сасишидан бўладиган касалликлар кўп бўлади.

Совуқ ҳўл мизожга катта бўлмаган, балки кичикликка яқин бўлган, тез бўлмай юмшоқ бўладиган, кетмакет бўлмай, балки мизожнинг [совуқлик ва ҳўллик] даражасига қараб шу сифатларнинг тескарисига мойил бўлган томир уриши белги бўлади. Шундай юракка эга бўлган киши дангаса, қўрқоқ, ожиз, ношод ва [кўкраги] мўйсиз бўлади; гиначи ва ғазабланувчи бўлмайди, жигари кучли иситиш ва бир оз бўлса ҳам қуритиш билан қаршилик қилмаса, гавдаси совуқ ва ҳўл бўлади.

Юрак мизожи совуқ ва ҳўл бўлса, ундай юракли кишининг томир уриши унчалик суст бўлмайди, у киши тез ғазабланмайди, аммо [ғазоби] узоқ сақланади, гиначи бўлади, [кўкраги] мўйсиз, жигари кучли қиздириш ва бир оз бўлса ҳам ҳўллаш билан қаршилик кўрсатмаса, гавдаси совуқ ва қуруқ бўлади.

ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Табиий бўлмаган мизожларнинг далиллари [юрак касалликларини билдирувчи] белгилардандир. Кучнинг заифлиги ва кетиши, сиртқи ёки дастлабки бирор сабабдан ёки бошқа аъзонинг ҳамкорлигидан бўлмаган озиш юрак мизожининг бузилганига белги бўлади; агар шу ҳолда хафақон ҳам пайдо бўлса, белги тўла-текис бўлади, агар у ҳушдан кетишга бориб тақалса, мизож бузилганлиги кучайган бўлади.

Юракда моддасиз совуқ ё иссиқ, ёки қуруқ мизож бузилиши кучайса, бадан силлиқ ва озиш йўлига киради, бузилган мизож иссиқ бўлса, умуман ингичка оғриқ касалига учратади, совуқ бўлса, ингичка оғриқнинг кекса ва жуда қариб заифлашиб кетган кишиларда бўладиган бир турини келтириб чиқаради, қуруқ бўлса, сил ва ингичка оғриқ касалликларини келтириб чиқаради; бу сил ўпкадан бўладиган силдан бошқача бўлади, чунки бунда ўпканинг ўзи зарарланмайди, бунга йўлиққан кишида йўтал ҳам бўлмайди, иссиғи йўқлигидан иссиқ ингичка оғриқ касаллигидан ҳам бошқача бўлади.

Юракдаги бузилган иссиқ мизожнинг белгиси: томир уришининг тезлиги ва кетма-кетлигининг табиийликдан ортиб кетиши, нафаснинг одатдагидан кўра кўпроқ тез ва кетма-кет бўлиши, совуқ ҳаво билан тўхтайдиган кучли ташналик, салқинда роҳатланиш, бошқа бирон сабабсиз баданнинг умумий озиши ва эриши, алангаланиш билан бирга бўлган ғамгинлик ва беҳузурликдир.

Бузилган совуқ мизожнинг белгиси томир уришининг одатдагидан кўра кичиклиги, сустлиги ва сийраклигидир; лекин қувват тушиб бошқа йўл билан қопланмаган ҳожатни қоплаш учун кетма-кет нафас олишга мажбурият туғилса, (у, белги бўлмайди).

ЮРАКНИ ДАВОЛАШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Юрак дорилари ҳақида бизнинг алоҳида мақоламиз бор; табобатни ўрганиш билан бирга табобатдан кўра умумийроқ бўлган қоидаларни ўрганган кишининг ўша мақоладан фойдаланиши мумкин. Аммо бу ерда фақат тиб китобларида айтилиши керак бўлган қоидаларга ишорат қилиб ўтамиз: юрак бошқарувчи аъзо ва ҳамма бошқарувчи [аъзо]ларнинг энг биринчиси ва энг муҳи-

ми бўлганидан уни дорилар билан даволашдаги дадиллик, юрак хилтини бўшатмоқчи бўлсак ҳам ёки мизожини алмаштирмоқчи бўлсак ҳам, катта эҳтиёт билан бирга бўлиши керак. Томирдан қон олишга ўхшаш бўшатишга келсак, биз у билан даволашга киришганимизда тозаловчи бошқа тадбирлар билан қўшиб қилишга эҳтиёж сезмаймиз, балки бизга кўпроқ лозим бўладиган нарса ундай бўшатишни ҳаддан ташқари қўллаб, касалнинг қувватини тушириб юбормаслик ва агар қувват озгина сусайиб [юракнинг] совуқ ёки иссиқ мизожи сабабли кучсизланганда уни кўтарувчи нарсалар билан кучайтиришдир. Бу фақат қон олишгагина тегишли эмас, балки қон олишда гарчи қаттиқроқ эҳтиёт қилинса ҳам, бошқа ҳамма бўшатиш тадбирларига ҳам тегишлидир. [Қон олишдан] бошқа тадбирларни ишлатишга эҳтиёж қолмаслигининг сабаби қон олишнинг юракка бориб тушадиган дори билан бўлмаслигидадир; шу билан бирга юракда бўладиган тўлиқликларнинг кўпи қон ва буғдан бўлиб, томирдан қон олиш ҳар иккаласининг ҳам зарарини қайтаради. Агар тўлиқлик қондан бўлса, ўнг *бослиқдан*, буғдан бўлса, сўл *бослиқдан* [қон олинади].

Дорилар билан бўладиган бўшатишларга келсак, бунда юқорида айтилган тадбирга бошқа тадбирларни ҳам қўшиш керак, чунки бўшатувчи дориларнинг кўпи баданга қарама-қарши бўлганидан, уларни юрак дорилари билан биргалаштириш керак, юрак дорилари эса ўз хоссалари билан юракка қувват берадиган дорилардир. Юрак хилтини бўшатишда ишлатиладиган дориларга юракка муносиб бўлган тарёклик ва бодзаҳрлик дорилар аралаштирилади. Ўша дориларнинг кўпи, ҳатто жуда кўпчилиги, бошқа томондан ҳам фойда етказди: улар бўшатувчи дориларни юракка ўтказди ва юракдан бошқага [ўтишдан] қайтаради.

Юрак мизожини алмаштиришда совуқ, ё иссиқ, ё ҳўл, ёки қуруқ мизожга алмаштириш тадбири ишлатилади. Совуқ мизожни алмаштирмоқчи бўлсак, иссиқлик дориларни юрак иссиқлик дорилари билан аралаштириб ишлатамиз; шу билан бирга шу дориларнинг юрак хилтини қаттиқ қўзғатиб юбормаслиги кўзда тутилади, акс ҳолда хилт юрак танасини ел ёки шиш пайдо қилувчи модда ва бошқа нарсалар билан тортиштиради. Иссиқ мизожни алмаштирмоқчи бўлсак, совутувчи дориларни ишлатиш билан чегараланмаймиз. Чунки юракнинг яратилишига сабаб бўлган модда, яъни юракка қуйи-

дадиган руҳ моддаси иссиқ модда бўлиб, унинг иссиқлиги баданга зарарли ҳароратдан бошқа бўлган туғма ҳароратдир. Юрак мизожининг иссиққа айланиб бузилиши сабабли шу руҳ моддасида камайиш, тарқалиш, тутунсимон бўлиш ва хираланиш пайдо бўлади; шу пайтда юрак танасига ўзининг иссиқлиги билан, тўғрироғи иссиқлик биргалашиб келувчи алоҳида хусусияти билан туғма иссиқликини кучайтирувчи иссиқ дорилар билан аралашмаган бирор сўндирувчи дори бориб туша берса, у тармоқ, яъни юрак танасига фойда қилса ҳам аслга, яъни руҳга зарар қилиши мумкин. Юрак танасининг иссиғини мўтадиллаштириш билан бирга руҳнинг иссиқлиги зарарланса, унинг фойдаси нима бўлар эди? Шунинг учун қадимги олимларнинг ичида юракнинг бузилган иссиқ мизожига ва у мизож сабабли пайдо бўладиган [касалликларга] даво ишлатишда совуқлик дориларни иссиқлик дориларга аралаштирмасдан ишлатганлари учрамайди. Чунки улар, табиат кучли бўлса, совутувчини иситувчидан ажратиб совутувчи дориларга аралаштирмасдан ишлатганлари учрамайди. Чунки улар, табиат кучли бўлса, совутувчини иситувчидан ажратиб совутувчи дориларни юракка, иситувчиларни эса руҳга етказишига ва натижада, [юракнинг ҳарорати] мўтадил бўлиб [руҳнинг ҳарорати] ошишига ишонганлар. Улар говзабон каби ўз хоссаси билан руҳни кучайтирадиган ва мўтадил ёки мўтадилликка яқин дорини учратганларида ундан кўп фойдаланганлар; аммо табиат кучсиз бўлса, ҳеч бир тадбир фойда қилмайди.

Тоҳо [қадимги табиблар] совуқлик юрак дорилари моддасининг оғирлиги, сингишининг камлиги, табиатнинг сингишга эмас, тўхтаб қолишга мойиллигини билганликларидан юрак иссиқлик дориларини ишлатишга муҳтож бўлганлар, уларни биргалаштириб олиб ўтадиган юрак иссиқлик дорилари билан аралаштириб ишлатганлар, шунда улар табиатнинг [совутувчи] дориларни юракка етказишига ёрдамлашади. Масалан, улар заъфаронни кофур кулчаларининг ҳамма таркибларига аралаштирадилар, шунда бошқа қўшимчаларни заъфарон юракка ўтказишади. Сўнгра табиий куч заъфаронни юракдан қайтариб, руҳ билан машғул қилади; совутувчилардан эса [юрак] мизожини мўтадил қилиш учун фойдаланилади. Бундай қилиш нуқул совутувчи дориларни ишлатиб, кейин уларнинг йўл бошида тўхтаб қолиб ўта олмай туришларидан кўра фойдалироқ-

дир. Узи билмасдан, қадимгиларнинг хатосини тузатаман деб, кофур кулчаларига заъфаронни қўшмайдиган табиблар кофур кулчаларининг фойдасини камайтириб қўядилар. Юрак иссиқ мизожига қарши ҳўл меваларнинг қайнатиб қуюлтирилган шираларини, айниқса Шом олмасининг ва беҳининг сувини ичириш билан ҳам даво қилинади; улар жуда яхши даво. Яна, биз келгусида баён қиладиган ўшаларга ўхшаш нарсалар билан ҳамда юракни кучайтирувчиларга қўшиладиган сўндирувчи суюқ ва қуюқ суртма дорилар билан даво қилинади. Агар мизож [бузилишининг] сабаби модда бўлса, бўшатилади.

Юракнинг бузилган совуқ мизожини эса биз келгусида баён қиладиган катта маъжун дорилар билан, райҳоний шароб, мўътадил бадантарбиялар, юракка ишлатиладиган иссиқлик, хушбўй қуюқ ва суюқ суртма дорилар билан ва ҳазм бўладиган миқдордаги иссиқлик овқатлар билан даволанади. [Мизож бузилишининг] сабаби модда бўлса, бўшатилади.

Юракнинг бузилган қуруқ мизожини ҳўлловчи овқатни кўп едириш, сўнгра ҳаммомга тушириш, ваннада чўмилтириш, дам олиш, кам ҳаракат қилиш, тинч қўйиш ва совуқ сув ичириш билан даволаш керак. [Бузилган мизожда] совуқлик бўлса, жуда совуқ бўлган сувдан сақланилади; овқат ва ичимликлар мўътадил миқдорда берилади, иссиқ овқатдан кейин кўпгина ухлатилади. Сабаб модда бўлса, уни бўшатилади. Бу ҳақда ингичка оғриқ ва сўлиш касаллигини даволаш тўғрисида сўзлаганимизда тўлароқ биласан.

Юракнинг бузилган ҳўл мизожини эса енгил овқат, қуритувчи дориларни ишлатиш, мўътадил бадантарбияларни кетма-кет ва кўп қилиш билан даволанади; модда сабаб бўлса, уни бўшатилади; кўпинча овқатдан илгари бадантарбия қилдирилади, ҳаммомга ва иссиқ булоқ сувларига туширилади, иссиқ сувга кўп тушиб турилади, сурги дорилар, сийдикни ҳайдовчи дорилар истеъмол қилинади, кучли ва райҳоний хушбўй шаробдан оз-оз истеъмол қилиб турилади ва яхши каймусли овқатлардан кўп эмас, оз миқдорда истеъмол қилдирилади. Агар [у мизожда] иссиқлик бўлса, ҳаммомдан сақланилади, жинсий алоқани чекланилмайди. [Мизож бузилишининг] сабаби ҳўл ёки иссиқ модда бўлса, уни бўшатилади.

Юракка ишлатиладиган дорилар. Юракка ишлатиладиган дориларни тўла-тўкис қилиб оддий дорилар лавҳаларининг «Нафас аъзолари» лавҳасидан териб

асосийларини баён қиламиз ва айтамизки, [оддий дориларнинг] мўътадилликка яқинлари ёқут, қора маржон ва феруза, олтин, кумуш ва ғавзабондир. Уларнинг иссиқлари эса дорунак, парпи, мушк, анбар, ёввойи занжабил, ипак ва заъфарондир; иккала хил баҳман тез фойда қилади, қаранфул эса жуда ажойиб дори.

Совуқ дорилар эса марварид, каҳрабо, маржон, кофур, сандал, қизил гул, *табошир*, муҳр лойи, олма, қуруқ ва ҳўл кашничдир.

ХАФАҚОН ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

Хафақон юракда пайдо бўладиган учганга ўхшаш бир ҳаракатдир. Унинг сабаби юракка азият берувчи ҳар бир нарса бўлиб, у юракнинг ўзида, ё унинг филофида бўлади, ёки юракка у билан ёнма-ён турган ва ҳамкор аъзолардан келади.

Хафақон гоҳо хилтли моддадан, гоҳо моддасиз [сода бузуқ] мизождан, гоҳо шишдан, гоҳо узлуксизликнинг бузилишидан бўлади, баъзан эса чет бир сабабдан ва гоҳо қаттиқ ҳисдан бўлади.

Хилтли модда гоҳо қондан, гоҳо рутубатдан, гоҳо савдодан, гоҳо сафродан ва гоҳо елдан иборат бўлади; охиргиси энг енгил ва [даволаниши] энг осондир.

[Моддасиз] сода мизождан бўладиган [хафақонга] келсак шуни айтиш керакки, ҳар бир кучайган мизож юракда кучсизликни келтириб чиқаради; ҳар бир кучсизлик эса, юракда қувватнинг қолдиғи бўлганда, унда бир қадар изтироб пайдо қилади — гўё юрак ўзидан зарарни ҳайдамоқчи бўлади ва [натижада] хафақон пайдо бўлади. [Хафақон] ҳаддан ташқари бўлса, хушдан кетишга ўтади, беҳушлик ҳаддан ташқари бўлса, ҳалок қилади. Баъзан ҳар бир бузилган сода [моддасиз] мизож ҳам хафақон пайдо қилаверади.

Шиш бошланишидан хафақон пайдо қилади, кейин беҳушликни келтиради. Сўнгра эса ҳалок қилади. Совуқ шиш [ҳам] иссиқ шиш ҳолига яқинлашади; баъзан [ҳалокатни] бир оз кечиктиради. Узлуксизликнинг бузилиши ҳам қон ва руҳнинг юракка борадиган йўлларида, юракнинг ён-берида ва ўпка бўлаклари ҳисобланган қаттиқ томирларда бўладиган тикилмалар ҳам шундай. Четки сабабдан бўладиган хафақоннинг мисоли тинкани қуритадиган оғриқлар, юқорида айтилган [юракка] ёндош шишлар моддасининг [юракка] кўчиши ва заҳар ичишдан пайдо бўладиганидир; яна жони-

ворларнинг чақишларидан пайдо бўладиган, ичда бўладиган гижжалардан, айниқса улар овқат ва ахлат тўхтайдиган жойларнинг тепаларига чиққан вақтда пайдо бўладиганидир.

Юрак сезгисининг нозиклигидан бўладиган хафақонга келсак, у юраги шундай бўлган кишида юрак билан унинг ғилофи ўртасидаги бўшлиқда, ё ғилоф жисмида ёки унинг томирларида пайдо бўладиган озгина елдан, шунингдек юракка бориб тақаладиган озгина совуқ ё иссиқ кайфиятдан, ҳатто юрак ишларини кучсизлантирмаса ҳам, сув ичишдан кейин пайдо бўлади.

Ҳамкорлик сабабли бўладигани эса, ё иситмаларда, айниқса вабо иситмаларида бўлгани каби бутун бадан ҳамкорлиги билан бўлади. Ё юқорида айтиб ўтилган маймун ва хўрозда пайдо бўлгани каби [юрак] ғилофида бўш ё қаттиқ шиш пайдо бўлганда юрак ғилофининг ҳамкорлиги билан бўлади, ёки меъданинг ҳамкорлиги билан бўлади: меъда оғзида ёпишқоқ, шишасимон хилт ёки ачиштирувчи сафро [хилти] бўлади ёки меъдада овқат бузилиб қолади. Гоҳо меъдадаги хилт ё унинг оғзидаги тошма яралар ёки қаттиқ қусишдан кейин бўладиган бўшашув сабабли меъда ҳамкорлиги билан хафақон зўраяди, ҳатто шу [ҳамкорлик хафақони] билан юракнинг ўзидаги [сабаб билан бўладиган хафақонни] ажратиб бўлмайди. Баъзан меъда оғзида кетма-кет учиш бўлади. Бу, юрак хафақонига жуда ўхшайди.

Гоҳо ўпканинг юракка ёндош томонида тиқилмалар кўпайиб нафас керагича ўта олмагач, ўпканинг ҳамкорлиги билан хафақон пайдо бўлади; бу хафақон омон кўймайдиган нафас сиқилишидан дарак беради.

Гоҳо бухрон сабабли ва бухрон пайтида хилтларда пайдо бўладиган ҳаракатлар сабабли хафақон пайдо бўлади. Уни келгусида ўз жойида баён қиламиз.

Киши бирон касалликдан кейин хафақондан шикоят қилса, у кишида ўқчиш ва кўплаб сафро ташлаш пайдо бўлиб ва кўнгил айнаши босилмаса, бу ёмон ва меъданинг тиришувидан дарак беради.

Белгилар. Хафақоннинг ҳамма [турлари]га катталик, кичиклик, тезлик, сустлик, сийрак ва кетма-кетликда чегарадан ўтган нотекис томир уриши белги бўлади. Бу томир уриши, кўпинча ҳарсиллаш касаллигига учраган кишиларнинг томир уришига ўхшайди.

Рутубатдан бўлган хафақонга томир уришининг юмшоқлиги, кишининг ўз юрагини рутубат ичида тўл-

ғанаётгандай сезиши далолат қилади. Қондан бўладиганига ҳарорат ва алангаланиш белгилари, томир уришининг хафақон бўлмаган вақтда [ҳам] тезлиги ва катталиги далил бўлади; ундай кишиларга жинсий алоқа фойда қилади, совуқдан бўладиганида бунинг аксичадир. Сафродан бўладиганига, — бу кам учрайди, — кейинидан келадиган сафровий касалликлар, томир уришининг қаттиқлиги ва кучли аланга далил бўлади. Савдодан бўлган [хафақонга] ғамгинлик, қўрқиш ва томир уришининг қаттиқлиги белги бўлади. [Моддасиз] оддий елдан бўладиган [хафақонга] унинг тез тарқалиши, енгил ўтиб кетиши, томир уришининг кам нотекислиги далолат қилади. Юрак моддаси ёки филофидаги шишдан бўладиган [хафақонга] иккала хил [иссиқ ва совуқ] шишларнинг айтиб ўтилган белгилари далил бўлади. Узлуксизликнинг бузилишидан бўладиган хафақонга эса унинг сабаби далил бўлади. Заҳарлардан ва жониворларнинг чақишидан бўладиганига, бошқа сабаблар мавжуд бўлмаса, ўша нарсаларнинг сабаблари далил бўлади. Гижжалардан бўладигани ҳам шундай. Моддасиз [бузуқ] иссиқ мизождан бўлган [хафақонга] юракнинг рутубат ичида типирчилаши сезилмай туриб қаттиқ алангаланиш, [хафақон] қўзғолмаган вақтда ҳам томир уришининг тез ва кетма-кетлиги, моддасиз қиздирувчи сабаблар ортидан, ҳамда ингичка оғриқ ва шунга ўхшаш касалликлар вақтида пайдо бўлиши далил бўлади. Моддасиз совуқ мизождан пайдо бўлган хафақонга унинг сабаблари, [яъни] туғма иссиқликни сўндирувчи бўшатишлар, совутувчи касалликлар, ҳаво ва бошқалар, хафақон бўлмаган пайтда томир уришининг суст ва сийрак бўлиши белги бўлади. Тиқилмалардан бўлганига тўлиқлик белгилари бўлмаслиги билан бирга томир уришининг кичиклик, катталиқ, кучсизлик ва кучлилиқда нотекис бўлиши далолат қилади.

Юрак сезгисининг нозиклигидан, унда туғиладиган озгина елдан ва юракка етадиган кичик азиятдан пайдо бўладиган хафақонни томир уришининг кучлилигидан, нафаснинг соғлигидан ва бошқа аъзоларнинг соғломлигидан билинади; шундай хафақонга томир уришининг кучлилиги ва катталиги энг яхши далил бўлади; бу ҳолни шу хафақоннинг кетма-кет бўлиши билан бирга баданнинг соғломлиги, қувватнинг сақланиб туриши, [аъзоларнинг] одатдаги ишларининг соғлиги қувватлайди. Бундай хафақон кўпроқ вақт юзларида озгина бўлса ҳам шодлик, ғамгинлик, ташвиш, ғазабланиш ёки

шуларга ўхшаш ҳиссий кечиринмаларнинг белгиси кўриниб турадиган кишиларда пайдо бўлади. Бутун баданнинг иситма вақтидаги ҳамкорлиги билан бўладиган [хафақонга] келсак, у бухрондан бўладиган хафақон каби маълумдир.

Меъданинг [ҳамкорлиги] сабабли бўладиган хафақонга меъда аҳволининг белгилари, иштаҳа, меъдадан ташланувчи нарсалар, турли хаёллар, кўнгил айнаш, ич оғриқлари, қорин бўш пайтида [хафақоннинг енгилланиши, — лекин қорин бўш пайтида меъда оғзига қуйиладиган сафро сабабли бўладигани енгилланмайди] ва овқат ҳазм бўлаётган пайтда унинг қаттиқлашуви далил бўлади.

Ўпканинг ҳамкорлиги билан бўладиган [турида] киши ҳарсиллашга учрайди, у кишида ўпканинг рутубатли эканлиги ва ўз жойида баён қилинган ўпка йўллариининг тўсилганига далолат қиладиган белгилар бўлади.

Гижжалар сабабли бўладиганига ўз бобида эслатиладиган белгилар далил бўлади; сўлак оқиши, меъда оғзининг тишлангандай ёки нарса санчилгандай бўлиб тўсатдан оғриши ҳам унинг далилларидандир.

Хафақонни умумий даволаш. Турли бўшатишлар моддадан бўладиган ҳамма хафақонга ҳам фойда қилади. Қондан бўлганида томирдан кўп миқдорда қон чиқарилади, овқатнинг миқдорини ва сифатини мўътадил қилинади. Агар хафақоннинг тутиш пайтлари, масалан, баҳор фаслида кўпайиши маълум бўлса, тутиш пайтидан бурун томиридан қон олдириш, енгил овқат еб туриш ва юракни кучайтирадиган [дориларни] истеъмол қилиш керак.

Хафақон балғам хилтидан пайдо бўлса, таъсири юракка борадиган дорилар билан бўшатиш керак; ундай дориларнинг энг мувофиқ келадигани ёпишқоқ рутубатларни бўшатувчи катта *иёражлардир*.

[Агар хафақон гавданинг] узоқ еридан келаётган савдо аралашган қондан бўлса, томирдан қон олинади ва савдо туғилмаслиги учун жигар [мизожи]ни ўз бобида айтиладиган нарсалар билан мўътадил қилинади. Агар фақатгина савдо хилтидан бўлса, Руфус *иёражи*, *луғозиё* ва узоқ жойдан савдо хилтини тортиб бўшатадиган ҳамма дорилар унга илож бўлади; ундан кейин мизожни мўътадил қилишга киришилади.

Совуқ хафақонни иситувчи дорилар билан, иссиқ [хафақонни] совутувчилар билан, айниқса уларнинг юракка ишлатиладиганлари билан даволанади.

Меъда ҳамкорлиги билан бўлган хафақонни агар у қуюқ хилдан бўлса, овқатдан кейин турп суви ва *сиқанжубин* каби машҳур латифлаштирувчиларни ишлатиб қусдириш билан даво қилинади, ундан кейин катта *иёражлар* билан, масалан, *луғозиё* ва *тиёдаритус иёражлари* билан; шунингдек Абу Жаҳл тарвузининг эти, дарахт пўкаги ва девпечак қўшиб кучайтирилган *иёраж фикро* билан сурги қилинади.

Хафақон ачиштирувчи сафро сабабли пайдо бўлса, уни меъдани кучайтириш билан даволанади, меъдани эса меваларнинг қайнатиб қуюлтирилган ширалари, хушбўй мевалар, масалан, олма, беҳи кабилар билан, айниқса овқат егандан кейин, нок ва шуларга ўхшашлар билан кучайтирилади; яна ични юмшатилади ва ўт хилтига айланадиган нарсалардан сақланилади, меъданинг [мизожини] мўтадил қилиш тадбири ишлатилади. Шунингдек, меъдада овқат бузилганда, биз меъда бобида баён қиладиган дорилар орқали унга бузилган нарсани ҳазм қилдирувчи куч бериш керак. Шу тадбирлар билан хафақон сабабини кесканингдек, таъсирланувчини, яъни юракни, [зарарли] таъсирни қабул қилмайдиган [даражада] кучайтирасан. Таъсирланувчи аъзони кучайтирмасдан сабабини кесиш билан чекланиб турилмайди, балки айни замонда юракни ўз дорилари билан даволаш керак бўлади. Хафақон вақтида бир қанча вақтгача кетма-кет кечалари ухлаш олдида бир *мисқол* вазнда говзабон ичиш зўр фойдали ишлардандир. Хафақонда бир *наво* катталиги ва оғирлигидаги эракак қаранфилни ўн икки *мисқол* янги соғилган сут билан наҳорга ичиш [ҳамда] агар иссиқ бор бўлса, бир *мисқол* марзанжўшни совуқ сув билан, иссиқ бўлмаса шароб билан кетма-кет бир неча кун ичиш ҳам синалган тадбирлардандир.

Хафақонга учраган киши ҳиди ўзига ёқадиган хушбўй нарсаларни ўзи билан бирга олиб юриши, уларни доимо тутатиб ва ҳидлаб туриши керак. Иссиқ хафақонли киши ўша нарсаларга гул, кофур, сандал ва совуқлик ёғларни кўпроқ қўшади, ҳарорати латиф бошқа дорилардан, масалан: мушк, заъфарон ва қаранфилдан бир оз аралаштиради; лекин [ҳарорат кўпайиб] иш қийинлашса, совуқликлар билан чекланади. Агар у кишининг мизожи совуқ бўлса, мушк, анбар, бон ёғи, цитрон ёғи, кофур суви, *фолия* ва шуларга ўхшашлар фойда қилади. Яна тутатқи ва хушбўйликлар ва мизожга қараб уларга ёқадиган дорилар ишлатилади.

Юракка ишлатиладиган иссиқлик ва совуқлик дориларни сенга санаб кўрсатиб сўзни кўпайтирмаймиз, сен уларнинг ҳаммасини оддий дорилар ичида «Нафас аъзолари» жадвалларидан топасан. Умуман ҳар бир хушбўй дори юрак дориси ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам биз ўша дориларни шу мақсад учун ишлатганда қайсиларини олдинга қўйиш кераклигини айтиб ўтдик.

Кўнгил айнаш билан бирга бўладиган хафақонга келсак, ундай хафақоннинг ёмон эканини баён қилдик, унинг иложи, айниқса иситманинг қолдиғи бўлса, арпанинг иссиқ сув билан ювилиб кейин совутилган толқонини ўн *дирҳам* вазндаги шакар билан [аралаштириб] ичишдир. Бу қустирса ҳам фойда қилади. Уқчишни кўпайтириши сабабли шакар унга хуш кўрилмаса, унинг ўрнига анор дони олинади. Қасалнинг иккала почасини боғланади, кофур ва шунга ўхшаш нарсаларни сирка билан қўшиб ҳидлатилади, унинг кўкрагига иккала хил сандал, кофур ва шунга ўхшашларнинг суви билан ҳўлланган латталар ёпилади.

Кўпинча хафақон қўзғалиб, кейин [кишининг ичида] бир нарса ўнг ва чап томондан қуйига қараб йўналгандай бўлади ва хафақон тўхтайтиди.

БЕХУШЛИҚНИНГ ТУРЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ТУСАТДАН УЛИШНИНГ ВАЖҲЛАРИ

Беҳушлик ҳаракат қилдирувчи ва сезувчан қувватлардан кўпчилигининг, юракнинг кучсизланиши ва руҳнинг ичкарига томон ҳаракати ёки унинг ичкарида қамалиб қолиб чиқишга йўл тополмай қолиши сабабли бутунлай юрак томонда тўпланиши натижасида ишламай қолишидир. Яна руҳнинг озайиши ва сийраклиги унинг чиқадиган жойида мавжуд бўлганидан ортиқча [миқдорда] бўлмаслиги ҳам беҳушликка сабаб бўлади. Яна сен, шу вақтгача текширганларингдан биласанки, модданинг кўплиги ёки тикилма пайдо қилиши сабабли бўладиган тўдиқлик; ёки руҳни тарқатувчи бўшатиш; ёки руҳни тарқатувчи бўшатиш; ёки шошилиб тарқалаётган нарса бадалининг йўқлиги ва қаттиқ оч қолиш ҳам бунга сабаб бўлади. Очликка ҳеч чидолмайдиган одамлар болалар ва уларга ёш жиҳатидан яқин турувчилар, кексалар ва эндигина касалликдан турганлар каби касал ҳам эмас, соғ ҳам эмас деб аталувчи кишилардир. Аммо ёшлари бориб қолган кишилар очликка

кўпинча [яхши] чидайдилар. Қишда очликка ёздагидан кўпроқ чидаш мумкин. [Беҳушликка] яна ўрнашиб қолган бузуқ мизож, кучли [мизож бузилишининг] тўсатдан пайдо бўлиши, қаттиқ оғриқ, бошқарувчи аъзолар қувватининг, айниқса юрак, сўнгра мия, сўнгра жигар қувватининг кучсизланиши, ёки меъда оғзи каби юракка ҳамкор [бўлувчи аъзо]нинг кучсизланиши, ёки бутун баданнинг кучсизланиши, озиши, нозиклашиши, ёки бошқа жойда айтилганидек бирон хил руҳий кечинманинг юз бериши [сабаб бўлади]. Бу нарса кўпроқ, кексалар, кучсиз [киши]лар ва эндигина касалликдан турганларда воқе бўлади. Яна моддаси билан юрак ва руҳ мизожига қарама-қарши бўлган қувватнинг юрак ва руҳга бориб етиши, чунончи, сасиган қудуқ [ҳавосини] ҳамда ваболи иситмаларда бўладиган бузилган ҳавони ҳидлаш, ўлган нарсаларнинг сассиғини ҳидлаш ва турли заҳарларнинг қуввати юракка таъсир қилиши натижасида ҳам беҳушлик пайдо бўлади. Баъзан артериянинг ҳамкорлиги билан бўлади, меъда оғзига чиқувчи гижжалар сабабли пайдо бўладиган беҳушлик ҳам шулар жумласидандир.

Энди бу ҳақда муфассалроқ гапиришимиз керак, шунинг учун айтамикки, моддаларнинг беҳушлик пайдо қилиши, [уларнинг] кўпайиб кетиб, руҳ йўлларини тўсиб қўйиши ва бутун руҳни юракка қамаб қўйиши ва натижада, унинг деярли бўғилиб қолиши сабабли бўлади; яна кўп миқдордаги хилт ё кўп қоннинг меъда оғзига, кўкракка ва шунга ўхшаш [аъзоларга] қўйилиши, ёки томоқ оғриғи, зотилжам ва ўпка яллиғланишидаги шиш моддасининг тўсатдан юрак томонга кўчиши ҳам шу сабаблардандир. Ёки [модда] тери тешикларига тикилиб йўлларни, айниқса нафас аъзоларидаги йўлларни тўсиб [беҳушлик пайдо қилади]. Баъзан, модда кўплиги билан таъсир кўрсатмаса ҳам бадан томирларининг ҳаммасига умумий бўлган тиқилма пайдо бўлади. Баъзан [модда] жуда совуқ ё жуда ачиштирувчан, ёки жуда куйдирувчан табиати билан кучли азият бериб [беҳушлик пайдо қилади]. Иситма тушишининг бошида воқе бўладиган беҳушлик шу турдандир; бунга қуюқ, ёпишқоқ, ачиштирувчан ёки куйдирувчи хилтлар сабаб бўлади. Гоҳо, шу [хилтлар] юрак яқинида, баъзан эса мия каби юракка ҳамкор [бўладиган] аъзоларда бўлади. Мияда тўла тиқилма пайдо бўлса, сакта касали юз бериб, албатта беҳушлик пайдо бўлади. Гоҳо илгариги бирор сабаб билан ёки меъда кучсиз-

лигидан совуқ ё иссиқ моддаларнинг меъда оғзига тортилиши сабабли ўша хилтлар меъдада бўлади.

Гоҳо баданнинг қаерида бўлмасин, ундаги томирларда тиқилмалар кўпайиб, натижада беҳушлик пайдо бўлади.

Бу хил ўлдирувчи моддалар кўпинча ҳаддан ташқари [кўп] ейиш ва ичишдан, ҳазмнинг ёмонлиги сабабли кетма-кет меъда бузилишидан пайдо бўлади. Бунинг натижасида томирларни тўлғизадиган ва нафас йўллари тўсадиган [хилтлар] баданга ёйилади. Шу кўпайган моддалар баданни озиқдан маҳрум қилиши жиҳатидан ҳам беҳушликнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Чунки улар яхши озиқнинг йўлини тўсади, аммо ўзлари озиқ бўлмайди, чунки улар кўп бўлгани сабабли табиатдан кучлилиқ қилади ва ундан таъсирланмайди. Шу билан бирга ўша [кўпайган моддалар] сабабли бадан мизожи бузилади. Кўплиги ёки ёмон [сифати] билан беҳушликни пайдо қиладиган моддалар меъдада пайдо бўлиб, миқдори ёки ёмон [сифати] кўп бўлмаса, беҳузурликни келтириб чиқаради.

Ҳаддан ташқари [кўп] бўшатиш сабабли бўладиган беҳушлик эса, руҳнинг бўшатилаётган нарсага эргашиб у билан қўшилиб бўшатилиши ва шу билан унинг кўп қисмининг тарқалиб кетиши натижасида юз беради. Бундай ҳол *зараб*, ё кетма-кет сурги қилиш, ёки меъда ва ичакнинг сирғанчиқлиги, ё ичак шилиниши сабабли ич кетишдан бўлади, ёки кўп қусиш, бурун қонаши, орқа тешикдаги томирларнинг оғизлари ва шунга ўхшаш бошқа бирор аъзодан қон кетиши, ё жароҳат сабабли [кўп қон кетиши], ё истисқо сувининг оқизилиши, ё бир йўла кўп [йиринг] оқиб кетсин деб йирингли шишларни ёриш, ёки ҳайз ё туққандан кейинги қоннинг тўхтамай оқиши, ё бадантарбиянинг кўп қилиниши, ё қаттиқ терлатувчи иссиқ ҳаммомда узоқ туриш, ҳаддан ташқари кучли ва ўзидан-ўзи пайдо бўладиган терлатувчи сабабларнинг биронтаси юз берганда, масалан, ҳарорат, ёки баданнинг ҳаддан ташқари ғоваклиги, ёки хилтларнинг модда ва табиатлари жиҳатидан суюқ бўлиши каби терлатишга ёрдам берувчи сабаблар мавжуд бўлганда шундай бўлади. Беҳушлик хилтларнинг бўшатилишидан пайдо бўлганда, агар [гавданинг] ҳаётий қуввати ҳали кучли бўлса, хавfli бўлмайди; масалан, томирдан қон олинганда юз берадиган беҳушлик шундай.

Оғриққа келсак, у ҳам руҳни ҳаддан ташқари [кўп] тарқатиши сабабли беҳушлик пайдо қилади; масалан,

ичак буралиши, қуланжда шундай бўлади; меъда оғзи, ичак ва шуларга ўхшаш сезувчан аъзоларда пайдо бўладиган ҳаддан ташқари ачишишда ҳам шундай; [яна] асабларнинг жароҳат ва яраларида, ёки асаблар устини чаён ё ари чаққанда; ўз атрофидаги қисмлар билан ишқаланадиган бўғинларга зарарли моддалар қўйилиши сабабли у ерда пайдо бўладиган яраларда ҳам [шундай оғриқ бўлади]. Югурук яраларнинг оғриқлари ҳам шундай, чунки улар ўткирликлари ва ўйиб ейишлари сабабли қаттиқ оғритиб ҳушдан кетказди; у [яралардан] аъзолар бузилади, ҳатто бу нарса ўлимга олиб келади — [у яралар] аввало оғритиб беҳуш қилади; кейинчалик юракни қаттиқ соғутиб, ёки [ўша яралар] аъзо каваклигидан қўзғалган заҳарли бузилган бўғин юракка келтириб ва юрак мизожини муносиб мизожга зид қилиб ўзгартириш орқали беҳушлик пайдо қилади.

Руҳий кечинмалар тўғрисида эса сўзладик ва сен уларнинг юрак ишларига қандай зарар етказишини билдинг.

Шишларга келсак, улар ички ёки ташқи [томонда] пайдо бўлса ҳам [ўзларининг] катталиклари сабабли воситаси билан юрак мизожи бузилади. Ёки шиш юрак беҳуш қилади, шунда артериялар етказадиган [хилтлар] филофи ёки юракка яқин турган бирор бошқа аъзода бўлганда ўша аъзо [ни бузади ва шу] сабабли [беҳушлик пайдо бўлади]. Бундай шиш жуда катта бўлмаса ҳам, [юракда] узоқ бўлган катта шиш қилгандек таъсир қилади. Ёки шишдан бўладиган оғриқ ҳам, агар у кучли бўлса, беҳушлик пайдо бўлади.

Меъда қандай қилиб беҳушликка сабаб бўлади? Билгинки, меъданинг турган жойи юракка яқин, шу билан бирга меъданинг сезиши кучли, яна у турли хилтларнинг йиғиладиган жойидир; меъда *булимусдаги* каби жуда совуб беҳуш қилади, ё жуда исиб, ёки жуда оғриб беҳуш қилади. Ё меъдадаги қуюқ, ёмон ва совуқ ёки ачиштирувчан ўткир модда, ёки меъда оғзидаги яралар ёки тошмалар сабабли [беҳушлик пайдо қилади].

Бошқа аъзолар қандай қилиб беҳушликка сабаб бўлади? Билгинки, бошқа аъзоларнинг беҳушликка сабаб бўлиши шуки, ё улардан юракка оғриқ етади ёки «бачадон бўғилишида» бўлгани каби юракка заҳарли буг боради; ёки бошқа аъзоларда руҳни тарқатиб юборувчи бўшатиш воқе бўлади, масалан, меъда оғзи жуда кучсизланса [шундай бўлади]. Юрак теварагидаги руҳ йўлларининг бўғилишини келтириб чиқарадиган тикил-

малар сабабли ёки бузилган кучли ёмон мизожнинг [аъзоларда] ғолиб келиши сабабли ҳам [беҳушлик пайдо бўлади], масалан, куйдирувчи ва ваболи иситмаларда [шундай бўлади]. Ҳамма аъзоларнинг ҳамкорлиги билан бўладиган беҳушликнинг биттаси шу.

Билгинки, қаттиқ беҳушликнинг иложи йўқ; айниқса юз кўкариб ва гардан эгилиб [бемор бошини] тутолмайдиган бўлиб қолганда шундай. Ҳоли шу [даража]га етган кишининг [бошини] кўтариш биланоқ ўлади.

Билгинки, бирор киши зарур бўлиб, томирдан қон олдирганда беҳуш бўлиб қолса ва у беҳушлик бўшатилишнинг кўплигидан ва қон олдирувчининг [қон олдиргандан кейин ҳушдан кетиш] одати борлигидан бўлмаса, у кишининг баданида бирон касаллик бор, ёки унинг меъдаси ўз-ўзидан ёки бирон нарса қўйилиши сабабли заифлашган бўлади. Иситмаси бор кекса кишининг меъдасига етилмаган балғам тушса, беҳушлик пайдо қилади.

Дастлаб қон олдириш натижасида киши беҳуш бўлса, у [беҳушлик] одат қилмаган нарсага тўсатдан дуч келишидан [юз берган] бўлади. Кўпинча [касалликларнинг] бухронида иссиқ модданинг меъдага йиғилиши сабабли беҳушлик пайдо бўлади.

Томирдан қон олиш кўпинча совутиш натижасида ҳам беҳушликка олиб келади.

Белгилар. Беҳушликнинг сабаблари ва оғриқни билдирувчи белгилар хафақоннинг юқорида айтиб ўтилган белгиларига тўғри келади. Агар улар кучсиз бўлса, хафақонга, кучайса беҳушликка, жуда ҳам кучайса, тўсатдан ўлишга олиб келади. Томир уриши бу жиҳатдан энг кучли далилдир. Қувват жойида бўла туриб томир уриши сиқилса, сиқувчи модда борлигига белги бўлади; унинг жуда нотекислиги, тўхтаб-тўхтаб уриши ва жуда кичиклиги қувват йўқлигини кўрсатади; унинг турли бошқа ҳолларни кўрсатувчи бошқа белгилари эса сенга маълум. Умуман, беҳушлик тўсатдан воқе бўлмаса, томир уриши аввало кичик бўлади, сўнгра қон ичкарига қараб кета бошлайди, ранг ўз ҳолидан айнайди, кўз қовоғи деярли ўзини тутолмайди, кўзнинг ҳаракати заифлашиб ранги ўзгаради, кўзга мавжуд нарсалардан ташқари хаёлий нарсалар кўринади, қўл ва оёқлар совийди, бадандан совуқ тер чиқади; [кейин] баъзан беҳушлик юз беради, баъзан бутун гавда совийди. Агар шу белгиларнинг биронтаси қон олиш, сурги ёки, албатта оғриқ пайдо қиладиган бирор бошқа [таъсирдан]

кейин бошланса, бу нарса беҳушликка олиб келмаслиги учун ундан сақланиш ва унинг сабабини кетказиш керак.

Беҳушликнинг сиртдан бўлган ёки илгари бўлиб ўтган равшан сабаби бўлмай, у билан бирга кетма-кет хафақон бўлиб турса, шунингдек меъдада [беҳушликни] келтириб чиқарадиган бирор сабаб бўлмай туриб [беҳушлик] қайта-қайта бўла берса, у, юракдан бўлаётган ва ўрнашиб олган бўлади. Аммо кўнгил айнаш ва беҳузурликдан кейин бўладиган [беҳушлик] меъдадан бўлади. Беҳушлик сурункасига давом этиб қаттиқлаша борса ва уни келтириб чиқарувчи ташқи сабаб бўлмаса, у ҳам юракдан бўлган бўлади ва касал тўсатдан ўлади.

Даволаш. Ўрнашиб олган бузуқ мизож сабабли бўладиган қаттиқ беҳушликни даволаш мумкин эмас. Ана шундай бўлмаган, балки енгилроқ ёки юракка боғлиқ бўлмаган сабаблар орқали юз берган беҳушликни эса даволаб бўлади. Беҳушлик [касаллигига учраган] киши гоҳо [ҳақиқий] беҳушликда бўлади, гоҳо беҳушлик билан ҳушёрлик ўртасида бўлади, гоҳо енгил тутадиган беҳушликда бўлади. Беҳушлик юз бериб турган ҳолатда унинг сабабини кетказиш билан шуғулланиш биз учун ҳамма вақт ҳам мумкин бўла бермайди, балки пайдо бўлган қўшимча [касаллик] ҳолатларга қарши керакли чора ишлатишга тўғри келади. Баъзан бир вақтда [баданнинг] турли қисмларига алоқадор икки қарама-қарши зарурият пайдо бўлади: аъзолардаги хилтларни озайтириш ва бўшатишимиз керак бўлса, руҳ озигини кўпайтириш ва жонлантириш зарур бўлиб қолади, чунки бу пайтда у [қисман] тарқалиб кетаётган бўлади. Беҳушлик юз берган пайтда агар «бачадон бўғилиши» бўлмаса, кўпинча дастлаб руҳни хушбўй ҳидлар билан озиклантириш керак. «Бачадон бўғилишидан» бўлган беҳушликда касалнинг бурнига сассиқ ҳидли нарсаларни, айниқса уларнинг меъда оғзига ёқадиганларини яқинлаштириш керак. Бу жиҳатдан, айниқса сафродан бўлган иссиқ [беҳушликни] даволашда бодринг ҳидлатиш синалган усулдир; сутчўп ҳам шундай. Сўнгра қувватни турғизадиган дориларни ҳўплатиб ичириб даволанади.

Агар [касалнинг] қорни оч бўлса, унга соф шароб бериш мумкин эмас, шаробни анчагина гўшт суви ёки сув билан аралаштириб бериш керак. Шундай қилинмаса, шаробдан баъзан ақл чалкашлиги ва тиришиш касаллиги пайдо бўлади.

Беҳушликнинг кўп турларини даволашда зарур тадбирлардан бири тарқалаётган руҳни тўсиб қолиш учун баданни сирт томондан зичлаштиришдир. Лекин кучли ич суриш бўлса, ёки беҳушлик қаттиқ совуқ сабабли бўлган бўлса, [бундай қилиб бўлмайди]. Агар беҳушликда совуқ сув сепиш, елпитиш, совуқ сувни, айниқса гул сувини ҳўплатиш, сандал ҳиди ўтириб қолган кийимлар кийгизиш ва совуқлик хушбўй нарсаларни ҳидлатишга йўл қўймайдиган биронта совуқ сабабнинг борлиги аниқ бўлмаса, шундай тадбирлар билан [касални], кўпинча, ҳушига келтириш мумкин. Агар беҳушлик бундай тадбирлардан кучлилиқ қилса ва [руҳни] тарқатувчи жуда иссиқ бирор ҳолатдан кейин юз берган бўлмаса, бурнига мушк пуфлаш, *Ғолия* ҳидлатиш ва *надди* тутатиш, мумкин бўлса, мушк дорисини ичириш керак.

Агар [беҳушликнинг] сабаби ҳарорат бўлса, совуқлик хушбўй нарсаларни истеъмол қилиш ва юзга совуқ сув сепиш яхши [фойда қилади]. Зарар етказувчи иссиқ мизож қаршисида совуқ нарса бўлиши учун, ўша истеъмол қилинадиган [хушбўйликлар таркибида] кофур, сандал ва бошқа кучлироқ совутувчи дорилар устун бўлса, уларга озгина мушк аралаштирилса ҳам зарар қилмайди; [мушкни] туғма иссиқни кучайтириш учун қўшилади. Совуқ сув ичирилса ҳам [ёмон бўлмайди], агар [касалнинг] ҳоли кўтарса, совуқ сувни совутилган суюқ ва латиф шароб билан аралаштириб ичириш яхшироқдир. Меъданинг оғзи [томонини] кетма-кет уқалаб ҳам турилади. Касал салқин ҳаволи жойда ётиши керак. Шунингдек, совуқ сабабдан бўлмаган беҳушликка учраганларнинг ҳаммаси, айниқса ингичка оғриқдан бўладиган беҳушликда салқин жойларда ётишлари керак.

Қўл ва оёқларга ҳамда бошқарувчи аъзоларга гул сувини ва машҳур совуқ шираларни доимо қуйиб туриш керак; совутилган шаробни албатта ичириш зарур. Агар [касалда] ҳиқичоқ ва кўнгил айнаш пайдо бўлса, унинг иссиғини кўтариш, пат билан томоғини қитиқлаб қушишни қўзғатиш ва руҳни сиртга томон ҳаракат қилдириш билан табиатга ёрдам бериш зарур. Касални доимо қимирлатиб ва баланд овоз билан бақириб-чиқириб сўзлатиб туриш, ҳамда етмак билан бўлса ҳам, аксиртириш керак; агар булар фойда қилмаса ва [касал] аксирмаса, у ўлган бўлади. Бўшатиш сабабли пайдо бўлган беҳушликда касалга иштаҳани қўзғатадиган

овқатларнинг ҳидини искатиш керак. Бироқ кўнгли айнаган ва меъда оғзидаги хилт сабабли бўладиган беҳушликка учраган кишиларга эса, уларни искатиб бўлмайди. Уларга шаробни маълум икки ҳол [иссиқ ва совуқ]га қараб совутиб ёки иситиб ҳўплатиш лозим. Шароб жуда сингадиган суюқ, хушбўй, эски ва мазаси ёқимли бўлиши, янгилгида кучли бўлган буриштириш қувватидан бир оз қолган бўлиши керак, шунда у руҳни тўплайди ва кучайтиради. Шароб жуда аччиқ ҳам бўлмаслиги керак, чунки табиат уни севмайди, шу билан бирга у қуюқ бўлмаслиги керак, чунки қуюқ бўлса, тезда сингмайди, ранги эса сарғиш бўлсин. Лекин беҳушлик бўшатилишдан, айниқса тери тешикларининг сийраклиги ва бошқа сабаблар туфайли улар орқали бўладиган бўшалишдан бўлса, қорамтир қуюқ шароб ичириш яхшироқ, чунки бунинг озиқлиги кўпроқ ва у хилтларни эрийдиган ҳолатга зид бўлган ҳолатга тезроқ ўтказади ҳам руҳни қуюқлигига тезроқ қайтаради. Аммо шундай узри бўлмаган кишиларга энг мувофиқ шароб тезроқ сингадиган шаробдир. Сен шаробни шундай синаб кўришинг мумкин: ундан озгинани татиб кўрасан, агар у суюқ-қуюқлиги яхши, ўзи ёқимли бўлиши билан бирга сингиб тез қизитса, ана шу мувофиқ ва исталган шароб бўлади.

Баъзан биз беҳушлик кучли бўлганда шаробга икки *ҳаббага* яқин мушкни ёки мушк дорисидан бир ичиш миқдорини, ё унинг ярмини, ёки учдан бирини қўшамиз; яна Қарободинда эслатиладиган мушк кулчалари ҳам қўшилади. Шундай ҳолларда агар беҳушлик ҳароратдан бўлмаса иситилган шароб жуда мувофиқ келади: у аъзоларга яхши сингади. Агар [шаробни] ноннинг қуввати билан кучайтирилса, у тезда ёйилиб кетмайди. Қарободинда беҳушликка махсус қилиб кўрсатилган беҳи қиёми у кишиларга фойдали нарсалардандир. Хушига секинлик билан келадиган кишиларга иситилган шароб ичириш зарур, бундай кишиларга ҳамда бутун гавдаси совуган кишиларга суюқ шароб ичириш керак эмас. Айниқса, шундай кишиларнинг қўл-оёқларини, меъдаларини уқалаш ва уларга иссиқ хушбўй ёғлар суртиш керак.

Беҳушлик модда сабабли бўлиб, у моддани енгиллик билан келадиган қусиш, ҳуқна ёки қон олиш орқали кайта тириш мумкин бўлса, шундай қилинади. Агар [беҳушлик] ички томонлардан бўладиган бўшатиш сабабли юз берса, қўл-оёқлар иситилади ва уларга иссиқ ва

хушбўй ёғлар суртиб ишқаланади; баъзан уларни боғлаш керак бўлади. Ҳар бир бўшатилишни тўхтатишда ўз бобида айтилган тадбирни қўллагин ва билиб ўтган нарсаларинг билан қувватни оёққа турғизгин. Қусиш билан бирга бўладиган ич кетишдан кейин шундай беҳушликка учраган кишига мушк қўшилган омила ширасини шаробга солиб ҳамда беҳи ширасини кучли гўшт суви билан шаробга солиб ичиш фойда беради. Кундур елимини ҳамда кофур билан ишланган Нишопур лойини чайнаш ҳам фойда қилади.

Агар беҳушлик терлаш ва шунга ўхшаш сиртдан бўладиган бўшатилиш билан бўлса, унинг тескариси қилинади: қўл-оёқлар совутилади, терига мирта, *қимулиё* тупроғи, анор пўстлари ва бошқа буриштирувчи нарсалар сепилади, моддани сиртга ҳеч бир қўзғатилмайди. Шу хил сепиладиган дориларни ички бўшатилишдан бўладиган беҳушлик вақтида ишлатилмайди; бўшатилишдан бўладиган ҳар бир [беҳушликда] қувватни кучайтирилади, бунинг учун айниқса эслатилиб ўтилган иштаҳани қўзғатувчи овқатлар ҳидлатилади ва шунга ўхшаш бошқа воситалар ишлатилади.

Беҳушликнинг сабаби оғриқ бўлса ва унинг сабабини йўқ қилиш мумкин бўлмаса, қуланжни *филуниё* ва шунга ўхшашлар билан даволангани каби ўша оғриққа қарши увуштирувчи дори ишлатилади. [Беҳушликнинг] сабаби заҳарлар бўлса, синалган подзаҳрларни, мушк дорисини ва заҳарлар китобида айтилиб ўтилган бошқа дориларни ичирилади. Агар [беҳушлик] сусайиб [касал] бир оз ҳушига келган бўлса, унинг тадбири ҳам аввалги тадбирга ўхшаш бўлади, лекин бу пайтда унга қўшиш мумкин бўлган қўшимчалар қўшилади. Иккала [беҳушлик] ўртасидаги умумийликнинг кўриниши масалан, хафақон бобида эслатилган ва танитилган фойдали дориларни ҳолга қараб ичиришдан иборат, аммо бу тадбирни шошилиш суръатда қўллаш керак. Бундай пайтда бўладиган қўшимчага келсак, масалан, меъда оғзида тўлиқлик бўлса, уни қустиришга ҳаракат қилинади, чунки қусиш тузатади.

Шунингдек, [меъдада] тўлиқлик бўлганда яна [касални] оч қўйиш, овқатни оз бериш, шу каби [касаллар] кўтара оладиган бадантарбия қилдириш, ҳамма аъзоларини, ҳатто меъда ва қовуғини ҳам уқалатиш керак. Унга овқат бериб оғирлаштириш керак эмас, лекин беҳушлик ҳолатида зарур [дори] бўлган шаробнигина бериш лозим. Қўп жоҳил табиблар бундай касаллар

учун овқат фойдали ва у қувватни кўтаради деб ўйлаб, уларни [кучли] овқатлантиришга уринадилар, бироқ бу билан улар туғма иссиқликни бўғиб, касални ўлдириб қўядилар. У кишиларга сиканжубин, айниқса зуфо ва шунга ўхшаш парчаловчи ва суюлтирувчи дорилар қўшиб қайнатилган сиканжубин бериш фойдалидир.

Беҳушликнинг сабаби нафас аъзолари ва уларга ёндош аъзолардаги тиқилма бўлса, [касалга] *сиканжубин* ичирилади ва унинг оёқ ва билаклари уқаланади. Шундай касалларнинг сийдикларини юргизишга ҳаракат қилинади; уларда ҳарорат бор бўлса, суюқ шароб ичирилади.

Агар беҳушлик бўшатилиш ва кучсизликдан бўлса, касалга хушбўй қилинган гўшт сувини ҳўплатиб ичирилади ва гул суви аралаштирилган хушбўй шаробда ивтирилган нонни шимдирилади. Баъзан бўшатилишдан кейин ҳарорат бўлса, [унга] совутилган айрон ичириш ҳам фойда қилади, ғўра суви ҳам шундай. Аммо энг яхши нарса цитроннинг ўз барги билан бирга қайнатиб қайнатиб қуюлтирилган ширасидир.

Хулоса: касалда беҳушликдан [кейин] беҳузурлик ва алангаланиш бўлса, ёки беҳушлик қаттиқ терлашдан юз берса, [касалга] бериладиган нарсани, ҳатто унинг иситиши мўлжалланса ҳам, совутиб бериш керак. Гўшт сувини ўзининг ўндан бирича райҳон шароби, бир оз тухум сариғи, [касал] ҳолининг кўтаришига қараб ширин, нордон, чучук ёки нордон олманинг шираси билан қўшиб қайнатиб ичирилса, фойда қилади. Касални қиздириб юборишдан қўрқиб шароб ичиришга журъат қилмасанг, унга совутилган ва ичига оқ нон солиб ивтирилган қатиқ ичирасан ва меваларнинг қайнатиб қуюлтирилган ширалари билан ишланган турли шимиладиган нарсалар билан овқатлантирасан.

Агар беҳушликка учраган киши беҳуш бўлиши билан оқ ёки беҳушликдан кейин ёки совутувчи нарсалар ичирилган пайтда ўзининг, айниқса ички аъзоларининг совуқ еганини сезса, унга *фалофилий* ёки мурчнинг ўзи билан бирга эрман берилади, баъзан уни шароб билан ичирилади. Агар даволаш тозалашни талаб қилса ва касал ҳушига келган бўлса, унинг меъдасини кучайтириш керак; бунинг учун дастлаб эрман шароби ичирилади, баъзан шароб ёки асал билан қайнатилган эрман шароби ичирилади ва меъдани кучайтирувчи мазкур қуюқ суртмалар ишлатилади, ундан кейин райҳоний шароб ичирилади ва яхши овқат берилади.

Иситмаларнинг бошланишида ва шишлар сабабли бўладиган [беҳушликни] қандай даволашни иситма касалликларини даволашни баён қилганимизда айтамыз. Умуман, ундай [касалларнинг] қўл-оёқлари уқаланади, иситилади, қувват ва модда ичга ботиб кетмаслиги учун уларни боғланади. Уларни ҳар қандай овқат ва шаробдан тийилади ва ухлатилмайди, лекин [беҳушлик] иситмаларнинг бошланишида кучсизликдан юз берган бўлса, бундай қилинмайди. [Иситма сабабли] беҳуш бўлиб қоладиган киши овқатга муҳтож бўлса [иситма] тутишидан икки ёки уч соат илгари овқат бериш керак. Овқат совутилган арпа толқони ва нордон доривор билан ейиладиган нон бўлсин; [касалга] хушбўй нарсалар ҳам ҳидлатилади. Ич тўхтаб қолса, овқатдан илгари юмшатувчи нарсалар, масалан, оқ шўрва ва шунга ўхшашлар берилади. Шундай ҳолларда олма шарбатини *сиканжубин* билан қўшиб ичиш ҳам фойда беради. Латиф овқат беришга эҳтиёж тушса, гўшт суви билан тухум сариғи, нон мағзи ва гўшт суви билан бирга суюқ ошлар берилади. Баъзан буларга озгина шароб аралаштиришга тўғри келади. Шу билан бирга меъдани кучайтиришга эҳтиёж тушса, у [овқатларга] меваларнинг хушбўй ва буриштириш хоссасига эга бўлган қайнатиб қуюлтирилган ширалари ва сиқиб олинган сувларини аралаштириш керак. Аммо [иситма] тутиб турган пайтида шароб ичирмай илож йўқ.

Нафсоний ҳодисалардан бўладиган беҳушликка ҳам айтиб ўтилган хушбўйликларни [ҳидлатиш], бурунни беркитиш, қустириш, қўл-оёқ ва меъда [усти]ни уқалаш, қоқ нон ивитилган гўшт суви билан овқатлантириш ва маълум белгиларга асосланиб керагига қараб совутилган ёки иситилган шароб бериш орқали чора қилинади. Масалан, беҳушлик кетма-кет сариқ ўт қушишдан, шунингдек оғриқдан бўлса, шаробга сув аралаштириш керак. Қуланжга хос чорани ўз бобида баён қиламыз.

Томирдан қон олишдан кейин бўладиган беҳушлик кўпинча меъда ва томирлари тор, меъдаси кучсиз кишиларда ёки баданида сариқ ўти кўпайган ва қон олдиришга одат қилмаган кишиларда пайдо бўлади. Ундай кишиларга қон олишдан бурун меъда ва юракни кучайтирадиган шарбатлардан бир оз ичириш керак. Агар улар ҳушдан кетса, юқорида айтилган чораларни кўриш ва сув қўшилган, совутилган, меъдани кучайтирадиган

ва сақлайдиган, айниқса бошқа шира билан қўшилган шароб ичириш керак.

Яна қайтариб айтишимиз керакки, гоҳо беҳушликни даволашда бир вақтнинг ўзида [икки нарсага]: бўшалишларни тўхтатиш, бўшашиб [руҳнинг] тарқалишига ёрдам берадиган аъзоларни кучайтиришга, масалан, меъда оғзини маҳкам қилиш ва унинг ўзига қуйилувчи [моддани] қабул қилмайдиган бўлиши учун, буриштирувчи дорилар [бериш]га ҳамда тезликда руҳга ўтиб уни озиқлантирувчи сингадиган қувватга, масалан, шаробга, эҳтиёж тушади. Бу [моддаларнинг] таъсири бири-бирига қарама-қаршидир, шунинг учун уларни қай вақтда истеъмол қилишни ажратиш керак. Буриштирувчини [касал] ҳушига келган вақтда ёки қувватни кўтаришга ошиқиб бошқа дорини истеъмол қилиб, унинг таъсири натижасида қувват кўтарилгандан кейин ишлатилади; иккинчисини эса қувватни кўтаришга ошғич эҳтиёж [сезилган] пайтда ишлатилади. Бундан олдин буриштирувчини ишлатилмасин, ишлатилса, [иккинчи дорининг] ўтишига тўсқинлик қилади.

Баъзан шаробдан кўра кучлироқ нарса билан озиқлантириш эҳтиёжи туғилади, айниқса беҳушлик оч туришдан ёки кўп тарқатилишдан юз берганда шундай бўлади. Сув қўшилмаган шароб баданга кирганда ақлни чалкаштириб ва тиришиш пайдо қилиб зарар келтирадиган бўлгани учун, ундай кишилар учун шароб билан ёки ҳолга қараб нордон ё ширин олма шираси билан аралаштирилган мазкур гўшт сувидан [фойдалироқ] нарса йўқ. Агар бирон тўсқинлик бўлмаса, энг яхшиси [гўшт сувига] қалампирмунчоқ ва мушк каби нарсаларни қўшишдир: меъда уларни яхши қабул қилади, унинг қуввати улар орқали кучаяди ва юрак уларни [ўзига] қаттиқроқ тортади. [Қасалнинг] овқатланганига узоқ вақт бўлган бўлса, баъзан унга ичириладиган нарсага оқ нонни ивитишга тўғри келади; яна унинг қўл-оёқларини уқаланади ва боғланади. Шунингдек, ҳар бир беҳушликда қусишни қўзғатиш фойдалидир, лекин [беҳушлик] тер ва шунга ўхшаш руҳни сиртга томон қўзғатувчи нарса сабабли бўлса, у тинч қўйишга кўпроқ муҳтож бўлади, уларни қўзғатиш, ё қустириш, ёки қўл-оёқларини боғлаш керак эмас. Ўсимлик ёки [масалан], зайтун ёғи билан қўшилган ёки шароб аралаштирилган илиқ сув уларни қустирувчи нарсалардандир. Қусишни осонлаштириш учун олдин меъдани, унинг ёни-берини ва қўл-оёқларини иситиш зарур.

Билгинки, қўл-оёқларни уқалаш, иситиш, хушбўй суртмалар суртиш, шунингдек, рум сунбулининг ёғи каби хушбўй суртмаларни ҳамда хардал ва назла ўти каби иситувчи дориларни меъда оғзининг устига суртиш қон ё хилт, ёки тўлиқликнинг бўшатилиши сабабли хушдан кетганларга, балки беҳушликка учраганларнаинг кўпига, агар беҳушлик хилтларнинг сиртга томон ҳаракатида бўлмаса, мувофиқ келади. Уларнинг поча ва билакларини бир неча марта кетма-кет боғлаш ва ечиш керак. Шу тadbирни бўшатиладиган томоннинг қаршиси ижоб этган қадар ишлатилади. Ундай [касалларнинг] қўлтиқларини боғлаш, уларга совуқ сув сепиш ва меъда оғзини уқалаш фойдалидир; бу нарсалар бўшатилишдан бўладиган ҳар бир беҳушликда ҳам [фойда қилади]. Яна сув қўшилган шароб ҳам [фойдалидир], бироқ шиш, етилмаган хилт, ич кетиш ёки бош оғриғи каби бирор сабаб шаробга тўсқинлик қилса, [шароб берилмайди]. Қувватни кучайтиришга эҳтиёж зўр бўлса, [касалга] қўрқмасдан шароб ичира берасан. Қаттиқ беҳушликда шундай қилинади.

Овқат ҳазм бўлмаслик натижасида бўладиган, шунингдек қусиш билан бирга давом қиладиган ич кетишдан беҳушликка учраган кишига ҳаммом мувофиқ келади. Агар беҳушлик қон кетишдан пайдо бўлса, ҳаммом унга жуда зарарли, кўп терлашдан беҳуш бўлган кишига ҳам зарарли. Ҳаммом яна ҳушига келгандан кейин меъдаси оғзида алангаланиш сезаётган кишига ҳам мувофиқ бўлади.

Беҳушлик меъда оғзининг кучсизлигидан бўлса, унга мастаки, беҳи, сандал, заъфарон ва гулсапсардан тайёрлаб суртиб боғланадиган кучли дориларни ишлатиш керак. Шунингдек, мушк ва шаробдан ҳамда гулсапсар ва шаробдан тайёрланган қуюқ суртмани ҳам [боғлаш керак]; шу билан бирга қўл-оёқларни уқалаш ва боғлаш ҳам жуда фойда қилади. Оч қолишдан бўлган беҳушликни кўпинча бир *дирҳам* нон ҳам тўхтатади. Қуруқдан ёки табиатнинг қуруқлигидан бўладиган беҳушликда анор сувига ёки олма шарбатига солинган нон билан унинг олдини олиш керак. Баъзан ўткир касалликларда беҳушлик сабабли шароб ичиришга эҳтиёж тушади, шаробнинг энг мувофиғи мазасизидир. Беҳушликка учраган кишиларни ухламаслик ва сўзла-масликка мажбур қилинади.

ҚИЗИЛҰНГАЧ КАСАЛЛИКЛАРИ

Гоҳо қизилўнгачда турли бузуқ мизождлар пайдо бўлиб, уни ўз ишини бажаришдан, яъни ютишдан ожиз қилиб қўяди. Унда баъзан қурол аъзоларида бўладиган касалликлар ва ҳамкорлик касалликлари ҳам воқе бўлади; [қизилўнгачда] иссиқ, совуқ ва қаттиқ шишлар ҳам пайдо бўлади. Қурол аъзолари касалликларининг энг кўп воқе бўладигани тиқилма касаллигидир; бу сиртдан бўладиган сиқиш натижасида бўлади, [сиқиш эса] жойидан силжиган умуртқа сабабли, ёки ёндош аъзодаги шиш сабабли, ёки ўзидаги ё уни тутиб турадиган мушакдаги шиш сабабли [воқе бўлади]. Ҳамкорлик касалликларидан энг кўп воқе бўладигани қон кетиш ва тешилиб оқишдир.

ҚИЗИЛҰНГАЧ ШИШЛАРИ

Улар иссиқ флегмона ва сарамас шиши, шунингдек, совуқ шиллиқлик ва қаттиқ шишлар бўлиб, кўпинча, уларнинг етилиши қийин ва секин бўлади; уларни ёрилади.

Белгилар. У шишларга ютиш пайтида ва бошқа вақтда ҳам энсагача етиб борадиган оғриқ ва ютиш йўлининг торайиши белги бўлади. Иссиқ шишда кучли бўлмаган иситма бўлади; баъзан иситма бир кунда тутадиган иситма каби вақти-вақти билангина пайдо бўлиб туради, баъзан эса у билан титратувчи иситма келади. Ундай [шишда] кучли ташналик ва иситма бўлади. Шиш етилганда, титроқ кучаяди, у тешилиб оққанда [касал] йиринг қусади. Иссиқ бўлмаган шишда ҳам ютиш йўли иссиқ шишдаги сингари тораяди, лекин иситма ва ташналик бўлмайди.

Даволаш. У [шишларга] ишлатиладиган дориларнинг баъзисини ичилади ва баъзисини сиртдан қўйилади. Сиртдан қўйиладиган дориларни икки курак ўртасига қўйиш керак. У дорилар меъда шишларини даволашдаги [дориларга] ўхшатиб райҳонлардан ва мевалардан тайёрланган қайтарувчи ва буриштирувчи дорилар бўлиши керак; у дориларга қаврак елими, муқл, сақич қўшилади, уларни буриштирувчи нарсалар ва ёғлардан ҳам холи қилинмайди. Агар бу дорилар таъсир қилмаса, тарқатиши кучлироқ бўлган дорига эҳтиёж тушса ва шишнинг таги қаттиқ бўлса, уларга дафна меваси, назла ўти, ёввойи зира, аристолохия, гулсапсар илдизи ва бальзам каби кучли тарқатувчилар-

ни аралаштириш керак. Баъзан қўйиб боғланса тешиб оқизадиган дориларни, масалан, хардал, тоғ газгаўтининг елими, шунингдек кўкрак ва ўпкадаги йирингли шишларга қарши кўрсатилган бошқа дориларни, ҳатто каптар тезаги ва шунга ўхшашларни ишлатишга тўғри келади.

Ичиладиган дориларга келсак, иссиқ шишларни даволашда улардан яланидиган дорилар тайёрлаш керак, чунки улар [касал] жой орқали кетма-кет ва оз-оздан ўтади. Дастлабки пайтларда яланидиган дориларни ясмиқ ва *табошир* кабилардан, шунингдек испағул уруғи ва семизўт уруғи кабиларнинг шираси, ҳамда қовоқ ва шунга ўхшаш нарсаларнинг суви билан тайёрланади. Кейин уларга бир оз анжир, арпабодиён ва бобуна суви қўшилган қайтарувчи ва тарқатувчиларни аралаштирилади. Ундан кейин уларга хурмо ва сариқ йўнғичқа қўшиб ишлатилади. Суюқ ошлар ҳам истеъмол қилинади; олдин арпа ва ясмиқ ундан қилинган ва сенга маълум нарсалар билан нордон қилинган ёки нордон қилинмаган қайтарувчи суюқ ошлар берилади. Шишлар етила бошлагач, суюқ ошни кепак шираси, бодом ёғи ва шакардан қилинади, кейин бунга зиғир ва шунга ўхшаш нарсалар қўшилади, кейинчалик шу таркибга ёввойи ясмиқ ва нўхат уни ҳам қўшилади. [Шиш] тешилиб оқишга етганда, ҳаворанг гулсапсар илдизи, аччиқ бодом ва канавчанинг қувватини олиб қўшишга ва бир оз хардал, анжир ва хурмо қўшишга эҳтиёж тушади.

МЕЪДА КАСАЛЛИКЛАРИ

Меъдада моддасиз ва моддали ўн олти хил бузилган мизож касалликлари пайдо бўлади. Модда қон ва сафронинг ҳамма турлари, шисасимон суюқ оқадиган ёки қайнайидиган шиллиқ, ёки нордон ё шўр шиллиқ, ёки нордон ё тахир савдо моддасидан иборат бўлади. Меъдада шишлар, шунингдек яралар, ички сабабли ёки тўқиниш ва урилиш каби сиртқи сабаблардан узлуксизликнинг бузилиши ва шунга ўхшаш [касалликлар] пайдо бўлади. Баъзан меъдада йиртилиш юз беради, бироқ у дарҳол ўлдирмайди, лекин узлуксизликнинг бузилиши меъда танасининг [чуқур] йиртилишигача бориб етса, у киши ўлади. Буқрот: «Қимнинг меъдаси йиртилса, у ўлади», — дейди.

Гоҳо меъдада толаларнинг тўқимаси сийракланади ва гоҳо жуда қалинлашади. Меъдада тузилишга оид

касалликлар пайдо бўлиб, меъда жуда катталашади ёки жуда кичраяди. Унда шакл касаллиги ҳам пайдо бўлиб, у жуда юмалоқлашиб кетади; яна силлиқлик ва дағаллик касалликлари пайдо бўлади, масалан, у жуда силлиқ ва сирғанчиқ бўлиб кетади. Вазият касалликлари пайдо бўлганда, масалан, меъда сиртга жуда туртиб чиқиб қолади. Гоҳо меъданинг толаларида [баъзан эса] ундан жигар ва талоққа ўтадиган йўлларда тиқилмалар пайдо бўлади. Агар тиқилма жигарда борадиган йўлларда бўлса, ич кетиш юз беради, талоқ йўлларига бўлса, иштаҳа камаяди. Гоҳо меъдада овқатлар сабабли ёки ўзидаги кучсизлик сабабли ел ва дам пайдо бўлади; биз бунга алоҳида боб бағишлаймиз.

Меъда мизожининг бузилиши гоҳо сиртқи сабаблардан — иссиқдан, совуқдан ва бошқа [таъсирлардан] бўлади, гоҳо ички сабаблардан ҳам бўлади. Айрим меъда касалликлари қаттиқ иссиқдан қўзғалади, чунки иссиқ модданинг меъдага оқиб келишига ёрдам беради ёки меъдадаги моддани ўзгартиришда меъда ҳароратига ёмон ва ғайритабiiй ёрдам бериб, меъда моддасини ғайритабiiй ҳолатга кўчиради.

[Бузилган мизож] моддали бўлса, модда меъда танасига шимилган ва чуқур борган, ёки меъда танасига ёпишган, ёки меъда бўшлигига қуйилган бўлади. Меъдадаги хилт, баъзан унинг ўзида туғилади, баъзан эса унга бошқа аъзодан қуйилган бўлади. Чунончи миядан иссиқ ё совуқ назлалар қуйилиб, улар сабабли меъда мизожи ўша қуйилаётган нарсанинг мизожига қараб иссиқлашади ёки совуқлашади. Гоҳо меъдага ўт қопидан ўтли ёмон хилтлар ҳам қуйилади. Бундай ҳол аксар одамлардаги сингари ўт қопчасидан келадиган йўл ичакларга бормай, меъдага борадиган қилиб тузилган кишиларда бўлади; натижада ичакларга оқиши керак бўладиган хилтлар меъдага оқади; бу ҳол давом этса, шўр ва ўткир [хилтлар] меъдада яралар, совуқ ва мазасизлари эса, силлиқлик ва сирғанчиқлик пайдо қилади. Баъзан у хилтларнинг таъсири биринчи ичакка ва унинг ёни-бериғача боради. У [хилтлар] энг аввал иштаҳа ва ҳазмни бузади. Шундай кишилар ҳам борки, уларда [ўт қопининг йўллари] одатдагидан бошқачароқ, яъни биз анатомияда баён қилганимизга ва кўпчиликдаги ўт қопидан меъдага келадиган томирлар тузилишига қарама-қарши равишда тузилган бўлади. Гоҳо баъзи бир кишиларда ўт қопидан меъдага ўтадиган катта йўл яратилган бўлиб жигар ва ўт қопидан ичак-

ларга қўйилиши керак бўлган нарсалар меъдага қўйи-
лади. Гоҳо меъдага талоқдан савдо ҳам қўйилади, буни
сен келгусида биласан. Меъдага энг кўп қўйиладиган
наrsa жигардан келадиган сафродир; унинг қўйилиши
кўпинча меъдадаги сабаблар, масалан, қаттиқ оғриқ,
қаттиқ беҳузурлик, овқатнинг кечиктирилиши ва меъда-
даги ҳайдовчи қувватнинг кучсизлигидан бўлади. Баъ-
зан ғазабланиш, ғамгинлик ва нафсоний таъсирланиш
сабаб бўлиб, булар моддани қўзғатади ва меъдага
қўйиб, қусишдан бошқа наrsa билан кетмайдиган ачи-
шиш пайдо қилади. Гоҳо меъдага шундай қўзғатувчилар
сабабли, хусусан очлик сабабли, айниқса ўша атрофда
яралар бўлса, йирингли хилтлар қўйилади; шу билан
бирга савдо ҳам қўйилади. Меъдага савдо қўйилишига
унинг кўплиги ва меъданинг кучсизлиги сабаб бўлади;
савдо кўпайишининг сабаби эса сенга маълум.

Меъдага қон қўйилишига қоннинг кўплиги, меъдадан
мартабаси баландроқ ва унга ёндош қўшни бўлган
аъзо, масалан, жигарда ёки меъдадан юқори жойлашган
аъзода, масалан, мияда қоннинг қўзғалиши сабаб бў-
лади. Шу пайтда [миядан] қон томоқ ва қизилўнғачга
қўйилиб меъдага ўтади. Ҳайдовчи қувватнинг кучсиз-
лиги меъдага қўйиладиган ҳамма нарсани қабул қи-
лишга ёрдам беради. Оқиб турадиган ҳайз қони ёки
бавосир қонининг тўхталиб қолиши ёки ҳазмнинг бузи-
лиши натижасида ич кетиши ёки бўшатувчи бадантар-
биянинг қилинмай қўйилиши, ёки бирон аъзонинг қир-
қиб олиниши меъдага ва бошқа аъзоларга қон қўйили-
шидаги кучли сабаблардандир; [кейинги ҳолда] ўша
аъзо учун табиат тайёрлаётган модда нобуд бўлиб,
унинг чиқариб ташланиши зарур бўлади, у, баъзан,
меъда йўлидан ҳайдалиб қон қустиради.

Сўнгра билгинки, меъданинг кучсизлиги меъдага
[хилтларнинг] қўйилишида кучли сабаб бўлади. Меъ-
дада энг кўп топиладиган ёки пайдо бўладиган хилт —
шиллиқдир, бунга сабаб килуснинг ўз табиати билан
шиллиққа яқин бўлишлигидир. Агар килус тўлиқ синг-
маса, қон, сафро ё савдога айланмайди ҳамда кўпинча
меъдага ичакларни ювганидек уни ювадиган сафро
ҳам қўйилмайди. Сафрога келсак, у баъзи [кишиллар-
нинг] меъдасида пайдо бўлади, бироқ кўпинча у меъда-
га жигардан қўйилади. Яна иссиқ меъдада тутунсимон
[буғга] осон айланадиган овқат тушганда ҳам сафро
пайдо бўлади.

Меъданинг тузилиши ёки касалликлари, оғриқлари ва

ва ёмон тадбирлар натижасида унинг жисмидаги тўқима сийраклашади, зичлик бўшашади ва девори юпқалашади. Бу ҳол [меъданинг] бутун ишларини кучсизлантиради ва уни даволаш қийинлашади.

Айтиб ўтилган касалликларнинг ҳамма сиртқи ва ички сабаблари меъда касалликларига сабаб бўлади. Бу жиҳатдан овқат алоҳида аҳамиятга эга, айниқса унинг ҳажми ёмон бўлса, жуда соғлом меъдани ҳам [касал қилади], — бу ҳақда ўз жойида гапирилади ёки овқат жуда кам миқдорда бўлса, соғлом меъдани ҳам оздиради ва сўлдиради. Дориларни кўп истеъмол қилиш ҳам [яхши эмас], бунда меъда ўз ишида дорининг ёрдамига одатланиб қолади ёки меъда қусиш ва сурги билан, айниқса қусиш билан қийналадиган бўлиб қолади, чунки [қусиш] қўпол ва ғайритабиий ҳаракат қилишга мажбур қилади. Натижада меъда толаларининг тўқимаси сийракланади ва юпқаланади. Сезиши кучли бўлган меъда ҳар бир энг кичик сабабдан ва ҳаддан ташқари кучсизлантирувчи [бузуқ] мизождан азиятланади ва оғрийди, чунки шундай [мизож] меъда ишига камчилик келтиради. Ҳатто моддасиз ҳарорат ҳам тутувчи қувватни заифлаштиргани учун баъзан меъда сирғанчиқлигига сабаб бўлади, аммо ҳарорат билан бирга сафро моддаси ҳам бўлса, унинг сабаблиги кўпроқ бўлади.

Меъданинг ишларига етадиган зарарлар иштаҳа ва тортувчи қувватда бўлиб, натижада бутунлай иштаҳасизлик, ёки иштаҳанинг камлиги, ёки [аксинча] унинг овқат, ёки сувга нисбатан жуда кўп бўлиши, ёки бузилиши юз беради. Ёки у зарарлар тутувчи қувватда бўлади, натижада тутиш кучли ё кучсиз бўлади, ёки тутиш бутунлай йўқолади ва овқат меъданинг тепасига чиқади. Баъзан зарар ҳазм қувватига етади, ундай пайтда ҳазм йўқолади ё кучсизланади, ёки бузилиб [меъдадаги] нарсани тутунсимон [буғга] айлантиради ёки ачи тади. Ҳайдовчи қувват зарарланса, ҳайдаш кучайиб [овқатни] табиий томонга ёки юқорига [ҳайдайди], ёки ҳайдаш кучсизланади, ёки бутунлай йўқолади.

Меъдада узоқ қолган ва [ундан ҳайдалиши] суст бўлган ҳар бир нарса оғритувчи ва хилтларни қўзғатувчи буғ пайдо қилади; ҳўл мевалардан кўра кўпроқ буғ пайдо қилувчи нарса йўқдир. [Меъдада] тортиштирувчи, ачиштирувчи ва бошқа хил оғриқлар пайдо бўлади. Гоҳо шу қувватларнинг ҳаммаси ёки баъзисининг кучсизланиши натижасида овқатнинг [меъда тепасига]

чиқиши, қуйига кетишининг сустлашуви ёки тезлашуви, ҳазмининг кучсизлашуви, йўқолиши ёки бузилиши, иштаҳанинг тушиши, «ит иштаҳаси», ёки иштаҳа бузилиши пайдо бўлади; шу билан бирга қорин қулдирайди, кекирик, дамлик, ачишиш ва бошқа [ҳолатлар] пайдо бўлади. Шу [қувватларнинг кучсизлигидан] пайдо бўладиган [ҳолатлар] баъзан бошқа аъзоларнинг, айниқса миянинг ҳамкорлигига олиб келади; [миянинг меъдага] ҳамкорлиги ораларидаги кўп асаблар орқали бўлади, натижада тутқалоқ, тиришиш ёки меланхолия касалликлари пайдо бўлади; ёки кўриш ишига зарар етиб, кўз олдида пашша, чивин, ўргимчак уяси, тутун ва туман тургандек хаёл қилинади. Кўпинча юрак ҳам меъда [касалликларида] ҳамкорлик қилиб беҳушлик юз беради; бунга оғриқнинг, айниқса меъданинг катта шишларидаги оғриқнинг қаттиқлиги, ёки ҳаддан ташқари иссиқ ё совуқ кайфият, ёки [овқатнинг] заҳарликка айланган кайфияти сабаб бўлади. Агар модда беҳуш қилишга кучсизлик қилса, беҳузурлик, бетоқатлик ва эсноқ пайдо қилади ҳам баданни увуштиради. Ундай одамлар Буқротнинг ярим шароб, ярим сув қилиб ичириш уларни тузатади, деган кишиларига ўхшайдилар, чунки шаробда тозалаш, ювиш ва кучайтириш хоссалари бор. Меъда гоҳо ўзининг сезувчанлиги сабабли кичиккина бир сабабдан ҳам таъсирланадиган бўлиб қолади ва бу охирида тутқаноқ ва тиришиш касаллигига олиб келади. Бундай кишилар озгина ғазабланиш, рўза тутиш, ғамгинлик ва хилтларни қўзғатувчи [ҳар бир] сабабдан азиятлана беради. Агар меъда оғзига ачитувчи ўт хилти қуйилса, сезгисининг кучлилиги сабабли киши шу хилтдан азиятланади ва миянинг меъда оғзига ҳамкорлиги орқали тутқаноққа учрайди, беҳуш бўлади ёки тиришиш касаллигига йўлиқади. Шу кишида меъдасининг оғзи кучсиз кишида бўладиган ҳолатлар юз беради: агар у ҳазмсизликка учраса, ёки шаробни кўп ичса, ёки жинсий алоқани кўп қилса, тиришиш касаллигига ёки тутқаноққа учрайди; кўпинча бундай кишилар гандано ва зангори рангида қуссалар қутиладилар. Кўпинча тўлиқлик уларни узоқ ухлатиш касаллигига йўлиқтиради, ниҳоят қусиб уйғонадилар. Баъзан бу нарса қорин девори сабабли бўладиган меланхолия, бузуқ фикрлар ва бузуқ тушларга йўлиқтиради.

Билгинки, меъда касалликлари узоққа чўзилса, меъда толалари тўқимасининг сийракланишига олиб келади,

унинг чорасини топиш ва даволаш қийин бўлади. Бошнинг яратилишидаёқ совуқ бўлиб назлаларнинг пайде бўлишига қобилиятлилиги, меъданинг эса иссиқ бўлиши ёмон ҳоллардан саналади, чунки ундай меъда [бошдаги] назлаларни тозалайдиган *фалофилий фуганажий* ва *каммуний* каби дориларни кўтаролмайди.

УМУМИЙ ИУЛ БИЛАН ДАВОЛАШ

Меъдани ичиладиган, қўйиб боғланадиган дорилар билан, дорилар қайнатилган сувларни қўйиш билан, суртиладиган дорилар, суртиб ишқаланадиган ёғлар, дорилар қайнатилган сувларда пиширилган мумдан тайёрланган марҳамлар билан даволанади. Суртиладиганлар ва қўйиб боғланадиган дорилар қўйиладиганларидан яхшироқ [таъсир қилади]: қўйиладиганларнинг таъсири кучсиз бўлади. Билгинки, меъда мизожи таъсир қилувчи икки кайфиятда бузилса, уни даволаш осонроқдир, чунки у кайфиятларга қарши жуда кучли дорилар топишимиз осон. Аммо меъда мизожи таъсирланувчи икки кайфиятда бузилса, уларни, айниқса бузилган қуруқ мизожни, даволаш қийинроқдир, чунки у кайфиятларнинг ҳар бирига таъсири кучсиз қувват билан қарши турилади. Совуқ [меъдани] иситиш муддати иссиқ [меъдани] совутиш муддатига тенгдир, бироқ совутишда, айниқса меъдага қўшни айрим аъзоларга бузуқ совуқ мизож ёки кучсизлик бўлганда, хавф-хатар зўрроқ бўлади. Хўллаш ва қуритишдаги хатар бир хил, лекин хўллаш муддати узунроқ бўлади.

Билгинки, меъда касалликлари моддадан бўлиб, модда аниқланмаганда, бунга *иёраждан* фойдалироқ дори йўқ: у меъдани тузатишга ва унинг хос ишларини тугал қилишга ёрдам берадиган дориларнинг энг яхшисидир. Бузуқ мизож моддасиз бўлганда *иёражга* ишонмаслик керак, чунки у иссиқ ва қуруқ [мизожга] зарар қилади, совуқ мизож учун эса ундан кўра кучлироқ дори топиш мумкин.

Меъдани унга бошқа аъзодан қўйилаётган хилтдан бўшатгандан кейин уни кучайтиргин, шунда ўша хилтни қабул қилмай қўяди. Қўл-оёқларни боғлаш ва иситиш, улардан меъдага қўйилаётган моддани тўхтатишга ёрдам беради. Кўкнор шарбати иссиқ моддаларнинг қўйилишига қарши жуда фойдалидир. Агар хилт совуқ

бўлса, бўшатилишдан кейин керак бўладиган ёпишти-
рувчи дорилар: мастаки, гулдан тайёрланган кичик
кулчалар, қуруқ ялпиз, хом уд, қалампирмунчоқ ва
шуларга ўхшашлардир. Хилт иссиқ бўлса, қайнатиб
қуйилтирилган ширалар, гул, *табошир* ва шуларга
ўхшашлардан тайёрланган кулчалар истеъмол қилинади.
Агар меъда ва жигар оралигида биз айтгандек, қаттиқ-
лик ва озгинлик сезилса, [касалнинг] овқат ва дориси
арпа суви бўлиши керак; уни аста-секин ичириб кундан-
кунга миқдорини ошириб ҳар куни ўн [*дирҳамдан*]
йигирмагача, то юзгача, ҳатто бир *ритлгача* ичиши ло-
зим; шу миқдорни бир мартада ёки икки мартада ичиш-
га қодир бўлгунча шундай қилинади. Бўшатувчи дорини
ва томирдан қон олиш тадбирини ишлатмаслик керак.

Шу касалликда ишлатиладиган кулча дорининг тар-
киби: мастаки ва гул кулчаларининг ҳар биридан уч
дирҳам, қаҳрабо, қуруқ ялпиз, хушбўй канавча ва хом
уднинг ҳар биридани икки *дирҳам* олиб эски шароб би-
лан ичирилади. Меъдани тозалаш ва меъда бўшлигида
йиғилган ёки ёпишган, ёки эмилган [хилтларни чиқа-
ришда] меъдадан ва унга яқин томирлардан нарига
ўтмайдиган ва узоқдаги томирларга етмайдиган дори-
ларни ишлатиш керак. Улар бир мартада таъсир қил-
маса, қайта-қайта ишлатилади; бўшатишга эҳтиёж бўл-
маган жойда бўшатувчи дорини ишлатишдан кўра шу
хил [дорини қайта ишлатиш] яхшироқдир.

Меъда касалликларида ахлат ва сийдикнинг қандай
эканлигини эътиборга олиш керак. Улар яхшиланиб
тузалса, меъда ҳам тузалишга юз қўйган бўлади. Меъ-
дани даволашда, у ҳароратли бўлса ҳам ғоят совуқ
нарсаларни, масалан, жуда совуқ сувни, айниқса одат
қилмаган кишида ишлатмаслик керак. Меъдадаги
ортиқча нарсаларни тарқатувчи дориларнинг [таркиби-
га] буриштирувчи, қувватни сақловчи нарсаларни билиб
ўтилган сабабга кўра, киргизиш керак.

МЕЪДАГА ЕҚАДИГАН НАРСАЛАР

Меъда учун овқатларнинг энг яхшиси буриштириш
хусусияти ва аччиқлиги бўлиб, ўткирлиги йўқ ва ачиш-
тирмайдиган нарсалардир. Соғлом кишиларга меъдани
бақувват қилиш учун буриштирувчи нарсалар фойда
қилади, бироқ иситма касаллигига учраганларда бў

жиҳатдан ҳаддан ошиб кучли буриштирувчи нарсаларни ишлатмаслик керак, чунки улар меъда оғзини зарарли равишда қуритиб юборади; агар уларни ишлатмасликнинг иложи бўлмаса эҳтиётлик билан бериш керак. Жолинуслинг гувоҳлик беришича, товуқ меъдасининг ички териси меъдага ёқадиган ва унинг кучсизлигини тузатадиган овқатлардан саналади. Жинсий алоқани қилмай қўйиш ҳам меъдани кучайтиришда жуда фойдалидир.

Ойда икки марта қусиш кўпчилик кишиларнинг меъдасига мувофиқ келадиган тадбирлардандир, шунда меъдада шиллиқ хилти тўпланмайди. Қусишнинг энг осони турп ва балиқ билан бўладиганидир. Бунинг учун уларни ейлади, агар улар жуда ташна қилса, устидан асал ёки шакар *сиканжубинини* иссиқ сув билан ичилса, кейин қусилади. Қусишни [ойда икки мартадан] ошириш керак эмас, чунки унда табиат чиқиндиларни қизилўнгачга чиқариб ташлашга одатланиб қолади. Билгинки, керак вақтида енгил ва зўрламасдан озгина қусиш, агар тез-тез бўлиб турмаса, жуда фойдалидир. Кўпчилик кишиларнинг меъдасига мувофиқ келадиган тадбир [бир кунда] бир марта овқатланиш ва ўшанда ҳам меъдани тўлғизмасликдир.

Сургиларга келсак, уларнинг энг мувофиғи сабр, эрман чўпи, — унинг шираси эса мувофиқ эмас, чунки шираси чўпида қамалиб турадиган буриштириш хоссасидан ажраб чиқади. Тотиладиган нарсалардан меъда учун ширин майиз мувофиқ келади, чунки унда мўътадил даражада тозалаш хусусияти бор. У тозалаши сабабли меъдада пайдо бўладиган енгил ачишишни тўхтатади, аммо ачишиш кучли бўлса, ундан кўра кучлироқ нарсага эҳтиёж тушади. Мирта уруғи ҳамда хушбўй қилинган ковул ҳам меъда учун фойда беради. [Мизожи] бир оз иссиқ меъда учун сабзавотлардан сутчўп, шунингдек шотара фойдалидир. Петрушка, ялпиз ва сирка билан ишланган қора андиз умуман [меъдага] фойда еткази. Агар яшма номи билан машҳур бўлган тошни меъданинг рўпарасига етказиб бўйинга осиб қўйилса ёки бундан маржон қилинса, у ўзидаги махсус хосса билан меъдага ёқади, шунингдек қизилўнгачга ҳам мувофиқ келади, агар у тошни маъжунларга қўшилса ёки ундан ярим *дирҳам* ичилса, яна ҳам яхши бўлади.

ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАНДА МЕЪДА ВА ИЧАҚЛАРГА ЗАРАР ҚИЛАДИГАН НАРСАЛАР

Билгинки, меъда касалликларининг кўпи ҳазм бузилишидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳазм бузилишидан сақлан, унинг сабабларидан, яъни миқдори ва табиати [тўғри келмайдиган] ва одат бўлмаган овқатлардан ҳамда яхши ҳазмга тўсқинлик қиладиган ҳаводан сақлан. Тўлиқлик меъданинг душманларидандир, шунинг учун очофат кишининг бадани семирмайди, чунки унинг сгани ҳазм бўлмайди ва ундан баданга ҳеч нарса қўшилмайди. Аммо ҳали иштаҳаси бўла туриб, овқатдан ўзини тортувчи киши семиради, чунки меъдаси овқатни яхши ҳазм қилади.

Билгинки, меъдага бошқа овқат билан қўшилганлиги сабабли эмас, балки ўзича тўғри келмайдиган овқат миқдори сабабли ёки табиати сабабли мувофиқ келмайди. Агар [овқат] иккала жиҳатдан ҳам энгилликка яқин бўлса, меъданинг тепасига сузиб чиқади ва қусуқ билан чиқмоқчи бўлади, агар у оғир бўлса чўкади ва ич кетиши орқали чиқиб кетмоқчи бўлади. Гоҳо овқатнинг энгил ва оғирликда турличалиги ва улардан пайдо бўладиган ел ҳаракатининг турличалиги сабабли овқатнинг айрим бўлаги тепага чиқиб ва айрим бўлаги чўкиб, ҳам қусиш, ҳам ич кетиш орқали чиқмоқчи бўлади.

Билгинки, ахлат ва елни қайтариш жуда зарарли, чунки кўпинча шу сабабли ахлат юқорига томон [ичакнинг] бир ўрамидан иккинчисига ўтиб ниҳоят меъдага қайтади ва катта зарар етказди. Баъзан бунинг натижасида ичак буралишига ўхшаш бир ҳолат юз беради ҳамда беҳузурлик ва кам иштаҳалик пайдо бўлади. Ел ҳам баъзан меъдага қайтади, шунда мияга буғлар кўтарилиб ниҳоятда катта азият беради; [ел] меъдадаги нарсани ҳам бузади.

Билгинки, буриштириш хусусияти бўлмаган ҳамма нарсалар, айниқса ширалар ва бошқа хил моддалар, меъда учун ёмон. Бутун ёғлар меъдани бўшаштиради ва унга тўғри келмайди, энг яхши ёғлар зайтун ёғи, ёнғоқ ёғи ва писта ёғидир.

Кўпинча меъдага зарар қиладиган нарсалар санавбар меваси, лавлаги, тоғ қора райҳони, яхшилаб эзилтириб пиширилмаган шолғом, қўзиқулоқ, Рум исмалоғи ва Яман бақласидан иборат — агар бунинг сирка, *муррий* ва зайтун ёғи билан [ейилса зарари йўқ]. Сарик йўнғич-

қа билан кунжут ҳам шулар жумласидан, чунки улар меъдани заифлаштиради. Сут, илик ва [ҳайвонларнинг] мияси ҳам меъда учун зарарли. Шаробнинг қуюғи ва янғиси зарар қилади. Дорилардан меъда учун зарар қиладиган тоғ арчасининг уруғи билан панжагушт уруғидир. Билгинки, ҳамма сурғи дорилар ва ҳамма мазаси ёмон нарсалар меъда учун ёмондир. Жинсий алоқа меъдага жуда ҳам зарарли, уни тарк қилиш эса меъда учун энг фойдали нарсадир. Кучли қусиш тозалаш жиҳатидан [меъдага] фойда қилса ҳам, уни кучсизлантириш сабабли кўп зарар етказади.

МЕЪДА ОҒРИҒИ

Меъда оғриғи ё моддасиз мизож бузилиши сабабли айниқса ачиштирувчи иссиқ мизож сабабли ёки моддали [мизож бузилиши], айниқса ачиштирувчи иссиқ [мизож сабабли] пайдо бўлади. Яна [бу оғриқлар] тортиштирадиган ёки куйдириб ачиштирадиган елдан ёки иссиқ шишларда бўлганидек, шу иккала таъсирнинг бирлашуви сабабли юз берган узлуксизликнинг бузилиши натижасида пайдо бўлади; [uzлуксизликнинг бузилиши] гоҳо ўйиб еювчи яралардан пайдо бўлади. Айрим кишиларда меъда оғриши овқат еган пайтда бўлиб, у сингиганидан кейин босилади. Бундай кишиларнинг кўпчилиги савдо хилти кўпайган ва қорин деворининг ҳамкорлиги билан бўладиган меланхолияга учраган кишилардир.

Айрим кишиларда оғриқ меъдага овқат кириш муддатининг охирида ўнинчи ёки шунга яқин соатда пайдо бўлади. Айрим кишиларда эса оғриқ сирка сингари нордон ва тушган ерини [вижиллатиб] қайнатадиган бир нарса қусмагунича босилмайди; [қусгандан] кейин оғриқ тўхтайдди. Баъзиларда овқат [меъдадан] тушиши билан оғриқ тўхтайдди ва улар қусмайди. Шу икки тоифанинг баъзисида оғриқ узоқ муддат қолади.

Биринчи [хил касалликка] талоқдан меъдага савдо қуйилиши, иккинчисига эга жигардан меъдага сафро қуйилиши сабаб бўлади. Шу иккала хилт ҳам олдин оғритмайди, чунки улар меъданинг тагига тушади, кейин улар овқатга аралашгач, биргалашиб кўтарилиб меъда оғзига чиқади.

Баъзи кишиларнинг меъдасида кўп ейиш ва ҳақи-

қатда қорни очмай туриб овқатланиш сабабли, шунингдек меъда бузилишидан келадиган тўлиқлик сабабли тоқат қилиб бўлмайдиган куйиб ачишиш пайдо бўлади. Елдан бўладиган меъда оғриқлари баъзан кучли бўлади, баъзан эса ичак оғриғига ўхшаш бўлади.

Баъзи кишиларнинг меъдасида оғриқ ёки қаттиқ куйиб ачишиш пайдо бўлади ва овқат егач тўхтайтиди. Бунга меъда бўш қолганда унга келувчи ачиштирувчи моддаларнинг қуйилиши сабаб бўлади; у моддалар ё нордон мазали савдо бўлади, ёки ўткир мазали сафро бўлади — бу кўпроқ учрайди. Айрим кишиларда меъда сезгирлиги шу билан бирга меъдага, биз баён қилгандек, ўт хилларининг қуйилиши меъдада чидаб бўлмайдиган зўр оғриқ пайдо бўлишига сабаб бўлади, бу хил оғриқ баъзан ҳушдан кетказди. Гоҳи совуқ сув ичишдан ҳам меъдада бетоқат қиладиган ва кишини чинқиртирадиган оғриқ пайдо бўлади. Баъзан юракка оғриқ бориб етиши сабабли киши тўсатдан ўлади; баъзан оғриқ қуйига тушиб қуланж касаллигини пайдо қилади.

Кишида меъда оғриғи узоққа чўзилса, меъдада шиш пайдо бўлишидан қўрқиш керак. [Меъда] оғриғи ҳомиладор хотинларда «бачадон бўғилишидан» дарак беради, бунинг устига ҳомиладор хотинларда меъда оғзининг оғриши ҳам кўп бўлади.

«Тез ўлим китоби»да айтилишича, меъда оғриши билан бирга ўнг оёқда қаварчиққа ўхшаш қаттиқ бир нарса пайдо бўлса, киши йигирма еттинчи кунни ўлади, шундай нарса пайдо бўлган киши ширин нарсаларга сериштаҳа бўлади. Кишида қорин оғриғи билан бирга унинг қошида қора доғлар ва боқиладек қора тошмалар пайдо бўлиб, кейин улар ярага айланса ва улар иккинчи кунгача ёки ундан кейинроққача туриб қолса, у киши [тезда] ўлади, у кишида қаттиқ уйқу пайдо бўлади ва кўп ухлайди.

Белгилар. Моддасиз содда мизож [бузилиши сабабли бўладиган оғриқнинг] белгилари ўша мизожлар учун баён қилинган белгилардир, моддали мизож [бузилишидан] бўладиган меъда оғриқларига ҳам юқорида айтиб ўтилган аломатлар белги бўлади. Меъданинг алангаланиб ачишуви кайфияти ўткир, иссиқ, аччиқ ва шўр модда борлигига далолат қилади. Ачишиш доимий бўлмай, [вақти-вақти билан] бўлиб турса, жигардан сафро моддасининг қуйилаётганлигига белги бўлади; бу хил ачишиш, баъзан, бир кунлик иситма пайдо қилади; доимий ачишиш эса кунора тутиб турадиган иситмани

ва шу билан бирга ўнг томондан оғриқ пайдо қилади; бу нарса [меъда оғриғида] жигарни қоплаб турувчи парданинг ҳамкорлигига далолат қилади. Агар иситма босилиб [меъда] ачишиши қолаберса, бунга жигар чиқиндиларидан бирор модданинг [меъдага] қуйилиб, ёки бузуқ иссиқ мизож, ёки меъдага ёпишган хилт сабаб бўлади. Меъда ачишуви алангасиз бўлса, нордон моддага белги бўлади. Овқат егандан кейин бир қанча соат ўтгач пайдо бўладиган оғриқнинг савдо сабабли бўлишига сиркасимон нордон қусуқ келиб, кейин оғриқнинг тўхташи ёки талоқнинг зарарланиб ҳазмнинг ёмонлашиши белги бўлади. Сафро сабабли бўладиган оғриққа сиркасимон қусуқнинг бўлмаслиги, — агар қусуқ бўлса ҳам у ўтли бўлади, — ҳазмнинг нотугал бўлмаслиги, сафро белгиларининг намоён бўлиши, жигарнинг иссиқ ва алангали бўлиши белги бўлади. Елдан бўладиган оғриқда эса, кекирик, ҳиқичоқ, қорин қулдираши, қовурға тоғайлари ва қориннинг тортишуви белги бўлади.

Даволаш. Бузилган иссиқ мизождан бўлган меъда оғриғини сигир сутининг қатиғи, ачиган айрон ва совуқ сув ичириш билан даволанади. [Қасалга] жўжа, каклик ва тустовуқ гўштлари, мош, қовоқ ва семизўт, сирка билан қайнатилган майда балиқлар едирилади. Ичириладиган нарсалардан *сиканжубин* ва ғўранинг қуюлтирилган шираси берилади, дорилардан эса *табошир* кулча дорилари ва совутувчи қуюқ суртмалар ишлатилади. [Қасалда] озиш ва сўлиш аломатларини кўрсанг, ванналарни қўлла, сув қўшилган суюқ шароб ичир ва ёғли, латиф ва мўътадил суюқ ошлар тайёрлатиб бер. Оғриқ ўткир ўт хилтидан бўлса, уни бўшатилади ва ичида эрман ивитиб қўйилган сиркадан тайёрланган *сиканжубин* истеъмол қилинади.

Совуқ ва елдан бўладиган меъда оғриқларини, агар улар енгил бўлса, тариқ қиздириб боғлаш ва олов билан қортиқ қўйиш тўхтатади, айниқса қорин деворининг ўрта жойига киндикни ҳар томондан ўраб оларлик қилиб катта қортиқ қўйилса ва тилмай шундайлигича бирор соат қолдирилса, ажойиб равишда оғриқни дарҳол тўхтатади. [Сув қўшилмаган] холис шароб ичириш ва қиздирувчи ёғлар суртиш ҳам қаттиқ оғриқларни қолдиради. Узунчоқ аристолохия елдан бўладиган қаттиқ оғриқларни тарқатишда жуда фойда беради; қундуз қирини сув қўшилган узум сиркаси билан ичиш ёки уни зайтун ёғи билан қўшиб қоринга сиртдан боғлаш ҳам шундай [фойда қилади]. Ел кўп бўлиб кучли дори-

га эҳтиёж тушса, холис шароб ичиш, ухлаш ва меъда бўшлигида бадантарбия қилиш ҳамда қорин дам бўлиши бобида баён қилинган дориларни истеъмол қилиш елни тарқатади. Агар оғриқ меъдада ёки унинг ёни-берида қамалиб қолган елдан бўлса, дафна дарахтининг уруғи ва қовурилган зира фойда қилади, агар оғриқ дам қилувчи савдодан бўлса, нордон сиркада эзилган озгина аччиқтош ва зокни [қиздириб] боғлаш ҳамда укроп шохчаларини боғлаш керак.

Агар оғриқ шишдан бўлса, уни меъда шиши бобида биз баён қилган усул билан даволанади. Агар шиш оғриғи фурсат бермаса, шишни ёғлар билан, шунингдек укроп ва шунга ўхшаш нарсдан тайёрланиб қўйиладиган дорилар билан юмшатилади. [Овқатдан сўнг] узоқ муддатдан кейин қўзғалиб сиркасимон модда қусиб ташлашга мажбур қиладиган оғриқни даволаш иссиқ қуюқ суртмалар, холис шароб [ичиш] катта маъжунлар, товада қовуриб пиширилган овқатлар, қайнатилган тухум ва асал каби иссиқ меъдада тутунланиш қобилиятига эга бўлган нарсалар билан меъдани иситиб кучайтиришдир. Қишининг меъдаси овқат еганигача оғриси, буни даволаш учун, агар бу оғриқ сафродан бўлса — сафрони бўшатириш ва сўндириш, агар у савдодан бўлса — савдони бўшатириш ҳам меъдани даволаш қонуни бобида биз баён қилган нарсалар билан иккала хилтни меъдадан бошқа томонга юбориш ва меъда оғзини кучайтириш керак. Ундан кейин овқатни бир неча мартага бўлиб бериш, айтилган икки хил касалга ҳам миқдори оз, лекин озиқлиги кўп овқат бериш керак. Улар овқат устидан [суюқликни] фақат озгинадан ҳўплаб ва бўлиб-бўлиб ичишлари мумкин; умуман ичишни оғриқ тўхтагунча кечиктириб, ундан сўнг ича берадилар.

Овқат егандан кейин бошланиб, қусиб ташлаш билангина тўхтайдиган оғриқ ёмон бўлиб, уни даволаш учун тўғри [тадбир] ҳар куни овқатдан олдин бир оз асал едиришдир; бу [касалликнинг] сабабини қусиш бобидан ўрганиш керак; бўшатилиши зарур бўлган нарсани сабр ивитмаси ва шунга ўхшаш дорилар билан бўшаштирилади; кейин талқ кулчалари истеъмол қилинади. Шундай [касалликда] фойдали дорилардан бири мана бу: кундур елими, мастаки, седана, жувона, кўк писта [нинг сиртқи] пўсти ва хом уддан баробар бўлакларни олиб янчиб эланади ва омила асали билан қопилади, уни овқатдан олдин икки *дирҳамдан* икки *мис-*

қолгача ейилади. Шу [оғриққа қарши] кашнич, ялпиз қўшилган анор шарбати ва қусиш бобида айтилган бошқа нарсаларни истеъмол қилиш ҳам фойда қилади. Жолинуслинг айтишича, товуқ меъдасининг ички териси ўз хоссаси жиҳатидан меъда оғриқларига фойда қиладиган нарсалардан саналади. Кўпинча меъда ачишувини қатиқ ва шунга ўхшаш нарсалар тўхтатади.

МЕЪДАДА БУЛАДИГАН ЯРАЛАР

Меъдада баъзан унинг танасига шимиладиган ва унга тўқнашадиган хилларнинг ўткирлиги сабабли яра ва тошмалар пайдо бўлади, уларга кўпинча бошқа [Ғазодан меъдага] оқиб келадиган нарсалар ҳам сабаб бўлади. Чунки, меъда кўпинча бошдан тушадиган иссиқ, ачитувчи ва сасишга қобилиятли назлалар сабабли яраланади, назла узоқ вақт тушаверса, меъда ҳам чириб ейилади.

Белгилар. Меъда яралари, айниқса унинг қуйисидигилар кўпинча кичик нафасга, кўп терлашга, беҳушликка ва қўл-оёқларнинг совушига олиб келади. Меъдада яра борлигига гоҳо кекирикнинг сассиқлиги ва тилни қуритадиган буғнинг кўтарилиши ҳам далолат қилади; [шу вақтда] қусиш жуда кўпаяди. Меъдада тошмалар бўлса, кекирик жуда кўпаяди. Қизилўнгачдаги яранинг меъда оғзидаги ярадан айирмаси шуки, агар яра қизилўнгачда бўлса, кекирик жуда кўпаяди. Қизилўнгачдаги яранинг меъда оғзидаги ярадан айирмаси шуки, агар яра қизилўнгачда бўлса, оғриқ орқа томонда — икки курак ўртасида ва бўйинда — кўкрак бошида сезилади. Бу яранинг ҳолини ютилган нарсанинг томоқдан ўтиши аниқлайди, чунки у нарса ўтаётганда қаерда оғриқ борлигини билдиради, ўтиб кетгач, оғриқ бир оз босилади.

Меъда оғзидаги ярага оғриқнинг кўкрак қуйисиди ёки қорин тепасида бўлиши далолат қилади, бунда оғриқ қаттиқроқ ҳам бўлади. Ютилган нарса ҳам кўкракдан ўтишида ўша ерда оғриқ борлигини билдиради, бунда оғриқ кўпинча қорин деворига томон мойил бўлади. Бунда нафас кичик бўлади, жасад совуйди ва у кўпинча беҳушликка олиб боради. Агар яра меъданинг тагида бўлса, бунга ичакларда шилиниш бўлмаса ҳам, ахлат билан бирга яра пўстининг чиқиши, ейилган нарса меъда қуйисиди ўрнашгандан кейин оғриқ пайдо бўлиши далолат қилади; бунда оғриқ енгил бўлади.

Меъдадаги яра билан ичаклардаги ярани ейилган овқатнинг баданга киришида оғриган жойга қараб ажратилади. Ахлатда яра пўстининг чиқиши кам учрайди, [чиққанда] юқори ичаклардан чиқадиган хилига ўхшаб юққа пўст чиқади. Яра меъдада эканига оғриқнинг ичаклар томонида бўлмасдан, балки юқорироқда бўлиши ҳам белги бўлади; лекин кўпинча билинмай қолиб уни юқори дизентерияга, яъни юқори ичакларда бўладиган дизентерияга ўхшатилади. Шундай вақтда яхши ўйлаш керак. Аммо қусуқда пўст чиқса, у фақат қизил-ўнғачдаги ёки меъдадаги ярадан бўлади. Буни аниқламоқчи бўлсанг, касалга сирка ёки хардал солинган овқат бериб кўришинг керак.


Даволаш. Меъдада пайдо бўладиган янги ярани буриштирувчи дорилар билан даволанади; [касалга] тез ҳазм бўладиган овқатлар берилади; зангор, қўргошин упаси, мартак, тўтиё ва шунга ўхшаш нарсалар қўшиб [эски] яраларга ишлатиладиган дорилар истемол қилинади; балки меъдадаги ярани ва унинг ўйилишини даволашда дастлаб уни асал суви ва гулоб каби нарсалар билан тозалаш керак, бироқ тозаловчи дорининг кучли бўлиши керак эмас, чунки у кучли бўлса, тозалаш ва фойда қилишдан кўра [меъдани] қўзғатиб кўпроқ зарар етказди ва яра қилади. Аксинча [дорининг] тозалаш ва ювиш таъсири қуйига қаратилган бўлиши керак. Агар ўйилиш ва ўлик эт бўлса, уни ўлик этни тозалайдиган, эт битирадиган ва ундирадиган дорилар билан даволаш керак, шундай ярага *иёраж фикро* жуда мувофиқдир.

[Яра] тозаланиб бўлгандан кейин сигир қатиғининг ёғи олинган айронни, беҳи, анор ва шунга ўхшаш нарсаларнинг шарбати ичирилади. Яна уларга арпа сувини анор суви ва буриштирувчи меваларнинг сиқиб олинган сувлари билан қўшиб ичирилади; баъзан уларга бузоқ ва эчки болаларининг қорнини [пиширтириб], сиркалаб едиришга тўғри келади.

Билгинки, [яранинг] ҳамма чирки тозаланмаса, бошқа тадбир қилишнинг ва битирувчи дорилар ишлатилишининг фойдаси йўқ. Эт ундирувчи дорилар ишлатилганда, касаллик қизилўнғач томонда ва меъда оғзида бўлса, у дориларга араб елими ва катиरो каби ёпиштирувчи дорилардан анчагина қўшилади. Гоҳо, меъда яраларида *филуниё* ҳам фойда қилади; қахрабо кулчалари ҳам, — айниқса қон қусиб турилса — фойда қилади. Ҳамма буриштирувчи меваларнинг қайнатиб қуюлтирилган ширалари ҳам фойдалидир. Гоҳо *фифитнинг*

ҳамда эрманнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси фойда қилади. Меъдада яралар бўла туриб, бирор сабабга кўра сурги қилиш зарур бўлиб қолса, *хиёршанбар* каби дори билан сурги қилиш керак. Яралар сабабли ич кетиш пайдо бўлса, буни даволашда *табошир* кулчаларини ва қайнатиб қуюлтирилган буриштирувчи шираларни қовурма толқон қайнатилган сув билан ичирилади. [Меъдада] ейилиш пайдо бўлса, уни биз қон туфлаш бобида баён қилган нарсалар билан даволанади.





ЖИГАР ВА УНИНГ ҲОЛАТЛАРИ

ЖИГАРНИНГ АҲВОЛИНИ БИЛИШ ИУЛЛАРИ

Кўпинча, жигар аҳволини уни ушлаб кўриш орқали билинади, баъзан ундаги шишларни шундай қилиб билинади. Жигарга хос оғриқлар, жигардан содир бўладиган ишлар ёки меъда, кўкрак-қорин тўсиғи, ичаклар, буйрак ва ўт қопчиғи каби жигар яқинидаги аъзоларнинг [касалликдаги] ҳамкорлиги билан билинади. Бош ва талоқ каби [жигардан] узоқ жойлашган аъзоларнинг ҳамкорлиги билан, шунингдек ранг, кўриниш ва ушлаб кўриб сезиш каби бутун гавдага умумий бўлган аҳвол билан ҳам билинади. Гоҳо жигар томонида ўсаётган мўйлардан, жигардан ўсиб чиққан веналардан, бошқа аъзоларнинг кўринишидан, жигарда туғилаётган ва ундан кўзгалаётган хилтлардан, жигарга ёқадиган ва ёқмайдиган нарсалардан, [касалнинг] ёшидан, одатларидан ва шуларга боғлиқ бўлган бошқа нарсалардан билинади.

Жигардан ўсиб чиққан веналардан далил олинишига келсак, веналар йўғон, катта ва жуда билиниб турса, жигарнинг туб мизожи иссиқ, агар улар ингичка ва билинмас бўлса, унинг туб мизожи совуқ бўлади. Аммо веналарнинг иссиқлиги, совуқлиги, юмшоқлиги ва қаттиқлиги гоҳо туб мизож сабабли, баъзан эса кейин пайдо бўлган [мизож] сабабли бўлади.

Жигарда туғилаётган хилтлардан белги олинишига келсак, масалан, сафронинг кўп туғилиши жигарнинг иссиқлигига, савдо туғилиши эса [жигарнинг] қаттиқ иссиқлигига ёки, ўз жойида билинишига кўра, совуқ — қуруқлигига далил бўлади. Тоза қон туғилиб туриши жигарнинг соғлигини билдиради. Жигардан тарқалаётган қон баданга мос келадиган ва тоза бўлса, у жигар соғлом бўлади. Сафроли ё савдоли қон, ёки қон суюқ бўлиб, унинг суюқлиги баданга тарқалаётган қисмидан аниқ билинса, ёки у [қон] сувсимон бўлиб гўшт истис-

қосидаги сингари баданга бирикишига қобилияти бўлмаса, шундай жигар, тарқалаётган [қоннинг] далил бўлишига қараганда, касал деб саналади. Жигарга ёқадиган ва ёқмайдиган нарсаларга келсак, буларнинг ёқадигани жигарнинг табиий туб мизожига ҳамшақл — мос, кейин пайдо бўлган мизожига эса зид келади. Ёш, одат ва буларга ўхшашлардан белги олинишини Куллиёт китобидан билдинг.

Юракнинг жигарга кайфиятларда қаршилашуви. Билгинки, юракнинг ҳарорати жигар совуқлигини кучли суръатда енгади, унинг ҳўллиги [жигарнинг] қуруқлигини енга олмайди, қуруқлиги эса баъзан [жигар] ҳўллигини бир оз енгади. Жигарнинг ҳарорати юрак совуқлигини кучсиз енгади, унинг ҳўллиги ҳам юрак қуруқлигини кучсизгина енгади. Унинг овуқлиги юрак иссиқлигини [яна ҳам] кам енгади. Жигарнинг қуруқлиги юрак ҳўллигини доимо енгади; юракнинг совуқлиги жигарнинг иссиқлигини жигарнинг қуруқлиги юракнинг ҳўллигини енгишидан кўпроқ енгади. Юракнинг иссиқлиги жигарнинг ҳўллигини — юракнинг қуруқлиги жигарнинг ҳўллигини енгишидан кўпроқ енгади. Жигарнинг совуқлигини ҳам бир қадар енгади.

ЖИГАРНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА УМУМИЙ СЎЗ

Жигарнинг соғлиғини мос нарса билан сақлаш, касаллигини зид нарса билан қайтариш, унинг шишлари ва яраларини даволаш, ҳажмига етган зарарларни қайтариш, тиқилмаларни очиш ва булардан бошқа тадбирлар бошқа аъзоларда [ҳам] зарур бўладиган нарсалар билан қилиниши керак. Жигар касалликларида, айниқса тиқилмалар ва шуларга ўхшаш сабаблардан бўлган [касалликларда], дори ичиришнинг энг яхши вақти меъдадан жигарга ўтиб, унда пайдо бўлган нарса ҳазм бўлди ва [жигардан] ажралиши зарур нарсалар ажралди, деб тахмин қилинадиган вақтдир, шу [ҳолат] билан [овқат] ейиш ўртасида анчагина вақт ўтиши керак. Одамларнинг одатича, бу вақт — кечки уйқудан тургандан кейин ва иссиқ сувда ювинишдан олдинги вақтдир. Бундан ташқари жигарнинг тиқилма ва шишга тегишли ва моддадан бўладиган касалликларини даволашда ишлатиладиган тарқатувчи ва очувчи дориларнинг буриштирувчи ва кучайтирувчи нарсалардан холи бўлмаслиги лозим, лекин ҳаддан ташқари қуритиб юбориши гумон қилинса, [улар қўшилмайди]. Имконияти

борича жигарни жуда совутиш керак эмас, бу истиско касаллигига олиб келади, жуда иситиш ҳам керак эмас, бу [жигарнинг] сўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун даволанаётган жигар табиий мизожининг миқдорини билиш керак, шунда жигар табиий мизожига қайтарилгач, даволаш тўхтатилади.

Билгинки, агар сен жигарни даволашда хато қилсанг, хатойинг томирларга, кейин баданга ўтади. Модда жигарнинг чуқурлигида бўлиб, сурги зарур бўлган жойда сийдикни ҳайдаш, ёки модда жигар дўнгида бўлиб, сийдикни юргизиш керак бўлган жойда сурги бериш хатодир. Жигарга ишлатиладиган дориларни майин янчиш керак. Дорилар хоҳ иссиқлик, хоҳ совуқлик, хоҳ буриштирувчи бўлсин, бари бир улар жигарга бориб етсин учун жавҳарнинг латиф бўлиши зарур. Суюлтирувчи дорилар тиқилмаларни очса ҳам, улар қонни ўткир қилиб юборади, бу нарсани кўзда тутиш керак. Маълум илдизларнинг суви очувчи ва суюлтирувчи дорилар жумласидан бўлиб, улар гоҳо жигарда муносабати йўқ турли хилларни туғдиради. Шундай бўлгач, уларни икки ёки уч кун кетма-кет ичиргандан кейин кетидан ич юмшатувчи доридан бир оз бериш керак. Сийдикни ҳайдашга келсак, буни илдизлар сувининг ўзи бажаради. Сачратқининг ҳамма тури, айниқса, унинг [чўлда битадиган] аччиқ хили ва иссиқликка яқин бўлгани жигар оғриқларида фойда беради. Иссиқ мизожли кишиларга [сачратқини] *сиканжубин* билан, совуқ мизожлиларга эса, асал суви билан берилади. Бўрининг жигари бунга фойда қилишда алоҳида хусусиятга эгадир. Шиллиқ қуртнинг эти ҳам [фойда беради].

ЖИГАРГА ЗАРАРЛИ НАРСАЛАР

Билгинки, овқат устига овқат ейиш ва овқатланиш тартибини бузиш жигарга энг зарарли нарсалардан саналади. Наҳорга ҳаммом, жинсий алоқа ва бадантарбиядан кейин бирданига совуқ сув ичиш, кўпинча жигарнинг жуда совуб кетишига олиб келади, чунки алангаланиб турган жигар совуқ сувдан тўйиб олишга шошилади, бу нарса баъзи вақтда истискога олиб боради. Шундай ҳолларда сувни шароб билан аралаштириб, жуда совутмасдан ва симирмасдан, балки оз-оз сўриб ичиш керак. Ёпишқоқ нарсаларнинг ҳаммаси тиқилмалар пайдо қилиши сабабли жигарга зарар қилади. Буғдой жигарга нисбатан ёпишқоқ нарсалар жумласидан

бўлиб, жигарда ҳазм бўлгач, ундан кейинги аъзоларга [тушганда] уларга нисбатан ёпишқоқлиги йўқ. Ҳамма буғдой ҳам ёпишқоқ бўла бермайди, балки елимлиси шундай.

Ширин шароб жигарда тикилмалар пайдо қилади, унинг худди ўзи кўкракдаги нарсаларни тозалайди. Бунинг сабаби шуки, жигар ширин шаробни ширинлиги сабабли севганидан, у жигарга тез тортилади, у шароблиги сабабли [баданга] ўтиб кетади ва бошқа қуюқ нарсалар каби чўкмаси ажратилгунича [меъдада] тўхтаб турмайди, балки қуюқлигича жигарга тушади ва жигарга томон тайёр йўл топиб олади. Чунки меъда ва жигар ўртасидаги йўл жигарда ёйилган ва унга борадиган томирларга қараганда кенгдир. Сўнгра шароб жигарга келгач, унда ажралиш ва ҳазм бўлишгача турмайди, балки латиф қисми тез ўтиши сабабли тор томирларга ҳайдалиб кетади, чўкмаси эса йўлнинг торлиги сабабли [жигарда] қолади. Ўпкада эса аҳвол аксинчадир: ширин шароб ўпкага тор йўллардан кенгликка сизиб ўтиш йўсинида қизилўнгач йўлидан, ёки чўкмани кейинда қолдириб тозаланиб ковак томир орқали ўтади; тор йўллардан айланиб кенгликка боргунича яна бир марта сузилади. Шунингдек, бошқа хусусиятлар ҳам ўпкага қараганда жигарда топила бермайди.

ЖИГАРГА ЕҚАДИГАН [МОС] НАРСАЛАР

Дорилардан — аччиқлиги сабабли очувчи, ёки бошқа қуввати сабабли очувчи, шу билан бирга буриштирувчи ва кучайтирувчи бўлган дорчин, қора чайир, *мурр* ва шу каби руҳ моддасига мос келадиган ва сасишга тўсқинлик қиладиган хушбўй дорилар [жигарга] фойда етказилади. Яна унинг ювиш, аритиш [кетказиш] ва ёмон йирингни тозалаш хоссаси бўлиб, ювиши бўшаштириш даражасига етмайдиган, етилтирувчи ва юмшатувчи, айниқса заъфарон каби буриштириш ва кучайтириш хоссалари ҳам бўлган ва шу хоссалари билан бирга майиз каби лаззатли бўлган ва райҳон шароби каби сингувчан нарсалар кучли иссиғи бўлмаган кўпгина жигарлар учун фойда қилади. Агар дориди айтиб ўтилган хоссалар билан бирга ширинлик ҳам бўлса, майиз, анжир ва фундуқ каби жигарга дўст ва севимли бўлиб, фойдаси яхшироқ бўлади. Агар у дори бузилиши ва сасишни қабул қилмайдиган бўлса, яна ҳам етукроқ бўлади. Қоқигул, боғ ва чўл сачратқиси жигарга жуда

мувофиқ келади, улар иссиқликдан бўлган [жигар] касаллигига ҳам хоссаси, ҳам зид табиати билан фойда қилади. Бу ҳам борки, айрим кишилар: — [сачратқининг] жуда аччиқ мазалиси яхши [таъсир қилади], — деб ҳисоблайдилар: у аччиқлиги сабабли тиқилмаларни очиб ва буриштириши сабабли кучайтириб фойда етказди. Совуқликдан бўлган жигар касаллигида [сачратқининг] ўз хоссаси, очувчанлиги ва кучайтирувчанлиги сабабли фойда қилади.

Жигар мизожи ҳаддан ташқари совуқ бўлганда, у икки дорининг қайси бири бўлса ҳам, асал ёки асал суви билан аралаштирилади: агар унинг совутишидан қўрқилса, асал унга қарши туради ва бошқа ишларга ҳам ёрдам беради. Гоҳо уларни қуритиб асал билан ва асал суви билан ичирилади, ёки уни асал билан қайнатиб ичирилса, [тиқилмаларни] очиши ва совуқ хилтни сийдик билан чиқариши сабабли жуда фойда қилади.

Овқатларнинг яхши каймуслиги жигарга мувофиқ келади. Ширинликлар жигарга ёқади, уни семиртиради, улғайтиради ва кучли қилади, лекин улар жигарда тезда тиқилмалар пайдо қилади, чунки жигар уларни бошқа хилтларга қўшиб қаттиқ тортади. Шунинг учун жигарида шиш бор киши ширинликлардан сақланиши керак, чунки ширинликлар тезда ўтга айланади ҳамда тиқилмалар пайдо қилади. Тиқилмалар пайдо қилиши сабабли қуюқ ширинликлар, ўтга айланиши сабабли мазаси ўткир ширинликлар жигарга жуда зарар қилади. Писта ўзининг хушбўйлиги, буриштириши, очувчанлиги ва овқат йўллари тозалаши сабабли фойда берса ҳам лекин қаттиқ қиздиради. Фундуқ ҳамма жигарлар учун ҳам мувофиқдир, чунки у жуда иссиқ эмас тиқилмаларни очади ва каймуси яхшидир. Бўрининг жигари ва шиллиқ қуртларининг этлари ўз хоссалари билан жигарга мувофиқ келади.

ЖИГАР КУЧСИЗЛИГИ

Жолинус айтади: «Жигари касал киши деб, шиш ёки йирингли шишдан иборат равшан бир нарса бўлмасдан туриб, жигарининг ишлари кучсизланган кишига айтилади». Лекин жигар кучсизлиги ҳақиқатда жигар касалликларидан кейин келади ва у моддасиз ёки модалли бузилган мизож сабабли бўлиб, жигарнинг ўзидан ёки жигар билан ораларида қўшничилик бўлган бошқа аъзолардан келиб чиқади. Масалан, ўт қопчаси сафрони

тортмаса, ёки талоқ савдони тортмаса, ёки буйрак ва сийдик қопи сув қисмини тортмаса, ёки бачадондан кўп қон кетиши сабабли жигар совуса, ёки ҳайз қонининг тамом тўхталиши сабабли жигар қони бузилса, ёки меъда жигарга ҳазми яхши килусни ўтказмасдан, балки ҳазми кучсиз ёки ҳазми бузуқ килусни юборса [ана шу аъзолар сабабли жигар кучсизланади].

[Жигарнинг кучсизлигига] ичаклар ҳам сабаб бўлади, агар улар оғриси ёки уларда ёлишқоқ хилт кўпайиб, улар билан ўт қопчаси ўртасида тиқилма пайдо бўлса, ўт жигардан ажралмайди ва жигар тўлиқ ҳолда қолиб, ажралган қонни ўзига қабул қилмайди; кўпинча, қуланж касаллигида шундай бўлади. Кўкрак аъзоларининг ҳамкорлиги сабабли ёки иситмаларда бўлгани каби бутун гавда сабабли ҳам [жигар кучсизланади]. Гоҳо жигар кучсизлиги, фақатгина бузуқ мизож сабабли бўлмай, балки жигарда юз берадиган қон шиши, сарамас, қаттиқлик, саратон, бўшашиш, яра, ёрилиш ва сасиш сабабли ҳам бўлади. Жигарда кучсизлик умумий бўлса, унинг ҳамма қувватлари кучсизланади. Баъзан кучсизлик умумий бўлмайди, балки ундаги тўрт қувватнинг бири кучсизлашади. Кўпинча, совуқ ва ҳўлликдан тортувчи ва ҳазм қилувчи қувват кучсизланади, тутувчи қувват эса ҳўлликдан ва ҳайдовчи қувват қуруқликдан кучсизланади.

Белгилар. Қишининг ранги кўп ҳолларда жигар аҳволига далолат қиладиган нарсалардандир, чунки жигар касаллигига учраган киши [нинг ранги], кўпинча, сарғиш ва оқиш бўлади, баъзан эса, биз [жигар] мизожларининг белгиларида баён қилганимиздек, кўкимтир ва хира бўлади. Қишининг ранги жуда тоза эканини кўрсанг, демак унинг жигарида ҳеч бир касаллик йўқ. Тажрибали табиб жигар ва меъда касаллигига учраганларнинг ҳаммасини рангидан билади ва у бошқа бир далилга муҳтож бўлмайди; бу рангга далолат берадиган муносиб хос бир исм йўқ.

Гўшт сувига ўхшаш ахлат ва сийдик кўпроқ ҳолда жигарнинг қон пайдо қилишда кучли ишламаётганига ҳамда қон моддасини килусдан ва унинг тоза қисмини сувсимон моддадан ажратмаётганига далолат қилади: бу, кўпинча, жигарнинг кучсизлигидан дарак беради. Шу [гўшт] ювиндисига ўхшаш ич кетиши [касаллигининг] охирида бошқа турга ўзгаради. Иссиқ мизожда ич олдин яра зардобига ўхшаш бўлиб, кейин лойқа шаробга ва куйинди қонга ўхшаб ўтади; бундан олдин эса

нукул сафро кўп ўтади; совуқ мизожда ич сасиган қон каби ўтади. Иккала [мизожда], айниқса совуқ [мизожда] ичнинг гўшт сувсисмон ўтиши кайфияти ва қуюқ-суюқлиги турлича бўлган [ахлат] чиқаришга олиб келади: [ахлат] меъданинг кучсизланганидаги каби бўлади. Жигари кучсиз бўлган кишиларнинг кўпида доимо, айниқса [меъдадан] овқат ўтишида, қисқа [етим] қовурғача чўзилиб борадиган енгил оғриқ сезилиб туради.

Мизожларга келсак, уларга жигарнинг бузилган мизожларини аниқлашда айтиб ўтилган асосий қоидалардан далил олинади. Иссиқ [мизожли жигар] хилтларни куйинди қилиб ташлайди, совуқ мизожлиси хилтларни қуюқ ва сует ҳаракатланадиган қилади, қуруқ мизожли-сихилтларни озайтиради ва қуюқ қилади, ҳўл мизожлиси эса уларни сувсисмон қилади.

Ўт қопчаси сабабли бўладиган жигар кучсизлигига юзнинг сариқ касаллигидаги каби ранги далолат қилади. Баъзан шундай кучсизликда ўт қопчаси билан ичаклар ўртасида тикилма бўлса, ахлат оқ бўлади. Талоқ ҳамкорлиги билан бўлган жигар кучсизлигига талоқ касалликлари ва рангда қораликнинг устувлиги далолат қилади. Меъда сабабли бўлганини меъда касалликлари ва ҳам бузилганлигининг белгиларидан билинади. Ичаклар сабабли бўлган [жигар кучсизлиги] ичак оғриқлари, ел, қорин қулдураши, қуланж ва шунга ўхшаш [белгилар] билан билинади. Буйрак ва сийдик қопи ҳамкорлиги билан бўлганида сийдикнинг ранги зарур табиий рангдан ўзгаради. Касалнинг кўриниши «ўзлаштиришнинг бузилиши» ва истиқога учраган кишининг кўришига ўхшаш бўлади. Кўкрак аъзолари сабабли бўладиган жигар кучсизлигига нафас олишнинг ёмонлашуви ва қуруқ йўтал белги бўлади: баъзан у киши [кўкрак аъзоларининг] бойлоқларида оғирлик ва чўзилганлик сезади. [Жигардаги] шишлар, қаттиқлик, яра, ёрилиш ва бошқа ҳолатларнинг ҳамма белгиларини ўз жойида баён қиламиз, ўша жойга мурожаат қилиш керак.

[Жигардаги] ҳазм қилувчи қувват кучсизлигининг белгилари шундан иборатки, бунда аъзоларга ўтадиган озиқ ҳазм бўлмаган ё оз ҳазм бўлган, ёки бузуқ ҳазмли бўлиб, ёмон кайфиятга айланади. Кўпинча, кўз ва юз салқийди, томирдан олинадиган қон сув ва шиллиқ аралашгандек бўлади, лекин тутувчи қувват бўлганда ҳам шундай бўлади, чунки озиқ ҳазм бўлгунича жигарда ушланиб турмайди. Энг ёмони озиқнинг [бутунлай] ҳазм

бўлмаслиги, кейин оз ҳазм бўлиши, кейин ёмон ҳазм бўлишидир. Баъзи [табиблар]: «аввалги икки ҳолда бўлаклари хилма-хил бўлгач ич ўтиб туради, учинчисида ич қуюқ қонга ўхшаб ўтади», — дейдилар, бироқ бу исбот қилинмаган сўздир.

Гўшт сувисимон ич ўтиш ҳазм кучсизлиги билан бирга ҳазм озлигига белги бўлади; ичнинг нуқул оқ ўтиши эса, тортувчи қувватнинг жуда кучсизлигига ва ҳазм қувватининг ҳеч бир ҳазм қилолмаётганига далолат қилади, айниқса овқатлар қандай кирган бўлса, шундайча ўтаётган бўлса, шундай бўлади. Хилма-хил нарсалар чиқиши эса ҳазм бузилганлигини кўрсатади. Шундай ҳолларда сийдик ҳазм қилувчи қувват ҳолига, ахлат эса тортувчи қувват ҳолига кучлироқ далил бўлади. Ахлатнинг кўплиги, суюқлиги ва оқлиги тортувчи қувват кучсизлигининг белгилари бўлади. Шулар билан бирга сийдик раёнли бўлса, айниқса меъдада касаллик бўлмаса, тортувчи қувватнинг зарарлангани билинади. Тортувчи қувватнинг кучсизлиги гавда озғинлигини келтириб чиқаради.

Тутувчи қувват кучсизлигининг белгилари эса тутишнинг етишмаслиги сабабли бўладиган ҳазм қилувчи қувват кучсизлигининг белгиларидан иборат бўлади, шунда аъзоларга яхши етилмаган ва шунинг каби овқат боради, лекин ҳазм қилувчи қувватдан етган зарар кўпроқ, тутувчи қувватдан етгани эса камроқ бўлади. Тутувчи қувватнинг [кучсизлигига] хос бўлган белги шуки, жигарда озгина оғирлик билан сезилиб турган тўлиқлик озиқ ўтгандан кейин тез кетади. Жигардаги ҳайдовчи қувват кучсизлигининг белгилари шуки, бунда уч хил чиқиндининг ажратилиши кам бўлиб, сийдик озаяди; шу билан бирга, сийдик ва ахлатда қизғишлик оз бўлади ва сийишга эҳтиёж кам сезилади; савдо талоққа ҳайдалмайди, шу сабабли овқатга иштаҳа камаяди. [Бадан] кўринишида бўшлик, оқ билан аралашган сариқ ва қоралик бўлади. Бу ҳол, кўпинча, истисқога олиб келади; гоҳо шилликдан бўладиган қуланжга ҳам олиб келади.

Жигар кучсизлигини даволаш. Жигар кучсизлигининг сабаби мизождан ёки қурол аъзосидаги бирор касалликдан ёки бошқа нарсдан эканини биз баён қилган белгилар орқали аниқлаш ва ҳар бирини ўзи учун баён қилинадиган дориси билан даволаш керак. Жигар кучсизлиги кўпроқ совуқлик ва ҳўлликдан, ёки қуруқликдан, ёки жигарда тўхталиб қолган ёмон

моддалардан бўлади. Шунинг учун, кўпинча, уни бир оз қиздириш билан даволанади, шу билан бирга [тиқилмаларни] очиш, [моддани] етилтириш ва кучайтирадиган буриштирувчига аралаштирилган юмшатувчи ва сасишга тўсқинлик қилувчи дорилар ҳам ишлатилади. Кўпинча, заъфарон каби очиш, етилтириш ва буриштириш хоссаси бўлган хушбўй дори билан даволанади. Гоҳо анор дони каби озгина буриштириши бўлган нордон-чучук нарсалар ҳам фойда қилади, бу нарсалар нордонлиги билан жигарни кучайтиради, моддани парчалайди ва ширинлиги билан [жигарни] тозалайди ва [тиқилмасини] очади. Кейин мизож хоҳишига қараб, иссиқ ва совуқ томонини кўзда тутиб иситувчи ёки совутувчи дори ишлатилади; майизни уруғи билан яхши чайнаб ейиш юқоридаги кабидир.

Шишлар, тиқилмалар, ёки бошқа касалликларни даволашда тарқатувчига муҳтож бўлсанг, уни буриштирувчи дори қўшмасдан ишлатма, лекин мизож жуда қуруқ бўлса, [қўшилмайди]. Гоҳо жигарда моддаларнинг тўхталиб қолиши сабабли томиридан қон олишга ва моддага кўра белгиланган сургига муҳтож бўламиз. Агар модда совуқ ва ёпишқоқ бўлса, дарахт пўкаги каби дори билан, модда суюқ ва иссиқ бўлиб, жигарда тиқилмалар бор бўлса, *Ғофит* шираси ва эрман шираси кабилар билан сурги қилдирилади, буларга суришга ёрдам берадиган нарса ҳам аралаштирилади. Баъзан [бу касалликда] ич суриш ва ҳазм бузилишидан бўладиган ич кетиш кучаяди, шунда табиб буриштирувчи дориларни шошилиш равишда ишлатиб, катта зарар келтиради. Аксинча, шундай ич кетиш юз берганда, етарли даражада очувчи ва мўътадил буриштириб кучайтирувчи дориларни, айниқса хушбўйликлар қўшилган, хусусан, буришириш хоссаси бўлган райҳоний шаробда қайнатилган дориларни истеъмол қилиш керак.

Бўрининг қуритиб янчилган жигари жигар кучсизлигининг ҳамма турлари учун ҳам умумий ва ўз хоссаси билан таъсир қилувчи дорилардан саналади; ундан бир қошиқдан олиб шароб билан ичиб турилади. Жигарни керакли дорилар билан даволагач, араб туясининг сутини ичиришга ўтиш керак. Жигар кучсизлигига қарши фойдали дорилардан бирининг таркиби: ювилган *лакк* ва ҳинд ровочи илдизидан уч [*дирҳамдан*] *Ғофит* шираси, арпабодиён ва рум исмалоғи уруғидан беш [*дирҳамдан*], олти *дирҳам* рум эрмани, ўн *дирҳам* сачратқи уруғи, саккиз *дирҳам* зарпечак уруғи ва тўрт

дирхам петрушка уруғини олиб, шу таркибдан кулчалар ёки элаки дори тайёрланади.

Қуйидаги таркибдан ясалган дори танланган ва бошқалардан олдинга қўйиладиган дорилардандир: уруғи ажратилган майиздан йигирма беш мисқол, заъфарондан бир мисқол, — айрим нусхаларда ярим мисқол, — хушбўй қамишдан икки мисқол, яҳуд муқлидан икки ярим мисқол, дорчиндан бир мисқол, Цейлон дорчинидан ярим мисқол, сунбулдан уч мисқол, қора чайирдан икки ярим мисқол, муррдан тўрт мисқол, сақичдан тўрт мисқол, қандулдан икки мисқол ва асалдан ўн олти мисқол олинади; шуларни кифоя қиларли миқдорда шароб [билан қорилади]; гоҳо шу таркибга афюн ва мингдевона уруғи ҳам қўшилади. Жолинуслинг айтишича, бу дори ўз хоссалари билан жигарга ёқадиغان нарсалардан таркиб қилингандир. Уларнинг баъзиси етилтириш билан бирга мўътадил буриштирувчи, баъзиси қуритувчи ва ёмон зардобни кетказувчи, баъзиси ёмон мизожни тузатувчи, баъзиси эса сасишга қаршилик қилади; уларнинг кўпи, масалан, дорчин ва Цейлон дорчини хушбўй дориворлардан иборатдир. Шу кейинги иккитаси сасишга тўсқинлик қилади, мизожни тузатади, [мизожни] бузиб турган сабабни ҳайдайди, ёмон зардобни шимдиради ва ҳайдайди, шунингдек ўлдирувчан дорилар ва заҳарларга қаршилик кўрсатади. Оддий дорчин Цейлон дорчинидан кучлироқ, бироқ уларнинг ҳар иккаласи ҳам бу тўғрида сунбул ва бошқа нарсалар каби ҳамма хушбўй дорилардан кучлироқ бўлади. Қандул ва заъфарон эса буриштириш, етилтириш, юмшатиш ва сасиганни тузатиш ишларини бир йўла бажаради. Ширинлиги [бошқа дориларнинг таъсирини] синдирмаслиги ва мувофиқроқ бўлиши учун майизнинг миқдорини камроқ қилинади. Майиз жигарга дўст ва мос келадиغان дорилардан бўлиб, шундай дўстлик фойдали дори хоссаларининг энг яхшисидир; майизда яна етилтириш, юмшатиш ва хилтларни мўътадил қилиш хоссалари ҳам бор; у [меъдада] тез бузилмайди. Шароб ҳам, агар унга баён қилиб ўтилган монелик бўлмаса, ёқадиغان дорилардан саналади; унинг сасишга қарши туриш хоссаси бор. Асалнинг хусусиятлари сенга маълум. Муқл юмшатувчи, етилтирувчи ва тарқатувчи дори, сақич ҳам шундай, бунда яна очиш ва тозалаш хоссалари бор. Ушандай дорининг афюн ва мингдевона уруғи қўшилгани ҳам жигар иссиқлик сабабли кучсизланганида жуда фойда беради. Шунинг учун ўша таркибга *филуниё*

қўшилса, жигар кучсизлигининг ҳамма турларига қарши жуда фойдали бўлади.

Қаттиқ қиздириб юбормайдиган фойдали дорилардан бири: рум сунбулидан уч бўлак ва рум эрманидан икки бўлакни олиб янчилади ва асал билан қориб, ичиб турилади. Буриштирувчи мазали райҳоний шароб билан қайнатилади, яхши ҳидли, машҳур дориларни компресс қилиб боғланади; баъзан буларга қоқ нон, гоҳо рум сунбулининг ёғи ва шунга ўхшаш нарсаларни қўшилади, шуларни юнга қўйиб боғланади. «Қарободин»да айтиб ўтиладиган ва таркибига узум ғўраси, ток новдаларининг [суви] ва гул қўшиладиган қуюқ суртмалар, шунингдек меъда кучсизлиги бобида биз баён қилган ҳамма қуюқ суртмалар ва мураккаб хушбўйликлар, гулсапсар шароби ва шу каби нарсалар билан аралаштирилган ва тўпалоқ, мастаки, сунбул, кундур елими, омила шираси, мушк, сарв ёнғоғи, қора чайир ва маълум уруғлардан тайёрланадиган, шунингдек сабр ва мастакдан тайёрланадиган қуюқ суртмалар ҳам ўшандай фойдали дорилардан саналади.

Жигар кучсизлиги иссиқ сабабли бўлганда, — бу кам учрайди ва кўп бўлмайди, — [касалга] беҳи шом олмаси, чин ноки, нордон-чучук анор, агар тикилмалар кўп бўлмаса, нордон анор ейиш буюрилади; сачратқи суви ва итузум суви ҳам уларга фойда беради. Уларни яна ёғи сузиб олинган ва кашнич қўшилган *сикбож* ичишга буюрилади; агар иссиқ кучли бўлмаса, ўша шўрвани сунбул ва мастаки билан хушбўй қилинади. Ундай касалларга ичига ҳўл кашнич ва озгина ялпиз солиб пиширилган гўштлар ҳам ёқади, агар иссиқ кучли бўлмаса, айтиб ўтилган дориворлар қўшилади. Агар сен жигар кучсизлигининг ҳазм қилувчи қувватга таъсир қилганини билсанг, бир қадар буриштириш ҳамда хушбўйлик ва етилтириш хоссалари бўлган нарсалар, масалан сунбул, мускат ёнғоғининг қобиғи, мускат ёнғоғи, кундур елими, мастаки, хушбўй қамиш, тўпалоқ ва шунга ўхшаш нарсалар қўшилган дорилар билан [жигарни] кучайтирасан. Агар кучсизлик тутувчи қувватга таъсир қилган бўлса, кучайтириш ва буриштириш хоссаси кўп ва иситиши кам бўлган дориларни ишлатасан ёки у дориларга совутишда уларга қарши турадиган анор гули, гул ва «ер олати»ни қўшиб ишлатасан.

Кучсизлик [жигарнинг] тортувчи қувватида бўлса, уни буриштириш хоссаси жуда оз, ҳатто жигар қувватини сақларли миқдордагина буриштирадиган, лекин хуш-

Бўйлиги ва иситиш хоссаси бўлган дорилар билан кучайтирасан. Ундай кишиларни қуюқ суртмалар, суртладиган ва ишқаланадиган дорилар билан даволашга ҳаракат қиласан; улар шундай [касал] жойга жуда ёқади. Яна тиқилмаларни очтиришга ҳам ҳаракат қиласан. Жигар кучсизлиги унинг ҳайдовчи қувватида бўлса, уни кучайтирасан ҳамда буйрак ва ички аъзо-ва ўзингга маълум дорилар билан тери тешиқларини ларни ўз бобида биладиган дориларнинг билан иситасан очтирасан.

Билгинки, ҳамма хил бузилган мизождан ҳам [жигар] кучсизлигининг ҳамма турлари пайдо бўла беради. Баъзан ҳазм ва тортиш [қуввати] қайтиб келгунича совутувчи нарса ишлатишга тўғри келади. Шунда кучсизликни текширишдан олдин кучайган бузуқ мизожни текшир, лекин ҳазмдаги кучсизликка, кўпинча, бузилган совуқ мизож сабаб бўлади; тортиш қувватида ҳам шундай. Овқатлардан энг ёқадигани — гализлиги ва ёпишқоқлиги бўлмаган, масалан: енгил гўштлар, ёпишқоқлиги бўлмаган буғдой иссиқ мизожликларга — арпа сувининг ўзи, совуқ мизожликларга эса унинг асал қўшилгани, шунингдек чала пиширилган тухумнинг сариғи ва ашуларга ўхшашлардир. Ундай кишилар учун фойдали шўрвалардан, майиз қўшиб пишириб, дорчин ва мурч билан хушбўй қилинган анор дони шўрвасидир. Этли семиз майиз ҳам улар учун жуда фойдали, ҳатто бу гўшт сувисимон ич суришни тўхтатади.

ЖИГАР ТИҚИЛМАЛАРИ

Тиқилмалар гоҳо жигарнинг гўштида уни озиқлантирадиган қоннинг қуюқлиги сабабли ёки ҳайдовчи қувватнинг кучсизлиги, ёки тортувчи қувватнинг кучлиги сабабли пайдо бўлади. Баъзан [тиқилма жигардаги] томирларда уларнинг тор яратилганликлари сабабли, ёки ўша томирларнинг бужмайиши ва шунга ўхшаш ҳолатдан, ёки уларнинг яратилишда буралиб қолганидан, ёки ўша томирларда юрадиган хилдан пайдо бўлади. Шу кейинги хил [тиқилма], кўпинча, «қопқа» томирининг шохобчаларида бўлади, чунки тиқилма пайдо қилувчи модда дастлаб ўша шохобчаларга, кейин уларда сузилиб ва чўкмасини қолдириб кўтариловчи томир шохобчаларининг оғизларига боради. унинг учун тиқилмалар, кўпинча, жигарнинг чуқурлик томонида бўлади; баъзан иш жигар дўнгида тиқилмалар пайдо бўлишигача етиб боради.

Жигарда тиқилмалар кўпайиб узоқ вақтга чўзилса, иситмалар пайдо қиладиган сасишга, истисқога олиб келадиган шишларга ва қаттиқ оғриқлар пайдо қиладиган селларнинг туғилишига бориб етади. Гўё тиқилмалар жигар касалликларининг «оналари»дир. Тиқилма пайдо қилувчи модда ўз қуюқлиги, ёпишқоқлиги ёки кўп ва тўлиқлиги сабабли тўсувчи хилт бўлади; ёки [тиқилмани] шиш, ёки ел, ёки бужмайтирувчи бирон кайфият пайдо қилади. [Жигарда] эт ёки сўгал ўсади ёки унда қуюқ хилтдан бошқа бир нарса тўхтаб қолади дейиш ақлдан узоқ, ёки у жуда кам бўлади. Чунки томирларнинг оғизлари асабга [бой] бўлиб, уларда бирон нарса ўсмайди; яна уларнинг сони кўп, башарти [биронтасида эт] ўсса, бу нарса бошқаларига умумлашмайди.

Тиқилма пайдо қилишдаги таъсир қилувчи [омил] бузилган иссиқ ёки совуқ мизож, ёки жигарнинг ўзида туғилган, ё унга сиртдан кирган бирон сабаб, масалан, ҳаво ва бошқа нарсалар сабабли ҳазм, ажратиш ва ҳайдалишининг кучсизлигидан иборатдир, таъсирга учрайдиган нарса, яъни тиқилма пайдо қиладиган модда эса ейилган ғализ гўштлар, айниқса кесак, шунингдек кўмир, ганч *ушнон* ва қўзиқорин каби бузуқ иштаҳада [ейиладиган] нарсалар, нокнинг айрим хиллари, дўлана ва шунга ўхшаш нарсалардан иборат. Бу ерда асосий сабаб [моддадаги] ғализликдир: гоҳо у — совуқ, латиф ва суюқ бўлиб тиқилма пайдо қилмайди, баъзан иссиқ ва ғализ бўлади ҳамда иссиқлиги ғализлигига мос бўлади, шунда у тиқилма пайдо қилади. Юқорида биз ёпишқоқ буғдой каби айрим нарсалар жигарга қараганда ғализ бўлиб, жигарда ҳазм бўлгач, кейинги [аъзо]ларга қараганда ғализ бўлмайди, дедик. Кўпинча, табиатнинг ўзи тиқилма пайдо қилувчи моддаларни ҳайдашга кучи етади, ёки унга даво ёрдам беради. Шунда, агар тиқилма жигарнинг чуқурлик томонида бўлса, [модда] ахлат билан бирга, унинг дўнглик томонида бўлса, сийдик билан бирга чиқариб ташланади; шунда турли ғализ хилтлар юзага чиқади.

Белгилар. Тиқилмалар белгиларининг хулосаси жигарнинг килусни тортмаслигидир, чунки килус [жигарга томон] йўл топа олмайди; ёки [жигардаги] тортувчи қувватга зарар етиб, икки ҳолатнинг юз бериши лозим бўлади: уларнинг бири жигарга ҳайдаладиган нарсага, иккинчиси жигарда тўхталиб қоладиган нарсага [боғлиқ] бўлади. [Жигарга] ҳайдаладигандаги ҳолат шуки, у суюқ, килусга ўхшаш ва кўп бўлади. Суюқлигининг

сабаби шуки, сувсимон ва соф қисми жигарга томон
йўл топмайди, килусга ўхшашлигининг сабаби эса, жи-
гар ҳали уни ишлаб килусдан қонга айлантиришга
улгура олмаганлиги бўлади. Кўплигининг сабаби — чўк-
ма бўлиб, ахлат томонига ҳайдаладиган нарсага жигар-
га ўтиб, кўп қисми қонга айланадиган, бир қанчаси
сувга, айрим қисми сафрога ва бир қисми савдога ажра-
ладиган нарса қўшилишидир; шуларнинг ҳаммаси ахлат
бўлиб, чиқадиган нарсага қўшилади, натижада [ҳайда-
ладиган нарса кўпайиб қолади.

[Жигарда] тўхталиб қоладиган нарсадаги [ҳолатга]
келганда шуни айтиш керакки, жигар томонда оғирлик
сезилиб туради, чунки жигарга ҳайдалаётган [килус],
ундаги [килуснинг], — гарчи фақат ахлатга ўтиш орқали
бўлса ҳам, — бошқа томонга ҳайдалишидан олдин
келса, жигарда [килус] кўпайиб, уни тўлдиради ва
бошқасининг жигарга ўтишига тўсқинлик қилади, нати-
жада жигар оғирлашади. Агар [килус ахлат орқали
бўлса ҳам] асло ҳайдалмаса, қандай [оғирлик сезили-
шини айтиб ўтириш керак эмас]. Оғирлик [жигардаги]
шишдан ҳам бўлади, лекин жигарда шиш бўлса, оғир-
лик шишли томондагина бўлиб, кўп ва жуда кучли
бўлмайди, лекин шишнинг оғриғи қаттиқроқ бўлади,
бошқа бир сабаб билан биргалашмаган холис тиқилма-
ларда эса кўп оғриқ бўлмайди, бўлса ҳам озгина бўлиб,
иситма бўлмайди. Жигарда шиш борлигига шиш белги-
лари, сийдик ва ахлат томонидан чиқадиган нарсалар
ва шишлар бобида айтиладиган бошқа [аломатлар] да-
лолат қилади. [Жигарида] тиқилмалар бўлган киши-
нинг қони кам ва ранги бузуқ бўлади.

Жигарда ел бўлса, бунга оғирлик билан бирга кўчиб
юрувчи тортишиш далолат қилади. Буришиш сабабли
бўладиган тиқилмага илгари буриштирувчи сабаблар-
нинг бўлганлиги, масалан: жуда буриштирувчи сувлар
ичганлиги далил бўлади, бунга яна баданда кўриниб
турган қуруқлик ҳам белги бўлади. Гоҳо жигар тиқил-
малари билан бирга нафас олиш ҳам қийинлашади, чун-
ки нафас аъзолари жигарга ҳамкорлик қилади.

[Жигар] тиқилмаларини даволаш. Хилтлардан пайдо
бўлган жигар тиқилмаларини даволашда тозаловчи до-
виларга ва керагига қараб ични мўътадил даражада
юргизадиган ёки сийдирадиган дориларга эҳтиёж ту-
шади. Тиқилмалар жигарнинг чуқурлик томонида бўл-
ганда ични юргизувчи дори ишлатилади, дўнглик томо-
нида бўлганда эса, сийдирувчи дори ишлатилади. У до-

рилардан олдин очувчи, парчаловчи ва тозаловчи дори ишлатиш яхшироқдир.

Тиқилмалар узоқ вақтга чўзилса, бослиқ томиридан қон олишга ва сурги дорига эҳтиёж тушади. Аммо [дорини] ичириш вақти, шунингдек маълум илдизларнинг суви ва шунга ўхшаш нарсаларни ичиргандан кейин нимага рия қилиш зарурлигини умумий қонун-қондада баён қилинди. Шу хил тозаловчи дориларни гоҳо сачратқи илдизининг [қайнатмаси] ёки унинг суви билан ёки арпабодиён, сачратқи, дармана, бобуна, катта бобуна, қора чайир, зарпечак ва шоҳтара билан боқилган араб туяларининг сути билан, ёки шароб билан, ёки маълум уруғларнинг қайнатмаси билан, ёки эрман қайнатмаси билан ичирилади. Сийдикда чўкма ва етилганлик аломатлари кўринмаса, кучли дорилар ичириш керак эмас. Тиқилманинг сабаби шиш ёки ел бўлса, шу сабабга қарши ўз бобида айтилган дорилар билан даволаш керак. Шундай [қасалликка] қарши туя сутини ичириш, кетидан сабзавотлар, *хиёршанбар* ва шунга ўхшаш нарсалар билан сурги қилдириш ҳамда шишириш хоссаси ва иссиқлиги бўлмаган ва ўз бобида баён қилинадиган нарсалар билан сийдикни бир оз юргизиш фойда қилади; тиқилмага сабаб томирларнинг яратилишидаги торлик ва уларнинг вазиятидаги бузуклик бўлса, жигари кичкина кишига ишлатиладиган тадбир қўлланилади.

Агар пайдо бўлган буришиш ва қуруқлик тиқилмага сабаб бўлса, уни юмшатиб очувчи нарсалар — сутлар ва жигарни рутубатлантириш бобида эслатилган бошқа нарсалар билан даволанади. Очувчи дориларнинг баъзиси совуқлик, баъзиси мўътадилликка яқин ва баъзиси иссиқлик бўлиб, уларга узоқ вақтгача чўзилган тиқилмаларда эҳтиёж тушади. Совуқлик очувчиларга келсак, уларга боғ ва чўл сачратқиси, қоқигул, баргизубнинг барги ва илдизлари билан биргаликдаги суви ҳамда совутиш билан бирга сийдириш хоссаси бўлган бошқа ҳамма нарсалар киради. Зарпечак яхшигина очувчи бўлиб, жуда иссиқлик эмас; ровоч илдизи ва эрман ҳам шундай. [Эрманда] бир қадар иссиқлик бўлса ҳам, уни иссиқлик ва совуқликка яқин тиқилмаларда ишлатишнинг зарари йўқ. [Эрманни] ёки унинг қайнатмасини, айниқса, зарпечак сувидаги қайнатмасини кечқурун истеъмол қилиб ётиш керак. Сўнгра унинг илдизини, *фифитни* ва аччиқ бодомни истеъмол қилинади, чунки буларнинг ҳаммаси бир-бирига яқиндир. Хўл арпабодиён

шираси ва кучли уруғлар *сиканжубини* билан бирга қўшилган петрушка шираси ҳам шунга яқин туради. Қўпроқ иссиқликка эҳтиёж тушса, уни асал, асал суви ёки асал *сиканжубини* билан ичилади.

Миср боқиласи ва кил дори мўътадилликка яқин [очувчи] доридир; бу энг яхши дори бўлиб, жигар ва бошқа [аъзолардаги тиқилмаларни] иситмай ёки совутмай очтириш керак бўлганда ишлатилади. Ер бағирлаб ўсувчи санавбар ҳам шунга яқин туради, лекин ундан озгина иссиқроқ бўлиб, сачратқи суви билан ичирилса мўътадиллашади. Ёввойи пиёз сиркаси, ёввойи пиёз *сиканжубини*, морчўба ва гулсапсар илдизи шу хилдаги дорилардандир, *лакк* ҳам шундай. Буларни керагига қараб ё сачратқи суви, ёки зарпечак суви билан, — агар мизож иссиққа яқин бўлса, — ёки шароб билан, уруғлар суви, Миср боқиласи суви, эрман қайнатмаси ва шунга ўхшаш дорилар билан ичирилади; уларни яна даражаларига кўра уруғларнинг *сиканжубини*, саримсоқ сиркаси, сассиқ қаврак сиркаси, чўл пиёзининг сиркаси ва ковул сиркаси билан [ичилади]. Иссиқликлари эса сийдикни кучли ҳайдовчи дорилардир, улар, масалан, туёғут, Цейлон дорчини, тоғ петрушкаси, юмалоқ аристоклохия, рўян, гулсапсар илдизи, pista, дарахт пўкаги, девпечак, тўқай пиёзи, *жўлах*, хотинак супургининг ингичка хили ва унинг шираси, гентиана илдизи ва Миср боқиласидир. Яна денгиз пиёзининг зарпечак рўян ва шунга ўхшаш нарса билан тайёрланадиган асал *сиканжубини* ва бодом ёғида ивитилган анжирдан иборат. Мураккаб кучли дорилардан бир неча турли кулчаларни кўрсатиш мумкинки, уларнинг таркибини биз «Қарободин»да баён қилдик, масалан: *лакк* ва эрман кулчалари, *усқулуфандирюн* кулчалари, *лакк* дориси, *куркум* дориси, *амрусийё*, *асоносийё*, «тўрт дори» тарёки, *сажазониё*, *аристун*, гентиана маъжуни, ровоч илдизининг *сақмуниё* билан ёки *сақмуниёсиз* тайёрланган маъжуни, *Фанхористус* маъжуни, қора болдирғон маъжуни, *шахриёрон* маъжуни, мурчли маъжун, айниқса унинг ялпиз қўшилгани, *филуниё*, мушк аччиқ дориси ва биз «Қарободин»да баён қилган маъжундир, бунини мушкдан тайёрланади, яна бунга ўша ерда баён қилинган элакилар ва ҳаб дорилар ҳамда биз талоқ ва жигар қаттиқлиги бобида баён қилган дорилар киради.

Қуйидаги маъжун жигар ва талоқ тиқилмаларини очишда кучлидир, унинг таркиби: бир *уқия* қаврак елими, мастаки ва кундур елимининг ҳар биридан беш

карам, қуст ва *ғофитнинг* ҳар бирдан тўрт *карам*, мурч ва узун мурчнинг ҳар бирдан олти *карам*, *содаж* саккиз *карам*, хушбўй сунбул ва қуён тезагининг ҳар бирдан тўққиз *карам* олинади ва кўпиги олинган асал билан қориб [маъжун қилиб], тиқилмаларга қарши ишлатиладиган айрим дорилар қўшилган шароб ёки илдиз суви билан бир қошиқдан ичилади. Ундан енгилроқ дорининг таркиби: рум сунбулидан уч бўлак ва эрмандан бир бўлак олиб, янчиб асал билан маъжун қилиб берилади. Ғофит шираси билан қўшилган дарахт пўкаги ҳам жуда фойдалидир. Пионгул илдизини *сиканжубин* билан ичиш ҳам шундай.

Жигар ва талоқ тиқилмаларига қарши фойдали қайнатма: денгиз пиёзи, сунбулсоч, аччиқ бодом, сариқ йўнғичқа ва эрман шохчаларидан баробар бўлақларни олиб қайнатилади ва асал билан ичилади.

Яқин орада пайдо бўлган жигар тиқилмалари учун фойдали маъжун: мурчдан бир *уқия*, хушбўй сунбулдан нусхаларнинг турлилигига қараб уч ёки олти *карам*, сариқ йўнғичқа, қуст, қаврак елими ва туёғўтдан олти *карамдан*, асалдан бир ярим *ритли* олиб шу таркибни қорилади; шу ҳолатга мувофиқ келадиган айрим ичимликлар билан қўшиб, бир қошиқдан ичилади. Шакар билан тайёрланган уруғлар *сиканжубини* шу хил ичимликлардандир; асал билан қўшиб уруғлар ва денгиз пиёзидан қилинадиган *сиканжубин* ундан кучлироқдир. Буриштириш хоссаси бўлган хушбўй дориворлар қўшиб қаттиқ қайнатилган асал суви, аччиқ Миср боқиласининг ғофит шираси солинган қайнатмаси, ковул илдизи, арпабодиён илдизи, петрушка илдизи, қора чайир илдизи, *лакк*, рўян ва сариқ йўнғичқа солинган қайнатма, *ғофит* қайнатмаси, эрман шарбати ва унинг ивитмаси, сабр, рум арпабодиёни ва аччиқ бодомдан тайёрланган ивитма [ҳам фойдалидир].

Бундай ҳолларда сургига эҳтиёж тушганда, ёқадиган сурги дориларга келсак, қаттиқ зарурат бўлмаса, уларнинг кучлиларини ишлатиш керак эмас, балки енгиллини ишлатиш керак. Чунки модда дорига яқин ҳамда аъзода қувват бўлса, ҳайдашига ёрдам берувчи энг кучсиз дори ҳам кифоя қилади. Шундай ҳолларда *иёраж* фикро, чилпоя, дарахт пўкаги ва эрман фойда беради. *Иёраж фикродан* кучли касалга бир ярим *мисқолгача*, ичирилиди: агар уни канакунжут ёғи билан ичирилса кучлироқ ва фойдалироқ бўлади. «Қарободин»да айтиб ўтилган ва *жулах* билан қўшилган турбуд элакиси ҳам

[тиқилмаларни] очувчи, ҳам [ични] сурувчи бўлгани учун жуда фойда беради. Кучли сурги дориларга эҳтиёж тушса, *истумаҳиқун* ҳаб дориси ва Эрон қаврагидан қилинадиган ҳаб каби дориларни ишлатишдан бошқа чора йўқ; баъзан *тиёдаритус* ва *лугозиё* каби дориларга эҳтиёж тушади.

Қуюқ суртмалардан, масалан, *жулах*, Миср боқиласининг уни ва сийдикни юргизувчи уруғлардан тайёрланган қуюқ суртма ёки ангуза, қаврак елими, эрман, ер бағирлаб ўсувчи санавбар, мастаки ва заъфарондан рум сунбули ёғи ва мум билан тайёрланадиган қуюқ суртмалар ишлатилади.

Овқат тадбирига келсак, улар ҳамма ғализ гўштлар, патир нон, ёпишқоқ оқ ундан қилинган нон, қуюқ ва ширин шароб, гуруч, тариқ, калла-почалар, қуритувчи жовурдоқлар ва қуритувчи дорилардан парҳез қилишлари керак, улар учун қайнатилган нарсалар мувофиқ желади; яна улар хурмо, ҳамма ширинликлар, айниқса, уларнинг ёпишқоқ ва ғализларидан, масалан, ёғ ва хурмодан қилинадиган овқат, ширгуруч, *фолузаж* ва *қатойифлардан* парҳез қилиш, шунингдек биз кўрсатган тиқилмалар пайдо қиладиган ҳамма нарсдан сақланиши керак. Овқатлангандан кейин ҳаммомга тушмаслик лозим, акс ҳолда, табиат, овқат ҳали ҳазм бўлмастан олдин, уни тарқалган нарсанинг бадалига айлантириб тортиб олади. Шунингдек, овқат устига ҳаракат ва бадантарбия қилмаслик, [суюқликни] кўп ичмаслик, умуман овқат ейиш билан ичимлик ичишнинг ораси, айниқса шароб ичишнинг ораси узоқ бўлиши керак, чунки шароб овқатни ҳазм бўлмаган ҳолда жигарга киргизади. Бундай касалга бериладиган ноннинг хаамири серачитқи, сертуз ва етилган бўлиши керак. Арпа, *хандарус*, мўхат, енгил вазнли бугдой ва боқила ундай кишиларга ёқади. Эски, суюқ ва сув қўшилмаган шаробнинг зарари йўқ. Овқатга гандано ва шу каби нарсаларни ҳам қўшиш жерак. Уларга морчўба фойда беради, ковул [ҳам шундай].

ЖИГАР ОҒРИҒИ

Жигарда оғриқ унинг парда қисмидаги бузилган ёт мизож сабабли, ёки тортиштирувчи ел сабабли, ёки тиқилмалар сабабли, ёки иссиқ, ё қаттиқ шишлар сабабли пайдо бўлади, чунки совуқ ва балғамдан бўлган шишлар жамдан-кам оғриқ пайдо қилади. Гоҳи бухронларда

хилтларнинг қўзғалиши сабабли ҳам [жигарда] оғриқ бўлади. [Бухроннинг] нимага олиб келишлиги «Огоҳ-лантириш» китобида айтилган. Гоҳо жигар кучсизлиги сабабли оғрийди, шунда у ўзига бораётган озиқни кўтаролмай, уни ўраб турган парда азиятланади. Гоҳо жигар бухрон моддаларининг ҳаракатидан ҳам оғрийди, улар жигар томонида оғирлик ва оғриқ пайдо қилади.

Жигарда бўладиган жуда қаттиқ оғриқ фақатгина кучли иссиқ шишдан ёки елдан бўлади; шунинг учун иситма бўлмаса-ю, оғриқ бўлса, бунга ел сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам иситма пайдо бўлса, Буқрот айтганидек, у — [жигардаги] елни тарқатади. Буқротга нисбат берилиб, унинг гўридан топилган деб даъво қилинадиган китобда шундай ёзилган: «Жигарда оғриқ пайдо бўлиб, шу билан бирга, бошнинг орқа қисмидаги дўнглик ва оёқ бош бармоқлари қаттиқ қичиса, энсада боқилага ўхшаш қора чиқиқ пайдо бўлса, касал бешинчи кун — кун чиқишидан олдин ўлади. Шундай касалликка учраган кишида аъзонинг зарарланиши сабабли қийналиб сийиш ва томчилаб сийиш пайдо бўлади». Мен айтаманки, агар ёмон сув моддаси сийдик орқали ҳайдалиб чиқмаса, ўтиш йўллارининг бошқа биронтаси орқали тевааракка ўтиб, ўз аччиқлиги ва бурақсимонлиги билан қаттиқ қичиш пайдо қилса керак.

Белгилар. Ҳамма хил [оғриқнинг] белгиларини ўз бобида айтилганлардан билдинг.

Даволаш. Даволаш ҳақида ҳам ўз жойида айтилди. Лекин қадимги табиблар жигар оғриқларига қарши дорилар баён қилиб, бу дорилар жигар оғриқларида мутлақо фойда қилади, деб айтганлар. Ҳолбуки, у дорилар кўпроқ жигар кучсизлигидан бўлган оғриқлардагина фойда қилади. Биз бу ерда у дорилардан баъзисини ва айтишга ишончлисини келтирамиз: айтишларича, оғриқларда турли таркибда ровоч илдизидан тайёрланадиган кулчалар, ровоч маъжуни, *куркум* дориси, газгаўтнинг сурги маъжуни, ёввойи зира маъжуни, фудиёнус маъжуни, қайсар маъжуни, кичик ва катта *асоносиеъ*, *тамрий*, *қуқоё*, Асклениад маъжуни, ўнта [доридан қилинадиган] кулчалар, шунингдек *Қумоусга* нисбат бериладиган Жолинус маъжуни фойда қилади.

Айтишларича, фойдали [дорилардан] яна бири мана бу: тахир хўл санавбар япрогининг ширасини *сиканжубин* билан ёки ўша япроқ қайнатмасини ярим *дирҳам* ровоч илдизи, уч *дирҳам* заъфарон, бир оз петрушка уруғи ва арпабодиён билан [берилади]. Яна: гулдан

тўрт *дирҳам*, сунбул ва мастакининг ҳар қайсисидан икки дирҳамдан, *ғофит* шираси, эрман шираси, *лакк*, ровоч илдизи, заъфарон, қора чайир гули, рўян, тўёғўт, уч турли уруғ ва хом уднинг ҳар биридан бир *дирҳам* ва бальзам чўпидан ярим *дирҳам* олиб [ишлатилади]. Жигар оғриғи ич суриш билан биргаликда бўлганда, мана шу таркибдаги дорини буюрилади: қайнатилган сирка чўкмаси, *лакк*, ровоч илдизи ва сунбулнинг ҳар биридан бир *мисқол*, темир чиркидан етти *дирҳам* вазнида олиб икки *уқия* кашнич суви билан ичилади.

[Жигар оғриқларининг] ҳаммасида ҳам ғализ овқат ва гўштлардан сақланиш ва ўзингга маълум бўлган энгил ва латиф қуш гўштлари ва бошқа нарсалар билан чегараланиш, айниқса иситмаси бўлса, [шундай қилиш] керак. Қуюқ суртмалардан ёввойи зира қуюқ суртмаси, *фарфиюн* қуюқ суртмаси, қушқарбеда қуюқ суртмаси ва шу касалликда ишлатиладиган бошқа қуюқ суртмалар фойда қилади.

ЖИГАР ВА УНИНГ ЁН-БЕРИДА БЎЛАДИГАН ШИШЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Жигар томонида пайдо бўладиган шишларнинг баъзиси жигарнинг ўзида, баъзиси жигар устида ётган мушакларда ва баъзиси эса мосориқода бўлади. Жигарнинг ўзида бўладиган шишларнинг бир тури унинг юқори бўлакларида ва дўнг томонида, бир тури қуйи бўлакларда ва ботиқ томонида, бир тури эса унинг пардаларида, юпқа пўстларида ва томирларида бўлади, — бу тури жуда бўлмаган йўсинда жигар бўлакларига ўтказувчи тиқилма сабаб бўлади. Сўнгра, шиш ё флегмона [тарқалган йирингли шиш] ёки ундан бошқа шиш бўлади; ёки у сафро шиши, ёки шиллиқли шиш, ёки қаттиқ шиш бўлиб, саратон ёки ундан бошқа шиш бўлади; ёки [жигарда] ел дамлиги бўлади. Шуларнинг [ҳаммасига] оздирувчи иситмали ё иситмасиз иссиқ мизож, ёки ҳазмга ва ҳайдашга тўсқинлик қилувчи совуқ мизож, ёки меъда кучсизлиги, ёки хилтларни йиғиб, туриб, сўнгра уларни табиий бўлмаган йўсинда жигар бўлакларига ўтказувчи тиқилма сабаб бўлади. Жигарнинг кичиклиги ва шунга ўхшашлар ҳам тиқилмага сабаб бўлади.

Тиқилма ўт қопчаси томонида бўлса, қонни қайнатади ва қон ўт кўплиги сабабли жигар бўлакларига ғайритабиий йўсинда шимилади. Умумий ўтнинг кўпайи-

ни жигарда иссиқ шиш пайдо қилувчи сабаблардан биридир. Баъзан [жигар шишига] меъда ҳамкорлигидан келган зарар сабаб бўлиб, ҳазм бузилади. Иситувчи гализ ва яхши ҳазм бўлмайдиган овқат ҳам жигарда шиш пайдо бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, агар жигар жуда тортувчан бўлиб, [озиқни] керагидан ортиқ тортиб олса, тортилувчига эргашиб ҳайдалиши керак бўлган кўпгина нарса тортилиб кетиб, [жигарни] шиш пайдо бўлишига қобилиятли қилади. Гоҳо урилиш ва лат ейиш сабабли ҳам жигарда шиш пайдо бўлади.

Жигардаги ҳар бир шиш бухрон орқали [тузалади]. Агар шиш жигарнинг дўнглик томонида бўлса, бухронидан терлаш ва сийдик кўпайиши, ёки бурун қонаши юз беради; агар у [жигарнинг] ботиқ томонида бўлса, бухронининг [белгиси] терлаш ёки қусиш, ёки ич кетиш бўлади; дўнглик томонидаги шиш ботиқ томондаги шишдан ёмонроқдир. Жигарда бўладиган ҳар бир иссиқ ёки совуқ шиш, тиқилма пайдо қилиши сабабли баданга фақат сувсимон қоннигина ўтказилади. Шу билан бирга, жигар сув қисмини ажратишга кучсизлик қилади, натижада мосориқода кўпгина сув қисми тўхталиб қолади. Мана шу нарсалар «гўшт истисқоси» ва «меш истисқосининг» сабабларидандир. Иссиқ шиш жигардан талоққа кўчса, бу — хавфсиз, агар у талоқдан жигарга кўчса, хавфли бўлади.

Ҳамкорлик сабабли жигарда пайдо бўладиган шишларнинг умумий белгилари. Жигар шишларининг умумий белгилари шундан иборатки, касал қовурға тоғайлари тагида донмий оғирлик ва шу жойда тиқилмалардагидек бўлмаса ҳам вақти-вақти билан қаттиқлашадиган оғриқ сезади, чунки тиқилмаларда кучли оғриқ бўлмайди. [Жигар шишида] дамликдагидан фарқ қилиб, касалнинг ташқи кўриниши ўзгаради; жигар [дамлигида] эса ўзгармайди. Жигар шишида доимо бўлмаса ҳам, кўпинча, ўмров суяги қўйига тортилганга [ўхшаб] туради; бу хил тортилишга ковак [вена] ва кўтариб турувчи бойлоқларнинг тортишуви сабаб бўлади. Жигарнинг иссиқ ва бошқа шишлари лўқилламайди, чунки артериялар жигар пардасида [тармоқланиб] ёйилиб туради, уларнинг зарби сезилмаслик даражадагина бўлади. Орқа қовурғалар жигарга ҳамиша ҳамкор бўлмаса ҳам унинг оғриқларида, юқори ва дўнгликларидаги шишларида ҳамкорлик қилади.

Жигари шишли кишилар, айниқса иссиқ ва катта шишлилар ўнг томонини босиб ётолмайдилар: шишнинг

қуйига тортилиши сабабли чап томонни босиб ётиш ҳам уларга малол келади, улар кўпроқ чалқанча ётишни истайдилар. Агар шиш жигар дўнгида бўлса, ўша жой оғир туйилади, қовурга тоғайлари ва кўтариб турувчи бойлоқларда ҳам тортилиш сезилади: шишга қўл тегизилса, жуда равшан билинади, айниқса ориқ кишида шундай бўлади. Қуруқ йўтал ва нафас қисилиши, — айниқса куч билан нафас олинганда, — пайдо бўлади, чунки, кўкрак-қорин тўсиғи ва ўпка азиятда жигарга ҳамкорлик қилади. Сийдик озаяди, шиш катта бўлганда, жигарнинг дўнглик томонида тиқилма пайдо бўлганлиги ва ҳайдовчи қувватнинг кучсизлиги сабабли гоҳо сийдик бутунлай тўхталиб қолади. Бу хил шишнинг оғирлиги [жигарнинг] чуқурлигидаги шишникидан кўпроқ бўлади, чунки чуқурлик томони меъдага суяниб туради; шунинг учун ҳам [юқориги шишда] оғирлик кўпроқ бўлади.

Умров суягининг ўнг томондан қуйига тортилиши камроқ бўлади, айниқса жигарнинг дўнги қовурғаларига жуда ёпишиб турмаган кишида шундай бўлади. Умров суягининг қуйига тортилиши ва унинг жигар оғриғида ҳамкорлиги [жигари қовурғаларига туташган кишиларда] кўпроқ ва равшанроқ бўлади. Жигар дўнглигидаги шишда ҳиқичоқ оз бўлиб, чуқурликдагисидан кўп бўлади, чунки жигар дўнглиги меъда оғзидан узоқ туради. Агар шиш жигар чуқурлигида ва қуйи томонда бўлса, шу томонининг меъдага суяниши сабабли оғирлик камроқ бўлади. Бунда йўтал ва деярли нафас қисиш бўлмайди, қўл тегизилганда [шиш] унчалик билинмайди. Лекин ўша жойдаги сиқилиш сабабли, оғриқ қаттиқроқ бўлади, айниқса, у қорин девори тортилганда [кучаяди]. Жигар шишлари катта бўлганда, табиат ён билан ётишдан кўра, чалқанча ётишни истайди. Шиш ҳаддан ташқари катта бўлса, ён билан ётишгина эмас, ҳатто чалқанча ётиш ҳам қийинлашади. Чуқурлик томон шишларида, кўпинча, мосориқода ҳам шишлар пайдо бўлади. Умуман, [жигарнинг] чуқурлик томонида шиш бўлса, меъданинг ҳамкорлиги қаттиқроқ бўлиб, ҳақичоқ тутади ва кўнгил айнайди; шиш иссиқ бўлса, ташналик ҳам пайдо бўлади.

Баъзи [табиб]ларнинг фикрича, жигар ва меъда ўртасидаги ҳамкорлик жигар ва меъда оғзи оралигини туташтирувчи ингичка асаб орқали бўлади ва шу сабабли ҳиқичоқ пайдо бўлади. Бошқаларнинг айтишича, ҳиқичоқ меъда оғзини қисадиган катта шишдагина пайдо бўлади. Жолинуснинг фикрича, ҳиқичоққа ўткир шиш-

дан меъда оғзи орқали унга қуйилаётган ўткир хилт сабаб бўлади. Умуман бир гуруҳнинг фикрича, ҳиқичоқ катта шиш пайдо бўлгандагина юз беради, чунки жигар ва меъда оғзининг оралиги олис, иккаласи учун ҳам умумий бўлган бир асаб бўлиб, уларнинг ораларини туташтирса ҳам, у жуда ингичкадир. Хулоса: жигарда катта шиш бўлмаса, кўпинча, жигар ва меъда ўртасида ҳамкорлик ҳам бўлмайди.

Жигар шиши унинг парда ва томирларининг яқинида бўлса, оғриқ қаттиқроқ бўлади ва шиш иссиқ бўлса, иситмаси кучсизроқ бўлади. Агар шиш [жигарнинг] иккала томонида ҳам бўлса, иккала томонга хос белгилар бир вақтда юз беради. Баъзан бир томони [касалликда] бошқа бир томонига кам ҳамкорлик қилади. Гоҳо жигардаги ҳамма иссиқ ва совуқ шишлар истисқо касаллигига олиб келади. Билгинки, жигар шишида ич кетса, ҳалок қилади.

ЖИГАР ШИШИ БИЛАН ҚОРИН ДЕВОРИНИНГ ЖИГАР УСТИДА ЁТГАН МУШАКЛАРИДАГИ ШИШ УРТАСИДАГИ АЙИРМАЛАР

Булар орасидаги фарқни [шишнинг] вазиятидан, шаклидан ва белгиларидан билинади. Вазиятидан билиниши шундай: мушак шиши доимо билиниб туради, жигар шиши эса, айниқса унинг дўнг қисмидагиси семиз кишиларда, гоҳо билинмайди, лекин катта бўлса билинади. Мушак шиши мушакнинг жойланишига қараб энига ё бўйига, ёки қиясига жойлашади, бу ҳақда анатомия [бобида] сўзладик. Шишнинг шаклига келсак, жигар шиши жигарнинг вазиятига қараб, ярим ой шаклида билинади; [жигар билан шиш орасидаги] умумий чегара сезилиб туради. Мушак шиши эса узунчоқ бўлиб, бир томони йўғон, иккинчи томони ингичка бўлади, у гўё сичқон думига ўхшайди. Шунинг учун умумий чегара сезилмайди, аксинча [шиш] узунасига оз-оздан ингичкалашиб боргани билинади. Агар шу шишлар чуқур ва қия жойлашган мушакда бўлса, кўпинча, чуқурликда фақатгина узунчоқ бир нарса билинади-ю, [бошқа] ҳеч нарса сезилмайди, [бундай шишлар] жигар шишларига жуда ўхшаш бўлади. Шишларнинг белгилари юзасидан айирмалари [шундан иборатки], жигар шишларида юз берадиган ўзига хос ва умумий белгиларнинг биронтаси ҳам мушак шишларида деярли юз бермайди. Қорин девори тезда озиб қуришга тутинса, шишнинг жигарда эканини бил.

ҚОНДАН БУЛАДИГАН ИССИҚ ШИШНИ ДАВОЛАШ

Дастлаб [касалдаги] тўлиқлик, қувват, ёш, вақт ва бошқа биладиган нарсаларингга қарашинг ва томирдан қон олишда уларнинг тўсқинлик *бослиқдан*, мумкин бўлмаса тирсак ўрта венасидан, бу ҳам мумкин бўлмаса, қифолдан қон оласан. Агар касал кучли бўлса, чиқарилиши зарур қонни бир мартада чиқар, кучли бўлмаса, бир неча мартага бўлиб чиқарасан.

Билгинки, агар сен томирдан қон олмай моддани жигарда қўйиб, буриштирувчи ва қайтарувчи дориларни ишлатаверсанг, шиш тезда қаттиқлашади; агар тарқатувчи дориларни ишлатаверсанг, оғриқ ва шишнинг ортиши мумкин, шундай бўлгач, дастлаб томирдан қон ол ва биронта кучли монe бўлмаса, бу ишда кам қон олиш билан чекланма, аксинча кўпгина қон чиқар.

Билгинки, [касалликнинг] бошланишида шу каби ҳолларда ишлатилиши қонун бўлган қайтарувчи ва совутувчи дориларга муҳтож бўласан, лекин шу пайтда [шишнинг] қаттиқланишидан эҳтиёт бўлишинг керак: [иссиқ шиш] жуда тез қаттиқлашади. Шунинг учун [қайтарувчи совутувчи дорини] суйилтирувчи ва очувчи дорилар билан аралаштириш керак. Баъзан қўйиладиган совуқлик дориларни кўп ишлатавериши шишни қотишга олиб боради. Баъзан бу шишларда ҳаммомга тушиш кифоя қилади, баъзан шиш тешилиб буйракка оқади.

Билгинки, буриштириш ва совутиш хоссаси бўлган дорилар, шунингдек ўша сифатда гианор, олма ва нок каби овқатлар бошқа жиҳатдан ҳам зарар қилади: улар ўт қопчасига борадиган йўлни торайтиради, натижада сафро ўтолмай қолади, бу эса шишни зўрайтиради ва кўп ёмонлик келтиради. Шундай бўлгач, касалликнинг бошланишида, шунингдек охирида тарқатиш зарур бўлган пайтда қувватни сақлаш учун буриштирувчи дори керак бўлса ҳам, бунда икки хил хавф бор: жигарнинг қаттиқлашуви ва унда сафронинг тўхталиб қолиши. Шунинг учун ҳам, бу касалликда бошқа шишлардагидан кўра кўпроқ тарқатиш тадбирига муҳтож бўласан, чунки жигар ва шишнинг] қаттиқлашиш хавфи бор; бу [тадбир яна [сизиб оқиши мумкин бўлган ёмон сариқ сувни ҳайдаш учун керакки, иссиқ шишлар бундан холи бўлмайди.

Лекин тарқатувчи ва очувчини ишлатавериш гоҳо қувватни бўшаштиради ва ўлимни яқинлаштиради, масалан, Жолинус бир табиб ҳақида шундай ҳикоя қилади: — у табиб жигар шишларини бошқа шишларни да-

боланда ишлатиладиган бўшаштирувчи дорилар, масалан, зайтун ёғи, буғдой ва сувдан тайёрланган қуюқ суртма билан даволар ва касалга *хандарусдан* қилинган овқат берар эди; ҳолбуки, тозалаш хоссаси бўлиб, ёпишқоқлиги ва қуюқлиги бўлмаган овқат бериш ҳамда тарқатувчи дориларга буриштириш, кучайтириш ва хушбўйлик хоссаси бўлган нарсаларни, масалан тўпалоқ, хушбўй қамиш ва эрманни аралаштириш, шунингдек, бу дориларни қувватни сақлайдиган миқдордагина ишлатиб, кўп ишлатмаслик керак эди. [Иссиқ шишнинг] бошланишида асосан кучли қайтарувчи дори ишлатилиши, ўртасида [қайтарувчи билан буриштирувчини] қўшиб ишлатиш, охирида эса тарқатиши кучли ва тез вақтда тарқатадиган дорига эҳтиёж тушса ҳам шу хилдаги буриштирувчилар билан қўшилган тарқатувчи дорини ишлатиш керак эди. Лекин [у табиб] Жолинуслик сўзини қабул қилмади. Жолинуслик у табибни иккаласи биргаликда [кўраётган] бошқа бир касал ҳақида ҳам огоҳлантириб, унинг қуввати тарқалиб ва озгина ёпишқоқ тер чиқариб олишини айтган; ўша касал ўлган ва иш Жолинуслик гумон қилганидек бўлиб чиққан. Бу хил тарқатувчи дориларни шошилиш равишда шишни қайтариш зарур бўлган вақтдагина ишлатиш керак, шунда ҳам фақатгина тарқатиш зарур бўлса-да, у [дориларга] буриштирувчи ва кучайтирувчи дориларни қўшиб ишлатиш керак. Буларнинг ҳаммасига риоя қилиш — нозик иш.

Билгинки, бу аъзо қотишни тез қабул қилгандек сийракланишни ҳам тез қабул қилади. Баъзан [тиқилмаларни] очувчи ва сийраклаштирувчи тадбир [шишнинг] тешилиб оқишига сабаб бўлади. Тарқатувчини ишлатганинда уларнинг ачиштирадиган хилини ишлатма, чунки у — шишни қўзғатиб юборади. Асал суви ачиштирмай тозаласа ҳам у шириндир, ширин нарсаси эса тиқилма пайдо қилади. Шунинг учун арпа сувида етарли даражада кенглик бор, у ачиштирмай тозалайди ва тиқилма ҳам пайдо қилмайди; кейин унинг қувватини кўпайтириш керак бўлса, унинг очиш ва тозалаш хоссасини бирон нарсаси қўшиб кучайтириш мумкин. Ачиштириб буриштирувчи дорилар жигарнинг чуқур томонига унинг дўнг томонидан кора кўпроқ зарар етказди, чунки бу дорилар ўз қуввати билан [жигар чуқурлигини] бирдан эгаллаб олиб йўлларнинг бошида тиқилма пайдо қилади; дўнглигида эса уларнинг қуввати синдирилиб охириги томирларнинг оғзига учрашади.

Кейин [жигарнинг] касал томонини аниқлашинг керак: касаллик жигар чуқурлигида бўлса, сийдик юргизувчи дори ишлатишдан, дўнглигида бўлса, сурғи доридан сақланишинг керак: бўлмаса бу икки ҳолда ҳақ модда чуқурроқ боради. Аксинча [моддани] энг яқин жойдан бўшаттириш лозим; агар шиш жигар чуқурлигида бўлса, сурғи йўли билан, дўнглигида бўлса, сийдикни ҳайдаш орқали бўшаттирилади. Ични тўхталган ҳолда қолдиришдан сақлан, чунки бунда катта зара ва зўр хавф бор; уни ҳаддан ташқари равон қилиб ҳақ юборма; чунки қувват тушади ва табиат кучсизлашади. Аксинча, тўхталган ични мўътадил даражада юргизишинг, жуда равонни мўътади даражада тўхтатишинг керак.

Жигар шишларининг бошланишида яхши фойда қилинадиган ва ҳаддан ташқари иссиқ борлигида ишлатилмайдиган дорилар: сачратқи суви, шакар *сиканжубини* билан қўшилган итузум суви, арпа суви, қизил тасма суви, баргизуб суви, пақ-пақ суви, ҳўл кашнич суви, қовоқ ва таррак суви, зарпечак суви; бу сувларга эрман ва хуш бой қамиш каби нарсалардан бир оз аралаштириш керак. Қуйидаги таркибли кулчалар ҳам [фойдали] зирк этидан ўн *дирҳам*, гул ва *табоширнинг* ҳар биридан беш *дирҳам*, бодринг уруғининг мағзи, қовоқ уруғининг мағзи, семиз ўт уруғи ва сачратқи уруғининг ҳақ биридан уч *дирҳам* ва арпабодиёндан бир *дирҳам* олиб кулча тайёрланади ва шундан икки *мисқолдан* ичириб турилади. [Иссиқни] кўпроқ сўндиришга эҳтиёж тушса ўша таркибга озгина кофур қўшилади; жигарни ортиқроқ кучайтиришни исталса, унга *лакк* ва *аристолохия* қўшилади. Агар касалда йўтал бўлса ўша таркибга чуқумиянинг қуюлтирилган шараси, озгина катиرو ва бир оз янтоқшакар қўшилади.

Булардан кўра кучлироқ бўлган ҳамда ғоят даражада иссиқлик йўқлигида ишлатиладиган фойдали дориларга келсак, улар арпабодиён суви, говзабон, қора чайир, тоғ петрушкаси ва қўйпечак [суви]дан иборатдир буларнинг ҳаммасини *сиканжубин* билан қўшиб истемол қилинади. Бу ва бунга ўхшаш дорилар бошланиш даврида бўлиб, бир оз етила бошлаган шишларда фойда қилади. Гул кулчалари ҳам фойдали, улар айниқса жигар чуқурлигидаги шишда фойда беради.

Кўпинча, жигар шишига ва шишнинг бошланишига унинг лат ейиши ва унга зарба тегиши сабаб бўлади. Шу иккала ҳолда ҳам шиши пайдо бўлишига тўсқинлик

қилладиган тадбир томирдан қон олгандан кейин рўян ва чин ровочининг илдизидан уч кунгача ҳар куни бир *дирҳамдан* ичиришдир.

Шиш жигарнинг чуқур томонида эканини билсанг, қўйпечак сувини юқорида айтиб ўтилган аралаштириши керак бўлган совутувчи нарсалар, шунингдек лавлаги суви ва етилтирувчи, қайтарувчи ва ични юмшатувчи нарсалар билан аралаштириб истеъмол қилиш энг яхши тадбирлардан саналади. Етилиш аломатлари билинган пайтда арпабодиён суви, итузум суви ва қўйпечак суви билан қўшилган *хиёршанбар* фойда қилади; овқатга ҳам озгина маҳсар уруғи, қичитқийўт ва чилпоядан бир оз қўшилади. Қасаллик бир оз пасайса, кучли дорилар, масалан: сабр, дарахт пўкаги ва турбуд истеъмол қилинади.

Бир гуруҳ [табиблар] сариқ ҳалилани ишлатадилар, мен уни маъқул кўрмайман, чунки ҳалилада узоқ давом этадиган буриштириш хоссаси бор, шунинг учун [шиш моддасининг] суюғи чиқиб, қуюғи қотиб қолишидан қўрқаман. Гоҳо шундай вақтда маҳсар уруғи, қичитқийўт, чилпоя каби нарсаларни, шунингдек девпечакни қўрқмасдан овқатга солиб истеъмол қилина беради; баъзан биз, эҳтиёжга қараб, харбақ каби дорини ишлатишга ҳам журъат қилдик.

Қасалликнинг дастлабки ва ич тўхталиб қолган пайтда ишлатиладиган ҳуқна дориларга келсак, бундай вақтда лавлаги япроғининг ширасига асал, туз ва бурақ қўшиб ёки қизил шакар қўшиб ишлатилади. Қасаллик пасайганда, ўша таркибга чилпоя, хотинак супурги [уруғи], зуфо ва каклик ўти қўшиб кучайтирилади; баъзан бунга Абу Жаҳл тарвузи ҳам қўшилади.

Шиш жигарнинг дўнгида бўлса, сийдикни ҳайдовчи совуқлик дорилар билан даволашга бошлаб, кейин мўъдатил [дорилар] ишлатилади; сўнгра шишнинг етилганлиги маълум бўлгач, кучли яхши дориларга ўтилади. [Жигарнинг] қотиш хавфи борлигидан, буни кейинга қолдириш керак бўлади. У дорилар эса рўян, тоғ петрушкаси, туёғўт, қора чайир, зиркнинг катта хил кулчалари, кучли *гофит* кулчалари, шунингдек сийдикни ҳайдаш бобида, яъни [чиқиндиларни] чиқариш лавҳаларида баён қилинган бошқа хил сийдирувчи дорилардан иборатдир. Қуюқ суртмаларни бошқа шишларга ишлатилганидек, совуқ ҳолда ишлатмасдан, илтиб ишлатиш керак.

Шиш бошланаётган гумон қилинганда шошилиш ра-

вишда ишлатиладиган нарсалар — буриштирувчи совуқлик ширалар, яъни семизўт, қовоқ ва гулҳамишабахор шираси, гулоб, сандал ёғочи ва кофур, шунингдек тош чирмовуқлари, қуруқ гул ва толқондан тайёрланган қуюқ суртмалардир. Шундай дориларни қайта-қайта ишлатиш керак эмас. Шиш пайдо бўлаётгани аниқ бўлгач, ишлатиладиган қуюқ суртмаларнинг энг яхшиси беҳига бошқа дориларни қўшиб тайёрланган қуюқ суртмадир. Улардан бири шу: беҳини янчиб арпа уни ва гулоб билан қўшиб қуюқ суртма қилиб боғланади. Ёки сирка ва сув билан етилтириб қайнатилган беҳини сандал билан қўшиб ва бир оз гул ёғи аралаштириб [ишлатилади]. Яна бири: беҳини бир оз буриштирувчи райхон шароби билан қайнатиб қизил тасма шираси қўшилади; кейин уни озгина сунбул, эрман ва тўпалоқ билан кучайтирилади ва арпа толқони билан қуюқтириб ишлатилади. Гоҳо шу таркибга беҳи ёғи ёки мастаки ёғи, ёки хина ёғи; сувлардан эса мирта суви, олма баргининг суви, беҳи ва шунга ўхшаш нарсаларнинг сувлари қўшилади. Гоҳо эрман қайнатмасида қайнатилган беҳидан ҳам қуюқ суртма тайёрлаб ишлатилади. Агар [дорининг таъсирини] кучайтириб бир қадар тарқатиш даражасига кўтармоқчи бўлсанг, унга мастаки, бобуна, қашқарбеда, арпа уни, шунингдек тахир мазали нарсалар билан қўшилган сариқ йўнғичқа, зиғир; ёғлардан эса укроп ёғи, бобуна ва сариқ йўнғичқа ёғини қўшишинг керак. Булардан ташқари *Билибус* қуюқ суртмаси, *Филағринос* қуюқ суртмаси, қашқарбеда қуюқ суртмаси, Қаритун қуюқ суртмаси ва биз «Қарободин»да баён қилган бошқа қуюқ суртмаларни ҳам ишлатиш зарур.

Шиш алангасини тўхтатадиган қуюқ суртма дорининг таркиби: хурмо ғўраси ва жумрут ширасининг ҳар биридан бир бўлак, заъфарон ва мастакининг ҳар биридан ярим бўлак, гул ёғидан тўрт бўлак ва мумдан керакли миқдорда [ишлатилади]. [Шишнинг] охирлашган пайтида қувватни сақлаш учун буриштирувчи нарсалар билан аралаштирилган очувчи ва тарқатувчи қуюқ суртмалар, масалан: гулсапсар илдизи, туёғўт, *ушна*, *жулах*, каклик ўти, дармана, карам уруғи, муқл ва шунга ўхшашлардан тайёрланган ва кучайтирувчи нарсалар қўшилган қуюқ суртмалар; шунингдек мирта, рўян, дафна меваси, заъфарон, *мурр*, мастаки, мум ва оқ гулсапсар ёғидан тайёрланган қуюқ суртмалар ишлатилади. Наргис ёғи ва гулсапсар ёғи гоҳо қуюқ суртмаларга аралаштириладиган ёғлардан саналади.

Қобусга нисбат берилиб жигар шишларини тарқатишида синалган мақтовли қуюқ суртма дорининг таркиби: *майъа* елими ва мумнинг ҳар биридан ўн *дирахмий*, мастаки, заъфарон ва амомнинг ҳар биридан тўрт *дирахмий*, мастаки дарахтининг ёғи ва гул ёғининг ҳар биридан икки *дирахмий* ва шаробдан икки ярим *қутули* олинади; кейин мум ва ёғни эритиб юқоридагиларнинг ҳаммаси билан қориштирилади.

Жуда фойдали бошқа қуюқ суртма дори: гулсапсар, амом ва содажнинг ҳар биридан икки *дирҳам*, мирта, *майъа* елими ва мумнинг ҳар биридан йигирма *дирахмий*, кундур елими, заъфарон ва туёғўтнинг ҳар биридан бир *дирахмий*, мастаки дарахтининг ёғидан эса керагича олинади.

[Жигар] сарамасини даволаш. Буни даволаш флегмонани даволашга яқиндир, лекин сурги ва сийдикни юргизувчи дориларнинг энгилроғи ва совуқликка яқинроғи ишлатилади. [Жигар устига] қор билан совутилган дорилар қўйилади ва [касал] совуқнинг чуқур борганини сезгунича, уни янгилаб турилади. Нилуфар, пақ-пақ суви, сандал, кофур ва шу кабилардан қуюқ суртмалар тайёрлаб қўйилади; иситувчи нарсаларни мумкин қадар ишлатилмайди.

Йирингли шишни даволаш.. Йирингли шишнинг аввалида ҳамда у иссиқ шишдан бошланиб модда йиғаётгани тахмин қилинса, мўътадил қайтарувчи қуюқ суртмаларни ва қўйиладиган дориларни ишлатиш керак. [Касалга] арпа суви ва *сиканжубин* ичирилади. Зарур деб топилса, *бослиқдан* қон олинади, ёки орқадан жигар турган жойга қортиқ қўйилади. Баъзан сургига эҳтиёж тушади. Шиш зарурий равишда мадда йиғадиган бўлса, унинг етилиб ёрилишини тезлатиш ва бунга парчаловчи ва суюлтирувчилар билан ёрдам бериш зарур, чунки бундай шишларда қуюқ хилтлар аъзо [жигар]га албатта шимилган бўлади. Ўша хилтни тарқалишга қобилиятли қилиш учун суюлтирувчи дори керак.

Шишнинг етилгани маълум бўлса-ю, у тешилиб оқма-са, очувчи кучли дориларни ичириб ва қуюқ суртма қилиб тешилишга ёрдам берилади. Кейин табиат ёрдамга муҳтож бўлса, моддани ҳайдаш учун унга ёрдам берилади. Модданинг бораётган томонини назарда тутиб, зарур бўлса, сурги ёки сийдирувчи дори берилади; шунда ҳам сийдикни кучли ва ўткир дори билан ҳайдалмайди, чунки у сийдик қолига зарар етказиши. Бундай касалликда [шиш] ўзида ёки сийдирувчи дори сабабли

тешилиб сийдик қопига оқаётган пайтда, сийдик қопини эҳтиёт қилиш керак. [Шиш] тешилиб оқиб, йиринги ҳайдалиб бўлгач, йирингнинг қолдиқларини асал суви ва шунга ўхшаш нарсалар [ичириб] ювиш зарур, кейин ярани битирадиган дорига эҳтиёж тушади. Қасалнинг қуввати сургини кўтаролса ва у сурги ҳаддан ташқари бўлмаса, ярани битиришга катта ёрдам беради. Икки ҳолатда сургига эҳтиёж тушади: бири модда озайсин ва табиатга енгил бўлсин учун, уни [шиш] тешилиб оқишидан олдин ишлатилади, иккинчиси [шиш] тешилиб оқа бошлагандан кейин ёки тугал етилиб ёрилишга яқинлашган пайтда модданинг ичак томонга мойил экани ва [шиш жигарнинг] дўнг томонида экани билинганда ишлатилади. Тешилиб оқишдан олдин табиатга ёрдам бериш учун ишлатиладиган енгил сургилар янтоқшакар, шира *хиёршанбар* ва шунга ўхшаш дорилардан иборат. Баъзан буларга сабр ва эрман ҳам қўшилади.

Ҳуқна дорилардан маълум енгиллари [ишлатилади]. Шиш етилгандан кейин ишлатиладиган, шунингдек етилишга ва тешилиб оқишга ёрдам берадиган сурги дориларга келсак, бунинг учун маълум илдизлар ва *Ғофит* қайнатмасига тўрт *дирҳам* темиртикан ёғи ёки ярим *уқия* шакар ва ярим *уқия хиёршанбар* қўшилган икки *дирҳам* оқ гулсапсар ёғини солиб ичирилади. Аммо модда жигар дўнгида бўлса, сургиларни истеъмол қилиш керак эмас, лекин шишнинг бошланишида ва етилишидан олдин табиатга ёрдам бериш учун [ишла тиш мумкин]. [Шиш] етилган пайтда эса айтиб ўтилган сийдирувчи дориларни маълум тартибда ишлатиш керак: етилиш қанча кўп бўлса, шунча кучли сурги ишлатилади. [Шишнинг] етилишига ёрдам бериш учун эшак сутини қизил шакар ёки *ушшар* шакари билан қўшиб ёки маълум илдизларнинг сувини майиз ва анжир билан қўшиб ичирилади, шунингдек ширин ёки аччиқ бодом ёғи, ёки сариқ йўнғичқа ёғи, ёки темиртикан ёғи билан сунбулсоч ва сариқ йўнғичқани қўшиб ичилади. Улардан кўра кучлироқ дори керак бўлса, шу таркибга хурмо қўшилади. Наҳорга *жулах* қайнатмаси ва кучли зуфо шаробини ҳам ичирилади. Қайнатиб кўпиги олинган асал, анжир ҳамда арпа сувига қўшиб асал суви берилади. Ёки қуруқ қоқигулдан бир *дирҳам*, марв уруғидан бир ярим *дирҳам*, сариқ йўнғичқа ундан бир *дирҳам* олиб, уч *уқия* эшак сути билан шакар қўшиб ичирилади. Бундан ташқари яна очиш ва суюлтириш ҳамда кучай-

тириш хоссаси бўлган дориларни, [яъни] эрман, заъфарон, сунбул, пионгул илдизи, тоғжанбилнинг илдизи, рўян илдизи, мастаки, ҳинд ва рум сунбули, панжангушт уруғи, *Ғофит* шираси, хотинак супурги илдизи, ёғлардан эса рум сунбули ёғи, мастаки дарахтининг ёғи ва гулсапсар ёғини истеъмол қилинади. [Шишнинг] етилишига ёрдам берадиган қуюқ суртма, масалан, қашқарбеда, бобуна, гулсапсар илдизи, ялпиз, гулхайри илдизи, анжир, майиз, хамир, қўрга кўмилган пиёз ва зиғир ёғидан тайёрланадиган қуюқ суртмадир. Бундан кучлироққа эҳтиёж тушса, арпа уни, бурақ, каптар тегаги, ялпиз, сақич, кундур елимининг кукуни ва шу кабилардан қуюқ суртма тайёрлаб ишлатилади.

[Жигардаги йирингли шишнинг] етилганлиги сезилса, жигар томонни босиб ётиш, ҳаммомга тушиб иссиқ сув билан ювиниб туриш керак. Гоҳо бадантарбия қилишга ва мумкин бўлса, яёв юришга тўғри келади. [Шиш] тешилиб оққанда, уни ювиб тозалайдиган иссиқ асал суви каби нарсаларни истеъмол қилиш керак. Сўнгра зарур бўлса, модда борган томонни тозалайдиган сурги, ёки сийдирувчи дори, ёки шу доридан бир оз аралаштирилган асал суви берилади. Бу [хил касалга] сийдикни юргизувчи дориларнинг жуда кучлигини ичириш керак эмас, у сийдик йўллари ва сийдик қолига зарар етказиши. Мабодо йиринг сийдик йўллари ва сийдик қопини яра қилса, ачиштирмай тозалайдиган, балки бир қадар ёпиштириш хоссаси бўлган нарсалар, масалан: мўътадил равишда қайнатилган асал сувини озгина крахмал, тухум ва гул ёғи аралаштириб берилади; ёки *хандарусга* ёввойи гулхайрини қўшиб берилади. Қисқаси бу [касалликда] ҳам ички аъзоларнинг ярала-рида ишлатиладиган тadbирни қўллаш ва буйрак ярала-рида қилиниши зарур ишларни қилиш керак.

Жигар етарли даражада тозалангач, касалга эрталаб арпа суви ва *синкажубин* ичириб туриш зарур. Шундан икки соат ўтгандан кундур елими ва бақам дарахти елимининг ҳар биридан бир *мисқолдан*, сачратқи уруғи, ва мастакиннинг ҳар биридан бир *мисқол* олиб, *сиканжу-бин*, ё гулоб, ёки асал суви билан ичирилади. Шундан кейин [касални] овқат билан қувватлантирилади ва ярасини буйрак яралари бобида баён қилинадиган до-риллар билан даволанади.

Мабодо йиринг қорин бўшлиғига қуйилиб турадиган бўлса, човнинг олдан терини очиш ва перитонеум деб аталадиган қорин ички вардаси кўрингунича мушакни

четлатиш зарур. Кейин чов олдидан тешик очиб, унга найча қўйилади ва найчадан йирингни оқизиб юборилади. Сўнгра [ярани] марҳамлар билан даволанади.

Овқатга келсак, олдин латиф овқат бериш, кашкоб ва *сиканжубин* билан чекланиш керак; кейин биз айтган очувчи овқатлар: чала пиширилган тухумнинг сариғи ва юмшатовчи суёқ ошлар берилади; шиш тешилиб оқиб тозаланганда гўшт шўрваси, эчки боласи ва қўзининг гўшти ҳамда юмшоқ этли қушларнинг гўшти, шунингдек бу гўштларнинг дориворлар билан нордон қилинган шўрваси, чала пиширилган тухумнинг сариғи ва шуларга ўхшаш овқатлар бериш ва озгина шароб ичириш керак. Кейин ҳидланадиган кучайтирувчи нарсалар ҳам истеъмол қилинади.

Совуқ шишларни даволаш. Бу хил шишларга қарши суюлтириб тозаловчи дориларни ишлатиш керак; буларни даволаш жигар тикилмалари ва етилишга тайёр турган йирингли шишни даволашга яқин туради. Сен етилтирувчи, сийдирувчи, очувчи ва суюлтирувчи дориларни танидинг; у дориларда буриштириш, кучайтириш ва хушбўй қуввати ҳам бўлиши керак. Уларга ёғлардан канакунжут ёғи, ямин ёғи ва оқ гулсапсар ёғи киради; буларни қуюқ суртмаларга ҳам қўшилади; қуюқ суртмаларнинг энг яхшиси *Фулорхиюн* қуюқ суртмаси, *Филагрийос* марҳами, *истумахиқун* марҳами ва уруғлардан қилинадиган марҳамдир; куркум дориси, *лакк* дориси ва шуларга ўхшаш бошқа дорилар ҳам фойда қилади. Бу шишларда пистанинг катта фойдаси бор; ҳинд ва рум сунбули [ҳам шундай]. Ичимликлардан «ер дуби» ва *жулах* солиб қайнатилган уруғлар шароби фойда беради.

Совуқ шишларда, айниқса уларнинг қотишга яқинлашаётганларида ҳамда буйрак ва талоқ оғриқларида фойда қиладиган дорилардан бири қуйидаги таркибда ёввойи пиёз қўшиб тайёрланадиган доридир: қовурилган ёввойи пиёз, осмоний ранг гулсапсар, туёғўт, ёввойи укропнинг илдизи, тоғ сунбулининг илдизи, петрушка уруғи, рум арпабодиёни, хушбўй сунбул, Цейлон дорчини, қундуз қири, тоғ ялпизи, зира, ариқ ялпизи, игир, сирач ўсимлиги, назла ўти, узун мурч, ёввойи сабзи, амом, *фарфиюн*, гулхайри уруғи, рум райҳони, *жулах*, рум сассиқ қавраги, газাগўт уруғи, арпабодиён, ковул илдизининг пўсти, юмалоқ аристолохия, қалампирмунчоқ дарахтининг пўстлоғи, занжабил, дафна меваси, афюн, мингдемона уруғи, қуст, жувона ва оқ зира уруғи — шуларнинг ҳар биридан бир бўлақдан олинади ва

кўпиги олинган асал билан қорилиб истеъмол қилинади.

Саримсоқ билан тайёрланадиган, худди айтиб ўтилган таъсирни кўрсатадиган дорининг таркиби: саримсоқ, оқ гентиана илдизи, *Ғофит*, қуст, аристолохия, *кошим*, рум сассиқ қавраги ва узун мурчнинг ҳар бирдан ўттиз *дирахмий*, петрушка уруғи, туёғўт, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи сабзи, жувона ва қора сассиқ қавракнинг ҳар бирдан ўн беш *дирахмий*, қуруқ газাগўтнинг япроғи, тоғ ялпизи, зира, ариқ ялпизи ва чўл каклик ўтининг ҳар бирдан ўн *дирахмий*, қундуз қири, *мурр* ва гальбан елимининг ҳар бирдан ўн икки *дирахмий* олиб, шу кейингини шаробда эритилади, қолганларни эзилади; кейин ҳаммасини аралаштириб битта нарсасдек қилиб юборилади ва кўпиги олинган асал билан қориб истеъмол қилинади.

Жигардаги қаттиқ шиш [циррозни] даволаш. [Жигарда] маҳкам ўрнашиб олган қаттиқ шишдан ҳеч ким соғайган эмас. Бундан соғайган айрим кишилар шишнинг бошланишиданоқ даволанган кишилардир; уларни даволаш қоидалари: баданни ғализ хилтлардан тозаландан кейин дориворлардан таркиб қилинган дорилар билан даволашдан иборат. У дориворлар мўътадил даражада юмшатиш, тарқатиш, латифлаштириш ва мўътадил иситиш хусусиятига эга бўлиши, уларнинг тиқилмаларни очиши юмшатишидан кучлироқ кучайтириш, буриштириш ва хушбўйлик хоссаси эса керакли миқдорда бўлиши керак; бу кейинги хусусиятлари бошқа икки мақсадга тўсқинлик қилмайдиган даражада [бўлиши керак]. Бу дориларнинг кўпида аччиқлик ва буриштириш таъсири кучлироқ бўлади; уларни ичилади, шунингдек қуюқ суртма ва қуйиладиган дори қилиб ишлатилади.

Ич қотган бўлса, уни енгил нарсалар, айниқса ҳуқналар билан юмшатилади. Қатта санавбар уруғи, зиғир ва сақич шундай таъсир кўрсатади, сақич яна шишга тўсқинлик ҳам қилади. Иссиқлиги кучли нарсалар билан ични юргизишга журъат қилмаслик керак; улар оғритади ва кўп қийнайди. Касал ухлаганда ўнг ёнини босиб ётиши керак, бу шишнинг тарқалишига ёрдам беради. Санавбар уруғи, илик, шунингдек, мўътадил ва иссиқликка яқин ёғлар бу хил шишда фойдали дорилардан саналади: сариқ йўнғичқа уни ҳам шундай, унда бир қадар етилтириш билан бирга юмшатиш хоссаси бор. Қуст жуда фойдали; агар касалга ярим *дирҳамдан* бир

мисқолгача қустни сув қўшилган *тило* шароби ёки оддий шароб билан ичирилса, аниқ фойда қилади.

Гоҳо бу шишда рум сунбули ёғи, бальзам ёғи, ёки қуст ёғини газাগўт ва укроп қайнатилган сув билан ичириш ҳам фойда қилади. Рум сунбули ёғидан ҳар гал тўрт *дирҳамдан* ичириб, бир ҳафта истеъмол қилинса, катта фойда қилади. Бу шишда ҳўл дармана ширасини бир неча кун истеъмол қилиш ҳам фойдали тадбирлардандир. Яна панжангушт уруғидан бир *дирҳамни* биронта шароб билан ичириш, шунингдек бир *дирҳам гофитни* петрушка ёки арпаодиён, ёки сачратқи суви билан ичириш ҳам фойда беради. Қуритилган қўзиқулоқдан бир *мисқол*, ярим *дирҳамгача* сунбул ёки ундан камроқ мурч қўшилган Миср боқиласи қайнатмаси ҳам фойдали нарсалардандир. Шароб билан бирга аччиқ бодом, шунингдек бақам дарахтининг илдизи, дафна дарахти илдизининг пўсти, дафна меваси, рўян илдизи, чаёнўт илдизи, қора нўхат, *жулах*, «ер дуби» ва гандано ҳам фойда беради.

Бу шишда фойдали бўлган мураккаб дорилардан бири муқл кулчасидир; унинг таркиби: ўн *дирҳам* янчилган гул, икки *дирҳам* хушбўй сунбул, бир *дирҳам* заъфарон, бир *дирҳам* мурр, уч *дирҳам* муқл, бир ярим *дирҳам* қуст, бир *дирҳам* мастаки, бир ярим *дирҳам* аччиқ бодом олиб ҳаммаси янчилади; муқлни эса шаробда эритилади ва шу шароб билан [бошқа] дориларни қориб кулча қилинади, шу кулчадан уч *дирҳамни* асал суви ёки уруғлар қайнатмаси билан берилади, агар [касалда] иссиқ бўлса, қўйпечак ва сачратқи суви билан ичирилади. Аниқ ўти билан тайёрланган *Асқилибидус* дориси ҳам шулар жумласидан бўлиб, синалган ва фойдалидир, чунки унинг таркибига биз баён қилган шартларга кўра турли фойдали дорилар киради. Унинг таркиби қуйидагича: ер бағирлаб ўсувчи санавбар, канавча, тоғ петрушқасининг уруғи, гентиана илдизи, панжангушт уруғи, айиқнинг ўти, хардал, таррак уруғи, талоқғиёҳ, говшир илдизи, Бухайра лойи, рўян, карам уруғи, аристолохия, мурч, ҳинд сунбули, қуст, боғ петрушқаси уруғи, тератезак уруғи, кўктикан, *жулах*, афюн, *гофит*, тоғ арчаси уруғи — шулардан баробар бўлақларни олиб асал суви билан қорилади ва шундан бир *бундиқа* миқдоридегини бир *қувсонус* миқдоридеги асал шароби билан ичириб турилади. *Қирқум* давоси, *асоносиё*, тўрт доридан қилинадиган тарёк ва *сажазониё* ҳам бу шишда фойдали дорилардандир. Синалган енгил мураккаб до-

рилардан — йирингли шиш бобида айтиб ўтилган қоригул дорисини ва совуқ шишлар бобида кўрсатилган бошқа дориларни кўрсатиш мумкин.

Зирк кулчаларидан бир ҳафтагача ҳар куни бир ярим *дирҳамдан* бошлаб икки ярим *дирҳамгачани* сув билан ичилса, фойда беради. Агар [жигардаги қаттиқ шиш] бир оз сув йиғса, каклик ўти ва елимли сутўтдан қилинган кулчаларни секин-аста учдан бир *дирҳамдан* бошлаб, то бир *дирҳамгача* истеъмол қилинади; бу кулчалар касални ичкетар қилиб қўймаслигига эътибор берилади. Ичиладиган дорилардан қуст, *гофит* шохчалари, сариқ йўнғичқа ва майиз қайнатилган сувни кўрсатиш мумкин, бундан тўрт *уқияни* бир *уқия* бодом ёғи ёки янги ёнғоқ ёғи билан [ичилади]. Ёки гентиана илдизи, эрман, қашқарбеда, майиз ва анжир қайнатилган сув, ёки ровоч, эрман, газাগўт, қорачайир гули, майиз ва сариқ йўнғичқа қайнатмаси, канақунжут ёғи билан бирга қўшиб Миср боқиласи, қуст ва эрман қайнатмасини [ичилади].

Бу шиш учун фойдали қуюқ суртмалар: тахир шаробда қайнатилган ҳўл ёки қуруқ амомни ёки канавча ва писта ёғи билан қўшиб, сунбулни ёки укроп қўшиб қайнатилган канавчани қуюқ суртма қилиб боғланади. Ёки сариқ йўнғичқа уни, анжир, газাগўт, қашқарбеда ва табиий содадан тайёрланган қуюқ суртма боғланади. Ёки қаврак елимидан юз *дирҳам*, муқлдан йигирма беш *дирҳам*, заъфарондан ўн икки *дирҳам* олиб, ҳаммасини ичилади ва керагига қараб мум ва хина ёғидан тайёрланган мумли суртма билан қорилади ёки сариқ йўнғичқа уни, така тезаги, ёввойи зира, ялпиз, карам, *ушна* ва газাগўтдан тайёрланган [қуюқ суртма боғланади].

[Жигар шиши] зарб ейиш сабабли пайдо бўлиб қота бошлаган бўлса, унга энг ёқадиган қуюқ суртма, чўл миртасидан қилинадиган марҳамдир. Ичиладиган дорилар ва қуюқ суртма ишлатилганда қуйидаги тадбирни ишлатилса, яхши фойда беради: аъзо [яъни жигар] устига тилмасдан, иситилган қортиқ қўйилади; шу касал жойда қортиқ осилиб туради. Сўнгра суюлтириш ва тарқатишда кучлироқ бўлган дорилар ишлатилади; шу билан бирга касал жойига табиий сода ва сариқ олтингургуртни ҳар беш кун, ё ҳар ҳафтада қўйиб туриш лозим. Кейин ҳар ўн кунда бир марта хардал билан қўшилган *тило* шаробини ишлатилади; сўнгра касални турп бериб қустирилади. Шиш даволашга бўйсунмаса, оқ харбақ истеъмол қилинади.

Агар шиш саратонга айланса, унинг соғайишига умид

кам. Агар бунда бирор нарса фойда қила олса, у ҳам «Қарободин»да кўрсатилган, бироқ айиқ ўти қўшилмаган *Асқилифиёдус* дорисидир. Овқатлардан тез ҳазм бўладигани, масалан: чала пиширилган тухум сариғи ва арпа шираси берилади, шунингдек жигарида тиқилмалар бор кишига бериладиган овқатга ўхшаган овқатлар берилади. Жуда суяқ шароб ҳам озгина берилади, гўштдан эса парҳез қилдирилади.

Қорин девори ва мушакдаги шишларни даволаш. Буни дорилар билан даволаш жигар шишларини даволашга ўхшайди, лекин бунда журъат биринчи галда моддани қайтаришда ва иккинчи галда уни тарқатишда [жигар шишларидагидан] кўра кучлироқ бўлади. Бунда яна дорининг буриштириш ва тарқатиш таъсиридан жигар шишида қўрқилганидек қўрқилмайди.

Мосориқодаги шишларни даволаш. Буни даволаш жигар чуқурлигидаги шишларни даволашга ўхшайди, шунинг ўзи етарлидир.

ИСТИСҚО

Истисқо моддадан келиб чиқадиган касаллик бўлиб, аъзоларнинг ораликларига кириб қоладиган бегона совуқ модда сабабли пайдо бўлади; натижада ҳамма ташқи аъзолар ёки овқат ва хилт тадбирига тегишли аъзоларнинг бўшлиқлари шишади. Истисқо уч хил бўлади: «гўшт истисқоси», бунинг сабаби қон билан бирга аъзоларга ёйилувчи сувли шиллиқ моддадир; «мешсимон истисқо», бунга сабаб қуйи томон, яъни қорин бўшлиғига ва унинг ён-берига қуйиладиган сув моддасидир; «ноғорасимон истисқо», бунга ўша атрофга ёйилувчи ел моддаси сабаб бўлади.

Истисқо касаллигининг умумий сабаб ва ҳукмлари бўлганидек унинг ҳар бир турининг ҳам ўзига хос сабаб ва ҳукми бор. Жигарда унинг ўзига хос касаллик ёки ҳамкорлик касаллиги юз бермасдан туриб истисқо касаллиги пайдо бўлмайди; лекин, гоҳо жигар касалланса ҳам, истисқо юз бермаслиги мумкин. Қисқаси, истисқонинг сабаблари жигарга хос бўлади, ёки унинг ҳамкорлиги билан бўлади. Хос сабабларнинг энг олдингиси ва умумийроқ бўлгани жигар ҳазмининг кучсизлиги бўлиб, бу [истисқо] касаллигининг боғловчи сабаби кабидир. Олдин келувчи сабаблар эса, жигарда бўладиган мизож ва қурол касалликлари, масалан, жигарнинг кичкина-

лиги, тиқилмалари, ундаги иссиқ ва совуқ шишлар, шунингдек [савдони талоққа] келтирувчи томирнинг өзини тўсувчи юмшоқ шишлар ҳамда жигарни ўраб турувчи юпқа пўстнинг қотишидан иборат. Жигар мизожига тегишли [сабаблар] алангалантирувчи [сабаблар] бўлади, — буларнинг кўпи қуритиш орқали истисқо пайдо қилади, — ёки улар совутувчи [сабаблар] бўлади, буларнинг ҳар бири аста-секин туғма иссиқликни тарқатиш ёки бирданига сўндириш орқали таъсир кўрсатади. Бу ердаги тарқатилишдан мен табиблар ўртасида машҳур бўлган ва иссиқлик ёки совуқлик сабабли бўладиган оз-озлаб тарқатилиш ёки сўнишни назарда тутаман; масалан, наҳорга ёки ҳаммом, бадантарбия ва жинсий алоқадан кейин қуритиб юборувчи нарсаларни [истеъмол қилиш]; шунингдек тер, сийдик, ич суриш, ичак шилиниб ўтиш, ҳайз ва бавосир натижасидаги ҳаддан ташқари бўшатилишлар ҳам [сабаб] бўлади; бўшатилишларнинг энг зарарлиси қоннинг бўшатилишидир.

Ҳар бир қурол аъзода бўладиган касаллик ҳақида гапирилганда, уларнинг қандай қилиб истисқога етказилишини ҳам айтилди. Ҳамкорлик натижасида бўладиган истисқонинг сабаблари: [истисқо] бутун бадан ҳамкорлиги сабабли бўлиши мумкин, масалан, бирор сабаб билан бадандаги қоннинг жуда иссиши ёки жуда совиши, ёки меъданинг совиши ва мизожининг бузилиши натижасида, айниқса мизож бузилиши ич кетишни келтириб чиқарса шундай бўлади; ёки мосориқонинг [ҳамкорлиги] сабабли, ёки талоқнинг катталиги, ундаги қаттиқ, ё юмшоқ, ёки иссиқ шишлар сабабли ҳамкорлик қилиши сабабли истисқо юз беради.

Савдонинг кўп бўшатилиши ҳам истисқога сабаб бўлади. Савдонинг ҳаддан ташқари кўп чиқарилиши жигарнинг дармонини қуритади, чунки қўзғалган савдонинг қуввати тарқалиб, жигар кучсизлашади ва совийди ёки [савдонинг] азияти мияга етиб, васваса пайдо бўлганидек, жигарга ҳам етади. Талоқнинг катталиги икки сабабдан истисқога олиб келади ва жигарни кучсизлантиради, бири: жигардан тортиб олинadиган нарсанинг кўплиги, — бунда талоқ жигарнинг қувватини тортиб олади; иккинчиси: талоқнинг жигарга қаршилиқ қилиб, унинг қувватини камайтириши ва тоза қон пайдо қилишига тўсқинлик қилишидир. Гоҳо буйракнинг ҳамкорлиги билан ҳам истисқо юз беради, бунда жигар касал бўлмаса ҳам, буйракнинг совуқлиги ёки, айниқса, унинг иссиқлиги, ёки ундаги тиқилмалар ва унинг қотиши

истисқога сабаб бўлади, чунки кейинги ҳолда буйрак сув қисмини [сийдикни] тортолмайди.

Гоҳо ичаклар ва уларнинг касалликлари, айниқса оч ичак сабабли ҳам истисқо бўлади, чунки [оч ичак] жигарга яқин туради; у қовуқ, бачадон, ўпка ёки кўкракқорин тўсиғи сабабли ҳам бўлади. Буйрак ҳамкорлиги билан бўладиган истисқога ҳамма вақт ҳам унинг мизожи сабаб бўлавермайди, гоҳо ундаги тиқилма ва шишлар ҳам сабаб бўлиб, буйрак [сув қисмини] тортмай қўяди. Ичак ҳамкорлиги билан бўлганда ҳам шундай ҳол бўлади: ичаклар ҳамкорлиги билан бўладиган истисқо фақатгина улардаги асосий кайфиятнинг ўзгариши билан бўлавермайди, балки гоҳо ич бураш, ичак шилиниш, қаттиқ оғриқли қуланж ва бошқалардан иборат ичак оғриқлари ҳам сабаб бўлади, чунки улар жигарни кучсизлантиради. Шунга ўхшаш бачадон ҳамкорлиги билан бўладиган [истисқо] ҳам фақатгина унинг кайфиятидаги ўзгариш билан бўлмасдан, балки унинг оғриқлари ва ҳайз қонининг тўхтаб қолиши сабабли ҳам пайдо бўлади.

Баъзан бавосир қони тўхтаб қолганда орқа тешик ҳамкорлиги билан ҳам истисқо пайдо бўлади. Юқорида эслатилган бошқа аъзоларнинг ҳамкорлигидаги аҳвол ҳам шундай. Ахлат аъзолари, кўпинча, жигарнинг чуқурлигига, сийдик ва нафас аъзолари эса унинг дўнг қисмига ҳамкорлик қилади. Кўпинча, истисқога олиб борадиган ҳамкорлик [жигарнинг] буйрак, оч ичак, талоқ, мосориқо ва меъда билан бўладиган ҳамкорлигидир.

Бир [табибнинг] айтишича, гоҳо бўш ва холи жойларда пайдо бўлган шишлар, айниқса мизож бузилиши сабабли пайдо бўлган совуқ шишлар [ўсмалар] сабабли истисқо пайдо бўлади, чунки бузилган мизож жигарга ўтиб зарар келтиради. Ёки, кўпинча, [жигарда] тўхталиб ва унинг ён-берига етиб бориб тиқилма ва ич кетишни келтириб чиқарадиган савдо аралаш қон сабабли ҳам [истисқо] пайдо бўлади. Аввалгиси бел томонда дори ва бўшаттириш билан деярли босилмайдиган қаттиқ оғриқ пайдо қилгандан кейин истисқога олиб боради. Бироқ бу сўзлар жуда ҳам тўғри эмас.

Истисқонинг энг ёмони иссиқ касалликлар билан бирга бўладиганидир. Айрим кишилар «гўшт истисқосини» бошқа хилидан ёмон деб биладилар, чунки бузилиш жигарга, баданнинг ҳамма томирларига ва гўштга умумлашади, ҳатто учинчи ҳазм бутунлай йўқолади. Айрим кишилар эса уни бошқасидан, ҳатто «ноғорасимон»

ҳам энгилроқ деб биладилар. Лекин «мешсимон» истисқо ҳаммасидан ёмонроқ бўлиши керак. Сўнгра «гўшт истисқоси»нинг баъзи [тури] борки, у бошқа ҳаммасидан ҳам бирмунча энгилроқ бўлади, баъзиси эса жуда ёмондир. Бу ҳол истисқо келтирувчи сабабларга қараб бўлади. Кўрилган ҳоллар ва кўп тажрибанинг кўрсатишига қараганда, умуман «гўшт истисқоси» бошқалардан энгилроқ бўлиши керак, шу билан бирга, бунда жигарнинг бошқа хил истисқода бўлганидек, кучсиз бўлиши шарт эмас.

Табий мизожи иссиқ-қуруқ бўлган киши истисқога учраса, хавфхатар кучлироқ бўлади, чунки кучли бир сабабга кўра, мизожи тескари касалликка йўлиққан бўлади. Талоқнинг қотиши сабабли бўладиган истисқо, жигар қотиши билан бўладиганидан кўра, тузалишга анчагина яқинроқдир, ҳатто унинг даволаниши умидлидир. Баъзан истисқо моддаси кўтарилиб, ҳатто ҳарсиллаш, нафас қисилиши ва йўтал пайдо қилади; булар ўлимнинг яқинлашганига ва уч кун ичида воқе бўлишига далолат қилади.

Баъзан истисқода нафас [модданинг] сиқиши сабабли ўзгармайди, шуниси бежавотирроқдир. Баъзан истисқога учраган кишиларда ўлишга яқин буғларнинг ёмонлиги сабабли оғиз ва тиш милкида яралар пайдо бўлади, гоҳо [касаллик] охирида қон мизожининг бузилиши сабабли [бутун] баданда яралар кўринади. Истисқога учраган кишининг ичидан гўшт бўлақларига ўхшаш нарса тушса, ҳалокатдан дарак беради, аксинча, меланхолия касаллиги бор кишида истисқо пайдо бўлса, истисқонинг рутубатлантириши сабабли меланхолияси тузалади, дейдилар.

Билгинки, истисқо касаллигида ич кетиши касални ҳалок қилади. Истисқога учраган кишида дастлаб шишган [жойни] аниқлаш керак: қовуқ, оёқ, орқа, буйрак қисми, белнинг қуйи қисми ёки ичакларидан кўпчиш бошланганми? Ичнинг суюқ ва қаттиқлигини аниқлаш керак, чунки ичнинг қаттиқ бўлиши, — айниқса белнинг қуйи қисми ва буйраклардан кўпчиш бошланган истисқода, — ичнинг суюқ бўлишидан яхшироқдир. Белнинг қуйи қисми кўпчиш билан бошланган истисқода, кўпинча, ич суюқ бўлади, чунки овқатнинг рутубат қисми ичакларга қайтади. Олд [қовуқ]дан кўпчиш бошланган истисқода эса кўпинча ич қаттиқ бўлади. Қориннинг қуйи қисми ва қовуқ устларининг аҳволини, яъни у жойлар ориқми ёки гўштликми эканини ҳам билиш керак:

гўштлиқ бўлса, қувват борлигига ва [қасалнинг] ич суришни кўтаролишига далолат қилади. Яна мойк халтасининг ҳам шишишига ҳамкорлик қилган ёки қилмаганини аниқлаш лозим: агар у ҳамкорлик қилиб кўпчиган бўлса, [мойк халтасига] рутубат сизаётганлик хавфи бўлади, сизиш эса кишини эрликка яроқсиз қилиб кўяди ва тузалиши қийин ёмон яраларга учратиб, азоб беради.

Умумий белгилар. Истисқонинг ҳамма турларида кишининг ранги бузилади; талоқ ҳамкорлиги билан бўлганида ранг кўкимтир ва қорамтир бўлади. Истисқо турларининг ҳаммасида олдин икки оёқ шишади, чунки туғма иссиқлик кучсиз, қон рутубатли ёки буғли бўлади, яна кўз, қўл ва оёқ панжалари ҳам шишади. Истисқонинг ҳамма турлари ҳам қаттиқ ташналик ва нафас қисилишидан ташқари бўлмайди; кўпинча, сувга иштаҳа кучлилигидан овқатга иштаҳа оз бўлади; лекин жигарнинг совуқлигидан, айниқса бевақт совуқ сув ичишдан бўладиган айрим истисқо бундан мустаснодир.

Ҳамма истисқода, айниқса «мешсимон», кейин «гўшт [шиш] истисқоси»да сийдик озаяди; озлиги сабабли, кўпинча, ранги қизаради, чунки кўп миқдорли сийдикка ёйиладиган ранг озгина сийдикка ёйилади; бунга яна қон қисмининг ва қизил ўтнинг кам ажратилиши ҳам сабаб бўлади; шунда сийдикнинг қизиллиги ва рангдорлиги сабабли истисқонинг иссиқлигига ҳукм қилиш керак эмас. Истисқога учраган кишиларда, кўпинча, кучсиз иситма чиқади; уларда, кўпинча, тошмалар ҳам пайдо бўлади, улар ёрилиб, сариқ сув чиқаради. «Шиш истисқоси» ва «ноғора овозли» истисқода меъда сустлиги сабабли бўладиган ич кетиш кўпаяди. Истисқо жигардаги шишдан бошланса, ич қотади, оёқ панжасининг юзи шишади, қуруқ йўтал пайдо бўлади, ўнг ва чап ёнда шиш пайдо бўлади, улар йўқ бўлиб кетиб, кейин яна кўринади; кўпинча, мешсимон истисқода шундай бўлади. Агар истисқо чов ва белнинг қуйи қисмидан бошланса, дастлаб оёқ панжасининг юзи шишади; меъда сустлигидан бўладиган давомли ич кетиш пайдо бўлади, шу билан бирга [шиш] тарқалмайди ва сув бўшалиб чиқмайди.

Иссиқ сабабли бўлган истисқода алангаланиш, ташналик, ранг сарғайиши, оғиз аччиқлиги, баданнинг жуда қуруқлиги, овқатга иштаҳасизлик ва сариқ ҳамда кўк рангли нарса қушишдан иборат иссиқлик белгилари пайдо бўлади. [Қасалликнинг] охирида сийдикнинг куйди-

риб ачиштириши кўпаяди, чунки унинг ҳарорати кучли бўлади. Агар истисқо эриш кўпаядиган ва [моддани] ҳайдаш иккала табиий йўл [олд ва орқа]дан бошқа томон орқали бўладиган хилдан бўлса, бунга сафронинг кўпайиши ва эриганлик белгиларининг борлиги, шунингдек гўшт ювиндисисимон ва яра зардобисимон ахлат ва сийдикнинг олдин келиб юранлиги далолат қилади; бу хил [истисқо] чов ва белнинг қуйи қисмидан бошланади. Уткир касалликлардан бўладиган ҳамма истисқо ҳам шундай бўлади. Совуқ сабабдан истисқонинг [белгилари] бунинг аксича бўлади. Бунда, гоҳо совуқ меъдадаги каби, овқатга иштаҳа жуда кучаяди, кейин мизож ҳаддан ташқари совуса, иштаҳа пасаяди.

Қаттиқ шиш сабабли бўлган истисқо [ўшандай шишнинг] белгиларидан, унинг кетидан келадиган меъда сустлиги сабабли ич кетишдан ва овқатга иштаҳа озлигидан билинади. Агар истисқонинг сабаби иссиқ шиш бўлса, у жигар томонидан бошланади, бунда ич қотади, иссиқ шишнинг бошқа белгилари ҳам юз беради. Талоқ сабабли бўлган истисқода рангнинг кўкимтирлиги ва талоқда касалликлар бўлиб ўтганлиги далолат қилади; баъзан бунда иштаҳа пасаймайди. [Истисқонинг] сабаби буйракда бўлганда ҳам дарров иштаҳа пасаймайди ва жигардан бўлганидагидек тушмайди. Бунда яна буйрак касалликлари, шишлари ва яралари олдин келган бўлади.

«Мешсимон» истисқонинг белгилари. «Мешсимон» истисқода қоринда оғирлик сезилиб туради; қоринга чертилса, овоз чиқмайди; лекин [касални] қўзғатилса, сувнинг чайқалган товуши эшитилади; касалнинг ўзи бир ёнидан иккинчи ёнига ағдарилганда ҳам шундай [овоз эшитилади]; ушлаб кўрилса, пуфланган мешга эмас, балки сув тўлғизилган мешга ўхшаб туради. Бу истисқода аъзолар «гўшт [шиш] истисқоси» даги сингари [шишиб] йўғон ва катталашмайди; аксинча, улар сўлийди, қорин териси тортилган ҳўл теридек ялтираб туради Гоҳо бу истисқода эрлик олати ҳам шишади ва сувлик да.бба келиб чиқади. Бу истисқо билан оғриган кишининг томир уриши кичик, кетма-кет ва қаттиқликка яқин бўлади; пардаларининг тортилиши сабабли [томирларда ҳам] бир оз таранглик бўлади. Баъзан касалликнинг охирида рутубатнинг кўпайиши сабабли томир уриши бир оз юмшоқ бўлади. Агар «мешсимон» истисқо жигарда аниқ бир сабаб бўлмасдан тўсатдан тош тушгандан кейин пайдо бўлса, билгинки, буйракдан қовуқ-

қа келадиган икки сийдик йўлининг бири аниқ йиртилган бўлади.

«Гўшт истисқоси»нинг белгилари. Бунда [касалнинг] бутун гавдаси ўликнинг жасади шишгани сингари кўпчийди. Аъзолар, айниқса юз озгинликдан кўра семизликка яқин бўлади. Касал гавдасининг бирон жойига бармоқ билан босилса, у ботади. Қорнида «мешсимон» ва «ноғорасимон» истисқодаги каби кўпчиш ва чайқалган сувнинг товуши ёки киндик чиқиш ва чертилганда ноғораникига ўхшаш товуш эшитилиши бўлмайди. Кўпинча, бу истисқода меъда сустлигидан бўладиган ич кетиш бўлиб, ич юмшоқ ва оқимтир ўтади; томир уриши эса тўлқинсимон, кенг ва юмшоқ бўлади. Агар касалнинг юзида, ё баданида, ёки чап қўлида бўш этлилик пайдо бўлиб, шу ҳодисанинг бошланишидан олдин бурун қичиша бошласа, у иккинчи ёки учинчи куни ўлади, дейдилар.

«Ноғорасимон» истисқонинг белгилари. Бу истисқода киндик анчагина чиқади; лекин «мешсимон» истисқода сезиладиган қорин оғирлиги бўлмайди. Аксинча гоҳо бунда «мешсимон» истисқода бўлмайдиган [қорин деворининг] тортилиши бўлади; ҳатто [қорин] тортилган камон ипига ўхшаш даражада [таранглашади]; бунда «гўшт истисқоси»да бўлганидек аъзолар йўғонлашмайди, аксинча улар сўлишга тутинади. Қоринга қўл билан урилса, пуфланган мешники каби товуш эшитилади; у товуш сув тўлдирилган мешникига ўхшамайди. Касал доимо кекиришга интилади, кекирса ва ел чиқса, роҳатланади. Томир уриши бошқа хил истисқога учраганларникидан узунроқ бўлиб, кучсиз бўлмайди, чунки қувват «мешсимон истисқо» дагидек бирор кайфият ва оғирлик сабабли озайган бўлмайди. Томир уриши кўпинча, тез ва кетма-кет бўлиб, қаттиқ ва тарангликка яқин бўлади. Бу истисқода оёқ бошқа истисқоларда бўлганидек шишмайди.

«Узлаштиришнинг бузилишини» [истисқонинг сув йиғилишдан олдинги даврини] даволаш. Қараш керак: агар касалнинг баданида турли сафроли хилтлар бўлса, *иёраж фикро* билан сурги қилдирилади: у чиқиндиларни чиқариб, туғма ҳўлликларни чиқармайди. Хилтнинг қуюқ ва ёпишқоқ экани билинса, Абу Жаҳл тарвуздан қилинган *иёраж* билан ёки сабр, Абу Жаҳл тарвузи, чилпоя, дарахт пўкаги ва *сақмуниёдан* тайёрланган [дори] билан сурги қилдирилади. Бу [қўшиладиган дориларнинг] вазни хилтнинг суюқ ва қуюқлигига ҳамда

касал баданининг кучли ва кучсизлигига қараб белги-
линади. Агар бошқа дорилар ёпишқоқ чиқиндини чиқа-
риб, баданни тозалашга фойда қилмаса, баъзан харбақ
каби дорига ҳам эҳтиёж тушади. Шулар билан бирга
сургини эҳтиётлик билан берилади ва бўлиб-бўлиб ичи-
рилади. Ҳар вақт модда йиғилганлиги гумон қилинса,
уни ўрнашишга қўймасдан қайтадан бўшаттирилади.

Бундан ташқари меъданинг сурги дорилардан зарар-
ланмаслигини ҳам назарда тутилади; сургиларни хом
уд ва шу каби нарсалар билан хушбўй қилинади; агар
касалининг қуввати жойида бўлса, у тўғрида кўп ўйлаб
турмасдан, етарли миқдорда сурги бериб, уни тинчлан-
тирилади. Умуман кўрилаётган тадбир чиқиндиларнинг
туғилишига тўсқинлик қилиши керак; бу эса секин-аста
ва кетма-кет бўшаттиришлар билан бўлади.

Ундай касаллардан мумкин қадар қон олинмасин.
Агар қон тўлиқлиги сабабли қон олмасликнинг иложи
бўлмаса, уни эҳтиёт билан уч ё тўрт кунга бўлиб оли-
нади. Агар истисқо бавосир ёки ҳайз қонининг тўхтал-
ганлиги сабабли келиб чиққан бўлса, қон олиш кўпроқ
зарур бўлади. Энг яхшиси — олдин *иёраж* каби қонни
тозалайдиган нарсалар билан бўшаттиришдир. Сўнгра
қон олмаслик мумкин бўлмаса, озгина қон олиш кифоя
қилади. Бу хил касалларни даволашда, кўпинча, хилт-
ларни пастдан суриб чиқариб тиқилмаларни очадиган,
сўнгра сийдикни ҳайдаб тиқилмаларни очадиган дори
билан бўшатишга эҳтиёж тушади. Рутубатларни суюл-
тириб эритувчи ва уларни сурувчи ҳуқна дорилар жуда
фойда беради. Уларни бўшаттиргандан кейин қўллани-
ладиган энг яхши даво мўътадил бадантарбия қилиш,
сувни оз ичиш, бурақли гугуртли ва аччиқтошли иссиқ
сувларга тушиш, денгиз ва иссиқ булоқ яқинида туриш-
дир. Аммо ширин сувли ҳаммом уларга зарар қилади,
лекин қуруқ ҳаммомга тушиш ва унинг иссиқ ҳавосида
терлаш уларга фойда қилади.

Овқатдан олдин қусиш ҳам улар учун жуда яхши
тадбирдир. Қасаллик аввалларида *сиканжубинда* иви-
тилган турп билан, охирида эса харбақ билан қустириш
керак. Мумкин бўлганича қуритувчи ва очувчи дорилар-
ни ишлатиш керак. Қуюқ суртмалар ва ичадиган дори-
ларга Цейлон дорчини ва дорчин каби қуритувчи, очув-
чи ва латифлаштирувчи нарсаларни, шунингдек эрман,
рум сассиқ қавраги, *Ҷофит*, қичитқи ўт уруғи, ер бағир-
лаб ўсувчи санавбар, юмалоқ аристолохия, ёввойи бод-
ринг шираси, хотинак супурги, мозарийон барги, говшир

жаби латифлаштирувчиларни, айниқса пақ-пақни қўшиш лозим. Уларга ишлатиладиган қуюқ суртмаларга олтингургурт, ёввойи бодринг шираси, мозариюн илдизи ва барги табиий сода, гулсапсар кули ва денгиз кўпиги қўшилади. Шу ва шунга ўхшаш дорилар улар учун ҳаммомда суриб ишқаланадиган дориликка ҳам ярайди.

Уларга беҳи шарбати ва *хандиқун*, суюқ ва озгина миқдордаги райҳон шароби ва гулсапсар шароби фойда қилади. Наҳорга эрман шароби ичиш ҳам уларга жуда фойда қиладиган нарсалардан саналади. Маъжун дорилардан, айниқса баданни тозалагандан кейин берилса, тарёк, *митрифат*, куркум дориси, *лакк* дориси, *калкалонж бузурий* [фойда қилади]. Гоҳо уларга туя сути ва сийдигини ҳам ичирилади, айниқса уни қаттиқ ва кучли баданлиларга ва айниқса «ўзлаштиришнинг бузилиши» эскиб истисқога айланишга яқинлашганда ичирилади. Баъзан уларга туя сийдигидан икки у қ и я, ярим *мисқол* ёки ундан кўпроқ *сиканжубин* билан қўшиб ичирилади; қўй сийдигини ҳам шундай [ичирилади]. Агар модда суюқ ва сафроли бўлса, баъзан [сийдикка] сариқ ҳалила аралаштириб ичириш тўғрироқ бўлади. Компресслардан сунбул ва Цейлон дорчинини қиздириб меъда ва жигарга боғлаш фойдалидир; яна буларни гулсапсар шарбати ва шунга ўхшаш нарсалар билан қўшиб қуюқ суртма қилиб ҳам ишлатилади. Қоринга доимо бурақ ва олтингургурт кабиларни машҳур иссиқлик ёғлар билан қўшиб, суриб турилади. Ундай касалларга *каък* нони билан беҳидан тайёрланган марҳамни қўйиб боғланса фойда қилади. Агар касаллик бунга бўйсунмаса, мол ва така эчки тезагини суртилади.

«Ўзлаштиришнинг бузилиши» касаллигига учраган киши лаззатли ва табиатни кучайтирувчи нарсалар, масалан, тустовуқ ва каклик гўшти, уларнинг шўрваси, шунингдек қалампирмунчоқ, дорчин, заъфарон ва мастакилар билан жуда хушбўй қилинган зирбож билан овқатланиши керак. Шимилишга тайёрланган гўштлар ҳам [улар учун овқат бўлади]. Ҳўл мевалардан ширин анор уларга [фойдалидир]; беҳидан озгина ейиш ҳам зарар қилмайди. Уларнинг овқатига хардал, гандано, саримсоқ ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳам қўшиб берилади, бироқ жуда кўп миқдорда аралаштирмаслик керак.

«МЕШСИМОН» ИСТИСҚОНИ ДАВОЛАШ

Бу билан оғриган кишиларни даволашдаги умумий мақсад қуёш ва шамолсиз жойда ўтириб ҳамда қуруқ

Ўтин оловининг алангасида исиниб бўлса ҳам бадандаги [ортиқча ҳўлликни] қуритиш ва чиқиндиларни чиқаришдир. Шу билан бирга овқатни ўлчов билан ейилади ва сув ичилмайди; тери тешикларини очиш тадбири қўлланилади; сийдикни тез-тез юргизиб турилади, аста-секин ва кетма-кет сув моддасини чиқариб турилади, [касалини] ташналикда тутилади ва уни ўраб қўйилади; сувни ичиш у ёқда турсин, ҳатто мумкин қадар уни кўришдан ҳам тийилади. Агар сув ичмасликнинг иложи бўлмаса, уни овқатдан бир муддат кейин шароб ёки бошқа нарса билан аралаштириб берилади. Овқатни оз ейиш ва жуда латиф овқат ейиш энг яхши чорадир; «гўшт истисқоси» бобида айтилган бадантарбия ҳам қўлланилади. Беморнинг қувватини сақлаб, уни хушбўйликлар, ҳидланадиган лаззатли нарсалар ва кучли овқатларнинг ҳиди ва хушбўй шароб билан кучайтирилади. Бу истисқода сиканжубинни кўп ичиш яхши эмас.

Қусиб ташлаш, айниқса овқатдан олдин қусиш, улар учун фойда беради, шунингдек овқатдан кейин орада бир кун, икки кун ва уч кун ўтказиб қусиш ҳам жуда фойдалидир. Аксиртирадиган, бурунга пуфландиган ва бошқа хил дорилар билан аксиртириш ҳам фойда қилади, чунки у сув қисмини пастга туширади ва уни бўшатиладиган йўлларга қараб ҳаракат қилдиради.

Томирдан қон олишга келсак, истисқога учраган ҳар бир киши мумкин қадар қон олдиришдан сақланиши керак, лекин қон тўхтаб қолгани сабабли истисқога учраган киши бундан мустаснодир. Чунки қон олиш бусиз ҳам ўзи кам озиқ бўлиб қолган аъзоларни озиқдан тияди; шу билан бирга касалнинг жигари совийди, шунинг учун ҳам қон олиш, кўпинча, зарарлидир. Агар жигарда шиш бўлса, аввал шишга аҳамият берилади.

Истисқо билан оғриган киши артерияси кўп бўлган чап томонининг аҳволидан шикоят қилса, унинг бу шикояти чап томонининг тортишаётганидан эмас, — чунки тортишувда иккала томон ҳам баробардир, — балки қон сабабли шикоят қилаётган бўлади. Шунда олдин қон олиниб, кейин истисқони даволанади. Агар шиш қаттиқ бўлса, унинг кетидан келадиган мешсимон истисқонинг соғайишини умид қилиб бўлмайди. Агар истисқо сувини қандай йўсинда бўлсин, юз марталаб бўшатилса ҳам, у билан [бадан] қайтадан тўлаверади.

Билгинки, истисқо сувини дорилар билан бўшатириш, ёриб оқизиб олиш яхши эмас, чунки ёрилган жой-

да эт ундириш қийин бўлади. Бўшатилиш иситма йўқ вақтда бўлиши керак. [Бўшаттириш] тадбири гоҳо истисқо сувини қуритса ҳам, [жигардаги] шиш уни қайталатади. Бу хил истисқода буриштирувчи кулча дориларни, гарчи улар зирк кулчаси каби кучайтирувчи бўлса ҳам, оз истеъмол қилиш керак, айниқса ич тўхталган пайтда [шундай қилиш керак]. Совуқ истисқода ҳар бир тозаловчи, суюлтирувчи ва очувчи дори билан қуритиш керак. Иссиқ истисқода эса, биз алоҳида сўзлайдиган йўсинда [қуритилади].

Билгинки, писга ва бодом ёғи ҳамма хил истисқога ҳам фойда беради. Шу хил истисқонинг совуқдан бўлганига фойдали содда дориларга келсак, улардан бири, масалан, қора беда солиб қаттиқ қайнатилган сув бўлиб, ундан ҳар куни икки *уқия* ичирилади; ёки денгиз пиёзидан бир *ритлни* тўрт қуст шаробга солиб тоза сопол идишда учдан бири кетгунича қайнатилади ва ҳар куни бир катта қошиқ миқдоридан ичириб турилади; кейин [оз-оз] кўпайтириб, беш қошиққа етказиб ичирилади; сўнгра [оз-оз] камайтириб, яна бир қошиққа қайтарилади. Шунга ўхшаш ялпиз ширасидан ҳам ҳар куни бир *уқиядан* ичирилади.

Бир [табибнинг] айтишича, бир нечта олакулангни олиб, бош ва қанотларини узиб, таналарини асал сувига солинади; кейин касални ҳаммомга тушириб ўшани ичирилади ёки нон билан едирилади. Менимча, бу жуда хавфли нарса, энг кўп деганда мен ундан фақат бир *қиротни* маълум сиқиб олинган сувлар билан қўшиб ичиришга журъат қила оламан. Агар [касалнинг] бадани тозаланиб, унга *тарёкдан* ҳар куни бир нўхат миқдоричани ялпиз қайнатмаси билан йигирма бир кун ичирилса ва ҳар куни бир марта озгина овқатланиш билан чеклатилса, у тузалади, дейдилар. Баъзи [кишиларнинг] гумонича, эчкининг тезагини асал билан, ёки қўй, ё эшак сийдигини сунбул ва асал билан ичириш, ёки уч *дирҳам* юмалоқ аристолохияни шаробга солиб ичириш ҳам фойда беради. Айрим [табиблар] бундай касаллар учун бир боқила миқдоридан хўл укрупни сув билан тозалаб ҳар куни ёки ҳар икки кунда [ичириб туришни] мақтадилар.

Ҳар бир истисқода, айниқса «мешсимон» истисқода фойдали бўлган дорилардан бири *калкалонаж*, *лакк* дорисидир. *Куркум* давоси, айниқса *Абдурутус* маъжунни, гулсапсар *жуворшни*, денгиз пиёзи дориси, денгиз пиёзи шароби ва тарёк ҳам фойда беради. Билгин-

ли. тарёк, *куркум давоси* ва *калкалонаж* совуқ истисқо-нинг охирида жуда фойда беради. Елимли сутўтдан қилинадиган кулчалар ажойиб фойдали дорилардан саналади, бунинг таркиби: елимли сутўт ва сариқ ҳа-дидан баробар бўлакларни олинади; бир ярим *до-нақдан* [оз-оз кўпайтириб] бир *дирҳамгача* ҳар тўрт кунда бир марта ичирилади; орада зирк кулчаларидан ичириб турилади. Гоҳо ровоч илдизи, қуст, дафна ме-васи, сариқ йўнғичқа, Миср боқиласи, қора андиз, гентиана, бодом елими ва гальбан елимидан ҳам дори-лар таркиб қилинади, булар фойдали дорилардан са-налади.

Сув моддасини чиқарувчи тадбирларга келсак, сур-ги дорилар, шамчалар, айниқса ҳуқналар ёрдами билан бўлади, чунки [ҳуқна] [истисқо] сувига яқинроқ, табиатга энгилроқ ва бошқарувчи аъзолардан узоқроқ-дир. Яна турли хил чўмилиш: иссиқ сувли булоқларда [чўмилиш], иситилган тандирларда [ўлтириш], бобуна ва қора чайир каби суюлтирувчи дорилар қайнатилган сувларда [чўмилиш] ҳамда суриладиган, қўйиб боғла-надиган дорилар ва турли компресслар ёрдами билан бўлади. Эчки сути ва туя сутини ичиш ҳам шулар жумласига киради; сийдик ҳам шундай. Туянинг сути мешсимон истисқога мувофиқ келади, олдин ундан ярим *дирҳамни* «сариқ» кулча ва ярим *дирҳам табошир* билан қўшиб бир ҳафта ичилади, [ҳафтанинг] охирида бир *дирҳамга* етказиб ичилади. Бир ҳафтадан кейин касалга икки *дирҳам* вазнида *калкалонаж* бериб бў-шаттирилади, сўнгра қайтадан бир ҳафтагача «сариқ» кулчалар ишлатилади. Мана шундай тадбир давом эта-верса, касал баъзан соғаяди. Кучсиз касалга дастлаб сариқ кулчалардан бир *донақдан* ошиқ бериш мумкин эмас. «Сариқ кулчалар ва *калкалонаж* «Қарободин»да айтилган. Иссиғи кучли кишига туя сути ёқмайди. Туя сутини қирқ *дирҳамдан* бошлаб ичириб, ҳар куни ўн [дирҳамдан] кўпайтириб борилади.

Сурги дориларга келсак, булар жигарга зарарли бўлмаслиги керак. Агар шундай [зарарлисини] ишла-тишга тўғри келса, уни тузатиш [яроқли қилиш] керак: Бундай сургини бир йўла эмас, балки бир неча марта бўлиб ичиш керак, чунки уни бир йўла ичилса, ҳалок қилади; уларнинг энг оз зарари жигарни кучсиз қи-лишдир. Сабрнинг ёлғиз ўзи жигар учун ёмон, уни жи-гардан узоқлатиш керак, лекин зарурат бўлса ёки ислоҳга келтирилса, истеъмол қилиш мумкин. Сурги

дорилардан кейин рўза тутиш лозим: сурги ичган киши, мумкин бўлса, бир кеча-кундуз ҳеч нарса емасин. [Сургидан] кейин жигарни кучайтириш учун кучайтирувчи ва бир оз буриштирувчи нарсани, масалан, зирк кулчаларини, ширин ва буриштирувчи ҳўл меваларнинг сувини истеъмол қилиш керак; айниқса уларни *фарфиюн*, мазариюн, қаврак елими ва шунга ўхшаш сургилардан кейин истеъмол қилиш керак. Сўнгра [жигар] мизожини тузатувчи дориларни, масалан, совуқ [мизожда] тарёк ва куркум дорисини, иссиқ [мизожда] эса сачратқи сувини истеъмол қилинади.

Қасалнинг иссиғи бўлса, сафрони сурдириб чиқармаслик керак, чунки [сафро] сув моддасига бирор йўл билан қарши туради; сув моддасини ҳам сурдириш зарур бўлиб, натижада сурги икки баробар кўпаяди ва қувватга зарар етади. Аксинча, сафрони сўндириш, сув қисмини сурдириш зарурроқ, лекин сафро ҳаддан ташқари кўп бўлса, бу пайтда уни [чиқариш учун] ҳалила каби дори билан чекланиб туриш керак: бундай [иссиқ] ҳолатда ҳалила, совуқ ҳолатда эса, Эрон қаврағи ажойиб яхши сурги ҳисобланади. Миқдор ва вақт эътибори билан ҳаддан ташқари кўп бўлган ҳар бир бўшатилиш ёмондир; бу иссиқ мизожга кўпроқ мос келади. Тўрғай ва қари хўрозлар шўрваси, айниқса, унинг чилпоя, укроп ва шунга ўхшаш нарсалар солингани [ични] юмшатадиган яхши дорилардан ҳисобланади.

Бўшатувчи суюқ дорилар: туя сути, пишлоқ суви ва бошқа бирон нарса билан ўн кун бўшатиладиган, истисқо суви озайиб қорин шиши енгилланса, [қорин] бундан кейин сувни яна қабул қилмаслиги учун тўғри тадбирнинг бири қоринга доғ солишдир. Доғни икки ёки уч кун [овқатдан] парҳез қилиб сурги ишлатмай тургандан кейин олти жойга солинади: учтасини узунасига жўкрак суягидан бошлаб қовуққача, учтасини эса қориннинг энига солинади. Ундан кейин очлик ва ташналикка чидаб туриш керак. Тўғри тадбирнинг бири иккала сургининг ўртасида аччиқ бодом кулчалари каби тикилмаларни очувчи нарсалардан бир оз ичириб туришдир. Аммо туя ва эчки сутини, айниқса араб туя ва эчкиларининг сутини, хусусан уларнинг арпабодиён, бобуна, дармана, бўйимодорон ва ҳил каби сув моддасини чиқарадиган, латифлаштирадиган ва сийдикни юргизадиган [ўтлар] билан ўтлайдиганларининг сутини ичириш, иссиқ мизожлиларга эса жигарга мувофиқ желадиган зарпечак, сачратқи ва бошқа ўтлар билан

сўзидиган [туя] сутини ичириш масаласида, бу нарсани фойдаларнинг иши деювчиларнинг сўзига, шунингдек сутнинг табиати истискога тескари деган гапга эътибор берма. Аксинча, билгинки, сут фойдали даво, чунки унда секинлик билан тозалаш ва алоҳида [фойдали] хусусият бор. Баъзан мутлақ дори бирон кайфиятни даволашда кўзда тутилган мақсадга зид бўлса ҳам, лекин хусусияти ёки бўшатиш ва шунга ўхшаш бошқа бирор таъсири сабабли унга мувофиқ келади, масалан, совуқдан бўлган касалликларга учраган жигарга ишлатиладиган дориларга сачратқи қўшилади, сафро касалликларида эса *сақмуниё* ишлатилади.

Билгинки, бунда сут жуда фойдалидир, агар касал киши сув ва овқат ўрнига сут ичиб турса эди, албатта соғаяр эди. Буни Араб мамлакатига бориб қолган кишилар устида синаб кўрилган, улар зарурат юзасидан [туя сутини ичавериб] соғайганлар. Гоҳо туя сутининг ўзини, баъзан эса уни бошқа дориларга аралаштириб истеъмол қилинади. У дорилардан баъзисини қаттиқ қиздирмасдан даволаш учун ишлатилади, масалан: ҳалила, сачратқи уруғи, зарпечак уруғи ва нефть тузи шундай мақсадда ишлатилади; бошқалари эса, масалан, Эрон қавраги ва унинг уруғидан қиздириш ва латифлаштириш тадбири назарда тутилади. Баъзи дорилар билан ҳаддан ташқари ич суришни тўхтатиш мўлжалланади, масалан, Миср акацияси ва шунга ўхшаш [дорилар шундай]. Гоҳо туя сутини туя сийдиги билан аралаштирилади. Гоҳо уни овқат ва ичимлик ўрнида истеъмол қилинади, баъзан унга бошқа овқат ҳам қўшилади.

Шу иккала ҳолда ҳам сутнинг таъсири текшириб турилади: бадан сутдан озиқланаётибдими, у ични кетказмаяптими, ёки озгина кетказаяптими, ёки ўзи кўп бўлса ҳам, касал кўтарарли миқдорда кетказаётибдими, ёки ҳаддан ташқари кўп ва касал кўтаролмаслик даражада сураябдими, ёки [сут] меъдада ёки йўлларда ивиб қолаётибдими, ёки [жигар мизожини] совутаётибдими, ёки балғам хилтини сураётибдими, ёки [сут] сасигани сабабли сасиб куйиндига айланган хилтни сураётибдими?

Билгинки, сут ичиш учун энг яхши вақт баҳордан ёз бошигача бўлган вақтдир. Сут ичишнинг биз бир неча марта синаганда фойдали бўлган яхши тадбири қуйидагичадир: туя сутини бир неча кун давомида жуда оз овқатланиб юргандан кейин, бўш қоринга ичилади.

Мумкин бўлса, шу кун давомида овқатланилмайди аммо сут ичишдан олдинги кечада, албатта, овқатланмаслик керак. Сутни соғилган ондаёқ соғилган жойиде икки ёки уч *уқия* миқдорида ичилади; энг яхшиси икки *уқия* [сутни] бир *уқия* туя сийдиги билан қўшиб ичишдир. Уч кунгача сув ичилмайди, шунда сийганда чиқаётган нарсанинг [миқдори] ичилаётган нарсага яқин эканлиги кўрилади. Баъзан шундан кейин ичиладиган [сут] қориндан ҳайдалиб чиқади ва баъзан ҳайдалиб чиқмайди, лекин озгина ахлат чиқади; сутнинг ҳайдалиб чиқмаслигига бадан у билан озиқланаётгани сабаб бўлади. Агар ичилаётганидан кўпроқ ич ўтса, бир кун сут ичилмайди, ёки унга буриштириш хоссаси бўлган нарсани қўшиб ичилади. Агар ич сурмаса, сутнинг ичда ивиб қолаётганидан қўрқиш ва уни ичмаслик керак. Ич ичилаётган [сугдан] камроқ сурганда ҳам шундай қилинади. Шу пайтда меъдадаги [сутни] туширадиган нарса ичиб, кейин қайтадан сутни Эрон қавраги ва шунга ўхшаша нарса билан қўшиб ичиш керак. Ҳатто эҳтиёт учун ҳар уч кунда Эрон қавраги каби ва шунга ўхшаш нарсадан оз миқдорда истеъмол қилиб турилади: бу нарса ивиши мумкин бўлган сутнинг қолдигини ёки ундан туғиладиган нарсани чиқариб юборади. Айниқса нордон кекирик келиб [меъдада] оғирлик сезилса, [шундай қилиш керак].

Шундай ҳолда фойдали тadbирлардан бири дарҳол ҳуқна қилишдир. Шундай вақтда яна сут ичишни бир кун ёки икки кун тўхтатиб, компресс ва қоринга қўйиб боғланадиган қуюқ суртма дориларга мурожаат қилинса, бу нарса ивиган [сутни] тарқатиб юборади. Агар сут ичилганда бундай ҳолатлар юз бермаса ва ҳар кунни ҳаддан ташқари кўп бўлмаган, балки иккита кичкина кўзача миқдорида [сийдик] чиқиб турса, сутнинг ёлғиз ўзини ёки уни Эрон қавраги ва шу қаврак қўшилган сурги, ҳаб дори ва бошқа нарсалар билан қўшиб ичиш билан чекланиб турилади. Агар ич ҳаддан ташқари сурса, сут ичишни бир ёки икки кун тўхтатилади, сўнгра секин-аста ичиришга бошланади. Шунда ҳам буриштирувчи ўсимликлар билан боқилган яхши туянинг сути ичирилади. Сутни соғилгач, ўша ондаёқ унга Басра темирининг узум сиркаси билан ювилиб, қовурилган тўполидан йигирма *дирҳам*, Миср акацияси ва «ер олати»нинг ҳар биридан беш *дирҳам*, зарпечак уруғи ва петрушка уруғидан уч *дирҳам* ва бир боғдан каклик ўти, петрушка ва газгаўт қўшиб бир қанча вақт тинч

қўйилади, кейин уни тинитиб ичилади. Сўнгра секин-иста сутнинг холис ўзини ичишга, ундан кейин, агар ҳаптиёж тушса, сурги дори қўшиб ичишга ўтилади.

[«Мешсимон» истисқода] фойда қиладиган сийдикни ҳайдовчи дориларга келсак, буларнинг маълум бит-тасини доимо ишлата бермаслик, балки биридан-бирига ўтиб туриш керак. Сийдикни ҳайдовчи дорилар тоғ петрушкаси, жувона, ялпиз, туёқўт, арпабодиён, петрушка уруғи, рум сассиқ қавраги, сассиқ қаврак, ер бағирлаб ўсувчи санавбар, игир, [ҳинд ва рум] сунбуллари, ёввойи сабзи уруғи, тоғ сунбулининг илдизи, ёввойи укроп илдизи, морчўба ва унинг уруғи, ёввойи сабзи илдизи ва пақ-пақдир; бу дориларни майин қилиб янчиш керак, шунда [жигар] дўнгига тез бориб етади. Сийдикни ҳайдовчи кучли дорини ишлатгандан кейин семиз товуқ шўрваси каби ёғли шўрвадан бир оз ичиш керак.

Қуюқ суртмалар тўғрисида қонун-қоида шуки, уларга қуритувчи, тарқатувчи ҳамда нафас олинадиган ва [чиқиндиларни] тарқатадиган тери тешиқларини тўсувчи, кучли буриштирувчи нарсаларни кўп қўшмаслик керак, лекин қувватни сақлайдиган миқдорда озгина ишлатилади; агар керак бўлса, масалан, сунбул, кундур елими ва тўпалоқдан жуда оз миқдорда [ишлатилади]; чунки булар қорин девори ҳамда ундаги нарсанинг қувватини сақлайди ва уларни [моддани] қабул қилишга қўймайди.

Шу касалликда қуюқ суртма қилинадиган содда дорилар ва фойдали мураккаб қуюқ суртмаларни «Қарободин»да баён қилдик. Бу ерда баён қиладиганимиз синалган ва кучли [таъсир] кўрсатадиганларидир. Қуруқ пичан еган ва ҳўл ўт емаган қорамол ва эчки тезагидан қилинадиган қуюқ суртманинг таркиби: шу хил тезакдан бир оз олиб сув ва туз билан қайнатилади, сўнгра унга олтингугуртни янчиб сепилади ва қоринга қўйиб боғланади. Эчки тезагини ўғил бола сийдиги билан қўшиб ҳам [қуюқ суртма қилинади]; каптар тезаги, дафна меваси ва гулсапсар илдизини [ҳам шундай қилинади]. Шу хил кучли қуюқ суртмалардан бири мана бу: қорамол тезаги ва эчки қумалоғига бир оз харбақ ва елимли сутўт солинади ва туя сийдиги билан қўшиб қуюқ суртма қилинади. Қуюқ суртмаларнинг яна бири: ёрилган садафни истисқо билан оғриган кишининг қорнига шундайлигича қўйиб қўйилади, ёки [шиллик қуртни] садаф билан янчиб [қўйилади] ва унинг ўзи қуриб [тушгунича] кутиб турилади.

Яхши қуюқ суртмалардан бири мана бу: санавбар елими, табиий сода, қора андиз ва кундур елимининг майдаларини қорамол ёғи билан қўшиб, қуюқ суртма тайёрланади. Истисқода мувофиқ келадиган қуюқ суртманинг таркиби: гўштли анжирни сув билан қайнатиб, унга бир бўлак янчилган мозариюн, икки бўлак табиий сода ва бир ярим бўлак ер бағирлаб ўсувчи санавбарни аралаштирилади. Жуда кучли бошқа қуюқ суртма: санавбар елими, мум, ҳўл зуфо, зифт ва сақич дарахтининг елимидан уч *дирахмийдан*, *майға* елими,— бу стракисдир, — мастаки, сабр, заъфарон, эрман шохчалари ва Эрон қаврагининг ҳар бирдан бир *дирахмий*, қундуз қири, олтингугурт, амом ва *сафо* деб машҳур бўлган балиқнинг тангасидан ярим *дирахмийдан*, каптар тезағи, Бобил индови ва кўлларда қамишга [ёпишадиган] кўпик — шуларнинг ҳар бирдан уч *дирахмий*, осмоний ранг гулсапсардан тўрт *дирахмий* ва қизил бурақдан бир *дирахмий* олиб бобуна ёғи билан аралаштирилади.

Агар жигарда шиш бўлса, сунбул қуруқ чўпи, заъфарон, бол дони, мастаки, қашқарбеда, ток ўрмовичлари, бобуна ва хушбўй ёғлардан тайёрланган қуюқ суртма фойда қилади. Марҳамлардан мана шу таркибдаги марҳам [ишлатилади]: марказит, сариқ гугурт, табиий сода ва қаврак елимининг ҳар бирдан бир бўлак, зирадан иккию учдан икки бўлак олиб мум, сақич ва шароб билан қўшиб, қоринга қўйилади. Яна қундуз қири марҳами, эрман марҳами, бизнинг гулсапсар илдизидан тайёрлайдиган марҳамимиз, *фарфиюн* марҳами, Абу Жаҳл тарвузининг марҳами, тол қўшиб тайёрланган марҳам, дафна мевасининг марҳами, [маълум] уруғлардан қилинадиган марҳам ва *булунхинос* марҳами [ишлатилади].

Сепиладиган дорилардан табиий сода ва туз ишлатилади, буларни қовуриб қоринга, айниқса унга ёввойи бодринг ва рум сунбули ёғи каби иссиқ ёғ сургандан кейин сепилади.

Гоҳо бундай касалларга сурганда қизартирадиган дорилар буюрилади. Баъзан уларнинг қўл-оёқларига ингичка хипчин билан урилади, менинг фикримча, бу — яхши эмас. Баъзан касалнинг белига ва унинг яқинига қорамол пуфагини пуфлаб осиб қўйилади, лекин мен бундан катта фойда келиб чиқишини билмайман. Қорин деворини ёришга келсак, билгинки, бу камдан-кам фойда қилади, лекин бадани жуда кучли, ёргандан

кейин мўтадил бадангарбияга, ташналикка, овқатни оз ейишга кучи етадиган кишига [фойда қилиши мумкин]. Бундан бошқа усулда даволаш мумкин бўлар экан, ёришга ҳаракат қилмаслик керак. Тўғриси, ёрганда сувни бир йўла чиқариб юбормасдан, оз-оздан чиқариш керак, бўлмаса, руҳ бир йўла чиқиб кетиб, қувват тушади. Кучсиз кишига ҳам бу тадбир қўлланилмайди. Ёришнинг тартиби шундай: Антилуснинг буюришича, касални кучи етса, тикка турғизиб ёки тўғри ўтқазиб қўйилади, кейин хизматчилар касалнинг қовурғаларини уқалаб, [сувни] киндик тагига ҳайдайдилар, кейин [табиб] ёради; агар касал кўтара олмайдиган бўлса, ёрилмайди. Агар ёришни лозим топсанг ва истисқо ичакдан бошланган бўлса, киндик тагидан жипслашиб турган уч бармоқ масофасида ёрилади. Агар [истисқо] жигардан бошланган бўлса, киндикнинг чап томонидан ёрилади, агар у талоқдан бўлса, киндикнинг ўнг томонидан ёрилади. Қорин юпқа пардаси йиртилмаслиги учун эҳтиётлик билан ёрилади, балки қорин девори ёрилган жойнинг пастида қорин юпқа пардаси ажрати-либ, сўнгра уни кичкина қилиб тешилади, шунда қорин деворининг тешиги қорин юпқа пардасининг тешигидан юқорироқда бўлади ва най [тортиб] чиқарилгач, [икки ўртадаги] тешик бекилади ва иккала тешикнинг турли жойда бўлиши сабабли сув тўхтайдди. Сўнгра тешикка мис най киргизилади, истисқо суви бир миқдор олингач, касални чалқанча ётқизилади; шунда унинг томир уришига қараб турилади, агар [томир уриши] озгина кучсизланса, сув олишни тўхтатилади. Сув охиригача чиқарилганда ҳам, ундан сурги дорилар чиқара оладиган миқдорда бир оз қолади. Гоҳо тешиб сув олингандан кейин юқорида айтиб ўтилгандек қилиб доғланади. Гоҳо меъда, жигар, талоқ ва киндик тагини ингичка доғ қуроллари билан доғланади.

Баъзан нозик тадбир қўллаб, сувни мояк халтасига тортилади ва халтани тешиб, сувни оз-оздан олинади. Бу тадбир яхши ва фойдали тадбирдир, [сувни мояк халтасига тушириш] аксиртириш билан ва сув моддасини қуйига тортувчи ҳар бир дори билан бўлади. Бунда даббалик келиб чиқмаслиги учун эҳтиёт бўлиш ва бошқа бирор зарар келтирмайдиган нарсаларни ишлатиш лозим. Баъзан сувли даббада кўп нина санчилади, шунда сувнинг сизиб чиқиши учун анча йўл очилади. Баъзан тешиб сув оқизилгандан кейин ич бураб оғриш пайдо бўлади. Шунда оғриган жойга ҳамда тешилган

жойга укроп ёғи, бобуна ёғи ва юмшатувчи ёғларни қўйилади, шунингдек сариқ йўнғичқа, зиғир, гулхайри уруғи ва шунга ўхшаш нарсалардан ишланган қуюқ суртма қўйилади. Баъзан тешилган жойга иссиқ сув ва ёғ қўйиш билан чекланилади. Оғриқ тўхталса, [дори-ни] олинади.

Бундай [касалларда] жузий бўшатиш учун ишлатиладиган дориларга келсак, уларнинг баъзиларини [келгуси] бобларда баён қиламиз. Сув моддасини сурувчи дориларни [содда дорилар] жадвалларида айтиб ўтдик, уларнинг энг кучлиси сутли ўсимликларнинг сути ва танасидир. Буларнинг зарарини синдирувчи нарсанинг энг яхшиси **сирка, беҳи, олма, анор дони, айниқса ичига беҳи** ва шуңга ўхшаш нарса солиб ишланган сирка, ёки ўша мевалар қайнатилган, ёки бир қанча кун ичига ташлаб қўйилган, ёки устига беҳи ва шунга ўхшаш нарсанинг шираси сепилган [сирка]дир. Ёлимли сутўт ва шунга ўхшашларнинг сути каби ўсимлик сутларини қориштирадиган нарсалардан бири шиннидир; шу сутни шинни билан қориб ҳаб дори қилинади. *Сиканжубин* шиннидан яхшироқ, бунинг бир *уқиясига* елимли сутўт сутидан, айниқса *фаровий* ва *фушанжий* тарёки тайёрланадиган ўсимликниқидан бир *донақ* қўшилади, бу [ўсимлик] *лоғия* бўлса керак.

Фарфиюн шундай дорики, ундан икки *дирҳамни* чала пиширилган тухумнинг сариғи билан ичирилади, бунда катта хавотирлик бўлса ҳам, унинг кучли кишиларга фойда қилгани бир неча марта кўрилди. Қўйдирилган мис, мис тўполи айниқса унинг нон мағзи билан қориб ҳаб дори қилингани, шунингдек *мандарон* деб аталадиган қуруқ ўт, ёввойи бодринг шираси, Абу Жаҳл тарвузининг эти ивитиб қўйилган шароб [ҳам фойдали]. Мозариюн яттуълардан бўлиб, у ҳам бу жиҳатдан кучли доридир; буни сиркада ивитиб зарар етказмайдиган қилинади; гоҳо [мозариюн] сиркасидан *сиканжубин* қилинади. Гоҳо икки *дирҳамгача* қаврак елимини асал суви билан ичирилади.

Мўътадилликка яқин дорилардан Эрон қаврағи, гулсапсар илдизи, қичитқийўт уруғининг пўсти ажратилиб, асал билан қорилгани ва турп баргининг сувини кўрсатиш мумкин. Булардан кўра бехавотирроқ ва кучсизроқлари *ушшар* шакари қўшилган ярим *ритл* сариқбош суви, пақ-пақ сути, ичига гулсапсар илдизини солиб қуввати ўтказилган пишлоқ суви, мис тўполи, мозариюн ва шунга ўхшашлардан иборатдир. Пишлоқ

сувидан қилинадиган фойдали дорининг таркиби: [пишлоқ сувининг] бир *ритлига* бир *дирҳам андарон* тузи ва беш *дирҳам* янчилган турбуд қўшиб секин қайнатилади ва кўпиги олиб тинитилади; бошлаб учдан бир *ритл* ичирилади ва оз-оз кўпайтириб, бир *ритлгача* берилади. Бу [тадбир] беморни қиздириб юбормасдан истисқо сувини чиқаради. Пишлоқ сувининг энг яхшиси гуя сутидан олинадигани бўлиб, энг совуғи ва иссиқ мизожлилари учун яхшироғи эса, эчки ва эшак сутидан олинадиганидир.

Шу дориларга яқин келадиган ва иссиқ истисқода фойда қиладиган дорилардан бири мана бу; беҳини гўғраб уч кун сиркада ивтилади, кейин ўз вазнича янги мозариюн билан қўшиб, аралашгунича яхшилаб, кейин қайнатиб асалдек қуюлтириб, ҳаммасини аралаштирилади. *Ушшар* шакари қўшиб мозариюн уруғидан тайёрланадиган ҳаб дорилар ҳам шу дориларга яқин келади, булар иссиқ [истисқода] ишлатиш ҳам хавф-хатарсиз бўлган [дорилардан] саналади.

Маъжун дорилардан *калқалонаж* ва «Қарободин» даги бизнинг темир чиқиндиси ва мозариюн билан тайёрлайдиган маъжунимиз, шунингдек, айрим кишиларнинг мана шу таркибдаги маъжуни [ишлатилади]: сачратқи уруғи ва зарпечак уруғи ўн [*дирҳамдан*], қоқигулнинг қуритилган ширасидан йигирма *дирҳам*, зирк ширасидан ўн беш *дирҳам*, ювилган *лакк* ва ровоч илдининг ҳар биридан беш *дирҳам*, эрман ширасидан етти *дирҳам*, ёввойи бодринг шираси ва Абу Жаҳл тарвузи [шираси]дан беш *дирҳамдан*, дарахт пўкагидан етти *дирҳам* олинади; шуларни гулоб билан қориб сабзавот суви билан ичилади. Бу яхши доридир, уни қадимги табиблардан биттаси айтиб ўтган бўлса ҳам кейинги табиблардан баъзиси уни ўзига нисбат беради. Бу дори *калқалонаждан* кўра хавфсизроқ бўлиб, бунда кучайтириш ва кучли сургилик хоссаси бор.

Шарбатлардан бизнинг гулсапсар илдизидан тайёрлайдиган шарбатимиз ва мана шу таркибдаги шарбат [фойдали]: куйдирилган мисдан бир *мисқол* олиб яхшилаб янчилади, яна каптар тезагидан бир *мисқол*, шунинг учдан бирича газгаўт шохчалари олинади, шунингдек хамирга ишлатиладиган туздан бир озгина олиб, шароб билан ичилади.

Ҳаб дорилардан Филағриюс ҳаб дориси ичилади; унинг таркиби: мис тўполи, мозариюн барги, рум арпабодиенининг ҳар биридан бир бўлак олинади, шу тар-

кибдан ҳаб тайёрлаб кучли касалга бир *мисқолдан*, кучсизига эса бир *дирҳамдан* ичирилади. Шунга ўхшаш *Ашъиё* ҳаб дориси, Баҳром ҳаб дориси, беш [дори] ҳаби, Эрон қаврагидан қилинадиган ҳаб, мозариюн ҳаб дориси, ровоч илдизининг ҳаб дориси, — «гўшт истисқосида» жуда фойдали бўлганидек, бу мозариюн ҳаб дориси «мешсимон» истисқода жуда фойда беради, яна муқл ҳаб дориси, елимли сутўт ҳаб дориси, биз «Қарободин»да айтган ҳаб дорилар ва шу таркибдаги ҳаб ичирилади: елимли сутўт, эрман шираси, сунбул ва турбуднинг ҳар биридан бир *донақ*, дарахт пўкаги ва гулнинг ҳар биридан ярим *дирҳам* олиб итузум суви билан ҳаб қилиб ичилади. Яна яхши ҳаб дори: мис тўполи, ер бағирлаб ўсувчи санавбар ва рум арпабодиёнидан баробар бўлақларни олинадиди ва ҳаб дори қилиб бир *дирахмийдан* бошлаб ичилади, кейин кўпайтира борилади.

Кулча дорилардан ровоч илдизининг катта кулчаси, уруғлар билан тайёрланган мозариюн кулчалари ва мозариюннинг бошқа таркибдаги машҳур кулчалари [ишлатилади].

Ҳаммомларга келсак, [истисқога учраган кишиларга] ҳўл [сувли] ҳаммом ёқмайди, уларга қуруғи яхши бўлади, қуруқ ҳаммомнинг энг яхшиси, айниқса «гўшт истисқоси»га учраган киши учун, кириб ўтира оладиган даражада иситилган тандирдир. Бемор ҳаммомга кирганда бошини сиртга — совуқ ҳавога чиқариб туради, шунда совуқ ҳаво юрак ва ўпка томонига бориб юракни совутади, ташналик зўр бўлмайди, баданидан фойдали кўп тер чиқади. Агар ҳаммом ҳўл бўлса, бурақли, олтингургуртли ва қуритувчи аччиқтошли машҳур иссиқ булоқларнинг сувлари касалликнинг охирида, айниқса, гўшт истисқосига учраган кишига жуда фойда қилади. Беморнинг [бундай сувларга] бир кунда бир неча марта тушиши, агар қуввати кетмаса ва уларга кун бўйи тушиб туриши мумкин бўлса, шундай қилиш керак. Илитилган ва иситилган денгиз суви ҳам шунга ўхшаш [фойдали сувлардан] саналади. Совуқ сув ва унда сузишга келсак, бу даволашнинг охирида жуда мувофиқ келади. Иссиқ булоқ сувининг яхшиликларидан бири шуки, бунда ҳаммомда бўлмаган совуқ [ҳаво билан] нафас олиш мумкин бўлади. Агар булоқ суви топилмаса, ширин сувга дорилар қўшиб ва унда бурақ, олтингургурт, ишқор, хардал, оҳак ва шуларга ўхшаш бошқа маълум нарсаларни қайнатиб ишлатилса, кўп зарар

бўлмайди. Бундай сувлар «мешсимон» ҳамда «ноғора-симон» истисқо билан касал бўлган кишининг қорнигагина тегиб туриши, «гўшт истисқосига» учраган кишининг эса бутун баданига тегиши керак.

Иссиқ истисқога келсак, бу истисқо ё иссиқ шишдан кейин, ёки [жигардаги] ўзгартирувчи қувватнинг кучсизлиги сабабли шишсиз иссиқ мизождан кейин пайдо бўлади. Сийдикнинг қизиллиги бу турдаги истисқога ҳеч бир далил бўлмайди. Гоҳо сийдик озлиги сабабли ҳам қизаради, аксинча бундай аҳволда бошқа ишончли далилларга қаралади, сўнгра даволанади.

Сабабни кучайтириб касалликни зўрайтирмаслик учун шу ҳар иккала ҳолда ҳам иссиқлик дорилардан сақланиш керак, бунда хавф-хатар зўр бўлади. Истисқо иссиқ дорилар билангина тузалади, — деювчи кишининг сўзига қаралмасин. Биз ўзимиз кўрдик ва биздан олдин ўтган [табибларнинг] тажрибасидан ҳам маълумки, кўпгина [истисқо] тузалади: биз ҳам биздан илгаригилар [каби] шишларни ўз дорилари билан даволадик, иссиқ мизожга эса совутувчи дори ишлатдик. Мен истисқо касали зўрайиб қийналаётган бир хотинни кўрдим, у хотин айтиб бўлмайдиган даражада кўп анор еб соғайди; у ўз иштаҳасига биноан шу тадбирни қўллаган эди. Шундай бўлса ҳам, йиғилган сувни ҳам кўзда тутиш керак, чунки фақатгина иситмага аҳамият берсанг, хавотирлик иш бўлади, агар фақатгина сув йиғилишини назарда тутсанг ҳам хато қилган бўласан. Шунинг учун эҳтиётлик билан иккала томон тадбирини кўзлаб мўътадил дориларни ишлатиш ва кучли томонга қарши чора кўриш зарур.

Билгинки, сен шиш ва иситма бўлатуриб истисқони тузатишга уринсанг, бу мумкин бўлмайди. Шундай пайтда итузум суви, пақ-пақ суви, петрушка суви ва сариқбош сувини истеъмол қилиш тадбирини қўлла; шунингдек қоқигул, яъни ёввойи сачратқининг суви ҳам истеъмол қилинади. Шу сувларга *лакк*, заъфарон, ровоч илдизи ва сариқ ҳалиладан бир оз аралаштирилади. Зарур пайтларда мозариюндан тайёрланадиган ва бошқа хил юқорида айтиб ўтилган сурги дорилар ишлатилади. Иссиқ истисқо билан оғриган кишини даволаш ҳақида Жолинуснинг айтганларига ҳам эътибор бериш керак; унинг сўзини ўз ибороти билан ёзаман. Жолинус айтади: «Қувватсиз кекса дўстимизнинг ҳарорати «мешсимон» истисқо касалига қарши ишлатган тадбирим [мана шу]: эчки боласининг гўштини қовуриб ейишга,

каклик, дала каклиги ва шунга ўхшаш қушларнинг, гўштини ейишга, кепакли нон, қарис, масус, хулом [яхна овқатларини] ейишга, сирка билан ясиқни ясиқ сариқ оши қилиб ейишга буюрдим. Беморнинг қуввати-ни сақлаш учун кўп ейишга рухсат бердим, шўрваларига ҳеч бир рухсат бермадим, лекин дори ичирадиган кунимда доридан олдин ва кейин дориворлар қўшилган шўрва ичишга рухсат бердим, бу уни кўп ташна қилмас эди; [ўша овқатларни] ўртача ўткирликдаги сирка билан истеъмол қилишга буюрдим. Қуйидаги қайнатма билан сурги қилдирдим: етти *дирҳам* сариқ ҳалила, тўрт *дирҳам* шоҳтара, эрманнинг қуруқ чўпидан икки *дирҳам*, *Ғофит*нинг қуруқ чўпидан икки *дирҳам*, ҳўл сачратқидан бир боғ, икки *дирҳам* хушбўй сунбул, сачратқи уруғидан икки *дирҳам* ва икки *дирҳам* гулни уч *ритл* сув билан бир *ритл* қолгунича қайнатилади, бунга ўн *дирҳам* шакар қўшиб ичилади. Яна шу ҳаб дорини [ичирдим]: елимли сутўтнинг сутини ўзи баробар шакар билан қуюлтириб овқатдан олдин бериб турдим. Баъзан ўша сутни анжир гўшти билан қуюлтириб, шундан икки ёки уч нўхат миқдорида берар эдим, бундан кейин ғўра ва ровочнинг қайнатиб қуюлтирилган ширасини ичирардим. Унинг жигарига совуқ қуюқ суртмалар, шунингдек санавбар донаси ва сиркада ивитилган мозарийонни қўйиб боғладим. Қоринга суртиладиган дорилардан арман лойини сирка ва сув билан [ишлатдим], яна арпа ва қўноқ уни, қорамол тезаги, эчки тезаги, дуб ва ток ёғочининг кулини, баъзи вақтларда эса бурақ, олтингугуртни [ишлатдим], шуларнинг ҳаммасини сирка билан сурттирар эдим. Ҳатто жигарига сандал қўшилган қуюқ суртмани ҳам қўйиб боғлар эдим, баъзан сандаллик қуюқ суртмани жигарига ва тарқатувчи қуюқ суртмаларни эса киндик ва қоринга қўяр эдим. Гоҳо мозарийон ивитилган гул шарбати билан ҳам сурги қилдирдим, бир гал шу шарбатга елимли сутўт сутини солиб ҳам ичирдим. Мевалардан анжир қоқиси, бодом ва шакарни ейишга рухсат этдим. Ташналикка чидашга буюрдим, агар ташналик ҳаддан ташқари кучайиб кетса, сувга сирка қўшиб ичирдим. Мен яна мозарийон баргини янчиб элаб, анжир асали билан қориб овқатдан олдин ва кейин берар эдим. Умуман бир кун бўлса ҳам унинг ичини келмай қолишга қўймадим». [Жолинуслик] айтганлари ана шулар.

Истисқо билан оғриганларнинг овқатларига келсак, улар бир кунда бир маҳал ва оз миқдорда ейишлари

керак. Агар буғдой нон емаслик мумкин бўлса, емасин, чунки у ёпишқоқ бўлиб, тиқилма пайдо қилади. Маълум уруғлар қўшилган арпа нони билан чеклансин; агар буғдой нон емасликнинг иложи бўлмаса, тандирга ёпилган ва моғорламаслиги учун сингитиб пиширилган кепакли нон ёйиши керак; уни ёпишмайдиган буғдойдан қилиш керак, айрим кишилар унга нўхат унини ҳам қўшадилар; уларнинг ишлатадиган ёғлари хом зайтун ёғи бўлиши керак. Уларни доривор ва хушбўй нарсалар қўшилган, зайтун ёғи қўшилган сирка билан ҳам овқатлантириш керак, чунки бу овқат уларга ёқади. Товуқ шўрваси улар учун фойдали: у сийдикни ҳайдайди ва жигарни тuzатади; христианларнинг зайтун, сабзи ва саримсоқдан тайёрлайдиган овқатлари ҳам фойдали.

Ундай касалларга нўхат суви, тўрғай шўрваси, қари хўроз ва товуқ шўрваси ичирилади; айниқса уларга моҳудона чўпи солинган бўлиши керак. Кўпинча, ейдиган гўштлари тустовуқ, каклик, мусича, ғуррак, тўрғай каби гўшти енгил қушларнинг гўшти, шунингдек лойхўрак гўшти, кийик, эчки болаларининг гўшти ҳамда латифлаштирувчи ва парчаловчи дориворлар қўшилган майда балиқлардан иборат бўлиши керак. *Афъо* илонининг тузи ҳам улар учун жуда фойдали, лекин у баъзан ҳаддан ташқари ташна қилади. Улар ейдиган сабзавотлар петрушка, лавлаги, кўктикан, сачратқи, шоҳтара, озгина рум исмалоғи, гандано, газাগўт, қоразира барги, ялпиз, саримсоқ, ковул ва хардалдан иборат бўлиши керак. Уларга, айниқса ноғорасимон истисқо билан оғриганларга донли овқатларнинг ҳаммаси ҳам зарар қилади. Мағзлардан улар учун фойдаликлари pista, фундуқ ва аччиқ бодомдир. Баъзан [тадбир] енгиллатилган вақтда хурмо ва майиз ёйишга рухсат берилади. Ширин анордан ташқари ҳеч қандай ҳўл мева ёйишга рухсат берилмайди.

Шаробга келсак, иссиқ истисқо билан оғриган кишига уни яқинлатилмасин, совуқ истисқо билан оғриган киши эса фақат суюқ эски шаробдан озгина ичиши, лекин наҳорга ва овқат устига ичмасдан, бир оз вақтдан кейин, яъни овқатнинг меъдадан тушгани билинганида ичиши керак.

Ҳуқна дори ва шамчаларга келсак, Эрон қавраги, гулсапсар илдизи ва шунга ўхшаш нарсалар қўшилган ва сув моддасини чиқарувчи сувлар билан ҳуқна қилинади. Сувни яхшигина бўшатувчи шамчанинг таркиби: эллик дона қичитқийўт уруғи, ўттиз дона моҳудона, етти

қирот дарахт пўкаги ва ундан икки *дирахмий* мис тўполидан олинади; шу таркибни нон мағзи билан аралаштириб шамча қилинади, олти ёки тўққиз *қиротдан* тотилади.

Сийдикни ҳайдовчи дориларга келсак, уларнинг ҳаммаси ҳам истисқога учраганларга фойда қилади. Улар учун сийдикни ҳайдайдиган фойдали дори мана бу: тўққиз *қирот* қичитқийт уруғи, шунча қора харбақ, икки *дирахмий* пақ-пақ ва бир *дирахмий* ҳинд сунбулини олиб аралаштирилади ва ҳар гал шундан бир *мисқолни* хушбўйликлар қўшилган шароб билан ичиб турилади. Сийдикни ҳайдайдиган бошқа дори: бальзам дарахтининг чўплари, сунбул, Цейлон дорчини, зира, гулсапсар илдизи, далачай, қора чайир гули, чаёнут, қуст, амом, *самарнишон*, — бу ёввойи петрушканинг бир тури, — *футросолиюн*, — бу тоғ петрушкасининг уруғи, — хушбўй қамиш, мурч, пақ-пақ, анжудон, — бу рум сассиқ қавраги, — шуларнинг ҳар биридан бир *дирахмий* олиб аралаштирилади ва икки *дирахмийдан* ичиб турилади.

«ГҶШТ ИСТИСҚОСИ»НИ ДАВОЛАШ

[Бошқа истисқода қўлланадиган] умумий даволаш қондалари «гўшт истисқоси»да ҳам фойдалидир. Шу билан бирга «мешсимон» истисқо бобида ҳам гўшт истисқосини даволаш тадбирларига ишорат қилдик. Гоҳо бу касалликнинг сабаби ҳайз ёки бавосир қонининг тўхталиб қолганлиги бўлиб, беморда [қонга] тўлиқлик белгилари бўлса, томирдан қон олишга эҳтиёж тушади; шу пайтда қон олиш бўғиб сўндирувчи [моддани] кетказади. «Гўшт истисқоси»да қон олиш мешсимон истисқодагидан кўра муносиброқдир. Агар «гўшт истисқоси»да иситма бўлса, иситма кетмагунича сурги дори бериш ва томирдан қон олиш мумкин эмас. Елимли сутўт кулчаларини «мешсимон» истисқо бобида биз тушунтирган йўсинда ичиш истисқонинг бошқа турларидан кўра, «гўшт истисқоси»да жуда фойда беради. Бунда касаллар учун ичининг равон бўлиши жуда яхши, шунинг учун уни тўхтатиш керак эмас, балки мўътадил дори билан бўлса ҳам ични доимо равон қилиб туриш лозим. Қусиш ва мияни тозалайдиган ғарғара дорилари ҳам фойда қилади. Сурги ҳам фойда қилади, энг яхши сурги ровоч илдизининг ҳаб дориси билан бўладиган сургидир.

Истисқога, айниқса «гўшт истисқоси»га махсус бадантарбия бор: олдин чалқанча ётилади, сўнгра мумкин бўлса, уловга мирилади, кейин қумли юмшоқ ерда оз-оз яёв юрилади: шунда [касал] билан бирга унинг терларини артиб турувчи бир киши бўлади, токи тер томчилари бир-бири билан қўшилиб тиқилмалар пайдо қилмасин. Бадантарбиядан кейин [бемор ўзини] иссиққа, айниқса қуёш иссиғига тутади, чунки [қуёш иссиғи] чуқур боради, агар қуёш иссиғи кучли бўлса, бирон мия касаллиги юз бермаслиги учун [касалнинг] бошини беркитилади, бошқа аъзолари эса очиқ қолади; агар топилса, қумда ётиш керак, унга юқорида эслатиб ўтилган сепиладиган дорилар қўшилади; тер чиқса, уни артиб олинади ва [баданни] ёввойи бодринг ёғи ва шунга ўхшаш ёғ билан ёғлайди. Совуқ шамол тегишидан сақланиш керак. *Лакк* дориси, *куркум* дориси ва калкалонажни ичиш, шунингдек айтиб ўтилган сийдик ҳайдовчи дориларни, суюлтириб қуритувчи сурги дориларни истеъмол қилиш керак. Арча уруғи қўшилган *гофит* кулчалари ҳам ўшандай [дорилардан] саналади; бу кулчаларни илдизлар [қайнатилган] сув билан, агар ҳарорат бўлса, ўсимликлар уруғи қўшилган *сиканжубин* билан ичилади.

«Мешсимон» истисқодаги содда дориларнинг ҳаммаси [«гўшт истисқоси»да] ҳам фойда қилади, ҳатто Эрон қаврағи, қуст, мозариюн ва *фарфиюн* ҳам шундай. Арча бужурининг ёлғиз ўзи сувни қизартирадиган миқдорда қайнатилса ҳам шу қайнатма жуда фойда беради, сўнгра уч *дирҳам* арча уруғини олиб ўша қайнатма билан ичилади. Жувона, зира ва тош тузни ҳам шундай ичилади. Иссиқ сабабдан бўлган «гўшт истисқоси»да ёмон сариқ сувни чиқариш учун томирдан қон олиш ва сийдикни ҳайдатиш керак. Томирлар тозалангач, жигарни алангаланишдан табиий мизожга қайтарадиган дорилар билан унинг мизожини тузатилади. Совуқ ва иссиқ «гўшт истисқоси»да касалга худди совуқ ва иссиқ «мешсимон» истисқодаги каби овқат берилади ва уни ташналикка чидашга буюрилади.

«НОҒАРАСИМОН» ИСТИСҚОНИ ДАВОЛАШ

Буни даволаш усули шуки, агар суюқ хилт тўхталиб, касалликка сабаб бўлаётган бўлса, уни бўшаттирилади. Баъзан «мешсимон» истисқодаги каби сув моддасини

чиқаришга ҳамда [қоринни] тешишга эҳтиёж тушади. Агар сабаб меъданинг кучсизлиги бўлса, уни кучайтириш, ёки жигар мизожини суриладиган ва бошқа хил дорилар билан мўътадил қилиш лозим бўлади, шунда жигар ҳаддан ташқари кўп буғ пайдо қилавермайди. Бу [истисқода] томирдан қон олинмайди, олинса ҳам камдан-кам олинади, балки ични бир оз равон қилиш яхшироқ бўлади, шунда ҳам сурги дориларни кўп ишлатмаслик керак. Шунга ўхшаш сийдикни ҳайдайдиган дорилар ишлатилади, лекин уларни ҳаддан ташқари кўп ишлатмаслик керак, чунки [сурги ва сийдикни ҳайдовчи дориларни] ҳаддан ташқари кўп ишлатиш кўп буғ пайдо бўлишига сабаб бўлади. Сўнгра кекиртирадиган ва елни тарқатадиган дорилар ҳам истеъмол қилинади. Қунда бир неча марта касалнинг қорнини силаб сурилади; агар фойда қилса, [қорнига] тариқ ва кепак қиздириб [боғланади].

Шунингдек, ичиладиган ҳаб дорилар ва кўтариладиган дорилар [ишлатилади]. Баъзан қоринга бўш қортиқларни бир неча марта қўйишга эҳтиёж тушади. Дон [овқатлар], сабзавотлар, сут ва ҳўл мевалардан парҳез қилиш керак. Агар «ноғорасимон» истисқо бузилган иссиқ мизождан бўлса, арпабодиён, петрушка, қашқарбеда, бобуна ва темиртикан сувларини ичириш керак, агар у бузилган совуқ мизождан бўлса зира, рум арпабодиёни, қундуз қири, жувона ичириш ва доимо зира ва кундур елимини чайнатиш керак.

[Бундай касалга] седана қўшиб тайёрланган игир маъжун дориси фойда қилади, бунинг таркиби «Қарободин»да айтилган. Яна *қаморий* баргини доимо чайнаб юрилса ҳам фойда қилади; шунингдек тўпалоқ ва ёввойи сабзи уруғидан икки *дирҳамдан* ҳамда жувона, арча уруғи, зира ва тош тузни ҳам [чайналади]. Кўтариладиган дорилар: зира, бурақ ва газাগўт баргини олиб шамча тайёрланади ва касалнинг қувватига ва вақтга қараб ишлатилади. Ҳуқна дорилардан фақатгина газাগўтнинг ёғи ёки унинг елни тарқатувчи уруғлар билан қўшилгани, шунингдек петрушка ёғи, дорчин ёғи ҳамда елни тарқатувчи уруғлар қайнатилган сув ишлатилади.

САРИҚ ВА ҚОРАСАРИҚ

Сариқ касаллиги бадан рангининг хунук суратда сарғайиб ёки қорайиб ўзгаришидан иборатдир; бунга

сарикъ ёки қора хилтнинг сасимасдан терига ва тери остига оқиб бориши сабаб бўлади; агар сарикъ [хилт] сасиб борса, уч кунлик иситма, қора хилт сасиб борса, тўрт кунлик иситма пайдо бўлади. Сарикъ касаллигининг сабаби, кўпинча, жигар ва ўт қопчаси томонидан бўлади, қорасариқники эса талоқдан ва гоҳо жигардан ҳам бўлади. Гоҳо сарикъ ва қорасариқ касалликларининг иккаласида ҳам баданга умумий бўлган мизож сабаб бўлади.

Энди сарикъ касаллиги ҳақида сўз бошлаб айтамикки, сарикъ касаллиги ё сафронинг кўп туғилишидан, ёки уни чиқариш мумкин эмаслигидан бўлади; сафронинг кўп туғилишига эса уни туғдирувчи аъзо ёки у пайдо бўладиган модда сабаб бўлади; ёки унинг сабаби [бадандан] ташқарида бўлади.

Сафро табиий пайдо бўладиган аъзо жигардир. Бирон қиздирувчи сабаб, шунингдек жигар ва ўт йўлларидаги шишлар сабабли, ўт қопига ўтқиқмайдиган тиқилмалар сабабли ва ўт қопи мизожининг иссиқ бўлиб жуда қиздириши сабабли жигар жуда қизиса, ўз жойида билганингга кўра, [жигар] сафрони [кўп] ишлаб чиқаради. Сафро пайдо қилиши табиий бўлмаган [жой] эса бутун бадандир, бадан ҳаддан ташқари қизиса, ўзидаги қонни сафрога айлантиради. [Сафро туғдирадиган] модда овқатлар бўлади. Агар [модда] ё мизожнинг иссиқлиги сабабли, ёки меъдадаги сут каби тезда иссиқ [мизожга] айланиши сабабли сафро туғдирадиган жинсдан бўлса, сафрони кўп миқдорда туғдиради.

Ташқи сабабларга келсак, улар, масалан [баданни] сиртдан ўраб олувчи ёки бирор сабаб билан унга тарқалувчи иссиқликдан иборат; чаён, илон, ёмон ёки бургут бити дейиладиган бит чақса [шундай бўлади]. Гоҳо ичилган дорилар, масалан, қоплон ва *афзо* илонининг ўти ҳам, агар ўлдирмайдиган даражада ичилса, шундай таъсир қилади. Заҳар [ичишдан бўладиган] сарикъ касаллиги тўсатдан юз беради.

Сафронинг кўплигидан бўладиган сарикъ касаллигида гоҳо сафро қонга жуда ғолиблиги сабабли, [баданга] ўз-ўзидан, гоҳо табиатнинг ҳайдаши билан тарқалади; кейингиси бухронда бўладиган сарикъ касаллигидир. Баъзан шундай кўп [сафро] бирдан туғилади; гоҳо терининг қалинлиги ёки сафро моддасининг қуюқлиги сабабли туғилаётган сафронинг тарқалмаслиги натижасида у оз-оз ва кунлар оша кўпаяди. Шимол шамол

лари қўзғалганда ва шунингдек қаҳратон қишда, одатдаги тер чиқмай тўхталиб қолганда, юқоридаги икки сабабга биноан сариқ касаллиги кўпаяди. Сафро гоҳо жигарда ва гоҳо билиб ўтилганидек, бутун баданда кўп туғилади. Баъзан иссиқ шишлар сабабли, улар қаерда бўлса ҳам, [сариқ касаллиги] пайдо бўлади, чунки иссиқ шишлар мизожни иссиққа айлантириб сафрони кўп туғдиради. Шундай қилиб, [жигар] яқинида иссиқ шишлар пайдо бўлиб, унинг мизожини ўзгартиргани сабабли ҳам сариқ касаллиги пайдо бўлади; лекин баъзан [сариқ касаллиги] тиқилма пайдо бўлиб, [сафронинг] бўшатилишига тўсқинлик қилиши натижа-сида ҳам пайдо бўлади. Совуқ шишлар қора ўтни кўпроқ пайдо қилади.

Сафро кўплигидан бўладиган [сариқ касаллиги] мана шундай бўлади.

[Сафронинг] бўшатилмаглиги сабабли бўладиган сариқ касаллигига келсак, бунда у ё жигар туфайли, ё ўт қопчаси туфайли, ёки ичак ва бошқа аъзолар туфайли бўшатилмайдди. Агар [сафро] жигардан бўшатилмаганда бунинг сабаби таъсир қилувчи [қувватда] ёки қурол аъзо [жигар]да бўлади. Таъсир қилувчи қувватдаги сабаб — ажратувчи ёки ҳайдовчи қувватнинг кучсизлиги, қурол аъзодаги сабаб эса, йўлнинг ёки жигар билан йўл орасининг тўсиллишидир. Жигарнинг иссиқ ва қаттиқ шишларидан туғиладиган [сариқ касаллиги] ҳам шунга ўхшашдир; жигарнинг чуқур томонига таъсир қилиб, йўлларини буриштирувчи совуқдан бўладиган, шунингдек қисилишдан ва тиқилмаларнинг бошқа сабабларидан бўладиган сариқ касаллиги ҳам шу хилдан саналади.

Билгинки, жигар ва ўт қопчаси [йўли]нинг қайси жойида бўлса ҳам тиқилма пайдо бўлиб, жигарда сафро тўхталса, жигар зарурий суратда одатдагидан иссиқроқ бўлиб қолади, ўт ҳам соғлом ҳолатда туғиладигандан кўра кўпроқ туғилади. Ўт қопчаси сабабли пайдо бўладиган сариқ касаллиги ё ўт қопчасининг жигардан [сафрони] тортишга кучсизлигидан бўлади, айниқса жигардаги ажратиш ва ҳайдаш қуввати ҳам кучсизлашганда шундай бўлади. Ёки ўт қопчасидаги тортувчи қувватнинг жуда кучлилигидан бўлади, бу қувват бир йўла кўп сафрони тортиб, ўт қопчасини тўлғизади, тўлғизиб ва тортиштириб турган ўтдан бошқаси ўт қопчасига сиғмайди, натижада ўт қопчасининг кучи кетиб [сафрони мутлақо] тортмай қўяди.

Ёки сариқ касаллиги ўт қопчасидан ичакларга томон борадиган йўлдаги тиқилмадан пайдо бўлади. Гоҳо шу тиқилма бир йўла [кўп] оқиб келган сафро билан ўт қопчасининг жуда тўлиб кетиши сабабли вужудга келади, [бир йўла кўп сафро оқиб келиши] унинг кўп-лаб туғилиши ёки жигардаги ҳайдаш қувватининг, ёки ўт қопидаги тортиш қувватининг кучлилигидан бўлади. Шунда ўт қопчаси йўлининг оғзи қамалиб қолган нарса билан бекилиб қолади, шу билан бирга [ҳайдовчи] қувват азият сабабли гоҳо кучсизланади. Гоҳо [шу тиқилма] бошқа бирон сабабга кўра ҳам вужудга келади.

Қуланж касаллигида бўладиган [сариққа] ёпишқоқ хилтнинг ўт қопчаси йўлига ёпишиб сафронинг ичакларга қуюлмай қолиши сабаб бўлади. Қуланж сабабли бўладиган сариқ касаллиги мана шундай [юз беради]. Гоҳо қуланж билан бирга сариқ касаллиги пайдо бўлса-да, унга сабаб қуланж бўлмайди, балки иккаласи ҳам битта сабабдан юз беради; шундайки, қуланж пайдо бўлишидан олдин ўт қопчасида ти қилма юз бериб, ўтнинг ичакларга қуюлиб, уларни ювишига тўсқинлик қилади. [Ўт] қамалиб қолгач, ичаклар ювилмайди, уларда [зарарли] рутубат кўпайиб қуланж касаллиги қўзғалади; шунда сафро баданга қайтиб сариқ касаллиги пайдо бўлади.

Жигардан ўт қопчасига томон ёки ўт қопчасидан ичакларга томон бўлган йўлда эт ўсишидан, ёки ўсмадан вужудга келган ҳар бир тиқилманинг тузалишини умид қилиб бўлмайди. Ичаклардан бўладиган сариқ касаллигига келсак, у бир гуруҳ [табиблар]нинг гумон қилишича, шундай бўлади: ичакларга, айниқса *қулу* ичагига кўп сафро қуюлиб йиғилади ва тўсқинлик қилувчи бирон сабабга кўра, у жойдан чиқолмайди. Натижада, ўт қопчасидаги ўт йўл очиқ бўлса ҳам бўшаладиган жой тополмайди. Бу хил [сариқ касаллиги] жуда кам учрайди ва ҳатто бўлмаса ҳам керак, чунки ичакда ўт кўпайса, ўзини-ўзи ва бошқа чиқиндиларни ҳам чиқариб ташлайди, лекин ичакнинг сезгиси йўқ бўлиб, ҳайдовчи қувват пасайса [чиқаролмайди].

Талоқ туфайли бўладиган қорасариқ касаллигини унинг келиб чиқиш сабаблари жиҳатидан ўт қопчасидан пайдо бўладиган сариқ касаллигига тенглаштиради. Чунки у иккала йўлда бўладиган тиқилмалар сабабли ва баъзи қувватларнинг кучсизлиги ва бошқаларининг кучлилиги сабабли пайдо бўлади. Жигар сабабли бўладиган қорасариқ касаллиги гоҳо жигарнинг жуда

иссиқлигидан бўлади, чунки шунда қон куйиб, баданда савдо кўпаяди. Агар бунга талоқ ва [талоқдаги] йўллар ёрдам берса, иш тугал бўлади. Гошо [қорасариқ касаллиги] жигарнинг жуда совуқлигидан ҳам бўлади, чунки бунда қон лойқаланиб қораяди. Жигарнинг совуқлиги гоҳо қуруқлик ва гоҳо ҳўллик билан бирга бўлади. Гоҳо [бу касаллик] совуқ ва қаттиқ шишлар сабабли ҳам юз беради.

Бутун бадан сабабли бўладиган қорасариқ касаллиги ё баданнинг қонни куйдириб савдога айлантирадиган даражада жуда иссиқлигидан, ёки жуда совуқлигидан бўлади, совуқлик қонни қотириб савдога айлантиради. Бутун бадан сабабли бўладиган сариқ ва қорасариқ касаллиги баданга тарқалган томирлар орқали юз беради. Қоннинг бузилиб савдога айланиши қоннинг бузилиб «гўшт истисқоси» моддасига айланишига ўхшайди; [аммо] жигарда сезиларли бузилиш бўлмайди, томирлардагина бўлади. [Қорасариқ касаллигининг сабабини] ажратишинг мумкин: қорасариқ гоҳо [савдонинг] кўплигидан, гоҳо сариқ касаллигида айтилганидек [савдонинг] тўхталиб қолишидан юз беради. Гоҳо иккала хил сариқ касаллиги ҳам биргаликда пайдо бўлади, чунки баданга ёйилган сафро ва унга аралашган қон куйиб савдога айланади ва иккала хил бирикади ёки иккала томонга, яъни жигар ва ўт қопчаси томонига ҳамда талоқ томонига биргаликда зарар етгани бўлади.

Баъзи бир гуруҳ [табибларнинг] гумонича, сариқ касаллиги гоҳо тўсатдан пайдо бўлади, қорасариқ касаллиги эса, тўсатдан пайдо бўлмайди; улар яна: сафронинг туғилиш сабаби савдонинг туғилиш сабабидан кучлироқ, [шунинг учун] савдо оз-оздан туғилади, — дейдилар. Кўпинча, уларнинг айтганича бўлса ҳам, [доимо] шундай бўлавермайди. Гоҳо шундай [аҳвол] учрайдики, табиат тўсқинлик қилувчи бирор сабабга кўра, моддани ҳайдаб чиқариш учун йўл топмаса, қорасариқ касаллиги талоқ касалликлари ва шуларга ўхшаш касалликларнинг бухрони сифатида ҳам юз беради. Сариқ касаллигига учраган кишиларнинг кўпидан ич тўхталади, чунки [билиб ўтганинг] ичак деворларини қитиқловчи [сафро] тўхталиб қолган бўлади. Кишида сариқ касаллиги бўлиб, ўз ҳолига қўйилса, даволанмаса ва [касаллигининг] моддаси тарқалмаса, хавф-хатар туғилади. Кўпинча шундай кишилар тўсатдан ўладилар.

Жигар сабабли бўладиган сариқ касаллиги турларнинг ёмони шишдан пайдо бўладиганидир. Буқрот баён қилган сариқ касаллиги шу; у шундай дейди: «Сариқ касаллиги билан оғриган кишининг жигари қаттиқлашса, бу ҳол ёмонлик белгисидир». Яна Буқротга нисбат берилган айрим асарларда айтилишича, сариқ касаллигининг тезда ҳалок қиладиган ёмон бир тури бор. Бу билан оғриган кишининг сийдиги ёввойи ясмиққа ўхшаш қора-қизил бўлади, қорни санчиб оғрийди, иситма ва бир оз эт увушиш бўлади; касал бошининг қаттиқ айланишидан сўзлашга ҳам ожизлик қилади. Бу хил [сариқ касаллиги] ўн тўрт кун ичида ўлдиради.

САРИҚ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ

Билгинки, сариқ касаллигини даволашда икки нарса мақсад қилиб олинади; бири сариқликнинг ўзини терлатувчи ва юувчи дорилар, кўз учун бурунга юбориладиган дорилар, шунингдек сариқ касаллигини пайдо қилаётган моддани чиқарувчи сурги дорилар ёрдамида тери ва кўздан кетказишдир. Иккинчиси сабабни қирқишга қаратилган бўлиб, у мизожни тузатиш, ёки қувватни кучайтириш, ёпишишга қарши тадбир қилиш, ё тикилмаларни очиш, ё *бослиқ*, *усайлим* томирларидан, ёки айрим табибларнинг айтишича, тил тагидаги томирдан қон олиб, бўшатиш билан бўлади. Агар [қон олиш] мумкин бўлмаса, жигар турган жойнинг устига ўнг курак тагига ёки ўнг курак тагидаги бўшлиқ, яъни қовурға тагига қортиқ қўйилади. Ёки моддани бўшатмаса ҳам моддага ёрдам берувчи хилтни бўшатадиган сурги ишлатилади. Қусиш билан бўшатиш ҳар бир сариқ касаллигида ҳам фойдалидир. Заҳар зарарига қарши давога келсак, бунда сабабни кетказиш тадбирини олдин қўллаш муҳимроқдир, шунинг учун дастлаб шу билан машғул бўлиш зарур.

Ичилган ва ёйилган ёки булардан бошқа бирор сабабга кўра жигар, ё бадан, ёки ўт қопчасидаги иссиқ мизождан юз берган сариқ касаллигини даволаш [шундай бўлади]: агар қон ёки сафро тўлиқлиги бўлса, энг аввал уларни бўшатириш лозим. Қон тўлиқлиги бўлса, масалан, *бослиқ* томиридан қон олиб бўшатирилади; сафрони эса ҳалила ва шоҳтара билан, шунингдек қатиқ қўшиб *сақмуниё* ичиш билан, хулоса, сафрони сурувчи дорилар билан ҳамда ҳалила, шоҳтара ва шу кабилар қўшиб кучайтирилган пишлоқ сувла

ри билан бўшаттирилади. Моддани суриб сариқни ҳам кетказувчи дорилардан бири қуйидаги таркибдаги пишлоқ сувидир: эчки сутидан уч *ритл* олинади ва маҳсардан бир кафт [қисм] олиб янчиб, бир соат ўша сутда ивителиди, сўнгра сутни сузиб қуюлсин учун ўша кечаси қўйилади, сўнгра сутни пишлоқдан сузиб, зардобини олинади. Шу сувга озгина асал ёки шакар ва икки *дирҳам* ҳинд тузи қўшилади; агар шу таркибни кучайтирмоқчи бўлинса, унга бир *донақ сақмуниё* қўшилади. Шу пишлоқ сувидан касал кўтароладиган миқдорда уч кун ичирилади.

Мана шу таркибдаги дори ҳам моддани суриб сариқликни кетказувчи дорилардан саналади: турп баргининг сувидан бир *уқия хиёришанбардан* етти *дирҳам*, рум исмалоғининг уруғидан бир *донақ*, сарбдан бир *донақ* ва заъфарондан бир *донақ* олинади. Шу дори жигардаги ёки йўллардаги иссиқ шиш ва иситма билан бўлган сариқ касаллигида ҳам фойда беради. Бундай касалнинг овқати, жигар шишлари бобида билганингдек, арпа суви ва сабзавотлардан иборат бўлади; бу ҳақда сўз узайтиришнинг фойдаси йўқ. [Шиш моддасининг] етилганлиги билинганча, *сақмуниё*, сабр ва шунга ўхшаш нарсалар қўшилган зарпечак, сачратқи ва бошқа билиб ўтилган дориларнинг сувлари билан кучи синдирилган сурги дори ишлатишга журъат қилоласан. Хулоса, шиш кетмаса ва ҳол яхшиланмаса, сариқ касаллигини даволаш ҳақида ўйлама. Агар иситма бўлмаса ва қувват кучли бўлса, — бу эса шиш йўқлигининг белгиси бўлади, — сўнгра алангаланиш бўлса, касалга *масус* деб аталадиган овқатларни, балиқ, мол ва қўзичоқ гўшtlаридан тайёрланган *қарисни*; мева сувлари ва шираларини, айниқса наҳорга ширин ва нордон анор сувини, шунингдек мол гўшти ва балиқ гўштининг сикбожини ҳамда совуқлик сабзавотларнинг шираларини беришинг керак. Чунки буларнинг кўпчилиги овқатлардан бўлса ҳам, [сариқ касаллигида] фойда етказиб, мизожни тузатишда жуда кучли дорилар каби таъсир қилади. Шундай ҳолларда ишлатиладиган дорилардан бири мана бу: турп барги ва тутнинг сиқиб олинган сувидан бир хил миқдорда олинади; бундан ўттиз *дирҳам* вазнида ичилади, бу [дори] сариқ касаллигига қарши қаратилиши билан бирга ўт қопчасида алангаланиш бўлса ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Бундай касалларга эшак сути ҳам фойда қилади, уни озгина сирка билан қайнатиб ичирилади; ёки уларга эрман

ширасини совуқ сув билан қўшиб ичирилади. Гоҳо касалга етти кунгача патир нон ёки йирик қилиб янчилган туз ва кўп миқдорда сачратқи едириш ҳам фойда қилади: бу ўт қопчасини ювиб, унинг сасиганлигини кетказади ва ундаги нарсаларни қуюлтиради.

[Сариқ бўлганларни] шароб ичишга қўйилмайди, лекин сув аралаштирилган [шаробни ичиш мумкин]. Улар фақат енгил гўштлар ва қуш гўшtidан қилинган шўрвани истеъмол қилсинлар. Иссиқ сабабли сариқ касаллигига йўлиққан кишилар уйқусизлик, газабланиш, кўп ҳаракат қилиш ва ҳаммомга тушишдан сақланишлари керак. Ҳарорат бутун баданда бўлганда жигар ва ўт қопчасини совутсанг, айниқса, совуқлик ва рутубатли дорилар қайнатилган илиқ сув билан чўмилтирсанг, ҳамма томирларни совутган бўласан. Аммо билфеъл совуқ сув, шунингдек, буриштирувчи дориларнинг қуввати ўтказилган сув сариқ касаллигининг тарқалишига тўсқинлик қилади. Гоҳо жигар ва ўт қопчасининг иссиғига қарши қуюқ суртмалар ишлатилади, баъзан кулча дорилар ичирилади, бодринг уруғи, сачратқи уруғи, сутчўп уруғи, қовоқ уруғи, сандал ёғочи, табошир ва қизил гўлдан бир хил миқдорда олиб таркиб қилинган кулча дорилар шулар жумласидандир. Шу таркибнинг ҳар икки *дирҳамига* бир *қирот* кофур қўшилади ва кулча қилиб ичиб турилади.

Жигар устига ва унинг атрофига муз билан совутилган ширалар билан, шунингдек оқ ва қизил сандал ва кофур билан қуюқ суртма қилиб то совуқ ичга ўтгунча [олмаслик] фойдали ва синалган тадбирлардан ҳисобланади; бу [қуюқ суртма] сариқ касаллигини кетказиб, сийдикни ўша куннинг ўзидаёқ оқартиради. Сариқ касаллиги жигар ва ўт қопчасининг кучсизлигидан бўлса, уни жигар кучсизлиги бобида эслатилган тадбирлар билан даволанади, чунки ўт қопчасининг ўзини даволаш ҳам ўша даволашнинг ўзидир. Шишнинг тадбирига келсак, бунга ўша жойда ишорат қилдик ва бу ҳақда жигар бобида ҳам сўзладик.

Тиқилмадан бўладиган сариқ касаллигининг тадбири эса умуман ҳар бир тиқилмага ишлатиладиган ва жигар бобида айtilган тиқилмаларни даволаш тадбирининг ўзидир; улар томирдан қон олиш ва керагига қараб, агар тиқилма жигар дўнгида бўлса, сийдикни юргизиш, ёки унинг чуқурида бўлса, сурги ишлатиш, иссиқлик бўлса ҳам, буриштирувчи ва қуритувчи ҳар бир нарсадан парҳез қилдиришдан иборат, чунки бун

дай нарса йўллари торайтириб тиқилмани кучайтиради. Тўғриси, олдин тиқилмани рутубатлантириб юмшатиш, сўнгра кетидан очувчи дори ишлатиш лозим. Аҳволнинг кўтаришига қараб, гоҳо рутубатли ва иссиқлик юмшатувчи дори, баъзан эса рутубатли совуқлик юмшатувчи дори ишлатилади. Касалликнинг охирида ёки бошланишида очувчи дори ишлатсанг, унинг кетидан [касалнинг] кўтаролишига ва сурги ҳақида юқорида [айтилганларга] қараб сурги қилдиришинг яхшироқ.

Билгинки, агар сен олдин сурги ишлатсанг ва у таъсир қилмаса, кучли очувчи дориларни, сўнгра кучли сургиларни ишлатишинг керак, бундай сурги дорини касалнинг қувватига қараб бир йўла ичирилади. Агар тиқилма [жигар ва ўт қопчаси] йўлларида ўсиб чиққан нарсадан, масалан, ортиқча этдан бўлса, унга қарши бирон давони кўрсатолмайман. Бир табиб бу хил дори ҳақида гапириб шундай дейди: ҳўл семизўт, турпнинг ҳўл барги ва қўзиқулоқни янчиб, шира ва сувларини олинади; кейин буларнинг ҳаммасини қайнатиб сузилади; шу таркибга қўзиқулоқдан сиқиб олинган сув ва озгина янчилган ёввойи ясмиқ қўшилади. У [табибнинг] айтишича, бу таркибдан озгинани пўсти ажратилган ва тўртдан бирича мурр ва қуст аралаштирилган турп уруғи ва қовун уруғи билан қўшиб ичирилади.

Агар тиқилма қуруқлик ва қовжирашдан бўлса, — бу ҳол эса баданнинг [ориғлик] ҳолидан билинади, — суюлтирувчи ва сафрони сурувчи дорилар, масалан, ширалар, Сабистон олхўриси ва шунга ўхшаш нарсаларни бодом ёғи билан истеъмол қилинсин.

Агар тиқилма иссиқ шишдан бўлса, уни даволаш иссиқ шишни даволаш тадбирининг ўзидир. Шиш етилса, рум арпабодиёни ва арпабодиён каби сийдикни ҳайдовчи дориларни қўрқмасдан ичиравер; сафрони сурадиган дориларни [ишлатишдан ҳам қўрқма]. Агар шиш қаттиқ бўлса, унда иш қийин, чунки бунда қаттиқ шишни даволаш керак бўлади; буни қилишдан олдин сариқ касаллигини биз айтадиган нарсалар билан даволашга киришилади; бу ҳақда ишлатиладиган содда дорилар жигар тиқилмалари бобида айтилган. [Бу касалликда] ишлатиладиган очувчи яхши дорилардан бири денгиз пиёзи ва туёғўт ҳамда аччиқ бодом, эрман, рум арпабодиёни ва дарахт пўкагидан тайёрланган кулча дорилардир. Тиқилмаларни очиш билан бирга бошқа хусусиятга эга бўлган дориларнинг бири мана

бу: санавбарнинг катта уруғидан уч *дирҳам*, уруғи олинган майиздан беш *дирҳам*, олтингугуртдан ярим *мисқол*, девпечак, тоғ петрушкасининг уруғи, қора нўхат ва оқ кундир елимининг ҳар биридан икки *дирҳамдан* олиб, янчиб элаки қилинади; ҳар гал шу таркибдан бир ярим *дирҳамдан* олиб арпабодиён сувни билан бир неча кун истеъмол қилинади. Бу [дори] албатта таъсир этиб соғайтиради, биз буни кўп маротаба тажриба қилдик. Эшак сутпўчи ҳам сариқ касаллигида ишлатиладиган энг яхши дорилардан ҳисобланади.

[Сариқ касаллиги] ўт қопчаси йўлидаги тиқилмалардан бўлганида уни даволаш қийинроқ бўлади, лекин шундай ҳолларда ҳуқна ва сурги дорилар ишлатиш мувофиқроқ бўлади. Сургини девпечак, чилпоя, дарахт пўкаги, маҳсар, нефть тузи ва шунга ўхшаш нарсалардан тайёрланади; ҳуқналарга ҳам шуларни қўшилади. Шундай [сариқ касаллиги] учун фойдали дорининг таркиби: сабрдан бир *дирҳам*, сақмуниёдан тўртдан бир *дирҳам*, дарахт пўкагидан учдан икки *дирҳам* ва *ғофит* ширасидан уч *дирҳам* олиб, сачратқи шираси билан қўшиб, ҳаб қилинади ва шу ҳабдан ҳар гал бир *дирҳамдан* бир неча марта қайта-қайта ичилади.

Агар тиқилмадан бўладиган сариқ касаллиги узоққа чўзилса, унга қарши *куркум* дориси, тарёк ва шунга ўхшашларни ишлат, улар тиқилмаларни очишда кучлидир, *лакк* дориси ҳам шундай. Агар тиқилмалар билан бирга иситма ҳам бўлса, рум исмалоғи жуда фойда қилади, чунки бу дори очувчи ва латифлаштирувчи доридир; сув сутчўпи ҳам шундай, бундан икки *дирҳамни* асал билан ичилади; шунингдек, зарпечак ва аччиқ сачратқи сувини *хиёршанбар* тангачалари ва аччиқ ёки ширин бодом ёғи билан қўшиб истеъмол қилинади. Сариқ касаллигининг ўзига қарши уни кетказиш учун ишлатиладиган, шу билан бирга тиқилмаларни очадиган ва бошқа фойдаларга ҳам эга бўлган дориларга келсак, уларнинг баъзиси ичиладиган, баъзиси ювинишда ишлатиладиган ва баъзиси бурунга юбориладиган дорилар бўлиб, улар кўз ва юздаги [сариқликни кетказишда] кўпроқ фойда берадилар. Кетма-кет ҳаммомга тушиш каби умумий тадбирлар ҳам шу хил [даволар] жумласидандир; чунки [ҳаммом] даволашнинг асосидир, ҳаммом фойдасини берадиган [тадбирлар], масалан, тозаловчи сувли ванна ҳам шундай. Шу пайтда, касалнинг сийдиги қистаса, ваннага сияверсин, чунки [сийдик ҳам] фойда қилади. Ҳаммомдан чиқишда совуқ

тегмаслиги учун ўралиб чиқиш ва ўралган ҳолида ётиш керак. Ҳаммомдан бошқа ва дори истеъмол қилиш билан бўладиган даволаш теридан сариқликни кетказадиган тадбирлардан иборат. Сариқликни кетказадиган дорилар ични суриши, ё сийдикни кучли ҳайдаши, ёки терлатиши билан таъсир қилади. У дориларни, айниқса терлатувчи дорини, агар у шароб бўлса, бадантарбия, чарчаш ва ташналикдан кейин, шунингдек ҳаммомдан кейин қилиш фойдалироқ.

Сариқ касаллигини тарқатувчи дори билан даво-ланмоқчи бўлган кишига совуқ ва шамол зарар қилади. Лекин иссиқ дорининг иссиғини тўхтатиш ва уни [баданда] йиғиб туриш мақсадида [касални совуққа қўйиш мумкин]. Масалан, касалга мурч ичириб кейин уни совуқ сувга ўтқизилади. Сариқ касаллигига учраган кишилар учун сариқ нарсаларга қараш фойда қилади, чунки бу нарса табиатни савдоли моддаларнинг ҳаммасини терига қараб ҳайдашга қўзғатади ва шу билан даволаш иши енгиллашади, дейдилар; бироқ мен бундай даволашни кўпда инкор қилувчи ва уларнинг фалсафасини баён этувчилардан эмасман.

Ичиладиган машҳур дориларнинг бири шу: касал ваннада ўтирган пайтида унга турпнинг сиқиб олинган сувидан икки *уқия*ни ярим *дирҳам* бурақ ва бир *уқия тило* шароби билан қўшиб ичирилади; бу дори сариқликни [теридан] тезда чиқара бошлайди. Яна: бир боғ морчўба ва бир кафт нўхатни олиб, беш *қуст* сув билан қозонда қайнатилади; иситма бўлмаса, шу қайнатмага шароб қўшиб, ичириб турилади, агар иситма бўлса, қайнатманинг ўзинигина ичирилади. Кейин касални сунбулсоч қайнатилган сувли ваннага ўтқизилса, ундан сариқлик чиқиб кетади. Бошқа [бир дори]: сода «гулидан» икки *дирҳам*ни эски шаробга қўшиб, бир кеча очиқ ҳавога қўйгандан кейин ичирилади, сўнгра айтилиб ўтгандек қилиб, касални чўмилтирилади. Ёки қовурилган денгиз пиёзини олти бўлак куйдирилган туз билан қўшиб, наҳорга икки *фаланжордан* ичирилади. Ёки куйдирилган денгиз карамидан икки *дирҳам*ни чала пиширилган тухумга сепиб ейилади. Ёки анор пўстидан тўрт *дирҳам* ва зирниҳдан икки *дирҳам* олиб, шу иккаласидан бош бармоққа жойлашадиган миқдордагина *уч уқия* эшак сути билан ичирилади; ёки икки *дирҳам* ё ундан кўпроқ сариқ йўнғичқани сув ва асал билан ичириб, кейин касални совуқ сув тўлғизилган ваннага ўтқизилади; ёки янчилган сунбулсочдан тўрт *дирҳам*

олиб рум арпабодиёни қайнатилган сув билан ичирилади. Ёки қўзиқулоқдан сиқиб олинган сувни озгина шароб билан ичилади. Ёки суяк едирилган ит ахлатининг қорасиз оқидан тўрт *дирҳамни* асал билан қўшиб берилади; ёки лавлаги баргининг қуритилганидан олти *дирҳамни* асал суви билан қўшиб ичирилади; ёки қўй қумалоғини *матбух* билан қўшиб ичирилади. Ёки турпдан сиқиб олинган сувнинг икки *уқияси* ярим *дирҳам* бурақ билан, ёки тўрт *дирҳам* қуритилган ялпизни сув қўшилган шароб билан ичирилади; уч кунгача шундай қилинади. Ёки қора нўхатдан бир *ритл* ва сунбулсочдан бир кафтни олиб, [сувнинг] учдан бири кетгунича қайнатилади; шундан икки *уқиядан* ичириб турилади; ёки икки *уқия* турп сувини бир *уқия* шароб билан ичирилади; ёки бир *ритл* қора нўхат, бальзам донаси, кундур елими ва арпабодиёнинг ҳар биридан бир кафт олиб, олти *қуст* сувда ўннинг ўчдан бири кетгунича қайнатилади ва икки *уқиядан* ичириб турилади, иситма бўлмаса, уни шароб билан ичирилади; ёки дорчиндан уч бармоққа жойлашадиган миқдорни ярми шароб ва ярми асал қилиб тайёрланган аралашманинг бир ярим *уқияси* билан, ёки сув ва шароб аралашмаси билан ичирилади. Ёки пўсти ажратилган маҳлаб данагидан икки *дирҳам* берилади; ёки бир *дирҳам* рўянни чала пиширилган туҳум билан қўшиб ичирилади. Ёки тоғ эчкиси шохи кунидан ўн саккиз *қирот* олиб *фурусотиқун* шароби ичирилади.

Ёки санавбар донаси, жувона ва тоғ майизини олиб ичириб турилади, ёки мурчдан ва суяк еган итнинг оқ ахлатидан бир қошиқни шароб билан ичирилади; ёки ичидагиси олиб ташланган Абу Жаҳл тарвузига шароб ва сув тўлғизиб ичилади. Ёки бўри ўтини шаробга қўшиб ичирилади. Ёки тоғ эчкиси шохидан биру учдан бир *дирҳам*, олтингууртдан икки *донақ* ичиб, кетидан шароб ичилади. Ёки айниқса, тиқилмалардан бўлган [сариқ касаллигида] ровоч илдизи, далачай, сунбулсоч, етмак ва рўяндан баробар бўлакларни олиб, бир *дирҳамдан* ичиб турилади. Шу бобга кирадиган содда дорилар ҳам очувчи дорилар бўлиб, улар эрман, рум арпабодиёни, тўёғўт, игир, рўян, гентиана илдизи, бальзам дарахтининг чўплари, дарахт пўкаги, етмак, сарв бужури, қуст ва иккала хил аристолохиядан иборатдир.

[Бу касалликка қарши] эслатиладиган дорилардан бири каклик миясини холис шаробга қўшиб ичишдир.

Ёки икки дона тухумнинг саригини олиб ярим *ускурража* шаробда ивитиб ичилади. Қуритилган чувалчангни ичишни жуда мақтайдилар, бу дарҳол фойда қилади, айиқ ўти ҳам шундай. Қуйидаги дори ҳам тажриба қилинган: [касалга] қўзиқулоқ илдизини ичириб қуёшда турғизилади ва шундан кейин то иситма чиқариб ташна бўлгунича бир оз юргизилади, кейин сунбулсоч қайнатмаси, айниқса сунбулсоч билан бирга рўян ва ялпиз ичирилади, шунда у дарҳол қаттиқ терлатиб сариқ тер чиқаради. Уни ҳаммомдан кейин ичирилса ҳам шундай таъсир қилади.

Сариқ касаллигига хос ва сийдикни юргизувчи дорилардан бири мана бу: сарв бужуридан икки *дирҳам* олинади ва унга тозаланган Цейлон дорчинидан бир *дирҳам* қўшиб, эски тило шароби билан ичирилади, сўнгра касални қаттиқ чоптирилади, шунда сариқ касаллиги моддасининг ҳаммаси сийдик орқали ҳайдалиб чиқади. Гоҳо ўшандай касалларга сийдикни ҳайдашда кучлилиги, жигарни тозалаши ва жигарга мувофиқлиги сабабли типратикан гўшти ҳам фойда қилади, бу овқат ҳам бўлади. Зарпечак сувидан бир *ускурражани* петрушка уруғи ва новвот билан ичирилса ҳам фойда қилади.

[Сариқ касаллигига] хос сурги дорилардан бири: Абу Жаҳл тарвuzининг ичини кавлаб олиб ташлаб, уни тило шароби билан тўлғизилади ва чўғ устида қайнатиб, кейин уни сузиб ичирилади. Биз тажриба қилган дорилардан бири мана бу: сабрдан ярим *дирҳам*, сақмуниёдан бир *донақ*, нефть тузидан тўртдан бир *дирҳам*, рўян ва дарахт пўкагининг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* олиб, ҳаб дори тайёрланади ва уруғлар суви билан ичирилади. Биз бундан илгари баён қилган дориларни ҳам ишлатилади. Шу бобга хос ҳуқна дориларни эса «Қарободин»да баён қилдик.

Бурунга юбориш учун турли ширалар ишлатилади, улар, масалан, ёввойи бодринг шираси, индов баргининг шираси, канавча шираси, шунингдек бутунлигича ёки янчиб хотин кишининг сутида бир кеча ивитилгандан кейин эрталаб сиқиб олинган *артанисо* ширасидан иборатдир: бу шираларни бурунга илитиб томизилади. Ёки ҳўл беда илдизининг сиқиб олинган сувига озгина шакар қўшиб, оқ савсан билан салгина қайнатиб, кейин бурунга юборилади; ёки барги билан қўшиб янчилган турп ширасини юборилади.

Лавлаг и шираси жуда иссиқлик бўлмаган ширалардандир. Гулҳамишабахор шираси ёки дарё *асфайошининг* шираси эса совуқ ширалардан саналади. Касал ҳаммом ҳовузига тушиб, тоза сиркани бурунга тортиб бир оз вақт тутиб турса, жуда яхши фойда қилади; седанани сиркада бир кеча-кундуз ивитиб, сўнгра сузиб сиркани бурунга юборилса, сирканинг ўзини, ёки унга сув аралаштириб ҳидланса ҳам шундай таъсир қилади. Ширалардан бошқа бурунга юбориладиган дорилар: тоғ майизидан тўртдан бир *дирҳам* олиб янчилади ва баробар миқдордаги кашнич суви ва ўн *дирҳам* бодом ёғи билан ивотилади, кейин бемор ваннада ёки ҳаммом ҳовузига эканида бурнига юборилади, гоҳо шу таркибга озгина каклик ўтининг қуруғи ва озгина узум сиркасидан ҳам қўшилади. Кўзнинг ўзини эса доимо гул суви, кашнич суви ва ях суви билан ювиб турилади.

Сариқ касаллигига учраганларнинг ювиниши учун ишлатиладиган дорилар эса сунбулсоч, дармана, самсақ, *жулах*, бобуна, айниқса катта бобуна, темиртикан қайнатилган сувлар бўлиб, буларга укропни асосий қисм қилиб қўшилади. Гоҳо сариқ касаллигидаги иссиқ сабабли ювинадиган дориларга цитрон суви қўшилади, чунки ҳар қандай рангни ҳам кетказадиган кучли тозаловчидир. Гоҳо ўша дорилардан қуюқ суртма тайёрланади ва катта бобуна ёғи, бобуна ёғи, укроп ёғи, шунингдек шинни ёғи ва гулсапсар ёғи каби суриладиган ёғлар ҳам тайёрланади.

Буҳрондан бўладиган сариқ касаллигига келсак, бунда, агар касаллик камайса, ювинадиган ва сийдикни ҳайдайдиган тозаловчи дорилар ишлатиш орқали даволашни касалликнинг ўзига қарши қаратилади. Баъзан сургига эҳтиёж тушмайди, баъзан ҳаммомнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Сийдик ва ахлатда сариқлик камайдганини кўрсанг, [бундан] модда қуюлганлиги билинади, шунда ишлатаётган ювувчи, терлатувчи ва шунга ўхшаш дориларингни кучайтир.

Заҳардан бўлган сариқ касаллигини тарёқ ва *митридат* билан даволанади, булар заҳарга қаршилиқ қилади. Кейин нордон олма суви, анор суви, сачратқи ва семизўтнинг сиқиб олинган суви, испағул шираси, шунингдек зирк ҳамда совутиш ва тарёқ хоссаси бўлган ҳамма нарсаларни ичилади; мизожни мўътадил қилиб кейин сариқ касаллигини даволашга киришиш керак. Заҳардан бўлган сариқ касаллигининг бошланишида, айниқса заҳар ичиб сариқ касаллиги юз берган бўлса,

сутга бодом ёғи қўшиб доимо ичириб тажриба қилинган. Бу хил касалларни овқат билан даволашга келсак, буни биз [жигарда] аниқ бир кучсизлик ва тиқилма бўлмай, фақат иссиқ мизожлиги ҳақида гапирганимизда билдирдик. Тиқилмалар ва [жигар] кучсизлигидан бўлган сариқ касаллигини даволашни жигар бобида айтилганлардан ўрган. Сариқ касаллигига учраганларнинг овқатлари енгил, латиф ва тиқилмаларни очиш хоссасига эга бўлган нарсалардан бўлиши керак. Уларга балиқ шўрваси, айниқса биз боб охирида айтадиган сийдикни юргизувчи ёки [моддани] суюлтирувчи нарсалар қўшилган балиқ шўрваси фойда қилади.

**ҚОРАСАРИҚ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ҲАМДА
ИККАЛА ХИЛ САРИҚ КАСАЛЛИГИ БИР ИУЛА
ПАЙДО БУЛГАНДА [ҚУЛЛАНИЛАДИГАН
ДАВОЛАШ ТАДБИРИ]**

Талоқдан бўлган [қорасариқда] касалда анчагина қон тўлиқлиги борлигига қаралади, агар шундай бўлса, чап томони бослиқдан, ундан кейин *усайлимдан* қон олинади. Сўнгра талоқни даволашга: унинг тиқилмалари, шишлари ва кучсизлигини тузатишга киришилади. Агар [касалликка], биз айтгандек, савдо туғдирувчи қувват ва овқатлар туфайли кўпайган савдо сабаб бўлса, бўшатувчи дорилар билан савдони чиқариш керак. Харбақ қўшилган ва «Қарободин»да баён қилинган талоқғиёҳ қайнатмаси савдони бўшатувчи дорилардандир, бу билан бир неча марта бўшатилади. Қуйидагича тайёрланадиган девпечак қайнатмаси ҳам [шундай]: қора ҳалила ва Кобул ҳалиласининг ҳар биридан ўн [дирҳам] дан, шоҳтара, талоқғиёҳ, чилпоя ва қорачайир гулининг ҳар биридан беш [дирҳам] дан, петрушка илдизи ва арпабодиённинг ҳар биридан бир кафт ва қора харбақдан икки *дирҳам* олиб, ҳаммасини уч *ритл* сувда сувнинг тўртдан бири қолгунича қайнатилади, унга беш *дирҳам* девпечак қўшиб бир оз қайнатилади, сўнгра сузиб олиб учдан икки *дирҳам* *иъраж фикро* қўшилади. Шунингдек қора ҳалила, девпечак, ҳинд тузи, дарахт пўкаги ва ковул илдизининг пўстлогидан тайёрланган ҳаб дорилари ҳам [ишлатилади].

Бўшаттиргандан кейин [касалга] туя сути ичирилади, туя сути топилмаса, уруғлар *сиканжубики*, қорачайир ва *жулах* билан тайёрланган пишлоқ суви, талоқғиёҳ, ковул илдизи ва шунга ўхшашлардан иборат

талоққа ишлатиладиган дорилар, шунингдек юлғун барги ва илдизи қайнатилган сувлар, ковул баргининг суви, турп баргининг суви ва *сиканжубин* [берилади]; агар иситма бўлса, итузум суви ва петрушка суви ичирилади, яна талоқғиёҳ, ковул барги, юлғун меваси ва *жулах* қайнатилган *сиканжубин* ҳам [берилади]. Агар талоқда иссиқ шиш бўлса, иситувчи дориларни ҳаддан ташқари кўп ишлатмаслик керак; агар унда тиқилмалар бўлса, жигар бобида айтилган кучли очувчилар бунга ҳам фойда беради. Биз яна талоқ тиқилмалари бобида бунга хос дориларни баён қиламиз.

[Қорасариқ] касаллиги талоқдан тортувчи [қувватнинг] кучсизлигидан бўлса, талоқ устига тилмай қортиқлар қўйиш, бадантарбия қилдириш ва талоқни кучайтирадиган қуюқ суртмалар ишлатиш зарур. Масалан: эрман, ёввойи зира, қорачайир гули, тоғжанбил, хотинак супурги ва ковул илдизининг ҳар биридан бир бўлак, гулдан икки бўлак, муқлдан бир ярим бўлак, қаврак елимидан еттию ўндан бир бўлак олиб, шу таркибни қуюқ суртма қилиб боғланади. Ювганда укроп, бурак, газгаўт ва ялпиз қайнатилган ўткир сирка билан ювиш керак.

Агар қорасариққа жигарнинг иссиқлиги сабаб бўлса, жигарнинг иссиғини сўндирувчи дорилар билан даволанади; агар бунга [жигарнинг] совуқлиги сабаб бўлса, катта тарёқ билан ва [совуқликка қарши ишлатиладиган] маълум дорилар билан даволанади. Агар [қорасариққа] бутун бадан сабаб бўлса, томирлар таъсирлансин учун аввал сабаб бўлса, томирлар таъсирлансин учун аввал жигарни, кейин баданни даволаш керак. Қорасариқнинг ўзига эса худди сариқликка ишлатиладиган, бироқ уникадан кучлироқ даволаш тадбирлари қўлланилади.

Агар сариқ ва қорасариқ касалликлари бир йўла пайдо бўлса ҳамда тўлиқлик бўлиб томирдан қон олишга эҳтиёж тушса, иккала қўлдан бир йўла қон олинади ва иккала қон олиш ўртасида бир қанча кун фурсат қўйилади. Икки хил даволаш тадбирини бириктирилади ва қон олиш орасида эрман ва девпечак қайнатмасини ичириб турилади. Турп, юлғун ва тол барглари сувларининг ҳар биридан бир ярим *уқия*, итузум сувидан *уч уқия* ва ковул барги сувидан икки *уқия* олиб, ҳаммасини қўшилади ва ўн *дирҳам хиёршанбар* қўшиб қайнатилади; кейин унга учдан икки *дирҳам иёраж фиқро*, икки *донақ заъфарон* ва беҳи ичида пиширилган *сақмуниёдан* *уч қирот* солинади. [Дорини ичиргандан]

кейин икки кун қараб туриб, пишлоқ суви билан *сижанжубин* ичирилади. [Қорасариқ касаллигининг] ҳамма хилида ҳам маълум энгил овқатлар, тошлоқ балиғи, семиз жўжа шўрваси берилади, сабзавотлардан сачратқи ва петрушка, айниқса уларнинг ишлангани, шунингдек сиркаланган ковул истеъмол қилинади.

ҲАММА ВАЖҲ ВА САБАБЛАРДАН БУЛАДИГАН ИЧ КЕТИШ, ҲАТТО ИЧАК СИРҒАНЧИҚЛИГИ, [МЕЪДАДА] ОВҚАТНИНГ БУЗИЛИШИДАН БУЛАДИГАН ИЧ КЕТИШ, ЗАРАБ, ИЧДАН ҚОН УТИШИ, ЖИГАР, ТАЛОҚ МИЯ ВА БАДАНДАН ҲАЙДАЛИБ ЧИҚАДИГАН НАРСАЛАР ВА ЗАҲИР

Билгинки, ҳар бир ич кетиш ё озик-овқатлардан ёки кишини ўраб турган ҳаводан, ёки аъзолар туфайли бўлади. Олдин аъзолар туфайли бўладиган [ич кетиш] ҳақида гапирамиз. Аъзолардан бўладиган ич кетиш ё меъдадан, ё мосориқодан, ё жигардан, ё талоқдан, ё ичаклардан, ёки бош ва бутун бадандан бўлади. Шу ич кетиш [турлари]нинг ҳаммаси учун ҳам умумий сабаблар бор. [Ич кетиш] тутувчи ё ҳазм қилувчи, ёки ҳайдовчи қувватни кучсизлантирадиган, ёки ҳайдовчи қувватни кучайтирадиган мизож бузилишидан кейин желади; ҳар бир бузилган мизож ё моддаси бузуқ мизож бўлади ёки моддаси аъзоларга киришган ёки уларнинг сатҳига ёпишган моддали бузуқ мизож бўлади. Лат ейиш, яра ёки ёрилишдан иборат қурол авзода бўладиган касалликдан кейин ҳам [ич кетиш] пайдо бўлади.

Жигардан бўладиган ич кетишни баён қилдик: унинг [жигар] мизожи, шишлари, тиқилмалари ва бошқа нарсалар сабабли бўлишини, шунингдек мосориқодан ҳам бўлишини айтдик. Миядан бўладиган ич кетиш миядан меъдага ва ичакларга тушадиган назлалар сабабли пайдо бўлади, у [наزلалар] овқатни бузиб тушириб юборади, назлалар ҳам ўзининг сирғанчиқлиги ва ҳайдовчи қувватнинг ҳайдаши сабабли [овқат билан] бирга тушиб кетади. Меъда сабабли бўладиган ич кетишда ҳамма вақт ҳам [овқат] ҳазм бўлмаган бўлавермайди, балки гоҳо бир оз ҳазм бўлган, баъзан эса сира ҳазм бўлмаган бўлади. Бунга меъдадаги тутувчи қувватнинг кучсизлиги сабаб бўлиб, у овқатни [ҳазм бўлгунича] тутиб туролмайди, лекин бир муддат тутиб турса ҳам, у муддатда овқат гоҳо ҳазм бўлади ва гоҳо ҳазм бўлмайди, меъда уни секин-аста қўйиб юборишга

ва [ичакка] чиқариб туришга қодир бўлмайди. У қувват бузилган иссиқ мизож, ҳўл мизож ва қуруқ мизождан ҳам кучсизланади. Шу [зарарланишларнинг] ҳаммаси, кўпинча, совуқ ҳўл мизождан бўлса ҳам, бу фақат шиллиқдан бўлади, бошқа сабабдан бўлмайди, деб гумон қилган киши янглишади. Бу нарса совуқ ҳўл мизождан бўлиб, чўзилиб кетса, истисқога олиб келади. Қисқаси бу [касаллик] ўрнашиб қолса, уни даволаш қийин бўлади.

[Ич кетишга], кўпинча, сурги дори қувватининг ичак ва меъда сатҳига, меъда ва ичак томирларининг оғзига ўрнашган қолдиғи сабаб бўлади; бунда [ич кетиш] гоҳо даврий равишда давом этади ва ичак шилинишининг ёмон хилига ва яраларга сабаб бўлади. Гоҳо меъдадан бўладиган шу [ич кетиш] ҳазм кучсизлиги сабабли бўлади; шунда овқат бузилиб ҳайдалишни талаб қилади. Гоҳо шу хил ич кетиш меъданинг рутубатлардан бўлган сирғанчиқлиги сабабли юз беради, бу пайтда овқатнинг ҳазм бўларли муддат давомида меъдада туриши мумкин бўлмайди. Бу ҳол ҳақиқатда биз айтиб ўтган [ҳазм кучсизлиги]дан ташқари бир нарса эмас, лекин огоҳлантириш учун ажратиб [алоҳида] баён қилдик. Ана шу [сирғанчиқлик], кўпинча, истисқога олиб келади. Шу вақтда нордон кекириш келиб туришини Буқрот яхшилик белгиси деб ҳисоблайди, чунки нордон кекирик сўнган ҳарорат тугал бўлмаса ҳам қўзғалиб, бир қадар буғ пайдо қилаётганига далолат қилади. Яна нордонлик ёпишқоқ рутубатларни парчалаб, улардан меъдани тозалайди ва бир оз кучсиз [тутиш] қувватини келтириб чиқаради. Шундай бўлгач, нордон кекирик [яхшилигининг] далили ва сабаби бўлганлигидан яхши деб ҳисобланади. Гоҳо бундай сирғанчиқлик меъдадаги ёки меъдага қўшни ичакдаги яралар сабабли бўлади, шунда меъда оғриқ сабабли ва яраларнинг эритиши сабабли ичакка ҳамкорлик қилади. Бу меъданинг ўзида кам учрайди.

Гоҳо меъдадан бўладиган ич кетиш ва меъда сирғанчиқлиги бадандан меъдага қўйилиб уни қоплаб турувчи ва овқат яхши моддали бўлса ҳам, уни бузадиган ёмон хилтлар сабабли пайдо бўлади: бу нарса овқатни қусиб ташлашга ёки сурги орқали тушириб юборишга мажбур қилади. Агар юқори томон кучлироқ бўлса, бузилган овқат у ёққа қараб ҳайдалмайди ва қусиш билан чиқмайди, балки ич суриш билан чиқади. Баъзан ич суриш ўша хилтларнинг овқатни бузиши ва меъда-

нинг овқатни ташлашга эҳтиёжи сабабли юз бермайди, балки гоҳо уларда меъда ёқтирмайдиган бир қувват бўлиб меъда уларни ва улар билан бирга турган [овқатни] ҳам ҳайдайди. Ёки ўша хилтнинг ўзида сурувчи, сирғантирувчи, парчаловчи, ёки шилувчи бир қувват бўлиб, натижада шу қувват меъдадан бўладиган ич кетишга сабаб бўлади. Масалан, меъда оғзига кўп савдо қуйилганда шундай бўлади. Гоҳо бу [хил ич кетиш] пайдо бўлган ел ва дамлик сабабли юз беради, улар ҳазми бузиб, натижада биз айтган нарса [меъдадан бўладиган ич кетиш] юз беради. Гоҳо [меъда] сирғанчиқлиги тутувчи қувватнинг кучсизлиги ёки овқатни бузувчи нарсанинг аралашуви каби бошқа бир сабабдан бўлмай, балки ейилган овқат сабабли бўлади, у ҳам овқатнинг кайфияти [яъни табиати] туфайли эмас, балки миқдори сабабли бўлади: овқат кўп ейилса, тутувчи қувватни енгади ва [меъдадан] кириши биланоқ чиқаверади. Гоҳо, билиб ўтилганидек, овқат кўплиги ёки озлиги, ёки ейилиш тартибининг ёмонлиги сабабли бузилиб шундай [ич кетиш] пайдо бўлади. Баъзан меъдадан бўладиган ич кетиш меъдадаги ёки меъдага қўшни аъзодаги оғриқлар сабабли ҳам бўлади, [оғриқ сабабли] меъданинг тутувчи қуввати кучсизланади; бу хил оғриқлар гоҳо елдан, шишлардан ва турли мизож бузилишидан бўлиб, шуларнинг ҳаммаси меъданинг ўзида бўлади ёки унга қўшни аъзодан ўтади.

Талоқдан бўладиган ич кетиш ундаги ҳайдовчи қувватнинг кучлилиги, савдонинг кўплиги, ёки талоқ қаттиқлиги пучайиб, моддасининг тарқалиши ёки ундаги шишларнинг тешилиб оқиши сабабли пайдо бўлади.

Ичаклардан бўладиган ич кетишга келганда олдин биз бешта юқори ичакдан бўладиганини айтамыз: ичаклардан бўладиган ич кетишда [ичак] ё шилинади ёки шилинмайди, «ичак шилиниши» деб ичак юзининг шилинишидан бўладиган оғриққа айтилади; шилиниш сафро моддасидан ёки ўткир қон моддасидан, ёки сариқ сув, ёки йиринг, ёки ичакларнинг ўзидан қўзғаладиган ёки уларнинг юқорисидан қўзғалиб ичакларга борадиган чўкмалик моддадан пайдо бўлади. Жигардан бўладиган шу хил ич кетиш ҳақида тўла сўзлаб ўтдик. Жигар шишидан бўладиган ич кетиш жигар кучсизлигидан бўладиганидан кўра бежавотирроқ ва уни даволаш осонроқ бўлади.

Ичак шилиниб [оғриб ич кетиши], талоқдан бўладиган ич кетиш, ўт аралаш ва йирингли ич кетиш, шу-

нингдек меъда ва қизилўнғачдаги яралардан бўладиган ич кетиш — буларнинг ҳаммасида ҳам ичакка модда юборилади; аммо ҳозир бизнинг сўзимиз бу ҳақда эмас, балки ичакнинг ўзидан бўладиган ич кетиш ҳақида боради. Бундай ич кетиш ё ичаклардаги шиш сабабли, ё ўтнинг ачиштириши, ёки жигардан қуйилаётган жуда иссиқ қон сабабли ёки юқори ва қуйи [ичаклардаги] бирор томирнинг ёрилиши, ёки Абу Жаҳл тарвузи каби ичакни яра қилувчи сурги дори сабабли, ёки чирийдиган чақаланиш ва яралар, ёки ейилмаган ва сасимаган яралар, ёки тоза ё чиркли яралар сабабли бўлади. Бу ярачақалар ё йўғон ичакда бўлади, — буниси бежавотирроқ, — ёки ингичка ичакларда бўлади — бу, айниқса оч ичакдагисининг тузалиши қийин. Бу хил яралар тузалмаса керак, [ичак] ёрилишининг тузалиши ҳақида сўзлаш ортиқча, чунки бу ичакда томирлар кўп, улар йўғон, шунингдек ўзининг танаси юпқа ва бошқа хил аралашмаган холис ўт, ўт қопчасидан шу ичакка оқиб туради. У [ичак] бошлиқ аъзога, яъни жигарга яқинлигидан унинг зарарланишида катта хавф бор; биронта бошқа ичак оч ичак сингари жигарга яқин эмас; дори ҳам бу ичакда тўхтамайди, балки сирғаниб кетаверади. Ичак яралари ахлатнинг шилишидан, ўтнинг ўткирлигидан, ёки [бирон] хилтнинг шўрлигидан, ёки ёпишқоқлиги сабабли [ичакка] қаттиқ ёпишиб олган хилтни [бирор тадбир билан] кўчирилганда [ичакни] яра қилишидан бўлади; ёки у — шишларнинг тешилиб оқишидан, ёки бўшатилиб оқиб ўтганда азият етказувчи турли моддалардан бўлади.

Савдо сабабли бошланиб ичак шилинишидан бўладиган [ич кетиш] албатта ўлдиради, чунки бу сасиған саратондан дарак беради. Иситмаларнинг охирида ич кетиши ҳали шилиниб оғришга айланмаса ҳам, балки ҳали фақат савдо аралаш ич сурса, айниқса у ерга тушганда вижиллаб қайнайдиган ва ачимсиқ ҳидли ич суршига айланса, шубҳасиз ўлдиради. [Қасалнинг] қуввати жойида бўлса ҳам, ҳатто у соғлом бўлса ҳам, шу хилда савдо аралаш ич сурган киши тузалмайди. Аммо [ахлатда] бундай хусусият бўлмаса, у ерда вижиллаб қайнамаса ва унинг ачимсиқ ҳиди бўлмаса, у табиат ҳайдаётган савдо аралаш чиқинди бўлиб, [қасалнинг] тузалишини умид қилса бўлади.

[Ичак] яраси гоҳо ичак яллиғланишидан кейин пайдо бўлади, гоҳо сурги дори ёки ёпишқоқ овқат каби дастлаб пўстини тирмалаб шиладиган нарсадан бўла-

ди: [ёпишқоқ нарсалар], ичакка ёпишиб кейин унинг пўстини кўчириб шилиб ажралади. Ёки [ичак яраси] ичакни шилиб ўтадиган қаттиқ овқатдан, гоҳо ични суриб яра қиладиган хиллардан бўлади. Ичак яраси икки ҳафта ўт аралаш ич суришдан, бир ой бурақли ич суришдан, қирқ кун ёки ундан кўпроқ савдо аралаш ич суришдан пайдо бўлади. Кўпинча ичагида яраси бор кишининг ичаклари тешилиб, улар, кўпинча, ўлади. Баъзилари эса кучли бўлганлигидан бир муддат яшайди ва қорнига ахлат тўпланиб истисқога учраган кишига ўхшаб [қорни шишади], сўнгра ўлади. Ичак яраси, кўпинча, ичак моддасидан анча қисмини яра қилиш даражасига етса, ичакни саситади; унга меъда ҳамкорлик қилиб қувват тушади ва [касал] ўлади; шундай бўлгач, ичак тешилганда, айниқса айрим юқори ичаклар тешилса, қандай ҳолат юз бериши маълум.

Айрим [табибларнинг] ҳикоя қилишича, бир кишининг қуйи ичакларидан бири тешилган, сўнгра чириш ва зарарланишга ҳамкорлик қилган ва тешик рўпарасида пайдо бўлган шиш сабабли у кишининг қорни ва қорин девори тешилиб, натижада қорни ҳам ўша жойдан тешилиб қолган; шу тешикдан ахлат чиқиб туриб у киши яшайверган. Бу воқеа мумкин бўладиган нарсалар жумласига кирса ҳам, бироқ ақлдан узоқ нарсалардандир; ахлат қорин бўшлиғига қуйилиб туриб яшаш ундан кўра ҳам ақлдан узоқроқ. Айтишларича, ичак тешилиб оч ичак рўпарасидан қорин ҳам тешилса, очиқиш тўхтамайди ва меъдада ҳеч нарса турмайди, касал озиб кетади ва қорни дам бўлиб ўлади.

Ичак шилиниб [оғришнинг] турлари: қон аралаш [ич ўтиш], яра зардоби, йиринг, ўт, қиринди, шиллиқли кўпик ва пўст аралаш [ич ўтишдан иборат]. Ўтдан бўладигани кўрқинчли эмас, уни даволаб бўлади. Бу, кўпинча, ўткир касалликларда, қаттиқ ва кунора тутадиган иситмаларда пайдо бўлиб, у касалликлар учун бўҳрон бўлади. Йиринг [аралаш ўтаётган ич кетиши] дастлабдан шундай йирингли бўлса, унга ички аъзолардаги йирингли ва [бошқа] шишларнинг тешилиб оқиши сабаб бўлиб, табиат ўша йирингни ичакларга ҳайдаб турган бўлади; бу хавотирли эмас; бу ҳақиқатда ичак [шилиниши] эмас, бироқ, кўпинча, ичак [шилинишига] айланади ва охирида [ичак] бузилади. Кўпинча, шундан кейин тўхтамай йиринг аралаш ич кетиш бошланади, ич кўпроқ вақт йиринг ва модда аралаш, баъзи вақтда қон аралаш ўтади. Баъзан бунга [йирингли

шиш ва бошқа шишларнинг тешилиб оқиши] сабаб бўлмайди ва ички аъзоларда етилган шиш ҳам бўлмайди, аксинча, у ички аъзолардаги чириган саратон шишдан бўлади; бу [касаллик] уринишнинг кўплиги, тинч туришнинг озлиги ва касалликнинг ҳақиқатда оғирлиги сабабли тузалмайди.

Зардоб аралаш ич кетиши [ички аъзоларнинг] эришидан ёки етилаётган шишнинг сизиб оқишидан бўлади; бунинг кўпи ичакдан бўлмайди. Қон аралаш [ич кетишининг] баъзиси тўсатдан, баъзиси эса секинаста пайдо бўлади; биринчисига сабаб бирор томир очилиб узлуксизликнинг бузилишидир. Бунда оғриқ бўлмаса, [қон] ичаклардан келаётган бўлмайди, айниқса, бошқа белгилар ҳам юз берса, бошқа ички аъзолардан келаётган бўлади. Гоҳо ичаклардан [қон] кетиш ҳам оғриқсиз бўлади, бошқа бирор сабаб бўлмасдан томирларнинг оғзи очилган бўлади; бу хавотирли эмас.

Қиш қуруқ ва шимол томонниқига ўхшаш келиб, сўнгра баҳор жануб томонниқига каби ёмғирли ва ёз ҳам ёмғирли бўлса, ичдан қон ўтиш кўпаяди; қиш жанубниқига, баҳор эса шимолниқига сингари бўлиб ёмғир кам бўлса ҳам, шундай бўлади, айниқса бадани рутубатли кишиларда ва хотинларда. Шимолниқига сингари баҳор ва жанубниқига сингари бўлган қишдан кейин ёз иссиқ ва рутубатли бўлса, ич суриши ва ичак шилиниб оғриши кўпаяди, бунга назланинг кўпайиши сабаб бўлади. Гоҳо жанубий мамлакатларда жануб томонидан шамол кўп эсиб, ёмғир кўп ёғса, ичдан қон ўтиш кўпаяди; чунки моддалар қўзғалиб тери тешиклари бўшашади, айниқса шўр назлалардан кейин шундай бўлади. Ўт аралаш ич кетиши ва ўт сабабли ичак шилинишидан кейин оғриқ билан қон ўтса, айниқса олдин қиринди, сўнгра холис қон келса, бу жуда қўрқинчли, чунки бу ҳол касалликнинг ичак танасига чуқур борганига далолат қилади.

Қиринди аралаш ич кетиш эса ичак сатҳининг қирилиб ўтишидан бўлади; шиллиқ аралаш ич кетиши — қуюқ рутубатдан бўлади. Гоҳо шиллиқли ич кетиш ҳар турли хиллари қўшилиб пайдо бўлган иситмаларда, иситманинг ўз бобида биз баён қиладиган бир турида ва ваболи иситмаларда юз беради. Ваболи иситмаларда ич, кўпинча, кўпикли бўлиб ўтади.

Пўст аралаш ич кетиши гоҳо меъда ярасидан бўлиб, ич суриш билан [пўст ҳам] чиқади, лекин бунда ичак шилиниб оғриш бўлмайди, агар ичак шилиниб оғривса,

[пўстлоқлар] ичак қатламларининг ўзидан келаётган бўлади. Пўстларнинг қалинлиги, айниқса уларнинг йириклиги йўғон ичакнинг [зарарланганига] далолат қилади; ингичка ичаклардан келаётганига унинг зидди далил бўлади. Шу пўстлар ич келганда чиқади, кўпинча, улар юувчан ҳуқна дорилар билан ҳам чиқади.

Буқрот: «савдо аралаш ич кетиши эскириб кетса, тузалмайди» дейди, у яна: «Ич сувдек суюқ ўтиб, кейин марҳамдек қуюқ ўтса, бу ҳол ёмон» дейди. Истисқодан кейин, айниқса жигар шишидан пайдо бўлган истисқодан кейин ич сурса, бу ҳол ҳам, ёмон бўлиб, меъда сустилиги натижасида ич кетаётган бўлади; бунда сув қисмидан бошқа [хилт] сурилаверади ва ич суриш тўхтамайди. Буқрот айтади: «Ҳар бир касалликдан кейин тўсатдан ич суриш юз берса, бу ҳол касалнинг яқинда ўлишини билдиради». Яна унинг айтишича, баъзан истисқода ич суриш [зараб] пайдо қилиб, тўхтамайди [ва истисқога қарши] фойда ҳам қилмайди, чунки у билан сув қисми сурилмайди, балки баданни кучсизлантирадиган нарсалар [озиқли моддалар] сурилиб чиқаверади. Гоҳо ичак шилиниши ва ичак яралари ҳам истисқога олиб келади.

Агар касалда ичак бураб оғриши билан бирга *кузов*, чангак бўлиш, қусиш, ҳиқичоқ ва ақлдан озиш ҳолатлари юз берса, бу ҳол унинг ўлишига далолат қилади. Буқротнинг қабридан топилган китобда шундай дейилади: «Кишида дизентерия бўлиб, чап қулоғининг орқасида ёввойи ясмиқ шаклида қора бир нарса пайдо бўлса, шу билан бирга қаттиқ ташналик юз берса, касал соғаймайди ва йигирма кундан кейинга қолмай ўлади».

Билгинки, [ичакдаги] шишнинг катталигига далолат қиладиган қаттиқ иситма, меъда оғзидаги қувватнинг ўлганлигига далолат қилувчи иштаҳанинг пасайиши ва ичак яраларида ичнинг қора ўтиши — шуларнинг ҳаммаси ёмонликка белги бўлади. Ич кетиш ичаклардан бўлсаю, ич шилиниб оғримаса, қон ўтмаса ва у ичаклардан юқоридаги бирор сабабдан бўлмаса, бундай ич кетиш сабаблари қаторига меъда сирғанчиқлиги ҳам қўшилишаётган бўлади. Лекин ичак яраларининг эритиши сабабли ич кетиши меъда [яраларидагидан] кўра кўпроқ учрайди, ҳатто у фақатгина [ичакдан] бўлади. Агар ичак яралари чақаланиш сингари бўлиб уларни келтириб чиқараётган модда доимо оқиб турса, бу нарса қонли ичак шилинишига ва ичдан кучли қон ўтишга олиб келади. Ичаклардаги томирларнинг

оғзига ва ичакларнинг сатҳига ўрнашиб қолган сурги дорининг қуввати ич кетишга сабаб бўлишда [ичак яраларига] ҳамкорлик қилади. Ичак ва меъда кучсизлигидан бўладиган ич кетиши *қорин моддаси* деб аталади ва унга, кўпинча, [меъда ва ичаклардаги] кучсизлик, яралар ва уларнинг эриши сабаб бўлади. Баъзан қоринга қуйилувчи қоннинг озгинаси қуюқлашиб қолади. Бунга қўл ва оёқларнинг тўсатдан совуши, қориннинг кўпчиши, томир уришининг пасайиши ва ҳушдан кетиш далолат қилади.

Тўғри ичак, яъни олтинчи ичак сабабли бўладиган ич кетишининг баъзиси оғриқ билан бўлиб, *заҳир* деб аталади; тўғри ичакнинг тортишиб ва қирилиб оғришига *заҳир* дейилади; баъзан у оғриқсиз ҳам бўлади. *Заҳирга* баъзан иситмали шиш сабаб бўлиб, у шишдан бирон нарса оқиб туради; ёки унга қаттиқ шиш, ёки ел, ёки мушакнинг бўшашуви сабаб бўлиб, — бунда кўтон чиқади, ёки унга тортишиш ва *кузоб* сабаб бўлади, улар ахлатни тўхтатиб турувчи орқа тешик теварагидаги мушакнинг ишига тўсқинлик қилади. Ёки унга шўр, ё бурақли чиқинди, ё қуюқ каймус, ёки [эмилиб] киришган ўт сабаб бўлади. Ёки [*заҳир*] дизентерия натижасида пайдо бўлади, ёки у аъзо [тўғри ичак]га совуқ тегиши, қаттиқ нарса устида узоқ ўтириш, чиқаётган ахлатнинг қуюқ ва қаттиқлиги, ўткир хилтлар, битмайдиган яралар, бавосир, орқа тешик деворининг ёрилиши, яралар ва ейилиш ёки тўхталиб қолган ахлат сабабли юз беради.

[*Заҳир*] кўпроқ вақт шиллиқ аралаш ўтган хилтдан бўлади, у хилт олдин шиллиқли бўлиб, кейин қиринди аралаш, сўнгра қон нуқталари аралаш ўтади. Айрим табибларнинг ҳикоя қилишича, баъзан *заҳир* касаллигида орқа йўлдан тошга ўхшаш бир нарса чиқади; Жоллинус бунга ақлдан узоқ деб ҳисоблайди. *Заҳир*, кўпинча, [ичагида] сасиган шиллиқ бор кишиларда пайдо бўлади, у сассиқ шиллиқ тўғри ичакдан ўтганида доимо ўз таъсирини кўрсатади, шунингдек у ёпишиб ўрнашиб азият берадиган шиллиққа айланади. Баъзан шиллиқнинг бурақлилигидан касал ўз орқа тешигига майда туз сепилган каби ҳис қилади.

Дизентериядан кейин бўлмаган ва дизентериядан тугилмаган *заҳир* энг енгил *заҳир* саналади. Орқа тешик ва тўғри ичакда *кузов* ва тортишиш юз беради. *Кузовда* тепасидаги нарсани тушириб ололмагани каби, [тортишишда] мушаклар ўзига келиб етган нарсани тутиб

туролмайдилар. Орқа тешикка боғлиқ бўлган оғриқсиз [ич кетиш] фақат қонли бўлади. Кўпинча, у табиатнинг бадандаги чиқиндиларни ҳайдашидан пайдо бўлади, чиқиндилар эса уларни ҳосил қиладиган сабаблар, масалан, озиқ, [одатда] оқиб турадиган нарсаларнинг тўхталиши, бирор аъзонинг кесилиши, бадантарбия қилмаслик ёки ўз жойида айтилган бошқа нарсалардан иборат бўлади. Томир уриши ва қувватнинг пасайишидан қўрқилмаса, ундан [ич кетишни] тўхтатиш керак эмас. Олтита ичак сабабли бўладиган *захирда* оқадиган [нарсанинг] турлари ана шулардан иборат.

Бутун гавдадан бўладиган [ич кетиш] эса ё бухрон тарзида ва ҳайдовчи қувватнинг кучлилигидан, ёки тутувчи қувватнинг пасайишидан бўлади, масалан [бирор нарсадан] чўчиб қўрққан кишида, сил ва ингичка оғриқ касаллигига учраган кишида умрининг охирида шундай бўлади. Ёки [бундай ич кетиш бадан] эришидан бўлади, шунда дастлаб ич суюқ ўтиб кейин қуюққа айланади; очиқиш ва оғриқ кучаяди, кейин иштаҳа пасаяди, қувват тушади ва турли иситмалар юз беради. Баъзан кўнгил айнаш, қийналиб сийиш, қоринда ел кўпайиб қулдураш, ранг хиралиги, қўл-оёқларнинг совуши ва тил қуриши пайдо бўлади.

Ёки [бу хил ич кетиш] ёмон иситмалар ва зарарли заҳарлар сабабли хилтларнинг бузилишидан пайдо бўлади; ёки у жуда тўлиқликдан келган ҳайдалиш йўсинида юз беради; бундай [тўлиқлик] бўшатилмаганликдан, ё одат бўлган оқишнинг тўсатдан тўхталишидан, ё бирор аъзонинг кесилишидан, ё бадантарбия қилмай қўйишдан, ё бадандан тарқалишнинг камлигидан ва билиб ўтилган бошқа сабаблардан келиб чиқади. Баъзан меъданинг кўп ва бир неча марта бузилишидан ҳам [шу хил ич кетиш] юз бериб, у ўткир касаллик каби бўлади; бу эса *ҳайзанинг* бири ҳисобланади. Ёки [шундай ич] кетиш томирлардаги тиқилма ва бошқа нарсалар сабабли озиқ ўтишининг мумкин бўлмаслигидан бўлади.

Бузилиб ҳазм бўлмаган, бадандан ажраб ичак йўлидан чиқишга ҳаракат қилувчи моддаларнинг ҳайдовчи қувватнинг тезлиги ва зўрлаши натижасида қиладиган ҳаракатига *ҳайза* дейилади. Агар овқатлар яхши ҳазм бўлмаса, баданга ёқмайдиган хилтларга айланади ва табиат уни ўзига ёқтирмаганликдан турли томондан ҳайдашга киришади; баъзан уни турлича қусуқ, яъни ўт, сув ва баъзи зангор рангли нарса қустириш билан,

гоҳо турли хил ич кетгизиш билан [ҳайдайд]. Овқатнинг бир марта бузилиши сабабли бўлган ҳайза унинг кетма-кет бузилишидан бўлган ҳайзадан кўра хавфсизроқ бўлади. Хавфли ҳайзада дастлаб оғриқ билинмайди, сўнгра қорин ва ичакларда бураб оғриш юз беради ва у тарқалиб меъдагача чиқади, чунки меъда ўзига келувчи ўткир хилтлардан қаттиқ азиятланади. Кўпинча, бунда қусиш ва ич суриш биргалликда пайдо бўлади. У [хилтлар] ҳайдалганда, билиб ўтилган сабабга кўра, уларга эргашиб бадандаги [тоза] хилтлар ҳам ҳайдалади; дастлаб [ич] ўт аралаш, сўнгра нуқул сув суради; ҳиди жуда сассиқ бўлади, кейин [ҳайза], баъзан янги гўштнинг ювиндиси каби ва ёғ ҳидли ич кетишга ва ичдан қиринди ўтишга айланади; сўнгра у томир уришининг бўшашувига, тиришиш касаллигига, совуқ терлашга ва ўлимга олиб боради. Ҳайзага учраган кишилар кўп ташна бўладилар, ҳар вақт сув ичсалар, сув меъдаларида исигач, уни қусиб ташлайдилар, ташналикка чидаш уларга фойда беради. Кўпинча, касалнинг [томирлари] қисилиб ва ўзи азият чекиб томир уриши тўхтаб қолади; у ҳолатлар тўхтаса, томир уриши ҳам йўлига тушади. Ҳайзага одатланган киши учун бу касаллик унга одатланмаган киши учун бўлганидек хавфли эмас. У — болаларда кўпроқ бўлади. Ҳайза, кўпинча ёз ва кuzда кўпаяди, чунки бу вақтда ҳазм кучсиз бўлади; қишда ва баҳорда эса ҳайза озаяди. Гоҳо наҳорга [ёки] ғализ овқатдан кейин сазуқ сув ичиндан, айниқса рўзада ифторда шундай қилинса, ҳайза пайдо бўлади. Урик ва қовун ҳайзани қўзғатувчи нарсалардандир. Кўпинча, ҳайза тўхталса, унинг моддаси сийдик аъзоларига бориб, сийдик ачиштириб тушади.

Озиқ ўтишнинг мумкин эмаслигидан бўладиган ич суриш, яъни тиқилмалар сабабли бўладиган ич суришни «даврий равишда бўладиган ич суриш» деб аталади, [бундай аталишининг] сабаби шуки, тиқилма билан тўсилган томирлар [хилт билан] маълум муддатда то кўтаролмайдиган бўлгунича тўла боради, сўнгра қайтадан бўшалади. Тўлиш ва бўшалиш ўртасида соғломликка ўхшаш ҳолат бўлади. Энг кўп деганда, ич йигирма кунда бир суради. Баъзан, сенга маълум сабабларга кўра, ундан олдин ёки кейин ҳам суради.

Овқатдан бўладиган ич кетишни меъда касалликлари бобида бир марта баён қилган эдик, уни қайтариб қўшимча изох берсак зарар бўлмайди. Энди айтамиз: овқатлар сабабли ич кетиш ё овқатнинг озлигидан бў-

лади — оз овқат, айтиб ўтилганидек, иссиқ меъдада бузилади, табиат уни қабул қилмай, ҳайдайди; ёки [овқатнинг] кўплигидан бўлади — кўп овқат меъдани тўлдириб тортиштиради, овқат ҳазм бўлмай бузилади; ёки [овқатнинг] оғирлигидан бўлади — овқат қуйига тушиб кетади; яна овқатнинг пиёз каби ачиштириши ёки қўзиқорин каби заҳар қуввати борлиги, ёки сут каби тезда бузилиши сабабли ҳам ич кетади. Ёки овқатнинг жуда суюқлиги сабабли ҳам ич кетади — бунда овқат меъданинг «дарвозабон» деб аталган қисми олдида тўхтамай сизиб ўтаверади; ёки овқат ҳўллиги ё илашуви сабабли [меъдадан] сирғаниб тушиб кетади; яна овқат ея солиб кўп ҳаракат қилиш ёки унинг устига кўп сув ичиш натижасида [меъда] оғирлашиб, [овқат] тойиб тушиб кетиб [ич кетади]. Ёки овқат балғам каби сирғантирувчи, ёки сафро каби тозаловчи хилтни кўп учратиши сабабли, ёки овқатнинг сабзавотлар каби миқдори кўп, озиқлиги кам ёлғон овқатлиги сабабли ҳам ич кетади. Ейилган овқатнинг сирғанишини ижоб этадиган тартибда овқатланиш сабабли ҳам ич кетади, масалан, юмшоқ, ҳазми енгил ва сирғанадиган овқат олдин, буриштириб сиқувчи овқат кейин ейилса, ёки тез ўзгарадиган овқат кейин ейилса, кейин ейилгани бузилиб тагидаги овқатни бузади ва табиат уларни ҳайдашга киришади.

Атрофни ўраб турган ҳаво сабабли ич кетишга келсак, бу [хилтдаги ич кетиш] шундай юз беради: иссиқ ҳаво тарқатиб, [кейин] қуритади, совуқ ҳаво эса олдин йиғиб, кейин қуритади. Жанубдан эсган шамол, ёмғирнинг кўп ёғиши ва жанубий мамлакатларда туриш ични кеткизади. Баъзан шамоллар овқатни қўзғатиб ҳазми бузиши орқали ич суришга сабаб бўлади. Буқрот: «тили чучук кишиларда ич кетиш кўп бўлади» дейди, «тили чучук» деганда «ро» ҳарфини яхши айтолмайдиган кишиларни айтмоқчи бўлади. Бунга сабаб миянинг ҳамкорлиги сабабли ёки мияга ва бошқа аъзога умумий бўлган сабабга кўра [ундай кишиларнинг] асабга бой аъзоларида ва меъдаларида рутубатнинг кўп бўлишидир. Улар учун ҳам кучсизроқ сурги ишлатиш керак.

Яна Буқрот шундай дейди: «Қимнинг ёшлигида ичи юмшоқ ёки қаттиқ бўлса, кексайганида унинг аксича бўлади, ёшлигида доимо ичи юмшоқ бўлган кишида, кексайганида ҳам шунинг давом этиши тўғри келмайди». Қаттиқ касалликдан кейин тўсатдан юз берадиган ҳар бир ич кетиш ўлим белгисидир, чунки бу нарса

хилтларнинг тўсатдан бузилганига далолат қилади.

Ич кетишни даволашнинг умумий усуллари. Энг олдин шуни айтаман: ичиладиган айрим дориларнинг ички ҳаддан ташқари суриши ҳақида айтилганларни эслаш ва ўша бобни шу боб билан биргаликда ўқиб [ўрганиб] чиқиш керак. Ундан кейин айтамикки, ич кетиш буриштирувчи, моддаларни қўйилтирувчи ва ёпиштирувчи дорилар билан тўхтатилади; баъзан увуштирувчи дориларга ҳам эҳтиёж тушади. Баъзан ич кетишни сийдикни ҳайдовчи, терлатувчи, тери тешикларини кенгайтирувчи ва қустирувчи дорилар билан даволанади; бу дориларнинг ҳаммаси ҳам моддани ич сураётган томондан бошқа ёққа юборади. Ич суришида ҳарорат ҳам бўлса, дориларга совутувчи нарсалар қўшилади ёки сургиларнинг ичидан совутувчиларини танлаб истеъмоқ қилиш керак бўлади. Бадан сиртидан тери тешикларини кенгайтирувчи ва терлатувчи дорилар ишлатилади. Агар ич суришига совуқлик биргалашса дориларга иситувчи нарсалар қўшилади ёки иситувчи дориларни танлаб ишлатилади. Ҳазм қилувчи қувват кучсизлашганда, шунингдек тикилмалар ёпишқоқ хилтлардан вужудга келганда, иситувчи дориларга кўпроқ эҳтиёж тушади; бундан ташқари ҳазм кучсизлиги бобида айтилган дорилардан ҳам ёрдам олинади. Тутувчи қувват кучсиз бўлганда эса, совутувчи дориларга эҳтиёж тушади.

Иссиқлик нарсалар овқатни тез ўтказиши, баъзан сийдикни ҳайдаши ва терлатиши сабабли ич кетишни тўхтатишга ёрдам беради. Гоҳи сув қўшилмаган кучли эски шароб шундай таъсир кўрсатади; ичи сураётган киши ўша сифатдаги шаробдан бир неча қадаҳни бирин-кетин ичса, ҳатто маст киши каби бўлиб юрса, ичи тўхтайдми. Билгинки, ичи сураётган киши учун уйқу энг фойдали нарсалардандир. Ич кетиш билан бирга йўтал бўлса, [касал] буриштирувчи ва жуда нордон нарса емасин, балки шу хил хусусияти бўлмаган озиқ-овқатлар билан чеклансин, совуқлик ва ёпиштириш хусусияти бўлган [нарсаларни] танлаб истеъмоқ қилсин; шунингдек жисми қаттиқ ва еган кишининг баданини кучайтирадиган нарсаларни, масалан; турли хил толқонларни истеъмоқ қилсин. У кишиларга суюқ овқатлар ва шўрвалар зарар қилади. Билгинки, қайнатиб қуюлтирилган ширин ширалар ташналикни қўзғатиши сабабли, кўпинча, бундай [касалларга] зарар қилади.

Ҳаммомга тушиб тери тешикларини кенгайтирувчи нарса билан баданни ишқалаш ҳам ич кетишни тўхта-

тувчи тадбирлардан саналади. Кўпинча, суриладиган ва ишқаланадиган дорилар моддани бадан сиртига тортади; укроп ёғи ва шунга ўхшаш иссиқлик ёғлар шулар жумласидандир. Қорин устига қортиқлар қўйиш ҳам ич кетишни тўхтатади. Ич кетиш ва ичак шилиниб оғриш касаллигига йўлиққан кишиларнинг қорнида қортиқлар қўйиб тажриба қилинган, агар [қортиқларни] тўрт соат қўйиб қўйилса, ични тўхтатади. Биз ҳам буни синаб кўрдик. Меъда ва ичаклар устига қўйиб боғланадиган қуюқ суртмалар ҳам ич кетишни тўхтатади; уларни керагига қараб иситиб буриштирувчи ёки совутиб буриштирувчи дорилардан тайёрланади. Агар ич кетишга меъда ва ичакка қўйилаётган хилт сабаб бўлса, уни сурги ҳам тўхтатади; [сурги] овқатни тушириб ва оқизиб бўшатади, унинг бўшатилиши натижасида хилтлар ҳам бўшатилади. Хилтлар тубдан бўшатиладиган, кейин даволаш осон бўлади. Дориларни ишлатганда олдин содда дорилардан бошла, агар улар фойда қилмаса, кейин ични тўхтатувчи мураккаб дориларга ўт.

Ични тўхтатувчи дорилар қотирувчи, қуритувчи ёки буриштирувчи, ёки совутиб қуюлтирувчи, ёки [суюқлик] қўзғалиб чиқаётган тешикчаларни ёпиштириб, йўлни тўсувчи дорилар бўлади. Мутлақо ёки тўхтатиш қувватига кўра ични тўхтатувчи совуқлик содда дорилар, масалан, анор гули, мози, араб акацияси елими, қизил гул, араб елими, арман лойи, муҳр лойи, «ер олати», *табошир* айниқса қовурилган *табошир* хусусан кофур билан ишланган *табошир*, юлғун меваси, маймунжон, анор дони, татим, зирк, ровоч, қўзиқулоқ уруғи, қовурилган испағул, кашнич, баргизуб уруғи ва такасоқол ширасидан иборат. Гул уруғи ҳам [фойда қилади]; хом тут эса, айниқса ичак шилиниб оғришида фойдали. Буриштирувчи, қуритувчи [ўсимликларнинг] сиқиб олинган шираси ва қайнатиб қуюлтирилган шираси ҳам [фойдали]; семизўт уруғининг ширасидан бир *уқиядан* ичиб турилса ҳам фойда қилади; қайнатилган ва ҳеч бир ёғи қолмаган қатиқ ҳам шундай.

Ични тўхтатувчи иссиқлик содда дорилар: қовурилган зира, жувона, қовурилган рум арпабодниёни, кундул елимининг кукуни, *мурр*, қуруқ *майза* елими, қандул, шунингдек ладан, буни *матбух* билан бир *дирҳамдан* ичиб турилади. Қовурилган эски пишлоқни шундайлигича, ёки буриштирувчи бирор ширада қайнатиб истеъмол қилинади. Лекин пишлоқ ташна қилади, уни яхшилаш учун тузли сувда бир қанча марта ювилади, ёки

тузи чиққунча қайнатиб сўнгра қуритилади, унинг бир *дирҳами* ични тўхтатади; бу ҳар бир доридан ҳам кучли. Гоҳо [ичи кетаётган] болаларга ёнгоқ мағзини қовуриб бир чилғўза миқдоридегисини қовурилган шакар ва совуқ сув билан берилади. Турли зоклар ва панирмоялар ҳам ични боғлайди. Гоҳо эчки панирмоясидан болаларга тўртдан бир *дирҳам*, катта кишиларга эса бундан кўпроқни совуқ сувга солиб ичирилади. Қуён панирмоясидан бир *дирҳам* ичирилса, ўша ондаёқ ични тўхтатади. Панирмояларни ичиришда бир *донақдан* ичирабошлаш керак; у фойда қилмаса, бир *дирҳамдан* ошмайдиган миқдоргача кўпайтириб ичирилади. Тадбири юқорида айтилган пишлоқдан бир *дирҳам* ичирилса, панирмоядан кўра зарари озроқ ва таъсири кучлироқ бўлади. Айрим табибларнинг даъвосича, мазасиз қизил гўштдан бир бўлакни то қорайгунича куйдириб, кейин шундан ярим *дирҳам* ичирилса, албатта ични тўхтатар эмиш. Табибчилик қилувчи бир дўстим буни ўз тажрибаси билан тасдиқлаганини менга айтди. Фақат суяк еган итнинг тезаги, айниқса унинг саратонда қуригани ични тўхтатувчи кучли дорилардан бўлиб, ундан бир ярим *дирҳамни матбух* билан ичирилади.

Туя қушнинг қуритилган жиғилдони икки тарафга кўпда муносабати йўқ дорилардандир; буни уч *дирҳамдан* ичирилади. Шу миқдорни қуритиб эгов билан қирилади ва меъдаси сусайиб ичи кетаётган кишига мизожига қараб миртанинг ёки беҳининг қайнатиб қуюлтирилган шираси билан ичирилади. Қуюлгунича қайнатилган ёки ичига қизиқ тошни уч марта солиб қиздириб олинган эчки сути ҳам ўшандай ич кетишини тўхтатади. Гоҳо сутга озгина қовурилган гуруч ёки тухумнинг сиркада қайнатилган сариғидан солинади.

Совуқликка мойил мураккаб дорилар [қуйидагилар]: буриштириб тутувчи *табошир* кулчалари, *қалиндиқун* деб аталадиган маймунжон кулчалари, муҳр лойи кулчалари, анор гули кулчалари, *филзаҳра* кулчалари, «ер олати» кулчалари, заъфарон кулчалари, афюн кулчалари, ични тўхтатувчи кўкнор кулчалари, афюн ҳаб дориси, меҳригиёҳ ҳаб дориси, *мақлиёсо*, анор донининг толқони ва сандарак елими ҳаб дориси. Ҳаддан ташқари ич кетишни тўхтатиш учун икки *дирҳам* куйдирилган садафни шунинг ярмича арман лойи билан ёки турли *мақлиёсонни* муҳр лойи қўшиб ёки қўшмасдан истеъмол этилади. Уларни ҳаддан ташқари кучли қовуриш керак эмас, бунда қувватлари кетади, балки қозонни қизди-

риб оловдан олиш ва дориларни шу қозонга солиб, то қовурилгунича кавлаб туриш керак.

Озми, кўпми иссиқликка мойил мураккаб дорилар: дориворлардан қилинган кулчалар, Хузий *жуворишни*, биз «Қарободин»да баён қилган *жуворишнлар*, буриштирувчи уруғлардан қилинган *жуворишнлар*, заъфарон кулчалари ва қаҳрабо кулчалари. Яна тешилмаган кўп пўстли мози, анор пўчоғи, татим ва мурчнинг ҳар биридан ярим *дирҳам* олиб янчиб эланади ва тухум оқи билан қорилади, бир дона анорнинг ичини бўшатиб унга шу қоришмани солинади; анорнинг тешигини ўз эти билан бекитилади ва чўғ устига қўйилади.

Шундай [мураккаб дорилардан] яна бири мана бу: буғдой унини олиб озгина жувона, юлғун меваси ва индов билан аралаштирилади; буни етилмаган зайтун ёғида ивитиб хамир қилинади ва нон қилиб тандирда қуритилади, кейин шундан ўн *дирҳам* олиб янчиб совуқ сув ва бир оз шароб билан ичилади. Болаларнинг тиши чиқиш олдида ичи кетганда ишлатиладиган ва юқориги дорига ўхшаш мураккаб дорилардан бири: кўкнор, мирта донаси, эркак кундур елими ва тўпалоқнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* олиб майин янчилади ва болага унинг эмадиган сути билан бирга ичирилади. Шу хил синалган яхши дори: қуритилган майизнинг уруғини олиб уруғни тўзондай қилиб майин янчилади; куйдирилган суяк, дуб ёнғоғининг мағзи, панирмоя, қовурилган кашнич уруғи, татим, тиконжингак, петрушка уруғи, сиркада ивитилган зира, қуруқ патир нон, кундур елими ва жувонадан баробар бўлақларни олиб ҳаммасини жуда майин янчилади, — панирмояни озроқ ёки ярим бўлақ қўшиш мумкин, — ҳар соатда шу таркибдан бир *қамҳадан* ичилади; агар панирмоя бир бўлақ ёки ундан камроқ қўшилган бўлса бир кунда ичиладиган миқдори йигирма *дирҳам* бўлиши керак. Агар панирмоя кўпроқ қўшилган бўлса, бир кундаёқ ич тўхтайд.

Шу хил доридан бошқа бири: тўпалоқ, сунбул, анор гули, кундурнинг майдалари ва ярим *дирҳам* миқдорида озгина мозини олиб сувда яхшилаб қайнатиб тинитилади. Кейин сувни сузиб унга омила шираси, мушк ва яхши хил уддан аҳволнинг ижоб этишига қараб озгина сеппиб ичилади. Шунга ўхшаш бошқа бир дори: занжабил, косиблар ишлатадиган зок ва татимдан баробар бўлақларни олиб элаки қилиб икки *дирҳамдан* икки *мисқолгача* ичиб турилади. Яна шу хилда ва мўъ-

тадилликка жуда яқин дори: сунбулсоч, хушбўй сунбул, ширин ажриқнинг силлиқ уруғи, ширин ажриқ мағзи, оқ қаррак ва санавбар дарахтининг илдизини олиб кулча тайёрланади.

Билгинки, ичдан қон ўтишни тўхтатиш учун — *табоширга*, ичак сабабли ич кетишни тўхтатиш учун — маълум уруғларга ва ич бураб оғришини тўхтатиш учун — испағул ва баргизубга эҳтиёж тушади: ич суришнинг ўзини эса толқонлар, айниқса қайтадан қовурилган толқонлар тўхтатади; овқатлар биз баён қилган нарсалардан иборат бўлиши керак. Ичак сасишидан бўлгач ич суришда қайнатилган тухумнинг фойдаси бор, бироқ у жигар ва меъдадан бўлган ич кетишда ёқмайди, балки, кўпинча, зарар ҳам қилади.

Увуштирувчи дориларга келсак, баъзи вақтда у дориларга эҳтиёж тушса ҳам, уларни ишлатишда хавфхатар бор: увуштирувчи дорилар моддани қуюлтириши ва касални ухлатиши жиҳатдан, шунингдек ачишишни тўхтатиши сабабли ҳожатга тураверишни йўқотиши жиҳатдан гоҳо фойда қилади; қандай бўлса ҳам улардан қочиш мумкин бўлар экан, уларни ишлатиш керак эмас. Увуштирувчиларни ишлатиш зарур бўлса, бадани совуган ва қувватининг кучсизлашгани томир уришидан билиниб турган кишиларга ишлатилмасин. Агар уларни ишлатмаслик мумкин бўлмаса, уларга қундуз қири, заъфарон ва шунга ўхшашларни аралаштирилади. Биз афюн шамчасини тагидан кўтариб ўлган кишини кўрдик. [Увуштирувчиларни] шамча дорида ишлатиш мумкин бўлса, ичиладиган дори қилиб ишлатилмасин; қуюқ суртма қилиб ишлатиш мумкин бўлганда эса, кўтариладиган дори қилиб ишлатилмасин. Увуштирувчи қуюқ суртмалардан бири мана бу: афюн ва мингдевона уруғидан бир бўлақдан, дуб ёнғоғи мағзининг пўсти, аноргули, араб акацияси елими, кундур елими ва *муррнинг* ҳар биридан беш бўлақ олиб ҳаммасини мингдевона шираси, ёки кўкнор пўчоғининг шираси, ёки иккаласининг қайнатмаси билан қўшиб сурилса, яхши [фойда] қилади.

Увуштирувчи ва кучли буриштирувчи ичиладиган дорининг таркиби: қуён панирмоясидан икки *донақ*, афюндан ҳам шунча, мозидан ярим *дирҳам* ва кундур елимидан ярим *дирҳам* олиб кулчалар тайёрланади ва ҳар гал ярим *мисқолдан* ичилади. Яна: хом мозидан икки бўлақ кундур елими ва афюннинг ҳар биридан ярим бўлақ олинад; бундан ҳар гал бир *дирҳамдан*

ичилади. Яна: мингдевона уруғи, афюн, кўкнор, табошир, анор гули ва кундур елимидан баробар бўлак олинади; бунинг бир ичими бир *дирҳамгачадир*. Яна: сандарак елими, афюн, кундур елимининг кукуни, *мурр* ва заъфаронни олиб, иккита нўхат вазнига баробар икки дона ҳаб дори қилиб ичирилади. Улардан кўра фойдалироқ дори: мингдевона уруғи, қундуз қири, афюн, суюқ *майъа* елими, *мурр*, туёғўт, заъфарон, кундур елими ва жувонадан баробар бўлакларни олиб кўпиги тозалаб олинган асал билан қорилади; бунинг бир ичими кунор дарахтининг бир дона мевасича бўлади. Яна: куйдирилган қўрғошиндан тўртдан бир *дирҳам*, ярим *дирҳам* панирмоя, бир *дирҳам* куйдирилган суяк, бир *дирҳам* куйдирилган мози ва бир *донақ* афюн. Шунга ўхшаш мингдевона уруғининг кулчалари ва мингдевона маъжун дориси ҳам жуда фойда қилади. Яна бошқа [таркиб]: араб акацияси елими, мози, афюн ва елимининг ҳар биридан бир бўлак олиб кулчалар тайёрланади. Яна ичириладиган увуштирувчи дорининг таркиби: бу дори икки кунда ични тўхтатади; жувона, петрушка уруғи, нордон анор пўчоғи, мози ва арча бужуридан баробар бўлак ва афюндан ярим бўлак олинади; ҳаммасини сурмадек қилиб янчиб эраталаб бир *дирҳамдан* бир *мисқолгача* ичилади, кечқурун ҳам шундай; ёш болага бир *донақдан* икки *донаққача* ичирилади. Ич суришига қарши ишлатиладиган ва ич суриш билан бирга йўтали бор кишига фойда қиладиган дори — мирта, мастаки, араб елими, кундур елими, қовурилган испағул, *табошир*, шоҳбаллут, ёнғоқ ва қовурилган бодом каби нарсалардан иборат. Умуман касалга нордонлиги ва қаттиқ тахирлиги бўлмаган, балки [йўлни] тўсиш ва ёпиштириш хоссаси бўлган нарсалар бериш керак. [Тахир] нарсаларни бермасликнинг иложи бўлмаса, уларни бериб, кетидан кўкракни юмшатадиган дорилар ялатилади. Кўкнор, катино, араб елими, жингак, мирта меваси ва қовурилган крахмал, шунингдек олдин қовуриб кейин шираси чиқариб олинган нарсаларнинг шираларидан тайёрланган яланадиган дорилар иккала ишни бир йўла бажарадилар.

[Ичи кетаётган] кишиларга бериладиган овқатлар: уларнинг овқатлари ачиштирадиган, сертуз ва азият берадиган даражада нордон бўлмаслиги керак; акс ҳолда улар ҳайдовчи қувватни ҳаракатга келтиради. Овқатлари, масалан: биз айтиб ўтган йўсинда [ичига] қизиган тош солиб қайнатилган, айниқса ичида бир

неча марта қизартирилган темир ўчирилган сут; қаймоғи ҳеч бир қолдирилмай олинган ва ичига қовурилган гуруч ва сўкдан озгина қўшиб қайнатилган қатиқ юқоригидаги сутдан кўра ҳам яхшироқдир. Касалнинг қанча [сутни] ўзлаштира олиши синаб кўрилади; агар ҳеч бир ўзлаштира олмаса, олдинги миқдордан камроқ берилади. Қайнатилган сутлар ичида кўпроқ қувват берадигани сигир сути, иссиқ [мизожлилар] учун кўпроқ ёқадиган сут эчки сутидир; эчки сути буриштиради ҳам. Иссиқ [мизожлилар] учун қатиқ бошқа [сут овқат] лардан кўра яхшироқ [фойда беради]. Оқ ноннинг қовуриб, совутиб қуритилган мағзи, яна унга сирка қўшиб хамир қилиб яхшилаб пиширилган нон ҳам [яхши овқатдир]. Бу нон иссиқ [мизожли] кишиларга фоят даражада фойдали. Яна: икки марта қайнатиб сувини тўкиб, учинчи мартада қуюлгунича қайнатилиб нордон қилинган ёки нордон қилинмаган ясмиқ, шунингдек қўзиқулоқдан қилинган ош ҳам [яхши таъсир қилади]. Нордон овқатлар эса, масалан: татим, анор дони, қоқ нон ва кашнич билан тайёрланган ва баъзан ичига сиркада қайнатилган гуруч ва йирик ловия қўшилган овқатдан иборат бўлши керак, булар ундай [касаллар] учун фойдалидир. Ичи сураётганлар учун озиқ ҳамда дори бўладиган овқатлардан: арпа толқонидан икки кафт, кўкнор уруғидан бир кафт ва кўкнор пўстидан бир кафт олиб яхши қайнатилади ва тиндириб истемол қилинади; агар унга нордон олма, ёки анор дони, ёки татим толқонини қўшиб нордон қилинса, яхшироқ бўлади. Уларга *андарон* тузи ишлатилади, уни янчиб кейин яхшигина қовурилади ва анор дони, кашнич ва татим билан аралаштирилади; агар касалда қаттиқ иситма бўлмаса, эскирган ва қовуриб янчилган пишлоқ билан аралаштирилади. Бундай касалларга қандай бўлса ҳам [сувни] совуқ ҳолда ичириш керак, чунки совуқ [сув] ични боғлайди ва [ташналикни] қондиради, иссиғи эса ични бўшаштириб юргизади ва кўп ичишга мажбур қилади; лекин айтиб ўтилган шартга кўра *ҳайзада*, тиқилма ва шиш сабабли ич кетишда [совуқ сув ичилмасин]. Уларга мос келадиган гўшт чил қуши [тайхуж], каклик, тустовуқ, чумчуқ, тўрғай гўшти, шунингдек қуён гўшти, лойхўрак, мусича, олапохта ва айниқса, зағизгон гўшtidир; бу гўштларни қовуриб доривор ва нордон парсалар қўшиб ейиш яхшироқ.

Тухумнинг сиркада қайнатилган сариги ва шундан анор дони, серуруғ майиз, кашнич, татим ва шуларга

Ўхшаш нарсалар, масалан, маймунжон меваси, ток ўрмовичлари, қўзиқулоқ барги, баргизуб, қайта-қайта қайнатилган карам қўшиб тайёрланган масус [деб аталадиган] овқатлар ҳам [берилади]; сирка билан майда балиқ ҳам [уларга мос келади]. Писта гули, кашнич ва мирта уруғи дориворлар ўрнига ишлатиладиган нарсалардандир. Агар [касал] гўшти ҳазм қилолмаса, жўжа, каклик ва шунга ўхшаш нарсаларнинг гўштини қийма қилиб яхшилаб қайнатилади ва озгина гуруч ва сўк қўшилади, сўнгра сувини тиндириб олиб то қуюлишга яқинлашгунича қайтадан оловга қўйилади. Кейин татим ёки анор дони ва шунга ўхшаш нарса билан нордон қилиб берилади.

[Ичи сураётган] кишининг ҳазмини унчалик бузмаса, *кирдиноқ* ҳам жуда фойда беради. Бу овқат жуда сертуз қилинмасин ва уни санчиб кўпгина рутубатини оқизиб юбориш керак. Қовурилган гуруч қўшиб қайнатилган бақалоқлар ҳам улар учун жуда фойда беради.

[Ичи кетаётган] кишилар ҳўл мевалардан, улар буриштирувчи бўлса ҳам, бутунлай парҳез қилсинлар, лекин медалари бошқа овқатларни истамаса, [ҳўл меваларни ейишлари мумкин]. Шоҳбаллут уларга зарар қилмайди, хурмо қоқиси ҳам шундай. Агар енгил овқат уларнинг медаларида бузилаверса, бир оз гализлиги бўлган овқат, масалан: қайнатиб қуюлтирилган буриштирувчи ширалар қўшилган бақалоқ, шунингдек гуруч ва сўкдан тайёрланган суюқ ошлар берилади. Гоҳи уларнинг баъзи бирларига қориндан тайёрланган *қарис* ва шунга ўхшаш овқатлар, яна қорамол гўштининг яхши жойларидан тайёрланган *сикбож* исмли овқат фойда қилади. Сикбожнинг ёлғиз ўзига нон тўғраб, ёки иштаҳа кўтарса, ҳазм қувватига қараб озгина гўшtidан ҳам қўшиб истеъмол қилинади. Қориндан тайёрланган овқат умуман ичи кетаётганларнинг ҳаммасига ёқавермайди. Уларга ёқадиган суюқ ош: кўкнорни яхшилаб қовуриб, кейин шундан гуруч ва сўк қўшиб суюқ ош қилинади, агар касал истаса, бунга татим, анор дони ва шу кабиларни қўшиб нордон қилиб ейди. Ёки қуриган қоқ нон, гуруч ва эчки буйрагининг ёғидан суюқ ош қилиб берилади. Ёки татимни ёмғир сувида бир кеча-кундуз ивитиб қўйиб секин қайнатилади; сўнгра сувини тиндириб кейин шунга тариқни ивиғунича қўшиб қўйилади, сўнгра қайнатилади ва яхшилаб эзиб, сувини олиб турпини ташланади. Сўнгра сувини оловда то

елимдек бўлгунича чўп билан ковлаб турилади. Кейин озгина туз қўшиб мазали қилинади, бунга ёғли нарсалардан эчки боласининг ёғи, ёки қовурилган бодом ва бир оз зайтун ёғи қўшилади; бунга туз ва ёғни кўп қўшилмайди. Иссиқ ва совуқ ҳолда истеъмол қилинадиган овқатлари шундай бўлади. Етилмаган зайтун ёғи ҳам уларнинг овқатига қўшиладиган ёғлардандир.

[Ичи сураётган] кишилар ёмғир сувини ишлатишлари керак, чунки ёмғир сувида буриштириш хоссаи бор. Гумонимча, ёмғир сувининг кўпроқ фойдаси — жигарга тезроқ тортилиб ва тезроқ шимилиб кетиши ва натижада килусда рутубат қолмаслигидир.

Бундай кишиларга шароб ёқмайди. Агар шароб ичмасликнинг иложи бўлмаса ва ичилганда қувват кўтариладиган бўлса, буриштирадиган мазали қора шаробдан бир оз ичилсин. Улар хилма-хил овқат емасликлари ва қайта-қайта овқатланмасликлари, балки биргина хил овқатдан озгина ва бир марта ейишлари керак. Овқатдан олдин буриштирадиганроқ нарса тотинишлари, беҳи ва нордон анордан бир оз шимишлари ва овқатланиб туриб сув ичмасликлари керак. Агар ҳеч бир сув ичмасликка чидаёлсалар, айниқса овқат еб бўлиб ҳеч бир қўзғалмасалар, шунинг ўзи ич кетишига қарши яхши чора бўлади. Овқатни юқорига тортиш учун ичи кетаётганларнинг юқори томонларини уқалаш ва меъдасига аҳволнинг кўтаришига қараб буриштириб тутувчи совуқлик, иссиқлик ёки совуқ-иссиқ аралаш қуюқ суртмалар боғлаш керак. Шу қуюқ суртма дориларга сунбул, мастаки, *мурр* ва қоқ нон қўшилиши лозим. Шу дориларга *майсава*н қўшилса, кўп фойдали бўлади. Ич кетишда меъда ва жигар бир-бирига ҳамкор бўлсалар, [латтага суриб] иккаласининг оралиғига қўйиладиган яхши дорининг таркиби қуйидагича бўлади: эрмандан ўн бўлакни қайнатиб тиндирилади, кейин латтага суриб меъда ва жигар оралиғига қўйилади; сўнгра гул, анор гули, қуруқ мирта, араб акацияси елими, така соқол шираси ва мозидан баробар бўлақларни олиб мирта суви билан аралаштирилади ва мазкур [ўн бўлак] эрман билан қориб қуюқ суртма қилиб боғланади.

Билгинки, ҳушни кеткизадиган, қувватни туширадиган, шиш ва қаттиқ иситма сабабли бўлмайдиган ҳар бир ич кетишига қарши тарёқ жуда фойдалидир. Кишининг ич кетиши тўхтатилган бўлса ҳам, унинг қувватсизлиги кетмаса ва бадани овқатни қабул қилмаса,

у кишига чумчуқ ва ёш жўжаларнинг кўкрак гўштрини товада қовуриб ва кабоб қилиб берилади. Лекин уларнинг қанот ва сон гўштрари берилмайди, чунки улар кечикиб қўйига тушади. Иштаҳаси кучли, бироқ ҳазми кучсиз кишига ҳам шу нарсалар, шунингдек зайтун ёғи билан қовуриб устига дорчин сепилган [ёғсиз] қизил гўшт берилади, уни беҳи ва олма шарбатидан ивителиб ҳам берилади. Қон аралаш ич кетаётганда ишлатиб, биз тажриба қилган тадбирлардан бири ичига қиздирилган тош солинган эчки сутини беришдир.

ҚУЛАНЖ КАСАЛЛИГИ ВА АХЛАТНИНГ ТУХТАЛИБ ҚОЛИШИ

Қуланж — ичакка оғриқ берувчи касаллик бўлиб, бунинг натижасида табиий равишда чиқадиган нарса [ахлат]нинг чиқиши қийинлашади. Қуланж ҳақиқатда йўғон ичак, [яъни] қулун ва унга ёндош ичаклардаги сабабдан бўладиган [касалликнинг] исми; у касаллик эса ўша ичакларнинг совуқлиги ва қалинлашуви сабабли зўраядиган оғриқдир; уларнинг совуқлиги сабабли ёғи ҳам кўп бўлади. Бундай [касаллик] ингичка ичакларда бўлса, унинг махсус исми — сўзни тўғри ишлатилганда, — *илувус* бўлади, лекин айрим жойларда *илувусни* қуланж деб аталади, чунки у қуланжга жуда ўхшайди.

Қуланжнинг сабаблари, баъзан, қулуннинг ўзида, баъзан эса бошқа ичакда бўлиб, қулуннинг ўша ичакка ҳамкорлиги сабабли [касаллик] унга ўтади. Қулуннинг ўзида бўладиган хос сабаблари ё бузилган ва моддасиз иссиқ совуқ, ёки қуруқ мизож бўлади; иссиқ [мизож] кучли қуритиши ва озиқни жигарга юбориб ҳайдаши сабабли таъсир кўрсатади; совуқ мизож эса [рутубатни] қотириши ёки азият берувчи бузуқ мизожни туғдириши орқали таъсир кўрсатади; бундай ҳол, кўпинча, совуқ мамлакатларда ва шимол томондан ел эсганда юз беради. Совуқлик қорин мушагини тортиштиради ва унинг иссиғи ичга кириб ахлатни қуритиб юборади, шунингдек у орқа тешик мушагини ҳам кучли тортиштириб, ахлат ва ахлатга биргалашган нарсаларни юқорига томон ҳайдайди; [совуқ] мана шу сабабли қуланж пайдо қилади. Қуруқ мизожда ахлатни сирғантирувчи ҳўлликнинг йўқлиги, ҳўлликни қуритувчи ва шимувчи нарсанинг борлиги сабабли, у ҳам шундай таъсир кўрсатади. Бузилган ва моддасиз ҳўл мизожга келсак, бу мизожнинг ўзи қуланжга сабаб бўлмайди,

лекин бу мизождан бирор [касаллик] пайдо бўлиб, шу касаллик совуқ ёки моддали қуланжга сабаб бўлиши мумкин.

[Сабаб] моддали бузилган мизож бўлиши ҳам мумкин; унинг [моддаси] алангали, ачиштирувчи, узлуксизликни бузувчи ва ичак оғриғи орқали қуланж пайдо қилиш даражасига ўтаётган иссиқ модда бўлади, ёки у совуқ модда бўлиб, бу модда ё [қулун мизожига] зидлашадиган бузилган совуқ мизож сабабли, ёки ўзи ўтаётган жойда узлуксизликни бузиши сабабли оғриқ пайдо қилади; лекин бу [хил оғриқ] ҳақиқий қуланж эмас. Гоҳо совуқ мизождан ичак танасида бирин-кетин ел туғилиб қуланж пайдо бўлади. Баъзан савдо хилти ҳам қуланж оғриғини ёки шунга яқинлашадиган оғриқни келтириб чиқаради. Баъзан бундай [оғриқ] вақти вақти билан ва овқат ёйилган пайтда пайдо бўлиб, савдога ўхшаш аччиқ бир нарсани қусиб ташланса тўхтайдди; лекин шу хил оғриқдай кўпинча, аъзоларнинг совуқлиги, ҳазм бузилиши, шунингдек овқатлар, мевалар ва сабзавотлардан туғилаётган балғам қусилади. Қуланжнинг хос сабабларидан бири ахлат, хилт ва елларнинг ўтиб кетишига тўсқинлик қилувчи тиқилма бўлишидир; улар ҳайдалиб, тиқилиб оғриқ ва кучли тортишишни келтириб чиқаради. Бундай тиқилма, кўпинча, шиш бўлмаганда кўричакнинг тўлишидан вужудга келиб, сўнгра қулунга ўтади. Бу хил тиқилма ичакдаги шишдан бўлиши ҳам мумкин, бундай [шиш], кўпинча иссиқ шиш бўлади, ёки у ичак бўшлиғини тўлғизиб тўсувчи ёпишқоқ балғам хилтидан иборат бўлади; кейингиси кўпроқ учрайди ва бунга иситма фойда қилади. [Ичакка] ёйилган елдан ўраштирувчи ел сабабли ичакнинг буралишидан, [ичак] бойлоғининг узилишидан сувли дабба, ёки мутлақо даббалик юз бериб, ичакнинг чот ораси ва мояк қопига тушишидан, ёки ундан юқорида даббалик юз беришидан ёки ичакда йиғилган гижжалардан, ёки қуринган ахлатдан ҳам [қуланж] вужудга келади. Ахлат қуруқ овқатларнинг чиқиндисиз бўлиши ёки узоқ вақт туриб қолиши сабабли қурийди; [ахлатнинг] узоқ вақт қолишига ичаклардаги ҳайдовчи қувватнинг кучсизлиги сабаб бўлади. Ахлатни ҳайдовчи қувватни увуштирувчи бирор нарса ичилиши сабабли ахлат, кўпинча, узоқ вақт тўхтаб, шу билан бирга қотиб ҳам қолади. Ёки бунга қорин мушагидаги сиқиб чиқарувчи қувватнинг кучсизлиги сабаб бўлади, масалан, жинсий алоқани кўп қилувчи кишиларда шундай бўла-

ди, ёки ичак сезгисининг йўқолиши, унга [овқатни] ҳайдаб [ичакни] юувчи ўтнинг оз қуйилиши, мосориқонинг ичакдан кўпгина рутубатни эмиб олиши, сийдикнинг ҳаддан ташқари кўп ҳайдалиши, терлатувчи бадантарбия ҳам [ахлатни қуритади]; ёки бирор мизождаги баданнинг жуда ғоваклиги ҳам бунга сабаб бўлади, чунки бунда баданни ўраб турган иссиқ ҳаво ичдан намликни кўпроқ тортади. Шунинг учун иссиқ сувда чўмилиш ични тўхтатувчи нарсалардан саналади; бадан ғовак бўлмаса ҳам ичдаги ҳўлликларни тортиб олиш даражасига етган иссиқ ҳаво сабабли ёки оқма тешик [носур]нинг ғовак қилиши сабабли ҳам [ахлат қурийди]. Гоҳо бунга шишагарлик, темирчилик ва қуувчилик каби иссиқликка чидашга мажбур қиладиган ҳунар сабаб бўлади; қориннинг ўзидаги қуритарлик даражада жуда иссиқ бўлган мизож ҳам [ахлатни] қуритиб юборади. Қоринга қуйилувчи иссиқ ўтнинг кўпайиши ҳам айрим ҳолларда ўша иссиқ мизожга сабаб бўлади; шу иссиқ ўт озлиги ёки моддасининг қуруқлиги сабабли куйишга қобилиятли бўлган ахлатга учрашса, уни куйдиради, бироқ бу кам учрайди, аммо, кўпинча, ўша иссиқ ўт ични суради. Бу хил қуланж камроқ учраса ҳам юз берганда ичакка азият бериб, уни чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ оғритади.

Баъзан ташқаридаги ҳавонинг жуда совуқлиги ҳам бадан ҳароратини ичкарига қамаб [қориннинг] исишига сабаб бўлади, шу билан бирга у, сийдикни юргизиб орқа тешикни буриштиради, натижада ахлат юқорига қараб ҳайдалади. [Ниҳоят] ичак ва қориндаги қуруқ мизож сабабли, ёки *заҳир* ва шиш сабабли ҳам [ахлат] тўхталиб қурийди. Айрим кишилар тўхталган ахлат баъзан тошдек қотиб майда тошга ўхшаб ҳам чиқади, дейдилар.

Ҳамкорлик билан бўладиган қуланж касаллигига келсак, у шундай [пайдо бўладики], масалан, жигар, сийдик пуфаги, буйрак ёки талоқда шиш пайдо бўлиб, ҳамкорлик йўли билан ўша шиш ичакни сиқади ва тириштириб [ахлатни] тўсади. Яна, масалан, буйракка тош келиб оғриганда ҳам ичак унга ҳамкорлик қилиб, натижада унинг хилтларни ҳайдаш қобилияти заифлашади ва хилтлар ичакда тўхталиб [буйрак] тошининг ҳамкорлиги билан қуланж касаллиги юз беради; лекин тошнинг оғриги қуланж оғригига ўхшаш бўлади, буни зийрак ва билимдон [табибгина] ажрата билади; улар орасидаги айирмани белгилар бобида айтамиз.

Гоҳо қуланж ва *иловус* кенг тарқалувчи вабо касалликлари каби тарқалиб, шаҳардан-шаҳарга ва кишидан-кишига ўтади. Буни бир қадимги табиб ҳикоя қилади, унинг айтишича, қуланж баъзи кишиларда ўлдирадиган тутқаноққа, баъзи кишиларда эса қулун ичагининг сезгиси соғлом бўлатуриб, бўшашишга ва ўрнидан қўзғалишига олиб келади; кейинги ҳолда қутулишга умид қилинади. Бу, кўпинча, *иловусда* бўлиб, *иловус* бухронга кўчгани каби қуланжга айланади. Яна ўша кишининг айтишича, баъзи табиблар у касалларни даволашда ажойиб тадбир қўллаб, уларга коҳу, сачратқи, ғализ балиқ гўшти, ҳар бир туёқли ҳайвон гўшти ва поча-бақалоқларни [пиширтириб] совутиб едирганлар, совуқ сув ва нордон нарсалар ичирганлар. Шундай қилиб, ҳамма касаллар тузалган, фақат юқорида эслатилган тутқаноқ ва фалажга йўлиқмаган кишиларгина [тузалмаган]; тутқаноғи энди бошланаётган баъзи бир кишилар ҳам тузалган.

Гоҳо қуланж тортишиш касаллигига учраган кишиларда пайдо бўлади, чунки улар қуйи ичаклардаги нарсаларни тўхтатишга ожизлик қилганидек, юқори ичаклардан ахлат ва хилтларни ҳайдашга ҳам кучлари етмайди. Баъзан киши мизожининг совуқлиги ҳам қуланжга сабаб бўлади. Бироқ қуланж, кўпинча, қуюқ шиллиқдан, сўнгра тўхталиб қолувчи ёки ичак қатламларига ва толаларига ўтиб узлуксизликни бузувчи елдан бўлади; ел меъдада унинг кенглиги, [мизожнинг] иссиқлиги ва иссиқ аъзоларга яқинлиги сабабли тарқалади, юқори ичакларга эса уларнинг юпқаликлари сабабли тарқалади; бошқа ичакларда ел тўхталади, чунки улар совуқ, тор, кўп букилган ва қатламлари пишиқ бўлиб, юқори ичаклардаги аҳволга зиддирлар.

Елдан бўладиган қуланж ўзига ёрдам берадиган моддадан холи бўлмаса ҳам, уни моддага нисбатлаб аталмайди, чунки [ўша модданинг] ёлғиз ўзи [ичакдан] чиқариладиган нарсанинг йўлини тўсмайди ва ўзича оғритмайди, балки ўзидан пайдо бўладиган нарса [яъни ел] орқали оғриқ беради. Шиллиқдан бўладиган қуланжда эса, унинг ўзи йўлни тўсиб оғриқ бераверади. Қуланжнинг бошқа турлари булардан кўра камроқ учрайди. Сув кўп қўшилган шароб, сабзавотлар, айниқса қовоқ ва ҳўл мевалар, хусусан узум, шунингдек уларни истеъмол қилиб устидан сув ичиш ва ҳаракат қилиш, жинсий алоқа, елни чиқариб юбормай ушлаб туриш, ичакка қаттиқ совуқ тегиб уни совутиб зичлаш-

тириши ичакларни қуланжга, айниқса елдан бўладиган қуланжга қобилиятли қилувчи нарсалардан саналади.

Қовурилган тухум, нок, буриштирадиган [нордон] беҳи, нон толқони, қовурма толқон, сўк, гуруч ва шунга ўхшашларни ейиш, жинсий алоқани кўп қилиш, — айниқса гализ овқатдан кейин, — ахлатдан бўладиган қуланжга ичакларни қобилиятли қилувчи нарсалардан ҳисобланади; [ҳожатга чиқмай] ахлатни тўхтатиб туриш ҳам шундай қуланжга йўлиқтиради. Қуюқ хилт ёки ахлатдан бўладиган ҳар бир қуланжда, кўпинча, аввал кўричак моддага тўлиб, кейин у бошқа ичакларга ўтади. Кўричакдаги модда бўшатиlmаса, тугал ёзилиш бўлмайди. Баъзан қуланж юқоридан [келувчи моддадан] ёрдам олиб [зўраяди], шунда қачон ҳуқна ёки пахтадоғ қилинса, [юқоридан] модда тушиб оғриқ кўпаяверади. Қуюқ ел, шиллиқ ёки бузилган совуқ мизождан бўладиган қуланж оғриқларини иситма босади; [иситма] елдан бўладиган қуланжда энг фойдали нарсадир.

Сууюқ модда қўл-оёққа ҳайдалиб мушакларга эмилса, қуланж, кўпинча, фалажга айланиб тузалади. Гоҳи бўғин оғриқлари — қуланжнинг бухрони бўлади. Қуланж, баъзан балғам ёки қондан бўладиган ва томирдан қон олиш фойда қиладиган орқа оғриғига айланади, чунки иссиқлик ва етилтирувчи қуланж дорилари хом моддаларни етилтириб [орқага ҳайдайди]. Агар [қуланж] васваса, меланхолия ва тутқаноққа айланса, бу ёмон. Баъзан қуланж истисқога айланади, чунки у жигар мизожини бузади.

Агар қуланж бўғин оғриқлари ва шунга ўхшаш оғриқлар билан бир вақтга тўғри келса, у оғриқлар уч сабабдан сезилмайди: кучли оғриқ кучсизроқ оғриқни унуттиради, моддалар ичак оғриган [жой] томонга боради, оғриқ, очлик ва уйқусизлик чиқиндиларни йўқ қилиб юборади. Ахлат узоқ вақт тўхтаб қолса, қоринни шиширади, кейин ўлдиради. Қуланж аъзолари кучли бўлиб, чиқиндиларни қабул қилмаса, кўпинча, у нарсалар юқорига чиқиб бош касалликка чалинади. Қуланж, кўпинча, [сууюғи кетиб] қуюғи қоладиган ич кетишларидан кейин ҳам пайдо бўлади. Қуланж ва ичак оғрини даволаш, кўпинча, ҳиқичоқ келтиради.

Умуман қуланж касаллигининг белгилари. Ҳақиқий қуланжнинг ўрнашиб олишидан бурунги белгилар: чиқариладиган ахлат озаяди, ўз вақтидан кечикиб чиқади, иштаҳа камаяди, ҳатто бутунлай йўқолади, ёғли

ва ширин нарсаларни кўнгили истамайди, фақатгина нордон, аччиқ ёки шўр нарсани бир оз истайди, касалнинг кўнгли айнаб ўқчийди, айниқса ёғли ва ширин нарса тотинганда ёки ёғли нарсанинг ҳиди бурнига кирганида, шундай бўлади, ҳазм кучсизланади, доимо ичак бураб оғрийди, тез-тез сув ичиб туришни истайди, орқа ва иккала почка оғриб туради. Кейин бу белгилар кучайиб ич тўсилиб тўхтайдди, ахлат ва ел чиқмайдиган даражага яқинлашади, баъзан кекирик ҳам тўхталлади. Ичак оғриғи зўрайиб, кишининг қорни парма билан тешилаётгандай, ёки ичакларига жуводиз қадалиб тургандек ва қимирласа, санчилаётгандек туюлади. Ташналик кучайиб, касал кўп сув ичса ҳам қонмайди, чунки мосориқонинг қоринга ёндошиб турган оғизларида тиқилмалар пайдо бўлиши сабабли ичилган [суюқлик] жигарга ўтмайди. Гоҳо айрим касалларда бадан туки сабабсиз ҳурпайиб, титраш кўпаяди. Қуланжга учраган кишининг ичидан бирон нарса чиқаришга тadbир қилинса, катта ва кичик ғўлак сингари қумалоқ ва сув юзида сузадиган нарсалар чиқади. Бемор кетма-кет ўт ва балғам аралаш қусади; касал, кўпинча, дастлаб балғам аралаш қусиб, кейин ўт аралаш қусади, сўнгра баъзан гандано ва зангор рангли бир нарса қусади; гоҳо савдо жинсидан бўлган парча-парча нарса қусади, чунки хилтлар оғриқ, уйқусизлик ва иссиқ дорилар сабабли бузилиб куйиндига ўхшаб қолади. Меъданинг ичакларга ҳамкорлиги, модданинг кўплиги ва қуйига томон йўл тополмаслиги сабабли касал кетма-кет қусаверади; кўпинча, ўтнинг ичакларга томон борадиган йўли тўсилиб, у юқорига чиқиб ташланади, шунинг учун қуланжда сийдик қизаради, чунки ўтнинг кўп қисми буйракка боради, олдида тиқилма борлигидан турилиб [тўлиб] қолган ўт қопига томон йўл тополмайди.

Оғриқ ҳам сийдикни қизартиради, буйракнинг оғриқда [ичакка] ҳамкорлигидан ҳам [сийдик] қизаради. Шунинг учун гоҳо сийдик тўхталиб ҳам қолади. Гоҳо [қуланжнинг] бошланишида сийдик нўхат суви ёки пишлоқ суви рангида бўлади. Баъзан касалда кучли юрак ўйноғи юз бериб, кўкрагини қўли билан ушлаб туришга мажбур бўлади, баъзан совуқ тер чиқариб ҳушидан кетади.

Бехавотир қуланжнинг белгилари. Бехавотир қуланжда ич тўхталиши кучли бўлмайди, оғриқ кўчиб юради, гоҳо у анча енгиллашиб, кейин қайтадан пайдо

бўлади. Ел ва ахлат чиқарилганида ва ҳуқна ишлатилганда, касал ўзини жуда енгил ҳис қилади: шу белгилар зидди оғир қуланжда бўлади.

Қуланждаги ёмон белгилар. Оғриқ қаттиқлашади, қусуқ келаверади, совуқ тер чиқиб туради, қориндаги оғриқнинг кучлилиги сабабли қўл-оёқ совуйди, қон ва руҳ қорин томонга боради. Агар кетма-кет ҳиқичоқ, ақл чалкашиши ва *кузов* пайдо бўлиб, чиқариладиган ҳамма нарса тўхталса ва у ҳеч қандай тадбир билан ҳам чиқмаса, бундай қуланж ўлдиради. «Қам учрайдиган белгилар»да айтилишича, кишининг қорни оғриб, қошида боқила катталигида қора чиқиқ кўринса, кейин у ярага айланиб икки ёки кўпроқ кунгача қолса, у киши ўлади; бундай киши касалликнинг бошланишида оғир ва кўп ухлайди, шу пайтда нафас олиши яхши бўлса ҳам, унинг соғайишдан далолат бериши кам учрайди, [агар у] ёмон бўлса, қандай далолат бериши маълум!

ҚУЛАНЖНИ ДАВОЛАШ ҚОНУНИ

Қуланжни даволашни кечиктириш керак эмас, унинг бошланғич аломатлари сезилиши биланоқ, [баданда] тўлиқлик пайдо бўлишидан сақланиш ва тезда керак бўлган даражада тозаланиш лозим. Агар қуланж ейилган овқатдан кейин пайдо бўлса, дарҳол бу овқатни ва у билан бирга хилтлардан чиқарилишга тегиш бўлганини [ич] тоза бўлгунга қадар қусиб ташлаш керак. Қусиш ҳўлликдан ва сафродан [бўладиган] қуланжнинг моддасини ҳам қайтаради. Борди-ю қусиш ортиқ даражада давом этса, қусишни тўхтатиш учун қўлланиладиган дорилар ёрдамида уни тўхтатилади. Бунинг учун яхши [дори] боғ ялпизининг анор сувидан [қўшиб] тайёрланган шаробига бир оз зира ва татим солинганидир.

Устидан сурги ичишга шошилиш тўғри бўлмаган тадбирлардан биридир, чунки баъзан тиқилма кучли, хилтлар ва [ахлат] қумалоқлари қаттиқ ва катта бўлади; тиқилманинг устига юқоридан хилт йўлланган тақдирда, у чиқадиган йўл топа олмайди, [натихада] кўрилган тадбир, кўпинча, катта хатарга олиб келади. Демак, [даволашни] аввало биз кейинроқ таърифлайдиган, балки содда дорилар бобида айтиб ўтилган қари хўрознинг шўрваси каби сирғантирувчи, юмшатувчи

дорилар ичиришдан бошлаш керак бўлади. Бундан кейин эса, юмшатувчи ҳуқна қилинади. Агар шу вақтда [касалда] иситма бўлса, хилт ва қумалоқларни пастдан оз-оздан тушириш учун [беморга] хўроз шўрваси ўрнига арпа суви берилади. Қумалоқлар ва ғализ хилтларнинг бутунлай чиқиб кетганлиги сезилган чоғда, устанд бирор нарса ичиришга эҳтиёж туғилса, бундай нарса ичирилади. Устанд кетма-кет қусиб тозаланиш имконияти бўлганида эса қайт қилдирилади.

Модданинг манбаи меъда ва юқори ичаклар бўлганда ҳамда меъданинг кучсиз ва кўп хилтли эканлиги, киндик юқорисида тўлиб кетиш ва оғирлик мавжудлиги билангина устанд сурги ичишга бўлган зарурият кучаяди. Демак, буларнинг ҳаммаси устанд сурги ишлатишни тақозо этади. Шунингдек, қуланж ичак шилиниши кетидан пайдо бўлганда ҳам уни устанд [дори юбориб] даволаш яхшироқ бўлади. Бу қуланжнинг меъдада ва юқори [ичакларда] бошланадиган туридир; бу ерларда туриб қолган модда бўлиб, сўнг бу модда бирин-кетин оҳиста-оҳиста зарарланган ичакка йўналади ва у бориб етган сари оғриқ ҳам зўрая боради. Бу ҳолда модданинг бошланғич жойини тозалашга эҳтиёж туғилади, шунда агар сурги ичирилса, у ё моддани чиқариб юбориб, [беморни] роҳатлантиради, ёки моддани пастга бир жойга оқизади. Бу ҳолда бир марта қилинган ҳуқна ёки бундан илгари ишлатишга эҳтиёж сезилган ҳуқналар сонидан камроқ ҳуқна моддани тозалаб [чиқариб] юборади.

Агар устанд дори ичишни талаб қиладиган аниқ зарурият бўлмаса, менимча, мутлақо устанд бирор нарса ичирилмай, ҳуқна қилиш билангина чекланилсин. Негаки, қуланж, кўпинча, бўшатувчи дорилар билан батамом чиқиб кетмайдиган ёпишқоқ ғализ хилт туйфайли пайдо бўлади. Устанд дори ичилган тақдирда, бу дори [моддани] меъда ва ичакнинг ўзидангина эмас, балки бўшатишга эҳтиёж бўлмаган бошқа жойлардан ҳам чиқариб юборади, бу, сўзсиз, заифликни келтириб чиқаради. Агар шундай бўлса-ю, кейин ичакни тозалашга бўлган эҳтиёж кўп ҳуқна ва кетма-кет бўшалишларни талаб қилса, қувват жуда ҳам заифлашиб кетади. Шундай бўлгач, имкон борича ҳуқна ва унинг ўрнига ўтувчи нарсалар билан чекланиш лозим; булар ичаклардаги хилтларни топгунга қадар бошқа жойлардаги хилтларни топмайди ҳамда бошқа аъзоларда кўп бўшалиш воқе бўлмайди.

Оғриқ туғдирувчи ёпишқоқ хилт туфайли ҳуқнани кўп марта, қайта-қайта ишлатилгандаги хатар баданинг ҳамма жойларидан [моддани] тортиб олувчи устдан ишлатиладиган дорилар ёрдамида бўшалишдаги хатардек бўлмайди. Борди-ю ҳуқна ташқарига ҳеч нарсани чиқармаса, модда ҳам ҳали пишиб етмаган бўлса, бунда бир оз сабр қилинади ва ҳуқна, — айниқса ўткир ҳуқналар, — ишлатилмайди. Чунки буларни ишлатиш вақти [модда] пишиб етилгандан кейин бўлади, бунинг устига ўткир ҳуқналар юрак ва мия учун хавфли бўлиб, кўпинча, ҳуқна қилинганда у [ични] суриш ўрнига бошни оғритади ва [юракни] нотинчлантиради. Бу ҳолда [беморга] устдан ёрдам бериш лозим бўлади.

Баъзан ич суриш юқоридан бўлиб, тиқилма эса пастда бўлади. Бунда токи [модда] якка бир жинсга айлангунича устдан буриштирувчи дорилар бериб уни қуюлтирилади, шундан кейингина [ични] бўшатилади. Борди-ю, шу тобда [беморнинг] иситмаси бўлса, ҳуқналарни юмшатиш ва эҳтиёж бўйича гоҳо уларга икки ярим *дирҳамгача* [қўшиладиган] тузнинг шўрлигини кесиш учун ҳуқналарга [солинадиган] ёғни кўпайтириш лозим бўлади.

Агар ҳуқна ҳеч нарсани туширмайдиган бўлса, унга ачитилган ёки қуруқ *иёраж фиқро* ичирилсин; буни [касал] *шаҳриёрон* ва *тамрийларга* ўхшаш нарсалар истеъмол қилганидан кейин қилинади. Бундай касалларга ишлатиладиган *иёражни* дарахт пўкаги билан кучайтириш ярамайди, чунки у ички аъзоларга чуқур шўнғиб кириб, [узоқ] туриб қолади. Меъдада [овқатдан] бирор нарса бўлган вақтда ҳуқна қилиш керак эмас, чунки у [овқатни] хом ҳолда пастга тартади. Ҳуқнани узлуксиз қила бермай, орада маълум вақтни ўтказиб туриб қилиш лозим. Сафродан бўлган қуланжга келсак, унинг зўрайиши «олтин ҳаб» билан тўхтатилади.

Гоҳо бадандан [хилтни] тортувчи дорилар ичакларга бошқа ёмон хилтларни [ҳам] тортиши содир бўлади; баъзан эса улар [ичакларга] шилувчи хилтларни тартади, натижада қуланж ва ичак шилиниши бирга воқе бўлади; бу ҳалокатга олиб келадиган офатлардандир.

Қуланж касалида ичириладиган сурги дориларнинг энг ёмони, ҳажми кўп ва [киши] ундан жирканадиган бўлиб, у меъдада қолмайди. Аксинча ҳаблар, *иёражлар* ва барча хушбўй ва ҳажм жиҳатидан кам бўлган нарсаларни ичириш яхшироқдир. Қоринда қамалиб қолган нарсанинг буғлари ва қуланж касаллигининг кўп тур-

ларида ишлатиш лозим бўлган ўткир дориларнинг буғлари [мияга] йўналмаслиги учун бошга жуда катта эътибор бериш керак. [Агар улар бошга йўналса] баъзан васваса ва ақлдан озиш касалларига олиб келади, бу эса қуланж касаллигида жуда қўрқинчлидир. Бундан туғиладиган ёмон [оқибатлардан] бири табиб касалдан унинг ҳолатини [сўраб] билиб ололмаслиги ва натижада керакли давога йўл топа олмаслигидир. Бошни эҳтиётлаш совуқ хушбўй нарсалар, совуқ ёғлар ва биз юқорида айтиб ўтган бошнинг мизожини совутувчи нарсаларни [қўллаш] билан бўлади.

Баъзан ичакни қиздиришга бўлган эҳтиёж жигарни совутишга бўлган эҳтиёж билан бирга [юз] беради; кейингиси жигар [усти]га қўйиладиган совуқ қуюқ суртма ва шунга ўхшашлар билан эришилади, жигарнинг ўрни қоринга қўйиладиган қуюқ суртмалар ва унга ишқаланадиган иссиқ дорилар таъсиридан сақланади. Юракнинг ҳолати ҳам шундай. Уни совутувчи нарсаларнинг мувофиқроғи кофур ва сандал қўшилган совуқ ширалардир. Бу нарсаларни [ишлатилганда] бир [аъзога] хос бўлгани иккинчи [аъзо] устига оқиб ўтишининг олдини олиш учун ичак, юрак ва жигар чегараларини латта, хамир ва шунга ўхшаш нарсалар билан тўсиб қўйилади.

[Қуланж билан] оғриган киши кўп ташна бўлади, аммо у камроқ ичиши, сабр қилиши лозим. Бу озгина [ичимлик]ка бир оз гулоб аралаштирилган бўлса, ташналикка жуда фойдали нарса бўлади, чунки бадан ширин нарсани яхши кўради ҳамда [гулоб сувни баданга] яхши ўтказади.

СОВУҚ ҚУЛАНЖНИ ДАВОЛАШ

Совуқ қуланжни даволаш тадбирига келсак, бунда, [тиб] қонуни бўйича, увуштирувчи дорилар ишлатишга шошилинимасин. Увуштирувчи дорилар билан оғриқни қолдиришга шошилган кишилар катта хатарли иш қиладилар, чунки увуштирувчи дорилар ишлатиш, бу — ҳақиқий даволаш эмас; ҳақиқий даволаш — [касалликни пайдо қилган] сабабни йўқотишдир, увуштириш эса, бу сабабни кучайтиради ва уни ҳис қилишни йўқотади: агар [қуланжнинг] сабаби қуюқ хилт бўлса, бу хилт яна ҳам қуюқлашади, совуқ бўлса ёки [касал кишининг] ўзи совуқ мизожли бўлса, у совуқлик яна ҳам зўраяди; агар сабаб зич ел бўлса, у янада зичлашади;

агар сабаб ичак жисмининг қалинлиги бўлиб, ичакдаги туриб қолган нарса тарқалмай турган бўлса, у яна қаттиқроқ зичлашиб кетади ҳамда [оғриқ] бир, икки ёки уч кунлардан кейин илгаридан кўра қаттиқроқ бўлиб қайталайди. Демак, [ҳали] бошқа илож бор экан, увуштириш билан мумкин қадар шуғулланмаслик керак. Балки [қуланжни пайдо қилган] сабабни йўқотиш, тўхтатиш ва тарқатиш билан ҳамда туриб қолган нарсаларни [чиқариш учун] ўтиш йўллари бўшаштириш орқали кенгайтириш билан шуғулланиш лозим. Кўпинча бунга қаттиқ қиздириб юбормайдиган латифлаштирувчи дориларни [қўллаш] билан эришилади. Бу дори кучли қиздирувчи бўлиб, моддага тўсатдан таъсир кўрсатган тақдирда, унинг моддани эритиши натижасида қўзғаладиган ел, у ҳайдаётган елдан кўп бўлиб кетишидан қўрқинш керак. Аксинча, [дорининг қиздириш] даражаси елни кучли тарқатувчи, ҳўл моддани эса кучли тарқатмай латифлаштирувчи ва пиширувчи бўлиши керак. Бунинг учун баъзан овқат ва ичимликлардан бир неча кун ўзни тийиш кифоя қилади. Шунингдек, пахтадоғ қилиш [ҳам] баъзан қаттиқ оғриқ қўзғатади; бундай вақтда ёки бутунлай пахтадоғ қилинмайди ёки аввалги пахтадоғдан қўзғалган елни тарқатиш учун уни такрорлашга ва кўпайтиришга зарурият туғилади.

Сўнгра, агар ахлат қамалиб қолган бўлса, бўшатувчи ҳуқналар ишлатилган вақтда ўзининг шиллиқчилиги туфайли сирғантирувчи бўлган ҳуқна [дориларни], ёғларни ва ахлатли [қуланжда] ишлатиладиган дориларни қўллай бошлаш керак бўлади; бундай [ҳуқна дори] фақат ахлатли қуланжни даволашга яроқли бўлади. [Қуланж] елдан бўлганда ҳам шундай қилинади. Сўнгра, қуланж шиллиқли бўлганда эса, шиллиқни бўшатувчи ҳуқналар ишлатилади, агар қуланж елдан бўлса, елни тарқатувчи ва бўшатувчи ҳуқналар қўлланади.

Шуни билишинг керакки, баъзан ҳар хил хилтларни бўшатиладиганда, улардан бир озгинаси қолади, бу қолдиқ оғриқ жойига яқин бўлиб оғриқ туғдираётган бўлса ҳам, кўрилган тадбирни фойдасиз бўлди деб ўйламаслик керак ва бу [қолдиқ]ни ҳам ҳуқна ёрдамида бўшатиш лозим. Баъзан [қолдиқ] фақат елнинг ўзигина бўлади ва унинг [мавжудлигига] елнинг белгилари далолат беради; бунда [касал] аъзо учун қувватлантирувчи, ел учун эса енгил қиздириш билан тарқатувчи

ҳуқналар ишлатиш керак. Шундай вақтда, гоҳо тарёқ ва шунга ўхшашлар каби кучли иссиқ маъжун ичиш кифоя қилади, баъзан оғриб турган жойга олов билан қортиқ қўйиш, баъзан эса елни тарқатувчи уруғлар ичиш етарли бўлади. Гоҳо қиздирувчи шароб ичиш, баъзан эса елни тарқатувчи қуюқ суртмалар ишлатиш кифоя қилади, бу [суртма]лардан энг кучлиси қизартирувчи хардалдир, чунки у баъзан елни тарқатади, баъзан эса моддани қорин мушакларига томон тортади.

Иссиқ булоқларнинг суви, агар бу сувга чўмилинса, қаттиқ оғриққа қарши жуда фойдали бўлади. Навшадилнинг суви ҳар қандай қилиб [ишлатилганда], ҳатто агар [бемор] кўтара олса, ичирилганда ҳам, бундай [оғриққа] ажойиб [фойдалидир]. [Елни] тарқатиб латифлаштирувчи дориларни сувда қайнатиб тайёрланган ванна ҳам шундай. Баъзан болдирни қаттиқ уқалаб турилган ҳолда қоринни юмшоқ уқалаш ҳам кифоя қилади.

Совуқ сув ичиш, кўпинча, оғриқни қўзғатади; бундай касалликда совуқ сув ўзининг чанқовни етарли қондира олмаслиги билан бирга яна энг зарарли нарсадир. Ундан кўра озгина набиз яхшироқ, иссиқ набиз эса оғриқни тезроқ қолдиради. Бундай касалларга иссиқлик, иссиқ сув ва иссиқ ҳаволар қанчалик фойдали бўлса, совуқлик ва совуқ ҳаволар шунчалик зарарлидир.

Агар қуланжнинг сабаби ичаклар [мизожининг] совуқлиги ва қорин деворининг юпқалиги бўлса, шунингдек касални ҳадеб қуланж тутаётган бўлса, унинг қоринни жундан қилинган [кийимлар] билан ёпиб ёки жун боғлаб доимо иссиқ тутиш ва совуқни қориндан даф қилиш лозим. Иссиқ ёғлардан тайёрлаб ишқаланадиган дорилар ва биз кейинроқ айтадиган — қуйиладиган иссиқ дорилар бунга фойдалидир. Баъзан пахтадоғ қилишга, баъзан эса [ишлатиладиган] иссиқ ёғларга қундуз қири ва *фарбиюн* қўшишга эҳтиёж туғилади. Касалланган жойга биз юқорида айтиб ўтгандек бирин-кетин [модда] кетидан [модда] сизиб келиб оғриқ туғдириши сабабли пайдо бўлган совуқ қуланжни енгил, бир неча марта кетма-кет бўшатиш билан даволанади, бироқ, агар у жойда модда кўп эканлиги билинса, унда [биратўла] бўшатилади. [Модда] сизиш [билан бирга] яна туғилса, оғриқ тутиши олдидан ва кечалари сабр ҳаби, *ибраж* ҳаби ҳамда Абу Жаҳл тарвuzининг эти, *сақмуниё*, Эрон кавраги ва сабрлардан

ташқил топган ҳабларга ўхшашлардан ичириш лозим. Буларни қайси биридан бўлса ҳам ярим *мисқолдан* то учдан икки *мисқолгача* ичирилади. Шундай қилиб, бир неча кун давом эттирилса ва овқатни тузатилса, [бе-мор] соғайиб кетади ва халос бўлади.

ҚУЛАНЖ КАСАЛИ БИЛАН ОҒРИГАН ҚИШИЛАРГА ЗАРАР ҚИЛАДИГАН НАРСАЛАР

Қуланж билан оғриган кишига зарар қиладиган нарсаларнинг баъзиси овқатларга ва баъзилари [касалнинг] хатти-ҳаракатига оид бўлади. Барча ёввойи ҳайвонларнинг ҳазми оғир гўштлири, ҳатто қуён кийик, қорамол, туя, шунингдек, балиқларнинг, айниқса янги [тутилган] ёки тузланган катта балиқларнинг гўштлири ва ниманики эканлигидан қатъи назар, ҳар қандай қовурилган ва кабоб қилинган гўштлар ва биз юқорида айтиб ўтганларимиздан ташқари барча ҳайвонларнинг қоринлари, ҳатто ҳар қандай этли [бўлса] ҳам зарар келтирадиган овқатлардир.

Бундай [касалларга] оқ нон, патир нон, *сикбож*, *мазира*, зайтун ёғи [билан қўшилган] сирка, арпа оши, ширгуруч ва шакарга булғаланган бодом зарар қилади; *қатоиф* нонининг эса зарари камроқдир. Барча *хушкнонаклар* ҳам зарарлидир. Шунингдек, қотган нон, *залибий* ҳалвоси, сутлар, эски ва янги пишлоқлар, ҳамма ични дам қилувчи овқатлар, шунингдек, биз юқорида айтганларимиз лавлаги ва совуқ газাগўт кабилардан ташқари барча сабзавотлар зарарлидир. Боғ ялпизи ҳам ўзининг дам қилиши билан зарар қилади, таратизак ва шеролчин ҳам шундай. Шунингдек, ўрик ва олхўрилардан бошқа ҳамма мевалар ва зайтун ҳам [зарарли], булар эса фақат иссиқликдан бўлган сафроли қуланж, иссиқ қуланж ва ахлатли қуланжлар учун зарарли бўлиб, бошқа қуланжлар учун бундай эмас. Ширин қовун сиҳатлик вақтида овқатдан илгари ейилса, кўпчилик қуланж билан оғриганларга зарар қилмайди. Аммо қовоқ, хусусан, таррак, бодринг, беҳи, оқ карам, оқ шолғом, шом карами, нок, олма, айниқса нордон ва буриштирувчи олмалар, дўлана, *кунор* дарахтининг меваси, жийда. Табаристон етмағи, Шом тути, зирк, татим, узум ғўраси, ровоч ва барча булардан тайёрланадиган нарсалар ҳамда шу кабилар қуланж касалида душмандир ва уларни ишлатишга ҳеч йўл йўқ. Шунингдек, жуда ҳўл ёнғоқ ва бодомлар, ҳўл ловия ҳам зарар-

лидир. Ширин анорнинг нордон анорга қараганда зарари камроқдир.

Касал ўзини сақлаши лозим бўлган хатти-ҳаракатларга келсак, улар, масалан, ел ва ахлатни чиқармай тўхтатиб туриш, ахлатни, айниқса қуруқ ахлатни, қоринда тўхтатиб ухлашдир; аксинча ҳар бир ухлашга [ётиш] олдидан ҳожатга бориш лозим. Билгинки, чиқармай [сақланган] ел, кўпинча, қуланж пайдо қилади. Чунки у ахлатни юқорига ҳайдаб туради, ахлат эса тигиз бир йўлакка айланиб, ичакларда кучсизлик пайдо қилади. Бу эса, кўпинча, истисқога олиб боради, баъзан эса, ундан кўз қоронғилиги, бош айланиб кўз тиниши, бош оғриқлари туғилади ва гоҳо [ел] бўғинларда туриб қолиб тортишиш касалини келтириб чиқаради. Овқатлангандан кейин ҳаракат қилиш, совуқ сув ва кўп миқдорда шароб ичиш қуланж билан оғриганларга зарарлидир.

БАВОСИР

Билгинки, кўпинча, [касал] кишида бавосир бор деб гумон қиладилар, ҳақиқатда эса унинг тўғри ичагида ёки ундан юқорироқда яралар бор бўлиб чиқади, бу ҳақда фикр юритиш лозим.

Бавосир машҳур тақсимлаш [йўли бўйича] қуйидаги турларга бўлинади: сўгалсимон бавосир, — бу энг ёмон хили, узумсимон ва тутсимон бавосир. Сўгалсимон бавосирда [ўсмалар] майда сўгалларга ўхшайди, узумсимон бавосирда улар япалоқ ва думалоқ бўлиб, арғувон рангли ёки шунга мойил рангда бўлади. Тутсимон бавосирда эса улар бўш ва қонлидир. Гоҳо қаварчиқларга ўхшаш ўсмалар ҳам учрайди. Баъзан бавосирни бошқа [белгиларга асосан] ҳам турларга ажратадилар: [ташқарига] чиқиб турувчи ва [ичга] ботган турлари. Бу [иккинчиси], хусусан, ўсма жинсий олатга яқин бўлганда, энг ёмон тури бўлиб, баъзан [олатни] шишириб, сийдикнинг қамалиб қолишига олиб келади. Чиқиб кўриниб турувчи [ўсмалар юқоридagi] учтадан бирига оид бўлади, [ичга] ботганининг эса баъзиси қонли, баъзиси қонсиз бўлади. Бавосирни яна ёрилиб оқадиган турга, — баъзан томирларнинг ёрилиши туфайли кўп [қон] оқади, — ва «кар-кўр» турга бўладилар, бунисида ҳеч нарса оқмайди.

Кўп ҳолларда бавосир савдодан ва савдовий қондан туғилади; баъзан балғамдан бўлади, бундан туғил-

ган тақдирда, у балиқ қорнидаги бўртмалар ва пуфакчалар шаклида пайдо бўлади. Сўгалсимон бавосир [келиб чиқиши билан] тоза қора сафрога яқин, тутсимони — қонга, узумсимони эса бу иккаласининг ўртасида бўлади. Жолинуслининг айтишича, бавосир орқа тешик томирларининг оғзи ёрилмасдан туриб, пайдо бўлмайди. Шунинг учун ҳам, у кўпроқ жануб шамоли таъсирида ва жануб мамлакатларида пайдо бўлади.

Ёрилиб [қон] оқувчи бавосирдан қон кетаётган пайтда уни токи [касал] кучсизланиб, тиззалари қалтираб, юраги қаттиқ уришга [хафақон] бошламагунча ва қора бўлмаган қон кўринмагунча тўхтатиш керак эмас. Қон бирданига тушмай, оз-оздан кетгани дурустроқ бўлади. Агар хотинларда бавосирдан чиқадиган қон бачадон тарафига оқиб, ҳайз қони билан бирга чиқса, бу улар учун фойдали бўлади, ҳатто бу [иш]ни сунъий равишда қилиб, ҳайз қонини ҳайдаш ҳам ловимдир.

Бавосир касали билан оғриганларнинг кўпчилигининг ранги ўзига хос, кўкиш сариқ бўлади. Бавосир билан оғриган касалларнинг, кўпинча, бурнидан қон кетади, бундан касаллик тузалади.

Даволаш. Аввало баданни даволашдан бошлаб, ёмон қонни *софин* томиридан ҳамда болдир пастки қисмининг пайлари ортидаги томирдан қон олиш билан чиқарилади. Тиззанинг букиладиган еридаги томирдан қон олиш бу иккаласидан ҳам кучлироқ [таъсир кўрсатади]. Икки ёнбош ўртасига қортиқ қўйиш бавосирга [қарши] фойдали бўлиб, уни туғдирадиган савдовий хилтларни чиқаради. Агар талоқ ва жигарда туғилаётган ёмон қонларни тузатиш лозим бўлса, уларни ҳам даволанади. Сўнгра, агар оғриқ, ўсма ва [унинг] қаттиқ кўпчиши воқе бўлмаса, бавосирни даволашга у қадар катта эҳтиёж йўқ, чунки уни даволаш баъзан *носурни* ва [орқа тешик] ёрилишини туғдиради. Бундан кейин ахлатнинг қаттиқлиги орқа тешикни азиятлантириб, касалликни оғирлаштирмаслиги учун табиатни юмшатишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун энг яхшиси, бавосирга [қарши] фойдали бўлган дорилардан *ич* сурувчи ва юмшатувчи дориларни, масалан, муқл ҳаби, *филзаҳра* ҳаби, далачой ҳаби ва биз яна айтадиган бошқа ҳаблар [ишлатиш керак].

«Қар-кўр» бавосирни очишга [ёришга], ундан иложи борича токи [касал] кучсизланганига ёки қора қон эмас, тоза қизил қон чиққунига қадар, кўпроқ қон чи-

қаришга ҳаракат қилиш лозим. Агар бу [тадбир] фойда бермаса, унда бавосир [ўсмасини] ажратиш, [яъни] уни кесиш тушириш, ёки тегишли даволар билан қури-тиш ва куйдириш лозим бўлади.

Билгинки, бавосирдан қон оқиши [касални] ел яра, жиннилик, меланхолия, савдовий тутқаноқ, сарамас, тариқсимон тошма, саратон, пўст ташлаш, қўтир, темиртки, мохов, зотилжам, ўпка яллиғланиши ва сарсом касалликларига учрашдан сақлайди. Агар бавосирдан одатдаги оқиб турувчи қонни тўхтатиб қўйилса, шу касалликлардан бирортасининг пайдо бўлиш хавфи ёки жигарда ёмон шишлар, қаттиқликлар ва [унинг] мизожининг бузилиши туфайли *истисқо* бўлиш хавфи ва шунингдек, ёмон қоннинг йўналиши сабабли ўпкада сил [касали] ва оғриқлар пайдо бўлиш хавфи туғилади. Агар қон оқиши [касални] ҳушсизлантириб қўйса, [бу ҳолда] арпа толқонини *табошир* ва Арман лойи билан қўшиб, иссиқ ҳолида оз-оздан ичирилади.

Бавосирга [қарши] ишлатиладиган дориларнинг баъзиси [шишларни] очувчи, баъзиси сўлитувчи, ҳаддан ташқари кетаётган қонни тўхтатувчи, баъзиси ажратувчи [кесувчи] ва баъзиси оғриқни қолдирувчи бўлади. Бу дорилар ичиладиган, ёки кўтариладиган, ёки суртиладиган, ёки қўйиб боғланадиган, ёки чапланадиган, ёки сепиладиган, ёки буғлантириладиган, ёки беморни ўтирғизиладиган сувлар, ёки қонни тўхтатувчи дорилардан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси, ёки оддий [ёлғиз ишлатиладиган], ёки мураккаб дориларга [оид] бўлади.

Билгинки, муқл ҳаби [ўсмаси] кўриниб турувчи бўлган даврий бавосирга фойда еткази, аммо даврий бўлмаган доимий бавосирга унчалик манфаати йўқ.

Агар [бавосир] билан бирга [орқа тешикда] ёрилиш ва шишлар бўлса, аввало шуларни даволаб, сўнг бавосирга ўтилади. Муқл солиб аралаштирилган ўрик ёғи бавосирга ҳам, ёриқларга ҳам фойдалидир.

БАВОСИРНИ КЕСИШ ВА ЕРИШ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Бавосирни йўқотиш уни кесиш ташлаш ёки ўткир дорилар ёрдамида амалга оширилади. Агар бавосир [ўсмалари] бир нечта бўлса, уларнинг ҳаммасини бирдан кесиш ярамайди, балки Буқротнинг насиҳатига амал қилиб, биттасини қолдириб қўйиб, кейинроқ даволаш лозим бўлади. Ҳатто, агар касал бардош бера

олса, уларни бирин-кетин кесиб, даволаб охирида бит-тасини қолдириб қўйиш тўғрироқ бўлади, бу қолганидан чиқиб туриши табиатга одат бўлиб қолган бузуқ қон оқиб туради. Агар кесишга тегиш бўлган ўсма кўриниб турса, унинг тадбири осонроқ, ичга ботган [кўринмайдиган] бўлганда эса қийинроқ бўлади.

Бавосир кўриниб турган бўлса, яхшиси уни тагидан ипак ип, ёки каноп, ёхуд бақувват қил билан боғлаб қўйиш керак. Агар у шу билан тушиб кетса, кетгани, бўмаса тушувчи дорилардан ишлатиб кўрилади, бунда ҳам бўлмаган тақдирда, кесиб ташланади.

«КҮР-КАР» БАВОСИР [ЎСМАЛАРИНИ] ОЧИШ ВА ҚОНИНИ ОҚИЗИШ ТАДБИРИ

Бунда аввало [касални] ҳаммомда чўмилтириб, [ўсмаларни] юмшатилади ва *софин* томиридан ва тиззанинг букилиш еридаги томирдан қон олиш, шунингдек, шафтоли данагининг ёғи, ўрикнинг аччиқ данагининг ёғи, туя ўркачининг ёғи, тоғ эчкиси илиги, муқл ва бошқа шуларга ўхшаш дориларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ёки ҳаммасини қўшиб суртиш унинг очи-лишига ёрдам беради. Бундан сўнг кучли [аччиқ], пиёзнинг ширасини қўллаш керак, баъзан бунга *бахур Марямнинг* шираси қўшилади. Гоҳо эса, шулар билан бирга яттуълардан, тоғ майизидан ва каптар тезагидан ҳам қўшиб ишлатилади. Булар бавосирни сўзсиз очади; баъзан [пиёз ширасига] сигир ўтини қўшадилар. Бунга қўшиладиган нарсаларга гальбан елими ҳам киради, газзагўт ва катта бобунанинг ёғи ҳам шундай. Катта бобунанинг ўзини ейиш қонни юриштиради ва тери тешикларини кенгайтиради. Ҳалилани уруғлар билан [ишлатилса], у бавосирга фойда келтириш билан бирга [унинг ўсмасидан] қонни ҳайдайди; чунки унда юмшатувчи уруғлар бордир.

[Ўсма ичида] қамалган қонни юриштирувчи дорилардан бири: Абу Жаҳл тарвuzининг этидан уч *дирҳам* ва аччиқ бодомдан тўрт *дирҳам* олиб, улардан узун пилик ясаб, орқа тешикка қўйилади ва уни ҳар соатда янгилаб турилади, чунончи, беш соатда бешта пилик янгиланади. Бордию, оғриқ зўрайиб кетса, қизил гул ёғидан пилик ясаб, орқа тешикка қўйиб қўйилади. Баъзан *софин* томиридан қон олишнинг ўзидаёқ [бавосир ўсмаси] ўз-ўзидан очилади.

БАВОСИРГА ҚАРШИ БУҒЛАНТИРАДИГАН ВА СЕПИЛАДИГАН ДОРИЛАР ҲАҚИДА СУЗ

Кучли сепиладиган дорилардан илгари анзиратгўшт-хўрни сувда ивитиб [орқа тешикка] чаплаш тўғрироқ бўлади. Агар касал оғриққа чидаб туролса, орқа тешикнинг ичига ҳаммом оҳаги чапланади ва бир оз тўхтаб турилади, сўнгра буриштирувчи шароб билан ювиб ташлаб, кейин сепиладиган дори ишлатилади.

Янчилган мис қириндисининг ёлғиз ўзини ёки уни куйдирилган қалай билан қўшиб, бавосирга сепилади. Шунингдек, зирних, олакуланг ва навшадил сепилади, [буларни] юқорида айтиб ўтилган сариёғ ва шунга ўхшашлар билан ишланади. Бу дорилардан энг кучлиси болаларнинг сийдиги билан қорилгани бўлиб, бу — ўткир дориларнинг ўрнини босади.

Бу дорилардан кўра мувофиқроғи ва юмшоқроғи сарв бужурининг шаробда ивитилган кули, тухум пўчоғининг кули, куйдирилган хурмо данагининг кули, қуруқ аччиқ Миср боқиласининг куйдирилганидир; куйдирилган хурмо данаги ҳам шундай.

Бу хос [дориларнинг] ўрнига ўтадиган дорилардан бири шуки, тузланган балиқнинг бошини олиб, олов олдида қуритиб янчилади, унинг оғирлигича эски пиш-лоққа қўшиб, янчиб аралаштириб, орқа тешикка сепилади. Тузланган балиқ думининг куйдирилгани ҳам шундай. Седана сепиладиган дориларнинг яхшиси бўлиб, ажойиб фойдалидир. Буғлантирувчи дорилар ҳам шулар жумласидандир. Улардан энг кучлилари балозурнинг ёлғиз ўзи ёки бошқа дорилар, хусусан, зирних билан аралаштирилгани, зирнихнинг ёлғиз ўзи ва карамнинг ёлғиз ўзидир.

Бошқа дориларга келсак, улар, масалан, сассиқ қаврак илдизи, самбитгулнинг илдизи, туятикан, гулсаңсарнинг илдизи, қовуннинг илдизи, петрушканинг илдизи, Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, исириқнинг илдизи, зарчава, гандано уруғи, хардал, туянинг қумалоғи, оддий ишқор, ушнон, гальбан елими ва анзиратгўшт-хўрдан иборат; буларнинг ҳар бири алоҳида- алоҳида ёки ҳаммасини қўшиб ишлатилади. Буларга бир оз балозур қўшиб ясмин ёғи билан қориб кулча ясалани ва буғлантириш учун сақлаб қўйилади. Бу дорилар жумласидан ичига ушнон, гальбан елими, ишқор анзиратгўштхўр ва туя қумалоғи қўшилгани фойдали бўлади. Баъзан юлғун билан бир неча марта кетма-кет буғлашнинг ўзи ҳам кифоя қилади.

**Буғлантйрувчи мураккаб дорининг бир нусхаси: ко-
вул илдизи, петрушка илдизи, самбитгул илдизи, янтоқ
(хо ж) деб аталувчи тиканакнинг илдизи, сассиқ қав-
рак илдизи, гулсапсар илдизи ва балозурлардан баро-
бар [миқдорда] олиб, оқ савсан ёғи билан қўшиб,
ёнғоқчалар тайёрланади ва буғлантйриш учун ишлати-
лади. Айтишларича, мирта дарахтининг барги билан
буғлаш жуда фойдалидир. Шилинган қора териларни
навшадил билан қўшиб буғлаш ҳам шундай. Бундай
буғлаш гоҳо воронка ёрдамида қилиниб, унинг бир
учини орқа тешикка қўйиб, иккинчи тарафини оловдон-
га тўнкариб, буғлантйрилади. Баъзан [касални] тешик
тоғора устига ўтқазиб буғланади. Буғлаш учун энг яхши
чўр — бу туя тезагининг чўғидир.**

ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРУВЧИ ДОРИЛАР

Эрон қавраги ва муқлларнинг ҳар биридан икки *дир-
ҳамдан*, майъа елимидан бир *дирҳам*, афюндан ярим
дирҳам ва ўрик мағзининг ёғидан бир ярим *уқия* олиб,
уларнинг [ичида] елимларни эритиб, сўнг устига ярим
дирҳам қундуз қири солинади. Шунингдек, қуритилган
нилуфардан бир бўлак, гулхайридан ярим бўлак олина-
ди, ёки қашқарбеда ва пўсти артилган ясмиқларнинг
ҳар биридан бир бўлакдан [олиб], тухум сариғи ва қи-
зил гул ёғи билан қўшилади. Яна, гулхайри барги ва
қашқарбедаларни тухум сариғи ва қизил гул ёғи билан
қорилади.

Агар *диёхилунни* гул ёғи, бир оз заъфарон, афюн
ва шиннилар билан қўшиб [бавосирга] қўйилса, фой-
дали бўлади. Урдак ёғи ҳам жуда фойдалидир; шунинг-
дек, дарё қисқичбақаси, ҳўл зуфо, така буйрагининг ёғи
ва оқ мум ҳам фойдалидир. Яна, хусусан, агар бавосир
шишган бўлса, бобуна, қашқарбеда ва бир оз заъфа-
рондан олиб, янчиб, зиғир уруғининг шираси ва мусал-
лас билан қўшиб хамир қилинади. Шу дориларга орқа
тешик шишлари бобида айтилган нарсаларни ҳам қў-
шилади, чунки бу [дорилар] бавосирни кесгандаги,
ёрдандаги ва шишган вақтидаги оғриқларни тўхтатиш
учун фойда қилади.

[ҚОН] ОҚИШНИ ТУХТАДИГАН ДОРИЛАР

Буларга бавосирни кесиш натижасида кетадиган
[қонни] тўхтатувчи дорилар, — улар кучлироқ бўлиб,

доғловчи бўлишлари лозим, шунингдек [шишлар] очилганда оқадиган [қонни] тўхтатувчи дорилар киради.

Бавосир [ўсмаси] кесилганда оқадиган қонни тўхтатувчи дорилар — булар зоклардир, шунингдек, масалан, сабр, кундур елими, бақам дарахтининг елими, анор гули, *момисо* шиёфлари ва шуларга ўхшашлардан [[тайёрланган] сепиладиган ва жуда қаттиқ қилиб боғлаб қўйиладиган дорилардан иборатдир.


Энг кучли дори масалан, сариқ зокни араб акациясининг шираси ва мозилар билан қўшиб, сўнг қаттиқ боғлаб қўйишдир. Агар бу ҳеч фойда келтирмаса, пахтагани қайнаб турган зайтун ёғига ботириб олиб [бавосирни] доғланса, қонни тўхтатади, кейин унинг устидан қонни тўхтатувчи қуруқ дори сепилади. Аммо бунда тиришиш пайдо бўлиш хавфи бор. Булардан кўра кучсизроқ дорилар — булар маълум буриштирувчи дорилар, шулардан солиб қайнатилган сувлар, ёки анор пўсти ва мози солиб қайнатилган тахир шаробдир.

БАВОСИРГА УЧРАГАН КИШИЛАРНИНГ ОВҚАТИ

Барча ғализ гўшларни ва сутли нарсаларни ҳамда қонни куйдирувчи зиравор ва дориворларни ейишдан касал киши ўзини тийиши керак, аммо манфаат етадиган даражада [истеъмол қилиши] мумкин. Тез ҳазм бўладиган ва ғизолиги яхши бўлган нарсалардан: гўшлардан, тухум сариғи, ёғли қуш шўрваси, умоч, *зирбою* ва нўхат сувларини ширин кунжут ёғи билан ейиш фойда қилади. Кокос ёнғоғини каллақанд билан [еса ҳам] фойдали бўлади.

Агар шу [касаллик] вақтида ич кетиш ва қоннинг ҳаддан ташқари оқиши воқе бўлса, [бу ҳолда] гуруч ва анор солинган овқатни майиз билан [ейиш] фойда беради. Касалнинг ишлатадиган ёғи — ёнғоқ ёғи, кокос ёнғоғи ёғи, бодом ёғи, ўрик данаги мағзининг ёғи, туянинг ўркак ёғи ва бошқа хил яхши сифатли чарвилардир. Тухум сариғи, гандано ва бир оз ниёз солиб тайёрланган қуймоқ [ҳам фойдалидир]. Уларга каллақанд мувофиқ келади; анжир улар учун хурмодан яхшироқ.





БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Буйрақларда мизож касалликлари [ва шунингдек] таркиб касалликлари бўлади; кейингилар, масалан [аъзонинг] кичик ва катта бўлиши ва [унда] тиқилма пайдо бўлишидан иборат, тошлар ҳам [тиқилмалар] жумласидандир. [Яна буйрақда] узлуксизликнинг [бузилиши] касаллиги ҳам бўлади, масалан, яралар, ейиши, томирларнинг ёрилиши ва очилиши каби. Буларнинг ҳаммаси ё буйрақнинг ўзида, ёки буйрақ билан бошқа [аъзолар] ораларидаги йўлларда пайдо бўлади. бу оз учрайди. Агар бу йўлларда қондан, хилтдан ёхуд тошдан тиқилма пайдо бўлса, даволашда буйрақ [тиқилмаларидагидек тадбир ишлатилади].

Буйрақда касалликлар тез-тез бўлса, у хоҳ иссиқ бўлсин, хоҳ совуқ бўлсин, жигар [шу даража] заиф бўладик, истискоғача олиб боради. Буйраги оғриган кишининг ёпишқоқ ва елимли сийганини кўрсанг билгинки, буйрақ ёмон [зарарли] моддани тортиши сабабли оғриқ зўраяди ва бу, кўпинча, тош пайдо қилади. Буйрақнинг касалликлари қуюқ ва чўкмали сийиш билан ечилиб ҳам кетади. Кўпинча, иштонбоғни сириб боғлаш ҳам буйрақда оғриқ ва иссиқликни пайдо қилади.

БУЙРАҚНИНГ АҲВОЛИНИ КўРСАТАДИГАН АЛОМАТЛАР

Буйрақнинг ҳолини сийдикнинг миқдори, суюқлиги, ранги, унга аралашган нарсалар, шунингдек чанқаш ҳоли, жинсий алоқани ишташ ҳоли, белнинг аҳволи ва унинг оғриқлари, икки болдирнинг ҳоли ҳамда оғриқнинг ўзига қараб, [буйрақни] ушлаб кўриб, [касалга] нималар мувофиқ келиб, нималардан нафратланишига қараб билинади.

Буйрак касаллиги гоҳо сийдикнинг камийиши билан ўтади. Буйрак касалликлари жигарда бўладиган шу каби касалликлардан иштаҳанинг бутунлай тушиб кетмаслиги билан фарқ қилади. Кимки, усти кўн кўнликни сийса, унинг буйрагида иллат бўлади. Шунингдек, сийдикда эт [ювиндиси] каби қилга ўхшаш толалик ва ёввойи ясмиқ [рангида] чўкмали етилган сийдик сийса, унинг буйрагида иллат бўлади. Чунки етилиш буйракда бўлади. Лекин [сийдикнинг] етилиши жуда қаттиқ кучли бўлиб, бошқа аралашмалари ҳам бўлса, иллатни қовуқда деб тахмин қил. Агар етилиш бу даражада бўлмаса, иллат буйракда бўлади. Агар етилишни кўрмасанг, касалнинг негизи жигарда деб тахмин қил, чунки етилиш юқори [аъзолар] сабабли бўлади. Юқори аъзолар соғ бўлмаса, етилиш бўлмайди ва уларда офат бўлмаса эди, етилмаслик ҳам бўлмас эди.

БУЙРАК ОҒРИҒИ ВА УНИНГ ИЛОЖИ

[Оғриқ] шишдан, ё елдан, ё тошдан ёки кучсизликдан, ёхуд яралардан бўлади. Гоҳо оғриқ овқат сингишининг заифлашиши билан ўтиб, иштаҳа йўқолади ва кўнгил айнайди. [Оғриқнинг ҳар хил] турларига хос белгилар ва уларнинг иложини билиб ўтдинг. Оғриқ қаттиқ бўлса, оғриқ босилгунигача, *филуниё* ва «юлдуз кулчалари»га ўхшашларни қўлла!

Буйрак оғриқларида ванналарнинг, айниқса [сувга] юмшатовчи ва оғриқ қолдирувчи даволар солиб қайнатилган бўлса, ўтган бобларда айтганимиздек, фойдаси кўпдир. Буйрак ва қовуқни даволашда, айниқса [уларда] яра бўлганида, уруғларнинг «фундуқларини» ишлатмай илож йўқ. Лекин оғриқ борида уруғларни ишлатиш, [моддаларни] оқизиб туширишидан [бир оз] хатарлидир. Демак, оғриқни қолдиришда увуштирувчи дорилардан сақланиб [моддани] тортадиган даражада узоққа чўзмасдан, илқ сув билан кифояланишга тўғри келади.

БУЙРАК ТОШИ

Буйрак тоши билан қовуқ тоши пайдо бўлиш сабабларида умумлашади. Бу шунинг учунки, тошнинг пайдо бўлиши таъсирланувчи модда билан таъсир қилувчи қувват натижасида бўлади. Модда шиллиқ, йиринг ёки қон каби чиқиқ шишда тўпланган қуюқ ёпишқоқ рутубатдан иборат бўлади; сўнгги хили [яъни қон] кам

учрайди. Таъсир қилувчи қувват эса, муътадилликдан чиққан ҳароратдир. Модда [тўпланишининг] икки сабаби бор: бири моддани кўпайтирувчи, иккинчиси моддани қамаб турувчи. Моддани кўпайтирувчи нарсалар ғализ овқатлар бўлиб, булар қуйидагилардир: сутлар, айниқса қуюқ [сут], пишлоқ, айниқса унинг янгиси, шунингдек ғализ гўштлар, масалан, тўқай қушларининг гўшти, гавдалари, катта қушларнинг гўшлари, туя, сир ва така гўшлари, йирик ваҳший ҳайвонларнинг гўшлари, яна балиқ гўшти ва товада қовурилган турли гўштлар, бундан ташқари ёпишқоқ нон, хом нон, патир, увра, *локашта*, ширгуруч, майда тортилган ун нони, кепаги олинган тоза ун нони, ёпишқоқ ҳалволар, хом ва оз ҳазмли ёпишқоқ хилт туғлирадиган мевалар, масалан, хом олма, хом шафтоли, лимон эти, нок эти; сувлардан эса лойқа сувлар, айниқса одатланилмаган ва ўзгарган сувлар, қора қуюқ шароблар, хусусан ҳазм қилувчи қувват заиф бўлганида, ёки ейилган нарсаларнинг кўплигида, овқатнинг сингиши камайганда ёки ейиш тартиби нотўғри бўлганда ва тўлиқлик устига ҳаракат қилинганда шундай бўлади. Кўпинча, модда буйракда ёки бошқа ерда бўлган ярадаги йиринг бўлади.

Моддани қамаб турувчи сабабга келсак, у мизож бузилиши ёки иссиқ шиш, ёки сарамас, ёки буйракдаги яралар сабабли буйракдаги ҳайдовчи қувватнинг заифлигидир. Натижада унга етган ҳар бир [қоннинг] сувлик қисмидан ҳосил бўлган ортиқча хилтлар, чўкмалар қамалиб қолади. Кучли иссиқлик эса, ортиқча хилтларни баданнинг юқори қисмларида тугал ҳазм бўлишидан олдин буйракка тортади ва уни қовуққа тортилишидан олдин қумга ва тошга айлантиради. Бу кучли иссиқлик ё доимий ёки тасодифий бўлиб, кейингиси ё чарчашдан, ёки қиздирувчи нарсаларни истеъмол қилишдан бўлади.

БУЙРАКДА ТОШ БОРЛИГИНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Унинг биринчи аломати сийдикда бўлиб, у шундан иборатки, сийдик аввалда қуюқ бўлиб, кейин суюққа айлана бошлайди. [Сийдикдаги] лойқа буйракда қамалиб қолганидан у тиниқ ҳам бўлади. Бу — тошнинг туғилишини кўрсатувчи [белгидир]; баъзан касал аввалдан суюқ сияди. Сийдикнинг аввалда қуюқ бўлиши кўпроқ қувватнинг соғломлигини ва йўлларнинг кенглигини кўрсатади. Кўпинча, шу билан бирга жигар ка-

салликларида бўладиган чўкмаларга ўхшаш чўкмалар бўлади. Сийдик қанча тиниқ бўлса, унинг тиниқлиги қанча кўп давом этса ва ундаги чўкма қанчалик оз бўлса, бу нарса тошнинг қаттиқроқлигини кўрсатади. Айтишларича, соғлом киши ва хусусан қари киши, оғриқ билан ёки оғриқсиз қора тусда сийса, бу нарса унинг қовуғида тош пайдо бўлаётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга чўккан қумни кўрсанг ва бу қум қизғиш ёки сарғиш рангда бўлса, далил тугал бўлади. Белда оғирлик ва оғриқ сезилиши ҳам бу далилни қувватлайди, ҳаракат қилинганда бел қуйисида бир нарса қамалиб тургандек сезилади. Бу [буйрак] қувватининг ортиқлигини ва йўлларнинг кенглигини кўрсатади.

Буйрак тоши сабабли бўладиган оғриқнинг энг кучлиги [тош] пайдо бўлишининг бошида, у ўрнашиш учун [тўқималарни] парчалашда, тошнинг йўлларга ўтиб ҳаракат қилишида, айғиқса қовуқ йўлига ўтиш олдидан бўлади. Тош пайдо бўлиб, [бир жойда] тинса, касал ҳам ҳаракат қилмаса ва тошни қўзғатадиган ва сиқадиган қаттиқ тўлиқлик бўлмаса, киши фақат оғирликнигина сезади. Таомдан тўлишда тош оғриқни кўпроқ қўзғатади; бу ҳол, айниқса таом ичакка тушиб ўтишида бўлади; чиқиндилар ҳайдалиб ичак бўшаганда, оғриқ пасаяди. Тошнинг ҳаракати белгиларига келсак, бунда оғриқнинг пастга берилиши ва зўрайиши кўринади. Оғриқ белдан [икки] сон орасига ва [сийдик] йўлига тушади ва бу вақтда тош ниҳоят қаттиқ оғритади. Қачонки оғриқ қолса, тош қовуққа келган бўлади.

ДАВОЛАШ

Бу ерда буйракка хос, шунингдек буйрак ва қовуқ тошлари учун умумий бўлган даволаш чораларини айтамин. Сўнг қовуқ тошига айрим боб бағишлаб, унинг айрим, махсус иложларини айтамин. Тошларни даволашда табибларнинг кузатган мақсадлари — тошнинг моддасини кесиш, унинг сабабини тўхтатиш ва тузатиш билан тошнинг туғилишига тўсқинлик қилиш; кейин тошни майдалаш, синдириш ва қўпориш, боғланиб турган ердан ажратадиган дорилар билан айтириш, сўнг юмшоқлик ва асталик билан чиқаришдир. Бу сийдирувчи дорилар билан ёки ташқаридан ёрдам бериш орқали тугалланади. Сўнг буларнинг кетидан келиб чиқадиган

оғриқларни тўхтатиш ва [бунда албатта] пайдо бўладиган яраларни тузатиш [чоралари кўрилади]. Баъзи [табиблар] буйрак тошини биқиндан ва орқа [томондан] ёриб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Бу жуда хатарли бўлиб, ақли йўқ кишининг ишидир.

Тошнинг моддасини тўхтатишга келсак, бунда аввал қуйидагича ҳозирликлар қилинади: [баданни] бўшатиш учун ёки ич сурилади, ёки қустирилади, гализ овқатлардан ва лойқа сув [ичимлик]лардан парҳез қилдирилади. Сўнгра ейиладиган таомларнинг мўътадил мизожлиси танланади, меъдани кучайтирилади, ҳазми яхшиланади, бўш қоринга мўътадил бадантарбия қилдирилади, белни [қағтиқ] боғланган ҳолда уқаланади. Гализ хилтлар ахлат томонга мойил бўлсин, ахлат буйракни сиқмасин ва [унинг йўлларини] бўғиб тўсмасин учун ични юмшатилади.

Бунда фойда қиладиган нарсалардан бири қовуқни ювадиган ва сийдикни ҳайдовчи уруғлар билан доимо сийдириб туришдир. Бунда яхши таъсир берадиган нарсалардан нўхат суви, кангар суви, турп япроғининг суви ва турпнинг ўзи, айниқса унинг ингичка ва сўлмаганидир. Бир неча кун [шундай даволашдан] кейин кучли сийдик ҳайдовчи дори ишлатилади.

Болаларга келсак, суюқ оқ ва сув аралаштирилган шароб ичириш, баъзан уларда тош туғилишига тўсқинлик қилади. Ахлатни чиқариб, табиатни юмшатадиган нарсалар билан ва таркибига тошга қарши ишлатиладиган дорилар кирган мўътадил нарсалар билан ҳуқна қилиш ҳам уларга фойда қилади, ҳуқнада [дорининг] қуввати яқиндан етади.

Тош пайдо бўлишига тўсқинлик қиладиган чоралардан [бири] овқат еб, кетидан қусишдир, буни тез-тез қўллаб туриш керак; чунки бу нарса чиқиндиларни уларнинг буйракка томон ҳаракат йўлига зид йўлдан ҳайдаб, буйрак томонни тозалайди. Ҳаммом ва ванналар, кўпинча, тошни тойдиришга сабаб бўлади; улар баъзан моддаларни тананинг сиртига тортиб, буйрак томондан четга буради. Бу [чорани] кўп қилинса, қувватни бўшаштириб, буйракнинг қувватини заифлаштиради, шунинг учун юмшатиш ва оғриқни қолдиришга ҳожат тушмасдан уларни ишлатилса, буйракни бўшаштириб, унга қуйиладиган хилтларни кўпроқ қабул қиладиган қилиб қўяди. Чалқанча ётиб ухлаш ҳам тошга қарши фойда қиладиган чоралардандир.

ТОШЛАРНИ МАЙДАЛАЙДИГАН ДОРИЛАР ТУҒРИСИДА

Тошларни майдалайдиган дориларга келсак, буларнинг кўпчилиги [тош туғдирувчи] сабабли орттирилган даражада кучли иссиқ бўлмаган аччиқ дорилардир. Дорининг парчалаши қанча кучли бўлиб, иссиқлиги қанча оз бўлса, у шунча яхшидир. Қовуқ тошига қарши ишлатиладиган дориларнинг иссиқлиги буйрак тошига қарши ишлатиладиган дориларга қараганда ортиқроқ бўлиши керак. Бошқа жинс дорилар ҳам борки, уларнинг таъсирлари иссиқлик ва совуқликка қараб бўлмасдан, балки уларнинг берадиган таъсири ўз хоссалари билан бўлади.

Тош майдалайдиган дорилардан шундайлари борки, улар қувватда у қадар ортиқ бўлмасдан, фақатгина кичик тошларни майдалаш хоссасига эгадир; яна шундайлари ҳам борки, уларнинг кучи буйрак тошларига нисбатан зўр келади. Бу дориларнинг қовуқ тошларига нисбатан кучи кам ёки бутунлай йўқдир; «яхуд тоши» бунга мисол бўлади. Бу дориларнинг баъзилари буйракка нисбатан кучли бўлиб, баъзан қовуқ тошига ҳам таъсир этади. Дорилардан баъзилари борки, уларнинг иккала тошда ҳам қуввати зўрдир. Масалан, *атроғулидигус* деб аталган чумчуқнинг [гўшти] ва чаёнларнинг кули шундайлардандир. Тошларга қарши дори таркиб қилинадиган бўлинса, буларга ёрдам бўладиган яна бир неча хил дориларни қўшиш керак. Булардан баъзи бири кучли сийдирувчи дори бўлиши керак; бу дори тошдан қўпорилган [бўлақларнинг] майдаланиб чиқиши учун қуюқ сийдик чиқаради. [Бундай дорилар жумласидан] яна бошқа дориларнинг ҳаракатларини секинлатадиган дорилар [ҳам бор]; мана шу вақтда [улар] ўз таъсирини тугаллайди. Бу дорилар ўзларининг ёғлилик ва ёпишқоқликлари сабабли касал жойга тез ўтиб боролмайдиган дорилар бўлиб, улар шу билан бирга етилтирувчи ҳамдир; чилпоя елими бунга мисол бўлади. Баъзи дорилар борки, улар тез ўтиб бориб [бошқа дориларни ҳам] ўтказадилар ва тозалайдилар бундайлар мурч ва унинг каби нарсалардир. [Яна] ўзи орқали [хилларнинг] ўтишидан таъсирланган аъзони кучайтирувчи дорилар ҳам бор. Булар *подзахр* хусусиятига эга бўлган дорилар ва сунбул, Цейлон дорчини ва бошқалар кабилардир. Меваларнинг қуюлтирилган ширалари каби енгил буриштириш хоссаси бўлган дорилар ҳам [касал]

баъзонинг қувватини сақлайди. Кўпинча, бу даволарга ўз хоссаси билан, ёки увуштириши билан оғриқ қолдирадиган дорилар [ҳам] қўшилади.

Дорини шу суратда таркиб қилсак, табиат қуввати унга эгалик қилиб, тошга тегишли дорини тошга борганда ишлатади; тош турган жойга [асосий дорини] етказилгандан кейин етакчилик хизматини қилувчи ва сийдирувчи дориларнинг таъсирларини бекор қилиб қўяди. Сўнгра табиат, тошни майдаловчи дорини қамаб тўхтатиб туриш учун қамовчи, тўхтатувчи дориларни ишга солади. Шунда тош дориси ўз ишини [тугал] қилиб олади ва уни ўтказувчи ва сийдирувчи дорилар, у ўз ишини бажариши учун бир неча вақт қолиши керак бўлган ўрнидан қўзғатолмайди. Бундан илгари истеъмом қилувчи қувват ўтказувчи дорини тош дорисини тошга тезликда етказиш учун истеъмом қилган бўлиб, уни тошга таъсир этадиган қувватни сусайтирадиган даражада табиатдан таъсирланишдан илгари, [таъсир кучидан] маҳрум қилади. [Табиат] тошни майдаловчи ва кўпорувчи дориларни ишлатиб, улар ўз ишларини бажарганларидан кейин, қамовчи дорининг таъсирини бекор қилиб, сийдирувчи ва ўтказувчи дорини ишга солади.

Оғриқ қаттиқ бўлганда дориларни таркиб қилишдаги қонунга риоя қилиб, увуштирувчи дорини ишлатилади. Баъзан, битта содда дорида бу ҳислатларнинг жўпчилиги йиғилган бўлади.

Энди тошни майдалаб чиқарувчи дориларни санаб чиқамиз; булар қуйидагилардир: қуст илдизи, маймунжон илдизи, муқл, беда илдизи, дафна дарахти илдизининг қобиғи, қора нўхат, айниқса, у ивтилган сув, гулжайри уруғи, олча меваси, дўлана елими, — дўланада ҳам шундай қувват бор, — темиртикан, — унинг илдизи тош майдалашга яхшидир, — хина илдизи, денгиз пиёзи, унинг сиркаси ва *сиканжубини*, тоғ петрушкаси, ялпиз, эрмон, Цейлон дорчини, дашт бодрингининг илдизи, бальзам дарахти ёғочи, бальзам дони, — бальзам ёғи ҳам жуда кучлидир, — дашт бодрингининг уруғи, кангар ва унинг илдизи суви, талоқғиёҳ, *парсиёвашон*, — бундан икки *дирҳам* вазнидагисини турп ёки тоғ петрушкасининг сувига соладилар, — ширин ажриқ илдизи, *содаж* уруғи, қизил тасма, — хусусан бунинг Румда бўладиган хили, — ёввойи зира, ғозпанжа илдизи ва унинг суви, ер бағирлаб ўсувчи санавбар, *жулах*, *морчўба* илдизи, Миср тўпалоғининг илдизи, дафна да-

рахти илдизининг қобиғи, турп уруғи, ёввойи саримсоқ, «тиканли оқ тоқ» шоҳлари, чўл газағўт, яна арман бурақи, — бундан беш *дирҳам* вазнида олиб, асал билан қорилади ва турп сувида уч кун ичилади, — яна тоғ бўйимодаронининг ширасидан бир *мисқолни* илқ сув билан ичилади.

Баъзи табибларнинг айтишларича, етмиш дона мурчи майин қилиб янчиб, етита кулча тайёрланса ва ҳар кун бир кулчадан ичирилса, тош сийдик билан чиқади. Пистада [ҳам] буйрак тошини майдалайдиган қувват бор. Буйрак [тоши]га нисбатан кучли дорилардан яҳуд тоши, кийик ўти ва ер бағирлаб ўсувчи санавбардир. Умуман, кучли дорилардан бири чаёнларнинг кули ва чаён ёғидир; чаён ёғи деб чаённи солиб офтобга қўйилган зайтун ёғига айтилади. Буни қовуқ тошида суртилади ёки *мизрақа* қуроли билан қовуққа юборилади. Чаён кулини тайёрлашнинг энг яхши усули қуйидагича: қалин шишага чаёнларни солиб, устини «ҳикмат лойи» билан суваб бир кеча ёки озроқ вақтга иссиқ тандирга қўйилади, [аммо] жуда қаттиқ куйдирилмайди, эртасига олинади. [Кулнинг] қувватини шилиб олиб қўядиган сополдан кўра [бу ишда] шиша яхшироқдир. Сўйилган қўённинг шу усулда олинган кули [ҳам] кучлидир. Бундан икки *дирҳам* вазнида ичилади. [Бу кул ивигилган] сувнинг [тошни] эритиш [таъсири] кучлидир. Бош ва оёқлари олиниб, таналари мис идишда офтобда қуритилган ялтироқ қурт ҳам ишлатилади. Яна қуритилган чувалчанглар, янчиш билан кукун қилиб тайёрланган шиша, шунингдек яна шиша кули [ҳам] ишлатилади. Энг яхшиси, шишани темир човлида қиздирилади, кейин уни қоқила сувига солинади, шунда шишанинг куйган қисми тўкилади, қолганини яна қиздирилади. Шу йўл билан унинг ҳаммаси кукунга айлантирилади. Бу кукунни яхшилаб янчилади. Бундан бир *мисқолни* ўн икки *мисқол* иссиқ сувга солиб ичадилар. [Бунинг учун] энг яхшиси тиниқ оқ шишадир.

Булулда бўладиган тошлар ҳам энг кучли дорилардандир. Яна таканинг қуритилган қони [ҳам шундай], — бунинг энг яхшиси узумга ранг кира бошлаган вақтда олинганидир. [Аввал] янги қозон топ; ундан куллик ва тузлик табиати кетгунча, унда сув қайнат; агар [қозон] тошдан бўлса, яхшироқ бўлади. Сўнг тўрт яшар такани шу қозон устида сўйиб, қонининг аввалини ва охирини оқизиб ташланади, фақат ўртадаги [қонни] қозонга оқизилади; сўнг қотгунча уни қўйиб қўйилади.

Сўнгра майда бўлақларга қирқиб, улардан кулчалар ясалади. [Кейин] уларни тоза латтага ёки ғалвирга солиб, очиқ ерда офтобга қўй, уни чангдан сақлаш учун ипак латта ёп. Ҳеч бир нам етмайдиган ерда қаттиқ қуригунча ташлаб қўй. Кулчаларни сақлаб қўйиб керак бўлганда оғриқ қолган вақтда бир қошиқ ширин шаробга ёки тоғ петрушкасининг сувига солиб ичирилса, ажойиб фойдаси кўрилади.

Кучли нарсалардан бири жўжаси очилиб чиққан товуқ тухуми пўчоғининг кулидир. Кучи зўр ва ҳамма воситалардан яхшироғи юнончада *атроғулидигус* деб аталган чумчуқдир. Бу саъва жинсидаги бир чумчуқ бўлиб, «шоҳ чумчуғи»дан бошқа чумчуқларнинг ҳаммасидан кичикдир. Танасининг туси кулранг, сариқ ва яшил ранг ўртасида, қанотлари устида тилла ранг патлари ва танасида оқ нуқталари бор. У, кўпинча, қишда, шўрхок ерларда деворлар остида пайдо бўлади. Кўп учолмайди, аксинча озгина учиб қўнади, доимо овоз чиқариб думини қимиллатиб туради; буни хомлигича ейилади, шундай қилинса яхшироқ бўлади. Пиширилиб, қовурилиб, тузланиб ва қоқи қилиниб кам ейилади. Гоҳо буни, бутунлигича, қувватини кесиб қўядиган даражада иссиқ бўлмаган тандирда куйдирилади, тандирга худди чаён ва бошқалар ҳақида айтилгандай қилиб, шишага солиб қўйилади. Баъзан буни оғзи бекитилган тош ёки сопол қозончада куйдирилади. Қовурилишдан куйиш чегарасига ўтганда уни олинади. Гоҳо тузланган ва қовурилганига мурч ва *содаж* каби дориворлар қўшилади. Қоқи қилингани ёки куйдирилганини иссиқлигида тиниқ шароб билан, ёки асал билан, ё асал суви билан, ёхуд *ҳандиқун* билан истеъмол қилинади. Дорилардан ҳар бирини ҳам шундай ичирилади. [Табибларнинг] бир гуруҳи бу қушни «тиканзор чумчуғи» дейишади. Яна бир қуш бор, уни фаранкчада *сафроғун* деб аталади. Билмайман, у шуми ёки бошқами. [Баъзилар], бу чумчуқнинг ичагини қуритиб оз-оздан ичилса, тошни ҳар бир ерда бўлса ҳам чиқаради, деб даъво қиладилар. [Баъзи] табибларнинг айтишларича, тошнинг ўзи тошни чиқаради.

Яна каптар тезағи ва ҳўроз тезағи [ҳам бунда фойдалидир]. Хунайн ва ал-Киндийнинг айтишларича, катталарга икки *дирҳам*, кичикларга ярим *дирҳамини* шу миқдордаги табарзад шакари билан ичирсалар, ҳар бир тошни чиқаради. Кўпинча, унга мурч ва туз аралаштирилади, айниқса кийик ўти қайнатмасига [қўшиб ичи-

радилар]. Яна, гўнг қўнғизнинг қуритилгани [ҳам шундай таъсирга эга]. Баъзиларнинг гумонича, жинсий олат остига типратикан найзаларни куйдириб тутагачса, тошни сийдик билан чиқарар эмни, бироқ буни мен тўғри деб топмайман.

Бу дориларни яхшироқ ўтказиш учун буларни аралаштириладиган дориларга келсак, улар, масалан, қуйидагилардир: мурч, ялпиз, дорчин; булар дориларни ўтказиш билан бирликда тошни кўзгатишда ёрдам ҳам беради. Кучли сийдириш ва қуюқ чиқиндиларни чиқариш учун қўшиладиган дориларга келсак, улар қуйидагилардир: машҳур уруғлар, айниқса тоғ [ўсимликларининг уруғлари] ёввойи сабзи уруғи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи *укроп* илдизи, туёғўт, шир, жувона, *кошим*, Рум сассиқ қавраги, тоғ мурчи, қорачайир ва ёввойи зира; баъзи одамлар олакулангни [ҳам] истеъмол қилишга журъат қиладилар. Бу дорилар сийдикни кучли ҳайдаш билан бирга уларнинг тошга таъсирлари ҳам йўқ эмас.

[Тош дорисини] бир оз қамаб туриш учун аралаштириладиган дорилар елимлардир; баъзан буларнинг ўзи ҳам тошга таъсир этади, [масалан] чилноя ва ёнгоқ елимлари шундай.

Оғриқни қолдирадиган дориларга келсак, улар зиғир уруғи ва унинг шиллиғи, чилгўза, фундуқ ва гулхайри уруғи кабилардир. Буларнинг тош дориларини қамаб туриш билан бирга буйрак жисмига мувофиқлик хусусиятлари ҳам бор. Увуштирувчилардан ўзинг билган дорилар қўшилади. [Буйракка] қувват берувчи дорилардан баҳман, ёввойи занжабил, қуруқ гулсапсар, тоғ мурчи, темиртикан уруғи, яна қизил гул, анор гули, қорачайир ва сандал кабилар.

МУРАККАБ ДОРИЛАР

Тошга қарши ишлатиладиган мураккаб дориларга келсак, улардан [бири] *митридатдир*. Бу буйрак тошида [бошқалардан] кучли ва ортиқдир. Яна *сажасониё*, буйрак ва қовуқ учун чаёндан қилинадиган машҳур маъжун, яна улуглиги сабабли «Тангрининг қўли» [*ядулло*] деб аталган ва така қонидан тайёрланган дори, «қиммат баҳо» [*ҳазоиний*] деб танилган ва бальзам ёғидан тайёрланган дори; сўнгги дори ажойибдир. Биз тажриба қилиб кўрган кучли дори: шиша кули, чаёнлар кули, набат карами илдизининг кули, қуён кули, булут

Тоши, така қонининг қуритилиб янчилгани, жўжаси чиққан тухум пўчоғининг кули, яҳуд тоши, ёнғоқ елими ва игир — ҳаммасидан баробар ҳиссадан; яна тоғ петрушкаси, ёввойи сабзи уруғи, кийик ўти, араб елими, гулхайри уруғи ва мурчларнинг ҳар биридан бир ярим ҳиссадан олиб, асалга қориб сақланади. Бундан ҳар гал икки *миққолгача* ёки кўпроғини қора нўхат билан қайнатилган темиртикан сувида ичирилади. Бу қовуқ тошига ҳам фойдалидир. Яна шундай дорилардан бири: Набат карами илдизининг кули, жўжаси чиққан тухум пўчоғининг кули, эркак ва урғочи яҳуд тошининг қириндисини олиб қўшилади ва шундан бир қошиқни шароб ёки темиртикан сувида ичирилади. Бу дори буйрак тошига ҳам фойда қилади ва уни оқ лойга ўхшатиб чиқаради. Умумий бўлган кучли дорилардан бири мана будир: қовун уруғи, куйдирилган шиша ва *қулдан* баробар ҳисса олиб нўхат суви билан ичирилади. Яна каптар тезаги ва хўроз тезагини олиб, булардан бир миқдорини турп суви, шароб ёки иссиқ сув билан берилади. Бунинг ҳам фойдаси умумийдир.

[Яна]: етмакдан бир *дирҳам*, каптар тезагидан бир *дирҳам*, қора қўнғиздан ярим *донақ* вазнида олиб [янчилик] шароб билан берилади. Яна, булут тоши, талоқғиёҳ, *парсийёвашон*, гулхайри уруғи, тоғ петрушкаси, ҳаммасидан баробар миқдорда олинади. Бир ичимга кераги қадар тоғ петрушкасининг суви билан, ёки илдизлар ивйтмаси билан, ёки темиртикан суви билан, ёхуд турп суви билан ичирилади.

Яна умуман фойдали [дорилардан]: бальзам дарахти мевасининг донаси, қуритилган дашт ялпизи, булут тоши, ёввойи гулхайри уруғи, қуруқ тоғ қора райҳони, — [шуларнинг] ҳаммасидан баробар миқдорда олиниб янчилади: бундан ҳар куни тўрт *уқияга* қадар сув аралаштирилган шароб билан қўшиб, бир қошиқдан берилади. Буйракка хос таркиблардан [бири]: майсавадан — икки *дирҳам*, ёввойи петрушка — икки *дирҳам*, мурч — тўрт *дирҳам*; бир ичимга етарлик деб гумон қилинган миқдорда [шу таркибдан] олиб, денгиз пиёзидан қилинган *сиканжубин* билан ичирилади. Яна, дашт газгаўт, ёввойи гулхайри, петрушка илдизи — ҳаммасидан баробар ҳиссадан олинади; бундан икки қошиқ олиб, шаробда қайнатилади, [кейин] тиндирилиб ичилади. Яна, ғозпанжани асал *сиканжубини* ёки асал суви билан ичилади. Ёки турп уруғи ва *қулдан* баробар миқдорда олиниб, бир фундуқ вазнидагисини

ясмин ёғи билан берилади. Яна, бир текширилган дор: қовун уруғи, махсар, заъфарон ва қулт; бу тиркибни қайта-қайта ичирилади. Яна, пўсти артилган махсардонаси янчилади; бундан икки *мисқол*, заъфарондан бир *мисқол*, аристолохиядан ярим *мисқол* олиб, асал билан қорилади; бунинг бир ичими тўрт *мисқол* бўлади.

Яна, ёввойи зирадан икки *дирахмий*, динна *дарахти* илдизининг қобиғидан ҳам шунча [олиб ишлатилади]. Яна, исириқ уруғи ва муқлдан ҳаблар яследи; бундан бир ичими — ҳар куни бир *дирахмча* [бўлиб] турп-япроғи ва ҳўл қора андиз суви билан ёки *зайтун суви* билан [ичилади].

Аламни тўхтатиб, тошни чиқарадиган *яхши дор*: форс петрушкаси деб аталадиган ёввойи петрушка, яъни симурниюнда бир *уқия*, Миср тўпалоғи, хушбўй сунбул, оқ кўкнори уруғи, дорчин, Цейлон дорчини, оқ мурч, сабзи уруғи, меҳригиёҳ — буларнинг ҳар биридан бир ярим *уқия*, яҳуд тошидан ярим *уқия*, Македониядан келтириладиган тошдан — ярим *уқия* олиб, [буларни] асал билан қорилади. Бир ичими бир фундуқ бўлиб, шароб билан ичилади.

Тош пайдо бўлишига қарши турадиган дор: *сомарявмо* уруғи, кийик ўти, гулхайри уруғининг ҳар биридан бир *дирахмий*, боғларда бўладиган таррак уруғи, қовун уруғи ва катиронинг ҳар биридан ярим *дирахм* олиб ҳаммасини аралаштирилиб истеъмол қилинади. Бир ичими сув аралаштирилган бир *дирахмий*.

Бошқа [таркиб]: булутда бўладиган тош, темиртикан илдизи, сабзи уруғи — ҳар биридан икки *дирахмийдан*, таррак уруғи, гулхайри уруғи ва крахмалнинг ҳар биридан икки *дирахмий*, арпабодиён уруғи, рум арпабодиёни ва жулахнинг ҳар биридан уч *дирахмий* олинади. Гоҳо тош дорилари ва уларнинг ёрдамчилари қайнатилган сувларни ичирилади. Масалан, ер бағирлаб ўсувчи санавбар, жулах, ялпиз, темиртикан илдизи ёки меваси, рум сассиқ қавраги, талоқғиёҳ, ёввойи гулхайри илдизи, *парсиёвашон*, қизил тасма, ширин ажриқ, илдизи, *ғофит* илдизи, гулхайри уруғи, *сомарявмо* ва тоғ бўйимодаронининг ширасидан баробар бўлакларни олинади; кийик ўти ва бошқалар қайнатилган сувларни сийдирувчилар билан бирликда ичирилади. Буларнинг соғлик вақтида истеъмол қилинса, тош туғилишига **мон**е бўлади.

ҚАЙНАТМА ДОРИЛАР

Буйрак тошида оғриқ тутиш вақтларида истеъмол қилишни давом эттирилса, фойда берадиган қайнатма дорини мана бундай қилинади: ёввойи гулхайри япроғини қайнатиб қайнатмага қиздирилган сариёғ ва асал солинади, бундан кўп миқдорда ичирилади. Бу тошни тойдиради, сийдикни юргизади ва тош йўлларини юмшатиб уни енгиллик билан чиқаради. Руфуснинг айтишича, олтингугуртли иссиқ сувларга кўпроқ тушиш тошни майдалайди. Бу шунга ишора қилади: баъзи ўткир сувлар борки, кўпинча, улар терини яра қилади, уларга тош дорисини солиб иссиқ ҳолда латгани ботириб, тош бор ўринга қўйилса, уни эритади. Биз шундай сувларнинг бирини тажриба қилиб кўрдик.

Тошни кўчиб қўпорилишга ва осонлик билан тойиб чиқишга тайёрлайдиган тадбирларга келсак, бунинг учун [сийдик йўлларини] бўшаштирувчи ёғларни суртиш керак бўлади. Шунингдек, қўйиладиган, боғланадиган дорилар ва мумли суртмалар ҳам ишлатилади, яна ҳаммом ва ванналар ҳам ҳаддан ташқари бўшаштириб, ҳайдовчи қувватни туширмайдиган даражада ишлатилади. Кўпинча буларни [қўллаш] натижасида [касал] аъзога кўпроқ модда оқиб келади. Шундан кейин тошни қўпоровчи дори ичирилади. Бунда қўпориш ва чиқариш осонлашади. Бўшаштирувчиларни маълум қоидага мувофиқ қувват берувчи [дорилар] билан, айниқса қувват берувчиларнинг [тошни] эритишдаги [асосий] мақсадга зид келмайдиганлари билан аралаштириш керак. Булар гулсапсар ёғи, сунбул ёғи, хинна ёғи, *шаббўй* ёғи ва бу ўсимликларнинг таналаридир. *Шаббўй* ёғи кўп хоссаларни ўзида тўплаган. Бундан кейин, юқориги йўллар кенгайсин учун бел, биқин ва киндик ости сиқиб боғланади, ёки [шу ерларни] қўл билан уқаланади; кейин тошни майдаловчи дорилар ичирилади. Булар ичирилган бўлса, кетидан сийдирувчилар берилади. *Хиёршанбарни* ёки сийдирувчи ширалардан ёпишқоқлик ва тойдиришлик хусусиятлари бўлганларини бодом ёғи билан ичиришда ҳам зарар йўқ. [Сийдик йўлларини] бўшаштиришдан ёки бўшаштириш керак [деб] топилмагандан кейин, кўчган тош ҳаракатда бўлганида булут ёки унинг каби нарсани сув ва зайтун ёғига ботириб боғлаш, ёки кичик қоқила ва кепак боғлаш, шунингдек қуюқ суртмалар қўйиш, қиздирувчи ёғлар билан, масалан, газзагўт ёғи, зайтун ёғи ва қун-

дуз қири билан ишқалаш фойда берадиган нарсилардан саналади.

Куюқ суртманинг қиздиришчилигини сақлаш керак. Агар бундан кучлироқ нарсага эҳтиёж бўлса, қортиқ ларни тош бор ернинг яқинига қўйилса, уни тортади. Кейин у ердан пастроққа тушиб, у ерга [қортиқ] ёпиштирилади. Шундай қилиб, секин-аста икки буйрак устидан сийдик йўли орқали қийиш қилиниб пастга туширилади. Тош қовуққа сирланиб тушса, оғриқ тўхтайди. Гоҳо бадантарбия қилиш, ҳаракат қилиш, йўрга отга миниш ва зинадан тушиш ҳам [тошни тушириш учун] кифоя қилади, айниқса, дорилар билан [аввал] ишқаланган бўлса. Агар [тош] қовуқдан олат йўлига тушса, бунда оғриқ беради. Бу чоғда у ерни биз [қуйинди] айтганимиздек даволаш керак.

Оғриқ тадбирига келсак, агар қовуқда оғриқ зўрайса, айниқса тошнинг катталигидан ёки тишлилигидан, тирновчи ва шилувчи дағалликдан у зўрайган бўлса, баъзан уни ҳаммом ва ванна тўхтатади. Агар буларда ҳаддан ташқари узоқ қолиб, улар бўшаширса, бир муддатдан кейин қаттиқ оғриқ яна қайталайди. Бунда бобуна, қашқарбеда, гулхайри ва кенакларни қайнатиб [сувини] қуйиш яхши фойда қилади. Агар ич қотса, тўғрироқ тадбир ахлатни шамча ёки ҳуқна билан чиқаришдир. Агар ҳуқна катта бўлса, [буйрак] сиқилиб алам беради, шунинг учун мешимча, шамча яхшироқдир. Табиат юмшатилагач анча енгиллик бўлиб, оғриқ қолади. Сурги дорини ишлатиш мумкин эмас, чунки сурги дори юқоридан туширадиган нарса билан алам ва азият беради. Ҳуқна эса, агар унга чарви ва ёғларни ҳамда бўшаштирувчи ва кучли сийдирувчи дориларни солинса, ични суриш билан бирга юмшатиб, оғриқни қолдиради ва тошни чиқаришга ёрдам беради. Оғриқ қаттиқ бўлиб, юқорида айтганларимиз билан даволанганда тўхтаса ва тош дориси билан даволанганда [яна] қўзғаладиган бўлса, [тошни] кучли ҳаракат қилдирадиган [дорилардан] сақланиб, юмшатувчи юмшоқ дорилар билан ҳуқна қилиш, ишқаланадиган дорилар ва мумли суртмалардан бўшаштирувчи ва юмшатиб тойдирувчиларига мурожаат қилиш тўғрироқдир.

Бундай ҳолда, кўпинча, қустирувчи дори истеъмол қилиш фойдалидир, бунинг фойда қилиши тошни сиқиб турган моддаларни камайтириб туриш: билан бўлади. [Қустириш] тошни юқорига тортиши билан баъзан зарар бериб ҳам қолади. Агар оғриқ ҳеч бир сусаймай-

диган бўлса, увуштирувчи нарсалардан ичирилади. Буларнинг энг яхшиси *филуниёдир*. Яна меҳригиёҳ мевасидан қилинган дори ва эскирмаган, балки янги ва ҳаали афюннинг қуввати кетмаган тарёқ бир неча томондан фойда қилади: бу, тарёқлик хоссаси, сийдирувчилиги, тошни майдаловчилиги ва оғриқни қолдириши билан фойда қилади. Оғриқ сезилишига, кўпинча, буйрак ҳам, ичаклардаги [тошни] сиқиб турган еллар ҳам сабаб бўлади. Бу еллар ўз аломатлари билан танилади, Бу чоғда газাগўт ёки унинг уруғи, тоғ петрушкаси уруғи, Рум бодиёни, қора зира, жувона ва седаналар каби елни синдирувчиларга мурожаат қилиш зарур; буларни асал суви каби нарсаларга солиб ичирилади, ёки қўйиб боғланади, ёки улардан мумли суртма қилинади, ёхуд ҳуқнада истеъмол қилинади.

Агар тошнинг сабаби иссиқ шиш бўлса, олдин буйрак шиши даволанади. Сен билган қўйиладиган, боғланадиган дорилар ва мумли суртмалар билан [ҳарорат] сўндирилади; буларни турли фаслларда айтилган эди. Буларнинг яхши сингиши учун устларига бир оз сирка сочиш керак. Шунингдек, шу ширалар билан ва қизил гул ёғи билан ҳуқна қилинади. Агар томирдан қон олиш лозим бўлса, олинади.

Агар тош қаттиқ шишдан бўлса, иссиқлик ширалар билан, масалан, зиғир, сариқ йўнғичқа, гулхайри ва канавча уруғларининг шираси билан, унга бирон совутовчи шира аралаштириб ишлатиш билан даволанади. Шунингдек, бобуна, қашқарбеда, темиртикан ва укроп билан [даволанади]. Бу дорилар ичилади, ҳуқна қилинади ва суртилади. Булар суртма қилинганда уларга санавбар елими, Эрон қавраги, қаврак елими, майъа елими, қундуз қири ёки *мурр* қўшиш керак. Яна, иссиқ [мизожли] ёғлардан бир оз кучайтирадигани ишлатилади.



МУНДАРИЖА

Айрим аъзоларда юз берадиган жузъий касалликлар	
Мияда турли ҳолларни пайдо қилувчи бош касалликлари ҳақида умумий сўз	3
Мия аҳволини ўрганишда зарур бўлган белгилар	4
Бош касалликлари аломатларини бирма-бир [баён қилиш] қилиш	5
Бош оғриқлари [ва] уларнинг турлари тўғрисида	8
Бош оғриғи тўғрисида умумий сўз	11
Бош оғриғида қўлланадиган умумий тадбир	
Шақиқа [мигрень] ҳақида	14
Литаргус, яъни совуқ сарсом, унинг таржимаси «унутиш» демакдир	16
Эслаш [қобилиятининг] бузилиши	18
Ишқ [севги]	21
Тутқаноқ	23
Сакта	37
Асаб касалликлари	44
Фалаж ва бўшашиш-шалвираш касаллиги	45
Юз фалажи [лақва]	53
Қалтироқ касаллиги, унинг турлари белгилари ва уни даволаш	57
Кўз касалликлари	60
Кўзни даволашдаги умумий қондалар	60
Кўзнинг соғлиғини сақлаш ва кўзга зарар етказадиган нарсалар	61
Кўз яллиғланиши [рамад] ва қитиқланиши	63
Кўз яллиғланишининг барча турларига ва кўзга назлар қуйилишига умумий бўлган даволаш [усуллари]	66
Фасл. Кўзга оқ [тушиши]	71
Кўришга зарар етказадиган нарсалар	73
Шабкўрлик	73
Катаракта	75
Оғиз чақаси ва ёмон яралари	80
Тишларни соғ сақлаш	82
Упкада бўладиган касалликлар	85
Упкани даволаш	85
Ҳарсиллаш [рабу, астма]	86
Ҳарсиллаш, нафас қисиш ва тик туриб нафас олишни даволаш	87
Кўкрак ва биқинда бўладиган оғриқлар ҳақида умумий сўз	95
Упка яллиғланиши [зотурриа]	102
Шакл, ташқи кўриниш, ёш ва мизож жиҳатидан сил касаллигига қобилиятли бўлган кишилар	106

Кўкрак ва ўпка яралари—уларнинг бири силдир	
Зотилжамни даволаш	108
Ўпка яллиғланишини даволаш	113
Кўкрак яраларини ва силни даволаш	116
Юрак касалликлари	123
Юрак аҳволини далиллар орқали [билиш] йўллари	125
Юрак касалликларининг белгилари	128
Юракни даволашнинг умумий қондалари	128
Хафақон ва унинг сабаблари	133
Беҳушликнинг турлари, сабаблари ва тўсатдан ўлиш- нинг важҳлари	138
Қизилўнғач касалликлари	151
Қизилўнғач шишлари	151
Меъда касалликлари	152
Умумий йўл билан даволаш	157
Меъдага ёқадиган нарсалар	158
Истеъмол қилинганда меъда ва ичакларга зарар қила- диган нарсалар	159
Меъда оғриғи	161
Меъдада бўладиган яралар	165
Жигар ва унинг ҳолатлари	167
Жигарнинг аҳволини билиш йўллари	167
Жигарни даволаш ҳақида умумий сўз	168
Жигарга зарарли нарсалар	169
Жигарга ёқадиган [мос] нарсалар	170
Жигар кучсизлиги	171
Жигар тиқилмалари	178
Жигар оғриғи	184
Жигар ва унинг ён-берида бўладиган шишлар ҳақида умумий сўз	186
Жигар шиши билан қорин деворининг жигар устида ётган мушакларидаги шиш ўртасидаги айрмалар	189
Қондан бўладиган иссиқ шишни даволаш	190
Истисқо	202
«Мешсимон» истисқони даволаш	210
«Гўшт истисқоси»ни даволаш	227
«Ноғорасимон» истисқони даволаш	228
Сариқ ва қорасариқ	233
Сариқ касаллигини даволаш	
Қорасариқ касаллигини даволаш ҳамда иккала хил сариқ касаллиги бир йўла пайдо бўлганда [қўлланила- диган даволаш тадбири]	242
Ҳамма важҳ ва сабаблардан бўладиган ич кетиш, ҳатто ичак сирғанчиқлиги, [меъдада] овқатнинг бузилиши- дан бўладиган ич кетиш, зараб, ичдан қон ўтиши, жигар, талоқ, мия ва бадандан ҳайдалиб чиқадиган нарсалар ва заҳир	244
Куланж касаллиги ва ахлатнинг тўхталиб қолиши	264
Куланжни даволаш қондалари	270
Совуқ куланжни даволаш	273
Куланж касали билан оғриган кишиларга зарар қилади- ган нарсалар	276
Бавосир	277
Бавосирни кесиш ва ёриш тадбири ҳақида	279
«Кўр-кар» бавосир [ўсмалари]ни очиш ва қонини оқи- зиш тадбири	280

Бавосирга қарши буғлантирадиган ва сепиладиган дорилар ҳақида сўз	281
Оғриқни қолдирувчи дорилар	282
[Қон] оқшни тўхтатадиган дорилар	282
Бавосирга учраган кишиларнинг овқати	283
Буйрак касалликлари	284
Буйракнинг аҳволини кўрсатадиган аломатлар	284
Буйрак оғриғи ва унинг иложи	285
Буйрак тсши	285
Буйракда тош борлигининг аломатлари	286
Даволаш	287
Тошларни майдалайдиган дорилар тўғрисида	289
Мураккаб дорилар	293
Қайнатма дорилар	296
Марҳамлар	298

Научно-популярное издание

АБУ АЛИ ИБН СИНО

КАНОН МЕДИЦИНЫ

ИЗБРАННОЕ

ТОМ II

Раском Темур Саъдулла

Издательство народного наследия имени Абдуллы Кадыри

На узбекском языке

Илмий-оммабоп нашр

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ТИБ ҚОНУНЛАРИ

САЙЛАНМА

2-ЖИЛД

Нашр учун масъул: Азиз Бобохон, Бахтиёр Омон
Муҳаррир Тоҳир Иброҳим
Тех. муҳаррир Мирзиёд Олим
Мусаҳҳиҳа Зиёдаҳон Латифхон қизи

ИБ № 42

Теришга берилди 8.06.92 й. Босишга рухсат этилди 30.10.92. Бичи-
ми 84×108^{1/32}. Босмаҳона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма усу-
лида босилди, Шартли босма табоғи 15,9. Нашр табоғи 16,8. Жами 20000
нуска. 4258 рақамли буюртма, Баҳоси келишилган нарҳда, Шартно-
ма № 6589.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, Навоий, 30,

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғ. Ғулом номи-
даги нашриёт-матбаа бирлашмаси 1-босмаҳонасида босилди. 700002, Тош-
кент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.